

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАХРИРИЯТ ХАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

проф. **Набиев Д.Х.**

Бош муҳаррир ўринбосари

доц. **Холмирзаев Н.С.**

Масъул котиб

ф.ф.д. **Жумаев Т.Ж.**

Тахририят хайъати аъзолари:

проф. Баҳриддинова Б.М.

проф. Бўриев О.Б.

проф. Ёзиев Л.Ё.

проф. Жабборов А.М.

ф.-м.ф.д. Имомов А.

к.ф.д. Камолов Л.С.

проф. Кучбоев А.Э.

проф. Менглиев Б.Р.

т.ф.д. Мўминова Г.

проф. Нормуродов. М.Т.

проф. Нурманов С.Э.

проф. Очилов А.О.

п.ф.д. Расулов А.И.

ф.ф.д. Тожиева Г.Н.

проф. Тўраев Д.Т.

проф. Умирзаков Б.Е.

проф. Хайриддинов Б.Х.

ф.-м.ф.д. Холмуродов А.Э.

проф. Чориев С.А.

проф. Шодиев Р.Д.

проф. Шодмонов Н.Н.

проф. Эркаев А.П.

ф.ф.д. Эрнарзова Г.Х.

проф. Эшов Б.Ж.

проф. Эшқобилов Ю.Х.

проф. Курбонов Ш.Қ.

проф. Қўйлиев Б.

проф. Ҳакимов Н.Х.

доц. Орипова Н.Х.

доц. Рўзиев Б.Х.

доц. Эшқораева Н.

доц. Курбонов П.Қ.

доц. Ҳамраева Ё.Н.

Журнал 2009 йилда

ташкил этилган

Манзилимиз:

180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.

Қарши давлат университети,

Бош бино.

Тел.: (97) 385-33-73, (99) 056-33-14,

web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz

E-mail: qarduxj@umail.uz

Telegram: t.me/Qardu_xabarlari

2022
6/2(56)

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Муассис: Қарши давлат
университети

**Журнал Қашқадарё вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармаси
томонидан 17.09.2010 йилда
№ 14–061 рақамли гувоҳнома
билан қайта рўйхатдан ўтган.**

Мусахҳихлар:

З.Раҳматова
М.Набиева
З. Кенжаева
Ж. Буранова
Б. Турсунбоев

Саҳифаловчи

Я.Жумаев

Навбатчи

Т.Жумаев

Техник муҳаррир

М.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг қарорлари
билан *физика-математика, кимё,
биология, тарих, фалсафа,
сийсатишунослик, филология,
педагогика-психология ва иқтисод*
фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига
киритилган

Йилига 6 марта

чоп этилади

Журналдан олинган материалларга
“ҚарДУ хабарлари” журналидан
олинди”, деган ҳавола берилиши
шарт.

Муаллифлардан келган қўлёзма
материаллар эгаларига
кайтарилмайди.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Nazarov N. A. Tarixiy jarayonlarda etnik transformatsiyalashuv omili.....	4
Тилолов Ф. Хунармандчиликнинг Сурхондарё иқтисодидаги ўрни.....	8
Jo'rayev I. Qashqadaryo viloyati madaniy meros obyektlarini o'rganishning tashkiliy va amaliy jihatlari.....	12
Махамов М. Ўзбек халқининг заргарлик санъати: кеча ва бугун.....	16
Ҳайитов Ж.Ш. Ўзбекистонда мевали дарахтларнинг маҳаллий ва хорижий навлари тарихига доир.....	20
Маллаева Ф.Р. Мустақиллик йилларида нефть ва газ саноатининг ривожланиши тарихи (Муборак нефть-газни қайта ишлаш корхонаси 1990-1998-йиллар мисолида).....	25
Эргашев У.Қ. Жанубий Суғднинг қадим шаҳарларидан бири – Ғузур тарихига доир айрим маълумотлар.....	30
Сайфуллаев Б.Д. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари.....	33
Ражабов Қ. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида совет режимига қарши истиклол жанглари (1925–1935 й.).....	38
Темиров Ф.У., Бешимов М.К. Садриддин Айний – тарихчи олим.....	45
Жуманиёзов Ф.Б. Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятининг ташқи меҳнат миграцияси жараёнининг ривожланиши ва унинг вилоят иқтисодиётига таъсири.....	48
Оқназарова М. Қарши давлат университетига психолог кадрлар тайёрлаш ишининг ҳолати.....	53
Jabbarova I.X. Qarshi cho'lini o'zlashtirish jarayonida suv xo'jaligi mutaxassislarini tayyorlash masalalari.....	55
Буриев З.Т. Россия империяси томонидан Каспийorti вилоятига кўчирилган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи.....	60
Қулмуродов Ё. Шахрисабз шаҳри тарихига бир назар (XVIII аср).....	64
Раҳимов А.А. XX асрнинг 50-80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.....	67

ФАЛСАФА

Саломова Н.М. Нафс, эҳтиёж ва меъёр.....	71
Саидов Б.Ж. Қашқадарё воҳасида бола тарбияси анъаналари.....	76
Назаров Р.Н. Ижтимоий тармоқ оммалавийшувининг сабаблари.....	82
Холиқов Ю.О. Янги Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик муносабатларни ривожлантиришнинг фалсафий асослари.....	85
Сагдуллаева Д.Ш. Демократик янгиланишлар шароитида ҳуқуқий онгнинг ўрни.....	90
Юнусова Г.С. Қалб камолоти – инсон комиллигининг бош мезони.....	94
Тўраева А.П. Глобаллашув шароитида оила аъзолари функцияларининг трансформацияси.....	100
Худайбердиева Ҳ. Шарқ фалсафасида ватанпарварлик тарбиясига доир маънавий-ахлоқий қарашлар.....	103
Shaymanova A.E. Uchinchi renessans poydevorini shakllantirishda intellektual mulkdorlar qatlamining o'rni va roli.....	107

Намозов Б.Б. Мовароуннаҳрда теурийлар даврида тасаввуф намояндаларининг маърифатли курашига бир назар.....	110
Қурбонмурадoв Б.У. Замонавий экстремизм – жамият барқарорлигига таҳдид	116
Маҳаммаджанoв Ғ. Замонавийлашув жараёнида сиёсий институтлар ривожининг концептуал масалалари.....	119

СИЁСАТШУНОСЛИК

Кахарова М.М. Германияда ижтимоий-маънавий муҳитга таъсир этувчи омиллар: оиладаги муносабатлар.....	123
Тўраев К.С. Виртуал маънавий таҳдидларнинг шакл ва хусусиятлари.....	127
Нишанбаева Э., Абдухалилов А. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	131
Бойматов Р. Шахс сиёсий ижтимоийлашувининг мазмуни ва характери.....	137

ФИЛОЛОГИЯ

Бегимов О.Т. Метафора оронимларнинг шаклланишида муҳим мотивация воситаси сифатида (Жанубий Ўзбекистон оронимлари мисолида).....	141
Жумаев Т. Тилдаги тарихий мавжудликларнинг <i>реликт</i> термини дефиницияси асосидаги талқини.....	145
Begimqulova D. Reduplikativlik hodisasining tadqiqiy va tavsifiy tamoyillari.....	151
Bazarova D.B. O‘zbek tilida variantdosh birliklar tadqiqi.....	155
Ҳамидова Н. Ў. Халқ ўйинларининг номланишлари билан боғлиқ ономасиологик масалалар.....	158
Жумаева К.Т. Мирзо «Девон»и лексикасининг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати..	161
Хидирова Г.Х. Замонавий терминосистемада масофавий таълим терминларининг ўрни.....	164
Баходирова Г.Б. Ўзбек каштачилик лексикасининг лексик-семантик таснифига доир.....	169
Сувонов З.А. Ўзбек адабиётини лингвистик экспертиза қилиш хусусида.....	172
Ҳафизова М.А. Ғафур Ғулом фалсафий шеърятини Э.Воҳидов ижодининг шаклланишидаги аҳамияти.....	178
Шукурова С.О. Давр ва шахсият ўртасидаги муносабатлар талқини (Жон Стейнбекнинг “Жавохир” мифологик қиссаси мисолида).....	181
Умарова Н. 70-80-йиллар ўзбек шеърятинида ахлоқий-эстетик қарашлар ва лирик тафаккур муносабати.....	184
Жумаев Э. Б. Амир Темур образининг ўзбек адабиётинидаги талқинлари.....	187
Шукурова З.Б. О двуязычии жанров церковнославянского стиля русского языка.....	193
Хайдарова Г. Медиалингвистика: новое направление в изучении языка СМИ.....	196

TARIXIY JARAYONLARDA ETNIK TRANSFORMASIYALASHUV OMILI

Nazarov N. A. (Chirchiq davlat pedagogika universiteti)

Аннотация. Maqolada Turk runologiyasi namunasi hisoblangan O'rxun toshbitigidagi sir etnonimi va Sirdaryo gidronimining o'zaro aloqadorligi masalalari tadqiq etiladi. Turkiy xalqlar etnogenezida muhim o'rin tutuvchi o'rta asrlardagi qipchoqlar O'rxun yodgorliklarida sirlar sifatida bitilganligi, ilk o'rta asrlarda va o'rta asrlarda Sirdaryo havzasida muhim mavqeni egallab, daryoning nomi ham sir-qipchoqlar bois Sirdaryo sifatida mintaqa xalqlari leksikonida muhrlanib qolganligi masalalari tadqiq etiladi.

Tayanch so'zlar: *O'rxun toshbitigi, sirlar, qipchoqlar, seyanto, tele, qadimgi turklar, qabila, Sirdaryo, etnonim, gidronim, tarixiy taraqqiyot.*

Аннотация. В статье исследуется связь этнонима сир отраженной в Орхонской надписи, которой являющейся образцом тюркской рунологии с гидронимом Сырдарья. Изучено, что средневековые кипчаки, сыгравшие важную роль в этногенезе тюркских народов, отображенные как сирсы в Орхонском памятнике, играли важную роль в бассейне Сырдарьи в раннем средневековье и средневековье, так как благодаря сиров-кипчаков название реки Сырдарья также вошло в лексикон народов региона.

Ключевые слова: *Орхонские надписи, сирсы, кипчаки, сеянто, теле, древние турки, племя, Сырдарья, этноним, гидроним, историческое развитие.*

Annotation. The article examines the connection between the ethnonym Sire, reflected in the Orkhon inscription, which is an example of the Turkic runology with the hydronym of the Syr Darya. It is studied that the medieval Kipchaks, who played an important role in the ethnogenesis of the Turkic peoples, depicted as sirs in the Orkhon monument, played an important role in the Syr Darya basin in the early Middle Ages and the Middle Ages, since thanks to the Sirs-Kipchaks, the name of the Syr Darya river also entered the lexicon of the peoples of the region.

Key words: *Orkhon inscriptions, Sirs, Kipchaks, Seyanto, Tele, ancient Turks, tribe, Syr Darya, ethnonym, hydronym, historical development.*

Kirish. Tarixiy taraqqiyot davomida ko'plab toponimlarning etnonimlar bilan aloqadorligi kuzatiladi. Ayniqsa, bir etnos vakili yashagan yoki yashayotgan hududda joy nomlari va ushbu hududga yoki etnosga aloqador bo'lgan tog', tepalik, soy, yaylov, buloq, quduq va h.k. nomlari ko'plab uchraydi. Shu bois, Sirdaryo gidronimining O'rxun yozuvida (To'nyuquq bitiktoshi) uchraydigan sir etnonimi bilan bog'liqligi ham haqiqatga yaqindir. O'z fikrimizni isbotlash uchun tarixiy ma'lumotlarga murojaat etamiz.

Ma'lumki, bizning eramizning 605-yilida Sharqiy Tyan-Shanda yurgan sir qabilalari (Xitoy manbalarida Seyanto) G'arbiy Turk xoqonligiga qarshi qo'zg'olon ko'taradi, hoqonlik tarkibidan ajralib chiqib, ushbu hududni tark etishadi va hoqonning ukasi shad boshchiligida o'z davlatlarini tashkil etishga muvaffaq bo'lishadi.

Tadqiqot metodlari. Turklar ko'chmanchi va o'troq madaniyatga mansub superetnos sifatida insoniyat ijtimoiy-madaniy taraqqiyotga hissa qo'shib kelganligi tarixdan ayon. Shuningdek, turkiy xalqlar umuminsoniy madaniyatning tarkibiy qismi bo'lgan turkiy madaniyatga asos solib, tarixiy taraqqiyo davomida ijtimoiy-madaniy jarayonlar rivojini ta'minlab keldi. Albatta, madaniyat, urf-odat va an'ana yozuvdan minglab yillar oldin shakllanib, madaniyatning nisbatan yuqori bosqichi yozuvni vujudga keltiradi. Albatta, turkiy xalqlar hamda ularning madaniyatga mansublik xislatlari haqida gap ketganda turkiylarni ko'chmanchilik madaniyati bilan bog'lash an'analari ilmda ustuvor mohiyatga ega. Lekin, bu ajdodlarimizni butunlay ko'chmanchi bo'lgan, o'troq madaniyat turkiylarga yot degani emas. Ko'chmanchilik madaniyatida mujassam bo'lgan passionarlik salohiyati dunyoni turklarga tanitgani kabi, turklarni ham dunyoga tanitdi. Turklar o'troqlashib, ilgari umuminsoniy sivilizatsiyaga hissa qo'shib kelgan bo'lsa, endi sivilizatsiyalashuv jarayonlarining boshida turdi. Ko'chmanchilik va o'troq madaniyati turkiy xalqlarga xos bo'lib, ularning o'zaro mujassamlashgan hosilasi turkiy sivilizatsiyani vujudga keltirganligi e'tiborlidir. Metallurgiya sanoatining ham tamal toshi qadimgi turklar tomonidan qo'yilgan bo'lib, ushbu jihat ham qadimgi turklarning o'troq hayot

kechirganligini tasdiqlaydi. Zero, metal, jumladan oltin qazib chiqarib, ularga ishlov berish – faqat o'troq turmush tarziga ega bo'lgan xalqlargagina xosdir. Turkiy xalqlarga xos ushbu yutuqlar ularni Markaziy Osiyo mintaqasidagi yetakchilik mavqeini ta'minlab, ijtimoiy-madaniy taraqqiyotda ham turkiy omil yetakchi o'rinda namoyon bo'la boshladi. Turkiylar orasida, jumladan ularning yetakchi qabilalaridan biri bo'lgan sir-qipchoqlarning Markaziy Osiyo mintaqasidagi mavqei ijtimoiy hayotda aks eta boshladi. Mintaqadagi yirik daryo hisoblangan Sirdaryo atamasi bevosita qadimgi sir etnonimi bilan bog'liqligi, demakki turkiy xalqlar Sirdaryo havzasida qadimdan yashab kelayotganligi bilan birgalikda, ijtimoiy-madaniy taraqqiyotda ham sezilarni o'rin egallab kelayotganligini tadqiq etish ishning uslubini tashkil etadi.

Natijalar va muhokama. Yuqorida sirlar (seyanto) haqida to'xtaldik, bu etnonim turklar bilan bir qatorda O'rxun bitiktoshlarida ham uchraydi. «Qipchoqlarning qadimgi turkcha nomi "sir" edi, ular VI-VIII-asrlarga oid run yozuvlarida ham qayd etilgan. IV–VIII asrlarga oid Xitoy manbalarida "se" etnonimi ostida uchraydi, keyinchalik "seyanto" (V asrda, sirlar yamtar yoki yanto qabilalarini yengib, ularni ham o'z tarkibiga singdirishgan). Sirlar (seyanto) keyinchalik qipchoqlar sifatida tanildilar» [4;5]. Ya'ni: «Qipchoqlarning ajdodlari Tele qabilalari, so'ngra VI-VIII- asrlarda "seyanto" kichik guruhi bo'lgan» [12; 11]. Albatta, seyanto turklarga nisbatan kichik guruh bo'lgan bo'lishi mumkin, lekin Turk hoqonligi sharoitida muayyan mavqega ega edi.

Xullas, sir qabilasi shad boshchiligida Xangayga ko'chib o'tib, O'tyukenda 619-yili o'z qarorgohlarini tiklaydilar. 628-yilda tele qabilalarining sirlar va uyg'urlar boshchiligida Sharqiy Turklarning Elhoqoniga qarshi kurashi avjiga chiqadi. Hoqon O'tyukenni hujumchi qabilalarga tashlab, o'zi hoqonlikning janubiy qismiga qochib ketadi. O'g'uzlarning, ya'ni turkiy qabilalarning bunday parokandaligidan foydalangan Tan (Xitoy) imperatori Tayszun Elhoqon qo'shiniga zarba berib, 630-yilda sharqiy turk hoqonligiga barham berishga muvaffaq bo'ladi. Yaxlit hoqonlikning barham topganidan so'ng Xangayda sirlar va uyg'urlar orasida nizo chiqib, sirlarning g'alabasi bilan tugaydi. Shunday qilib Mo'g'uliston shimolida Elterish hoqon boshchiligida sirlar hoqimiyati tarix sahnasiga chiqadi. Hoqonlik Oltoydan Xinganga qadar hududni egallab, Yeniseyning yuqori havzasidan Gobigacha bo'lgan hududlarni qamrab oldi. Tola daryosining shimoliy sohiligacha hoqonlikka bo'ysunar edi. Ma'muriy jihatdan yangi hoqonlik ham eski turk hoqonligi kabi g'arbiy va sharqiy qanotlarga bo'lingan edi. 641-yilda sir Jiyanchu Bilge xoqon hamda vafot etgan turk hoqoni – Xitoy tomonidan qo'yilgan Elhoqon qo'shinlari orasida shiddatli janglab bo'lib o'tadi. 646-yilda sirlarga qarshi uyg'urlar boshchiligiga to'qqiz-o'g'uz qabilalari urush boshlaydi. Va ular Xitoydan yordam so'rab, birgalikda sirlarni yengishadi. 630-646-yillari tarix sahnasida faoliyat olib borgan sir hoqonligiga barham beriladi. Sirlarning o'z hokimiyatini tiklashga bo'lgan urinishlari 668-yili Xitoy tomonidan bostiriladi. Shunday qilib, sirlar o'zlarining o'n yilliklar davomida qarama-qarshi tarzda urushib kelgan o'z qondosh qabiladoshlari bilan birga Xitoyga qaram bo'lib qoladi. Hamda 679-yili sirlar va turklarning boshqa qaram qabilalari Xitoy hukmronligiga qarshi bosh ko'tarishadi. Ikki yil davom etgan qurolli kurash natijasida 681-yilda ikkinchi turk hoqonligiga asos solinadi. Ushbu hoqonlik ham uyg'urlar boshchiligida to'qqiz-o'g'uz qabilalari ittifoqi tomonidan 687-691-yillar, 714-715-yillar va 723-724-yillardagi hujumlar natijasida susayib, 744-yili ikkinchi turk hoqonligiga ham barham beriladi. Mag'lub sirlar Tola va O'rxun havzalaridan shimoliy Oltoy va Sharqiy Tyan-Shan tomonlarga qochib ketishadi. 712-716-yillar oralig'ida yozilgan To'nyuqo'q bitigida «Turk bilga hoqon Turk sir xalqini, O'g'uz xalqini tarbiyat qilib turibdi» [1;79], - deyiladi. 735-yilda qo'yilgan Bilga hoqon bitiktoshida sir atamasi etnonim sifatida uchraydi [1;126]. Shunday qilib «Sirlar oxirgi marta manbalarda 735-yilda uchrab, etnonim sifatida tarix sahnasidan barham topib, boshqa nom bilan – qipchoq sifatida namoyon bo'la boshlaydi. Va shu bilan sirlarning (seyanto) tarixi tugaydi» [8;121-129]. Lekin, ijtimoiy-tarixiy jarayonlarda bir etnonimning ijtimoiy leksikondan tushishi, ushbu etnik qatlamning tamoman barham bo'lishini bildirmasdan, balki tarix sahnasida boshqa etnonim bilan paydo bo'lishiga imkon yaratadi. Zero, yuqorida ta'kidlaganimizdek, etnik transformatsiyalashuv jarayonlari qadimgi davrlarda, ilk o'rta asrlarda va o'rta asrlarda insoniyat tarixiy taraqqiyotida yaqqol kuzatiladi.

«Sirlar (seyanto) haqida shuni qo‘shimcha qilish mumkinki, xitoy yilnomalari, xususan Tanshu guvohligiga ko‘ra, seyanto, ya‘ni sirlar tele qabilalari ichida kuchli bo‘lib, ular o‘z jang usullari bo‘yicha qadimgi turklarga o‘xshash bo‘lgan. Srostkin arxeologik madaniyatida sirlarning dafn etilish marosimlari qipchoqlarnikiga xos deb hisoblangan. Xususan jasadlarning o‘z oti bilan ko‘milishi qadimgi turklarda, so‘ngra esa seyanto, ya‘ni sirlarda, so‘ngra esa IX–XII – asrlarda qipchoqlar dafn marosimlarida uchraydi» [4;5]. Demak, Turk hoqonligi sharoitidagi sirlar o‘rta asrlarda Yevroosiyo kengliklarida qipchoqlar sifatida ot surganlar.

Ya‘ni, Turk hoqonligi sharoitidagi «sirlar» etnik transformatsiyalashuv natijasida qipchoq etnonimi ostida o‘z faoliyatlarini davom ettiradi. «Etnotarixiy jarayonlarda etnosning shakllanib, yangicha mazmunda rivojlanishida etnik transformatsiyalashuv ham muhim o‘rin tutadi. Etnik transformatsiya eski etnoslarning yangi ijtimoiy-madaniy sharoitlarga moslashib, o‘z madaniyati tarkibiga inoetnik xususiyatlarni singdirib, etnoijtimoiy va etnomadaniy sahnada yangi etnik birlik sifatida qaror topishidir» [11;58-59]. Bu yerda shuni ham ta‘kidlash lozimki, transformatsiyalashuv jarayonlarida inoetnik madaniyatni singdirishi ham mumkin, singdirmasligi ham mumkin. Qolaversa, ushbu tarifi sirlarga nisbatan qo‘llaniladigan bo‘lsa, ular tarixiy shakllanishi yaxlit bo‘lgan to‘qqiz-o‘g‘uzlar bilan raqobatlashib yengilib, qipchoq sifatidagi etnonim raqobatchilari tomonidan sirlarga nisbatan kamsituv sifatida qo‘llanilib, so‘ngra sirlarning o‘zlari ham ushbu kamsituvni etnonim sifatida qabul qilgan bo‘lsalarda, biroq tarixiy tafakkurda ajdodlarining sir etnonimiga mansub ekanligi ham saqlanib qolganligi ayni haqiqatdir.

Manbalarda sir-qipchoqlar turk sifatida tilga olinib, butun turkiy xalqlar istiqomat qiluvchi shimoliy-sharqiy kenglik Qipchoq dalasi (Dashti Qipchoq) sifatida e‘tirof etilishi tarixiy jarayonlarda ob‘ektiv holat bo‘lib, bir-birini to‘ldirib kelishga xizmat qiladi. Bu borada mashhur turkolog olim S.Klyashtornyy: «Turk-qipchoqlar deganda shuni tushunish mumkinki, o‘sha paytda qipchoqlarning yetakchi urug‘i hukmronlik qilgan» [6;162], - deydi. Albatta, dovyurak yetakchi o‘zi mansub bo‘lgan elning ijtimoiy mavqeining yuksalishiga xizmat qiladi. Bu bois ham xalqlar tarixi buyuk shaxslar tarixidan iborat.

Shunisi e‘tiborga molikki, qadimgi sirlarning avlodlari bo‘lgan qipchoqlar turkiy xalqlar etnogenezida sezilarli iz qoldirganlar. N.A.Aristovning fikriga ko‘ra «Qangli va qipchoqlardan janubiy-g‘arbiy turklar, Volga tatarlari, boshqirdlar va boshqa xalqlar shakllangan, ular o‘zbeklar, sartlar va qirg‘iz-qozoqlarning shakllanishida ham muhim o‘rin tutadi. Bugungi turklarning uchdan ikki qismi qangli va qipchoqlarning avlodlaridir» [2;347]. Bu borada olim o‘z fikrini davom ettirib, «Kumanlarni qipchoqlar sifatida tushunish va qipchoqlarning qanglilar bilan qarindosh ekanligi hech qanday shubhaga o‘rin qoldirmaydi. XII va XIII asr boshlaridagi musulmon allomalari qangli va qipchoqlarni sinonim sifatida ishlatishgan (Juvayniyning ta‘kidlashicha Muhammad Xorazmshohning onasi qanglilardan bo‘lgan, boshqa manbalar esa uni qipchoq deyishadi)» [2;348], – deydi. Demak, tarixiy sharoitlar taqozosi bilan elning yetakchisi qaysi etnik qatlamga mansub bo‘lishiga qarab, etnonimlarning yetakchilik mohiyati o‘zgarib turgan.

O‘rta asrlarda tarixiy sirlarning avlodlari bo‘lgan qipchoqlar turk davlatchiligi rivojida, shuningdek mintaqaviy etnoslararo jarayonlarda ham muhim o‘rin egallab, ularning ijtimoiy mavqei ham yuksak bo‘lgan. «Turkon xotun (1150-1233) kelib chiqishi qipchoq bo‘lgan Xorazm hukmdori. Qipchoqning boyovut urug‘idan...» [9]. Demak, Sirdaryo bo‘yida joylashgan Boyovut tumani ham sir-qipchoq avlodlari sifatida o‘z ajdodlari etnonimi bilan atalgan daryo bo‘yida ekanligi yuqorida ilgari surgan gipotezamizni tasdiqlashga xizmat qiladi.

Manbalarda aks etgan Sirdaryo talqiniga to‘xtaladigan bo‘lsak, akademik V.V.Bartold: Sirdaryoga yunonlar tomonidan berilgan nom Yaksart bo‘lib, u mahalliy xalqlar tomonidan Xashart sifatida qo‘llanilganligini, turklar Sirdaryoni Gavhar daryo (Жемчужной рекой) – Inju o‘g‘uz sifatida qo‘llaganliklarini aytib o‘tadi [5;130]. To‘nyuquq bitiktoshida harbiy amaliyot ifodalangan shunday yozuvlar mavjud: «Elliktacha yigitni tutdik va o‘sha kechasiyoq har birini o‘z xalqiga jo‘natdik. U gapni eshitib, o‘n o‘q beglari, xalqi, hammasi bizga bosh egib keldi. Kelgan beklarni, xalqini surib, ozgina xalq qochgan edi. O‘n o‘q lashkarini jang qildirdim. Biz ham lashkar tortdik, uni quvdik. Inju o‘g‘izni kechib Tinsi o‘g‘li yetadigan Bangligak tog‘ini oshib o‘tib, Temir darvozagacha quvib bordik. O‘sha yerdan qaytardik» [13], - deyiladi. Bu yerda Inju o‘g‘iz sifatida bugungi Sirdaryo tilga olinadi. «Qadimgi turkiy til» o‘quv qo‘llanmasidagi

To'nyuquq bitigida Inju o'g'iz atamasini Sirdaryoning o'rta oqimi, sir esa quyi oqimi sifatida izohlanadi [1;77–84]. Shuningdek. Ulug' bitikda: «Sug'daq xalqini tuzatayin deb, Inju o'g'izni kechib, Temir qariqqacha lashkar tortdik» [1;109], – deyilib, Inju o'g'iz sifatida Sirdaryo nazarda tutiladi. Taniqli etnolog olim Adham Ashirov «XIII-XIV – asrlarda Sirdaryo etagidagi Jand shahri yaqinida Jo'jixonning o'g'illari va nabiralari o'rdasi «Sir o'rda» deb atalgan. Qadimgi turkiy yodgorliklarda «sir» etnonimi ham uchraydi. Ushbu dalillar «sir» degan so'zning etnonim ekanligi, asrlar davomida daryo nomiga aylanganligi va hozirga qadar yetib kelganligini ko'rsatadi» [3;43], – deydi. Demak, sir atamasining etnonimdan gidronimga aylanish jarayoni uzoq davom etib, bizning fikrimizda Sir hoqonligi (VIII-asr) sharoitida ijtimoiy tafakkurdan mustahkam o'rin egallay boshladi. Olim Suyun Qorayevning fikriga ko'ra: «XII-XIV-asrlarda Sirdaryo etagida Jand shahri yaqinida Jo'jixonning o'g'illari va nabiralarning o'rdasi Sir o'rda deb atalgan. Bu faktlar daryoning qadimiy nomlaridan biri ikki ming yil davomida xalq og'zida saqlanibgina qolmasdan, ko'chmanchi o'zbek qabilalari Movarounnahrni bosib olgach, asta-sekin daryoning asosiy nomi (Sirdaryo) bo'lib qolganini ko'rsatadi» [16;112]. Sirdaryo gidronimi turkiy sir etnonimi bilan bog'liq ekanligini yuqoridagi fikrlar ham isbotlaydi.

N.G.Mallitskiy ham ushbu masalaga to'xtalib: «Sir atamasi ba'zan Sirdaryoning quyi oqimida joylashgan qozoq dalasining barcha janubiy qismini anglatadi» [10;282], – deydi. Albatta, N.G.Mallitskiy o'rta asrlardagi tarixiy manbalarda ifodalangan Xo'jand daryo, Sayhun atamalari ta'sirida shunday qarorga kelgan bo'lishi mumkin. Lekin, muhimi o'rta asrlar (XVI-XVII-asrlar)da yashab o'tgan Amin Ahmad Roziy o'z tazkirasida o'zbeklar va boshqa turkiy xalqlar Sayhunni Sirdaryo deb atashi to'g'risida tarixiy ma'lumotni yuqorida keltirdik.

Taniqli olim S.G.Klyashtornyy Sir nomi Silis sifatida qadimgi rimlik adib Pliniy tomonidan eramizning birinchi asrida tilga olingan, deydi. Ushbu atama dastlab daryoning quyi oqimiga nisbatan qadimgi sak etnonimi sifatida ishlatilgan bo'lsa, keyinchalik, ikki ming yilliklar davomida Orol bo'yidagi o'zbeklarning (XV-XVI – asrlar) ikki daryo oralig'i hamda yuqori oqim qismida keng joylashganliklari bois, ushbu atama butun daryoga nisbatan qo'llanila boshlangan, degan fikrni ilgari suradi [7;189-190]. Demak, dastlab, qadimgi saklarga xos etnonim sifatida ishlatilgan bo'lsada, keyinchalik tarix sahnasida sirlarning mustahkam o'rin olganligi sharoitida (Sir hoqonligi – VIII asr) Sir og'uz sifatida ijtimoiy muomalada mustahkam o'rin egallay boshlagan.

Abdulg'oziy Bahodirxon o'zining «Shajarai Turk» asarida Orol dengizini Sir dengizi sifatida tilga oladiki, Orol bo'yi asosan qipchoqlardan iborat ekanligi Sir gidronimining qadimgi etnonimning in'ikosi sifatidagi mohiyatini ta'minlashga xizmat qiladi. Akademik V.V.Bartold Abulg'oziy Bahodirxon Aral dengizini Sir dengizi sifatida tilga olganligini aytadi [5;154].

Fazlulloh ibn Ruzbexoni Isfahoniy o'zining «Mehmonnomayi Buxoro» asarida Sirdaryo haqida so'z yuritib, uning atrofi naylardan, ya'ni turklar qamish deb ataydigan o'simlikdan iborat bo'lib, chorva mollari uchun qulay joyligi haqida to'xtaladi, hamda shunday deydi: U Xo'jand va Shohruhiyadan boshlanib, uzunligi Turkiston bo'ylab uch yuz farsah (Farsah – Sharq mamlakatlaridagi uzunlik o'lchovi. Bir farsah taxminan bir otning bir soat davomidagi yurish masofasi, demak 7 – 9 km.ni tashkil etadi). O'zbek qishloqlaridan oqib, mahalliy aholi Qoraqum deb ataydigan sahro sari o'tib ketadi, deydi [14;73]. Bu yerda alloma ta'kidlagan o'zbek qishloqlarida ham, so'ngra Qoraqum deb ataladigan sahroda ham qipchoq etnik qatlamining ulushi yuqoriligini hisobga olgudek bo'lsak, Sirdaryoning Qipchoqdaryo sifatidagi mohiyati namoyon bo'lib boradi.

Taniqli olim Shamsiddin Kamoliddin Sir gidronimining bir-necha talqiniga to'xtalib, uni To'nyuquq yozuvida ifodalangan hamda islomgacha zarb etilgan Xorazm tangalarida o'yilgan turk etnonimi bo'lgan «sir» bilan ham bog'lash mumkin, – deydi [15;88]. Va bunday bog'liqlik qadimgi, ilk va o'rta asr turklarining Markaziy Osiyo ijtimoiy-tarixiy voqe'ligida egallagan mavqeyining yuksakligini dalillashga xizmat qiladi.

Yangiligi. Ushbu tadqiqot ishining yangiligi shundan iboratki, unda birinchi bo'lib Sirdaryo gidronimi va sir etnonimining aloqadorligi, ya'ni o'zaro o'xshashligi tadqiq etilib, ilmiy jamoatcholik hukmiga havolas etiladi. Tarixiy tadqiqotlardan ma'lumki, Sirdaryo havzasida Nurk hoqonligi sharoitida sirlar, o'rta asrlarda esa qipchoqlar sifatida ma'lum bo'lgan etnik qatlam zich

yashab kelmoqda. Qipchoqlar tarixiy taraqqiyot davomida mintaqqa ijtimoiy-siyosiy hayotida ham muhim o'rin egallagan. Shu bois Sirdaryo gidronimi sir-qipchoq etnonimidan olinganligi haqida fikr yuritilganligi maqolaning yangilini tashkil etadi.

Xulosa. Umuman olganda, yuqorida fikrlardan shunday xulosaga kelish mumkinki, Sirdaryoning yuqori, o'rta va quyi oqimlarida qipchoqlarga mansub etnik qatlamning ilgaridan yashab kelayotganligi, tarixiy taraqqiyot davomida ilk o'rta asrlarda sir, o'rta asrlarda qipchoq etnonimi ostida faoliyat yuritgan etnik qatlam o'z etnik atamalarini daryoga ham bergan. Daryoning Sirdaryo sifatida nomlanishi bevosita O'rxun yozuvi (To'nyuquq bitiktoshi)da ifoda etilgan sirlar nomi bilan bog'liq.

Markaziy Osiyo mintaqasi tarixiy taraqqiyotida turkiy omilning o'rni sezilarli. Qadimdan davlatchilik an'alariga ega bo'lgan turkiy xalqlar ushbu mintaqada bir-necha davlat tuzganligi, tarixiy toponim va gidronimlarning, xususan Sirdaryoning turkiy sir etnonimiga bog'liqligi fikrimizni tasdiqlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
2. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. – Санк-Петербург, 1897.
3. Аширов А. Ўзбек маданиятида сув. – Тошкент: Akademnasr, 2020.
4. Евстигнеев Ю.А. Кыпчаки / половцы / куманы и их потомки: к проблеме этнической преемственности. – Москва: Астерион, 2011.
5. К истории орошения Туркестана. Составитель академик В.В.Бартольд. – Санкт-Петербург, 1914.
6. Кляшторный С.Г. Кыпчаки в рунических памятниках // Turkologika. К восьмидесятилетию академика А.Н.Кононова. – Ленинград, 1986.
7. Кляшторный С.Г. Яксарт – Сыр-Дарья // Советская этнография, 1953. – №3. – 89–94.
8. Кляшторный С.Г., Султанов Т.П., Государства и народы Евразийских степей. ... Петербургское Востоковедение, 2004: 2-е изд., исправл. и доп. 2004.
9. Культура и искусства тюркских народов // https://web.facebook.com/noma_dsgreatsteppe/posts/2332600293531247
10. Маллицкий Н.Г. О некоторых географических терминах, имеющих отношение к Средней Азии // Изв. Всесоюзного географического общества, 1945. Т. 77. – №5.
11. Назаров Насриддин. Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: Global Books, 2018. – Б. 58-59.
12. Томпиев К.К. О тюркских племенах и народах Азии и Европы. Глава 54. Кимаки, кыпчаки. – Алматы: КазАкпарат, 2010.
13. Тўнюкқ битиги (Урхун битиглари) // Ш.Ўлжаева. Ўзбекистон тарихи. История Узбекистана. History of Uzbekistan. 9 августа 2017 г.
14. Фазлуллох ибн Рузбехони Исфаҳоний. Михман-наме-йи Бухара (записи Бухарского гостя). Перевод, предисловие и примечания Р.П.Джалиловой. Под редакцией А.К.Арендса. – Москва: Восточная литература, 1976.
15. Шамсиддин Камолиддин. Исследования по исторической топонимии Средней Азии. Топонимы. Топоформанты. Этимологии. Saarbrücken^ Vertag /Издатель LAP Lambert Academic Publishing, 2013. – С. 88.
16. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978.

Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ СУРХОНДАРЁ ИҚТИСОДИДАГИ ЎРНИ

Тиловов Ф. (ГерДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада XX аср бошларида Сурхондарё вилояти аҳолисининг хунармандчиликнинг қайси тармоқлари билан шуғуллангани, инқилобдан кейинги даврда воҳадаги sanoatning аҳоли, янги очилган sanoat корхоналари ҳақида илмий адабиётлар ва архив маълумотлари асосида маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: *Маҳаллий ҳунармандчилик, темирчилик устахоналари, Ф.И.Колесов, Туркистон ҳунармандчилик уюшмаси, “Қизил Ширкат”, Байсун, Шерабад.*

Аннотация. В данной статье на основе научной литературы и архивных данных дана информация о промышленности Сурхандарьинской области в начале 20 века, состоянии промышленности оазиса в послереволюционный период, вновь открытых промышленных предприятиях.

Ключевые слова: *Местные промыслы, кузнечные мастерские, Ф. Я. Колесов, Туркестанское ремесленное объединение, “Кызыл компани”, Байсун, Шерабад.*

Annotation. In this article, information is given on the basis of scientific literature and archival data about the industries of the Surkhandarya region at the beginning of the 20th century, the industry in the oasis after the revolution, the newly opened industrial enterprises.

Key words: *Local crafts, blacksmith workshops, F.I. Kolesov, Turkestan Crafts Association, “Kyzil Shirkat”, Boysun, Sherabad.*

Кекса тарихга мурожаат қилар эканмиз ажодларимиз қадимдан ҳунармандчилик соҳиби бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳунармандлар жамиятда ўз ўрнига эга бўлган ва аҳолининг каттагина қисмини ташкил қилган. Ажодларимиз томонидан яратилган ҳунармандчилик ва амалий санъатнинг мисгарлик, ўймакорлик, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, пичоқчилик, гилам тўқиш, зардўзлик ва кўплаб бошқа турларига оид намуналар жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари музейларида, кўргазма залларида намойиш қилинган ва бошқа халқлар олқишига сазовор бўлган.

Лекин, мустабид совет тузуми даврида ҳунармандчилик ва ҳунармандларга муносабат тубдан ўзгарди, уларнинг асосий тирикчилик воситаси бўлган оддий устахоналари ва дастгоҳлари ҳам мусодара қилинди. Ҳунармандлар эса “майда товар ишлаб чиқарувчилар”, “майда буржуазия вакиллари” деб уларга “мулкдор” ва “эзувчи синф” сифатида қаралди. Бу даврда ҳунармандчиликни бутунлай янги ташкилий тизимда қайта қуриб, янгича йўналиш ва мазмун касб этгани ҳолда ундан социализм манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилди. Натижада анъанавий ҳунармандчилик турларидан баъзиларининг сифати ва кўриниши ўзгарди, баъзилари ижтимоий -сиёсий тузум сиқуви остида “кераксиз” бўлиб қолди.

Ваҳоланки, ХХ аср бошларида ҳам ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳоли ҳаётида кун кечиришнинг асосий воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этган. Бинобарин, бу даврда ҳунармандчилик ҳам шаҳарда, ҳам қишлоқ жойларида кенг ривожланган. 1917 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 105-118 мингтагача ҳунармандчилик корхоналари фаолият юритган [1:170]. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда Россия империяси ва совет даврида ҳунармандчиликнинг баъзи турлари касодга учради, баъзилари изсиз йўқолди. Сабаб, аҳоли асрлар давомида шуғулланиб келган анъанавий ҳунармандчилигини унутиб, Россия империяси учун пахта ва бошқа хомашё маҳсулотлари етиштирувчиларга айланди.

Аммо, Россия империяси мустамлакаси йилларида Туркистонда ҳунармандчиликнинг баъзи турлари, яъни қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиб борди. Россия империяси даврида пахтага, чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб эҳтиёж ортиб бориб, қишлоқ хўжалигининг айнан шу соҳалари тез ривожланди. Қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуроли (кетмон, болта, теша, ўроқ, арава, чорва молларининг жунини оладига қайчи(қирлик) га бўлган талаб ошди.

Қишлоқларда эса асосан темирчилик устахоналари, арава ва эгар яшаш, меҳнат қуроли, отларга тақа, мих, чангак ҳамда рўзгор учун кундалик меҳнат, уй-рўзгор буюмлари (идиш- товоқ, кийим-бош)га бўлган эҳтиёж қосиблар томонидан қондирилди.

Совет ҳокимияти илк кунидан бошлаб, социалистик ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қарор топтириш йўлидан борди. Бунинг оқибатида юқорида таъкидлаганимиздек, асрлар давомида шаклланган ҳунармандчилик ривожига болта урилди.

Иқтисодий соҳада ёш совет Туркистони раҳбарияти қўпол хатоларга йўл қўйди. 1918 йил 26 февраль куни Туркистон халқ комиссарлари советининг раиси Ф. И. Колесов пахта толаси ва хом пахтани мусодара қилиш тўғрисидаги декретга шошма-шошарлик билан имзо чекди. Бу ҳужжатда пахтага ҳақ тўлаш тартиби белгиланмаган бўлиб, бу нарса

пахтакор деҳқонларнинг ижтимоий аҳволини ғоят оғирлаштириб юборди ва уларнинг оммавий норозилигини келтириб чиқарди. Гап шундаки, хали марказий Россиядаги тўқимачилик корхоналари миллийлаштирилмаган бўлиб, бу соҳада хусусий мулк сақланган эди. Мазкур декретга кўра, қисқа вақт ичида заводларга топширилган 3,4 млн пуд пахта толаси, 6 млн пуд хом пахта, 600 минг пуд пахта ёғи, 4 млн пуд чигит, 1,1 млн пуд кунжара совет давлати ихтиёрига бепул ўтди. Деҳқонлар заводларга топширган пахтаси учун ҳам, уйлардан олиб кетилган пахта учун ҳам лоақал қатъий нархда ҳам пул олмадилар. Бу эса улардаги маънавий-сиёсий норозиликни келтириб чиқарди. Бу норозилик, айниқса деҳқон ихтиёридаги ерларни ҳам мусодара қилиб, бу ерларда турли коммуналар, артеллар, ширкатлар тузилиши муносабати билан янада кучайди. Унинг устига Туркистон деҳқонлари Россиядан пахта хисобига келтирилган дон хисобига яшаб келган эдилар. 1917 йил Россиядан ғоят кам миқдорда дон жўнатилди, бунинг устига шу йили ўлканинг ўзида дахшатли қурғоқчилик рўй берди, дон хосили ғоят кам бўлдики, бу миллионлаб ерли аҳолининг очликдан қирилиб кетишига сабаб булди [2:8].

Хунарманд ва косиблар ихтиёридаги қолишлар, иплар, чармлар хатто игналар ҳам мусодара қилиндики, бундан ерли шаҳар аҳолисининг норозилиги кучайди. Бу ижтимоий аҳволнинг оғирлашишига, сўнгра сиёсий вазият кескинлашиб, оқибат ерли аҳолининг бир қисми фуқаролар урушида қатнашишига сабаб бўлди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлгани сингари, Сурхондарё территориясида ҳам фуқаролар уруши бошланди. Ву уруш натижасида канчадан-канча бегунох кишилар қурбон бўлди. Кўплаб оилалар ўз уй-жойларини ташлаб шаҳарларга, бошқа ўлкаларга ва чет элларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Юқорида қайд қилганимиздек, мустабид совет ҳукуматининг дастлабки кундан юритган нотўғри иқтисодий сиёсати ва истиқлолчилик ҳаракати туфайли юз берган вайронагарчилик саноатни, транспортни, айниқса қишлоқ хўжалигини тушкун ҳолатга олиб келди, савдо-сотиқ тўхтаб қолди. Халқ исътемом моллари бўлган пахта ёғи ва совун ишлаб чиқариш ва бошқа товарларга бўлган талаб кескин ошди. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ғалла, газлама, металл буюмлар, тахта-ёғочлар ва бошқа маҳсулотларнинг олиб келиниши деярли батамом тўхтаб қолганлиги сабабли ўлкада мушкул вазият юзага келди. Натижада, хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва улар хизматларига бўлган талаб кучайди.

Аммо совет ҳукумати қилинган хатолар, жумладан хунармандчиликда йўл қўйган хатоларини тузатиш йўлидан бориб, бу тармокни изга тушириш чораларини кўра бошлади. Бу даврда хунармандчилик асосан икки йўл билан ривожланди: эскиларининг тиклаш ҳамда янги корхоналар ташкил этиш. Бунда мамлакат ўзининг молиявий-иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, биринчи галда аҳолининг кундалик эҳтиёж моллари учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ҳамда қишлоқ хўжалиги учун турли хил асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган кичик ва ўрта хунармандчилик артелларини ва уларнинг янги тармоқларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди.

1921 йил февралда Туркистон МИК, Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши ва Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ташаббуси билан хунармандчилик кооперативлари Умумтуркистон қурултойи қақирилди ва қурултойда Туркистон хунармандчилик иттифоқи (Туркпромсоюз) тузилди [3:349]. Шунингдек, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1921 йил августдаги қарори асосида Туркистонда косиб-хунармандларни кооперацияга бирлаштириш ҳаракати бошлаб юборилди. 1922 йилга келиб жами косибларнинг 38840 нафари кооперацияга бирлашди. Худди шу даврда Сурхондарёда ҳам хунармандларни артелларга жалб қилиш ҳаракати бошланди. Маълумки, Бойсунда азалдан аллачабоплик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, қуллолчилик, дегрезлик, чармгарлик кенг ривожланган. Лекин дўконлар косиблар кўлида бўлмаганлиги сабабли, улар оғир аҳволда яшаганлар. 1924 йилнинг охири 1925 йилнинг бошларида Бойсун туманида “Қизил ширкат” ташкил этилди. Шу йили уста мулла Бобоқул, Хамро, Муҳиддин, Қиём хўжа ва бошқалар биринчилардан бўлиб ширкат ихтиёрига ўтдилар. 1927 йилнинг баҳорига келиб “Қизил доска” хунармандчилик артели ташкил этилди ва унинг ихтиёрида 4 цех барпо этилди. Бу цехлар асосан Бойсун

туманининг марказида, Пасурхи, Боғибало ва Сарносиё кишлоқла-рида жойлашган бўлиб, унинг аъзолари сони 9 кишидан иборат эди [4:30].

Шунингдек, 1926 йилда Шерободда “Қизил офтоб”, “Қизил юлдуз” кўнчилик, “Қизил босқон” металл буюмлари, “Қизил мактаб” тўқимачилик, “Алимбоев” транспорт, Термизда “Кожевник”, “Хуршид” кўнчилик, қурилиш, “Ленин” транспорт, “Красный строитель”, “Красные женщины Востока” номли қурилиш артеллари ташкил қилинган. 1927 йил октябрда келиб округда жами 18 та хунармандчилик артеллари фаолият кўрсатган [5:9].

Вилоятда 20-30 йилларда янги саноат корхоналари қурилиши билан бир қаторда, Сурхондарё иқтисодининг ривожига катта ҳисса қўшиб, халқ талабини қондириб келаётган майда хунармандчилик корхоналарини тиклашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Майда саноат корхоналарини қайта тиклашга эътибор берилишининг ўзига хос сабаблари бор эди, чунки бу корхоналари қуйидаги энг муҳим асосий вазифаларни адо этганлар: а) йирик саноат корхоналари бўлмаганлиги сабабли, аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини қондирган;

б) кишлоқда ишсизлар сонининг камайишига ёрдам берган;

в) кишлоқнинг саноат маҳсулотига бўлган талабини маълум даражага бўлсада қондиргани ҳолда, кишлоқ хўжалигининг ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ жоизки, Сурхондарёдек чекка вилоятда хунармандчилик саноати ишлаб чиқаришда алоҳида ўз ўрнига эгадир. Фуқаролар урушидан кейинги тиклаш йилларида вилоятга фабрикада тўқилган матоларнинг кам олиб келиниши натижасида аҳолининг Бойсун ва бошқа цехлардаги тикувчи хунармандларнинг матоларига бўлган талаб бир неча баравар ортди. Маҳаллий хунармандлар аҳолининг пахта матоларига бўлган талабини қондирибгина қолмасдан, балки марказий Россияга ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилганлар, 1928 йилда Ўзбекистондан марказий Россияга ойига 10-15 вагон йигирилган пахта ипи жўнатишган. Озиқ-овқат саноатида ун тегирмонлари, мой жувозлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган талабини қондиришда муҳим роль ўйнади. 1928 йилда қайта таъмирланган 469 тегирмон, 508 мой-жувоз вилоят аҳли учун хизмат қилди.

20-30 йиллардагина эмас, балки ҳозирги кунда ҳам аҳолининг пойафзалга бўлган талабини қондиришда этикдўзлик устахоналарининг ўзига хос ўрни бор. Нафақат Сурхондарё балким Ўзбекистон иқтисодида ҳам кўнчилик ва пойафзал хунармандчилиги катта роль ўйнаган, чунки ўша йилларда давлат саноати аҳолининг тери маҳсулотларига бўлган талабини 10фоиз қондиргани ҳолда, хунармандчилик саноати 90 фоизни ташкил этган.

Умуман олганда 20-йилларда Туркистонда 12278 хунармандчилик корхоналари мавжуд бўлган бўлса, шундан 1728 таси Сурхондарё вилоятида эди. Бу йилларда хунармандчилик корхоналари ишчиларга, хомашёга ҳамда бозорга эга эди. Шу боисдан тўқувчилик, мисгарлик, темирчилик, кўнчилик, қандолатчилик каби хунармандчилик корхоналари замонавий фабрика- заводлар рақобати йўқлиги туфайли, анча ривожланди. Туркистон ўлка саноатида 1920 йили 13 300 ишчи ишлаган бўлса, хунармандчилик корхоналарида 150 минг киши ишлаган [6:15].

Юқорида таъкидлаганимиздек хунармандчилик корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариши жиҳатидан саноат корхоналарига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарганлар. 1927-1928 йилларда Сурхондарё саноат корхоналари 2072 минг сўмлик, майда хунармандчилик корхоналари эса 3884 минг сўмлик яъни жами маҳсулотнинг 78,9 фоизини ишлаб чиқардилар [7:42].

30-йилларда республиканинг йирик хунармандчилик корхоналарини енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳисобига ўтказилиши натижасида хунармандчилик артеллари сонининг камайишига сабаб бўлди. Артел сони камайишига қарамасдан унинг аъзолари сони ошиб борганини кўриш мумкин. Агар 1933 йилда артел аъзоларининг умумий сони 29008 кишини ташкил қилган бўлса, 1940 йилга келиб улар сони 61327 кишини ташкил этди. Бу артелларнинг йириклашиб бораётганидан далолат беради [8:12].

Худди шу даврда Сурхондарё округи хунармандчилик иттифоқида 1935 йил 1 январда 15 тага, 1937 йил 1 январда 16 тага, 1939 йилда 8 тага тушиб қолди. 1940 йилга

келиб улар сони 18 тага кўтарилди [9:15-19]. Ҳақиқатан ҳам артеллар йириклашиб борганини улар томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотда кўриш мумкин. Сурхондарё округи хунармандчилик иттифокида 1932 йилги ўзгармас нарх бўйича куйидагича ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган:

1936 йил – 2943,6 минг сўмлик;

1937 йил – 5442,8 минг сўмлик;

1938 йил – 7134,3 минг сўмлик;

1940 йил – 17738,3 минг сўмлик.

Хулоса қилганимизда, урушгача бўлган йилларда Сурхондарё округи аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларига бўлган талабини кондирришда маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари муҳим роль ўйнади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. Ўзбекистон ССР тарихи. 4 жилдлик. 2 жилд. – Т., 1968. – Б. 170.
2. Қобулов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993. – Б. 8
3. ЎзМА, 25-фонд, 1-рўйхат, 524-иш, 349-варак.
4. Қобулов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993. – 30 б.
5. ЎзМА, 297-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 9-варак.
6. Каримов Р. Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. – Т., 1981. – Б. 15.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 310-иш, 42-варак.
8. Литвак Л.Е., Цыпкина М.А. Развитие местной и кооперативной промышленности Узбекистана. – Т., 1957. – С.12.
9. ЎзМА, 2325-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 15-19-варак.

Наширға проф. Б. Эшов тавсия этган

QASHQADARYO VILOYATI MADANIY MEROS OBYEKTLARINI O'RGANISHNING TASHKILIIY VA AMALIY JIHATLARI

Jo'rayev I. (QarDU)

Annatsiya. Ushbu maqolada mamlakatimizda tarixiy madaniy merosni muhofaza qilish borasida amalga oshirilayotgan ishlar, xususan mustaqillik yillarida Qashqadaryo vohasidagi tarixiy madaniy meros ob'yektlari tarixini o'rganishning tashkiliy va amaliy jihatlari ko'rib chiqilib, vohada bugungi kungacha saqlanib qolgan madaniy meros yodgorliklarining vazifalariga qarab toifalarga ajratilgan holda yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: *Nasaf, Qarshi, Ko'kgumbaz, Bekmir madrasasi, Xo'ja Abdulaziz madrasasi, Qilichbek madrasasi, Sharofboy madrasasi, Qarshi hammomi, Oqsaroy, Shamsiddin Kulol maqbarasi, Malik ajdar masjid, Chorsu savdo gumbazi.*

Аннотация. В данной статье работа, проводимая в сфере охраны историко-культурного наследия в нашей стране, в частности организационные и практические аспекты изучения истории объектов историко-культурного наследия в Кашкадарьинском оазисе в годы независимости, обсуждаются, а памятники культурного наследия, сохранившиеся в оазисе до наших дней, распределяются по категориям.

Ключевые слова: *Насаф, Қарши, Қокгумбаз, медресе Бекмир, медресе Ходжа Абдулазиз, медресе Қиличбек, медресе Шарофбой, Қаршинская баня, Аксарой, мавзолей Шамсиддина Кулола, мечеть Малик Аждар, торговый купол Чорсу.*

Annotation. In this article, the work carried out in the protection of the historical cultural heritage in our country, in particular, the organizational and practical aspects of the study of the history of the historical cultural heritage objects in the Kashkadarya oasis during the years of independence, are considered, and the cultural heritage monuments preserved in the oasis are divided into categories according to their functions. explained.

Key words: *Nasaf, Karshi, Kokgumbaz, Bekmir madrasa, Khoja Abdulaziz madrasa, Qilichbek madrasa, Sharofboy madrasa, Karshi bathhouse, Aksaroy, Shamsiddin Kulol mausoleum, Malik Ajdar mosque, Charsu trade dome.*

Bugungi kunda mamlakatimizda tarixiy madaniy merosni muhofaza qilish, ilmiy jihatdan yangi asoslarda o'rganish va uning targ'ibotiga katta e'tibor qaratilmoqda, bu borada davlat miqyosida tegishli qarorlar qabul qilinib, belgilangan "yo'l xaritalari" doirasida amaliy ishlar olib borilmoqda. Viloyatida 1189 ta arxeologiya yodgorliklari, 208 ta arxitektura yodgorliklari, 43 ta monumental san'at yodgorliklari, 28 ta diqqatga sazovor joylar mavjud [1].

XII asrda yashab o'tgan buyuk olim Abu Sa'd Abdulkarim as-Sam'oniyning «al-Ansob» kitobida qayd etilishicha, Nasaf musulmon olamining madina nisbati berilgan 8 ta shahrining biridir. Nasafda ilm ahli uchun qurilgan mashhur uy bo'lgan. U «al-Qallos» deb atalgan. As-Sam'oni yozadi: «Bu shahardan o'z fanining ko'p mutaxassisleri yetishib chiqqanlar. Nasafdin chiqqan olimlar haqida Abul Abbos Ja'far ibn Muxammad al-Mustag'firi an-Nasafiy sakkiz toqadan ko'proq kitob jamlaganlar».

Olimlar hisobiga ko'ra, VIII – XII asrlarda O'rta Osiyoda uch ming muhaddis olim yashab o'tgan. Shulardan 400 tasi Nasafda ijod qilgan [2].

Keltirilgan dalillar Nasafning O'rta asrlarda Chingizxon istilosigacha qay darajada yuksak taraqqiy etganidan, amalda O'rta Osiyoning ilm-fan, san'at rivojlanishi, mavqei balandligi jihatidan uchinchi shahriga aylanganini ko'rsatadi.

1220 yilda Nasafni Chingizxon qo'shinlari vayron qildi. Undan keyingi davrda (XIV asrda) voha markazi uchinchi marta hozirgi Qarshi shahrining eski shahar qismi o'rnida qayta tiklanadi.

Buyuk sohibqiron Amir Temur davrida shahar atrofi g'isht va paxsa devor bilan o'ralgan, shaharda Odina masjid qurilgan (Sovet davrida bu obidaning peshtoqlari va gumbazlari buzib tashlanib, xonaqolari xibxonaga aylantirilgan edi. Qarshi shahrining 2700 yiligi munosabati bilan masjid Birinchi Prezident Islom Karimov ko'rsatmasiga ko'ra qayta tiklandi.)

Qarshida Ko'kgumbaz masjidi (XVI asr), qadimiy hammom (XVI asr), Qashqadaryo ustidagi qadimiy ko'prik (XVI asr), Sharofboy madrasasi (XVIII asr boshlarida), Charmgar masjidi (XIX asr o'rtalari), Bekmir madrasasi (1905), Xoja Abdulaziz madrasasi (1907), Qilichbek madrasasi (XIX asr) va boshqa me'moriy obidalar saqlanib qolgan [3].

Afsuski Rossiya imperiyasi istilosi va sovet davrida qator yodgorliklar to'liq vayron etilib, yo'qotib yuborilgan [2].

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2004-yil 29-sentyabrdagi "Qarshi shahrining 2700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish to'g'risida"gi qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005 yil 26 iyuldagi "Qarshi shahrining 2700 nishonlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroridan keyin Qarshi shahrida keng ko'lamda obodonchilik ishlari olib borildi va bu ishlar hozir ham davom etmoqda.

Qarshi shahri me'morligi O'rta Osiyo me'morligi rivojining umumiy yo'nalishi asosida taraqqiy etgan.

Biz quyida Qarshi shahri me'morligini hozirgi kungacha saqlanib qolgan yodgorliklar asosida, ularni vazifalariga ko'ra toifalarga ajratgan, shuningdek, chorak asr ilgari mavjud bo'lgan va o'rganilgan, biroq 1970-1980 yillargacha saqlanmagan inshootlarni ham qamrab olgan holda ko'rib chiqamiz [2].

Fuqarolik inshootlari - bu turar-joylar, savdo rastalari, karvonsaroylar, hammomlar, sardobalar, ko'priklar va boshqalardir. Bu turdagi inshootlarning barchasi Qarshida mavjud bo'lgan, biroqlardan ayrimlarigina saqlanib qolgan.

Qarshishahridagi uy-joy binolari Movarounnahrda xos me'morlik an'analari mos tarzda qurilgan. Loyli-sinchli devorlar (ikki qavatli yog'och sinch–qo'sh sinch xom g'isht yoki quritilgan yassi loy bo'laklari - guvala bilantol'dirilgan) hamda yassi loy tomlar haroratnibarqaror saqlagan, ya'ni yozda salqin, qishda issiqbo'lgan. Turar-joy binolari odatda ikkita hovlidaniborat bo'lgan. Bu hovlilar aylanasiga turar-joyvaxo'jalik binolari bilan o'ralgan. Ulardan birinchisi birun (tashqi) - uyning erkaklar qismihisoblangan va ziyofat, mehmondorchilik hamdarasmiy qabullarga mo'ljallangan, ikkinchisi esadarun (ichki) - uyning xotin-qizlar yashaydigan qismi hisoblangan. Hovlidan uyga tomon yog'och ustunlarga o'rnatilgan ochiq ayvon orqali o'tilgan.

Mehmonxonalar va ayvonning shiftlari alohida mahorat bilan ishlangan. Yog'och to'sinlar va ularorasidagi vassalar ko'pincha yorqin bo'yoqlar bilan bezalgan. Mehmonxona devorlariga idish-tovoqvauy-ro'zg'or buyumlari uchun bezakli javonlar o'yibyasalgan.

Bunday an'anaviy uylar ichi nisbatan qulay vabezatilgani holda, ko'cha tomondan esa oynasiz, loysuvoqholda ko'rimsiz ko'rinar edi. Hovlining tashqi bezagini faqat mohirona yasalgan o'ymakordarvoza tashkil etishi mumkin edi. Saroylar ancha mahobatli, maydoni keng bo'lgan, ular turar-joyva qo'shimcha xonalar, ochiqhovlilarni qamrab olgan va tantanavor tusda bo'lib, rang-barang naqshlar, ganch va yog'och o'ymakorligi namunalari bilan bezalgan.

Hammomlar. O'rta Sharqda V asrlardayoq jamoat hammomlari mavjud bo'lgan. XV asrga kelib, O'rtaOsiyoga xos hammomlar namunalari shakllangan. XVI asrda Qarshidagi hammom - bu turdagi O'rtaasrlar inshootining mumtoz namunasi bo'lib, O'rtaOsiyoda bunday qadimiy hammomlar kam uchraydi. M.Masson ushbu hammomning qurilishini Abdullaxon II nomi bilan bog'laydigan afsonaning mavjudligini tasdiqlab, uni 1592-1593 yillarda qurilgan deb hisoblaydi [5].

Hammom to'g'ri to'rtburchak shaklida (22 ga 14.4 metr) bo'lib, uning bo'yamasiga beshta va enigauchta xona joylashgan. Xonalar eng yirik gumbazli (balandligi 5.6 metr) markaziy zal atrofida uyushgan. Zamonaviy yer usti qurilmasidan zina orqali hammomning asosiy yarim yer osti qismiga tushilgan. Bu yerda harorat ichkariga tomon oshib borgan.

Kirish joyida birinchi - ancha salqin yechinish valungi olish (lungixona yoki ro'molxona) xonasi mavjud. Bu to'rtburchak shakldagi xona bo'lib, supasi bor, devorlarida toqchalar o'rnatilgan. Ikkinchixona - dam olish xonasi - harorati mo'tadil bo'lib, badanni issiq yoki sovuqqa moslashtirgan. Markaziy zal - katta gumbaz yoki miyon saroy uqalash va yuvinishga mo'ljallangan, shu maqsadda zal markazida katta supa qilingan. Undan g'arb tomonda masjid zali, xodimxona va kichik yuvinish xonalari (ular ham supa hamda tokchalar) bor.

Miyonsaroy qarshisida eng issiq xona - issiq suvli hovuz bilan tutash garmxona mavjud. Undan so'ngsovuqva issiq suvli hovuzlarga tutash sovuqxona (xunukxona), uning yonida esa mo'rcha joylashgan. Hammom ustini qoplagan o'n bitta gumbazdan oltitasi doirali bo'lib, beshtasi esa balxiy gumbazlardir. Devorlar suv o'tkazmaydigan qir qorishmasibilan suvalgan. Yer osti kanallari (ajratuvchikanallar - 100 santimetrli, chetki kanallar - 30 santimetr gacha) ganch qorishmada pishiq g'ishtdan taxlangan.

O'rta Osiyoda saqlanib qolgan noyobinshootlardan biri XVI asrda Qashqadaryo ustigaqurilgan ko'prikdir. U pishiqg'ishtdan ko'pravoqli qilibqurilgan. Ko'prikn o'n to'rta keng va past arklar bilan tutasho'n ikkita baquvvat tirgakka tayanadi. Ko'prikn uzunligi 122 metr, kengligi - 8.2 metr, markaziy qismida daryo tubidan yo'l qoplamigacha balandligi- 5.35 metr. Ravoqlar oraligida ko'prikn harikki tomondan o'rnatilgan tirgaklarning diametrik 4 metrga teng, asosi tosh bloklar bilan kengaytirilib, silindr shaklidagi baquvvat kontrforelar bilan mustahkamlangan. Vaqt o'tishi bilan daryoning o'zani kengayadi, ko'prikn uzaytirish va qayta ta'mirlash zarurati tug'iladi. Shu tufayli 1914 yilda ko'prikn harikki tarafidan qo'shimcha qismlar qurilgan hamda kirish joyida pishiq g'ishtdan ikkita qorovulxona barpo etilgan. Ular yuk transporti harakatigahalaqit bergani uchun 1970 yilda buzib tashlangan. Keyinchalik yangi ko'prikn qurilib, eskisidan deyarli foydalanilmagan, ya'ni tarixiy inshoot sifatida saqlab qolingan. 2005 yilda ko'rikn qorovulxonasi yanaqayta tiklangan [8].

O'tgan asrning 70-yillarigacha saqlanib qolgan mumtoz namunalarga o'xshash inshootlardan biri - Shermuhammad madrasasi bo'lgan (hozirgi paytda saqlanib qolmagan). U to'g'rito'rtburchak shaklidagi (27.5 ga 24.6 metr) simmetrikbino bo'lib, bosh fasadi ikki qavatli, qolgan qismi bir qavatli bo'lgan. Bino toqi va yon qanotlari yassitoqchalar bilan bezalgan, bosh kirish qismi burchaklarida esa minoralar - guldastalar o'rnatilgan va ular ravoqli fonus bilan yakunlangan. Kirish qismi o'rtasida 1865 y. sanasi va ustaning ismi yozilgan, uni yo usta Xido Xoliq (Zaynutdinovga ko'ra) yoki usta Abdal Hakim Nasafiy (M.Massonga ko'ra) deb turlicha talqin qilishadi.

Xo'ja Qurbon madrasasi (bizgacha yetib kelmagan) to'rtburchak shaklidagi (21, 25 ga 21 metr), kichikhovlisi bor (10.7 ga 9.1 metr) bino bo'lib, balxiy shiftli hujralar bilan o'ralgan. Kiraverishda yagona gumbazli zal - darsxona bo'lib, ikkinchi zal o'rnida ikkita hujrabo'lgan, natijada vestibul markaziy o'qdan chetlashgan. Kirish qismining notekisligi binoning old qismiga ta'sir ko'rsatib, portal tomonlaridagi ravoqlar soni noteng bo'lib qolgan [5].

Sharof Xo'ja madrasasi, mahalliy ma'lumotlarga ko'ra, XVIII asrning boshida uning mudarrisi Sharof Xo'ja tomonidan qurilgan ekan. Bu - unchakatta bo'lmagan, to'g'ri

to'rtburchakli, asimmetrik, kichik hovlisi bor bino. Hovlining g'arb tomonidagi yozgi masjidning yog'och ayvoni bor, bu kam uchraydigan holat bo'lib, XVIII asrga mansub ayrim yodgorliklardangina ma'lum. Ushbu uch madrasaning qurilgan vaqti aniq ma'lum emas. Ayrim ma'lumotlarga ko'ra, L.Yu. Mankovskaya ulardan birinchisi (Shermuhammad madrasasi) XVII - XVIII asrlar oralig'ida, qolgan ikkitasi esa XVIII - XIX asrlarda qurilgan deb hisoblaydi [6].

Eng yirik va mumtoz shaklga yaqin madrasalarsirasiga 1903 yilda qurilgan Bekmir madrasasi (28.07 ga 28.57 metr) va 1909 yilda qurilgan to'g'ri to'rtburchak shaklidagi Abdulaziz madrasasi (26ga 21 metr) kiradi. Ularning asosiy qismi birqavatli bo'lgani holda, old qismiva kirish joyiikki qavatli qilib qurilgan edi. Ularning o'zaro o'xshash peshtoq qismlari markazida toq yasalgan bo'lib, yon qanotining ikkinchi qavatida arksimon galereya o'rnatilgan, bino burchaklarida tepasiga chiroq o'rnatilgan guldasta minoralari bor. Abdulaziz madrasasida arksimon chiroq ustida binafsharangli naqshinkor havo rang gumbazcha o'rnatilgan.

XX asr boshlariga mansub Qilichboy madrasasi ham shunga o'xshash me'moriy yechimga ega. Bino to'g'ri to'rtburchak shaklida qurilgan bo'lib (17.2 ga 19.8 metr), bosh fasadi ikki qavatli, biroq bezaklari birmuncha odmiroq.

Shahrisabz (yoki Kesh) - O'zbekistonning ko'hna shaharlaridan biri bo'lib, u savdo-sotiq va hunarmandchilik rivojlanishi asosida paydo bo'lgan.

Temur va temuriylar davrida Shahrisabz "Fan va tafakkur gumbazi" (Qubbat ul-ilm val-adab) sifatida gullab-gurkiragan shahar deb tan olingan, unda dunyoning ko'plab mamlakatlaridan kelgan olimlar faoliyat yuritishgan.

XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Shahrisabz kattaligi va ahamiyati bo'yicha Buxoro amirligining uchinchi shahriga aylangan. Keyinchalik uning ahamiyati ya'ni tutgan o'rni pasaya bordi. 1929 yilda Shahrisabz tuman markaziga aylandi.

Arxitekturaviy - tarixiy qadriyatlarga kelsak, shahar o'rta asrlar arxitekturaviy yodgorliklariga ega bo'lgan markazlardan biri bo'lib, Shahrisabz shahri hududida davlat tomonidan muhofaza qilinadigan quyidagi yodgorliklar mavjud:

- Oq-saroy saroyi - 1380 yil.
- Ko'k-gumbaz masjidi - 1436 yil.
- Gumbazi - Sayidon maqbarasi – XV asr.
- Shamsiddin Kulol maqbarasi – XV asr.
- Jahongir Mirzo mozori – XIV asr.
- Malik ajdar masjidi – XIV asr.
- Kunduzak masjidi – XIV asr.
- O'rta asrlardagi qurilgan hammom – XI asr.
- Chorsu savdo gumbazi – XVI asr.
- Gumbaz masjidi - 1903-1904 yillar.
- Mahalla masjidlari - XIX asr – 2 ta.
- Tarixiy turar joy binolari.
- Ikkita karvon saroy.
- Mirhamid xonaqosi - XIV-XV asrlar.
- Shahar qal'asining devor qoldiqlari [7].

Bu yodgorliklar dunyoning turli mamlakatlaridan tashrif buyurgan turistlarda doimiy ravishda katta qiziqish uyg'otmoqda va ularga davlat hamda mahalliy hokimiyat tomonidan alohida e'tibor qaratilmoqda.

Bu obyektlar haqiqatan ham butun jahon mamlakatlari tomonidan tan olinmoqda va hozirgi avlod oldida bu umumjahon qadriyatlarni saqlash vazifasi turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "Moddiy madaniy merosning ko'chmas mulk obyektlari milliy ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi 846-sonli Vazirlar Mahkamasi qarori, 2019-yil 4-oktabr.
2. Ртвеладзе Э.В., Сулаймонов Р., Буряков Ю. Қарши – 2700. Китоб-альбом. – Тошкент: Маънавият, 2006.
3. Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средне вековья (III-VII вв.). – Ташкент: Фан, 1977.

4. Очиллов И., Раҳмонов Р. Қашқадарё, Kashkadarya, Кашқадарья. Фотоальбом. – Тошкент: Ўзбекистон, “Ўзбек-Ремакс Ко ЛТД”, 1994.
5. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966). – Ташкент: Фан, 1973.
6. Манковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Ташкент, 1971.
7. Ravshanov P. Qarshi tarixi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006.
8. Nasriddinov Q., Xo'jayarovo'. Qarshi shahrining me'moriy yodgorliklari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2011.
9. Шахрисабз 2700. Минг йиллар мероси. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти, 2002.
10. Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998.
11. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент, 1995.

Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ: КЕЧА ВА БУГУН

Махамов М. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон моддий маданияти тарихида халқ амалий санъатининг тутган ўрни, жумладан қадимдан ривож топган заргарлик санъатининг тарихи ва бугунги кундаги ҳолати ҳақида фикр юритилиб, мустақиллик йилларида заргарлик санъатига кўрсатилаётган эътибор ҳамда 2022 йилда Бухоро шаҳрида ташкил этилган “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказилиши, шунингдек, фестивал доирасида ташкил этилган конференция, “Ўзбекистон заргарлик ва зардўзлик санъати” ва “Зардўзлик санъати” номли китоблар тақдими ҳақида мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўзлар: заргарлик, зардўзлик санъати, каштадўзлик, Зебу-зийнат, Куббат ул-Ислом, Бухорои шариф, Фахира, халқаро фестивал, бутунжаҳон ҳунармандлар кенгаши.

Аннотация: В данной статье рассматривается роль народного творчества в истории материальной культуры Узбекистана, в том числе история и современное состояние сложившегося с древнейших времен ювелирного искусства, внимание, уделяемое ювелирному искусству в годы независимости, и проведение «Международного фестиваля драгоценностей и драгоценностей», организованного в Бухаре в 2022 году. Также прозвучали отзывы о конференции, организованной в рамках фестиваля, презентации книг «Ювелирное и ювелирное искусство Узбекистана» и «Искусство ювелирное дело».

Ключевые слова: ювелирное дело, ювелирное искусство, вышивка, Зебу-зийнат, Куббат ул-Ислом, Бухараи Шариф, Фахира, международный фестиваль, Всемирный совет ремесел.

Annotation: This article discusses the role of folk art in the history of the material culture of Uzbekistan, including the history and current state of the jewelry art that has developed since ancient times, the attention paid to the art of jewelry in the years of independence, and the holding of the “International Festival of Jewelry and Jewelry” organized in Bukhara in 2022. also comments were made about the conference organized within the festival, the presentation of the books “Jewelry and goldsmithing art of Uzbekistan” and “The art of goldsmithing”.

Key words: Jewelry, art of goldsmithing, embroidery, Zebu-Zinat, Qubbat ul-Islam, Bukharai Sharif, Fakhira, international festival, world crafts council.

Мустақиллик йилларида, халқимизнинг миллий тарихи ва маданиятига қизиқиш янада ошди. Хусусан, халқ амалий санъатининг қатор соҳалари қайтадан ривож топа бошлади. Миллий амалий санъат ичида заргарлик санъати алоҳида ўрин тутди. Зебу-зийнат, қимматбаҳо тош ва барча тақинчоқлар қадимдан инсонларнинг ўзига тортиб келган ва бу амалий санъат тури бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Д.А.Фахретдинова [1], Л.Л.Чвырь [2. Б. 103-113], Н.Г.Боразна [3; 281-298;], Г.А.Пугаченкова [4; 281-298], Н.Х.Азизова [5].

Ўзбекистон ҳудудида заргарлик санъати бундан бир неча минг йиллар муқаддам пайдо бўлган. Неолит давридаёқ (милoddан аввалги IV аср охири III аср боши) тош ва чиганоклардан турли шаклдаги мунчоқ ва шокилалар тайёрлаш кенг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Кунгурадор доира ва аствона (цилиндр) кўринишдаги чиганоклар

хосилдорлик ва маъмурчилик рамзи сифатида фойдаланилган. Кишилар унча катта бўлмаган ясси тухумсимон тошлардан мунчоқ қилиб таққанлар. Милоддан аввалги ИИИ минг йилликда феруза ва мрамар нусха лаъл (оникс) дан думалоқ ва учли мунчоқлар ясалган. Мунчоқ яшаш учун устахоналар ва ёй парма сингари оддий асбоб-ускуналар ҳам бўлган. Булар зевар яшаш бундан анча илгари бошланганлигидан далолат беради. Дархақиқат, мунчоқ, шокила сингари тақинчоқларнинг келиб чиқиши даврида улар инжинслардан асровчи тумор вазифасини ўтаган, ҳайвон ва қушларнинг тиш ва тирноқларидан қилинган шодалар эса овчининг жасорати ва маҳоратидан дарак берган.

Ўзбек халқи заргарлик санъати тараққиёти Ўрта Осиё халқларининг сиёсий ва этник тарихи унга қўшни мамлакатлар халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Халқларнинг ўзаро тинч йўл билан бир-бирига яқинлашуви, маданиятлар билан бойитган улар бир-бирлари билан ўзларига қадрли бўлган нарсаларни алмашганлар, бора-бора бу ҳар бир халқнинг маҳаллий санъатига сингиб кетиб, ўзига хос ва мустақкам анъана касб этган.

Милоддан аввалги I-III асрлар мобайнида ҳукм сурган Аҳамонийлар сулоласига мансуб Амударё ҳавзасидаги ва ҳозирги Англияда сақланаётган заргарлик буюмлари юқоридаги фикримиз далилидир. Ҳайвон тасвири туширилган ва феруза кўзлари қадалган очиқ тилла билагузукларлар юксак маҳорат билан ишланган асарлар ҳисобланади. Бунда, биз куч-қувватга тўла, пишқириб ўзини кўярга жой тополмай турган чиройли, келишган йиртқич образини яратган сакларнинг “ёввойи услуби” изларини кузатишимиз мумкин. Қўлларига гул ва қуш тутиб турган Анахита тасвири туширилган думалоқ сатҳли (кўзли) қуйма олтин узукларнинг шакли ҳам, катта-кичиклиги ҳам бир-бирига ўта мутаносиб равишда ишланган. Гарчи, у грек-форс туморларига ўхшаб кетса-да, уларнинг келиб чиқиш жойи аниқланмаган. Ҳазинадан чиққан идишларда тасвир этилган ва зеб-зийнатлар ўртасида турунж (медальон) ва шокиласи бор кенг тилла халқалар анча олдин вужудга келган Айритом ҳайкалчаларида, Болаликтепа ва Афросиёб деворларига ишланган расмларда таъсирланган зеб-зийнатларга жуда ўхшаб кетади. Қадимги грек тарихчиси Геродот (милоддан аввалги V аср) массагетлар ҳақида, “Улар бош кийимларини, камарларини ва елкадан ошириб боғлайдиган тасмаларини олтин билан зийнатлайдилар”, деб ёзган.

Халқ амалий санъатининг бетакрор соҳаси, моддий маданиятнинг муҳим компоненти, анъанавий заргарлик машғулоти ривожланиши узоқ тарихий даврни босиб ўтган.

Ўзбек халқи бой маданият яратган халқ ҳисобланади. Ушбу халқнинг амалий санъати ичида, заргарлик санъати алоҳида ўрин тутаяди ва уни ўрганиш ҳам илмий ҳам амалий аҳамият касб этади.

Шунингдек, ўзбек халқининг заргарлик машғулоти асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб борган ва ҳозирда миллий маданиятимизнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланади.

Халқимизнинг заргарлик тарихини материаллар асосида чуқур ўрганиш орқали, унинг асл моҳиятини, аҳамиятини очиқ бериш имконини беради.

Худди шундай ҳудудлардан бири Бухоро – асрлар давомида жаҳон тамаддуни хазинасига муносиб ҳисса қўшиб келаётган дунёнинг етти шариф шаҳарларидан бири. Бухоро ўз даврида “Қуббат ул-Ислом”, “Бухоройи шариф”, “Фохира” каби номлар билан эъзозланиб ва қадрланиб келинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Бухоро ўзининг бебаҳо осори-атиқаларию, ноёб меъморий ёдгорликлари билан дунё аҳли тан олган “очик осмон остидаги музей шаҳар”дир.

2021 йил Бухоро шаҳрида 144 меҳмонхон, 159 та меҳмон уйи, 37 та хостел, 2 та квартира фаолият юритди [6:6]. Ташриф буюрган сайёҳлар сони 2 млндан ортиқ бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан ички туризмда қарийиб 9,3 баробарга, хорижий сайёҳлар сонига нисбатан 3,6 баробарга ортган. Турли хизматлари туфайли биргина 2021 йилда худуд иқтисодиёти 478,9 млрд сўм фойда кўрди. [7:222]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ-5098сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Халқаро зардўзлик ва заргарлик

фестивалини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида 2021 йил 8 октябдаги 629-сон қарори эълон қилинди.

Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали доирасида: Миллий ҳунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик йўналишида фаолият юритиб келаётган яқка тартибдаги тадбиркорларни ҳамда заргарлик тармоғидаги янги «миллий бренд» ташкилотларининг соҳа ривожига ҳисса қўшган тажрибали вакиллари, истеъдодли ҳунармандларни аниқлаш, уларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантириш;

худудларда зардўзлик ва заргарликни (миллий брендларни) жадал ривожлантиришни рағбатлантирувчи муҳит яратиш;

зардўзлик ва заргарлик фаолиятидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш;

республикада зардўзлик ва заргарлик тармоғини ривожлантириш билан мазкур касб-ҳунар турларини «устоз-шогирд» анъаналари ҳамда малака ошириш курслари орқали ёшларга ўргатиш ва янги иш ўринларини яратиш;

зардўзлик ва заргарлик намуналарини ўзбек бренди сифатида халқаро миқёсда тарғиб қилиш;

минтақада миллий ҳунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик йўналиши орқали туризм салоҳиятини янада юксалтириш;

ўзбек халқ миллий маданияти анъаналарини намойиш этиш орқали сайёҳларни жалб қилиш;

зардўзлик ва заргарлик санъатининг ноёб ва йўқолиб бораётган намуналарини ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб янги андозада уйғунлаштириш ва қайта тиклаш;

фестивалга иқтидорли ёш зардўз ва заргарларни жалб этиш;

фестивалда хориждаги зардўзлик ва заргарлик мактабларининг уста зардўз ҳамда заргарлари, шунингдек, замонавий технологиялар асосида фаолият юритаётган хорижий заргарлик ташкилотларининг дизайн, маркетинг ва менежмент йўналишларидаги мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилди.

Фестиваль 2022 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир мартаба май ойида Бухоро шаҳрида ўтказилиши белгилаб қўйилди.

«Анъанавий зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция миллий ҳунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик йўналиши бўйича, шунингдек, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган миллий ва хорижий бренд маҳсулотлари кўрик-танлови хорижий ва маҳаллий зардўз ва заргар усталар иштирокида маҳорат дарслари;

халқ сайиллари, мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари иштирокида замонавий ва креатив усулда саҳналаштирилган концерт дастурлари намойишлари;

зардўзлик ва заргарлик санъатига оид кўرғазмалар;

ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий зардўзлик ҳамда заргарлик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари намойишлари;

ҳунармандчиликка оид бадиий, ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойишлари;

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган машҳур зардўз ва заргарлар устахоналарига экскурсиялар;

миллий либос ва миллий тақинчоқлар билан кўрғазмалар чиқишлар, театрлаштирилган томошалар, аския ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиши;

фестиваль кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ва гала-концерт ташкил этилди.

Дастурга мувофиқ, дунёнинг эллиқдан зиёд давлатидан ташриф буюрган ҳунармандлар, санъатшунослар, тарихчилар, экспертлар ва юқори мартабали меҳмонлар ҳамда республикамиз вилоятларидан келган халқ амалий санъати усталари, фольклор дасталари жамоалари учун барча шарт – шароитлар яратилди. Арқ қалъасидан то Пойи Калон мажмуасига қадар бўлган худудда ҳунармандларнинг кўрғазма-савдо ярмаркалари ташкил этилди. Бутунжаҳон Ҳунармандлар кенгаши (WCC) йиғилиши, «Анъанавий зардўзлик ва

заргарлик, каштадўзлик санъатини ривожлантириш истикболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция, «Каштадўзлик, миллий қадрият – мозийга назар» номли кўргазма, хунармандларнинг маҳорат сабоқлари, “Бухара фашион дайс 2022» модалар намойиши, зардўзлик мажмуасининг очилиши, халқ сайиллари - буларнинг барчаси фестивал катнашчилари ва сайёҳлар учун унутилмас лаҳзаларни ҳаё этди.

Африкадаги Мали давлатидан тортиб океан орти – Бразилиядан ташриф буюрган меҳмонларни ҳам учратиш мумкин эди.

Маросимдаги яна бир диққатга лаҳзалардан бири кўрик-танлов иштирокчиларининг маҳсулотлари кўргазмаси ва маҳорат дарсларининг 12 номинация: («Энг яхши зардўзлик корхонаси», «Энг яхши заргарлик корхонаси», «Энг яхши зардўз», «Энг яхши заргар», «Энг яхши зардўзлик мактаби устаси», «Энг яхши заргарлик мактаби устаси», «Зардўзлик бўйича қадимий сулола давомчиси», «Заргарлик бўйича қадимий сулола давомчиси», «Қадимий анъаналарни қайта тиклаган зардўз», «Қадимий анъаналарни қайта тиклаган заргар», «Энг ёш маҳоратли зардўз», «Энг ёш маҳоратли заргар») бўйича баҳолангани бўлди. Етти кишидан иборат таркибдаги халқаро ҳайъат аъзолари хулосасига кўра, энг яхши деб топилган заргарлик, зардўзлик ташкилотлари, заргар ва зардўз, ҳар иккала йўналиш мактаблари устаси, сулола давомчиси ва бошқа номинациялар ғолибларига махсус диплом ва пул мукофотлари тантанали тарзда топширилди.

Таниқли санъаткорлар, эстрада ва замонавий кўшиқлар ижрочилари иштирокидаги гала-концерт илк бор ўтказилган ушбу халқаро фестивалга байрамона руҳ бағишлади.

“Анъанавий зардўзлик ва заргарлик, каштадўзлик санъатини ривожлантириш истикболлари” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Жумладан, маҳаллий ва хорижий хунармандларнинг маҳсулотлари кўргазма-савдоси, фестивални ўтказиш ва яқунлари бўйича матбуот анжуманлари, “Bukhara Fashion days” мода ҳафталиги, халқ сайиллари, кўғирчоқбозлик ва дорбозлар томошалари, вилоятлар фольклор жамоалари ва маданият бошқармалари концерт дастурлари, ош танловлари, маҳаллий ва хорижий хунармандларнинг маҳорат дарслари, “Ўзбекистон заргарлик ва зардўзлик санъати” ва “Зардўзлик санъати” номли китоблар тақдимути, Бухоро шаҳридаги мавжуд машҳур зардўз ва заргарлар устахоналарига экскурсиялар уюштирилди.

Хуллас, бир неча минг йиллик заргарлик санъати мустақиллик йилларига келиб янада ривож топди. Заргарлик санъатига бағишланган халқаро фестиваллар ташкил этилди, у эса Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш соҳасида амалга оширилаётган ишларимиздан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Т., 1988.
2. Пугаченкова Г.А. Ювелирные изделия Дальварзинского клада. – М., 1973.
3. Чвырь Л.Л. Опыт классификация ювелирных украшений. (Проблема типологии на таджикских серег) // Костюм народов Средней Азии. – М., 1979. – С. 103-113.
4. Боразна Н.Г. Некоторые материалы об ампулетах – украшениях населения Средней Азии // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1975. – С. 281-298.
5. Азизова Н.Х. Ювелирные изделия Узбекистана. – Т., 1968.
6. Бухоро вилояти туризм ва спорт бош бошқармасининг “Бухоро вилоятида туризм ва спорт соҳаларида 2021 йилда амалга оширилган ишлар бўйича асосий кўрсаткичлар ҳамда 2022 йилда белгиланган вазифалар тўғрисида” ги маълумотномаси 2022 йил. – Б. 6.
7. Тоғаева А., Юлдошев Б. Туризм ривожланишининг шаҳар атроф-муҳитга таъсири (Бухоро шаҳри мисолида). Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда моддий-маданий ёдгорликлар ва музейларнинг ўрни (қашқадарё моддий-маданий ёдгорликлари ва музейлари мисолида) Халқаро илмий-амалий конференция. Шаҳрисабз, 2022 йил. – Б. 222.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАВЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР**Ҳайитов Ж.Ш. (БухДУ)**

Аннотация. Ушбу мақолада совет ҳокимияти ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мевали дарахтлар янги навлари кириб келиши, яратилиши ва иқлимлаштирилиши тарихи манбалар ва адабиётлар таҳлили орқали очиб берилган. Шунингдек, мевали боғлар ташкил ташкил этишдаги муаммолар, уларнинг ҳосилдорлиги, касалликларга чидами, нарх-навоси ва маҳаллий иқлимга мослашуви тарихи ҳам атрафлича келтирилган.

Таянч атамалар: *мева, боғ, янги нав, пайвантаг, селекция, селекционер, ҳосилдорлик, ҳаваскор деҳқонлар, ҳаваскор боғбонлар, дарахт, яшил макон.*

Аннотация. В данной статье посредством анализа источников и литературы раскрывается история интродукции, создания и акклиматизации новых сортов плодовых деревьев в Узбекистане в годы советской власти и независимости. Также подробно изложена история проблем организации садов, их урожайность, устойчивость к болезням, цена, адаптация к местному климату.

Ключевые слова: *плоды, сад, новый сорт, прививка, селекция, селекционер, урожайность, фермеры-любители, садоводы-любители, дерево, зеленое насаждение.*

Annotation. In this article, the history of the introduction, creation and acclimatization of new varieties of fruit trees in Uzbekistan during the years of Soviet power and independence is revealed through the analysis of sources and literature. Also, the history of problems in the organization of orchards, their productivity, resistance to diseases, price, and adaptation to the local climate is detailed.

Key words: *fruit, garden, new variety, grafting, selection, breeder, productivity, amateur farmers, amateur gardeners, tree, green space.*

Ўзбекистон тарихининг Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган даврида боғдорчилик, мевачиликнинг аҳволи қониқарли ҳолатда бўлмаган. Асосий эътибор пахтачиликка қаратилгани учун мевали кўчатлар парваришlash, мевали боғларни сақлаб қолиш ва кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий навларни тарқатиш вазифалари иккинчи вариантда эди. Тарихий манбаларда қаровсиз қолган боғлар, уларда ҳосилдорлик паст даражада экани билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Айниқса, олма, нок, гилос, абрикос дарахтлари кексайган мевазорларни ёш кўчатлар билан алмаштиришга эътибор қаратилмаслиги бу борадаги ишлар ривожига ўз таъсирини ўтказган. Шу сабабли 1934 йил 7 июлда Ўзбекистон ССР ХКС ва ЎзКП (б) МКнинг “Боғдорчилик ва тоқзорчиликни кўтариш ва ривожлантириш тадбирлари ҳақида”ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида мевали боғлар майдонини кенгайтириш, оилаларда мевали дарахтлар, тоқ ўстиришга алоҳида эътибор қаратиш масаласи илгари сурилган.[8.] 1934 йилда Республикадаги боғлар 31.225 гектарни ташкил этган бўлса, 1938 йил 1 январ ҳолатида 43.795 гектарга етказилган. Айниқса, олма ва нок, абрикос (ўрик) мевалари етиштиришга алоҳида эътибор берилган.[14; 47.] Юқоридаги қарор асосида колхозларнинг ҳар бир кўрғони, уйи ёнида ва ҳар бир хўжалик атрофида камида 20-25 туп мевали дарахтлар, тоқ туплари ўстирилишига кўрсатма берилган. Бироқ, бу йўналишдаги ишлар суст кетганлиги, қониқарли йўлга қўйилмаганлиги учун 1935 йил 16 ноябрда ЎзССР МИҚ раиси Й.Охунбобоев Ўзбекистон зарбдор колхозчилар иккинчи курултойида мевачилик ҳолати ҳақида мантқиқий фикрлар билдирган. Унинг маърузасида 1 туп узум дарахтидан 200 пуд ўрнига 60 пуд ҳосил олинаётганлиги, мевали боғлар қаровсизлигига чек қўйилмаётгани, селекция ишлари мутлақо йўлга қўйилмаганлиги таъкидланган. Й.Охунбобоев маърузасида айрим хўжаликлар мисолида аниқ далиллар келтирилиб: “Тошкент вилояти Октябрь тумани “Саноат” колхозида мевазорлар 1933 йилда 9 гектар бўлса, 1934 йилда – 6 гектарга тушган, кўшни “Намуна” колхозида – 4 гектар боғлар йўқ қилиниб, пахтазорларга айлантилган. Ушбу колхозларда 1934 йилда 84 туп олма ва нок дарахтлари ўтин қилиб ёкиб юборилган” лиги қайд этилган.[7; 363.] 1941 йилга қадар боғларнинг майдонини 1,5-2 баробар кенгайтириш, айниқса, Сурхандарёнинг Жаркўрғон, Денов, Шеробод туманларида мева етиштиришни икки қарра кўпайтириш, тоғ бағрида ўсувчи ёввойи мевалар (ёнғоқ, бодом, олма, жийда, pista) боғларини ташкил этиш, анҳор ва ариқ бўйларида ўсувчи мевали дарахт кўчатларини хориждан келтириш, шўр тупроқли ҳудудларда жийда парваришига эътибор қаратиш каби кенг қамровли ишларга киришилган. Бироқ, уруш шароити туфайли ушбу режалар асосан қоғозда қолиб кетганди. 1930 йилларда ҳукумат ва давлат раҳбарлари янги экин навларини Республика ҳудудлари бўйлаб тарқатишга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада Файзулла Хўжаев ва Йўлдош Охунбобоевлар анча жонбозлик кўрсатдилар.[9;81-83.] Й.Охунбобоев маърузаларидан бирида: “Хусусан бир нарсага

аҳамият берайликки, бизнинг жайдари тутимизнинг барглари жуда кичик. Кўп тут билан биз оз пилла оламиз. Япон тути бир тут бор, унинг барги бизнинг тутимиз баргига қараганда 8 баравар катта. Кўпроқ биз тут майдонларимизни манашу тут майдонларига айлантиришимиз керак. Мана шунда биз пиллачилигимизнинг 8 баравар ортишига муваффақ бўламиз”[7; 363.] деганди. Й.Охунбобоев тут мевасининг инсон учун фойдали эканлиги, ундан тайёрланадиган шинни (тут мураббо), тут қоқи кабилар ҳақида ҳам фикр юритиб, тут кўчатхоналарини кенгайтиришга тавсиялар берганди. Айниқса, унинг кўчатчиларга яхши навли уруғлар танлаш, агротехника қоидаларига амал қилиш, ҳашоротларга қарши кураш билан боғлиқ тавсиялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1930 йиллардаги тадбирлар асосида ариқ ва анҳорлар бўйида, пахта далалари атрофи ҳамда экин майдони марказий қисмида мевали дарахтлар (ўрик, олма, гилос) ва тут дарахтлари ўстириб, парваришlash анъанаси 1960-1970 йилларда ҳам давом этди. колхозларнинг бригада ва звено аъзолари ушбу мевали дарахтларнинг сархил меваларидан баҳраманд бўлиб, пахта майдонларидаги тут дарахтлари остида соя-салқинда ҳордик чиқариб, тамадди қилиб олардилар. Тут дарахти экин майдонларидаги шўрни пасайтиришга хизмат қилган. Аслида шўрлик даражаси юқори бўлган экин майдонлари тўрт бурчагида махсус хандаклар қозиш, тут дарахти ўстириш орқали халқчил услуб билан шўрланишга қарши кураш олиб борилган. 1980 йиллардан бошлаб пахта далалари атрофидаги барча дарахтлар йўқотилиб, пахтага ҳаво етишмаслиги, ушбу мевали дарахтлар пахта учун зарур бўлган эркин шабадани тўсиб қўйганлиги асос қилиб кўрсатилганди. Аслида пахтазорлар атрофидаги манзарали дарахтлар (тол, терак, қайрағоч, калифорния тераги) қисқартирилиб, пахта майдонида трактор техникаси ишлашига қулайлик яратиш вазифаси 1930-1940 йилларда қилинган эди [10.]

Совет ҳокимияти йилларида мевачилик асосида янги навларни яратиш тўхтаб қолди деган даъводан йироқмиз. Бироқ, пахтачилик соҳасига асосий эътибор қаратилгани учун, бу йўналишдаги вазифалар деярли долзарб деб қаралмади.

Маълумки Россия империяси ҳукмронлиги йилларида (1867 – 1917 йй) Европа, Америка, Крим, Кавказ ва Осиёнинг бир қатор давлатларидан, Россия жанубий ва марказий ҳудудларидан мевали дарахтларнинг 300 дан ортиқ навлари, биргина олманинг 160 та нави келтирилиб, тажриба-лаборатория синовидан ўтказилганди. Айниқса, олма ва нокнинг “Розмарин”, “Антоновка”, “Кальвиль”, “Қандил Синап”, “Бельфлер”, “Напалеон”, “Шафрон”, “Деканка”, “Луиза”, “Бонь Санье”, “Шанпан ренета”, “Мария Гисс”, “Шарль конье”, “Дюшесь”, “де Ангулем” каби янги навлари кенг тарқалганди. Тадқиқотлар давомида амин бўлиндикли, империя ҳукмронлигидан бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлсада, хориждан келтирилган айрим олма ва нок навлари уруғ бузилмаслигини сақлаб қолиб, минтақа иқлимига тўла мослашиб, совет ҳамда мустақиллик йилларида бирдек парваришлаб келинмоқда. Совет ҳокимияти йилларида парваришланган олма ва нокнинг маҳаллий навлари билан бирга “Розмарин”, “Антоновка”, “Кальвиль”, “Қандил Синап”, “Дюшесь” каби хорижий навлари ҳақида манбаларда қайд этилиши юқоридаги фикрни тасдиқлайди.[15; 106.]

Совет ҳокимияти йилларида Фарғона вилояти Фарғона туманида фаолият юритган мевали кўчатлар парваришlash сахозининг участкалари ва кўчатхоналари Фарғона тумани, Олтиариқ туманида жойлашган бўлиб, Каптархонадаги Фарғона ўрмон хўжалиги, Ирригация ўрмон хўжалиги кабиларни ҳам ўзида бирлаштирган эди. Ушбу савхознинг тажрибалар базаси Р.Р. Шредер номли селекция станцияси ҳисобланиб, ер майдони 227 гектар, шунингдек Олтиариқ туманида 113 гектар, жаъми 340 гектарни ташкил этган. Каптархона ўрмон хўжалигида 233 гектар, Ирригация ўрмон хўжалигида 377 гектар ер майдони бўлган. Демак, жаъми: 610 гектар майдонда кўчатчилик ва ўрмончили билан шуғулланилган. Экмладиган ерлар 83 гектарни, боғлар 192 гектарни, узумзорлар 32 гектарни, кўчатзорлар 110 гектарни, бўш ерлар 101 гектарни ташкил этган.[16; 69.] 1985-1990 йилларда мева кўчатчилигини ўстиришга бўлган уринишлар ўзини оқламаганлиги туфайли Фарғона вилоятидаги барча кўчатзорлар ягона бошқарув остига олинган, хўжалик ҳисоби асосида иш юритишда қўрилган натижаларга эришилмаган.

1950 йилларда Фарғонада ташкил этилган Мевали кўчатларни парваришlash савхозининг Совет ҳокимияти қайта қуриш сиёсати 1985-1987 йилларидаги юритилган кўрсаткичлари қуйидагича бўлган.[16; 70.]

Номланиши	Ўзгариш бирлиги	1985 йил	1986 йил	1987 йил	Истиқболдаги режа
Экиладиган умумий ерлар	гектар	362	362	362	420
Экилмагани	гектар	84	112	93	100
Боғлар	гектар	98	99	91	100
Узумзорлар	гектар	26	29	35	35
Сарфланадиган маблағ	Минг рубл ҳисобида	2213	2090	2107	2107
Фойда	Минг рубл ҳисобида	785	575	925	980
Кўчат сотувидан даромад	Минг рубл ҳисобида	645	350	671	700
Чорвачилиқдан	Минг рубл ҳисобида	36	9	16	20
Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг рубл ҳисобида	520	437	591	620
Иш ҳақи	Минг рубл ҳисобида	317	365	408	410
Соф фойда	Минг рубл ҳисобида	265	138	334	360
Қолдиқ	Минг рубл ҳисобида	427	234	344	x
Умумий ишчилар сони	киши	368	284	312	320
Бир ишчининг ўртача бир ойлик маоши	Минг рубл ҳисобида	92	156	117	110
Узум кўчатларини етиштириш	Минг рубл ҳисобида	1087	538	1180	120
Мевали кўчатларни ишлаб чиқариш	Минг рубл ҳисобида	591	522	890	1000

Юқоридаги жадвал таҳлил қилинар экан, кўп кўрсаткичларда Фарғона мевали кўчатчилик савхозида кўрсаткичларда пасайиш юз берганини, хўжалиқни юритишда муаммолар бўлгани аён бўлади. Шу сабабли 1988 йилда бу савхоз Р.Р. Шредер номидаги Кува тажриба станциясига бирлаштириб юборилган.

Ўзбекистонда боғдорчиликнинг ривожланиши мустақиллик йилларига қадар ўзига хос мураккаб жараёнларни ўз бошидан кечирди. Республикада кечган зиддиятли ижтимоий-эқтисодий жараёнлар туфайли (“Хужум”, “Ер-сув ислохоти”, “Қулоқлаштириш”, “Жамоалаштириш”, “Қатоғон қилиш”, “Шаклан миллий мазмунан социалистик жамият барпо қилиш”, “Комунизм асосларини яратиш” ва ҳоказо – диссертант) юз берган салбий ҳолатлар янги экин навларини тарқалишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу ўринда Тошкент, Фарғона, Бухоро ва бошқа вилоятлардан аҳолини “қулоқ” қилиш туфайли Сурхандарё каби нисбатан қолоқ жойларда жойлаштирилган кўчирилганлар орқали янги мева навлари бу ҳудудларга бориб қолди. “Қулоқ” хўжалиқлар ўзлари билан мевали дарахтларнинг маҳаллий ва хорижий навларини Сурхандарёнинг Денов, Бойсун, Жаркўрғон туманларига олиб бордилар.[4; 29-31] Таъкидлаш жоизки, 1937-1938 йилларнинг аёвсиз катагонлари агроном-селекционерларни ҳам четлаб ўтмади. Боғбон олим ва уста миришкорларга “мева кўчатлари ва экин уруғларини хорижга яширин сотган”, “сир сақлаши керак бўлган маълумотларни ошкор қилган” каби сохта айблар билан жазога тортиш ҳолатлари юз бериб турди. [11]

Юқоридаги салбий ҳолатларга қарамай, мевачилик соҳасида имкон қадар селекция ишлари олиб борилди, бу йўналишда сезиларли силжишлар кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, боғдорчилик соҳасида амалга оширилган ишлар, бу борадаги ютуқлар аяққол кўзга ташланади.

Мевали боғлар истиқлол йилларидан аввал, яъни совет ҳокимияти даврига қадар колхоз ва савхозларга қарашли бўлса, мустақиллик даврида улар фермер хўжалиқлари, деҳқон хўжалиқлари ва қолган қисми бошқа қишлоқ хўжалиғи корхоналари ихтиёрига берилди. 2016 йилга келиб, боғлар

майдонининг 60,6 фоизи фермер хўжаликлари, 33,9 фоизи деҳқон хўжаликлари ихтиёрига берилди. 2015 йилда етиштирилган меванинг 45,7 фоизи фермер хўжаликлари, 52,2 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Таъкидлаш жоизки, деҳқон хўжаликлари мева етиштиришда юқори натижаларга эришмоқдалар.

Кейинги ўн йилликда, яъни 2012 йилдан бошлаб Ўзбекистон боғдорчилик фермер хўжаликлари ташкил этилиб, умумий боғлар майдони муттасил кўпайиб борди. 2013-2017 йилларда мамлакатда умумий боғ майдонлари 254,6 минг гектардан 279,6 минг гектарга, яъни 9 фоизга ортган. Кўрсатилган йилларда ҳосилга кирган боғлар майдонлари 201,3 минг гектардан 226,9 минг гектарга кўпайиб (12 фоиз) ҳосилдорлик 19 фоиз, ялпи ҳосил миқдори 34 фоизга ошган. [13; 47-48.] Интенсив боғларни кўпайтириш йўналишида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, аввало янги технологияларни тадбиқ этиш, аҳолида етарли билим ва кўникмалар мавжуд эмаслиги, барча ҳосилга кирган боғларда самарадорлик юқори эмаслиги кабиларни санаб ўтиш мумкин. Бироқ, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш аънанавий боғдорчиликдан фаркли ўларок, қисқа вақт ичида ҳосил олиш имконини (айрим боғларда кўчатлик ҳолатидаёқ дарахтлар мева сола бошлайди, ёки 2-3 йилда кўчатлар мева сола бошлайди – диссертант), етиштирилаётган маҳсулотларни юқори товарлилик даражаси, сақлаш ва ташиш учун чидамлилиги билан ажралиб туради. Интенсив боғдорчилик соҳасини ривожлантириш орқали мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни мева маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолини мевага бўлган талабини юқори даражада қондириш, экспорт салмоғини ошириш ва моддий турмушни кўтаришга эришишдир. Шу сабабли интенсив мева етиштирадиган фермер хўжаликлар сонини кўпайтириш, бундай хўжаликлар учун қулай ер фондларини тақдим этиш, хўжаликларга имтиёзли кредит тарифлари жорий этиш, ҳосилдорликни оширишга қаратилган хориж тажрибасида синовдан ўтган томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш технологиясини қўллаш кабилар жорий этилди.

Истиқлол йилларида академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти ва мазкур институтнинг вилоятлардаги илмий-тажриба институтларида боғдорчиликда юқори ҳосил берадиган, иқлим шароитларига мос касалликка чидамли мева навлари яратишда бой тажриба тўпланди. Жумладан институтнинг Самарқанд илмий тажриба станциясида Япониянинг “ЛСА” компанияси билан ҳамкорликда 2011 йилда 3 гектар майдонда Япониянинг “Фуджи” навли олма дарахти ва “Акатцуни” шафтоли нави яратилди. 2012 йилдаёқ ушбу мева навларининг ҳосили селекционерлар кутган натижани берди [18.]

Шунингдек, Самарқанддаги “Мароқанд мева-сабзавот боғи”да 16 турдаги олма, 10 турдаги олча, 8 турдаги шафтоли, 7 турдаги гилос, 5 турдаги беҳи, 6 турдаги ўрик, бодом етиштириш йўлга қўйилиб, ушбу навлар маҳаллий дурагай ва ярми хориждан келтирилган мевали кўчатлар асосида парвариш этилмоқда [18]. Боғдаги мевали дарахтлар орасига Ндерландиядан келтирилган 40 дан ортик техник операцияларни бажарадиган замонавий техник воситалар, меваларни қуёш, жала ва дўлдан ҳимоя қилиш, қуш ва паррандалар хужумидан ҳимоя қилишга қаратилган, боғ микроклиминини меъёрида сақлайдиган тўр-сеткалар ўрнатилди.

Самарқанд тумани “Оҳамис олтин боғи меваси” маъсулияти чекланган жамиятининг 680 гектар ер майдонида хориждан навлари келтирилган олма, нок, гилос ва бошқа мевали дарахтларнинг пакана ва ярим пакана кўчатларидан (карлик) яъни 2 йилда ҳосил берган интенсив боғларидан ҳосилдорлик юқори даражада олинди. 2011 йилда ушбу боғларнинг ҳар бир гектаридан 8 тонна 2014 йилда 25 тонна мева ҳосили кўтарилди. Кейинги йилларда ушбу жамоа боғларидан 10 минг тонна ҳосил олиниб, унинг 2,5 минг тоннаси Россия Федерацияси, Қозоғстон, Эронга экспорт қилинди. [3; 106.]

Самарқанд вилоятида интенсив боғлар майдони йилдан-йилга ошиб, 2020 йилда 12.822 гектарга етди, шундан ҳосилли боғлар 8179 гектарга, интенсив олма 4204 га, нок боғи – 200 га, интенсив гилос боғи – 1997 га, олхўри боғи 373 га бўлган. Ушбу боғлардан 109.044 тонна ҳосил олиниб, жумладан етиштирилган ҳосилнинг 54.843 тоннаси олма, 1554 тоннаси нок, 18.898 тоннаси гилос, 3100 тоннаси олхўри, 31.649 тоннаси бошқа сарҳил мевалар ҳисобига тўғри келади [3; 112.]

Хусусан, ушбу жараёни Қашқадарё вилоятида кўриб чиқадиган бўлсак, 2016 йилда ушбу вилоятда ҳосилга кирган боғлар майдони 17.238 га бўлса, 2017 йилга келиб, 20.755,6 гектарга етган; шундан ёш боғлар майдони 12.224 гектардан 15.156 гектарга кенгайган ҳолда, кўрсатилган йилларда интенсив боғлар майдони 1945,3 гектардан 1954,5 гектарга ошган. Агар вилоятда бир фермер хўжалигининг интенсив боғ майдони ўртача 10,8 гектарга тўғри келса, улар оладиган соф фойда 2016-2018 йилларда 2 баравар ошган. Жумладан, Яккабоғ туманидаги 3,5 га ерда олма етиштирувчи “Орифжон интенсив боғ” фермер хўжалигининг 2017 йил бир гектар боғ ҳисобига олинган соф фойдаси 105.500 минг сўмни ташкил этган.

Янги мева навлари, замонавий интенсив боғларни яратишда, татура усулида шакллантиришнинг роли йилдан-йилга ошиб бормоқда. Татура усули симбағазларда мева дарахтарини ўстириш технологияси бўлиб, татура усулининг очик ва ёпиқ шакли бўлиб, улар дарахтнинг экилиш усули, қалинлиги (зичлиги) ва шаклланиши билан бир-бирдан фарқ қилади.

Татура усули 2015-2017 йилларда Маҳмуд Мирзаев номидаги БУВИТҚдаги марказий тажриба станциясида ўрганилиб, М9 пайвандтагида 40 дан ортиқ маҳаллий олма навлари ва интродукция олма навлари очик ва ёпиқ татура усулида атрофлича ўрганилди. Куртагларнинг бўртиши татура экиш усулидаги боғларда анча илгари бошланиб, жумладан, “Фуджи” навида – 5-10 кун, “Нафис” навида – 5 кун, “Либерти зимний” навида – 6-8 кун, “Ред демишес” навида – 5-8 кун, “Гондраш” навида – 6-13 кун олдин юз берди. Асрлар давомида Ўзбекистонда экилиб келинаётган “Кандиль синап” навида татура усулини қўллаш натижа бериши ушбу олмадан янада эртароқ ҳосил олиш имконини яратди. Татура усулида экилган боғда ҳосилдорлик юқори, дарахтлар сони кўп, ҳосил доғсиз бўлади. Татура усулида шакл бериш, симбағазларга тараш, кечадиган жараёнларни фотосинтез жараёнларининг жадаллиги каби ўзига хос хусусиятлар намоён бўлади. Энг муҳими бу усулда ер ва сувдан тежаб фойдаланиш имкони мавжуд ҳамда стандарт мева ва мўлкўл ҳосил олинмоқда [6; 39, 5].

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги илмий-тажриба синов марказларида ўрмончилик, мевали дарахтларни маҳаллий навлари ва хорижий пайвантаг навларининг парваришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўсимликшунослик, ўрмон экинлари маданияти билан боғлиқ адабиётлар [12; 2] ва илмий тавсияларга риоя қилиш қўтилган натижаларни бермоқда.

Истиклол йилларида Жиззах пистачилик илмий-тажриба синов маркази ташкил этилиб, ушбу марказда 10 турдаги писта, бодом, ёнғок каби мевалар устида селекция ишлари олиб борилди. Улар орасида хориждан юртимизга келтирилган янги ўрмон меваларининг навлари ҳам бўлиб, уларнинг 70 тури синовдан ўтказилмоқда. Қўрғоқчилик шароитида илдизи чуқур отиб кўпайиб кетадиган навлар синовдан ўтказилаётгани, улардан айримларининг маҳаллий иқлимлаштирилиши илмий изланишлар бекорга кетмаётганлигидан далолатдир [17]. Ўзбекистонда мевали дарахтларнинг янги навларини парваришlash учун олиб борилаётган ишларда дунё минтақаси турли давлатларида ҳозирги кунда яратилаётган янги навларни кузатиб бориш, ахборот алмашиш, тезкорлик билан уларни юртимизга олиб келиб иқлимлаштириш чораларини кўриш вазибалари муҳим роль ўйнайди. Масалан 2017 йилда Аргентина давлатида ушбу мамлакат кишлок хўжалиги илмий-тадқиқот институти раҳбари Лекеик Айба бошчилигидаги селекционерлар “Қизил олмос” хурмо янги навини яратдилар. Бу хурмо уруқсиз, 3 йилда кўчатлари ҳосилга киради, ҳар бир туп дарахти 300-400 кг мева бериши билан бирга, унинг меваларини 3 ой муддатда сақлаш мумкин [1; 47.] Бу каби мисолларни олма, нок, олхўри, ўрик, гилоснинг янги навлари ҳақида ҳам келтириш мумкин. 2020 йилда АКШда яратилган “Калифорния-6” олма нави ҳам ўлкамизга иқлимлаштириш учун олиб келингани муҳим тадбирлардан бири бўлди [5].

Хуллас совет ҳокимияти йилларида мевачилик борасидаги селекция, янги нав яратиш ва тарқатиш билан боғлиқ ишлар кенг миқёсда амалга оширилмаганлиги аён бўлди. Бу йўналишдаги ишлар истиқлолнинг ортда қолган йилларида кенг миқёсда йўлга қўйилиб, айниқса, интенсив боғлар яратиш соҳасида мислсиз ютуқлар қўлга киритилди. Меваларнинг ўнлаб турлари бўйича юзлаб янги навлар, пайвантаглар яратилди. Мевали боғларни парваришlash ва ҳосилдорликни ошириш, стандарт мева етиштиришда бой тажриба бой тажриба тўпланди. Бу ютуқлар эса Ўзбекистонни халқаро майдонда мева экспорти борасидаги мавқеини оширди ва мустаҳкамлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аргентинанинг уруқсиз хурмоси // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. 2017. – №12.
2. Атабаева Н.Н., Худайкулов И.Б. Ўсимликшунослик. – Тошкент, 2018. – 407 бет.
3. Даминов Н.А. Мустақиллик йилларида Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланиш тарихи ва истиқболлари (1991-2016 йй.): тарих фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Бухоро, 2021.
4. Исаев О.А. Сурхон воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар (1925-1941 йй). Тарих фанлари бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Термиз, 2020.
5. Муаллифнинг шахсий суҳбати материаллари, 2020 йил 15 май; 2021 йил 25 апрель.
6. Назарова Д., Бобоева Х. Замонавий интенсив олма боғларини татура усулида шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон кишлок хўжалиги, 2019.
7. Охунбобоев Й. Танланган асарлар. –Т.: Ўзбекистон, 1976.
8. Қизил Ўзбекистон, 1934 йил 8 июль. – №155 (3038).
9. Қизил Ўзбекистон, 1936 йил 15 июль.
10. Қизил Ўзбекистон, 1937 йил 18 март.

11. Қурбонов Х. Қуйи Зарафшон воҳасида амалга оширилган катагонлик сиёсати ва унинг оқибатлари (1929-1938 йиллар). – Т.: Мъनावият, 2021. – 200 б.
12. Редко Г.И., Родин А.Р., Грецовский И.В. Лесные культуры. – Москва: Агропромиздат, 1985. – 400 с.
13. Сагаторов О. Интенсив боғдорчилик соҳасида фермер хўжаликларни ривожлантириш тенденциялари // Агро илм-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2018.
14. ЎМА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 155-йиғма жилд, 47-варақ.
15. ЎМА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 255-йиғма жилд, 106-варақ.
16. ЎМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 87-йиғма жилд, 69-варақ.
17. Ўзбекистон телерадиоканали кўрсатуvidан ёзиб олинди, 2021 йил 18 июнь (соат 19:00-19:30).
18. Хасанов Ф. Хорижликлар ҳаваси ва эътирофи // Зарафшон, 2014 йил 7 июн.
19. Хайитов Ж.Ш. Файзулла Хўжаевнинг қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик маданиятини ривожлантиришдаги ташкилотчилиги // “Файзулла Хўжаев мутафаккир, маърифатпарвар ва ислохотчи” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро, 2021.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ (Муборак нефть-газни қайта ишлаш корхонаси 1990 – 1998-йиллар мисолида)

Маллаева Ф.Р (ҚарДУ)

Аннотация. Мақола Қашқадарё вилояти нефть-газ саноатининг ривожланиши, соҳа истқиболлари ва мавжуд муамолар таҳлиliga бағишланган. Хусусан, Республиканинг энг асосий саноат зоналаридан бири бўлган Муборак нефть-газни қайта ишлаш корхонаси тарихи ҳақида кўплаб факт ва аргументлар, статистик маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: *Муборак нефть-газ корхонаси, Шуртаннефтьгаз, Ўртабулоқ, Денгизкўл-Хаузак, Зеварда, Култак, Қандим, Сомонтепа, машина ва усқуналар, қурилмалар, узатувчи қурилмала, бино, транспорт воситалар.*

Аннотация. Статья посвящена анализу развития нефтегазовой отрасли Кашкадарьинской области, перспективы отрасли и существующих проблем. В частности, представлено множество фактов, аргументов и статистических данных об истории Мубарекского нефтегазоперерабатывающего предприятия, являющегося одной из основных промышленных зон Республики.

Ключевые слова: *Мубарекское нефтегазовое предприятие, Шуртаннефтьгаз, Уртабулак, Денгизколь-Хаузак, Зеварда, Култак, Кандым, Сомонтепа, машины и оборудование, приборы, трансмиссионное оборудование, здания, транспортные средства.*

Annotation. The article is devoted to the analysis of the development of oil and gas industry of Kashkadarya region, industry prospects and existing problems. In particular, many facts, arguments and statistics are presented about the history of the Mubarak oil and gas processing enterprise? Which is one of the main industrial zones of the Republic.

Keywords: *Mubarak oil and gas enterprise, Shurtanneftgaz, Ortabulok, Dengizkul-Khauzak, Zevarda, Kultak, Kandym, Somontepa, machinery and equipment, devices, transmission equipment, building, transport vehicles.*

Муборак газни қайта ишлаш заводи кейинги йилларида Ўзбекистон саноатдаги қишлоқ хўжалик ва транспортни ҳар томонлама бир-бири билан боғланган ҳолда ривожланиб бориши натижасида республикада дунё аҳамиятига эга бўлган қуйидаги ишлаб чиқариш мажмуаларининг, Тараққиётга замин яратди; пахта етиштириш, ёқилғи-энергетика, кимё, рангли металлургия, машинасозлик ва қурилиш материаллари мажмуалари.

Юқорида кўрсатилган ишлаб чиқариш мажмуалари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожланиши ишлаб чиқариш кучларининг тўғри жойлашишига, ёқилғи энергетика, минерал хом-ашё ресурсларини аниқлаш ва улардан тўғри фойдаланишга, шунингдек, малакали кадрларни тайёрлашга боғлиқдир. Бу мажмуалар ичида ёқилғи-энергетика кимё саноати анча аҳамиятлироқ. Бу мажмуа охириги йилларда маҳаллий табиий бойликларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш негизида вужудга келган.

Ёқилғи-энергетика ва кимё ишлаб чиқариш мажмуасига кирувчи тармоқлар саноатнинг бошқа тармоқларига нисбатан тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ёқилғи-энергетика ва кимё саноатининг бу қадар юксак суръатлар билан ривожланиши бир қанча омилларга боғлиқ. Ўзбекистоннинг ер ости табиий бойликлари кўп бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ва ёқилғи ишлаб чиқариш комплексини бир қанча тармоқларини ривожлантириш зарур эди. Мутахассисларнинг фикрича, мажмуанинг муҳим тармоқларидан бири минтақаларо аҳамиятга эга бўлган ёқилғи саноатидир.

Ўзбекистон газ ишлаб чиқариш тармоқларида мамлакатлар чиқарётган газларга қараганда 1,5-2 марта арзонга тушади. Шу муносабат билан газ захираларини янада кўпайтириш, қазиб чиқариш ва уни сифатини ошириш мақсадида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республиканинг жанубий қисмида жойлашган газ конларини аниқлаш, улардаги газ маҳсулотларини қазиб олиш, газни тозалаб саноатда фойдаланиш борасида самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда МГҚИЗ ҳамда Шўртанни ягона газ кимё комплексига бирлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қашқадарё газ саноати ривожланишида Шўртан газ комплексининг ҳам аҳамияти катта. У энг йирик табиий хазиналаридандир. Шунинг учун ҳам Қашқадарё вилоятининг республикадаги нефть ва газ захиралари бўйича мавқеи жуда юксакдир.

1990-йили Республикага нисбатан Қашқадарёнинг салмоғи табиий газ ва нефть захиралари бўйича мос ҳолда 74,3 фоиз ва 73,4 фоизни¹ ташкил этган бўлса, кейинги йилларда хом-ашёни ўзлаштирилганлиги сабабли бу кўрсаткич озгина пасайган. Аммо ҳали аниқланмаган ерларимиздаги хазиналар ҳисобига кейинги йиллардаги вилоятимизнинг хом-ашё салмоғи яна ҳам юксакроқ бўлади. Келажакда Шўртан Муборак нефть газ ривожланишига олиб келади. Муборак газни қайта ишлаш заводининг тутган ўрни муҳимдир, чунки завод келажакда ҳар йили ўртача ҳисобда 25 млрд м.куб² газни қайта ишлашга мўлжалланган.

Республикамизда бугун халқ хўжалигини таъминлаш учун 60 млрд.м.куб газ қазиб олиш режалаштирилган. МГҚИЗ республикамиздаги барча олтингугурт таркиби газларни тозалаб беради. Келажакда Муборак- Шўртан комплекси етказиб бераётган маҳсулотлардан кўпгина бошқа мамлакатлар ҳам баҳраманд бўладилар.

Завод 1990 йил учун қуйидаги режани бажаришни зиммасига олган, қабул қилинадиган газ 21,5 млрд м.куб, қайта ишланадиган газ 19,5 млрд м.куб³ бўлиши лозим. 1990-1995 йилларда газдан конденсат олиш билан чекланмасдан конденсатин қайта ишлайдиган цех ҳам режалаштирилган. Бу вилоятимиздаги дизель ва бензин каби ёқилғиларни танқислигини бартараф этишга муҳим роль уйнайди.

Алоқа системасини модернизация қилиш ҳам илмий-техника жараёнининг асосини ташкил қилади. Бунинг асосий вазифаси-заҳарланиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бу объект ҳам 1993 йилда қурила бошланиб, 1994 йилда тугалланиши лозим эди. Яна бир муҳим қурилма-саноат телевиденияси бўлиб, у оператив бошқарув мақсадига қаратилгандир. Қурилма 1992 йил бошланиб 1993 йил ишга тушиши керак эди. Унга 1992 йилги нархларда 0,8 млн сўм маблағ ажратилган. Заводда ана шу мўлжалланган мақсадларнинг асосийсига эришилган, қолган қисмлари ҳам охирига етказилмоқда. Заводда кўпгина экологик масалалар деярли ечилган, лекин ҳозирги кунда ҳам, албатта, баъзи муаммолар мавжуддир. МГҚИЗнинг келажакдаги порлоқ, ҳозирги иқтисодий шароитда унинг маҳсулотларига эҳтиёжлар ошиб бормоқда.

Газни қайта ишлаш жараёни, бу тез-тез ўзгариб турадиган жараёндир Чунки конларнинг ҳажми ва таркиби ўзгариши унга бевосита таъсир ўтказади. Масалан, завод

¹ Хайруллаев О.И. Нефть ва газ мамлакат саноатининг муҳим тармоғи (Қашқадарё мамлакат нефть ва газ саноатининг катта маркази. Тармоғида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш) // Ўзбекистон иқтисодий Ахборотномаси, – №1. – Тошкент, 1998. – Б. 51-53.

² Буюк ўзгаришлар даври. Қашқадарё ҳақиқати. 1994 йил 29 октябрь, – №(12758).

³ Хайруллаев О.И. Нефть ва газни қайта ишлаш тармоғида асосий фондларидан самарали фойдаланиш. Ўз ФА "Кибернетика" ИИЧБ, 1998. – Б. 56.

1993 йилда 25 млрд м.куб¹ газни қайта ишлашни режалаштирган. Бу ҳар бир конга қуйидагича тўғри келади. Ўртабулоқ 4млрд. М.куб. Денгизқўл-Хаузак 4млрд. М.куб, Зеварда –3 млрд. М.куб. Култак 1,5 млрд.м.куб, Қандим 4,5 млрд. М.куб. Оққум Нарсақўл 0,5млрд. М.куб, Сомонтепа-3млрд. М.куб ва бошқалар. Қандим, Оққум-Нарсақўл газ конлари заводга кўрсатилган ҳажмдаги газни етказиб бера олмаган. Шунинг учун ҳам завод 1990 йилда 22,5 млрд. М.куб газ қайта ишлашни мўлжаллаган.

Заводда кўпгина иқтисодий муаммолар қаторида ижтимоий ва экологик муаммолар ҳам мавжуддир. Корхонада табиий газнинг тўла тозаланмаслиги, бунинг натижасида заҳарли газларнинг ҳавога чиқариб юборилиши экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, чиқарилаётган заҳарлий чиқиндилар атроф-муҳитни заҳарламоқда.

Ҳозирги кунда МГҚИЗнинг ортиқча газларни кўплаб ҳавога чиқаришига сабаб, газ ёқадиган қурилмаларнинг такомиллашмаганлиги, технологик қурилмаларнинг бир маромда ишламаслигидир. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун ҳавони газ ва заҳарли моддалардан тозалашнинг янги усуллари кўллаш керак.

Нефть ва газни етказиш, уни қайта ишлаш саноатини иқтисодий, техник-технологик жараёнларини қараганимизда асосий фонднинг қимматбаҳолигини, улардан самарали фойдаланилмаётганлигини гувоҳи бўламиз. Ана шу мақсадда МГҚИЗнинг асосий фондларини баҳосини ўзгаришини, улардан қай даражада фойдаланилганлигини таҳлил қилиб чиқамиз. Чунки асосий фондга параллел равишда таннарх ҳам ошиб бормоқда.

МГҚИЗнинг хом-ашё билан таъминланганлик ва маҳсулот ишлаб чиқариш истиқболи 1-жадвалда келтирилган. Бунда қабул қилинган газ миқдори, ажратиб олинган олтингугурт, конденсат ва суюлтирилган газ миқдорларининг ўсиш динамикаси келтирилган. Қабул қилишган газ миқдори чорак асрдан буён мўътадил ошиб келмоқда. 1991 йилдан ҳозирги давргача ораликда газ қабул қилиш ҳажми 4,8 мартадан ортиқ кўпайди², 1995 йил ичида кўп олтингугуртли газ миқдори камайиб, кам олтингугуртли газ миқдори ортиб бормоқда. Бунинг оқибатида ажратиб олинган олтингугурт ва конденсат миқдори бир меъёрда камайиб бормоқда. Суюлтирилган газ миқдори ошиб бормоқда. Чунки бу кўрсаткич газ таркибидаги олтингугурт миқдорига унчалик боғлиқ эмас. Юқорида айтилган кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси келгуси даврларда ҳам худди шундай давом этиши кутилмоқда.

Муборак газни қайта ишлаш заводининг асосий ишлаб чиқариш фондлари баҳоси жадвалда келтириб ўтилган, бунда 1992-1998 йиллар давомидаги маълумотлар келтирилган. Асосий ишлаб чиқариш фондлари 1992-1994 йилгача бўлган даврда жуда юқори даражада ўсган ва сўнгра пасайиб, 1995 йилдан бошлаб ўсиб боради. Жуда юқори даражада ўсиш 1994 йилга тўғри келиб, у инфляция даражасининг ўсиб кетиши ва бунга боғлиқ ҳолда нархнавоининг ошиши билан изоҳланади. Асосий фонднинг самара бериши унинг таркиби салмоғига боғлиқ бўлади, шу боисдан биз 2-жадвалда МГҚИЗнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибини келтирамиз. Жадвалда 1990 йилдан ҳозиргача бўлган асосий фонднинг структуравий ўзгариши динамикасини келтирганмиз. Бунда энг катта салмоқни “машина ва ускуналар” банди, сўнгра “қурилмалар”, “узатувчи қурилмалар”, “бино”, “транспорт воситалар” ва “бошқа асосий фондлар” бандлари салмоғи эгаллайди. Қаралаётган даврда “машина ва ускуналар” банди 43,8 фоиздан 61 фоизгача ўзгарган бўлса, қурилмалар 13,6 дан 18,8 фоизгача, “узатувчи қурилмалар” банди 10,0 дан 13,9 фоизгача “ино” банди 7,6дан 16,0 фоизгача ўзгарган. Жадвални таҳлил қилиб “транспорт воситалари” ва бошқа асосий конлар банди салмоғининг кейинги йиллардаги қийматини ошиб боришини, қолган барча бандлар салмоғини эса пасайиб бораётганини аниқлаш

¹ Хайруллаев О.И., Мирхашимов А.М. Назарова А.Т. Асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив, интенсив ва интеграл коэффициентларининг аниқлашнинг кўп параметрли моделлари // Ахборот ва моделлаштириш масалалари журнали. – №18. Тош ҶЗФА, 1999. – Б. 17-20.

² Хайруллаев О.И. Нефть ва газ – мамлакат саноатининг муҳим тармоғи (учинчи мақола) // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси (январ феврал). – Тошкент, 1999. – Б. 25.

мумкин. Бу ўзгаришлар бевосита заводдаги иқтисодий ва техник ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни асосий ишлаб чиқариш фондлари билан бир қаторда ундаги меҳнат ресурсларига ҳам боғлиқдир. Меҳнат ресурслари доимий равишда ўсиб бормоқда, бу заводдаги замонавий техника ва технологиянинг кириб келиши билан боғлиқ бўлган янги касбларнинг пайдо бўлиши сабаблидир. Ишлаб чиқариш самарадорлиги кадрлар салмоғигагина эмас, балки унинг сифатига ҳам боғлиқ, бу боғланишлар мос ҳолда жадвалларда келтирилган. Сифат кўрсаткичи кадрлар структураси билан белгиланади, малакали мутахассислар ва янги тоифадаги кадрлар салмоғини ошиши бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилайти, шунигдек, умумий харажатларни камайтиришга олиб келиши мумкин. Ишлаб чиқарувчи ишчилар таркиби жадвалдан охириги йилларда ишчилар салмоғини камайиши, муҳандис-техниклар сонининг ошиши, хизматчилар салмоғининг деярли ўзгармаганлиги, бошқа тоифадаги персоналларнинг ошиши кўриниб турибди. Бу структура асосий фондлар таркибининг ўзгаришига маълум даражада боғлиқдир, бу ўзгаришлар доимо ишлаб чиқариш жараёнидаги асосий иқтисодий кўрсаткичларни ўзгариб туришига олиб келади.

Асосий ишлаб чиқариш конларнинг самарадорлиги унинг интенсив ва экстенсив фойдаланиш коэффициентларига чамбарчас боғлиқ. Бу коэффициентлар қаралаётган даврларда гармоник ўзгаришда бўлиб, охириги йилларда унинг қийматлари ўсиб борган. Бу ўсиш ишлаб чиқариш даражасини ошишига олиб келади.

Юқорида таҳлил қилинган барча кўрсаткичлар МГҚИЧ да маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини, унинг структурасини белгилайди. Ишлаб чиқариш харажатлари таркиби динамикаси ва унинг сметасига мос ҳолда жадвалларда келтирилган. Биринчи жадвалда “хом-ашё ва асосий материаллар” бандининг салмоғи энг юқори эканлигини аниқлаш мумкин, унинг қийматлари 1995 йилдан бошлаб ўсиб бормоқда ва 1998 йилга келиб 54,8% ни ташкил этмоқда, кейинги ўринда “энергия сарфи” банди бўлиб, у қаралаётган даврда пасая борган ва охириги йилда 25,5 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошган сари энергия ресурсларини кам сарфловчи технологияни кўпроқ жорий этилишидандир.

1-жадвал.

Муборак газни қайта ишлаш заводда 1991-1998 йиллар мобайнида асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Йиллар	Хом ашёнинг сарфланган хажми		Сарфланган хом ашё харажати		Ишлаб чиқариш маҳсулот курук газ млн метр куб	Модернизация ва капитал харажат млн. сўм.	Меҳнат ресурси сарфи, млн, сўм
	Газ, млн, метр куб	Бека рор конденсат, минг тонна	Хом ашё таннархи минг сўм	Минг куб метр газ тан нархи, сўм			
т	Қо		Сх.а	Сх.а қо	қ	қ	Х2
1991	22487,0	50,4	342921	15,25	20920,9	16,6	10,906
1992	19871,2	691,7	1390870	70,0	20602,6	171,5	115,764
1993	21913,8	728,2	22367963	1020,72	21021,0	1011,4	130,4
1994	22978,3	746,0	199760,2		21333,0	56,4	13,5
1995	24042,8	674,5		8,69	22540,8	176	60,5
1996	24385,4	571,3			22647,0	617,6	90,4
1997	244887,6	573,4			22656,0	618,7	90,5
1998	24149,9	562,1			22468,8	797,6	128,8

2-жадвал.

Муборак газни қайта ишлаш заводнинг асосий ишлаб-чиқариш фондлари таркиби структураси

Йиллар	Бино	Қурилма	Узатувчи қурилма	Машина ва ускуналар	Транспорт воситалар	Бошқа асосий фонд	Барчаси
1991	9,1	18,8	10,9	55,5	2,6	3,1	100
1992	8,9	14,0	13,9	56,5	3,1	3,6	100
1993	16,0	16,2	12,3	43,8	4,6	7,1	100
1994		14,7	11,1	54,2	6,3	5,9	100
1995	7,8	14,7	11,0	54,1	6,6	5,8	100
1996	7,8	14,0	10,8	54,5	6,8	6,1	100
1997	7,8	14,0	10,8	54,5	6,8	6,1	100
1998	7,8 7,6	13,6	10,3	55,0	7,0	6,5	100

МГҚИЗ да маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби динамикаси

№	Курсаткичлар	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998
1	Хом ашё ва асосий материаллар	55,1	60,2	54,0	47,3	54,1	54,1	54,8
2	Ёрдамчи материаллар	1,2	1,5	3,3	3,3	2,9	2,9	5,9
3	Ёкилғи	0,8	0,7	0,7	1,0	0,9	1,0	1,1
4	Энергия сарфи	30,2	24,4	21,3	36,8	30,6	30,0	25,5
5	умумий мат сарфи	83,3	86,8	79,3	88,4	88,5	88,0	87,3
6	Иш ҳақи фонди	4,0	7,2	3,1	1,6	1,4	1,5	1,7
7	ИХФдан утказишлар	1,4	0,7	1,2	0,6	0,6	0,6	0,7
	Ишлаб чиқариш	0,4	0,9	0,9	1,2	0,6	1,0	1,1
		10,8	4,3	15,4	8,2	8,9	8,9	9,2
8	таннархи ва харажатлар.	99,9	99,9	99,9	100,0	100,0	100,0	100,0
		0,1	0,1	0,1	-	-	-	-
	тула таннарх	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Фойдаланилган адабиётлар

1.Хайруллаев О.И. Нефть ва газ – мамлакат саноатининг муҳим тармоғи (Қашқадарё мамлакат нефть ва газ саноатининг катта маркази. Тармоғида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш) // Ўзбекистон иқтисодий Ахборотномас”, – №1. – Тошкент, 1998. – Б. 51-53.

2.Буюк ўзгаришлар даври. Қашқадарё ҳақиқати. 1994 йил 29 октябрь, – №(12758).

3.Хайруллаев О.И. Нефть ва газни қайта ишлаш тармоғида асосий фондларидан самарали фойдаланиш. ЎзФА ”Кибернетика” ИИЧБ, 1998. – Б. 56.

4.Хайруллаев О.И., Мирхашимов А.М. Назарова А.Т. Асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив, интенсив ва интеграл коэффициентларининг аниқлашнинг кўп параметрли моделлари // Ахборот ва моделлаштириш масалалари журналы. – №18. Тош ЎзФА, 1999. – Б. 17-20.

5.Хайруллаев О.И., Нефть ва газ – мамлакат саноатининг муҳим тармоғи (учинчи мақола) // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси (январ феврал). – Тошкент, 1999. – Б. 25.

Наишга проф. О.Бўриев тавсия этган

**ЖАНУБИЙ СУҒДНИНГ ҚАДИМ ШАҲАРЛАРИДАН БИРИ – ҒУЗОР
ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР**

Эргашев У.Қ. (Иқтисодиёт ва педагогика университети нодавлат таълим муассасаси)

Аннотация. Қадимий Суғд шаҳарларидан бўлган Хузор ҳақида қадимги ва илк ўрта асрларда бирор ҳукмдорлик бўлгани ёки аксинчалиги масаласи ҳалигача аниқланмаган. Шаҳарнинг туркийлар маскани ўлароқ тилга олиниши ўзининг қандай тарихий асосларига эга бўлиши мумкинлиги, ҳокимлар бошқаруви ва уларнинг муайян унвонлари ҳамда сифатига айланишига ҳос айрим маълумотлар таҳлил қилинган. Мақолада шу масалалар бўйича айрим истиқболли маълумотлар муҳокама қилинган.

Таянч сўзлар: *Хузор (Ғузор), Мулкликлар, “Девону Лугат-Ит-Турк”, Эфталийлар Салтанати, Турк Хоқонлиги, “Тарих Ар-Русул Ва-Л-Мулук”, “Су-Бўгра”, “Бўғро қора-хоқон”, “Бўғро-Хон”, “Тегин Бўғра”, “Сатук-бўғра”, “арслон”, “бўри”, “элик” (кийикнинг бир тури), “яган” (фил), “алпик”.*

Аннотация. До сих пор не выяснено, существовало ли правление в древности и раннем средневековье над Хузаром, одним из древних городов Согда. Название города как места проживания тюрков имеет свою историческую основу, проанализированы некоторые сведения, характерные для руководства наместников и их конкретных титулов и качеств. В статье обсуждаются некоторые перспективные данные по этим вопросам.

Ключевые слова: *Хузор (Ғузор), Мулкликлар, «Девану Лугат-ит-Тюрк», Эфталитар Султанат, Тюрк Хаганлы, «Тарих Ар-Русул Ва-Л-Мулук», «СуБогра», «Богро Кара-Хақан», «Богро - хан», «тегин богра», «сатукбогра», «львы», «волк», «олень» (разновидность оленя), «яган» (слон), «альпин».*

Annotation. The question of whether Khuzar, one of the cities of ancient Sughd, had a rulership in the ancient and early Middle Ages or vice versa has not yet been clarified. The name of the city as a place of the Turks has its historical basis, some information specific to the leadership of the governors and their specific titles and qualities has been analyzed. The article discusses some promising information on these issues.

Key words: *Khuzor (Ghuzor), Mulikliklar, "Devanu Lughat-It-Turk", Eftaliylar Sultanate, Turk Khaqanli, "Tarikh Ar-Rusul Wa-L-Muluk", "SuBogra", "Bogro Kara-Haqan", "Bogro - Khan", "Tegin Bogra", "Satukbogra", "lions", "wolf", "deer" (a type of deer), "yagan" (elephant), "alpin".*

Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаларида жойлашиб, Ўрта Осиёнинг қадимий тарихий-географик ўлкаларидан бири сифатида билинган Суғд воҳаси қадим ва илк ўрта асрларда бир неча ўнлаб катта ва кичик шаҳарларни ўзи ичига олган. Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Панч (Панжикент), Иштихон, Кушония (Каттакўрғон), Кабудон (Ғубдин), Хузор (Ғузор), Касби ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ушбу шаҳарларнинг кўпчилиги асрлар ўтиши натижасида фақатгина муайян бир шаҳар бўлиб қолмасдан, Суғддаги воҳа ҳукмдорликлари (мулкликлар)нинг бошқарув марказлари – пойтахтларига айланиб борди. Турли тиллардаги ёзма манбаларда Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Панч, Кабудон, Иштихон, Кушония каби атамалар нафақат шаҳар номи, балки муайян ҳукмдорлик – мулкликлар номи сифатида учраши бу фикрни тасдиқлайди.

Юқорида айтиб ўтилган қадимий Суғд шаҳарларидан бўлган Хузор эса бошқа бир қатор шаҳарлардан фарқли ҳолда қадим ва илк ўрта асрларда бирор ҳукмдорлик бўлгани ёки аксинчалиги масаласи ҳалигача аниқланмаган.

Тадқиқотчилар томонидан Марказий Суғд ва Жанубий Суғд ўлароқ сиёсий-маъмурий ва географик жиҳатдан иккига тақсимланиб тадқиқ қилинадиган [1:26] Суғд воҳасининг энг жанубий ҳудудида жойлашган Хузор (Ғузор) ёзма манбаларда асосан муайян бир шаҳар ёки туман (ноҳия) маркази номи сифатида келади. Хузор (Ғузор) Қашқадарё вилоятида жойлашган, тарихан бой масканлардан саналиб, ривоятга кўра Хузор (Ғузор) шаҳрига шоҳ Афрасиёб асос солган. VIII аср бошларида Хузор (Ғузор) калъаси жуда мустаҳкам бўлган. [2:216].

Ўрта асрларда Хузор (Ғузор) иқтисодий савдо алоқаларининг марказий шаҳарларидан бирига айланган. Айниқса, сўнгги ўрта асрларда, хусусан, Бухоро амирлиги (1753-1920) давридаги ёзма манбаларда Хузор номи остида амирликнинг ўнлаб бекликларидан ёки вилоятларидан бири сифатида тилга олинган бўлиб [3:11], сиёсий-маъмурий жиҳатдан бу ер кўшнилари бўлмиш Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ бекликлари билан ўхшаш бўлган. Ҳозирги Ғузор туманидан ташқари Қамаш, Дехқонобод туманлари

худудининг бир қисмини ўз ичига олган ушбу беклик амирлик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро амирлигининг худуди қарийб 200 минг квадрат километрни ташкил этарди. Унинг чегаралари жанубда Амударёнинг сўл қирғоғидан бошланиб, Сирдарё сарҳадларида козоқ жузлари ерларига туташар эди. Амирлик Шарқда Помир тоғлари, Ғарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган худудни эгаллаб турарди. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланарди. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тожикистон худудидаги Вахш, Кофирниҳон, Панж дарёлари водийсида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, Туркменистонга қарашли Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар ҳам Бухоро амирлигига тобе эди. Бухоро амирлигининг пойтахти Шарқда энг машҳур шаҳар сифатида эътироф этилган Бухорои шариф эди [4:552].

Хузур беклигини “вилояти Хузур” шаклида келтирган Муҳаммад Содикқўжа Гулшанийнинг ёзишича, Бу вилоят Ҳисор тоғларининг кириб келишининг бошланишида жойлашган бўлиб, бу ердан Бухорои шарифгача бўлган масофа 23 фарсахдир. Унинг таъкидлашича, вилоят Бухоронинг шарқий томонига тўғри келади. Хузурнинг шарқий чегаралари Маччи тоғигача чўзилган бўлиб, Бойсун вилоятининг шимолидаги Кетмончопти-тепа тоғигача бориб тақалади. Хузурнинг жануби Киришик амлоклиги (амлок - кичикрок туман микёсидаги маъмурий бирлик, яъни бир неча ўнлаб қишлоқлар бирлиги) ва Қуҳитанг тоғигача, шимоли Яккабоғ беклигигача, ғарби эса Янги-кентга туташ. Муаллиф Янги-кентни Қарши вилоятига қарашли амлоклик сифатида эслатиб ўтади [5:95].

Ушбу вилоятнинг бошқарув маркази Хузур шаҳри бўлиб, шаҳар марказидаги кўрғон катта эътиборда бўлган. Хузур вилоятининг кўрғони – қалъаси қадимий бинолардан бири бўлиб, Афросиёб қурдирган бинолардан биридир. Шаҳар кўрғони “наҳри азим” (Катта дарё) бўйида жойлашган бўлиб, бу дарё уни уч томондан шарқ, жануб ва ғарбдан ўраб туради. Кўрғон учта дарвозали бўлиб, бу ердаги бозор расталари анчагина маъмур ва бир қатор қарвонсаройларга эга, бу ерда савдо-сотик жуда ривожланган. Кўрғон ичида иккита жомеъ ва ҳайит масжиди ҳамда олтига беш вақт намоз қилинадиган кунлик масжид жойлашган. Шаҳар атрофида 35 та масжид ва учта мадраса бор [6:99].

“Таърихи Ҳумоюн”да қайд этилишича, Хузур шаҳри кўрғони атрофида ва шаҳар ичкарасида қадимий тарихи иморатлар ва зиёратгоҳлар кўп. Бу ерларда машҳур авлиёлари мазорлари бўлиб, улар орасида энг машҳурлари Миржанданд деб аталади [7:102].

Дастлаб IX – XII асрларга тегишли араб ва форс тилларидаги тарихий ва географик асарларда эслатиб, Кеш ва Нахшаб (Насаф) оралиғида, улардан бирмунча жануби-ғарбда ва жануби-шарқдаги йирик аҳоли маскани сифатида кўрсатилган Хузур тарихи бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борилмаганлиги сабабли ушбу шаҳар тарихининг бир қатор жиҳатлари ҳалигача мавҳум бўлиб қолмоқда.

XI асрда яшаб ижод қилган атоқли туркий қомусий олим Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луғат-ит-турк” (Туркий сўзлар девони) номли асарида “Хузур – турк шаҳарларидан бир жой исми” [8:389] деб қайд этган. Қизиғи шундаки, туркий халқлар яшаган худудларнинг чегаралари бўйича бир неча бор тўхталиб ўтган ушбу аллома минтақадаги қайси ўлкалар ва шаҳарларнинг туркийлар ери эканлиги масаласига тўхталиши асносида Амударё – Сирдарё оралиғидаги ўнлаб шаҳарлар номи келтирилганлиги маълум. Айниқса, Маҳмуд Кошғарий туркийлар юрти Мовароуннаҳрда Бухоро яқинидаги Пойкенд (Йанкенд) бошлаб кунчиқарга қараб чўзилиб кетганига урғу берган бўлиб, улар орасида Тошканд, Семиркенд (Самарқанд), Тункент, Ўзкенд (Узганд) шаҳарларига алоҳида тўхталиб ўтганлиги кўзга ташланади [9:164].

Хузур ҳақида ҳам шунга ўхшаш ёндашиб, “турк шаҳарларидан бири” деб тилга олган ушбу тилшунос олим Суғддаги бошқа бир қатор шаҳарларда фарқли ҳолда ушбу шаҳарга бундай ёндашуви бирмунча изоҳ талабдир. Боиси, қадим ва илк ўрта асрларда бу ер суғдий шаҳарлардан бири сифатида ном чиқарган бўлиб, туркий шаҳарлардан бирининг исми сифатида илк бор “Девону луғат-ит-турк”да учрайди.

Ўрта асрларда Хузор(Ғузор) асосан форсий ва туркий тилли аҳоли яшайдиган аҳоли масканларидан бири сифатида намоён бўлади. Бироқ, бундан анча олдин, айниқса, ривожланган ўрта асрларда ушбу шаҳарнинг туркийлар маскани ўлароқ тилга олиниши ўзининг қандай тарихий асосларига эга бўлиши мумкин деган савол туғилади. Ёзма манба маълумотлари етарсизлиги туфайли бу борада фақатгина айрим тахминлар билан чекланиш мумкин. Аввало, бу ер Эфталийлар салтанати (440-565) ва Турк хоқонлиги (552-744) каби йирик туркий сулолалар даврида ушбу давлатларнинг қўл остида бўлиб, бир муддат Кеш, бир муддат эса Нахшаб ҳукмдорлиги таркибида бўлганлиги, шу даврлардан бошлаб бу ерда туркий аҳоли салмоғининг ортиб борганлигини тахмин қилиш мумкин. Айниқса, Турк хоқонлиги даврида Нахшаб ҳукмдорлиги – мулклигида хоқонликка алоқадор туркий сулоланинг бошқарув тепасига келиши [10:69-70] ва қарийб икки аср мобайнида ҳукмронлик қилиши натижасида Жанубий Суғд ҳудудида туркийлар миқдори анчагина ошади.

Абу Жаъфар ат-Табарий ўзининг “Тарих ар-русул ва-л-мулк” (Пайғамбарлар ва ҳукмдорлар тарихи) номли асариди (IX аср) араблар истилоси арафасида яъни VIII аср бошларида Хузор шаҳри бошқарувчиси исмини Су-бўғра шаклида қайд қилади [11:40]. Табарий асарининг русча (Тошкент) нашрида Сабкари тарзида берилган ушбу бошқарувчи исмини [12:190] суғдшунос олима О.И. Смирнова Су-бўғра кўринишида ўқишни таклиф қилади. Тадқиқотчи уни VIII аср бошларида Хузорда ҳукм сурган туркий ҳукмдор, деб ёзади [13:27]. Су-бўғра исми икки қисмдан иборат бўлиб, қадимги туркчада, хусусан, Турк хоқонлиги даврида “су” сўзи “қўшин” маъносини билдирган бўлса, “бўғра” сўзи “эркак туя, бўғро” маъносида бўлиб, кўп ҳолларда ҳукмдорлар унвони ёки эпитети (сифати) ўлароқ қайд этилади. Демак, Хузор ҳокими Су-бўғра исмини луғавий жиҳатдан “Бўғра” унвонига (сифатига) эга қўшин бошлиғи” маъносида бўлган, деб талқин қилиш мумкин.

VII – VIII асрларда Турк хоқонлиги қўл остидаги Иштихон, Кабудон (Суғд), Уструшона, Тохаристон каби воҳа ҳукмдорликлариди “бўғра” унвонли бир неча маҳаллий туркий ҳукмдор номи араб ва хитой йилномаларида учраши Хузор бошқарувчисининг ҳам шундай унвонга эга бўлганлиги ҳақидаги қарашни бирмунча кучайтиради. Жумладан, 730-йилларда Уструшона афшини Харабуғра (Қора-бўғра) турк хоқони ёнида туриб, арабларга қарши курашгани борасида анчагина маълумотлар етиб келган [14:302-303]. Шунингдек, Ғарбий Турк хоқонлигининг Ашина сулоласига тақалувчи Тохаристон ябғулиги томонидан Хитойга юборилган шахзода – элчи Ашина Дэлэ пуло (Тегин Бўғра; 706, 718) [15:321] ва Кабудон ҳукмдори Суду пуло (Сатук-бўғра; 738) [16:425] исмлари мисолида ҳам ушбу унвон (сифат)ни кўриш мумкин. Бундан кўринадики, бирмунча яқин йилларда бошқарувда бўлган қўшни ҳукмдорликларда ушбу туркий унвоннинг қўлланилиши ўзининг тарихий асосларига эга.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Қорахонийлар давлати (960-1212) бошқарув тизимида ҳам “Бўғро қора-хоқон”, “Бўғро-хон” каби унвонлари кўп учрайди [17:120]. Қадимги туркий давлатчиликда “арслон”, “бўри”, “элик” (кийикнинг бир тури), “йаған” (фил) каби йирик ва эпчил ҳайвонларнинг унвон сифатида қўлланилиши туркийларнинг ўзига хос давлатчилик анъаналари билан боғлиқ бўлиб, қадимда ушбу ҳайвонларга муайян бир тотем сифатида қараш билан бирга уларнинг бошқа ҳайвонларга нисбатан кучлилиги, эпчиллиги, мардлиги каби жиҳатларига эътибор берилиб, уларга “алплик” (жасурлик, мардлик, кучлилик) тимсоли сифатида қаралган. Бу эса туркий давлатчиликка хос унвонлар тизимида ушбу ҳайвонлар номининг муайян унвон ёки сифатга айланишига олиб келган.

Демак, Хузорнинг ривожланган ўрта асрларда туркий шаҳарлардан бирининг исми сифатида талқин қилинишининг негизиди бир қатор тарихий омиллар ётади. Биринчидан, илк ўрта асрлардаёқ бу ерда бошқарувчилари келиб чиқиши туркий негизга эга сулолага бориб тақалашди, иккинчидан, сиёсий бошқарув билан боғлиқ равишда Нахшаб вилояти ва унга қўшни ҳудудларда туркий аҳоли сонининг ортиб бориши Хузор (Ғузор) шаҳри билан боғлиқ бундай талқинларнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Т.: Узбекистан, 1996.
2. Ибн Ҳавқал. Китоб суратул ард (Ернинг сурати китоби). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Ш.С.Камолиддинов. – Тошкент, 2011. – 216 б.
3. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001. – С. 11.
4. Равшанов П. Қарши тарихи. Нахшаб. Насаф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 552 б.
5. Мухаммад Содикхўжа Гулшаний. Таърихи Хумоюн. – Душанбе. 2006. – Б. 95.
6. Кошғарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 389.
7. Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – С. 69-70.
8. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – Москва. 1970. – С. 40.
9. История аг-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Т., 1987. – С. 190.
10. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 40; Камолиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана. – Т.: Узбекистан, 1996. – С. 27.
11. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср кишлок маконлари (ёзма ва археология манбалари асосида). – Тошкент, 2016. – Б. 302-303.
12. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – Москва – Ленинград: Изд. АН СССР. – том II. – 1950. – С. 321.
13. Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 425.
14. Древнетюркский словарь / Под ред. В. М. Наделяева, Д. М. Насилова, Э. Р. Тенишева, А. М. Щербака. – Л.: Наука, 1969. – С. 120.

Наширга проф. Б.Эшов тавсия этган

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Сайфуллаев Б.Д. (ТДШУ)

Аннотация. Замоनावий дунё дуч келаётган жадал глобал ўзгаришлар нуктаи назаридан қараганда, Марказий Осиё худуди минтақавий ривожланишнинг барча жиҳатларига – сиёсат ва иқтисодиёт, экология ва маданий-гуманитар мезонларга таъсир кўрсатувчи жиддий геосиёсий ўзгаришлар даврини босиб ўтаётганини кузатиш мумкин. Мазкур мақола Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *Ўзбекистон, Ҳиндистон, Марказий Осиё, тинчлик, хавфсизлик, Панча Шила, кенгайтирилган қўшничилик.*

Annotation. From the point of view of the rapid global changes that the modern world is facing, it can be observed that the Central Asian region is going through a period of serious geopolitical changes affecting all aspects of regional development - politics and economy, ecology and cultural-humanitarian criteria. This article analyzes the cooperation between Uzbekistan and India to ensure peace and stability in the Central Asian region.

Key words: *Uzbekistan, India, Central Asia, peace, security, Pancha Shila, extended neighborhood.*

Аннотация. С точки зрения стремительных глобальных изменений, с которыми сталкивается современный мир, можно констатировать, что регион Центральной Азии переживает период серьёзных геополитических изменений, затрагивающих все аспекты регионального развития – политику и экономику, экологию и культурно-гуманитарную сферу. В данной статье анализируется сотрудничество между Узбекистаном и Индией по обеспечению мира и стабильности в Центральноазиатском регионе.

Ключевые слова: *Узбекистан, Индия, Центральная Азия, мир, безопасность, Панча шила, расширенное соседство.*

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасининг барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик худудига айланишидан бевосита манфаатдордир.

Мамлакатимизнинг эндигина ривожланиш йўлига кирган давлат сифатида “юмшоқ куч” макони, албатта бу – Марказий Осиё минтақаси бўлиши муқаррар. Зеро, Марказий Осиёнинг марказида жойлашган, минтақанинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат сифатида Ўзбекистоннинг тараққиёти кўп жиҳатдан минтақанинг умумий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ.

Замонавий дунё дуч келаётган жадал глобал ўзгаришлар нуктаи назаридан қараганда, Марказий Осиё худуди минтақавий ривожланишнинг барча жиҳатларига – сиёсат ва иқтисодиёт, экология ва маданий-гуманитар мезонларга таъсир кўрсатувчи жиддий геосиёсий ўзгаришлар даврини босиб ўтаётганини кузатиш мумкин. Мазкур мақола Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари таҳлил этилган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида қайд этганидек, “Маълумки, Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган. Ушбу кутлуг заминда дунё цивилизацияси ривожига бекиёс хисса қўшган буюк гуманист олимлар, мутафаккирва шоирлар яшаб ижод қилган. Бу ерда улкан табиий захиралар, катта инсоний салоҳият мавжуд”¹.

Давлатимиз раҳбари ташаббусининг амалий ижроси сифатида 2018 йил 22 июнда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ваҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилингани минтақада яхши қўшничилик муҳитини, ўзаро дўстликни янада мустаҳкамлашга мустаҳкам замин яратгани билан тарихий таҳамият касб этади². Резолюцияда Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муҳим роли эътироф этилади. Бунга, энг аввало, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг географик марказида жойлашганлиги ҳамда барча бешта давлат билан чегараларг эгаллиги каби омиллар асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Минтақада интеграцион жараёнлар вужудга келишининг асосий ташаббускорларидан бири Ўзбекистон Республикаси сўнгги йилларда қатор муваффақиятли ташаббусларни амалга ошириб жаҳон мамлакатлари эътиборини Марказий Осиё минтақасига қарата олди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонни янада ривожланишига доир беш устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши очиқ конструктив ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб боришни, шу жумладан, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттинчи устувор йўналиши мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб боришни кўзда тутди. Бу Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтириш ва хавфсизликни таъминлашда мамлакатимиз учун жуда муҳим эканини яна бир бор кўрсатади.

Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқаларининг ривожланиб боришига аввало иккала давлатнинг ташқи сиёсатидаги қарашларнинг бир-бирига ҳамоҳанг эканлиги асосий ўринни эгаллайди. Ҳиндистон ташқи сиёсатида 1955 йил Бандунг конференциясида қабул қилинган “Панча Шила”–тинч-тотув яшашнинг беш принцип лўқори аҳамият касб этади.

2019 йил 2 октябрда ҳинд халқининг буюк отаси Маҳатма Гандининг таваллуд топган кунининг 150 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу инсоннинг озодлик ҳаракати

¹ Саидов А. Марказий ва Жанубий осиега янгича геосиёсий мезон билан ёндашув // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 15 июль.

² БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти // <http://uza.uz/oz/politics/bmt-bosh-assambleyasiningmarkaziy-osie-minta-asida-tinchli-23-06-2018>

бошқарувидаги тамойили куч ишлатмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш эди. Ҳиндистон 1947 йил 15 августда Буюк Британия мустамлакачилигидан озод бўлиб, мустақил бўлгандан сўнг, Бош вазир Жаваҳарлал Неру Махатма Гандининг ғоялари асосида ташқи сиёсатда ўзининг “Панча Шила” дастурини ишлаб чиқди. Биринчи маротаба Панча Шилла Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги Тибет ҳудудида савдо алоқларини ривожлантириш мақсадида 1954-йилда тузилган шартномада эълон қилинган эди. Панча Шила (Беш тамойилдан) иборат Ҳиндистон ташқи сиёсатининг асоси бўлиб, у қуйидаги тамойиллардан иборат:

1. Давлатларнинг ҳудудий бирлигини ҳурмат қилиш.
2. Бир-бирига ҳужум қилмаслик.
3. Давлатларнинг бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик.
4. Давлатлар ўртасида ўзаро тенглик ва ҳурмат.
5. Тинч-тоғувлик яшаш ва ўзаро дўстона алоқаларниш.

Кейинчалик, бу принциплар Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг тарқалди. Жумладан, Индонезия Президенти Сукарно ҳам ўз ташқи сиёсатида ушбу принциплардан фойдаланган. 1955 йилда Ҳиндистон ва Индонезия давлат раҳбарлари ташаббуси билан ўтган Бандунг конференциясида 29 та мамлакат, кейинчалик 113 та давлатлар Панча Шилани принципларига асосланган декларацияни қабул қилишган. Бу даврда СССР ва социалистик давлатлар Варшава иттифоқини, Америка ва Ғарб давлатлари НАТО ҳарбий блоklarини тузиб, унга аъзо бўлган бир вақтда, Ҳиндистон Панча Шила принципи асосида ҳарбий блоklarга қўшилмасдан, ташқи давлатлар билан дўстона алоқларни ривожлантириб борди¹.

Марказий Осиё хавфсизликни таъминлаш, экстремизм ва терроризмга қарши биргаликда курашиш Ўзбекистоннинг ҳамкор давлатларидан, бевосита, Ҳиндистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Зероки, Марказий Осиёдаги барқарорлик, Ҳиндистоннинг минтақадаги давлатлар билан иқтисодий, энергетик, транспорт-логистика, фан-маданият соҳаларида алоқаларини ривожланишининг асоси ҳисобланади.

Ҳиндистоннинг расмий ҳужжатларида Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон унинг “кенгайтирилган қўшничилик” (“extended neighborhood”) сиёсатининг устувор йўналишларисирасига кириши қайд этилган. Афғонистон Ҳиндистон ва унинг ҳамкорлари бўлган Марказий Осиё давлатлари учун минтқаларни боғловчи “қўприк”дир².

Ҳиндистоннинг қудратли свилизацияси, тобора ривожланиб бораётган иқтисодиёти ташқи сиёсатда Марказий Осиё йўналишини муҳим объект сифатида қарашга олиб келди. Ҳиндистон Марказий Осиё давлатларининг мустақиллик йиллари давомида минтақа мамлакатлари билан икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий гуманитар ҳамкорликка аъсосий эътиборни қаратди. 2012 йилга келиб, йирик ва минтақавий куч марказларидан биринчи бўлиб минтақага нисбатан алоҳида форматни маълум қилди. Мазкур формат “Марказий Осиёга боғланиш” (Connect Central Asia)деб номланди³.

Ҳиндистоннинг “Марказий Осиёга боғлаш” сиёсати сиёсий, хавфсизлик, иқтисодий ва маданий алоқаларни ўз ичига олган кенг қўламли ёндашувдир. 2012 йил 12 июнь куни Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Э.Ахамед томонидан эълон қилинган мазкур форматда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш борасида қуйидагича фикрлар баён қилинган: “Ҳиндистон юқори даражадаги ташрифлар алмашинуви орқали мустаҳкам сиёсий муносабатларимизни мустаҳкамлашда давом этади. Давлат раҳбарлари икки томонлама ва кўп томонлама форумларда яқиндан ҳамкорликни амалга оширадilar.

¹ Қаралсин: 1993-1997 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавкулудда ва Мухтор элчиси сифатида фаолият юритган С.Мирқосимов билан интервью. Сайфуллаев Б. Ўзбекистон ва Ҳиндистон: икки томонлама манфаатли, азалий дўстлик ва ишонч асосида мустаҳкамланган муносабатлар / Ўтмишга назар. Махсус сон. – Тошкент, 2021. – 143 б.

² Мустапова Х. Ҳиндистон ташқи сиёсатида марказий осие вектори: Сиёсий фан. ном. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2022. – Б. 16.

³ Бўронов С.М. Ўзбекистон геосиёсати. — Т.: EFFECT-D, 2021. – Б. 69

Ҳиндистон стратегик ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди, шунингдек, ҳарбий тайёргарлик, қўшма тадқиқотлар, терроризмга қарши курашни мувофиқлаштириш ва Афғонистон бўйича яқин маслаҳатлашувлар ўтказиш диққат марказида бўлади”¹.

Ҳиндистон Бош вазири Н.Моди томонидан 2014 йил май ойида қабул қилинган "Яхши қўшничилик сиёсати" ("Neighbors' first policy") ва Н.Модининг 2015 йилда Марказий Осиё давлатлари – Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистонга ташрифи “Марказий Осиёга боғланиш” аҳамияти янада кучайди. Бирок Афғонистондаги беқарор ҳарбий-сиёсий вазият ҳамда Покистон билан ўртадаги геосиёсий рақобат Марказий Осиё билан тўлақонли ҳамкорлик олиб боришда катта қийинчиликлар Нью Дехли кутган натижаларга олиб келмади.

Шу нуқтайи назардан Марказий Осиё йўналишида Ҳиндистон ташқи сиёсий ёндашувларининг янги форматини яратиш ташаббуси илгари сурилди. Бу борада Ўзбекистон етакчи куч сифатида майдонга чиқди. 2018 йил 13-14 сентябрь кунлари Халқаро алоқалар Ахборот-таҳлил маркази томонидан Ҳиндистон Жаҳон ишлари кенгаши билан ҳамкорликда форум ташкил этилди. Ҳиндистон делегациясига ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар мазкур тадбирга раҳбарлик қилди. Тадбирда, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи олимлари ва мутахассислари иштирок этди.

Форумда энг катта эришилган ютуқлардан бири «Ҳиндистон-Марказий Осиё» мулоқоти формати ишлаб чиқилди. Шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари, барқарор ривожланишга қарши таҳдидлари ва биргаликда уларга қарши курашиш, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг Ҳиндистон билан сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик ва маданият соҳаларида ўзаро алоқаларини чуқурлаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш каби минтақа доирасидаги масалалар муҳокама қилинди². Ташқи ишлар вазирликлари даражасида Афғонистон иштирокида “Ҳиндистон-Марказий Осиё” мулоқотининг яратилиши Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг қўшма ташаббуси бўлиб, Ҳиндистоннинг минтақа давлатлари билан алоқаларида янги саҳифа очди. Самарқандда асос солинган ушбу дипломатик платформа минтақавий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда долзарб ва самарали механизмга айланди.

Бу Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги тарихий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганидан далолатдир. Зеро, ҳар икки давлат асрлар давомида Европа – Осиё савдо муносабатларида ўзига хос дарвоза ҳисобланган. 2019 йилнинг 12-13 январь кунлари Самарқанд шаҳрида Афғонистон иштирокидаги “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг биринчи учрашуви бўлиб, форумга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камиллов ва Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Сушма Свараж раислик қилдилар.

Форумда икки ва кўп томонлама шаклларда ўзаро савдо ўсишига кўмаклашиш чоралари, минтақа мамлакатлари иқтисодиётига сармоя, инновация, технологияларни жалб қилиш соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истикболлари, Марказий Осиё давлатларининг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш, туристик сафарларни ошириш, шунингдек, илм-фан, тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларида муайян қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

“Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқотининг ташқи ишлар вазирлари Афғонистоннинг нуфузли делегацияси иштирокини маъқуллаб, мамлакатни минтақа ва жаҳон иқтисодий алоқалари тизимига жалб этишга хизмат қиладиган қўшма инфратузилма, транзит-транспорт, энергетика ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш орқали Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига ёрдам беришга тайёр эканликларини таъкидладилар. Таъсис саммити яқунларига кўра Қўшма баёнот қабул қилиниб, унда ташқи ишлар вазирлари даражасида “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти жорий

¹ Connect Central Asia // https://en.wikipedia.org/wiki/Connect_Central_Asia#:~:text=India%20%26%20Connect%20Central%20Asia%20Policy,Kyrgyzstan%20and%20Tajikistan%E2%80%94%20in%20201

² Samarkand to host 5th meeting of India-Central Asia dialogue. <https://tashkenttimes.uz/national/2845-samarkand-to-host-5th-meeting-of-india-central-asia-dialogue>

этилганлиги тўғрисида маълум қилинди. Таъкидлаш керакки, мазкур форматнинг “Connecting Central Asia” форматидан асосий фарқи унда Афғонистон ташқи ишлар вазирининг иштирокидир.

Мазкур “Ҳиндистон – Марказий Осиё” мулоқоти дипломатик платформанинг учинчи йиғилиши 2021 йилнинг 19 декабрь куни Дехли шаҳрида бўлиб, учрашувда Ўзбекистон томони Ҳиндистон ва Марказий Осиё бозорларига маҳсулот етказиб бериш мақсадида «яшил йўлак» ташкил этиш, ИТ-мутахассислари учун платформа яратиш, Минтақавий ривожланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида иштирок этувчи ҳар бир давлатда навбат билан йиллик тадбирларни ўтказадиган “Ҳиндистон ва Марказий Осиёдаги таҳлилий марказлар форуми” платформасини ташкил этиш таклифларини киритди¹. Шу тариқа, икки томоннинг ҳам келгусида кўп томонлама муносабатини кенгайтиришдан манфаатдорлиги натижасида янги “Ҳиндистон-Марказий Осиё” деб номланган музокара майдони юзага келди.

Ҳиндистоннинг глобал дунёда хавфсизликни таъминлаш, экстремизм, терроризм ва сепаратизмга қарши курашиш, қолаверса, Марказий Осиёда тинчликни таъминлаш йўлидаги стратегик қадамларидан бири бу унинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига тўлақонли аъзо бўлишидир. Ҳиндистон ШХТга аъзо бўлиши ўзининг тарихий эволюциясига эга. ШХТнинг 2005 йил июль ойида Остона саммитида Ҳиндистонга кузатувчи давлат мақоми берилди. Кейинги саммитлар давомида Ҳиндистоннинг ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлиши аъзо давлатлар томонидан қўллаб қувватланди.

2016 йил 23-24 июнь кунлари Ўзбекистон раислигида ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб, унда Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТга “Аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум”нинг имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаси бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таъкидлаганидек: “Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақада ва умуман дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлайдиган кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилади”².

ШХТга Ҳиндистоннинг аъзо бўлиши ва унда расмий Тошкентнинг сиёсий ўрни ҳақида бир қатор хорижлик олимлар, ҳинд экспертлари томонидан “Тошкент Осиёнинг сиёсий пойтахти бўлиб қолмоқда” рукни остида таҳлилий фикрлар келтирилади. Жумладан, Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ҳамда таҳлили институти етакчи эксперти Мина Сингх Ройнинг таъкидлашича, “Ўзбекистоннинг ШХТдаги ушбу раислиги ташкилот тамойиллари ва асосий вазифалари амалий жиҳатдан ҳаётга тўлақонли татбиқ этилиши нуқтаи назардан муҳимдир. Ҳар бир саъй-ҳаракатдаги жиддийлик, вазминлик, ҳамда нуқтаи назарнинг асосланганлиги Ўзбекистон раислигини бошқа мамлакатлар учун ибрат мактабига айлантди. Бу даврда Ўзбекистон зиммасига хавфсизлик ва барқарор ривожланиш сиёсати масалаларида барча иштирокчи давлатлар кескинликнинг янги ўчоғи пайдо бўлишига йўл қўймаслик, юзага келадиган муаммоларни ҳарбий йўл билан ҳал қилинишида ШХТнинг жалб этилишига йўл қўйилмаслигидек оддий вазифалар турарди. Комил ишонч билан айтаманки, мамлакат оддий бўлмаган бу вазифаларни уддалаган ҳолда, зарур қарорларни қабул қилишда пухта сиёсий тафаккур, чуқур ўйланган ва ҳар томонлама вазмин ёндашув намунасини кўрсатдики, ташкилот келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир”³.

ШХТдаги навбатдаги раислигини ниҳоясига етказганидан кейин ҳам Ўзбекистон Республикаси ташкилот салоҳиятини янада ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш, ҳамда унинг жаҳон майдонидаги нуфузунини оширишга ўз хиссасини

¹ О заседании министров иностранных дел Диалога «Индия-Центральная Азия» // <https://mfa.uz/ru/press/news/2021/o-zasedanii-ministrov-inostrannyh-del-dialoga-indiya-centralnaya-aziya---30899>

² Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити // Халқ сўзи, 2016 йил 25 июнь.

³ Тошкент Осиёнинг сиёсий пойтахти бўлиб қолмоқда // Халқ сўзи, 2016 йил 25 июн.

қўшишда давом этди. 2017 йилнинг 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида ўтган ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳиндистон ва Покистон ташкилот аъзолигига қабул қилинди.

Хулоса ўрнида айтганда, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашда Ҳиндистон ШХТ аъзоси мақомига эга бўлиши кўп томонлама ҳамкорликнинг янги уфқларини очишга, минтақа ва дунёда тинчлик ва барқарорликни, изчил тараққиётни таъминлашда ШХТ ролини оширишга хизмат қилади. ШХТ фаолиятидаги савдо-иқтисодий алоқаларни, транспорт, инвестиция, туризм ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш имконини кенгайтиради. Зероки, Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди 2019 йилнинг 13-14 июнь кунлари Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ШХТга аъзо давлат раҳбарларининг навбатдаги саммитида Ҳиндистоннинг бутун дунёга конструктив ва ижобий ёндашувларини “HEALTH” “Н”– Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик, “E”– Иқтисодий ҳамкорлик учун, “A”–муқобил энергия учун, “L”– адабиёт ва маданият учун, “T”–терроризмдан холи жамият учун, “H”– гуманитар ҳамкорлик учун каби ишлаб чиқилган ғоялари билан асослаб берди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саидов А. Марказий ва Жанубий осийга янгича геосийсий мезон билан ёндашув // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 15 июль.

2. БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти // <http://uza.uz/oz/politics/bmt-bosh-assambleyasiningmarkaziy-osie-minta-asida-tinchli-23-06-2018>

3. Сайфуллаев Б. Ўзбекистон ва Ҳиндистон: икки томонлама манфаатли, азалий дўстлик ва ишонч асосида мустаҳкамланган муносабатлар / Ўтмишга назар. Махсус сон. – Тошкент, 2021. – 143 б.

4. Мустапова Ҳ. Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё вектори: Сиёсий фан. ном. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2022. – Б. 16.

5. Бўронов С.М. Ўзбекистон геосийсати. – Т.: EFFECT-D, 2021. – Б. 69.

6. О заседании министров иностранных дел Диалога «Индия-Центральная Азия» // <https://mfa.uz/ru/press/news/2021/o-zasedanii-ministrov-inostrannyh-del-dialoga-indiya-centralnaya-aziya-30899>

7. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити // Халқ сўзи, 2016 йил 25 июнь.

Тошкент Осиёнинг сиёсий пойтахти бўлиб қолмоқда // Халқ сўзи, 2016 йил 25 июнь.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВОҲАЛАРИДА СОВЕТ РЕЖИМИГА ҚАРШИ ИСТИҚЛОЛ ЖАНГЛАРИ (1925-1935 й.)

Ражабов Қ. (ЎЗР ФА Тарих институти)

Аннотация. Ушбу мақолада 1925-1935 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида Совет давлатининг ҳарбий кучлари бўлган Қизил армияга қарши олиб борилган истиқлолчилик ҳаракати ва унинг раҳнамолари ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: *Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Қарши, Косон, Яккабоғ, Чироқчи, Ёртепа, Шаҳрисабз, Туркистон фронти, Турди Тўқсабо, Тангри Берди Додхоҳ, истиқлолчилик, қизил армия, совет давлати.*

Аннотация. В данной статье рассказывается о движении за независимость и его лидерах в Кашкадарьинском и Сурхандарьинском оазисах против Красной Армии, вооруженных сил Советского государства, в 1925-1935 гг.

Ключевые слова: *Кашкадарья, Сурхандарьинская, Бухара, Карши, Косон, Яккабог, Чиракчи, Ёртепа, Шахрисабз, Туркестанский фронт, Турди Токсабо, Тангри Берди Дохох, независимость, Красная Армия, Советское государство.*

Аннотация. This article tells about the movement for independence and its leaders in the Kashkadarya and Surkhandarya oases against the Red Army, the armed forces of the Soviet state, in 1925-1935.

Key words: *Kashkadarya, Surkhandarya, Bukhara, Karshi, Koson, Yakkabog, Chirakchi, Yortepa, Shakhrisabz, Turkestan front, Turdi Toxobo, Tangri Berdi Dohokh, independence, Red Army, Soviet state.*

1925-1935 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида совет давлатининг ҳарбий кучлари бўлган қизил армияга қарши қақшатқич жанглар давом этди. Қашқадарё воҳаси ҳам совет тузумига қарши қуролли ҳаракат ўчоқларидан бири саналган. Бу даврда Қашқадарё вилоятида фаолият кўрсатган кўрбошилар ўртасида Турди Тўқсабо ва Тангри Берди Додхоҳ ҳам алоҳида ажралиб турган. Мазкур мақолада сўз шу ҳақда боради.

Турди Тўқсабо (? – 1925) Қашқадарё воҳасидаги машҳур кўрбошиларидан бири бўлган. Қарши яқинидаги Косонда туғилган. У қизил армияга қарши курашни 1921 йилдан бошлаган эди. Турди Тўқсабо ва унинг кўрбошилари асосан Қамаш ва Косонда ҳаракат қилган¹.

Қарши вилояти ревкомида 1923 йил 6 сентябрда бўлган “махфий йиғилиш”да Турди Тўқсабо, унинг кўрбоши ва йигитларининг қариндош-уруғларини қамоққа олиш масаласи кўриб чиқилган эди². Натижада бир ҳафта ичида вилоятдаги истиқлолчиларнинг қўмондони Турди Тўқсабо, унинг кўрбошилари бўлган Темирхўжа Эшон, Одил Полвон Қоровулбеги, Яхши Жугир ўғли, Панжи Остонакул ўғли, Хўшмурод (Турди Тўқсабонинг ўринбосари), Ражаб Боқи Қоровул, Қилич Мирза Камолов, Мулла Жума, Жума Қоровулбеги, Мулла Бўри, Шоди Қоровулбеги ва бошқаларнинг барча оила аъзолари ва қариндош-уруғлари зудлик билан қамоққа олинди, уларнинг бутун мол-мулки мусодара қилинди. Турди Тўқсабо ва унинг жасур сафдошлари курашни тўхтатмагач, уларнинг қамоққа олинган бутун қариндош-уруғлари ва оила аъзолари қатл этилди³.

Турди Тўқсабо 1924 – 1925 йилларда ҳам Қашқадарё вилоятида қизил армияга қарши курашни давом эттирди. Бироқ у 1925 йил 7 ноябрда Сартўлди қишлоғида қизил аскарлар билан бўлган жангда ўлдирилди.⁴

Қашқадарё воҳасида қуролли ҳаракат олиб боришда ном чиқарган таниқли кўрбошилардан бири Тангри Берди Додхоҳ бўлиб, у 1922 йилда ўз гуруҳини тузиб, раҳбарлик қилган эди⁵. У 1924 йил охирида урушга чек қўйиш мақсадида совет ҳукумати раҳбарлари билан музокаралар бошлади ва уларга кескин талабларни қўйди. Унинг талабларини бажаришни истамаган ҳукумат унга қарши курашни кучайтирган. Тангри Берди Додхоҳни йўқотиш учун ҳукумат турли хил усулларни қўллаган. Ҳатто унинг йигитлари орасига ўз одамларини киритиб, улардан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланган⁶.

1925 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тангри Берди Додхоҳга нисбатан кучли иқтисодий ва ҳарбий характердаги жазо чораларининг қўлланиши натижасида у Қашқадарё вилоятидан Сурхондарё вилоятидаги кўнғирот уруғи яшайдиган жойга кетишга мажбур бўлади⁷. Маълум муддатдан сўнг Тангри Берди Додхоҳ Ғузорга қайтиб келган ва 1925 йил 7 октябрда Абдуқанди қишлоғида ўрнашган⁸.

Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган қуролли ҳаракатнинг мустақкам ядроси Тангри Берди Додхоҳ, Мавлонбек, Мулла Абдурозик кўрбошилар ҳисобланган. Туркистон фронти Сиёсий бошқармасининг 1925 йил 10 октябрдаги маълумотида кўра, кўрбошиларнинг бирлашган отряди (80 нафар йигитдан иборат) билан қизил аскарлар ўртасидаги тўқнашувда кўрбошиларнинг 7 йигити ўлдирилади ва 6 йигити ярадор

¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 221-227.

² Ўзбекистон миллий архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 6 – 7-варақлар.

³ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 й.). – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.120 – 121.

⁴ Бандит Турди Токсабо // “Правда Востока”. № 258. 15 ноябрь 1925 г.

⁵ Конец главы басмачества Кашкадарьинский области // “Правда Востока”, № 99. 1 мая 1926 г.

⁶ Қаранг: Додхоҳнинг жаллоди // “Қизил Ўзбекистон”, – № 294. 1925 йил 6 декабрь.

⁷ Положение на басмаческом фронте // “Правда Востока”, № 43. 25 февраля 1926 г.

⁸ Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 618-иш, 22-варақ.

килинади¹. Тангри Берди Додхоҳ 1926 йил 26 апрелда Китоб туманида бўлган жанглارнинг бирида қўлга олинади² ва кейинчалик совет ҳокимияти томонидан отиб ташланади.

Қашқадарё вилоятининг етакчи кўрбошиларидан яна бири Муҳаммад Али Тўқсабо бўлиб, у Яккабоғ, Чироқчи, Ёртепа ва Шаҳрисабз районларида ҳаракат қилган. У 1925 йил 5 октябрда Синобок кишлоғи (Шаҳрисабздан 4 чақирим шимолда)³ ва 21 декабрда Учқол кишлоғида қизил армия қисмлари билан кескин жанглари олиб борган⁴.

Туркистон fronti разведка бўлимининг 1926 йил 20 февраль – 20 мартдаги ҳисоботида келтирилишича, 2 мартда Мулла Абдурозиқ ва Муҳаммад Али Тўқсаболарнинг Дехнавда (Китобдан 42 чақирим шимоли-шарқда) турганлиги аниқланади. Уларга қарши қизил армия қисмлари юборилган ва икки ўртада бўлган жангда тўқсабонинг 3 йигити ўлдирилади⁵. Ғузурда 10 июнда Муҳаммад Али Тўқсабонинг ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари билан бўлган жангда 3 йигити ўлдирилади ва 2 йигити асир олинади. 12 июнда Муҳаммад Али Тўқсабо таркибини қайтадан кенгайтириш мақсадида Китоб районида келди. Аммо у 17 июнда Чоршанба кишлоғида қизил аскарлар томонидан асир олинади⁶ ва кейинчалик совет режими томонидан ўлдирилади.

Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида қуролли ҳаракат олиб борган кўрбошилардан бири Мулла Абдурозиқдир. Мулла Абдурозиқнинг гуруҳи икки қисмдан иборат бўлган. Биринчисига ўзи, иккинчисига эса Сафар юзбоши раҳбарлик қилган. Сафар юзбоши Самарқанд вилояти чегараси ва Самарқанд уездининг Ургут районида ҳаракат олиб борган⁷. 1926 йил 24 мартда Китобдан 25 чақирим шимоли-шарқда Мулла Абдурозиқ гуруҳи билан қизил армия қисмлари тўқнашган. 31 мартда Мулла Абдурозиқ Ғилон кишлоғидаги қизил армия гарнизонига ҳужум уюштириб, уни бутунлай вайрон қилиб ташлаган.

Шаҳрисабз уезди Самарқанд вилояти билан чегарадош бўлганлиги учун ушбу ҳудуд аҳолиси кўрбошиларга қизил армия гарнизонларига ҳужум қилиб туришларида ёрдам кўрсатган. Аҳоли қизил армиядан яширин равишда Мулла Абдурозиққа озиқ-овқат ва отлар учун ем-хашак етказиб турган. Туркистон fronti разведка бўлими томонидан бу ҳолат аниқланиб, кўрбошиларга кўрсатилган ёрдамга чек қўйиш ҳамда уларни иқтисодий ва руҳий қийинчиликларга дучор қилиш мақсадида ҳаракатни қўллаб-қувватловчи аҳолига нисбатан ҳукумат томонидан кампания бошланган⁸.

Мулла Абдурозиқ 1926 йилнинг ёз ойларида ҳам қизил армия билан бир неча марта тўқнашган ва 14 августда у 4 йигити билан бирга қўлга олинган⁹.

Сурхондарё вилояти қуролли ҳаракатнинг Ўзбекистон ССРда кенг қулоч ёйган марказларидан бири ҳисобланади ва бу ерда ҳаракатга умумий раҳбарлик Хуррамбек ва Ўтанбек каби машҳур кўрбошилар томонидан амалга оширилган.

Хуррамбек кўрбоши ўзбекларнинг қўнғирот элатидан, яъни қўнғиротларнинг хуштамғали уруғидан бўлиб, у асосан Сурхон воҳасида ҳаракат қилган. Баъзи адабиётларда Хуррамбек Ҳайит ўғли қўнғиротларнинг тортувли уруғининг каллар бўғинига мансуб, деб ҳам ёзилади. Хуррамбек Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. У Сурхон воҳасидаги кўрбошиларнинг энг тадбиркори ва ёвқури бўлган. Унга бўйсунувчи кўрбошилар орасида қўнғиротлардан Раҳимбердибек, Маҳмудбек Качай, Мустафоқул, дўрмонлардан Тошматбек, Нурмуҳаммад Тўқсабо, туркман жузларидан Ҳусанбек Додхоҳ, Дехқонбой Тўқсабо, Қўйбағарбек Тўқсабо, Ҳайит Тўқсабо каби ҳарбий раҳбарлар бўлган.

¹Пограничные войска СССР. 1918 – 1928. Сборник документов. – Москва: Наука, 1973. – С. 646.

²Даракчи. Машҳур кўрбоши Тангри Берди Додхоҳ қўлга тушди // “Қизил Ўзбекистон”. 1926 йил 18 май.

³Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 618-иш, 23-варақ.

⁴Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 614-иш, 139-варақ.

⁵Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 151-варақ.

⁶Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 625-иш, 80-варақ; Ликвидация остатков басмачества // “Правда Востока”, № 146. 30 июня 1926 г.

⁷Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 576-иш, 317-варақ.

⁸Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 696-иш, 56-варақ.

⁹Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 696-иш, 2-варақ.

Хуррамбек 1925 йил 18 октябрда Амударёдаги Пайғамбароролда Сурхондарё кўрбошиларининг навбатдаги курултойини ўтказди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, бу курултойда Иброҳимбек ҳам иштирок этган. Иброҳимбек ўз сафдоши Хуррамбекнинг Сурхон воҳаси кўрбошиларининг етакчиси эканлигини эътироф қилишга мажбур бўлди ва курултойни тарк этади¹. Кейинчалик Хуррамбек Боботоғда фаолият кўрсатаётган кўрбошиларни бирлаштиради.

1926 йил кузида Хуррамбек ўзининг 19 нафар отлик йигити билан Афғонистонга ўтиб кетади. Хуррамбекнинг кейинги фаолияти тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ².

Ўтанбек кўрбоши кўнғиротларнинг қўлдовли уруғидан бўлган. У Шарқий Бухородаги Қабодиён беклигида тахминан 1904 йилда туғилган. Ўтанбек ёш йигит бўлишига қарамадан, жасур ва довирак бўлганлиги учун 500 кишилик ҳарбий гуруҳга раҳбарлик қилиб, Қабодиён, Шаҳритуз, Жиликўл атрофлари ва Сурхон воҳасида қизил аскарларга қарши курашган. Ўтанбекнинг ҳарбий қароргоҳи Жарқўрғон ва Шаҳритуз оралигида Амударёга яқин бўлиб, айти пайтда ушбу ҳудуд Ўтанжарсой деб аталади. Ўтанбек кўрбоши Хуррамбекдан кейин Сурхондарё кўрбошиларининг етакчиси бўлади. Ўтанбек кўрбоши Афғонистонга Иброҳимбекдан биров кейин ўтади. Ўтанбек Афғонистондаги ҳарбий амалиётларда ҳам Иброҳимбекнинг ёнида бўлиб, жасурлиги ва ҳарбий тактик тайёргарлигининг устунлиги боис унга катта ёрдам беради. ОГПУнинг 1924 – 1933 йиллардаги жосуслик маълумотларида Ўтанбек кўрбоши фаолиятига катта ўрин ажратилганлиги бу даврда Иброҳимбекдан кейин Шарқий Бухорода у асосий фигура бўлганлигини кўрсатади.

Ўтанбек кўрбоши 1931 йил баҳорида Иброҳимбекнинг ҳарбий кучлари билан биргаликда чегарадан ўз юртига ўта олмайди. Бу пайтда Ўтанбек гуруҳи таркибида Мулла Холдор, Мулла Жайлов, Полвонхўжа, Бойсари ва Мулла Жўра каби кўрбошилар бўлган³. 1931 йил ёзи ва кузида Ўтанбек ва Арзикулбек (Орзикулбек)нинг ҳарбий гуруҳлари Қундуз атрофлари, Гулшанқудуқ ва Айбекда Афғонистон подшоши Нодиршоҳ режими ҳамда афғон армиясига қарши жангларда қатнашади. Ўтанбек 1931 йил 27 октябрда афғонлар томонига ўтган туркман сардорларининг гуруҳларига қарши ҳам жанг олиб боради.

Ўтанбек кўрбоши гуруҳи 1932 – 1933 йилларда Афғонистондан бир неча марта Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудига ўтиб, совет режимига қарши курулли курашни давом эттиради. Алоҳида Ўзбек чегара комендатурасининг 1933 йил 23 январда чегара участкасида хориждан Ўтанбек гуруҳи пайдо бўлганлиги ҳақида юборган махсус махфий маълумотида кўрсатилишича, Бойсун туманидаги Кўлиёр қишлоқ совети ҳудудида 23 январда Ўтанбек кўрбоши бошчилигидаги 23 кишилик “босмачилар шайқаси” пайдо бўлган. Улар хориждан Туркменистондаги махсус йўлак орқали бу ерга ўтишган⁴.

Термиз чегара отряди маълумотларига қараганда, 14 февралда Нон Қудуқ атрофида 6 кишидан иборат Ўтанбек гуруҳи билан чегарачилар отряди ўртасида отишма бўлган. Ўтанбек гуруҳи чегарачиларни ўққа тутиб, Аузекент қудуғи йўналиши томон кетишган. Гуруҳни тугатиш учун Юқори Какайди ва Хожа Милқдан қўшимча равишда Глушенко ва Корчагин бошчилигида 2 та отряд жўнатилган⁵. Бироқ Ўтанбек гуруҳи уларнинг таъқибидан қутулиб, аввал мамлакат ичкарасига кириб кетган, сўнгра чегарадан Афғонистонга қайта ўтган.

1933 йил 11 октябрда Ўтанбек кўрбоши 20 нафар йигити билан Хотин – Работ ва Нововражская чегара заставалари туташган жойдан совет ҳудудига кирган ва Шаҳритуз

¹ Ўзбекистон миллий архиви, 86-фонд, 1-рўйхат, 707-иш, 12-варақ.

² Хуррамбек билан Иброҳимбек 1929 – 1930 йилларда Афғонистонда бир неча марта ўзаро учрашган. Машхур кўрбоши Хуррамбек фаолияти тўғрисида у тириклик пайтидаёқ рус совет ёзувчиси Г.Жўрабоев (Г.В. Андреев) томонидан “Хуррамбек” романи ёзилган ва 1935 йил рус тилида Тошкентда нашр қилинган.

³ Назаров Н. Мухаммад Иброҳимбек Лақай. 2-нашр. – Тошкент, 2007. – Б. 141 – 142.

⁴ Пограничные войска СССР. 1929 – 1938. Сборник документов. – Москва: “Наука”, 1972. – С. 242.

⁵ Пограничные войска СССР. 1929 – 1938. – С. 242.

(Шартуз) райони томон жўнаб кетган¹. Ўтанбекнинг бу пайтда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон Республикалари ҳудудларидаги фаолияти тўғрисида айрим расмий ҳужжатларда баъзи маълумотлар учрайди.

Алоҳида Ўзбек чегара комендатураси комендантлари Орловнинг 1933 йил 11 декабрда юборган маълумотномасида хориждаги энг йирик қўрбоши Ўтанбекнинг “бандитлик” фаолиятини тўхтатганлиги маълум қилинади. Мазкур ҳужжатда кўрсатилишича, Ўтанбек 25 ноябрда туркман муҳожирларининг Афғонистондаги етакчиси Эшон Халифани зиёрат қилиш учун Хожа Дук кишлоғига келади. Эшон Халифа билан бу ерга тўпланган нуфузли туркман бойлари ва муҳожирлари билан суҳбатда у ҳам қатнашади. Ўтанбек охириги вақтларда “босмачилик” қилишни ташлаганлигини маълум қилади. Ўтанбек ўзига 1 та маузерни сақлаб, ўзи ва йигитларининг, жумладан, Мулла Холдорнинг қолган қуролларини Эшон Халифага топширади, у ўша пайтда ўз яқинлари билан Маймана шаҳрида яшаган.

Расмий ҳужжатларда Ўтанбек фаолияти шу воқеа билан тугайди. Оғзаки тарих маълумотларига қараганда, Ўтанбекнинг Афғонистондаги ҳаёти ва фаолияти ҳам жуда нотинч ўтган. Афғонистон ҳукумати Ўтанбекни йўқотиш учун бир неча марта уринган. Баъзи фикрларга қараганда, Ўтанбек кейинчалик афғонлар томонидан қўлга олиниб ўлдирилган. Бу воқеа тахминан 1935 йилда содир бўлган. Ўтанбекнинг қабри Жузжон вилоятининг маркази Шибирғон шаҳри атрофидадир. Ўтанбекнинг авлодлари бугунги кунда Афғонистон, Тожикистон, Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида яшашади.

Туркистон fronti разведка бўлимининг 1925 йил 23 январдаги маълумотига кўра, Сурхондарё вилоятининг Бойсун ва Шеробод туманлари ва Сурхон дарёси атрофида қуролли ҳаракатнинг кучли давом этаётганлиги тасдиқланган. Сурхондарё воҳасида совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг асосий раҳбарлари Хуррамбек, Мустафоқул, Ўтанбек қўрбошилар бўлган. Вилоятда қуролли ҳаракат олиб бораётган 19 нафар қўрбоши ва уларнинг 724 отлик йигитлари ихтиёрида 3 та пулемёт бор эди. Улар қизил армиянинг ҳарбий қисмлари ва гарнизонлари ҳамда таянч пунктларига турли хужумларни амалга оширган. Вилоятдаги деярли барча қўрбошилар Шарқий Бухорода фаолият кўрсатаётган машҳур Иброҳимбек билан бевосита алоқада бўлган. Маълумотда яна ёзилишича, совет ҳокимиятининг қуйи бошқарув органлари кучсиз бўлиб, қуролли ҳаракат аҳоли томонидан кенг қўламда қўллаб-қувватланмоқда. Буларнинг барчаси Сурхондарё вилоятида “босмачилик”ни мустаҳкамлашга олиб келмоқда².

Сурхондарёлик қўрбошилар томонидан 1925 йил 16–20 ноябрда Қўнғирот Адир деган жойда қуролтой чақирилган. Қуролтойда Хуррамбек, Ўтанбек, Мустафоқул, Илбоши, Мулла Сафар, Маҳмуд Қачай, Мулла Ражаб, Қора Тўқсабо, Тошмат, Бобожон каби қўрбошилар ва собиқ амир Афғонистондан юборган котиб Мирза Азиз иштирок этган. Қуролтойда келажакда амалга оширилиши керак бўлган қуйидаги масалалар муҳокама қилинган:¹. Қўнғирот ва дўрмон қўрбошиларига бўйсунуш;². Бобожон ва Илбошига бўйсунуш;³. Ҳаракатга раҳбарлик қилиш масаласи;⁴. Қўрбошилар ўртасида ҳудудларни тақсимлаш;⁵. Тактика;⁶. Очарчиликка қарши кураш;⁷. Аҳоли орасида қўрбошилар ўзларининг таъсирини сақлаб қолиш чоратадбирлари;⁸. Қўрбошиларнинг таъминоти³.

Мазкур қуролтойда қабул қилинган қарорларда қўнғирот ва дўрмон уруғларига мансуб қўрбошилар ўртасида иттифоқ тузиш ва Иброҳимбек орқали Лақай воҳасидаги⁴ гуруҳлар ўртасида Хуррамбекнинг раҳбарлигини тан олдириш; Илбоши ва Бобожон қўрбошиларнинг тўғридан-тўғри Хуррамбекка бўйсунуши; майда гуруҳлар кўп талафотга учрамаслиги учун ўзаро бирлашиб, қизил армия қисмлари ва уларнинг гарнизонларига

¹Пограничные войска СССР. 1929 – 1938. – С. 254.

²Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 619-иш, 3-варақ.

³Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 598-иш, 9 – 10-варақлар.

⁴Лақай (Лоқай) – ҳозирги Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳри атрофидаги ҳудуднинг тарихий манбалардаги номи. Лақайнинг маркази Кўктош деб аталган. Бу ҳудудда асосан туркий лақайлар уруғига мансуб ўзбеклар яшаган. Иброҳимбек ҳам лақай уруғига мансуб бўлиб, у уруғнинг етакчиси бўлган.

хужум қилиб, қурол-яроғини бутунлай тортиб олиши ва шу орқали аҳоли орасида ўз нуфузини кўтариши; аҳолига енгиллик бўлиши учун Илбошидан ташқари барча қўрбошиларни Лақайдан чиқиб кетиши, Иброҳимбекка бўйсунган қўрбошиларнинг Вахшнинг чап қирғоғига ўтиши ҳамда Бобожоннинг эса Боботоғда ўрнашиб олиши; тинч аҳолини талаш, қаттиқ жазолашни тўхтатиш ҳамда очарчилик мавжуд бўлган районлардан қўрбошиларнинг ҳеч нарса олмаслиги зарурлиги уқтирилган. Хуррамбекнинг кўрсатмаси бўйича, Сурхондарё вилоятида 1925 йил ноябрдан сўнг аҳолини талаш ва солиқ ундиришни тўхтатиш масаласи кўрилган ҳамда унга қатъий амал қилинган¹.

1926 йил 1 январда Хуррамбек йигитларини бирлаштиришга киришди ва унинг сафи қайтадан кенгая борди. Хуррамбек гуруҳига 200 нафар йигит келиб қўшилди. 5 январда унинг 50 кишилиқ гуруҳига Хўжамулк тоғидан 15 қақирим жануби-шарқ томонда қизил армия хужум қилган. 25 февралда Хуррамбекнинг 100 йигити ва Тожикистоннинг бир нечта қўрбошилари Шилдиқоқдаги қизил армия гарнизонига хужумни амалга оширган. Кураш натижасида гарнизон тўла ишғол қилинган, ўз-ўзини муҳофаза қилиш отрядининг раҳбари ўлдирилган².

1926 йил май-июнь ойларида вилоятдаги барча қўрбошилар Хуррамбек бошчилигида Вахшнинг чап қирғоғи Қофирниҳонда, айрим вақтларда Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда, Ўрта ва Жанубий Боботоғда ҳаракат олиб борган. 1926 йил 21 майда Хуррамбек, Ўтанбек, Абдумуродларнинг 150 нафар йигитлари билан Ойбулоқда (Ўрта Боботоғда) отлик қизил армия қисмлари ўртасида бўлган жангда қўрбошиларнинг 8 йигити ўлдирилди, 1 йигити асир олинди, 14 бош оти тортиб олинди³.

Қўнғирот қўрбошиларидан Эрнийез, Раҳмонберди, Ўтанбек, Маҳмуд Қачайлар 1926 йил ёзида Хуррамбек раҳбарлигида Жанубий Боботоғда етишмовчилик, озик-овқат ва ем-хашакнинг йўқлиги натижасида бу ерни тарк этиб, Қофирниҳоннинг чап қирғоғи бўлган Қабодиён жанубига кетишга мажбур бўлишган.

Мустафоқулбек – Сурхондарё воҳасидаги машҳур қўрбошилардан бири. Бойсуннинг Паданг қишлоғидан бўлиб, у этник жиҳатдан хуросони уруғидан, ижтимоий жиҳатдан минг бойли қўйлардан чиққан. Бойсундаги маҳаллий мадраса ва Бухородаги Мир Араб мадрасасини тугатган. У ўқимишли йигит бўлишдан ташқари уста чавандоз ва моҳир мерган, доворак ва жасур киши ҳам эди. 1922 – 1925 йилларда Мустафоқулбек қўрбошининг гуруҳи Қашқадарё ва Сурхондарё тоғларида ҳаракат қилиб, қизил аскарларга бир неча марта кучли зарбалар берган. 1925 йил охирида Бойсуннинг жануби-ғарбида қизил аскарларга қарши бўлган жангларда Мустафоқулбек қўрбошининг 8 нафар йигити ўлдирилади⁴.

Совет тоталитар режими томонидан кўрилган ушбу чора-тадбирларга қарамасдан истиқлолчилар ўз курашларини бўшаштирмадилар. 1924 йил 15 – 23 декабрда Қарши атрофларида Мустафоқулбек қўрбоши ўзининг 350 кишилиқ бешта дастаси билан қизил аскарларнинг бир нечта отрядини кириб ташлади. Кейин улар Бойсун томонга ўтиб кетишди. Қизил армия қўмондонлиги истиқлолчиларга қарши бирорта чора кўришга улгуролмай қолди⁵. 1925 йил баҳорида Мустафоқулбек қўнғирот уруғининг тортувли ва айим шаҳобчаларидан катта миқдорда янги гуруҳ ташкил этган. У шу пайтда Шеробод туманининг шимолий қисмлари, Бойсун туманининг жанубий ва жануби-ғарбий қисмларида ҳаракат олиб борган⁶.

1926 йил 14 январда Мустафоқулбек ва қизил армия ўртасида Хўжамулкдан 30 қақирим жануби-шарқий узоқликда кескин жанглар юз берган⁷. “Деҳқонлар Мустафоқулга бой ва руҳонийларнинг ёрдам беришини кўриб, унга тан бердилар ва уни қизил

¹Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 2-рўйхат, 598-иш, 9-варақ.

²Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 152-варақ.

³Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 625-иш, 81-варақ.

⁴Ликвидация Мустафоқулбека // “Красная звезда”, 17 декабря 1925 г.

⁵Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати. – Б. 139.

⁶Ўзбекистон РПДА 58-фонд, 1-рўйхат, 432-иш, 41-варақ.

⁷Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 614-иш, 140-варақ.

аскарлардан химоя қилувчи деб ҳисобладилар”¹. Қатор курашлар натижасида 1926 йил 29 июнда Бойсун районида Мустафоқулбек асир олинган². Кейинчалик Мустафоқулбек кўрбоши совет ҳокимияти томонидан отиб ташланди.

Туркистон fronti сиёсий бошқармасининг 1926 йил 3 апрелдаги тезкор сиёсий маълумотномасида келтирилишича, кўрбоши гуруҳларининг таркиби охириги вақтларда оммавий равишда ишчи ва деҳқонлардан ташқари, Афғонистондан муҳожирликдан қайтаётганлар ҳисобига кўпаётганлиги ҳам кузатилган³. Туркистон fronti сиёсий бошқармасининг бошқа тезкор сиёсий маълумотида кўра, Афғонистондан муҳожирларнинг кириб келиши кучайган. Жумладан, Бўри Жайман ва Хўжанд кўрбошилар 25 нафар йигитлари билан Афғонистондан қайтган бўлса, Лоқай воҳасида эса Эгамберди кўрбоши ўз йигитлари билан қайтиб келиб, қизил армияга қарши жанглари яна давом эттирган⁴.

Шунингдек, Хуррамбек кўрбошига бўйсунадиган ишончли кишиларнинг Афғонистонда ҳам мавжуд бўлиши натижасида у ердаги муҳожирлар билан кучли алоқа ўрнатилган ва чегара орқали кечув жойлар ташкил қилинган. Шундай кишилардан бири Қабодиёндаги собиқ кўрбоши Хўжа Полвон Амударё ва Панж дарёларидаги кечув жойларни ижарага олиб, Ўрта Осиё республикалари ҳудудига йигитларни ўтказиб қўйиш ва қурол-яроғни ташиш ишлари билан шуғулланган. Муҳожирлар томонидан Абдул Азиз номига ёзилган мактубда кўрсатилишича, унга 4 та револьвер жўнатилган ва яна қурол-яроғ юбориш ваъда қилинган⁵.

Афғонистондан келган қурол-яроғ ёрдамидан ташқари кўрбошиларнинг йигитларига келиб қўшилувчиларнинг сони ортиб борган. Булар эса аввал Туркистондан чиқиб кетган ва охириги йилларда Афғонистонда истиқомат қилаётган муҳожирлардан иборат эди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, муҳожирлар Афғонистоннинг Хонобод, Мозори Шариф, Рустоқ, Андхой ва айрим чегара бўйидаги манзилларда кўпчиликти ташкил этган⁶.

Ҳужжатларда ёзилишича, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан сиқиб чиқарилган ва кейинчалик хориждан қайтиб келган 240 нафар йигитнинг кўпчилиги Афғонистондан келган ва Қабодиён туманида жойлашган. Хуррамбек кўрбоши гуруҳига Афғонистондан келган 30 нафар йигит қўшилган. Ўтанбек кўрбоши ва бошқаларнинг гуруҳига ҳам яна шунча йигитлар қўшилган. Амударёнинг чап қирғоғига кўрбоши Жойлау бошчилигидаги тўлиқ қуролланган 26 нафар йигитдан иборат бўлган гуруҳ ҳам ташланган⁷. Юқорида келтирилган далиллар қуролли ҳаракатда туркистонлик муҳожирлар ҳам кучли таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

Кўрбошиларнинг ўзлари амалга оширган тадбирлари ва муҳожирларнинг ёрдамлари натижасида қўшиннинг жанговар ҳолати сезиларли даражада яхшиланган. Кўрбошилар қўшинидаги йигитларнинг кайфияти кўтарилган, улар хориждан ёрдам келишига ишонган, собиқ амирнинг ёрдамига умидлари ортган ва бу омиллар жангларда ҳам ўз самарасини берган. Айнан шундай ҳолатлар Иброҳимбек ва Хуррамбекнинг асосий гуруҳларида кузатилган. 1926 йил баҳорида кучли жанговар тайёргарлик натижасида Иброҳимбек ва Хуррамбекнинг катта гуруҳлари билан қизил армия қисмлари ўртасида бўлган тўқнашувларда кўрбошилар сезиларли қаршилиқ кўрсатишган. Тўқнашувлардан бирида 300 нафар йигитдан иборат бўлган кўрбошилар гуруҳи қизил армия қисмларини чекинишга мажбур қилган. Жангларда кўрбошиларнинг қўлидаги 24 та қиличка 1 дона пулемёт тўғри келган⁸. Тўқнашувлардан шу нарса кўриниб турибдики, биринчидан, кўрбошиларнинг гуруҳлари сон жиҳатдан анча устунликка эришган, иккинчидан, кўрбошилар томонидан ўқ отар қуроллар ва пулемётлардан жангларда анча кўпроқ

¹Кўрбоши Мустафоқул ким эди? // “Қизил Ўзбекистон”, 1926 йил 17 август.

²Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 696-иш, 30-варақ.

³Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 143-варақ.

⁴Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 143-варақнинг орқаси.

⁵Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 614-иш, 126-варақ.

⁶Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 625-иш, 174-варақ.

⁷Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 143-варақ.

⁸Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 143-варақнинг орқаси.

фойдаланилган. Бу омиллар уларнинг етарлича қурол-яроғ ва захирага эга эканлигидан далолат беради.

Қуролли ҳаракатни тугатишда ҳукуматнинг етти сиёсий идораси: фирқа, касаба уюшмаси, ёшлар, ижроқўм, ҳарбий қисм, давлат сиёсий идораси ва кидириш бўлими вакилларида иборат “Босмачиликка қарши кураш комиссияси” ташкил этилган бўлиб¹, улар жойларда фаол ҳаракат олиб борган ҳамда ҳукумат ушбу комиссияни ҳар доим ҳам ҳарбий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган².

Совет ҳокимияти ўз ҳукмронлигини барча жабҳаларда ўтказиш мақсадида қишлоқларда ҳам таянч яратишга доимий равишда ҳаракат қилган. Ҳукумат ўз кирдикорларини хаспўшлаш мақсадида “босмачи”лардан зарарланган деҳқонларга моддий ёрдам кўрсатиш никоби остида қишлоқларда кооператив, фирқа, совет (шўро) ишларини ташкил қилиш ва уни ривожлантиришга интилиб, шу орқали чекка-чекка ҳудудларда ҳам ўз таянчларини юзага келтиришга ҳаракат қилган³.

Совет ҳокимияти қандай қилиб бўлмасин, “босмачилик” ҳаракатини бутунлай тугатиш учун турли усуллардан фойдаланди. Ҳар доим “босмачилик” мафқураси ҳукуматни қаттиқ саросимага солиб келган. Улар “босмачилик”ни куч билан тугатиб, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатса-да, лекин шунда ҳам ўзбек халқининг совет ҳокимиятининг зўравонлик сиёсатига қарши мафқуравий ва сиёсий курашларини тугата олмаслигини яхши тушунган. Бу фикрни куйидаги жумла билан асослаш мумкин: “Идеология масалаларидан бири – босмачилиқдир. Унинг билан биз ҳозиргача танқидий қурол билангина эмас – қуролли танқидий курашмоқдамиз. Бу босмачилик кўп жойларда куч жиҳатидан тугатилган. Аммо сиёсий жиҳатдан халқнинг ақли устидан давом қилмоқдадир. Бизнинг ҳисоблашмоғимиз лозим бўлган идеологиянинг асосий хусусияти ҳам шу”⁴.

Хуллас, 1935 йилда бутун Ўрта Осиё республикаларида бўлгани сингари Ўзбекистон ССРнинг Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида ҳам йигирма йилга яқин давом этган истиқлолчилик ҳаракати мағлубиятга учради. Сурхондарё ва Қашқадарёдаги истиқлолчилар ва уларнинг ҳарбий раҳбарлари бўлган кўрбошилар совет режимига қарши ҳаёт-мамот курашида енгилдилар. Ўн минглаб истиқлолчилар жанг майдонларида ўлдирилди, аср олинган ва таслим бўлган йигитлар ҳам кейинчалик большевиклар томонидан қатағон қилинди. Ўзбек халқи ўзининг мард ва жасур ўғлонларидан айрилди. Бироқ ота-боболаримиз Россия ва совет давлатига қарши олиб борган мустақиллик ва истиқлол кураши изсиз кетмади. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистонда Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши ёвқур боболаримиз курашининг ўзига хос ҳосиласи ва самараси бўлди.

Наишга проф. О. Бўриев тасия этган

САДРИДДИН АЙНИЙ – ТАРИХЧИ ОЛИМ

Темиров Ф.У., Бешимов М.К. (БухДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада маърифатпарвар олим ва ёзувчи Садриддин Айний илмий-ижодий меросининг тарихий-манбавий таҳлили, илмий-тарихий қарашлари, манғит амирлари даври тарихи, давлат бошқаруви ва бунёдкорлик ишлари манбашунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *Бухоро жаллодлари, Қуллар, Одина, Дохунда, Мир Араб, Кўкалтош, Олимхон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид Пойқабоқ, Шохизинда дарвозалари ва Қаландархона.*

Аннотация. В данной статье историко-источниковый анализ научно-творческого наследия просвещенного ученого и писателя Садриддина Айни, его научно-исторические взгляды, история периода мангытских эмиров, государственного управления, творчества анализируются с точки зрения источниковедения.

¹Босмачиларнинг қолғонлари билан кураш // “Қизил Ўзбекистон”, 1925 йил 22 ноябрь.

²Босмачилар билан кураш комиссиясига // “Қизил Ўзбекистон”, 1925 йил 4 октябрь.

³Қаранг: Ўзбекистон қишлоқларида // “Қизил Ўзбекистон”, 1925 йил 17 август.

⁴Босмачилик тўғрисида // “Қизил Ўзбекистон”, 1925 йил 1 сентябрь.

Ключевые слова: *Палачи Бухары, рабы, Одина, Дохунда, Мир Араб, Кокалташ, Алимхан, Бадалбек, Хаджи Захид Пойкабак, Шахизиндские ворота и Каландархана.*

Аннотация. In this article, the historical-source analysis of the scientific-creative heritage of the enlightened scientist and writer Sadriddin Ainiy, his scientific-historical views, the history of the period of Mangit emirs, state administration, and creative works are analyzed from the point of view of source studies

Keywords: *Executioners of Bukhara, slaves, Odina, Dokhunda, Mir Arab, Kokaltash, Alimkhan, Badalbek, Haji Zahid Paykabak, Shakhizinda Gate and Kalandarkhana.*

ЗуллISONАЙН ЁЗУВЧИ, МАЪРИФАТПАРВАР АДИБ ВА МОХИР МУАРРИХ САДРИДДИН АЙНИЙ (1878-1954) қарийб олтмиш йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида ўзидан жуда катта илмий мерос қолдирди. У ёзган илмий, адабий, тарихий ва мемуар асарлар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Унинг босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўли, ҳозирда илм ихлосмандларига ўзига хос ибрат ва маҳорат мактабини бўлиб хизмат қилмоқда.

Бўлажак олим илк бошланғич маълумотини она қишлоғида, эски усул мактабида олди, лекин унинг илмга бўлган кучли иштиёқи ва меҳри, уни азалдан маданият – маънавият ўчоғи бўлиб келган Бухорои шарифга етаклади. Айний Бухоро шахридаги ўз даврида машҳур ва маълум бўлган Мир Араб, Кўкалтош, Олимхон, Бадалбек, Ҳожи Зоҳид ва бошқа бир қатор мадрасаларда ўқиди, илмий салоҳиятини оширди. Бу ерда у истеъдодли тарихчи, адабиётшунос ва маърифатпарвар адиб бўлиб шаклланди.

Айний Бухорода ўқиб юрган кезларида Бухоро амирлиги аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий аҳволи билан яқиндан танишди, кўпгина тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг жонли гувоҳи бўлди ва бир қанча тарихий - бадий асарларни яратди. Унинг “Бухоро жаллодлари”, “Қуллар”, “Одина”, “Дохунда” каби тарихий қисса ва романлари муайян тарихий воқеалар асосида ёзилганлиги маълум. Бундан ташқари у шундай асарлар ҳам ёзганки, (Айнийнинг ўзи уларни тарихий очерклар деб атаган – Т.Ф) уларни сўзсиз тарихий-илмий тадқиқот ишлари сирасига қўшиш мумкин. Жумладан, “Тарихи амирони манғития Бухоро” (“Бухоро манғит амирларининг тарихи”), “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Исёни Муқанна”, “Қаҳрамони халқи тожик Темур Малик” (“Тожик халқи қаҳрамони Темур Малик”) каби асарларидир.

Айнийнинг “Тарихи амирони манғития Бухоро” асари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда Бухорода ҳукмронлик қилиб келган манғитлар сулоласи (1756-1920 й) ҳукмдорларининг тарихи, уларнинг ички ва ташқи сиёсати, халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи, шунингдек Бухоро амирлигининг Чор Россиясига қарам бўлиб қолиши ва бошқалар тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Тарихий далил ва рақамлар ёрдамида воқеалар моҳиятини очиш, у ёки бу ижтимоий ҳодисаларнинг туб моҳиятини ва сабабларини аниқлаш, уларни меҳнаткаш халққа таъсири муносабатини тадқиқ этиш – Айний асарининг муҳим хусусиятидир.

Тарихчи олим ушбу асарида бирор ижтимоий воқеа тафсилотини берар экан, ўзи кўрган ва билган форс-тожик ва араб тилидаги тарихий қўлёзмалардан парчалар келтириб баён қилади. Масалан, Айний ўзининг асарини ёзишда ўз даврининг машҳур муаррихлари бўлган Аҳмад Дониш (1827-1897)нинг “Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития” (“Рисола ёки манғит хонадони салтанатининг қисқача тарихи”), Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1839-1908)нинг “Таърихи салотини манғития” (“Манғитлар салтанати тарихи”), Мулла Олим Маҳмуд Ҳожининг “Таърихи Туркистон” (“Туркистон тарихи”) ва таниқли тарихчи олим Пўлат (Бўлат) Солиев (1892-1938)нинг “Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси” асарларидан фойдаланганлигининг гувоҳи бўламан. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур тарихчилар ўзларининг тарихий тадқиқотларида манғит сулоласи ҳукмдорларининг тарихини асосан салбий баҳолашган. Айнийнинг асари ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Айний манғитлар хонадони тарихига мурожаат этар экан, уларнинг ижобий томонларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган.

Айниқса сулоланинг учинчи вакили бўлган амир Шохмурод (ҳукмронлик даври: 1785-1800)нинг ички ва ташқи сиёсати, фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини шарҳлар экан, унинг мамлакатда олиб борган қурилиш ва давлатни мустаҳкамлаш борасидаги тадбирларини санаб ўтади. “Амир Шохмурод Самарқандда 24 та гузар гузар

(маҳалла) ва масжид куриб, камбағал-ночор одамларни ўша ерга жойлаштирди. Самарқанд чоруси, Пойқабок, Шоҳизинда дарвозалари ва Қаландархонани бино қилди. Сузангарон дарвозаси эски ва хароб бўлиб қолган эди, уни қайтиб тиклади” деб ёзади, Айний. Амир Шоҳмурод томонидан Бухоронинг Қаллободий гузарида “Жаннатмаконий” номли мадраса бино қилганлиги айтиб ўтади. У амир Шоҳмурод ҳақидаги фикрлари якунида ёзади: “Амир Шоҳмурод Бухоро манғитларининг одилроқ ва яхшироқ подшоҳларидан эди. Паришон бўлган мамлакатни интизомга келтириб, барқарор этди, “ўз даврининг дохийси” эди, десак тўғри бўлади”.

Садриддин Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номли машҳур асари, диққатга сазовор бўлиб. Ҳозирги кунда бу асарнинг икки қўлёзма нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. “Бухоро инқилоби тарихи” деб номланувчи бу қўлёзмаларнинг бирини (инв № 2125) Айний ўз қўли билан кўчирган ва иккинчисини 1923 йилда бухоролик йирик ҳаттот ва шарқшунос олим Ибодулло Одилов (1872-1944) кўчирган (инв №36). Айний ушбу тарихий асарини 1920-1921 йилларда, Самарқанддаги Бухоро консулхонасида консултант бўлиб ишлаб ва маҳаллий матбуот ишларида фаол қатнашиб, ижодий ишлар билан шуғулланиб юрган вақтларида ёзади ва уни 1921 йилнинг бошларида Бухоро Давлат нашриётига топширади. Асардан айрим парчалар “Бухоро инқилоби тарихи” сарлавҳаси билан “Учкун” журналининг 1923 йил 2-сонида, шунингдек, “Бухородаги инқилобий ҳаракатнинг қисқача тарихи” номи остида “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг 1920 йил, сентябр-декабр сонларида босилади.

Ниҳоят, С.Айнийнинг асари Москвада 1926 йили “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номи билан ўзбек тилида, араб имлосида нашр этилади. Асарда, асосан Бухоро инқилобига сабаб бўлган омиллар тадқиқ этилган. Шунингдек, Бухорода жадиличлик ҳаракатининг вужудга келиши, жадиид мактаблари, Ёш бухороликлар ҳаракати ва унинг намоёндалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади. Айний, китобида келтирган воқеаларининг жонли гувоҳи ва шоҳиди сифатида қисқа ва лўнда баён этишга уринган. Тарихчи олим, ўзининг замондоши ва маслакдошлари бўлган бухоролик маъорифпарварлар, маърифат ва маънавият вакиллари Аҳмад Дониш (1827-1897), Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1839-1908), Шарифжон Махдум Садр Зиё (1865-1932), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим) (1875-1934), Файзулла Хўжаев (1896-1938) ҳақида, шу билан бирга Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Абдуқодир Шақурий, Ҳожи Муин Шукрулло (1883-1942), каби самарқандлик ўз даврининг ўқимишли ва зиёли кишилари тўғрисидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир.

Садриддин Айний китобининг биринчи нашрига (1926 й) сўзбоши ёзган давлат арбоби Назир Тўрақулов ((1897-1938)нинг таъкидлашича, “асар Бухоро инқилоби тарихини яратишдаги биринчи уриниш эди”. Маълумки, 1920 йил 2-сентябрда Бухорода мирлик тузуми ағдариб ташланди. 1920 йил 8-октябрда халқ вакилларининг 1-Умумбухоро курултойи Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлигини эълон қилади. 1920 йил, 11-ноябрда БХСР маориф нозирлиги “Бухорода инқилоб тарихи”ни нашр этиш ва унинг муаллифларини тасдиқлаш ҳақида махсус қарор қабул қилади. Бу муаллифлар рўйхатига таниқли тарихчилардан бири Пўлат Солиев билан бирга адиб Садриддин Айний ҳам жой олган.

1924 йилдан эътиборан Тошкентда, Мўмин Хўжа муҳаррирлигида нашр этила бошланган, асосан ижтимоий-сиёсий, маърифий ва адабий соҳаларга йўналтирилган “Маъориф ва ўқитувчи” журналининг 1927 йил, №1-2, (февраль-март) сонида, “Муталаачи” номи билан “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” сарлавҳаси остида бир мақола эълон қилинган. Мақола журналнинг 42-саҳифасидан жой олган. Муаллиф ўз мақоласида Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарига ўзининг муносабатини билдирган ва ҳолисона баҳолаган. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, устод Айнийнинг китоби 1926 йилда ҳаёт юзини кўрган бўлса, бу мақола 1927 йилда эълон қилинган. Бир йил давомида ушбу китоб илм ихлосмандлари томонидан ўрганилган ва

мутолаа қилинган. Демак, шундан бўлса керакки, асарни мутолаа қилган муаллиф ўз мақоласида “Мутолаачи” деб қўйган. Мақолани тадқиқ қилар экансиз, Айнийнинг асари илм-маърифат ихлосмандлари томонидан ўша вақтларда қандай кутиб олинганлигини ва уларга қай даражада таъсир кўрсатганлигини тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, мақолада қуйидаги фикрлар келтирилган:

“Садриддин Айнийнинг асари СССР халқлари Марказий нашриёти томонидан 1926 йил Москвада босилган. 256 саҳифа, нархи 2 сўм 50 тийин. Назир Тўракул ўғлининг сўзи билан бошланган бу китоб, XX асрнинг биринчи йилларидан бошлаб Бухоро инқилоб (тажаддуд) ҳаракати бошлағучилардан бўлуб, бу ҳаракатни олиб борган ва Бухорода бўлган вақтларда фаолият билан иштирок этган ўртоқ Айнийнинг хотиралари чинаккам Бухоро тарихини ёзғучи ўртоқларга ва кимсаларга кенг ва бой маълумотлар, тўғри ва муболағасиз тарихий материаллар бера оладиған бир манбадир”.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар

1. Айний С. Қуллар. Асарлар. 8 жилдлик. 3-жилд. – Т.: Ўздавнашр 1952.
2. Айний С. Одина ёки бир камбағал тожикнинг саргузашти. – Т.: Ўздавнашр 1934.
3. Айний С. Дохунда. – Т., 1956.
4. Айний С. Тарихи амирони манғитияи Бухоро. – Т., 1923.
5. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари Марказий нашриёти, 1926.
6. Айний С. Исёни Муқанна. – Душанбе, 1978.
7. Айний С. Қаҳрамони халқи тожик Темур Малик. – Душанбе, 1978.
8. Аҳмад Маҳдуми Дониш. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. – Душанбе, 1992.
9. Мирза Абдал Азим Сами. Тарих-и салатин-и манғитийа. Издание текста, предисловие, перевод примечания Л.М.Епифановой. – Москва, 1962.
10. Мирзо Олим Маҳмуд Ҳожи. Таърихи Туркистон. – Т: Янги аср авлоди 2008.
11. Бўлат Солиев. Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси. – Т., Ўздавнашр 1925.
12. Айний С. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Т., 1923. – С. 24.
13. Айний С. Бухородаги инқилобий ҳаракатнинг қисқача тарихи / Меҳнатқашлар товуши. 1920 йил, 4 сентябрь, 168–169-сонлар; 9 сентябрь, 170-сон; 16 октябр, 177-сон; 19 ноябрь, 186-сон; 16 декабрь, 190-сон; 28 декабрь, 204-сон.
14. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: 1926. – Б. 3-5.
15. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани. (Тарихшунослик очерклари). 2 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Фан 1994. – Б. 52.

Наишрга т.ф.д. Г.Мўминова тавсия этган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

Жуманиёзов Ф.Б. (Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали)

Аннотация. Мазкур мақолада Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида ташқи меҳнат миграцияси жараёнларининг шаклланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган.

Таянч сўзлар: *миграция, Хоразм вилояти, меҳнат миграцияси, иш ўринлари, аҳоли сони, меҳнатга лаёқатли аҳоли, демографик вазият, ижтимоий ҳимоя, меҳнат бозори, сиёсий вазият.*

Аннотация. В данной статье с точки зрения историографии исследуется формирование процессов внешней трудовой миграции в Хорезмской области в годы независимости и ее специфические аспекты.

Ключевые слова: *миграция, Хорезмская область, трудовая миграция, рабочие места, население, работающее население, демографическая ситуация, социальная защита, рынок труда, политическая ситуация.*

Annotation. In this article, the formation of external labor migration processes in the Khorezm region during the years of independence and its specific aspects are studied from the point of view of historiography.

Key words: *migration, Khorezm region, labor migration, jobs, population, working population, demographic situation, social protection, labor market, political situation.*

Мустақиллик йилларида тарихни асл ва бирламчи манбалар асосида ҳолисона ўрганиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Аҳоли сонининг ўсиши, демографик жараёнлар ва меҳнат миграцияси жараёнлари тарихини ўрганиш тарихшуносликнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Меҳнат миграцияси жараёнларини ўрганиш орқали биз жамиятдаги демографик ҳолатни таҳлил қилиш ва ижтимоий-иқтисодий вазитга тўғри баҳо бериш имкониятига эга бўламиз.

Жаҳонда ташқи меҳнат мигрантларни юборувчи мамлакатларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши мамлакат меҳнат бозори ва демографик вазиятга жиддий таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра “2019 йилда жаҳонда халқаро меҳнат мигрантлар сони 272 миллионга етди. Халқаро мигрантлар дунё аҳолиси 3,5 фоизини ташкил этган”¹.

Мустақиллик йилларида давлатнинг меҳнат миграцияси сиёсати бўйича асосий йўналишлари сифатида фуқароларнинг чет элда ишга жойлаштиришнинг асосий механизми ва шакллари ишлаб чиқиш, меҳнат мигрантлари билан ишлаш соҳасидаги дипломатик ваколатхоналарни асосий фаолият йўналишларини белгилаш ва чет элда Ўзбекистон фуқароларини шахсий хавфсизлиги ҳамда ижтимоий ҳимоясини ташкил қилиш асосий устувор вазифа сифатида белгиланди. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ҳаракатланиши, аҳолининг ҳудудий жиҳатдан ҳаракатчанлиги тенденцияларига мос келувчи ва иқтисодиётга таркибий жиҳатдан ўзгартириш шароитига мослаштиришга қаратилган сиёсат олиб борилмоқда.

Меҳнат миграцияси масалалари кўплаб тарихчи ва иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Л.Максакова², Б.Исаков³, А.Ота-Мирзаев⁴, Р.Қодиров⁵ каби олимларнинг тарихий тадқиқотларида мазкур масала чуқур ўрганилган. Иқтисодчи олимлардан Р.Убайдуллаева, К.Абдурахмонов, Б.Умирзаков, З.Худайбердиев, Н.Закировалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ўрганилган⁶.

Мазкур илмий мақоланинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди: республикада меҳнат миграцияси жараёнларининг шаклланиши ва унинг асосий омиллари;

меҳнат миграциясининг Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий вазиятига таъсири; халқаро меҳнат миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича давлат томонидан олиб борилган сиёсатнинг тарихий аҳамияти.

Таҳлилий ёндашув натижалари шу кўрсатадики, ташқи меҳнат миграцияси жуда кўплаб ички ва ташқи омилларнинг кучли таъсири остида ўзгарувчан мураккаб жараён. Вазиятга қараб, у муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденцияси ҳисобланади.

Ўзбекистонда ишсизликнинг юзага келиши ва кескин тус олишининг ҳамда собиқ иттифоқдош республикаларга нисбатан янада асоратлироқ кечишининг ўзига хос оғир жиҳатлари ва чуқур сабаблари бор эди. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

¹ International Organization for Migration (IOM), The UN Migration Agency. World migration report 2019. International Organization for Migration. 17 route des Morillons.P.O. Box 17.1211 Geneva 19.

² Максакова Л. Миграция населения Республики Узбекистан. –Ташкент: Эльдинур, 2000. – 116 с.

³ Исаков Б. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фан. номз....дисс. автореф. – Тошкент, 2010. –Б. 100.

⁴ Убайдуллаева Р., Ота-Мирзаев А., Умурзоков Н. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлиги. – Тошкент. 2006.

⁵ Қодиров Р.Б. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. –Тошкент: Navro'z, 2016.

⁶ Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. –Т: Fan. 2019. – 592 б.

Собиқ Иттифоқ тизимидан мерос бўлиб қолган оғир ижтимоий соҳа;

Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг сунъий яратилган ва қиймати жиҳатдан ўта арзон суний иш ўринлари ташкил этиш воситасида аҳолининг тўла бандлигини таъминлаш сиёсати;

Собиқ Иттиоқ емирилиши натижасида Республикалар аро иқтисодий алаоқаларни издан чиқиши ва иттифоқдош давлатлар иқтисодиётининг чуқур ўзаро боғлиқлиги;

Республикада 1990 йилга келиб вужудга келган оғир демографик вазият.

Меҳнат миграциясига боғлиқ илмий қарашлар иқтисодий, географик, тарихий, демографик, сиёсий ва бошқа ёндашувлар доирасида шаклланмоқда. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси ривожланиш жараёнлари тарихини таҳлил қилиш имконияти реал ахборот манбалари етарли эмаслиги сабабли анча чекланган ҳисобланади.

1989 йилда 1014846 аҳоли яшаган бўлиб, 2005 йил 1 январь ҳолатига келиб, вилоятининг доимий аҳолиси 1453967 га етди¹. 1989 йилда ишга яроқли аҳоли умумий аҳолининг 23 фоизини ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 57,5 фоизга етиши вилоятда ташқи миграция жараёнларини кескин кучайишига олиб келди.

Ҳукуматлараро битимлар асосида Хоразм вилояти аҳолисининг Россия Федерациясига ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси асосида юборилиши такомиллашиб бормоқда. Муҳим ҳамкорлик йўналишларидан бири рақамли платформалар орқали ахборот алмашиш ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизими билан “Работа в России” Умумроссия вақанциялар базаси ахборот таҳлилий тизими маълумотлар базасининг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этган².

2018 йилда олиб борилган тадқиқотларга кўра, Хоразм вилоятида меҳнатга лоёқатли аҳолининг юқори кўрсаткичи Хоразм вилоятида қайд қилинган. Тадқиқот натижаларига кўра, Хоразм вилоятдан бўлган мигрантларнинг 48.1 фоизини ташкил этган³. Хоразм вилоятдан ишлашга борган меҳнат мигрантларининг 2/5 қисми 3 йил мобайнида хорижга 3 мартадан ортиқ борган энг фаол қатлам сифатида эътироф қилинган⁴. Сўнги 3 йилда Хоразм вилояти меҳнат мигрантлари учун энг фаол йўналиш Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Жанубий Корея сифатида эътироф этилган⁵.

2012-2018 йиллар мобайнида Хоразм вилоятдан кетган мигрантлар меҳнат қилаётган мамлакатлар тўғрисида маълумот

Худудлар	2012 йил	2013 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Россия	84,6	84,3	80,9	78,4	74,5
Қозоғистон	10,5	12,4	14,4	11,9	11,8
Туркия	0,8	0,9	2,0	5,4	7,8
Жанубий Корея	0,9	0,7	1	2,2	1,8
Бошқа мамлакатлар	1,4	1,7	1,6	2,1	4,1
	100	100	100	100	100

2015 йил ҳолатига кўра Хоразм вилояти жами меҳнат ресурслари 965 900 кишини ташкил қилиб, республикадан ташқарида ишлаб юрганлар 96 596 кишини ташкил қилган. Вилоят туманларини ичида аҳоли сонига нисбатан энг юқори ташқи миграция кўрсаткичи бу Қўшқўпир туманида 12200 киши ва Шават туманида 11356 кишини ташкил этганб. Мазкур туманларнинг иқтисодий имконияларини таҳлил қилиш орқали ушбу худудларда чет эл инвестициясини жалб қилиш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш борасида жиддий сусткашликларга йўл қўйилганлигини маълум бўлди.

¹ Хоразм вилоят статистика бошқармаси ахборотномаси. Урганч 1990. – Б. 3.

² <https://uz.uz/posts/me-nat-migratsiyasi-masalasida-amkorlik-davom-etadi-12-11-2019>

³ Муҳиддинов Э.М. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат миграциясининг роли. Демогр. фан. бўйича фалс. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2019. –Б. 92.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Хоразм вилояти ҳудудий филиалларининг 2022 йил 15 октябрдаги №124 сонли маълумотномаси.

Вилоятда ишсизлик даражаси 2015 йилга меҳнатга яроқли аҳолининг 5,1 фоизини, 2018 йилда 9.8 фоизни ташкил қилган бўлса 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 10 фоизга етиши ташқи меҳнат миграциясининг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатган.

Вилоятнинг ташқи меҳнат миграцияси йўналишларининг шаклланишида географик жойлашув ва хорижий тил билиш факторлари катта рол ўйнаганлигини кўришимиз мумкин.

Хоразм вилоятидан борган меҳнат мигрантларининг охириги сафари давомида меҳнат қилган вилоят ва шаҳарлар тўғрисида маълумот

№	Худудлар	2012-2013 йиллар	2016-2017 йиллар	2018 йиллар
1	Москва шаҳри	30.1	28.6	15,6
2	Санк-Петербург шаҳри	34,2	38.1	41.7
3	Истамбул шаҳри	0,4	4,5	6,2
4	Маскава вилояти	6,4	5,9	5,2
5	Олмота шаҳри	4.4	3,1	3,6
6	Чимкент вилояти	0,8	3,3	3,4
7	Краснодор ўлкаси	0,8	2,7	2,7
8	Волгаград вилояти	0.9	3,7	12,6
9	Сеул шаҳри, Жанубий Корея	0,2	0,9	1,5
10	Бошқа шаҳарлар	20,1	9,3	7,5

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари энг фаол йўналишлар сифати эътироф этилган. Мигрантларнинг асосий қисми иш билан банд бўлмаган аҳоли қатлами ёки юқори малака талаб этмайдиган ишларда банд бўлган фуқаролар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги 3889-сонли қарорининг қабул қилиниши ташқи миграция фаолиятини тартибга солиш бўйича муҳим қадам бўлди¹. Мазкур қарорга асосан хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касбий малакасини, касбий кўникмаларга эга бўлиш ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш тизими йўлга қўйилди.


Россия	Қозоғистон	Туркия	Жанубий Корея	Япония	БАА	АҚШ	Бошқа давлатлар	Ҳеч қайси давлатга бормайди
50,7	4,0	16,7	26,7	2,7	4,7	6,7	8,7	13.3

Хориждан пул ўтказмаларининг умумий даромаддаги худудлар бўйича улуши²

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги сонли “Ўзбекистон Республикаси ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги №-3889 Қарори. <https://lex.uz/uz/docs/3811317>

² Мухаммедов М.М., Арабов Н.У. Ташқи меҳнат миграцияси муаммо ва ечимлар. Journal of marketing, business and management(JMBM). VOLUME 1, ISSUE 4 (June) ISSN: 2181-3000. www.jmbm.uz

Хоразм вилоятидан чет элга ишлаш борган мигрантлар давлат томонидан шароит яратиб берилса боришни хоҳлайдиган давлатлар рўйхати



Расмий статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 2,5 миллиони ёки 7 фоизи меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Шундан 2 миллион атрофида фуқаролар Россияда меҳнат қилади.

Меҳнат мигрантлари томонидан жўнатилган пул маблағлари 5,1 млрд. АҚШ доллари ёки мамлакат ЯИМнинг тахминан 10 фоизини ташкил қилади. Бунда ҳар бир муҳожир ойига ўртача 166,7 АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлаб топган. Бу кўрсаткич бўйича Хоразм вилояти энг юқори натижага эга бўлиб вилоятдан ишлашга кетган ҳар бир муҳожир учун 342,6 АҚШ доллари миқдорида маблағ тўғри келади. 2019 йилдан вилоятдан 177 790 киши ишлаш учун чет давлатларга кетган бўлиб бу иқтисодий фаол аҳолини 23 фоизни ташкил қилган. Мазкур дароматлар вилоят аҳолисининг харид қувватини кучайтирувчи асосий омил сифатида шаклланган.

Юқорида келтирилган тарихий маълумотларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги қуйидаги илмий хулосаларни илгари суриш мумкин:

Собиқ Иттифоқи парчаланиши ва Республика миқёсида режали иқтисодиётдан босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтилиши Хоразм вилоятида иш ўринларининг кескин қисқариши ва ишсизлик даражасини ортишига олиб келди;

демографик вазиятнинг кескин ўзгариши ва давлат томонидан меҳнат ресурсларини бошқариш бўйича изчил сиёсат олиб борилмаслиги натижасида тартибсиз ички ҳамда ташқи меҳнат миграциясининг ривожланиши кучайди;

Хоразм вилоятдан хорижий мамлакатларга борадиган энг фаол меҳнат миграцияси йўналишлари географик жойлашув ва умум мулоқот тилларининг яқинлиги каби омиллар асосида шаклланди;

ташқи меҳнат миграцияси жараёнини кучайиши Хоразм вилоятга хорижий валюта оқимини кириб келиши ортган ва вилоят аҳолисини харид қувватини барқарор ўсишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. International Organization for Migration (IOM), The UN Migration Agency. World migration report 2019. International Organization for Migration. 17 route des Morillons.P.O. Box 17.1211 Geneva 19.

2. Максакова Л. Миграция населения Республики Узбекистан. –Ташкент: Эльдинур, 2000. –116 с

3. Исаков Б. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми-2000йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фанлари номзодлик. . . дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

4. Убайдуллаева Р., Ота-Мирзаев А., Умурзоков Н. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлиги. – Тошкент, 2006.

5. Қодиров Р.Б. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. –Тошкент: Navro'z, 2016.

6. Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. –Т: Fan, 2019. – 592 б.

7. Умирзаков Б.Х. Теоритические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательство в Республике Узбекистан. Монография. –Т: Iqtisodiyot, 2011.

8. <https://uza.uz/uz/posts/me-nat-migratsiyasi-masalasida-amkorlik-davom-etadi-12-11-2019>

9. Муҳиддинов Э.М. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат миграциясининг рўли. Демография фанлари номзодлик диссертация. – Тошкент, 2019. – Б. 92

10. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Хоразм вилояти ҳудудий филиалларининг 2022 йил 15 октябрдаги 124-сонли маълумотномаси.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги сонли “Ўзбекистон Республикаси ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги 3889-Қарори. <https://lex.uz/uz/docs/3811317>

Наирузга т.ф.д. Г.Мўминова тавсия этган

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ПСИХОЛОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИШИНING ҲОЛАТИ

Оқназарова М. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда психология соҳасида кадрлар тайёрлаш иши ҳолати Қарши давлат университети Психология кафедраси мисолида очиб берилган.

Таянч сўзлар: *Қарши давлат университети, Педагогика факультети, психология кафедраси, психолог кадрлар тайёрлаш иши.*

Аннотация. В данной статье раскрывается ситуация подготовки кадров в области психологии в Узбекистане на примере кафедры психологии Каршинского государственного университета.

Ключевые слова: *Каршинский государственный университет, педагогический факультет, кафедра психологии, подготовка психологов.*

Аннотация. This article reveals the situation of personnel training in the field of psychology in Uzbekistan on the example of the Department of Psychology of Karshi State University.

Key words: *Karshi State University, Faculty of Education, Department of Psychology, training of psychologists.*

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда психологик хизматларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда соҳада етарли даражада малакали кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 февралдаги “Республиканинг янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармонида асосан Қарши давлат педагогика институтига ҳам университет мақоми берилди [1].

Қарши давлат университетида психолог кадрлар тайёрлаш иши ҳам йўлга қўйилган. Бунда Психология кафедраси алоҳида роль ўйнайди. 2015/16 ўқув йилида кафедрада 22 нафар профессор-ўқитувчи (1 нафар фан доктори, профессор, 1 нафар фан номзоди, доцент, 3 нафар фан номзоди, катта ўқитувчи, 4 нафар катта ўқитувчи, 13 нафар ўқитувчи) фаолият олиб борди [2].

Психология кафедраси 1985 йилдан педагогика-психология кафедраси таркибидан ажралиб чиққан. Психология кафедрасини 1985-1990 йиллар доц. Г.Мазетова, 1991-1993 йиллар доц. А.Жабборов, 1994-1998 йиллар доц. Н.Боймуродов, 1999-2015 йил профессор Азим Жабборов, 2015 йилдан 2018 йилгача доц. Х.Каримов, 2018 йилдан 2021 йилгача доц. М.Файзиёва, 2022 йил апрель ойидан ҳозирги вақтгача доцент Б.Жўраев бошқариб келмоқда [3].

Ушбу мутахассислик бўйича вилоятдаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари психолог кадрлар билан таъминлаб келинмоқда.

Психология кафедрасида 1993-1994 ўқув йилидан бошлаб “5310200 – Психология таълим йўналишида 2015 йилдан бошлаб “5210200 – Психология: фаолият турлари йўналиши бўйича”, 2018 йилдан “5210203 – Амалий психология йўналишлари” бўйича олий маълумотли ва таянч мутахассислик дипломини олиш учун бакалаврлар тайёрланмоқда. Кафедрани вилоятдаги ижтимоий ривожланишда психолог

мутахассисларга нисбатан эхтиёжнинг ортиб бораётганлигини, шунингдек, вилоятдаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари назарда тутган ҳолда сиртки ва иккинчи олий таълим йўналишида ҳам психолог мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган [4].

Шунингдек, кафедра қошида “70310901 – Психология (фаолият турлари бўйича) ва Оилавий муносабатлар психологияси” йўналишларида магистрлар таҳсил олади. Кафедрада илмий тадқиқот ишлари доирасида “19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология” ихтисослигидан таянч докторантлар тайёрлаш иши йўлга қўйилган [5].

Психология кафедрасида тайёрланаётган мутахассислар Қашқадарё вилоятидаги умумийтаълим мактабларида психолог, Ички ишлар тизимида вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор-психолог, вилоят ҳокимлиги, вилоят “Оила ва маҳаллани қўллаб қувватлаш” илмий тадқиқот институтлари ва бошқа кўплаб ташкилотларда психолог-кадрлар сифатида фаолият олиб бормоқда.

Психология кафедрасида 2021-2022 ўқув йилида 29 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатди. Улардан 1 нафар фан доктори, профессор; 4 нафар фан номзоди доцент; 4 нафар психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент, 2 нафар катта ўқитувчи; 18 нафар ўқитувчи ҳисобланади [6].

Кафедрада умумкасбий фанлар билан бир қаторда, чуқуршалтирилган мутахассислик фанлари ҳам ўқитилади. Жумладан, Умумий психология, Этнопсихология ва дин психологияси, Экспериментал психология ва практикum, Психология тарихи, Психологик феноменлар ва услубиёти, Спорт психологияси, Консультатив психология ва психокоррекция, Умумий психодиагностика, Социал психология, Тараққиёт ва дифференциал психология, Педагогик психология ва психологияни ўқитиш методикаси, Тиббиёт психологияси ва психотерапия, Меҳнат ва муҳандислик психологияси, Социал психологик тренинг асослари, Психологик хизмат асослари, Юридик психологияси, Маънавий психологияси, Оила психологияси, Индивидуал ва гуруҳий консалтинг, Хулқи оғишган болалар психологияси ва бошқа фанлар ўқитиш йўлга қўйилган [7].

Педагогика факултети Психология кафедраси “Миллий ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” йўналишида илмий тадқиқот ишлари олиб боради. Бу йўналишда бир қатор монография ва рисоалар чоп этирилган. Кафедра аъзоларидан Э.Ёзиев ва Б.Жўраев докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш қилган [8].

Кейинги 5 йилда кафедрада 4 нафар фалсафа доктори (PhD) диссертацияси тайёрланиб, барчаси муваффақиятли ҳимоя қилинди (Б.Жўраев, Г.Сатторова, З.Файзиев, Ш.Бекова). Кафедра аъзоларидан 3 нафар профессор-ўқитувчилар (М.Файзиева ва Б.Жўраев, З.Файзиев) мустақил изланувчи сифатида фан докторлик (DSc) диссертацияларини тайёрламоқда [9].

Бундан ташқари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда кафедра аъзолари томонидан Scopus, хорижнинг нуфузли журналлари ва ОАК рўйхатидаги илмий журналларда 100 га яқин илмий мақолалар чоп этирилди. Жумладан профессор А.Жабборов, доцент М.Файзиева, доцент М.Мақсадова, доцент Х.Каримов, доцент Л.Бекназорова, доцент Б.Жўраев, доц. в.б. З.Файзиев, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта ўқитувчи Ш.Бекова, ўқитувчи Ф.Ражабова, Ш.Адилова, И.Жабборов, С.Кулатова, Ж.Амиркулов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқот соҳасидаги ишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин [10].

Кафедрада профессор А.Жабборов “Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекцияси”, доценти М.Файзиева “Шахс психологиясининг ҳимоя механизмлари” номли монографиялари, Э.Ёзиев “Бошқарув психологияси” номли ўқув қўлланмаси, З.Файзиевнинг “Спорт фаолиятида ҳиссий-эмоционал ҳолатларни бошқаришнинг ижтимоий-психологик механизмлари”, Г.Сатторованинг “Ҳиссият ва ирода психологияси” ҳамда “Иродавий сифатлар психокоррекцияси”, Х.Каримовнинг “Спорт психологияси” номли ўқув ва ўқув услубий қўлланмалари жорий йилда нашр этирилди [11].

“Ёш психолог” тўғарагида иқтидорли талабалар билан фаолият олиб боради [12]. “Ёш психолог” тўғараги фаолият олиб бормокда раҳбари доц. Э.Ёзиев. Тўғарақда 2-3 курс талабалари жалб этилган бўлиб, улар илмий-тадқиқот йўналишда мақсадли ишлар йўлга қўйилган.

Кафедра жамоаси Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бормокда. Жумладан, ЎЗМУ, ЎЗДЖТУ, Низомий номидаги ТДПУ, Бухоро давлат университети, Термиз давлат университетлари психология кафедралари ва психология бўлимлари билан доимий алоқада фаолият кўрсатмокда.

Хуллас, кафедрада ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда ижтимоий-психологик ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиш, касбий тайёргарликнинг миллий психологик асослари, раҳбарлик маҳорати шаклланишининг ижтимоий-психологик асослари, оилавий муносабатлар психологияси атрофлича ўрганилиб, шу соҳа вакилларига амалий-услубий тавсиялар бериб борилмокда. Бу борада кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан бир қанча услубий қўлланма ва монографиялар чоп этирилиб, кенг китобхонларга тақдим қилинди. Кафедранинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалари (вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят суди, прокуратура, ҳарбий ва бошқа ташкилотлар) фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада чуқурлаштириш имконини бермокда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2012. – Б.121.
2. Эгамов Н., Т. Содиқов. Жануб жавоҳири. – Тошкент, 2016. – Б.104.
3. <http://www.qarshidu.uz/uz/page/psixologiya-kafedراس>
4. Муаллифнинг шахсий мулоқот материаллари, Психология кафедраси мудири доцент Б.Жўраев билан суҳбат, 2022 йил 26 сентябрь.
5. Қарши давлат университети жорий архиви маълумотлари.
6. <http://www.qarshidu.uz/uz/page/psixologiya-kafedراس>
7. Муаллифнинг шахсий мулоқот материаллари, Психология кафедраси мудири доцент Б.Жўраев билан суҳбат, 2022 йил 26 сентябрь.
8. Эгамов Н., Т. Содиқов. Жануб жавоҳири. – Тошкент, 2016. – Б. 105.
9. Муаллифнинг шахсий мулоқот материаллари, Психология кафедраси мудири доцент Б.Жўраев билан суҳбат, 2022 йил 26 сентябрь.
10. <http://www.qarshidu.uz/uz/page/psixologiya-kafedراس>
11. Қарши давлат университети жорий архиви маълумотлари
12. Эгамов Н., Т. Содиқов. Жануб жавоҳири. – Тошкент, 2016. – Б. 105.

Наишга т.ф.д. Г.Мўминова тавсия этган

QARSHI CHO‘LINI O‘ZLASHTIRISH JARAYONIDA SUV XO‘JALIGI MUTAXASSISLARINI TAYYORLASH MASALALARI

Jabbarova I.X. (QarDU)

Аннотация. Мақоллада XX асрнинг 60-йилларида Қашқадарё воҳасида yerlarning sug‘orilishi va o‘zlashtirilishi, xususan, Qarshi cho‘lining o‘zlashtirilishi bilan bog‘liq jarayonda suv xo‘jaligi kadrlarining tayyorlanishi haqida so‘z yuritilgan. Mutaxassis kadrlarga bo‘lgan ehtiyojning yuzaga kelishi va olib borilgan o‘zgarishlarning natijasi tadqiq etilgan. Irrigatsiya qurilishida kadrlar masalasining o‘rni va ahamiyati tahlilga tortilgan.

Tayanch so‘zlar: *Qarshi cho‘li, irrigator, meliorator, Qarshi politexnikumi, TIQXMMIning Qarshi filiali, mexanizator, kadrlar qo‘nimsizligi, o‘quv baza.*

Аннотация. В статье рассказывалось о подготовке кадров водного хозяйства в процессе орошения и освоения земель Кашкадарьинского оазиса в 60-х годах XX века, в частности, в связи с освоением каршинской пустыни. Исследованы возникновение потребности в специалистах-кадрах и результат проводимых преобразований. Роль и значение кадрового вопроса в ирригационном строительстве были привлечены к анализу

Ключевые слова: *Каршинская пустыня, ирригатор, мелиоратор, Каршинский политехникум, Каршинский филиал ТИИМСХ, механизатор, нехватка кадров, учебная база.*

Annotation. The article provided about the training of water management personnel in the process of irrigation and land development of the Kashkadarya oasis in the 60s of the XX century, in particular, in connection with the development of the Karshi desert. The emergence of the need for human resources specialists and the result of the ongoing transformations are investigated. The role and importance of the personnel issue in irrigation construction were involved in the analysis.

Key words: *Karshi desert, irrigator, meliorator, Karshi Polytechnic, Karshi branch of TIIMSX, machine operator, shortage of personnel, training base.*

Tarixdan ma'lumki, Sovet davlatining O'zbekistonda olib borgan biryoqlama siyosati faqat paxta xom ashyosini ko'paytirish bilan bog'liq bo'ldi. Bunday maqsadni amalga oshirish bevosita yangi yerlarning o'zlashtirilishi va sug'orilishi bilan birga olib borildi. Irrigatsiya ishlarini tashkillashtirish va rivojlantirish esa o'z navbatida soha kadrlarining tajribasi hamda malakasiga bog'liq. Shu jihatdan sovetlar davrida irrigator mutaxassis kadrlar tayyorlash masalasiga jiddiy e'tibor qaratildi. Qashqadaryo vohasida suv xo'jaligi sohasidagi kadrlar tayyorlash Qarshi cho'lini o'zlashtirish boshlangandan keyin, ayniqsa, rivojlantirildi.

Maqolani shakllantirishda tarixiylik, ilmiylik, xronologik ketma-ketlik, qiyosiylik, xolislik, tanqidiy yondashuv metodlaridan foydalanilgan. Suv xo'jaligi sohasidagi mutaxassis kadrlarning shakllanishi hamda rivojlanishidagi yutuqlar bilan birga muammolar, bu boradagi islohotlar mohiyati ochib berilgan.

XX asrning ikkinchi yarmidan boshlangan islohotlarning natijasida bu davrda sug'orish tizimi tarixida kadrlar masalasida sezilarli darajada o'zgarishlar amalga oshirildi. Shuningdek, bu davr salbiy jihatlar, jumladan, kadrlar qo'nimsizligi hamda sohaviy malakaga ega bo'lmagan kadrlarning ko'pligi muammosi ham mavjud bo'lib, unga qarshi ko'rilgan choralar ayni shu davrga kelganida o'z samarasini bera boshladi.

XX asrning 60 yillari boshida vohada olib borilgan irrigatsiya ishlari kadrlarga bo'lgan ehtiyojning yuqoriligini va bu sohada mutaxassis kadrlar yetishmasligini ko'rsatdi[1]. Shakllanib kelgan kadrlar miqdori ko'rilgan tadbirlar tufayli ortgan bo'lsa-da, ularning katta qismini sohaviy bilim darajasi talabga javob bermadi.

Xususan, Qarshi cho'lida irrigatsiya inshootlarini qurilishi va qishloq xo'jaligida foydalaniladigan yerlarni ko'paytirish ishlari turli millat vakillarini qurilishga safarbar qilish bilan birga olib borildi. Jumladan, Chimqo'rg'on suv ombori qurilishida mamlakatimizning 20 dan ortiq millat vakillari ishladilar. Suv ombori qurilishi Qashqadaryo viloyati mehnatkashlari uchun o'ziga xos maktab vazifasini o'tadi. Ammo shunday bo'lsa-da, bu yerda barcha mutaxassislarning 20 foizdan ortig'inigina o'z sohasining egalari tashkil qildi [2].

O'zbekiston MK 1965-yil 14-15-aprelda O'rta Osiyo irrigatsiyasi va xo'jaliklar qurilishi Bosh Boshqarmasi Kengashi chaqirtiriladi. Kengash o'z yo'nalishi bo'yicha 8 ta o'rta maxsus o'quv muassasasi va 10 ta malakali mutaxassis va o'rta malakali ishchi tayyorlovchi o'quv kombinatlarini tashkil etishga qaror qiladi. Bu borada 1964-1965-yillarda Shahrisabz qishloq xo'jaligi mexanizatsiyasi texnikumi va Qarshi politexnikumining Shahrisabzdagi o'quv kursi faollik ko'rsatgan[3].

1966-yil O'zbekiston hukumatining "Qishloq xo'jaligi mutaxassislari hamda jamoa va davlat xo'jaliklar rahbar kadrlari malakasini oshirish tizimining kelgusida samaradorligini yanada oshirish to'g'risida"[4] gi qarori viloyatda qoniqarli bajarildi. XX asrning 60 yillari o'rtalaridan Shahrisabzdagi Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash texnikumi, Qarshi shahridagi "Mexanizatsiya maktabi"ni «Sredazirsovxozstroy» bosh boshqarmasi ixtiyoriga berish to'g'risida qaror qabul qilindi. Qarorda ikkala o'quv yurti «Qarshiqurilish» boshqarmasi uchun kadrlar tayyorlab berish, shuningdek, Qarshi shahri "Mexanizatsiya maktabi" bazasida Qarshi Politexnikumini tashkil qilishni nazarda tutdi[5].

Viloyatda kadrlar soni yildan-yilga ortib bordi. Suv xo'jaligi tashkilotlarida kadrlarni tanlash to'g'ri tashkil qilinmadi. Masalan, Qashqadaryo viloyatida sug'orish tizimlari boshqarmasida davlat tomonidan 251 nafar oliy va o'rta-maxsus mutaxassisligiga ega kadrlar ajratilgan bo'lib, ulardan 127 nafarigagina ehtiyoj bo'ldi. Vaholanki, boshqarmada o'rta maxsus

bilimga ega bo'lgan mutaxassislar orasida qishloq xo'jaligida 62 nafar, gidromelioratsiya sohasida 62 nafar mutaxassislar bo'lgan [6]. O'rta-maxsus o'quv yurtini tamomlagan kadrlar o'rniga oliy ta'limni tamomlagan kadrlarni ishga jalb qilish yo'lga quyilmadi.

Keyingi yillarda Qashqadaryo viloyatida xotin-qizlarni mexanizator sifatida sonini ko'paytirish ishlariga e'tibor qaratildi. Mexanizatorlik kasbiga tayyorlash, ularni o'qitish bo'yicha kurslar tashkil qilindi. Bu davrlarda xotin-qizlarni kurslarda o'qitishdan asosiy maqsad ularni mexanizator kasbini egallash, qishloq xo'jaligidagi ishlarda foydalanishdan iborat bo'ldi.

Qashqadaryoda 1969-yildan dalalarda paxta mashinalarini boshqarish uchun ko'plab xotin-qizlar jalb qilindi va xotin-qiz mexanizatorlar soni ortib bordi. Viloyatda bir yilda 450 nafar xotin-qizlar mexanizator maktablari va kurslarida ta'lim oldi [7].

Bu davrda Qashqadaryo viloyatida hududlarni suv bilan ta'minlash ishlari olib borildi, yangi tashkil qilinayotgan xo'jaliklar uchun yosh kadrlarga ehtiyoj katta edi. Voha irrigatsiya tizimi va qishloq xo'jaligidagi oqsoqliklar O'zbekiston Qishloq xo'jalik ministrligi, Qashqadaryo viloyati Qishloq xo'jalik Boshqarmasi va viloyat xo'jaliklar trestining kadrlar va texnikaning yetarli darajada ta'minlanishiga e'tibor qaratilmaganligi [8] dan kelib chiqdi.

KPSS Markaziy Komiteti va SSSR Ministrlar Sovetining 1968-yil 12-yanvardagi 42-sonli "Kapital qurilishni kadrlar bilan ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining ijrosi uchun O'zbekiston SSR Ministrlar Soveti va O'zbekiston KP Markaziy komitetining 1968-yil 20-martdagi 108-sonli qarori chiqarildi [9]. O'zbekiston Qurilish Ministrligi rahbar va ishchi kadrlar bo'limiga yuborilgan 13-Qurilish trest ma'lumotnomasida 1968-yil uchun kadrlar bilan ishlash haqidagi kadrlar sohasidagi mutaxassislarni sifati va kadrlar bilan yetarli ta'minlanish darajasi tahlil qilindi [10]. Va sohada oliy ma'lumotli, yuqori malakali mutaxassislarga ehtiyoj yuqoriligi aniqlandi.

"Qarshiqurilish" boshqarmasida rejalarini ortig'i bilan bajaradiganlar hamda o'z mehnatlari bilan o'rnak bo'lgan ishchi-xodimlar, ya'ni ekskavatorchilar Ivan Shatkov, Aleksandr Babichuklar, 3-qurilish-montaj boshqarmasidan M.Nurmatov, F.Davlatov, 4-yo'l qurilish buldozerchisi Mogamedrasul Rabadanov, ekskavatorchi Viktor Pitinsov, mexanizatsiyalashgan ishlar boshqarmasi shofyorlardan Vladimir Smolnii, Yuriy Shcherbaklardir. "Qarshiqurilish" boshqarmasidagi mavjud ishchi-xodimlarning orasida mahalliy kadrlarning kam sonligi va jamoaning, asosan, mahalliy millatga mansub bo'lmagan kadrlardan tashkil topganligi va ularning qo'nimsizligi holatlari ko'p kuzatildi [11].

Bu davrda kadrlar orasida mahalliy millat vakillari ko'paydi. Ammo ozchilikni tashkil qildi. Aksariyati boshqa millatga mansub kishilardan tashkil topgan edi. Masalan, Toshkent qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash va irrigatorlar va injenerlari institutida 9 ming 712 mutaxassis tayyorlangan bo'lib, undan 3 ming 404 tasi mahalliy millat vakillari bo'lgan [12].

1968-yil 1-noyabr holatiga ko'ra Qashqadaryo 13-qurilish Trestida 42 nafar oliy ma'lumotli mutaxassislardan, 14 nafar o'zbek, 73 nafar o'rta-maxsus mutaxassislardan atigi 18 nafari o'zbek millatiga mansub kadrlar bo'lgan [13]. Natijada bu hududda kadrlarning qo'nimsizligi kuchayib, yildan-yilga boshqa millatga mansub kadrlar soni kamayib borgan. Bu, ayniqsa, oliy ma'lumotli kadrlarda ko'proq kuzatildi. Misol uchun, 13-Qurilish trestida 1968-yil 1-yanvar holatiga ko'ra 42 nafar oliy ma'lumotli kadrlar ishlagan bo'lsa, 1972-yil 1-yanvar holatiga ko'ra 39 nafar oliy ma'lumotli mutaxassislar ishladi [14].

Mazkur holatni bartaraf etish uchun sovet hukumati maxsus qaror qabul qildi [15]. Unda hunar – texnika bilim yurtini tamomlagandan keyin xo'jaliklarga jo'natilgan yosh mutaxassis kadrlarning bir joyda doimiy qolishlarini ta'minlash, kadrlar qo'nimsizligini bartaraf etish maqsadida quyidagilar belgilandi:

Birinchidan, maxsus bilim yurtini tamomlagan yosh mutaxassis o'z istagi bilan ishdan bo'shagan taqdirda uni hunar-texnika bilim yurtida tayyorlash uchun sarflangan barcha xarajatlarni xo'jalikka yoki maxsus o'quv yurtiga qaytarishi lozim bo'ldi.

Ikkinchidan, bu usulda ishdan bo'shagan kishining mehnat daftarchasiga "o'z istagi bilan ammo ma'muriyat va jamoat tashkilotlarining roziligisiz bo'shatildi" deb yozib qo'yiladigan bo'ldi.

Uchinchidan, yuqoridagi yozuvli mehnat daftarcha bilan boshqa ishga olayotganda uni ishga olayotgan korxonaga yosh ishchi ilgari ishlagan xo‘jalikka uni maxsus bilim yurtida tayyorlash uchun sarflangan butun xarajatni o‘z shaxsiy daromadi hisobidan to‘lashi kerak bo‘ldi [16].

1972-yilda 17,5 mln. so‘mlik qurilish-montaj ishlari o‘zlashtirish rejalarini amalga oshirish uchun ko‘p miqdordagi malakali kadrlar masalasini hal qilish kerak edi. Qishloq va suv xo‘jaligi kadrlarining malakasini oshirishda ularni O‘zSSR qishloq xo‘jaligi ministrligining maxsus kurslari va seminarlarida o‘qitish bilan ham oshirildi. Masalan, 1971-yilda Qashqadaryodan 18 nafar irrigatorlar shunday kurslarda malakasini oshirdi [17].

SSSR Ministrlar Sovetining “Qarshi cho‘lini o‘zlashtirishini jadallashtirish to‘g‘risida”gi Qarori asosida qabul qilingan O‘zbekiston Kompartiyasi markaziy Komiteti va Respublika Ministrlar Sovetining “Qarshi cho‘lini sug‘orish va o‘zlashtirishni rivojlantirish to‘g‘risida”gi qarorida [20] 1967–1971-yillarda amalga oshiriladigan ishlar ko‘rsatib o‘tildi. Ishlar sur‘atini tezlashtirish, albatta, soha mutaxassislari sonini ko‘paytirish va zudlik bilan malakali kadrlarni tayyorlashni talab qildi. Qarshi cho‘lini o‘zlashtirish uchun to‘rt barovar ko‘p kadrlar talab qilinadi. 1971-yil oxirigacha kadrlar tayyorlashni ko‘paytirish maqsadida Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash injenerlar institutining filialini Qarshi shahrida ochilishi ko‘zda tutildi [21].

Ishchilar soni asosan chetdan kelgan kadrlar hisobiga o‘shib bordi. Ular ko‘p hollarda ish, topshiriqlarni bajarishdagi qiyinchiliklarni ko‘rib o‘z yurtlariga ketish hollari kuzatilgan. Shuning uchun mahalliy kadrlarni ko‘proq tayyorlash zarurligi yuzaga kelgan.

Bu davrda sohaga oid malakali mutaxassislar sonini ko‘paytirish ishlari ancha sezilarli darajada o‘shdi. H.Shog‘azatov, F.Rahmonov, N.Hamroyev, T. Ergashev kabi o‘z sohasining yetuk mutaxassislari ayni shu davrning qahramonlari sifatida irrigatsiya inshootlari qurilishi hamda yangi yerlarni o‘zlashtirishida o‘zlarining salmoqli hissalarini qo‘shishdi. Kadrlar orasida mahalliy millat vakillari birmuncha ko‘paydi.

Uchunchi bosqich. 1975-yildan 1980-yilgacha bo‘lgan davr bo‘lib, bu davr Sovet hukumatining O‘zSSR da olib borgan kadrlar masalasida XX asrning 50-yillaridan boshlagan kadrlar siyosati natijasida bu davrga kelib bir qadar ijobiy ishlar amalga oshirildi.

1975-yilda Qarshida Qishloq xo‘jaligi irrigatsiya va melioratsiya injenerlarni tayyorlash institutining Qarshi filiali ochildi. Viloyatda qishloq xo‘jaligi mutaxassislarini tayyorlash bo‘yicha qisqa vaqt ichida o‘quv bazasi tayyorlandi va mustahkamlandi [22]. Uning tarkibida uchta: qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash – MSX, Gidromelioratsiya – GM, Yer tuzilishi – ZU fakultetlari tashkil qilindi [23]. Dastlab tashkil qilingan yili jami 200 nafar o‘rin ajratildi. Shulardan 50 tasi yer tuzilishi, 50 tasi qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash va 100 nafari gidromelioratsiya fakultetlari uchun ajratildi [24]. Institut o‘z faoliyati davomida xalq xo‘jaligi uchun jami 8 mingdan ortiq, jumladan 1976-1980 yillarning o‘zida 2350 mutaxassis tayyorlab berdi [25].

Sug‘orish tizimlari boshqarmalarida malaka oshirish va qayta tayyorlash kurslarida o‘qigan kadrlar bilan ta‘minlash vazifalarini olib borish bilan birga ularni joylarda ishlash samaradorligini tekshirish uchun maxsus tekshiruvlar ham o‘tkazib turildi. 1976-yil 21-sentabrdan 24-sentabrgacha vazirlik kadrlarni tanlash, joylashtirish va o‘qitish holati bo‘yicha tekshiruv o‘tkazilganda viloyat sug‘orish tizimlari boshqarmasida shtat bo‘yicha 411 nafar injener-texniklar hisobga olingan bo‘lib, aslida 383 nafar mutaxassis, ulardan 93 nafari oliy ma‘lumotli, 250 nafari o‘rta maxsus hamda 40 nafari amaliyotchilar ekanligi aniqlangan. Amaliyotchilardan 5 nafari universitetlarda sirtqi ta‘limda o‘qib ishlaydiganlardan bo‘lgan [27]. Ulardan 17 nafari Shahrisabz, Samarqand, Qarshi politexnikumlarida o‘qigan. Ammo hududlarda ishlashni majburiy tarzda olib borilishi 1976-yil hisobidan 18 nafar oliy ma‘lumotli mutaxassislarinigina viloyat sug‘orish tizimlari boshqarmasiga ishga kelganligi qayd qilingan.

1980-yildan boshlab Qarshida texnikum o‘z faoliyatida bino va inshootlarni qurish va foydalanish, avtomobillar va dvigatellarga texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash, gidrotexnik inshootlar qurish, buxgalteriya hisobi, nazorat va xo‘jalik faoliyatini tahlil qilish, korxonaga va fuqaro binolarni elektr uskunalarni o‘rnatish va foydalanish, issiqlik elektrostansiyalarining issiqlik energetik uskunalarni o‘rnatish va foydalanish, elektrostansiyalarda suv yonilg‘i moylash materiallari texnologiyasi bo‘yicha mutaxassis-kadrlar tayyorlashni yo‘lga qo‘ydi [28]. TIIMSX ning Qarshi

filialida ham kadrlar tayyorlash soni yil sayin oshib bordi. Mavjud beshta fakultetdan 1979-1980 o'quv yiliga kelib birgina yer tuzilishi fakultetining o'zida 195 nafar kadrlar ta'lim olgan [29].

Respublikada sohaga oid institutlar va texnikumlarda tom ma'noda oliy ma'lumotli malakali mutaxassislar soni ortdi hamda viloyatning turli hududlarida irrigatsiya inshootlari qurilishi va yangi yerlarni o'zlashtirilishida o'z bilimlarini amalda ifoda eta oldi. Bu davrga kelib mutaxassislarning aksariyati mahalliy millat vakillaridan iborat bo'ldi. S. Usmonov, A.Pardayev, S.Chegebayev, I.Dudenko, N.Shukurov, G.Qo'ziboyev, Y.Xushvaqtoq, N.Hamroyev, A.Karimov, R.Ochilov, I.Qurbonov, Z.Sirojiddinov, X.Toshev, M.Ro'ziyev, K.Amirov, F.Nabiyev, Z.Fayziyev, S.Mamatov, K. Mirzayev, T.Qo'shshayev, U.Berdiqulov, D.safarov, B.Rajabov, A.Kenjaye, Q.G'aniyev, A.To'rayev, N.Bahromov, R.Ko'charov, M.Rahimov, O.Xushvaqtoq, B.Rahimov, I.Yusupovlar o'z sohalarining yetuk mutaxassislari sifatida faoliyat olib bordi hamda voha sug'orilish tarixining rivojlanishida munosib hissalarini qo'shdilar. Ta'kidlash lozimki, bugun viloyatimizda qishloq xo'jaligi sohalarida o'rta, oliy ma'lumotli mutaxassislarni tayyorlovchi ilmiy dargohlarga asos yaratildi.

Xullas, Respublikada olib borilgan sohaga oid o'zgarishlar bosqichma bosqich bir-birini to'ldirib bordi. Ishchilar soni asosan chetdan kelgan kadrlar hisobiga o'sib bordi. Ular ko'p hollarda ish, topshiriqlarni bajarishdagi qiyinchiliklarni ko'rib o'z yurtlariga ketish hollari kuzatildi. Mavjud kadrlarning aksariyati esa o'zbek millatiga mansub bo'lmagan kishilardan tashkil topgan edi. Natijada bu hududda kadrlarning qo'nimsizligi kuchayib ketishiga sabab bo'ldi. Yildan-yilga kadrlar soni kamayib bordi. Shu uchun mahalliy kadrlarni ko'proq tayyorlash zaruratga aylandi va bu borada amaliy ishlar qilindi.

Boshlangan ishlar asta-sekin XX asrning 60-yillariga kelganda o'z samarasini ko'rsata boshladi. Ikkinchi bosqichga kelganda dastlabki bosqichda o'tkazilgan tadbirlar natijasi o'z sohasining yetuk mutaxassis tayyorlash va mahalliy millat kadrlari sonini ortishiga asos bo'ldi. Shuningdek, nazariya bilan amaliyotning birga olib borilganligi ham o'z kasbining fidoiylarini yetishtirib berdi. Bu ayniqsa, 70 yillarda Qashqadaryo vohasida irrigatsiya-melioratsiya sohasida qilingan ishlarda yaqqol ko'zga tashlanadi. Bugun viloyatimizda qishloq xo'jaligi sohalarida o'rta, oliy ma'lumotli mutaxassislarni tayyorlovchi ilmiy dargohlarga asos yaratildi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Qashqadaryo viloyat suv xo'jaligi Boshqarmasi Muzei
2. Abdullayev M Qarshi cho'li qahramonlari. – Toshkent: O'zbekiston, 1980. – B. 6.
3. Эргашев Н. Руководство Компартии Узбекистана освоением целинных земель –Ташкент, 1985. – С. 136.
4. QVDA 505-fond, 1-ro'yxat, 184-ish, 22-varaq
5. Xudoyqulov M. Qarshi cho'li. – Qarshi, 1990. – B. 26.
6. Abdurazzoqov U. Qizlar mexanizator bo'lishadi // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. – Toshkent, 1969. – №6. – B. 35-39.
7. Yagmurov X. Yuksalish yo'lida// O'zbekiston qishloq xo'jaligi. – Toshkent, 1959. – №7. – B. 8.
8. QVDA 505-fond, 1-ro'yxat, 48-ish, 166-varaq
9. Жабборова И. X. (2021). Ўзбекистон суғориш тарихининг захматкаш тадқиқотчиси ва зукко меъмори. In Uzbek Conference Publishing Hub (Vol. 1, No. 01, pp. 54-58).
10. "Qashqadaryo haqiqati" gazetasi, 1969-yil 18-noyabr –№ 228 (5688)
11. QVDA 505-fond, 1-ro'yxat, 48-ish, 150- varaq
12. Khujamuratovna J. I. (2022). Meliorative condition of land in the oasis of kashkadarya in the 50s of the 20th century. international journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 118-122.
13. QVDA 505-fond, 1-ro'yxat, 48-ish, 158-varaq
14. Komilov O.K. O'zbekistonda irrigatsiya tizimlarining rivojlanishi va uning oqibatlari: Tarix fan. dokt. ...diss. –Andijon, 2017. –B. 119.
15. G'opova T.F. Qarshi cho'lida mehnat resurslaridan samarali foydalanish(Fan haqida suhbatlar). – Toshkent: O'zbekiston, 1984. – B. 20.
16. Xatamova R. O'zbekistonda suv xo'jaligi xodimlari va irrigator tayyorlash an'analari tarixi (XIX) 07.00.01 – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati, –Qarshi – 2017
17. QVDA 505-fond, 1-ro'yxat, 48-ish, 76-varaq
18. QVDA 505-fond, 1-ro'yxat, 48-ish, 77-varaq

19. "Qashqadaryo haqiqati" 1967-yil 23-may
20. Alimardonov T. O'chmas sharaf. – Toshkent: "Dono" 2017. – B. 111.
21. QVDA 538-fond, 1-ro'xat, 1975-1991 yillar doimiy saqlanadigan hujjatlari, 1-varaq
22. Jabborova, I. X. "Irrigation structures in kashkadaryo oasis." наука и техника. мировые исследования. современные исследования в психологии и педагогике. 2021.
23. QVDA 538-fond, 1-ro'xat, 1-ish, -varaq
24. G'oyibov R. Qarshi dastining ravnaqi // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. – Toshkent, 1981. – №2. – B. 20

Nashrga prof. B.Eshov tavsiya etgan

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИГА КЎЧИРИЛГАН АХОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

Буриев З.Т. (Навий давлат Кончилиқ ва технологиялар университети)

Аннотация. Каспийорти вилоятига хорижий фуқароларнинг кириб келишига руҳсатномалар ва уларга ер ажратиб берилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Кўчириб келтирилган ва ўзича кўчиб келган руслар XIX асрнинг 90-йилларида Козельское (Ванновский), Кулкулаб (Дмитриевка), Саратовское (1911 йилдан Самсоновское), Калтачинов (1896 йилдан Куропаткинский), Высокое (Обручевский) қишлоқ селениеларини ташкил қилишди

Таянч сўзлар: *Туркистон генерал-губернаторлиги, Каспийорти вилояти, Каспийорти вилоятини Туркистонга қўшиш масаласи, Каспийорти вилояти бошлиғи А.Н.Куропаткин, Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом, Россия империясининг Каспийортидаги маъмурий сиёсати, Туркистоннинг эгалланиши, Оренбург ҳарбий губернатори, Ҳарбий вазирлик.*

Аннотация. Была предоставлена ценная информация о строительстве железной руды из приграничных стран в регион Каспийского моря, оккупированный Российской империей, прибытии сезонных рабочих для ирригационных и сельскохозяйственных работ, разрешениях на въезд иностранных граждан в регион Каспийского моря и выделении им земли.

Ключевые слова: *Туркестанский генерал-губернатор, Прикаспийская область, вопрос о присоединении Прикаспийской области к Туркестану, глава Прикаспийской области А. Н. Куропаткин, Устав Туркестанской области, административная политика Российской империи на Каспии, оккупация Туркестана, военного губернатора Оренбургского, Военного министерства.*

Annotation. Valuable information was provided on the construction of iron ore from border countries to the Caspian Sea region occupied by the Russian Empire, the arrival of seasonal workers for irrigation and agricultural work, permits for foreign citizens to enter the Caspian Sea region and the allocation of land to them.

Keywords: *Turkestan Governor-General, Caspian region, the issue of annexation of the Caspian region to Turkestan, the head of the Caspian region A. N. Kuropatkin, the Charter of the Turkestan region, the administrative policy of the Russian Empire in the Caspian, the occupation of Turkestan, the military governor of Orenburg, the Ministry of War.*

Россия империясининг бойлигини кўпайтиришга хизмат қиладиган Узоқ Шарқ ҳамда бепоеён Сибирни Россия империяси ва савдо саноат доиралари ўзлаштириш, қолаверса ривожлантириш бўйича ҳаракатлар ташкилий чоралар устида бош қотирмай, бу ерда мустаҳкамрок илдиз отишга, шунингдек тайёр бойликлар (ўрмон, мўйна, балиқ ва ҳ.к.) дан фойдаланишга имкон қадар ҳаракат қилдилар. Бироқ, ҳокимиятнинг биронта ҳам тузилмаси ёки саноат, молия эгалари шаклланиб келаётган капиталистик мақсадларда бу ҳуқуқларнинг иқтисодиётини ривожлантириш билан астойидил шуғулланмаган эдилар.

Россия қишлоқ аҳолиси эса Сибирь, Узоқ Шарқда кам ўтроқ бўлиб қолгандилар, шунда ҳам йирик шаҳарларда ва уларга яқин жойларда жойлашганлар. Лекин уларнинг кўпчилиги Россия империяси томонидан XIX асрнинг 20-30-йилларидаёқ ҳарбий ҳаракатларсиз, сиёсий ҳийла-найранг билан қозоқларнинг Ўрта ва Кичик жузларидан тортиб олинган ерларга ўзбошимчалик билан кўчиб келиб жойлашганди.

Кейинги йилларда рус қўшинлари Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги ва Туркманистонни босиб олган худудларида Сирдарё, Еттисув областларидан ташқари,

Зарафшон округи (1868), Амударё бўлими (1873), Фарғона области (1876), Каспийорти области (1881) тузилди.

Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги сиёсати билан бевосита боғлиқ Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудларининг катта қисмини босиб олиш, ҳамда у ерда ҳарбий-маъмурий бошқарув тартиби тарихшунослигимизда, асосан, Амударё бўлимини ва 1881 йил Каспийорти областини ташкил қилиниши билан таърифланар эди. Аслида эса 1874 йилда Манғишлоқ ва Красноводск маъмурий – ҳудудий тузилмалари (приставстволар)дан иборат. Каспийорти ўлкасининг бошқариш тўғрисида Муваққат Низом император томонидан тасдиқланган эди. Кейинроқ Ахалтека, Тежен Ашхаобод ва Марв ҳудудларида босиб олинган Каспийорти области 1881 йил ташкил қилинди ва 1889 йилгача Кавказ ноиблигининг таркибида бўлди. Туркистон генерал-губернаторлигининг таркибига ўтказилгунга қадар Каспийорти областига рус аҳолини кўчириш тартиби, жойлаштириш шартлари бирор қонун ёки низомга кўра эмас, балки ҳарбий губернатор ва уезд бошлиқларининг топшириқлари, буйруқлари билан белгиланган. Масалан туркманларнинг ерларида руслар XIX асрнинг биринчи ярмида (1849 й.), Александровск портини ва Николаевское номли балиқчилар посёлкасини барпо этишган. XIX асрнинг 70-80-йилларида оғир жанглار натижасида кўпгина маҳаллий аҳоли ўзининг ерларидан сиқиб чиқарилди ва бу ерларда рус аҳолининг қишлоқлари бирин-кетин ташкил этила бошлади. Бундай маконлар, асосан деҳқончилик учун қулай ҳудудларда, хусусан Ашхобод, Марв, Тежен уездларида кўплаб пайдо бўлди. Улар орасида энг йириқлари Гармоб (Михайловское) Козельское Дмитриевское, Крестовое, Александровка ва бир қатор бошқалар эди. Област маъмурияти кўчиб келаётган ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмоқчи бўлган рус аҳолисининг суғориладиган ҳамда яйлов ерлари билан, қорамол, от-улов сотиб олиш учун ссуда билан таъминлашга жиддий эътибор бериб турган.¹ Бундан ташқари, Англия ва Россия ўрталарида тузилган конвенцияга (1881) биноан Шарқий Эрон Россия империяси таъсир зонасига айлантирилди. Шундан фойдаланиб Россия империяси бу янги қарам ҳудудга ҳам бир неча юз минг рус ва арман миллатига мансуб шахсларни кўчиришга киришди. Ташкилий вазифаларни бажариш Сирдарё кўчирувчилик бўлимига топширилган эди.

Архив ҳужжатлари гувоҳлик беришича Каспийорти областининг 1892 йилдаги бошлиғи бўлган генерал-лейтенант А.Н.Куропаткин Каспийорти ҳарбий темир йўлида ишлаш учун ва област ҳудудида яшовчи туркман, қорақалпоқ, ўзбек деҳқонларидан, чорвадорларидан тортиб олинган ерларда жойлашиб, хўжалик юритишлари учун кўплаб рус аҳолини келтиришга катта аҳамият берган. Гап шундаки, Туркистоннинг бошқа областларига нисбатан бу областда иқлим ва яшаш шароитлари (жазирама, иссиқ, қумли шамоллар, сувсизлик аҳолининг мустамлакачиларга нафрат ва ҳ.к.) анча ноқулай эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, 1892 йилда Каспийорти областида содир бўлган вабо эпидемияси шаҳарларда, балиқчилар посёлкаларида, темир йўл станцияларининг яқинида яшовчи рус казаклар Каспийорти областига эмас, балки Самарқанд, Сирдарё областларига, Амударё бўлимига қарашли ҳудудга кўчиришга ҳаракат қилишган эди.²

Каспийорти областида генерал А.Н.Куропаткин бошлиқ бўлган йилларда бир қатор ташкилий, молиявий, ҳарбий чоралар ва Красноводск-Ашхаобод-Самарқанд темир йўли ўтказилиши туфайли Россиядан ва Кавказдан аҳолини кўчириб келтириш, жойлаштириш амалиёти анча кенгайди. Рус аҳолисини жойлаштириш учун энг аввал Ашхаобод уездининг ҳудуди танланди ва бу ерда яшовчи туркманларнинг аксарияти Шарқий Эронга, Марв, Иолатин уездларга кўчиришга мажбур қилинди.

Кўчириб келтирилган ва ўзича кўчиб келган руслар XIX асрнинг 90-йилларида Козельское (Ванновский), Кулкулаб (Дмитриевна), Саратовское (1911 йилдан Саисановское) Каетачинов (1896 йилдан Куропатинский), Высокое (Обручевский) қишлоқ селинеларини ташкил қилишда Марв уездида Афғонистон чегараси яқинида, Қушка

¹ Закаспийский облатской комитет. Протоколы заседаний 2. 8 и 9 декабря 1902 г. – Ашхаобод, 1903. – С. 77-78.

² ЎЗР МА. И-1 жамғарма, 4-рўйхат, 1026-иш, 12-13 варақлар.

харбий истехкомига қўшни сифатида Алексеевское номли катта селение; Эрон чегарасига яқин бўлган худудда ҳам шу йилларда Крестовое (Теджен уезди); Красноводск уездида Петровский, Александровска, Аненковский, Никольский, Марв уездида Пастовское номли селениелар пайдо бўлди.¹

Булардан ташқари, Туркиядан келган деярли 3 минг армени қочоқлар ҳам Каспийорти областида, асосан Ашхаобод уездига жойлаштирилди. Натижада 1897 йилда бу областда 4803 армени ва 11 мингдан кўпроқ руслар бор эди.²

1903 йилда қабул қилинган паспортлар низомининг 129-, 134-, 217- ва 234-моддалари асосида ўлкада хорижий фуқароларга яшашга рухсат берилган. Генерал Тевяшовнинг (1904-1905) 1904 йил 28-октябрда № 12 фармойишида низомдаги моддаларни қўллашда пайдо бўладиган тушунмовчиликлар юзасидан вилоят бошлиқлари томонидан генерал-губернаторга мурожаат қилиниши белгилаб қўйилган. Вилоятга чегарадош давлатлардан темирйўл қурилиши, ирригация ва қишлоқ хўжалиги ишлари учун мавсумий ишчилар келишига Россия империяси ҳукумати тўсқинлик қилмаган, чунки малакали ишчи кучига нисбатан Туркистонда эҳтиёж катта бўлган.³ Хитой, Эрон, Афғонистондан Туркистонга иш излаб келганларнинг кўпчилиги чегарадан ҳужжатсиз ўтган ва бу ерда паспортсиз яшаганлар. Биринчи жаҳон уруши арафаси ва уруш даврида айримларигина рухсатнома («вид на жительство») олганлар. Дини ва миллатидан қатъий назар Туркистонда хорижий фуқаролар ўз динига ибодат қилишиб, хунармандчилик, савдо-сотик, тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиш имконига эга бўлганлар.⁴

Империя ҳукумати вилоятга иш излаб келган болгар, чех, словак, югослав, грек, швейцариялик, француз ва италянларга ҳайрихоҳлик билан қараган. Уларга рухсатнома нисбатан осонроқ берилган. Туркистон амалдорлари Германия, Австро-Венгрия, Буюк Британия фуқароларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишиб, савдо-саноат ва молиявий гуруҳ вакиллари бўлган европалик ва америкалик тадбиркорлар Каспийортига келишга рухсат олишда маълум қийинчиликларга дуч келиш-ган. Чунки «Туркистонни бошқариш ҳақидаги низомнинг» 262-моддасига биноан рус фуқароси бўлмаганларга Туркистонда ер ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш таъқиқланган.⁵

Каспийорти вилоятига хорижий фуқароларнинг ҳар сафар келиб яшаб қолиши алоҳида рухсатномалар асосида амалга оширилган. Вилоятга келиб яшаётган барча хорижликлар ҳақида йилига бир марта тегишли идоралар томонидан маълумотлар тўпланган. Асосан маълумотли ҳамда амалдор эронликлар устидан назорат олиб борилган.⁶

XIX аср 80-йилларида Туркистон ўлкасида пахтачилик саноат бирлашмаларидан бири Ярослав Катта мануфактураси кескин суръатларда ривожланиб бораётганини кўрган ширкат раҳбарияти минтақада ўз контораларини очишга киришади. Дастлаб бош контора Тошкентда очилиб Каспийортида пахта тозалаш заводлари қуриб ишга туширилади. Ширкат 1890 йилга келиб Россиянинг Европа қисмидаги фабрика-заводлари орасида ишлаб чиқариш бўйича 9-ўринни, тўқимачилик саноати бўйича эса 4-ўринни (Никольский, С.Морозов ва К.Кренгольмский, В.Морозовдан сўнг) забт этди. XIX аср охирида компания мақомини олган ширкатнинг капитали 6 млн. рублни, захира маблағи эса 1,5 млн. рублни ташкил этди. Албатта, ширкатнинг иқтисодий ўсишида унинг Туркистондаги пахтачилик соҳасидан оладиган даромади жуда муҳим рол ўйнаган.⁷

¹ Закаспийский областной комитет. Протоколы заседаний 2. 8 и 9 декабря 1902 г. – Ашхаобод, 1903. – С. 78-79.

² Закаспийский областной комитет. Протоколы заседаний 2. 8 и 9 декабря 1902 г. – Ашхаобод 1903, – С. 82-83.

³ Матвеев А. М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю.... – С. 37.

⁴ Матвеев А. М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю.... – С. 18.

⁵ Пален К.К. Краевое управление. Отчёт по ревизии Туркестанского края. ... – С.196

⁶ Каспийорти вилояти бошлиғи генерал-лейтенант Г.Л.Боголюбов 1900 йил 9-ноябрида Ашхаобод шаҳридан Туркистон генерал-губернаторига йўллаган №15273 рақамли ҳужжатида Туркистон ўлкасига хорижий фуқароларни ўтказиш ва уларнинг бу ерда яшаши ҳақидаги қоидалар лойиҳаси асосида (Қаранг: ЎзМА.Ф-И.1, 4-рўйхат, 466-иш, 26-варак).

⁷ Мирзаев А. XIX аср охири – XX аср бошида Ярослав Катта мануфактураси ширкатининг Фарғона водийсидаги фаолияти // Ўзбекистон тарихи, 2011 йил 4-сон. – Б. 24-33.

Каспийортига четдан кириб келганлар орасида арман миллати вакиллари ўзининг салмоқли ўрни билан ажралиб турган. Генерал-губернаторлик иқтисодий инфратузилмасида арман тадбиркорлари катта роль ўйнаган. 1892 йилда вилоят бошлиғи Куропаткин Ички ишлар бош штабининг бошлиғи Обручевга қуйидагиларни ёзган: «Каспийорти вилояти 10 йилга арман бурчагига айланиб қолди, нафақат арман аҳолисининг сони бўйича, балки бу аҳолининг вилоят иқтисодий ҳаётида тутган ўрни бўйича, улар вилоятдаги савдо, sanoat, турли хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз қўлларига олганлар...».¹

Туркиядан келган деярли 3 минг арман қочоқлари вилоятнинг асосан Ашхобод уездига жойлаштирилган. Натижада 1897 йилда бу вилоятда 4803 армани ва 11 мингдан кўпроқ руслар яшаган.² XIX аср охири - XX аср бошида вилоятдаги хорижликларнинг 55,8 фоиз руслар, 21 фоиз эронликлар, 13,3 фоиз арманлар ва 14,9 фоиз бошқа миллат вакиллари ташкил этган.³

Вилоятга кўчиб келган аҳолини жойлаштириш учун 1906 йилга қадар 10318 десятина ер ажратилган.⁴ «Новое время»нинг хабарига кўра вилоятдаги кичик рус манзилгоҳларидан бири Ашхобод яқинида 9-10 чақирим нарида жойлашган-Невтоновский қишлоғи бўлган: у жами 10 молокан уйдан иборат.⁵ Бу оилаларнинг катта қисми Кавказортдан-Кар вилояти, Эриван, Елисаветполск ва Боку губернияларидан турли қишлоқларидан кўчиб келган.⁶ Ушбу оқимнинг аксарият қисмини арман миллатига мансуб савдогар, косиб, хунарманд, ишчи ва деҳқонлар ташкил этган. Нефть ва балиқчилик соҳалари, тегирмон sanoati, гугурт тозалаш, пиллачилик, ароқ, вино ва тамаки ишлаб чиқариш капиталининг асосий қисми арман буржуазиясининг қўлида мужассам эди. Каспийорти ўлкасига асосан майда арман савдогарлари келишиб, ишчи ва косибларнинг кўчиб келишига вилоятда темир йўл қурилиши ва шаҳарлар пайдо бўлиши оқибатида ишчи кучларга бўлган талаб ҳисобланган. Кавказортида Россия империясининг миллатчи буржуазия билан биргаликда олиб борган миллий адоват сиёсати, хусусан арман ва мусулмонларни бир-бирига гиж-гижлаш, шаксиз арман аҳолисининг Каспийорти вилоятига кўчиб келишига яна бир сабаби бўлиб хизмат қилган. Вилоятга кўчиб келгач арманлар (умуман барча кўчиб келган аҳоли каби) одатда рус қўшинлари жойлашган худудларда ўрнашганлар, тез орада бу ерлар шаҳарларга айланган.

1895 йилда Марвда Бухоро яхудийларининг 486 таси истикомат қилган (бутун аҳолининг 7,5 фоиз). Улар асосан тижорат билан (хусусан, қоракўл маҳсулотлари, оёқ кийим билан савдо қилганлар) ва хунармандчилик билан шуғулланганлар. Уларнинг айримлари жуда бадавлат бўлган. Мисол учун, савдогар Жўра Игланов пахтага қайта ишлов берувчи завод ва бошқа кўчмас мулкка эга бўлган, унга тегишли фирманинг йиллик пул айланмаси 2 млн. рублни ташкил этган. Айрим форс яхудийлари рус рублининг кадрсизланиши ҳақида ёлғон маълумот тарқатиб, бундан ўз мақсадларида фойдаланишган. Натижада улар рус рублларини кронлар (Эрон пул бирлиги)га алмаштиришган.⁷

Рус капиталини хорижий тадбиркорлар рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида чет эллик сармоядорлар фаолиятига маълум чекловлар қўйилади. Оқибатда хорижий савдо ва sanoat фирмаларининг фаолияти хавф остида қолади. Улар ўз даромади ва фирмаларини сақлаб қолиш мақсадида рус фамилияли фуқароларни акциядорлар таркибига киритишган. Шу тариқа хорижий фирмалар номлари русча номларга ўзгартирилган.

¹ Григорянц В.Е. Участие армян-переселенцев в развитии торговли в Закаспийской области (конец XIX-начало XX вв.). Қаранг: <http://www.nashasreda.ru>

² Гаффоров Ш.С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. ... – Б. 55.

³ Эргашев Б., Турсунова Д. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларида Закаспий вилояти тарихига оид манбалар // СамДУ нашри. – Самарқанд, 2008. – Б. 187-190.

⁴ Хамраева Т.Р. Создание статистической службы в Туркестане и её деятельность (конец XIX – начало XX вв.) (на примере Ферганской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. –Ташкент, 2011. – С. 22.

⁵ Молоканлар – христиан динидаги мазҳаб номи. Бу ерда молокан мазҳабидаги арманлар ҳақида фикр юритилган (Р. Б.)

⁶ Туркестанский сборник . –Т., 518. –Б. 198.

⁷ ЎзМА, ф. и-461,1-рўйхат. 1657-иш, 8-варақ.

Вилоятдаги тадбиркорлар қатламининг катта қисмини арман ва яхудий тижоратчилари ташкил этган. Арманлар вилоятнинг иқтисодий ин-фраструктурасида салмоқли ўринга эга бўлиб бошқа миллат вакиллари билан бирга Каспийорти вилояти ички ва ташқи савдосини ривожлантиришда фаол иштирок этишган. Яхудий фуқаролар ҳам ўлканинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўз хиссаларини қўшишган. Бироқ бошқа хорижликлардан фарқли ўлароқ яхудийлар фаолиятидаги баъзи жиҳатлар ҳукумат томонидан салбий деб баҳоланиб улар кўпроқ таъкиб остига олинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Матвеев А. М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю. – С. 18, 37.
2. Мирзаев А. XIX аср охири – XX аср бошида Ярослав Катта мануфактураси ширкатининг Фарғона водийсидаги фаолияти // Ўзбекистон тарихи, 2011 йил 4-сон. – Б. 24-33.
3. Григорянц В. Е. Участие армян-переселенцев в развитии торговли в Закаспийской области (конец XIX-начало XX вв.). Қаранг: <http://www.nashasreda.ru>. с 77-78.
4. Пален К. К. Краевое управление. Отчёт по ревизии Туркестанского края. – С. 196.
5. Гафоров Ш. С. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. – Б. 55.
6. Эргашев Б., Турсунова, Д. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларида Закаспий вилояти тарихига оид манбалар. // СамДУ нашри. – Самарқанд: 2008. –Б. 187-190.
7. Хамраева Т. Р. Создание статистической службы в Туркестане и её деятельность (конец XIX - начало XX вв.) (на примере Ферганской области): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 2011. – С. 22.
8. ЎзМА, ф. и-461,1-рўйхат. 1657-иш, 8-варак.

Нашрга т.ф.д. Г. Мўминова тавсия этган

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР (XVIII аср)

Қулмуродов Ё. (ҚарДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада қадимий ва ҳамиша навқирон Шахрисабз шаҳрининг XVIII асрдаги тарихи манба ва тарихий адабиётлар ёрдамида ёритилган. Шунингдек, Бухоро хонлиги тарқибда бўлган шаҳарнинг сиёсий ҳаёти ҳақида ҳам баъзи мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: *Қашқадарё, Кеш, Шахрисабз, Амир Темур, Темурийлар, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Абдуллахон II, Маҳмуд ибн Вали, Бухоро хонлиги, аштархонийлар сулоласи.*

Аннотация. В данной статье с помощью источников и исторической литературы освещается история древнего и всегда популярного города Шахрисабз в 18 веке. Имеются также некоторые комментарии о политической жизни города, входившего в состав Бухарского ханства.

Ключевые слова: *Кашкадарья, Кеш, Шахрисабз, Амир Темур, Тимуриды, Шарафуддин Али Язди, Хафизи Абру, Абдулла-хан II, Махмуд ибн Вали, Бухарское ханство, династия Аштарханидов.*

Annotation. This article, with the help of sources and historical literature, highlights the history of the ancient and always popular city of Shakhrisabz in the 18th century. There are also some comments on the political life of the city, which was part of the Bukhara Khanate.

Key words: *Kashkadarya, Kesh, Shakhrisabz, Amir Temur, Timurids, Sharafuddin Ali Yazdi, Hafizi Abri, Abdullah Khan II, Mahmud ibn Vali, Bukhara Khanate, Ashtarkhanid dynasty.*

Мустақиллик миллатимиз тарихини ва миллий маданий меросимизни ҳаққоний ўрганишимиз учун кенг имкониятлар яратиб берди. Ўтмишдаги қадимий шаҳарлар тарихи ва маданияти, буюк алломалар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланди.

Қашқадарё воҳасидаги қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланган Шахрисабз худуди ўзининг бой тарихига эга ҳисобланади. Мазкур заминнинг жанубдан Танхоздарё, шимолий тарафдан Оқсув дарёлари оқиб ўтган. Мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарида асос солинган Шахрисабз шаҳри милодий аср бошларида ва илк ўрта асрларда турли хил номлар билан номланган (Кеш). Шахрисабз ўша даврда «Қуббатул илм вал адаб» қутлуғ ном билан

юритилган. Хусрав Дехлавий, Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг аждодлари Шаҳрисабзда туғилганлиги¹ бу шаҳарнинг маданият маркази бўлганлигини кўрсатади.

XIII асрдан бошлаб шаҳарни Шаҳрисабз номи билан аташ одатга кирган². Мўғуллар Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари даврида Шаҳрисабз тарихига оид маълумотлар тарихий ёзма манбаларда учрамайди. Фақатгина 1351 йилда чигатой хон Баёнқулихон номидан зарб этилган кумуш тангаларда «Шаҳрисабз» номи учрайди³. Аммо 1352 йилда шу хон номидан зарб қилинган тангаларда Кеш номи ҳам бор⁴. Кўриниб турибдики, бир даврда шаҳар номи эски Кеш ва янги Шаҳрисабз номи билан ҳам юритилган. Машхур муаррих Шарафуддин Али Яздий шаҳар ҳақида: «Шаҳрисабз, уни туркийлар Кеш деб атайдилар» деб ёзган эди⁵. Шаҳрисабз буюк Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ шонли тарихга эга. Шаҳар жаҳонгир даврида гуллаб яшнади ва ўзининг маданий тараққиётига эришган эди. Шаҳарда ҳар қачонгидан ҳам сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожланди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Шаҳрисабз улкан салтанатнинг йирик шаҳрига, барлос бекларининг ёзги қароргоҳига айлантирилган. Машхур Оксарой ва Дор ус сиёдат мажмуаси қурилган эди. Шаҳар атрофи қалъа девори билан ўраб олинган. Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалс де Клавихо ўз кундалигида Шаҳрисабзда кўплаб маҳобатли бинолар ва масжидлар борлигини ва қурилаётганлигини таъкидлайди. Кейинроқ ҳам кўплаб меъморий обидалар (Дор ут-тиловат мажмуаси, Кўкғумбаз масжиди ва бошқа иншоотлар) қурилган эди. Ҳофизи Абру шаҳарда кўҳна девор (банди қадим) бўлганлиги, бироқ у XV аср бошларида бузилиб кетганлигини ҳам ёзади. Ўша пайтда Шаҳрисабзнинг 4 та дарвозаси: Арк (шимолий), Кунчиқар (шарқий), Кушхона (ғарбий), Термиз (жанубий) дарвозалари мавжуд бўлган⁶.

Буюк Темур ва Темурийлар давридаги вужудга келган юксак маданият кейинги даврларда ҳам давом этди ва янада бойиди. 1556 йилда Шаҳрисабзни шайбонийлар сулоласининг машхур вакили Абдуллахон II томонидан забт этилган. Абдуллахон II Ҳошим Султон ўрнига ўз яқинларидан бўлган Хисрав Султонни бу жойга ҳоким қилиб тайинлаган⁷. Кейинчалик эса Шаҳрисабз худуди Бухоро хонлигининг Қарши вилояти таркибида бўлиб келган. XVI аср ўрталарида ҳам Шаҳрисабз мустақам мудофаа деворлари билан ўралган⁸.

Махмуд ибн Вали (XVII аср) ўзининг «Баҳр ал асрор» («Сирлар денгизи» – «География») асарида Шаҳрисабзни қуйидагича таърифлаган: «Кеш – Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири, ям-яшил боғлари ва кўзга қувонч бахш этувчи гулзорлари туфайли у ҳозир Шаҳрисабз номи билан шуҳрат топган. У жаҳондаги энг чиройли шаҳарлардан бири ҳисобланади; иқлими жуда яхши ва дилтортар...»⁹.

Аштархонийлар даврида Шаҳрисабз сиёсий мавқеини анча йўқотган. Шаҳрисабзда ҳокимият учун курашда аввал манғитлар, сўнгра кўнғиротлар уруғи ғолиб чиқиб марказий ҳокимият – Бухоро хонлигини тан олмасликка уринишган. XVIII асрнинг биринчи чорагида Дашти Қипчоқ қозоқлари Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига талончилик ҳужумлари уюштирганда Шаҳрисабзда бир неча муддат шаҳар ҳаёти издан чиққанлиги таъкидланган. 1750-1752 йиллардан Шаҳрисабз Бухоро амирлиги тасарруфига ўтган. XVIII аср ўрталарида шаҳар қайтадан қад ростлаган.

¹ Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. 2-нашри, – Т., 2006. – Б.8.

² Ражабов Қ. Шаҳрисабз. ЎзМЭ, 11-ж.: Т.: ЎзМЭ ДИН, 2000. – Б. 82.

³ Кеш – уй, яъни ватан демасдиқ // Мозийдан садо, 2(18). 2003. – Б. 44.

⁴ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбеке // Труды САГУ. Новая серия, вып. XLIX. Гуманитарные науки 6. Археология Средней Азии. – Ташкент, 1953. – С. 22.

⁵ Бартольд В.В. Улугбек и его время. Соч. т. II, часть 2. – М., 1964.

⁶ Ражабов Қ. Шаҳрисабз. ЎзМЭ, 11-ж.: – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2000. – Б. 82.

⁷ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – Б. 688.

⁸ <https://qomus.info>.

⁹ Махмуд ибн Вали. Море тайн // Пер., предисл. и примеч. Б. Ахмедова., – Т.: Фан, 1977. – С. 154.

XVIII аср бошларида Шахрисабз деярли мустақил бошқарилган бўлиб, Убайдуллахон (1702–1711) томонидан бу ҳудудга раҳбарлик учун тайинланган Худоёрбий манғит Рустамбий бошлиқ шахрисабзликлар қаршилигини енга олмаганлиги, Убайдуллахоннинг Балх шахрига уюштирган юришларида ҳам Бухоро қўшини таркибига кирган шахрисабзликлар мустақил ҳаракат қилиб, Убайдуллахонга буйсунмаганликликлари Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асарида келтириб ўтилган¹. Абулфайзхон (1711–1747) ҳам Қашқадарё воҳасида ўз ҳокимиятини мустаҳкам ўрната олмади. Маҳаллий ҳокимлар ўзларини марказий ҳокимиятдан бутунлай мустақил ҳис этиб, тез-тез қўзғолон кўтариб турар эдилар. Ҳатто Бухоронинг таъсири кучли бўлган Қаршининг ҳам сепаратчилик кайфиятидаги ҳокимлар томонига ўтиб турганлиги Абулфайзхонни бу ҳудуддаги ҳокимияти заифлигидан далолат беради². Маҳаллий ҳокимлар билан бўлган зиддиятлар ва сарой фитналари шунга олиб келдики, Убайдуллахон ва Абулфайзхоннинг шахсий қўриқчилари рус ва қалмиқ кулларидан тўзилган эди³. Иброҳим Мироҳўр бошчилигидаги шахрисабзликлар Қаршини эгаллаб, Бухорога ҳам талончилик ҳужумларини уюштириб турдилар. Иброҳим Мироҳўр кенагас, Ниёз катагон ва бошқалар бирлашиб, 1723 йилда Самарқандда мустақил хонлик тўзилганлигини эълон қилдилар ва Иброҳим кенагаснинг куёви, Хива хонлари авлодидан бўлган Ражабхонни тахтга ўтказдилар. Шу тариқа ташкил топган Самарқанд хонлиги 1729 йилнинг охирларигача ўз мустақиллигини сақлаб турди. “Тухфат ал-Хоний” асарининг муаллифи Муҳаммад Вафо Карманагий берган хабарга қараганда, бу қўш ҳокимиятчилик ва анархиядан фойдаланган Дашти Қипчоқ қозоқлари етти йил давомида (1723–1729) Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига талончилик ҳужумлари уюштириб турганлар. Натижада шаҳарларда ҳаёт издан чиқиб, пойтахт Бухорода арқдан ташқари иккитагина гўзарда аҳоли қолган бўлса, Самарқанд ва Шахрисабзда, бир неча йиллар давомида шаҳар ҳаёти бутунлай тўхтаб қолди⁴.

1737 йилда Қашқадарё воҳасига янги босқинчилар – Эрон шоҳи Нодиршоҳ қўшинлари кириб келди. Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқулихон бошчилигидаги эрон қўшинлари Қарши шахрини қамал қилдилар. Ғўзор ва Шуллиқ қўрғонларини эгаллаб, атрофдаги қишлоқларни талон-тарож қилдилар. 1740 йилга келиб Нодиршоҳ Бухоро, Қарши ва Шахрисабзни Самарқанд ва Ҳисор билан биргаликда ўз давлатига қўшиб олди. Бухоро хонлигидан улкан миқдорда товон ундириб олинди. Бу меҳнаткаш аҳолининг янада хонавайрон бўлишига олиб келди. Нодиршоҳнинг истилочилик юришлари билан боғлиқ бўлган сиёсий воқеалар натижасида Қарши вилоятида ҳокимлик қилаётган манғит бийларининг ғайратли вакили Муҳаммад Раҳим Абулфайзхоннинг ўлиmidан сунг (1747), Бухоро хонлигида ҳокимиятни ўз қўлига олди. Гарчи 1747–1756 йилларда Бухоро тахтида Аштархонийлар сулоласига мансуб бўлган ҳукмдорлар (Абдулмўмин, Убайдуллахон, Шерғози) ўтирган бўлсада, амалда давлат бошқаруви бутунлай манғитлар қўлида эди. 1756 йилнинг декабрь ойида Муҳаммад Раҳимхон Бухоро тахтига расман ўтиргач, Бухорода манғитлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди⁵. 1750–1752 йилларда Муҳаммад Раҳим Манғит Шахрисабз воҳасига тўрт марта ҳарбий юриш қилиб, бу ердаги муҳим мудоффа қўрғонлари (Китоб, Санғфуруш, Товмиш, Қушчи)ни эгаллади ва воҳада ўз ҳокимиятини тўлиқ ўрнатди. Бу юришлар даврида Шахрисабз воҳасининг экин майдонлари ва боғлари пайхон қилиниб, бир қанча муҳим мудоффа қўрғонлари бузилиб, Говмиш қалъасининг аҳолиси кириб ташланди. Мамлакатда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бир қанча ислохотлар ўтказган Муҳаммад Раҳим манғит исёнкор шахрисабзликлар кучини қирқиш учун илгари Шахрисабз вилоятига тегишли Яккабоғ туманини алоҳида беклик деб эълон

¹ Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдуллонаме. Перевод с таджикского с примечаниями проф. А.А. Семенова. – Т., 1957, – С. 49-51.

² Абдурахмон Таби. История Абулфайзхана. Пер. с таджикского, предис., примеч. и указ., проф. А.А. Семенова. – Т., 1959, – С. 38-40.

³ Ўша жойда.

⁴ Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Писменные памятники. – Т.: Фан, 1985. – С. 178.

⁵ Шахрисабз: минг йиллар мероси. – Т.: Шарқ, 2002, – Б. 38.

қилган ва Имомкули парвоначини Яккабоғ ҳоқими этиб тайинлаган¹. Муҳаммад Раҳимнинг ўлиmidан кейин Бухоро тахтига ўтирган Дониёлбий манғит ҳукмронлиги даврида (1758–1785) мамлакатда давлат ва дин ишларида бузғунчилик кўпайган². 1771 йилда Шаҳрисабзда ва Ғузорда Бухоро ҳокимиятига қарши навбатдаги кўзғолон кўтарилди. Бухорода давлат тўнтариши қилишга уринганлиги учун қувилган Норбўтабий ҳам ўз навқарлари билан кўзғолонга қўшилган. Давлат асосларини жиддий ларзага келтирган бу кўзғолон катта қийинчилик билан бостирилган.

Дониёлбийнинг ўғли ва вориси Шоҳмурод 1785 йилда манғитлар сулоласи ҳукмдорлари орасида биринчи бўлиб, “амир” унвони билан тахтга ўтиргач, бу давлат расман Бухоро амирлиги деб атала бошланди. Тарихда “амири маъсўм” (“беғуноҳ амир”) номи билан қолган Шоҳмуроднинг ҳукмронлик даври (1785–1800) Бухорода марказий ҳокимиятнинг мустақамланиш даври бўлди. Амирликдаги сепаратистик кучларга қарши қаттиқ кураш олиб борган амир Шоҳмурод 1786 йилда Шаҳрисабз воқасини ўзига тўлик бўйсундирди ва бу ҳудуд то унинг ўлимигача Бухоро таркибида қолди.

Баъзида қувончли, баъзида аянчли воқеаларга бой бўлган қадимги Шаҳрисабз шаҳри тарихи бир неча асрлардан буён яшаб келмоқда. Бугун бу шаҳардаги ўзгаришлар бизга худди афсонадек туюлади. Зеро, истиқлол шаҳарнинг қадим шавқатини қайта тиклади, унинг аҳлига тинч ва осойишта ҳаёт бахш этди.

Соҳибқирон Амир Темур олти асрдан кейин яна ўз туғилган тупроғига қайтди. Шаҳрисабз аҳлининг Темурийлар даври улкан маданий ва маънавий мероси, ноёб тарихий ёдгорликларини асрабавайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш ва уларни озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб вояга етказиш ишига қўшган алоҳида хизматлари эътиборга олиниб ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати Шаҳрисабз «Амир Темур ордени» билан муқофотланди (1996 йил октябр). Оксарой олдида унинг муҳташам ҳайкали тикланди.

Бугунги кунда Шаҳрисабз ўз тарихининг энг шонли саҳифаларига гувоҳ бўлмоқда. Шаҳардаги маҳобатли Оксарой, ҳар бири ўзига хос Дор ут-тиловат, Дор ус-сиёдат, Гумбази сайидон сингари меъморий иншоотларни қўли гул усталар қайта таъмирлади ва улар халқаро ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида киритилди. Қадим Кешнинг бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда 2002 йилда ўтказилган 2700 йиллик юбилейи тантаналари шаҳарни бутун жаҳонга танитди. Айни пайтда, у мамлакатимизда тарихнинг унутилган саҳифаларини тиклаш, аждодлар меросини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган катта миқёсли ишларнинг яна бир намоиши бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. 2-нашри, – Т., 2006. – Б. 8.
2. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – Б. 688.
3. Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдуллонаме. Перевод с таджикского с примечаниями проф. А.А. Семенова. – Т., 1957, – С. 49–51.
4. Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. Писменные памятники. – Т.: Фан, 1985. – С. 178.

Нашрга проф. О. Бўриев тавсия этган

XX АСРНИНГ 50–80-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Раҳимов А.А. (ҚарДУ)

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг XX асрнинг 50–80 йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муаммолар ва уларнинг сабаблари тарихий адабиётлар ва илмий манбалар асосида ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *Ўзбекистон халқ хўжалиги, озиқ-овқат, чакана савдо, тиббий хизмат кўрсатиши, ижтимоий ҳаёт, иқтисодий ҳаёт, пахта монополияси.*

¹ Аҳмедов Б. Кўрсатилган асар. – Б.118.

² Шаҳрисабз: минг йиллар мероси. – Т., – Б. 39.

Аннотация. В данной статье на основе исторической литературы и научных источников освещены проблемы социально-экономической жизни Узбекистана в 50-80-х годах 20 века и их причины.

Ключевые слова: *народное хозяйство Узбекистана, продукты питания, розничная торговля, медицинские услуги, общественная жизнь, экономическая жизнь, хлопковая монополия.*

Annotation. This article, based on historical literature and scientific sources, highlights the problems of the socio-economic life of Uzbekistan in the 50-80s of the 20th century and their causes.

Keywords: *national economy of Uzbekistan, food products, retail trade, medical services, public life, economic life, cotton monopoly.*

Ўтган 1946-1950 йилларда халқ хўжалигининг ҳарбий издан тинч қурилиш йўлига ўтказилиши маълум даражада имтимой соҳадаги масалаларини ҳал қилиш имкониятларини бера бошлади. 1947 йили озик овқатга бўлган карточка тизими бекор қилиниб, чакана савдонинг тикланишига эришилган. Шу йили пул ислоҳоти ҳам ўтказилди. Халқ таълимини қайта тиклашга эътибор қаратилган. 1945-1946 ўқув йилларида республикада 4483 та мактаб мавжуд бўлган бўлса, 1950 йилда уларнинг сони 5005 нафарга етган. Ўқувчиларнинг сони ҳам 912040 нафардан 1 265 485 нафарга кўпайган. Малакали муаллимлар тайёрлашга эътибор қаратилиб, 1950 йилда 48,237 нафар муаллим ишлай бошлаган. Олий таълимни ривожлантириш соҳасида ҳам сезиларли ишлар қилиниб, 1945 йилдаги 33 та ўрнига. 1950 йилда 37 та олий ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлаган. Талабаларнинг сони 1950 йилда 1940 йилга нисбатан 3 баравар кўпайиб, 21.190 нафарга етган. Шу йиллар мабойнида ўрта махсус ихтисослашган теникумлар 71 тадан 91 тага етган. Ўқитувчиларнинг сони эса 2037 нафардан 40370 нафарга кўпайди, шифокорларнинг сони деярли 2 баробар ўсган бўлса-да республика аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш қоникарсиз аҳволда эди.

Ўзбекистон мактабларида 50-йилларда 1.290.000 нафар ўқувчи таълим олган. Ўрта таълим мактабларини битирувчилар сони уч марта, ўрта махсус ўқув юртларини битирувчилар сони 1,7 марта, олий ўқув юртларини битирувчилар сони эса 2,2 марта ошган¹. Агар 1940 йилда умумтаълим ўрта мактаблари сони 5448 та бўлган бўлса, 1960 йилда уларнинг сони 7511 тага етган². 1940 йилда талабалар сони 19,1 минг нафар бўлса, 1960 йилда эса 101,3 минг нафарга етган³.

XX асрнинг 50-60 йиллар мабойнида Республикаимизнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётида маълум даражада ўзгаришлар содир бўлди. 1956 йилда телевидениянинг ватани бўлган Тошкентда телемарказнинг ишга туширилиши Ўзбекистон ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Шу йилларда меҳнаткашларнинг турмуш шароити ҳам қисман яхшиланди. Аҳолига савдо хизматини яхшилаш мақсадида савдо тармоқлари кенгайтирилди. Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш масаласида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Тошкент шаҳрида йирик Чилонзор турар жой массиви қад кўтарди. Нукус, Чирчиқ, Навоий, Олмалиқ, Самарқанд, Фарғона, Ангрэн каби шаҳарларда янги турар жой мавзелари барпо этилди. Бирок бу қурилишларнинг ўзгариш даражаси аҳолининг ўсиш даражасидан орқада қолмоқда эди. Қурилган турар-жойларнинг сифат даражаси ҳам паст эди. Република аҳолисини уй жой билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмай қолаверди.

Ушбу далиллар саноатни, умуман, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг умумий тенденцияси ҳақида яққол далолат беради. Республика иқтисодиёти ва саноатининг ўсиши мазкур даврда ва ундан кейин ҳам, биринчи навбатда, пахтачилик ва хомашё саноатининг ривожланиши билан узвий боғлаб қўйилди. Марказ босими остида иқтисодиётда биринчи ўринда хом ашё соҳасини ривожлантириш тенденцияси кучайган ҳамда пахта монополияси ўрнатилган бўлса-да, Ўзбекистон халқининг ижтимоий ҳаёти 1950–1960 йилларда аста-секин яхшиланиб борди. Масалан, колхозлар даромади 1953 йилга нисбатан 1958 йилда қарийб 3 млрд. рублга ошди. 1957 йилда бир иш қунига тўланган меҳнат ҳақи 14 рубль 65 тийинга тўғри келган, 1953 йилда эса, у атига 8 рубль 62

¹ Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 525.

² Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. –Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 251.

³ Ўша жойда. – Б. 250.

тийин бўлган эди¹. Умуман олганда, мазкур даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қуйидаги тенденцияни кузатиш мумкин. Биринчидан, Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг, Марказ республиканинг қишлоқ хўжалигида пахта монополиясини тўла ўрнатиш мақсадида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга яна ҳам қатъий киришди. Ҳатто муаммо шу даражагача бориб етдики, “1950 йилда Усмон Юсуповни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимидан озод қилганларида, унга қўйилган асосий айбловлардан бири “пахтачиликка ажратилган куч ва воситаларни маҳаллий вазифалар фойдасига ҳал қилган”лигида эди”². Бутун совет даври тарихидаги каби мазкур ҳолатда ҳам “... умумдавлат ва маҳаллий манфаатлар бир-бирига қарама-қарши қўйилган эди”³. Марказ манфаати ҳар доимгидек, Ўзбекистон манфаатидан устун қўйилган ва ўзбек халқининг миллий манфаатига, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши-масалаларига иккиламчи бир объект сифатида ёндашилган эди.

Иккинчидан, Ўзбекистон саноати ва унинг ривожини, биринчи навбатда, пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ эди. Шундай булса-да, бир қатор саноат корхоналари, тўқимачилик корхоналари, электростанциялар қурилган, лекин саноат соҳаларининг ривожланиши ҳам, аввало, пахтачилик билан боғлиқ эди. Шунингдек, мазкур даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тенденциясини кўриб чиқадиган бўлсак, унинг эътиборли жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлган: 1961 – 1965 йилларда республика ялпи иқтисодий маҳсулотининг ўсиши аввалги беш йилликка нисбатан қарийб 7,1 фоизга, саноатнинг ривожланиши 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 4,0 фоизга ўсиши таъминланган бўлса, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси эса 16,8 фоизга ўсган⁴, саноатнинг ривожланиши натижасида республикада 1945–1964 йиллар давомида Бекобод, Ангрен, Газалкент, Қувасой, Тахياتош, Янгиобод, Янгиер, Навоий, Шаҳрисабз, Мўйноқ каби шаҳарлар ташкил қилинган⁵. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган, лекин, иккинчи томондан, ушбу шаҳарларда қурилган саноат корхоналари учун ишчи ва мутахассислар, асосан, четдан келтирилган. Натижада Ўзбекистондаги демографик вазият ўзгариб, янги ташкил қилинган шаҳарлар аҳолиси миллий таркибининг аксарият қисми туб халқларга мансуб бўлмаган кишилар ҳисобига кўпайиши мазкур даврдаги ижтимоий-демографик ривожланишнинг асосий тенденцияларидан бири эди. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши пахта етиштириш билан боғлаб қўйилган эди. Жумладан, XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмида пахта ва бошқа экинларни экиш учун 300 минг гектар ерни ўзлаштириш зарур эди. Бунинг учун 34 та давлат хўжалиги ва 34 та пахта тозалаш заводи барпо этилиши мулжалланган⁶. Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРнинг пахта хом ашёсини етказиб берувчи республикага айланиши янада кучайиб борди. Пахта етиштириш нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, балки республиканинг маънавий турмушида ҳам ўз аксини топди. Ҳаттоки, Тошкент шаҳрида янги қурилган футбол стадионига ҳам “Пахтакор” номи берилди, янги ташкил қилинган республиканинг асосий футбол командаси ҳам шу ном билан аталди. 1956 йил 13 августда партия олий раҳбарияти ва совет ҳукуматининг таклифи асосида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қўшма “Ўзбекистон ССР ҳудудида пахта байрамини жорий қилиш ҳақида”ги қўшма қарори қабул қилинди⁷.

Аҳолининг ижтимоий ҳаёти урушдан кейинги қийинчиликларга қарамасдан аста-секин яхшиланиб борди, лекин булар Ўзбекистоннинг моддий ресурслари ва инсон салоҳиятини Марказ томонидан аямасдан эксплуатация қилиш ҳисобига амалга оширилди.

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том II. – С. 849.

² Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). I китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 273.

³ Ўша жойда.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. – С. 21.

⁵ Кўрсатилган асар. – Б. 8-9.

⁶ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй.). 2-т. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 85.

⁷ Мухитдинов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 223-224.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш профлактика муасссалари ва медицина ходимларини кўпайтириш бўйича ҳам ишлар олиб борилди. 1986 йилда 895 даволаш профлактика муасссаларидан 35 минг нафардан ортиқ медицина ходимлари меҳнаткашларга тиббий хизмат кўрсата бошладилар. 1989 йилда шифокорларнинг сони 68,5 минг нафарга етиб мамлакатимизнинг ҳар 10 минг нафар аҳолисига 33,8 нафар шифокор ва 101,7 нафар тиббиёт хамшираси тўғри келди. Шунга қарамай Ўзбекистон ССР рақ, ошқозон-ичак, сариқ каби юқумли касалликлар бўйича Иттифокда етакчи ўринларни эгаллар эдилар. Тугилаётган ҳар 5 нафар боладан биттаси гўдаклигидаёқ хайтдан кўз юмар эди. Мамлакатимизнинг собиқ Иттифоқ хом ашё базасига айланганлиги, пахта якка ҳокимлиги, экологик аҳволнинг тобора ёмонлашиб бориши, аҳолининг турмуш даражасига таъсир этмай қолмади. Республика аҳоли турмуши қай даражадалигини қуйидаги аҳоли жон бошига озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичларида кўриш мумкин.

XX аср 80-йилларида Ўзбекистон ҳаёти зиддиятлар ва муаммолар 1970- 1980 йилларга келиб собиқ Иттифокнинг иқтисодий, ижтимоий ҳаётида, ривожда салбий ҳолатлар юзага келганлигини кузатиш мумкин бўлади. Ривожланишда бир жойда депсиниб қолиш даври бошланган бўлиб, бу йиллар тарихда “турғунлик йиллар” деган ном олди. Натижада барча республикалар қатори бизнинг республикамызда иқтисодий ижтимоий ривожланиш секинлашди, ички муаммоларни субъектив ва валюнтаритив тарзда ҳал этилиши зиддиятларни янада кучайтирди ва тенгликка олиб кела бошлади. Унинг асосий сабаблари қуйидагилар эди.

1. Бутуниттифокдаги сингари республикамызда ҳам маъмурий буйруқбозлик бошқарувининг кучайиши ва тоталитар тузимнинг ўрнатилганлиги.
2. Халқ хўжалигини бошқаришнинг ўта марказлаштирилиши ва давлатлар манфаатларининг ҳисобга олинмаганлиги.
3. XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида халқ хўжалиги баракасиз ривожланиш имкониятларининг тугаганлигини ҳисобга олиб, унинг жадал ривожланиш даврига ўтказилмаганлиги.
4. Республикамызнинг Иттифоқ хом ашё базасига айланиб қолиши ва пахта якка ҳокимлигининг ўрнатилиши.
5. Ижтимоий масалаларга қолдиқ тамойили асосида қаратилиши.
6. Табиатга нисбатан нотўғри муносабатда бўлганлиги.

Маънавий соҳада

1. Дин ва диндорларга нисбатан зўравонлик сиёсатининг олиб борилиши.
2. Умуинсоний қадриятларни тан олмаслик.
3. Ижодкор зиёлиларга тор синфий нуқтаи назардан қаралиши ва улар ижодининг бўғиб қўйилиши.
4. Бошқа халқларнинг маънавий қадриятларини менсимаслик.
5. Миллий масалини ҳал қилишда тор синфий нуқтаи назардан қаралиб, байналмилаллашувни синфий тарзда тезлаштиришга ҳаракат қилиш каби номаъқул фаолият. Бу сабаблар эса республикамыз тараққиётига, халқимиз руҳиятига ҳам таъсир этмай қолмайди. Шунга қарамай XX асрнинг 50-80 йилларидаги Республикамыз тарихининг ижодкори ўзбек халқи бўлди. Бу халқ тарих синовларидан жасорат билан ўтиб, фидокорона меҳнати орқали ўзининг моддий ва маънавий бойлигини кўпайтира олди. Биргина депсиниш ҳолати мамлакат иқтисодиётининг издан чиқишига олиб келди. Бу даврда, асосан маблағларни сарфлаш эвазига баракасиз йўлдан зўрма зўраки ривожлантирилган мамлакат халқ хўжалиги амалда ривожланмади. Давлатнинг ўша вақтдаги биринчи раҳбарлари Л.И.Брежнев (1964-1982 йил ноябригача), Ю.В.Андропов (1982 йил ноябрь – 1983 йил февраль), К.У Черненко (1983 йил март – 1984 йил март) иқтисодий ижтимоий ва сиёсий соҳаларда ўз ечимини қутаётган муаммоларга эътибор бермадилар. Ўн бешта республикалар мажбуран бирлаштирилган эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ миллий давлатчилиги қадриятлари, хошиш иродаси инobatга олинмаган, бундай иттифокдан норози бўлганлар. Аммо ундан чиқиш мураккаб эди. Гарчи собиқ Иттифоқ конституциясида бундай қоида мавжуд бўлсада кучли Марказ армия, давлат хавфсизлиги қўмитаси каби асосий кучлар тизимида бу Иттифокнинг таянч нуқталари эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. –Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 251.
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй.). 2-т. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 85.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

НАФС, ЭХТИЁЖ ВА МЕЪЁР

Саломова Н.М. (Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси “Саломатлик” маркази)

Аннотация. Мақолада нафс, эҳтиёж ва меъёр тушунчаларининг алоқадорлиги ҳақида фалсафий мулоҳазалар юритилади. Фалсафий фикрлар таракқиётида нафс муаммосининг Қадимги Ҳиндистон, Хитой фалсафий таълимотларида, Қадимги юнон файласуфлари қарашларида, Қадимги Шарқ алломаларининг мулоҳазалари, жумладан, Ибн Сино, Носир Хисрав, Абу Наср Форобий, Алишер Навоийнинг асарларидаги талқини таҳлил қилинган. Мақолада нафс, эҳтиёж ва меъёр тушунчаларининг диалектик алоқадорлиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *Ибн Сино, табиий (биологик) ва маънавий, руҳий меъёр, эҳтиёж, оқилона, зарурий эҳтиёж.*

Аннотация. Статья содержит философские размышления о соотношении понятий желание, потребность и норма. В развитии философской мысли интерпретация проблемы Я в философских учениях Древней Индии и Китая, взгляды древнегреческих философов, мнения древневосточных ученых, в том числе труды Ибн Сины, Насыра Хисрава, Абу Насра Фараби, Алишера Наваи. В статье анализируется диалектическая связь между понятиями желание, потребность и норма.

Ключевые слова: *Ибн Сина, естественное (биологическое) и духовное, духовная норма, потребность, разумная, необходимая потребность.*

Annotation. The article contains philosophical reflections on the relationship between the concepts of desire, need and norm. In the development of philosophical thoughts, the interpretation of the problem of self in the philosophical teachings of Ancient India and China, the views of Ancient Greek philosophers, the opinions of Ancient Eastern scholars, including the works of Ibn Sina, Nasir Khisrav, Abu Nasr Farabi, Alisher Navai, is analyzed. The article analyzes the dialectical relationship between the concepts of desire, need and norm.

Key words: *Ibn Sina, natural (biological) and spiritual, spiritual norm, need, reasonable, necessary need.*

Нафс – тасаввуф фалсафасининг асосий категорияларидан бири. Меъёр ва эҳтиёж – фалсафа ҳамда иқтисоднинг асосий категорияларидан бири. Ҳар учала категория бир-бири билан диалектик алоқадор бўлиб, улар – сиёсат, иқтисод, ижтимоий мунособатлар, ахлоқ-одоб, саломатлик, қурилиш ва архитектура – қўйингчи, ҳаётнинг барча жабҳаларида амал қиладиган ҳамда энг долзарб муаммолардан биридир.

Ўсимлик, ҳайвон, одам – улардаги умумийлик табиатнинг тирик, жонли борлиғи бўлиб, замонавий биологияда биота деган тушунча орқали ифодаланadi. Уларнинг яъни ўсимлик, ҳайвон ва одам нафсга эга.

Ўсимликлар нафси чегаралангани боис улар ҳаёт учун зарур озукани меъёрдан ортиқча олишга эҳтиёжи йўқ. Худди шунингдек, ҳайвонлар ҳам биологик эҳтиёжи чегарасидан чиқмайди. Бошқача иборалар билан айтганда, зарурий биологик эҳтиёж чегараси (табиий экологик меъёр)дан чиқишмайди. Энг оддий мисол, асалари гул нектарида глюкоза миқдори 4,25 фоиздан юқори бўлган гулларга қўнади. Ундан камига асло қўнмайди. “Йиртқич балиқ ва тинчликсевар балиқ” орасидаги мутаносиблик 1:30 ни ташкил этади, бу табиий-экологик меъёр бузилса, экотизим парокандаликка учрайди.

Меъёр категорияси фалсафадаги энг қадимий категория. Унинг ҳозирги замонавий мазмун-моҳияти билан илк даврда изоҳланган моҳияти орасида фарқ талайгина. Меъёрнинг асл моҳиятини тўлиқ англамоқ учун тарихга назар ташласак.

Қадимги Хитой Моистлар мактабининг асосчиси Мо Ди (э.о. 480-400 йиллар) бундай деб ёзади: “Меъёр – бу қўп ва камликнинг ўзаро алоқадорлигидир. Илон кулча сингари ўралиб олади ва ипдек чўзилади... Бир хонада она ва фарзанд, яъни ёши улуғ ва бола яшашади. Икки абсолют қарама-қаршилиқ бу оқ ва қорадир. Йўлдан бораётган инсон бир вақтнинг ўзидаёқ йўл ораси ҳамда унинг икки четини кўра олади” [1;72]. Мо Ди таълимотига кўра, меъёр қарама-қаршилиқларнинг ўзаро алоқадорлигидир. У меъёрнинг икки четки чегараларига эътиборни қаратди ҳамда уларнинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилди. Меъёрнинг таркибига ҳар хил миқдорлар, қарама-қарши сифатлар борлиги ҳақидаги илк тасаввурлар Мо Ди таълимотида ўз изоҳини топган.

Хан Фэй (э.о. 280-233 йиллар) меъёрга риоя этиш “дао бўйича” ҳаракат қилиб яшашдир. Меъёрга риоя этишнинг уддасидан фақат доно инсонларгина чиқа олади, деб уқтиради. Бизнинг қадимий ўзбек нақлларимизда юқоридаги фикрлар қуйидагича ифодаланган: “Қари бор уйда, қўй ҳам, бўри ҳам омон яшайди”. Яъни хонадондаги қари киши барча оила аҳлини меъёр тарозисини сақлашга даъват этади, деган фикр уқтирилган.

Юнон мутафаккири Гесиоднинг “ҳамма нарсада меъёрга риоя қил!” деган нақли негизда аниқлик, тартиблилик, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш, меҳнатсеварлик, асраш-авайлаш кабилар ётади. Гесиоднинг: “Меъёрга амал қил ва ҳар ишни ўз вақтида бажар!”, нақли барча ишларда хўжалик, оила, сиёсатда ҳам зарурдир. Меъёр бу пайт гоҳ мўътадиллик, гоҳ тежамкорлик, гоҳ аниқ муддат тарзида намоён бўлади. Гесиод ўзининг шахсий ҳаётида ҳам бу нақлга қатъий риоя қилгани учун кичик мулкдор - ер хўжайини фаолиятида унга катта фойда келтирди.

Гесиод ҳатто худолар билан муносабат пайтида ҳам бу қоидага амал қилиш – энг одил йўл эканлигини таъкидлаб бундай ёзган: “Мангу абадий худолар йўлидаги назр–қурбонликлар фақатгина етарлича бўлсин!” [2;109].

Гесиод айтган доно фикрлар “Ҳадис”ларда ҳам қайта-қайта тилга олинган. Шундай қилиб қадимги Юнонистонда меъёр:

Меъёр – руҳнинг мўътадил ҳолати

Меъёр –тартиблилик, илоҳий гўзаллик

сифатида талкин этилган.

Демокрит ёзади: “Инсонлардаги мўътадиллик уйғун ҳаётдан ва қониқишларнинг мўътадиллигидан пайдо бўлади. Етишмовчилик ҳам, ортиқчалик ҳам киши қалбини ларзага келтиради” [3;153]. Етарлилик зарурий эҳтиёжнинг қондирилишидир. Етарлилик оқилона эҳтиёж билан синонимдир.

Юнон донолари “меъёр ҳисси Худоларнинг инсонга инъом этган олий ҳадяси” деб ҳисоблашган.

Сукрот: “Меъёр – хоҳишларни жиловлаб яшаш демакдир” деб ички руҳий меъёр ҳақида фикр билдирган бўлса ҳам унинг назаридан ташқи меъёр ҳам четда қолмаган: “Кийинишда олифталик қилмасдан, нафис бўлишга ҳаракат қилинг, одоб кўркемлик, исрофгарчилик эса олифталик белгиси”. Инсон оқилона эҳтиёж, зарурий эҳтиёж маъноларини англаб уларга амал қилиши лозим.

Қадимги юнонлар меъёрсизликни “гюбрис” – дағаллик, қўполлик, безбетлик деб тушунишган бўлишса, меъёрни роса улуғлашган, унинг баъзи қирраларини очишган, аммо фалсафий моҳиятини тўлиқ ёрита олмаганлар.

Марказий Осиё мутафаккирлари меъёр категориясининг хилма-хил йўналишларини ҳамда борлиқда намоён бўлиш шакллари кўрсатиб ўтдилар.

Масалан, “Байт ул-ҳикма” илмий мактаби, “Маъмун академияси” ҳамда Улуғбекнинг астрономия мактаби намоёндалари ўрганилаётган объектдаги миқдор ва сифатнинг яхлитлиги, ягоналигида ўргансалар-да, миқдорга катта урғу бердилар. Жобир Ибн Хайян, ал-Қиндий, Ар-Розий, Ибн Синоларнинг илмий-амалий изланишларида сифат устуворлик қилди. Улуғ олимлар, доноларнинг ҳар бири олам меъёрини билиб, уни топа олганлари учун ҳам тарихда ўз номларини муҳрлай олдилар.

Ўзининг бутун умрини олам борлигидаги меъёрларни билишга интилиб, унга эришган алломалар талайгина:

1. Ер борлиги меъёрларининг ўлчовчилари – Беруний; Фарғоний;
 2. Саломатлик ва беморлик меъёрларини аниқлаган – Ар-Розий, Ибн Сино; [2;109]
 3. Юлдузлар меъёрини аниқлаган – Улуғбек ва унинг илмий ҳамкорлари;
 4. Бинолардаги нақшлар уйғунлигини аниқлаган – Жамшид Коший;
 5. Инсон руҳий олами меъёрини аниқлаган - Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд каби донишмандлар номи жаҳонда абадийликка муҳрланган улуғлардир.
- Ўрта Осиё мутафаккирларини энг катта ютуқларидан бири шунда эдики, уларнинг кўпчилиги дунёвий ҳамда диний фанларни биргаликда ўрганиб, уларнинг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар. Борлиқни ўрганаётган пайт, амалиётда ҳар бир объектни катта-

кичик, муҳим ва аксинча номуҳим бўлган миқдор ва сифатий характеристикаларига, кўз илғамас миқдор ўзгаришларига жиддий эътибор бердилар. “Маълум миқдор”, “номаълум миқдор”, “аниқ миқдор”, “энг кичик миқдор”, “энг катта миқдор”, “хос миқдор”, “кўз илғамас миқдор”, “мукаммал миқдор”, “табиий сифат”, “табиий бўлмаган, табиийликка қарши сифат”ларни чуқур ўргандилар. Бу ютуқлари туфайли улар жаҳон илмига тамал тошини қўйдилар. Ўз давридаёқ оламни асраш, инсон руҳини комилликка етакловчи омилларни ишлаб чиқдилар.

Носир Хисрав “Офокнома” деган асарида нафсни тўртга бўлади:

1. Аммора – ҳукм берувчи, фармон берувчи;
2. Лаввома – мазамат қилувчи, азоб берувчи;
3. Мулҳима – илҳом берувчи;
4. Мутмаъина – устувор” [4;94].

Ҳар бир нафс сифат жиҳатдан бир-биридан катта фарқ қилади. Аммора нафсни оловга, лаввома нафсни сувга, мутмаъинани тупроққа тааллуқли дейишади. Мансур Ҳаллож қатли олдидан ўғлига шундай насиҳат қилади: “Нафсинг сени эгарлаб олмасдан олдин, Сен уни эгарлаб ол.” [5;45]. Мансур Ҳаллож инсонни руҳий меъёрдан чиқарувчи омил нафс аммора эканлиги билгани учун ҳам, ўз қатли олдидан ўғлига айнан нафсни эгарлаб олиш – инсон осойишта яшашининг мезони эканлигини таъкидлаган. Нафс, кибр, манманлик, димоғдорлик, кеккайишлар – булар бари меъёрсизликдир.

Носир Хисравнинг “Офокнома” асаридаги тўрт хил нафсининг моҳиятини ёритишда қуйидаги чизмадан фойдаланиш фикримизни ифодалашни осонлаштиради деб ҳисобладик:

Аммора	Лаввома	Мулҳима	Мутмаъина
1. Жаҳл	Зухд	Илм	Ҳаёлик
2. Ҳашм	Тақво	Ҳикмат	Тўла сабр
3. Бўғз	Ранж	Имон	Таслим
4. Қаҳр	Инсоф	Дониш	Ризо
5. Гина	Закот	Вафо	Эҳсон
6. Кибр	Ихлос	Меҳр	Адл
7. Ҳасад	Ҳаж	Рақс ва само	Шафқат
8. Бухл	Савм (рўза)	Важд (шавқ)	Авф
9. Нифоқ	Сало (ибодат)	Ҳалолат	Паноҳ
10. Ғийбат	Жихоз	Сўзининг мақбуллиги	Қаноат
Аммора нафс-Кофирлар нафси	Лаввома нафси – мўминларнинг нафси	Мулҳима нафс-Авлиё оллоҳлар нафси	Мутмаъина – бу анбиё-оллоҳларнинг нафси
	Ш а р и а т	Т а р и қ а т	Ҳ а қ и қ а т

Носир Хисрав ўзининг “Офокнома” асарида келтирган нафсининг тўрт хилдан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Нафс аммора – меъёрсизлик (нафси бузук, нафс бандаси, шахвоний ҳирсини жиловлай олмаган махлуқ ва ҳ.);
2. Лаввома нафс – инсон руҳий меъёрининг илк поғонаси (мўминлар нафси ёки шариат аҳлидагилар нафси);
3. Мулҳима нафс – руҳий меъёрнинг ўрта поғонаси (авлиёлар нафси ёхуд тариқатга кирганлар нафси);
4. Мутмаъина – руҳий меъёрнинг юқори барқарорликка эришган босқичи (анбиёлар нафси- ҳақиқат аҳлининг нафси).

Бу инсон ички руҳий меъёрларининг узвий тизимидир. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жозки, табиат борлигидаги меъёрлар инсон руҳий меъёрига қараганда нисбатан барқарор бўлади. Инсон руҳий меъёри эса жараёндаги меъёрдир. Инсон гоҳ меъёрга амал қилади, гоҳида эса амал қилмай қўяди. Фақат маънавий камолотни эгаллаган

инсонлардагина рухий меъёр барқарорлашиб боради. Тамкин ҳолат – рухий меъёрнинг барқарор, қатъий меъеридир. Тасаввуф фалсафаси билан айтганда: Мўмин – Обид – Зоҳид – Ориф – Авлиё – Набий – Расул – Пайғамбари улул Аъзам – Хотимул авлиё [6;25] инсон рухий меъерининг мукаммаллашиш босқичлари (меъёрлар узвий тизими)ни ўринли таъкидлашган. Оддий, беқарор меъёрнинг илк босқичи маънавий камолот босқичининг чўққисига етганда барқарор, қатъий меъёрга алмашинади.

“Нафс аммора, -деб тўғри таъкидлайди А.Ф.Файзуллаев, одамдаги ҳайвоний руҳ. У гўё бир аждарҳо” [7;34]. Нафсни ҳозирги замон нуктаи назари бўйича иккига ажратади: 1. Зарурий нафс. 2.Зарарли нафс. [7;34] Зарурий нафс – одам ҳаёти учун эҳтиёжий зарурат экан илгарилари ҳам, ҳозир ҳам ва келажакда ҳам у бўлади. Бунда инсон эҳтиёж чегарасини билиб фаолият юритиши назарда тутилган.

“Зарарли нафс асоси нафси бузуқлик”. Юқоридаги фикрда озгина эътирозимиз бор. Бу ерда эҳтиёж ва нафс категориялари озгина қўшилиб колгани сезилмоқда. Аслида О.Файзуллаев ҳақ фикрни илгари сурмоқдалар.

Мавлоно ёзади: “...одам борки, денгизларга конмас, одам бўладика, бир томчи сув билан кифояланади, ортиқчаси унга зарар келтиради. Бу фақат маъно оламида, яъни илм ва ҳикматда эмас, балки ҳамма нарсада шундай. Дунёдаги мол-мулклар, олтинлар, қимматбаҳо тошлар конлари сўнгсиз ўлчовдадир. Бироқ улар инсонга баҳоси миқдоридан келади. Ортиқчасини эса кўтара олмай, ақлдан озади.”[8;43]. Бу борадаги ғоя – инсондаги зарурий (оқилона) эҳтиёжни билиш ва унга амал қилиши оламда яшаш одобларидан бири - эканлигига ишора қилинмоқда. Демак, Жалолиддин Румий ўз давридаёқ “эҳтиёж” билан “зарурий (оқилона) эҳтиёж” орасидаги фарқларни жуда яхши фарқлай билган. Юқорида О.Файзуллаев “зарурий нафс” деган тушунча орқали аслида зарурий (оқилона) эҳтиёж чегараларидан чиқмасликни, айнан нафсга куллик ёхуд аксинча ундан ғолиблик, инсон моҳиятини белгилашини назарга тутган.

Инсон “манфаат”, “фойда”, “эҳтиёж” тушунчаси билан диалектик алоқадордир. Алишер Навоий ўзининг “Фарҳод ва Ширин” достонининг бошланиш қисмида бундай ёзади:”Инсон мақсадсиз ҳеч қандай ҳатти-ҳаракатни амалга оширмайди.”

Худди шу фикрни у “Садди Искандарий” достонида ривожлантириб бундай ёзади:” Инсонлар муайян соҳада эҳтиёж сезмасдан туриб ҳаракат қилишмайди. Инсон қачонки унинг манфаатлари ҳукм қилсагина ҳаракатга келади ва фақат фойда келадиган нарсагагина интилади. Шундай экан, билингки: мақсади фойда бўлмаган ҳаракат инсон томонидан амалга оширилмайди”.

Зарурий нафсни – оқилона эҳтиёж билан диалектик алоқадорлигини назарга олган. Эҳтиёж ўз моҳиятига кўра:

1. Табиий, моддий, зарурий эҳтиёж;
2. Биологик, физиологик эҳтиёж;
3. Маънавий, рухий эҳтиёжга;
4. Оқилона иқтисодий, эстетик эҳтиёж;
5. Нооқилона эҳтиёж ва ҳ.ларга бўлинади.

Ҳар бир инсоннинг қиймати унинг одамийлиги билан белгиланса-да, инсонлар ҳулқ-атворида манфаат ва ақл тинимсиз курашади. Баъзи инсонлар ўз манфаатларини ҳалол меҳнат ва ижтимоий жихатдан фойдали фаолият билан, бошқаларнинг манфаатларини поймол қилмасдан амалга оширса, бошқалари моддий манфаатларини товламачилик ва куч ишлатиш, алдов, тухмат, иғво ва ҳатто куч ишлатиш билан амалга оширишади. Ўз фойдаси йўлида инсонларни алдашади.

Тасаввуф аҳлининг баъзи вакиллари нафсни етти даражага ажратадилар, аммо моҳият бир. Нафс амморани енгиб, тамкин ҳолат яъни рухий меъёрнинг барқарор поғонасига эришишдир.

Марказий Осиё мутафаккирларидан ўткир ақл соҳиби Абу Наср Форобий “эҳтиёж” категориясини ишлаб чиқди. Аммо ушбу категорияни янада ривожлантирган Беруний бўлди. У “Эҳтиёж” категориясини мукаммал ишлаб чиқди. Эҳтиёжни кондиришда инсон меҳнати ва хусусан, меҳнат таксимотининг ролини чуқур таҳлил қилиб берди. Меҳнат –

инсоннинг муайян мақсадга қаратилган фаолиятидир. Тарихда Беруний биринчилардан бўлиб, оддий ва мураккаб меҳнат турларини бири-биридан ажратди. Иш ҳақини ана шу фарқни инобатга олиб ва унумдорликка қараб белгилаш зарурлигини уқтирди.[9;187] Беруний меҳнат унумдорлиги масаласини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилди. Тадқиқот натижасида қуйидаги ғояни илгари сурди: **қул меҳнатидан эркин фуқаро меҳнати фаолияти устунлигини исботлаб берди.**

Алишер Навоийнинг юқоридаги фикрлари бизни қуйидаги хулосага олиб келади: инсонлар ҳаётини эҳтиёжлар томонидан ҳаракатга келтирилади. Аммо уларнинг барча ҳатти ҳаракатларида – табиат, жамият, инсонлар билан юзага келган фаолиятларида меъёрга амал қилиш ётади. Шу сабабли ҳам **биз меъёрни – борлиқнинг олтин қондаси** десак, асло хато қилмаган бўламиз.

1. Ибн Сино руҳ ва нафси бир-биридан фарқлай олди.

2. Нафс – нафсоний ҳаётнинг моддий бўлмаган бошланиши, сезув, ирода ва ақлий қувватларнинг жамидир.

3. Руҳ – даставвал моддий, яъни бошланишида моддий бўлиб, инсон ва ҳайвонлардаги ҳаётини қувватни ташувчидир.

4. Инсон руҳи ўзига хосдир.

5. Ибн Синонинг “одамнинг руҳи ўлмайди ва кўчмайди”. – деган фикри жуда муҳим. Шуниси қувонарлики, Ибн Сино ўз давридаёқ таъкидлаган фикрлар ўз исботини топди. АҚШ ва Саудия Арабистонида нашрдан чиққан “Қуръон ва ҳозирги замон фани” китобида руҳнинг мавжудлиги ҳозирги замон фани нуктаи назаридан текширилишга киришилди.

Ибн Сино ёзади: “Одам шунинг учун мавжудки, унда мақсад бўлади. У жамиятдан ташқари туролмайди. Яшаш воситаларини иқтисод қилиш мақсадида ўзини-ўзи чеклайди, табиатда ўзига ўхшамаган одамлар бўлмаганда у ҳалок бўлиши мумкин эди. Инсоннинг шундай ўзига хос хусусияти борки, ўша моддий олам билан боғлиқ бўлмаган фикр-ғоялар бор. Шу билан у бошқа тирик жонзотлардан фарқ қилади”. Ибн Синонинг инсон руҳи ҳақидаги таълимоти чуқур ўрганилса инсон психологиясини очишда ва жамият ривожланишини ўрганишда жуда жуда асқотади.

Ибн Синонинг Платон ҳамда Аристотелдан фарқи ҳамда устунлиги шундаки, у нафс ва руҳнинг бир-биридан фарқини тўлиқ англади. Ибн Синонинг яна бир устунлиги шундаки, у инсон танасини ҳам, инсон руҳи, руҳий-маънавий оламини ҳам чуқур ўрганиб, уларни диалектик алоқадорлик ва яхлитликда ҳар томонлама таҳлил этди. Унинг барча асарлар маъзини инсон тана, жасад – табиий, моддий борлиқ ҳамда руҳий-маънавий борлиғи, таффақури ҳақидаги ғоялар ташкил этади. Ушбу жумла айнан шундан далolat беради “Бадан – афзори тақимилоти маънавий” яъни, “Инсоннинг танаси (жасади, бадани – С.Н.) унинг маънавий камолотига эришиш воситаси”, қуролидир. Бутун инсониятни ҳаддини билишга, ҳаддини билиш кони фойда эканлиги ҳақида маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади.

Нафс – инсонни руҳий меъёрдан чиқарувчи омил.

Қаноат, сабр – инсонни руҳий меъёрга киритувчи омил.

Хулоса қиладиган бўлсак, нафс таълимотнинг асосий тушунчаларидан биридир. Фалсафий фикрлар тараққиётида инсон нафсини бошқара олиши, назорат қилиши, ўзининг биологик ҳоҳиш – истакларидан тортиб, токи моддий неъматларга бўлган эҳтиёжларини қондириши жараёнида меъёрга амал қилиши борасида кўплаб қарашлар мавжуд. Қадимги Шарқ алломаларининг инсон баркамоллиги, одамийлик сабоқлари ҳақидаги қарашларида маънавий етукликнинг дастлабки мезони инсон ўз нафсини бошқара олиши, ўз нафсининг қурбонига айланмаслиги ғояси ётади. Нафс ва меъёр тушунчалари тасаввуф таълимотининг асосий тушунчаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Древнекитайская философия. Том. 2. – М.: Мысль, 1973. – С. 72.
2. Чанышев А.Н. Курс лекций по древней философии. – М.: Высшая школа, 1981. – С. 109.

3. Материалисты Древней Греции. Собрание текстов Гераклита, Демокрита и Эпикура. – М.: Государственное изд. “Политической литературы”, 1955. – С. 153.
4. Носири Хисрав. Офокнома // Садои Шарк, 1991. – №11. – С. 94.
5. Файзуллаев Омонулла. Нафс, жон ва рух (Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари). – Т.: “Академиа” нашриёти. 2005. – Б. 34.
7. Саломова Х.Ю., Наврузова Г.Н. Тасаввуф ва унинг нақшбандийа тариқатида меъёр. – Бухоро: Муаллиф, 1994. – Б. 25.
8. Жалолитдин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 43.
9. Salomova X.Y., Inoyatov A.Sh., Salomova N.M. Ibn Sinoning tibbiy ilmiy merosi. – Buxoro: Durdona, 2022. – Б. 127.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА БОЛА ТАРБИЯСИ АНЪАНАЛАРИ

Саидов Б.Ж. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада, Қашқадарё воҳасида бола тарбияси анъаналари эволюцияси тарихи этнографик ва этнологик маълумотлар асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: *Қашқадарё воҳаси, ўзбеклар, оила, маҳалла, тўп, жамоа, ёш авлод, бола, этнолокал, тарбия, анъаналар, гап-гаштак, болалар ўйинлари.*

Аннотация. В статье рассматривается история эволюции традиций воспитания ребёнка в Кашкадарьинском регионе (оазисе) на основе материалов этнографии и этнологии.

Ключевые слова: *Кашкадарьинский оазис (регион), узбеки, семья, махалля (квартал), туп (объединение), община, молодое поколение, ребёнок, этнолокал, воспитание, традиции, гаштак (вечеринка), детские игры.*

Annotation. In this article, the history of the evolution of the traditions of upbringing the younger generation in the Kashkadarya region is analysed on the basis of ethnographic and ethnological data.

Key words: *Kashkadarya region, Uzbeks, family, mahalla (Neighborhood), origin (association), community, young generation, ethnic local, education, traditions, gashtak (party), children's games.*

Истиклол миллий қадриятларимизни чуқур ўрганишга ва асрлар оша етиб келган урф-одатларимизнинг тўла қайта жонланишига қулай шарт-шароит туғдирди. Жамоавий муносабатларнинг тикланишига давлатимиз томонидан ҳам катта эътибор берилмоқда. Жамоавий урф-одат ва удумларга қайта ҳаёт бахш этилиши мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамламоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: ”Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни авайлаб-асраш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири”.¹

Халқимиз ҳаётида жамоа энг муҳим ўринда туриб, асосан, унинг ҳудудий қўни-қўшничилик шакли XIX аср охири XX аср бошларида сақланиб қолган эди. Бу даврда Жанубий Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида қишлоқ жамоаси фақат ҳудудий тузилма эмас, балки ижтимоий тузилма, яъни кишилар турмуш тарзининг ташкилий шакли сифатида фаолият кўрсатиб, унинг асосий вазифаси ҳудуддаги оилалар турмушидан огоҳ бўлиш, оилавий маросимларда фаол иштирок этишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат бўлган”.²

Ўзбек халқи ижтимоий ҳаётида бола тарбиясини жамоанинг ўрнисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Жамоавий анъаналар ўзбеклар миллий менталитетига хос бўлиб,

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон. 2017. – Б. 29.

² Буриев О. Жанубий Ўзбекистонда қишлоқ жамоасининг этноҳудудий хусусиятлари-Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. –Т., 2007. – Б. 115-119.

жамиятда одамлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий ва маънавий муносабатларни белгиловчи муҳим омил ҳисобланган.

Ҳар қандай оила ўз имконияти доирасида яшаса-да, фақат жамоа орқалигина жамиятга узвий боғланган. Шунинг учун ҳам оилада барча даврларда жамоатчилик фикрига, қон-қариндошчилик ва ҳудудий кўни-қўшничилик муносабатларига бефарқ қаралмаган. Кўни-қўшнилари, яқин қариндошлар ўртасидаги ҳудудий, генетик яқинлик бола тарбиясида ҳам жамоа аъзоларини бир-бирига ўзаро кўмакдош бўлишга ундаган. Ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволини ҳеч ким жамоа аъзолари, айниқса, кўни-қўшнилари каби яқиндан яхши билмаган. Айниқса, бу оила ва жамоанинг бола тарбиясидаги ўрнида ҳам яққол намоён бўлган.

Ўзбекистон жанубидаги Қашқадарё вилоятида тўпланган этнографик маълумотларга асосланган ҳолда, боланинг жамоадаги ўрни ва улар билан боғлиқ турли анъаналарнинг тарбиявий аҳамиятидан келиб чиқиб, фарзанд тарбияси билан боғлиқ даврни уч босқичга ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Биринчи босқич 3-5 ёшгача давом этиб, бу даврда болада дастлабки тарбия кўникмалари пайдо бўлган. Бола жамоа орасида мустақил бўлишга интилган. Фарзанд тарбияси билан энди фақат ота-она, оила эмас, балки кўни-қўшнилари ҳам шуғулланишган. Бола оилада энгил юмушларни бажарган. Ўзини англаб, дунёқарашада ҳам илк ахлоқий фазилатлар шакллана олган.

Иккинчи босқич 5-9 ёшда ўғил болалар суннат қилиниши (кўли ҳалолланганлиги) боис жамоага қўшилишган. Энди ўғил бола бажарадиган жисмоний юмушлар диний-ахлоқий одатга кўра ҳалол саналган. Қиз болаларга катталар, асосан, аёллар кўмагида ҳаё, ибо, андиша, уят, мулойимлик фазилатлари ўргатила бошланган. Қиз бола ва ўғил болалар орасида жинс тафовутлари яққол кўриниб, ёш ва жинс хусусиятларига кўра ўғил болалар ва қизлар жамоасига ажралганликлари учун ўғил болалар тарбияси билан асосан, эркаклар, қиз бола тарбияси билан эса кўпроқ аёллар шуғуллана бошлашган.

Қизлар уй-рўзғор юмушларига тўла жалб этилган бўлса-да, оилавий ва бошқа тадбирларда ҳам қисман иштирок этишган.

Учинчи босқич 9–12 ёш бўлиб, бу даврда болалар ўз жамоасига тўлиқ қўшилишган ва катталар орасида ўзларини эркин сезишган. Удумга кўра бу ўтиш даври ҳисобланиб, ўғил ва қиз болалар ташқи кўриниши, кийинишидаги тафовутлар аниқ кўзга ташланган, яшаш ва иш жойлари ажратилган, айниқса, меҳнат тарбиясига эътибор ошган. Қизлар уй-рўзғор ишларидан ташқари турли маросимлар, халқ сайиллари, байрамларда тўлиқ иштирок этишиб, масъулият талаб этадиган юмушларга, жумладан, нон ёпиш, дастурхон тузаш ва саранжомлаш, меҳмонларни кутиш ва кузатишда кўмаклашиш, урчуқ йиғириш, палос, кигиз, жулхурс, гилам тўқиш, жун титиш, дўппи, кашта тикиш кабиларни удалашга киришишган.

Болаларнинг жамоавий маросимларда иштироки уларнинг жамоада, оилада қандай тарбия топганлигига чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлайди. Оилавий маросимлар ва жамоавий тадбирларда аёллар ва эркаклар иштирокида тафовутлар бўлса-да, бола тарбиясида аёллар, хусусан, доя момо, кайвони, дастурхончи, отин ойи, биби халфа ва онанинг ўрни ўзига хос бўлган. Асосан, оилавий маросимлар болалар иштирокисиз ўтмаган. Унга оила аъзолари, яқин қариндошлар пухта тайёрланишган, белгиланган вақтда кўни-қўшни аёллар ширинликлар, нон, патир, қатлама, сомса ва бошқа турли пишириқлар тайёрлаб келишган. Болаларнинг дастурхон атрофида ўтиришлари уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни, жамоада, оилавий давраларда ўзини қандай тутиш кўникмаларини шакллантирган.

Бола биринчи бор атрофдагилар билан мустақил сўзлаша бошлагач, оила аъзолари, айниқса, ота-оналар уларга илк бор ахлоқий кўникмалар ва диний сабоқ бериб, Қуръондан кичик оят ва сураларни ҳам ўргата бошланган. Болаларда одоб-ахлоқ, уюшқоқлик, жамоага интилиш каби дастлабки кўникмалар ҳудудий кўни-қўшнилари, яқин қариндошларнинг ўзаро муносабатлари орқали шакллана бошлаган. Ўзбеклар ҳаётида болаларнинг ёши ва

жинсига қараб гуруҳга бўлиниши, уларда маълум ижобий ҳулқ-атворларни вужудга келишига сабаб бўлган.

Воҳа қишлоқ жамоасида ўғил бола тарбиясининг этнохудудий хусусиятларини таҳлил этсак, ўғил болалар оилавий турмушда ҳамда жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Ўғил болалар вояга етгач, жамоанинг мустақил аъзоси сифатида оилавий турмушда, маросимларда мустақил қатнаша олишган. Тадқиқотлар даврида XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида минтақада болаларнинг ёш ва жинс хусусиятларига кўра меҳнат тақсмоти вужудга келганлиги ҳам аниқланди.

Оила ва жамоа аъзолари даврасида ўтказилган маросимларда оила хўжалиги ва жамоа турмушига доир масалалар ўз ечимини топиб, болалар иштироки уларда аҳиллик, жамоавий уюшқоқлик, ўзаро ёрдам муносабатларини шакллантирган. Болалар тенгқурлари орасида катталарга тақлид қиларканлар, жўра-ўртоқчилик орқали ўзларининг "кичик жамоа"ларини тузганлар. Кимдир оқсоқол, кимдир ота-она, шунингдек, яна кимдир иш бошқарувчи бўлиб, дастлабки катталарга хос хислатлари шаклланган.

Оилавий маросимлар, жамоавий йиғинлар, байрамлар, сайиллар, чойхоналар, масжидлар, маҳалла гузарларидаги бошқа турли жамоавий тадбирлар дастлабки энг асосий тарбия воситалари вазифасини ўтаган. XIX аср охири-XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг барча ҳалқларида эркаклар уйлари меҳмонхона-оловхона, гапхона, гап-гаштак, жўра (дўст-биродарлар жамоаси), кўна ўтиришлар, тўкма, жўрабози кабилар муҳим жамоавий йиғинлар бўлиб, бундай тадбирларда болалар ҳам иштирок этишган.

Минтақанинг ярми ўтроқ чорвадор ҳамда ўтроқ аҳолиси орасида бундай йиғинлар, тадбирлар, асосан, ўтиришлар йилнинг куз, баҳор, қиш фаслида мавсумий ўтказиб турилган. Меҳмонхонани ўзига тўқ кишилар саҳоват учун ёки маҳалла ҳашар йўли билан қуришган. Меҳмонхонаси бўлмаган жойларда гаштаклар навбат билан хонадонларда уюштирилган.¹

Маҳалла гузарида жойлашган меҳмонхоналар жамоа аъзолари маросимлар ўтказадиган. меҳмонлар дам оладиган, эркаклар гаштак ва бошқа жамоа йиғинлари ўтказадиган жой ҳисобланган. Албатта, бундай тадбирларни кузатган ўспиринлар эркаклардаги ҳар қандай фазилатни ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишган. Ўспиринлар катталар қандай ҳаракат қилсалар, шундай бўлишга интиланлар. Бу ҳол баъзан болаларда салбий кўникмаларни ҳам ҳосил булишига сабаб бўлган.

Чунки йиғин, албатта, таъсир кўрсатган. Аммо минтақадаги кекса ахборотчиларимизнинг маълумотича, зиёфат ўтказилаётган хонадонда ёш болаларни киритишга йиғин аъзолари йўл қўйишмаган. Чунки меҳмонхона атрофида ўғил болалар ёшига мос юмушлар билан машғул бўлишган, кўпинча кечқурунги йиғинга ўспиринлар умуман жалб қилинмаганлар ҳам.

Меҳмонхоналар қадимги даврда шаклланган бўлиб, бу жамиятда эркакларнинг юқори мавқега эга бўлиши учун кураш шаклларида бири сифатида намоён бўлади. Улар "эркаклар уйи" деб аталган масканларнинг трансформацияга учраган кўриниши бўлиб, болаларнинг ахлоқий тарбиясида ўзига хос ўринда турган.

Анъанавий эркаклар йиғинларидаги бундай уюшқоқлик ҳозирги кунда, асосан, катталар орасида ўтказилиб келинса-да, кўпроқ уларнинг кўнгил очиши, дам олиш тадбири ҳисобланганлиги боис унга ёш болалар тақлиф этилмайди. Бундай йиғинлар шаҳарларда жўрабошилар томонидан назорат қилинади.²

Воҳанинг аксарият ўзбеклар яшайдиган ҳамда этник аралаш қишлоқларида ўсмир болалар турли тадбирларда ва оилавий маросимларда ўтин ташиш, ёриш, қўлга сув қуйиш, чой қайнатиш юмушларини бажарганлар. Минтақа аҳолисида болалик чоғида ҳар бир ўсмир маърака ва маросимларда кўлига офтоба, дастшўй олиб, елкасида сочиқ тутиб,

¹ Буриев О. Ўғил улфат кўрганми // Фан ва турмуш, 1993 йил 3-сон. – Б. 10-11.

² Boris Mathieu Petrik. Povoit don reseaus en O'zbekiston Post-Sovetienique. – Paris: Presses Universitaires de Franse. 2002. – pp. 169.

даврадаги меҳмонлар қўлига сув қўйиб чиқишни билиши керак бўлган. Меҳмонлар узок масофадаги тўй ва маъракаларга кўпроқ от ва эшакда борганлар.

Маслаҳат-кенгаш, тўй, худойи, ифторлик, қурбонлик маросимларида от-уловларни боғлаш, қарияларни маросим сўнггида кузатиб қўйишни ҳам катталар билан бирга ўғил болалар бажаришган. Анъанавий ўзбеклар жамоаси доимо кишилар орасида маънавий тамойилларга асосланган одоб-ахлоқ тизимини яратган. Бола тарбиясига оид урф-одатлар халқнинг умумэтник жиҳатларини ўзида мужассам этади. Шунинг учун ҳам халқимиз мақолида "Отанг-маҳалла, онанг- маҳалла", "Бир болага етти қўшни - ота-она" деб бежизга айтилмаган.¹

Воҳанинг йирик қишлоқлари уч- тўрт ёки ундан зиёд туп (тўпор)га ёки тўдага бўлиниб, ҳар бирининг ўз масжиди ва гузари мавжуд булган. Масжидсиз тўп, тўда мустақил сифатида эътироф этилмаган. Чунки масжид, тўп, тўда маркази бўлиб қолмасдан, болалар учун сабоқхона, мусулмон одоб- ахлоқ қоидалари уқтириладиган маскан саналган. Гузарнинг бир неча бўлмасида қариндошлар ёши, мавқеига қараб ўтирганлар.

Масжид ҳужраларида имом болаларга нафақат диний, ахлоқий сабоқ берган, балки уларда ҳаётий кўникма ва малакаларни ҳам шакллантирган. Минтақадаги йирик тўп, тўда масжидларида XX асрнинг 20-30-йилларида динга қилинган ҳужумлар даврида ҳам болалар онгига диний-ахлоқий сифатлар, маҳалла анъаналари, меҳмондўстлик, ота-онани қадрлаш каби эзгу фазилатлар чуқур сингдирилган. Одоб юзасидан ижтимоий саналган, аҳамиятга эга барча маросимлар, хайрли юмушларнинг бошланишидан олдин одамлар масжидга келишиб, имомдан фотиҳа олиб кетишган.

Болаларни шогирдликка олиш маросими ҳам масжиддан бошланган. Бу одат бола 6-7 ёшдан ошгандан сўнг амалга оширилган. Маросим барча касбларда деярли бир хил бўлган. Шогирдликка одатда болани ёшлиқдан (8–10 ёшда, баъзан 6–7 ёшда) ота-онаси устага олиб келиб топширган. Ота фарзандини устага топширишда "Эти- сизники, суяги- бизники" деган маънода, яъни бутун тақдири устоз қўлида, деб қолдирган. Бола ўзини-ўзи тўла мустақил бошқариш даражасига етганда, ота-онаси (етим бўлса, устанинг ўзи) фотиҳа зиёфатини ўтказиб берган. Фотиҳа бериш маросимига кекса усталар калонтар (оқсоқол) топшириғи билан таклиф этилган.

Бола тарбияси билан боғлиқ урф-одатларнинг аксарияти минтақа қишлоқларида оқсоқол, масжид имоми, кайвонилар, қўни-қўшнилар иштирокида ўтганлиги аниқланди. Оқсоқоллар қишлоқ болалари келажагига эътиборли бўлишган. Шу боис ҳар бир боланинг ахлоқ-одоби, юриш-туриши, энг аввало, жамоадан сўраб-суриштирилган.

Бола ахлоқсизлик қилса, биринчи галда ота-онасига танбех берилган. Агар у ҳам фойда бермаса, фарзанднинг ўзи билан суҳбатлашиб, уни туғри йўлга солишган. Бунда ота-оналар ҳам ўз фарзандлари қилмишлари учун қўни-қўшнилар олдида хижолат бўлишган. Оилаларда учраб турган ахлоқсизликлар жамоанинг салбий фикрини юзага чиқарган, қишлоқдагилар болалар юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб турганлар, болалар томонидан содир этилган ҳар қандай нохуш ҳолатда, энг аввало, уларнинг ота-оналари огоҳлантирилган.

Болалардаги ахлоқий фазилатлар нафақат оилани, балки бутун жамоа, маҳалла турмушини белгилаган. XX аср бошида Туркистон халқлари маиший турмушини ўрганган Н.С.Ликошиннинг ёзишича, маҳаллий ўғил бола бировга нохушлик келтирмаслик учун жамоа олдида ўзини тутишни яхши билган, катталар орасида ўз ўрнини билиб, дастурхондаги таомга ўринсиз қўл узатмай, атрофдагилар суҳбатига аралашмай, уйга келганларга қоидали салом берган, унга савол беришганда эса, қолган меҳмонлар диққатини жалб қилмаслик учун фақат шивирлаб қўйган.²

Ота-оналар доимо бола тарбиясида, асосан, маҳалла жамоаси фикрини эътиборга олишган. Фарзандининг одоби учун қўни-қўшнилардан "Отанга раҳмат!" деган иборани эшитиш ота-она учун ғурур ҳисобланган. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида "Онаси

¹ Ўзбек халқи мақоллари. – Т., 1989. – Б. 112.

² Лыкошин П.С. Хороший тон на Востоке. – Т., 1915. – С. 4.

мақтаган қизни олма, эл мақтаган қизни ол” деган мақолнинг мавжудлиги бежиз эмас, албатта. Қарши воҳаси ўзбек, тожикларида қизга совчи келса, унинг камчилиги дастлаб яқин кўни-кўшниларидан суриштирилган. Мазкур даврдаги бешиккерти одати чақалоқлик чоғида амалга оширилган анчагина эскилик саркити, деб қаралса-да, ота-оналар жамоодаги эпли, ахлоқли қизни кўз остига олиб юрганлар. Келажакда турмуш курадиган фарзандларнинг бир-бирига мувофик келиши керак.¹

Воҳа ўзбекларида болаларнинг ёши, жинсига қараб тарбиялашга алоҳида аҳамият берилган. Тоғ этакларида кўпроқ чорвачилик ва овчилик билан шуғулланган аҳолининг кичик ёшдаги болалари катталар қатори рўзгор юмушларини ва меҳнат кўникмаларини ўзлаштиришган. Ўғил болалар меҳнат кўникмаларига хос тарзда жамоа бўлиб ов қилиш одати расм бўлган. Ов қилишда милтиқ, камон-ёй, палаҳмон, қўлга ўргатилган ит, бургутлардан фойдаланишган. Овга жўнашдан олдин кенгаш ўтказилиб 1-2 кунга мўлжалланган озиқ-овқат захираси, ўқ-дори тайёрланган, ов омадли келганда ўлжалар қишлоққа олиб тушилиб, тозаланган.

Пишириш учун эса аёлларга топширилган. Катталар тоғларда кенг тарқалган олқор, кундуз, кийик, тулки, айик, ўспиринлар эса каклик, бедана, қаптар, чумчуқ овлашган. Бу эса болаларни меҳнатга, овга жалб этиш, уларни жисмоний чиниқтиришга катта аҳамият берилганлигини кўрсатади. Оддий жун ёки ипдан тўқилган палаҳмон (сопқон) болаларни овга ўргатишда севимли қурол бўлиб, у билан дастлаб жўхори, буғдойзор, полиз, боғ ва ҳоказоларни қушлардан кўриқлаб, дастлабки ов малакалари шакллантирилган.

Воҳада бир уруғ ёки ягона оила-қариндош гуруҳга мансуб кишилар бир қишлоқ таркибидаги тўп (тўпор)да бирга яшаб келганлар. Жамоа аъзоларининг бундай жойлашиши турли этник гуруҳлар яшаётган маҳаллалардаги бола тарбияси оилаларидан қисман фарқ қилган, албатта.

Қариндош болалар ўсмирлик палласига киргач, бир-бирларини яқин тутинганликлари боис ўзаро муносабатларга осонроқ киришиб, ҳамжихатлик, қариндошчилик мулоқотлари уларда яхшироқ кечган. Шу сабабли бир тўпда яшаётган болаларнинг бир-бирига ўзаро ҳурматда бўлишларига катта аҳамият берилган.

Воҳада бир қишлоқ ёки тўпда яшаётган турли этник гуруҳга мансуб аҳолини бошқариш баъзан қийинчилик ҳам туғдирган. Бундай ҳолатлар болалар ўртасидаги муносабатларда, ўзаро жамоа-жамоа тарзидаги ўйинларда келишмовчилик, жанжал, ҳатто муштлашиш тарзида намоён бўлган. Оқсоқоллар руҳсати билан тўй маросимлар, халқ сайилларида болалар иштирокида кўнғирот, сарой, қатағон, манғит каби қавмларда тарафма-тараф ёки тўплар ўртасида рақобатчилик кўринишидаги кураш, югуриш, кўпқари мусобақалари уюштирилган. Тадбирлар болалар ва ўсмирлар учун чиниқиш ролини ўйнаб, уларда эпчиллик, чаққонлик шаклланган. Анъанавий рақобатчилик удумлари қадимий манзилгоҳларнинг жуфт қисмлар (икки ёки тўрт)га бўлинишида ўз ифодасини топган.²

Тарихан ижтимоий-иқтисодий шароит ҳамда табиий-географик омилларга кўра, ўзбек оилаларида ўғил болага эҳтиёж юқори бўлиб, буни қуйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, воҳада қадимдан кўп болалиқдан ҳар бир оила ҳамда жамият манфаатдор бўлган. Оилада ўғил бола мавқеининг юқорилигининг боиси шуки, хўжалик юмушларида ўғил болалар меҳнатидан кўпроқ фойдаланилган. Бу оиладаги, умуман, жамоодаги иқтисодий даромаднинг ортишига сабаб бўлганлиги учун ҳам уларга эҳтиёж катта эди. Воҳанинг баъзи худудларида ер майдони ҳам ўғил болалар сонига қараб тақсимланган.

Иккинчидан, ўзбек халқига хос анъаналар ва миллий урф-одатлар ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб, серфарзанд оилалар, айниқса, ўғил боласи кўпчилиқни ташкил этган оилалар қадрланган, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, бу ўз навбатида, ўғил боланинг жамиятдаги мавқеининг бирмунча баланд эканлиги билан изоҳланган.

¹ Ризоуддин Фаҳруддин. Оила. – Т., 1991.

² Жабборов И. Ўзбеклар: ижтимоий турмуши ва маданияти. –Т., 2003. – Б. 69.

Учинчидан, ўзбек оилаларида қизларни эрта турмушга бериш одати ҳам мавжуд бўлиб, табиийки, бу оилада ўғил болага бўлган эҳтиёжни талаб этган. Чунки турмушга чиққан қизларнинг ўрнини жамоада, албатта, ўғил болалар эгаллаган, ўғил болаларга нисбатан авлод давомчилари ва меросхўрлари сифатида қаралган.

Тўртинчидан, аёлларнинг жамиятдаги ўрни шу билан характерланганки, ўзбек аёллари асосан, уй ишлари ва бола тарбияси билан банд бўлганлар, бу рўзгор ва дала юмушларида эркаклар меҳнатини кўпроқ талаб этган.

Шунингдек, воҳада киз бола ҳаётида жамоадаги аёлларнинг ўрни катта бўлиб, ёшлик пайтидан бошлаб улар онгига одоб-ахлоқли, ҳаёли, иболи бўлиш ва масъулият кўникмалари вужудга келтирилган.

Қуръонда ҳам қиз болалар ўғил болалар сингари илоҳий эҳсон эканлиги асослаб берилган, улар тарбиясига оид мулоҳазалар шариат ҳукми даражасида амр этилган.¹ Энг аввало, қизларга ёшлигидан оилада алла айтиб бешик тебратиш ўргатилган. Доя момо чақалоқни бешикка белаб бўлгач, қизлар навбат билан алла айтиб бешик тебратишган.

Чақалоқни бешикка белаш маросими асосан, аёллар ва болалар иштирокида ўтказилиб, бу тантанада кўпинча ёши улуг, серфарзанд аёллар, кўни-кўшнилари, яқин қариндошлар фаол иштирок этишган. Тантанада болаларнинг ҳам иштирок этиши уларда жамоага уюшиш ҳиссини шакллантирган, чақалоққа узок умр, сихат-саломатлик, униб-ўсиши тиланиб, тез орада даврадаги болалар қаторига қўшилиши ният қилинган. Кайвони аёл онага гўдақни боқиш, чўмилтириш, ҳар хил гигиеник муолажалар қилиш, алла айтишни канда қилмаслик ҳақида ўз билганича маслаҳат берган. Бешик устидан турли ширинликлар-сочалоқ сочилиб, жамоадаги болалар уни териб олишган. Болаларни жамоага яқинлаштириш билан бирга, чақалоққа келажакда эзгу ният, қут-барака, онага эса серфарзанд бўлиши тиланган.

Аёлларнинг ахлоқий фазилатлари оиладаги ҳуқуқ ва бурчи кўплаб миллий анъаналарда намоён бўлади. Аёл ҳамиша бола тарбиясига садоқати, меҳри билан ажралиб турган. Бўш пайтларда кўни-кўшни аёллар йиғилишиб, болаларга эртак, латифа, дoston айтишиб, овутишган.

Қизларни 9-10 ёшдан ўғил болалардан алоҳида ажратиб, уларнинг асосий юмушлари дастурхон, болиш, ёстикча тикиш ёки оддийроқ бирор нарса тўқиш билан боғлиқ юмушлардан иборат бўлган. Бу давр қизлар ҳаётидаги илк кўникмалар даври бўлиб, барча ҳатти-ҳаракатлар катталар, айниқса, аёллар назоратига олинган.

Аждодлардан авлодларга мерос сифатида етиб келган маънавий-ахлоқий йўналтирилган турли овунчоқ ўйинлар болаларда жамоага уюша олиш туйғусини шакллантирган. Бу алоқадорликда қизларнинг ўзаро мулоқотлари, атрофдагиларга нисбатан муносабатлари пайдо бўлган. Қизлар ўртасида жамоада "читтигул", "яшинмачоқ", "бештош", "меҳмон-меҳмон", "оқ мунчоқдан кўк мунчоқ", ўғил болалар орасида "жуфтми-тоқ", "кўз боғлар", "варрак", "ғиз-ғизак", "ғир-ғирак", "муш кетди", "ов", "уруш-уруш", "ошик", "ишти", "хуржун-хуржун" каби ўйинларда жамоага уюшиш шаклланган.² Қизларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб уй ва ёввойи ҳайвонларга, қушларга тақлид қилишлари "ола ҳакка", "лайлак келди ёз бўлди", "ола товук" каби ўйинларда ўз аксини топган ва уларга мос байт ва ашулалар айтилган.

Қашқадарё воҳасида ўғил ва қизларнинг биргаликдаги "меҳмон-меҳмон", "келин-куёв", "ота-она", "тош отар", "урди-қочди", "чур кести", "оқ сўнак(суяк)", "аккол", "букурма таёк" каби ўйинлари уюштирилган.

Гўдақлар иштирокида ўтказилган ўйинларида ўйин майдончаси алоҳида аҳамиятли бўлиб, улар мавсумий баҳор, ёз, куз фаслларида ўтказилган. Баҳор даракчилари-турна, қалдирғоч, лайлаклар бўлиб, уни кўрган болалар қўл ушлашиб: "Лайлак келди-ёз бўлди", деб байт айтишган. Жамоа таъсирида болалар онгида кимдир ота-она, кимдир жамоа

¹Қуръони карим. – Т., 1992. – Б. 182.

²Жабборов Э. Ўзбек халқи ўйинлари лексикаси (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида): Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т., 1999.

сардори бўлишга интилиш, катталарга тақлид шаклланган. Болалар ота-оналари тарбиясидан узоқлашгандан бошлаб тенгқурлари даврасида аста-секин катталар жамоасига қўшила бошлаган.

Аёллар уюштириладиган гапларга ўз болаларини ҳам олиб келишган. Гап маросими қизларнинг вояга етишида муҳим роль ўйнаган. Шундай қилиб, жамоанинг миллий тарбия маскани, урф-одат ва анъаналар, ўзига хос турмуш-тарзи таркиб топган макон саналганлигини яққол кўриш мумкин. Шунингдек, жамоа болаларни бир-бирига оқибатли, кўмакдош, барчага ўзаро қариндошлардек муомалада бўлишга ундаган.

Демак, кўни-кўшничиликка хос ижтимоий муносабатлар ва жамоавий тадбирларда ўзаро аҳиллик, биродарлик туйғулари таркиб топган. Булар бола тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарда ўз аксини топиб, ёш авлодни меҳр-оқибатли ва ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзига хос тарбия маскани вазифасини бажарган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29.
2. Буриев О. Жанубий Ўзбекистонда қишлоқ жамоасининг этнохудудий хусусиятлари. Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. –Т. 2007. – Б. 115-119.
3. Орифонова З. Х. Ҳозирги даврда Тошкент шаҳридаги эркаклар ва аёлларнинг анъанавий йиғинлари / O'zbekiston tarixi. 2001 йил 1-сон. – Б. 73.
4. Бўриев О. Ўғил улфат кўрганми // Фан ва турмуш, 1993 йил 3- сон. – Б. 10-11.
5. Boris Mathieu Petrik. Povoit don reseaus en O'zbekiston Post-Sovetienique.-Paris.: Presses Universitaires de Franse. 2002. – P. 169.
6. Лыкошин П.С. Хороший тон на Востоке. – Т., 1915. – С. 4.
7. Ўзбек халқи мақоллари. – Т., 1989. – Б. 112.
8. Ризоуддин Фахруддин. Оила. – Т., 1991.
9. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 223-284.
10. Сухарсва О. Л. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. – М., 1976.– С. 47.
11. Жабборов И. Ўзбеклар: ижтимоий турмуши ва маданияти. –Т., 2003. – Б. 69.
12. Курьони карим. – Т., 1992. – Б. 182.
13. Жабборов Э. Ўзбек халқи ўйинлари лексикаси. (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида) Автореферат. – Т., 1998.
14. «Қашқадарё» газетаси, 2008 йил 14 март.

Наирига проф. С. Чориев тавсия этган

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОММАВИЙЛАШУВИНИНГ САБАБЛАРИ

Назаров Р.Н. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада ижтимоий тармоқларнинг шаклланиш тарихи жамият ҳаётидаги тутган ўрни ва роли ҳамда шахс маънавий киёфасига таъсири бугунги кунда қанчалик аҳамият касб этиши борасида шаклланган қарашлар ва ўзига хос бўлган асосий қарашлар ва бир-бирдан фарқ қилувчи жиҳатлар таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: Интернет, ижтимоий тармоқ, мулоқот қилиш, дўстлар орттириш, Facebook, Twitter, LinkedIn, Pinterest, Google Plus+, Tumblr, Instagram, ВКонтакте, Flickr, MySpace, Meetup, Tagged, Ask.fm, ClassMates, Odnoklassniki.Ru

Аннотация. В статье анализируется история становления социальных сетей, их место и роль в жизни общества, и насколько важно их влияние на духовный облик человека сегодня, а также основные взгляды и уникальные аспекты, отличающиеся друг от друга.

Ключевые слова: Интернет, социальная сеть, общаться, дружить, Facebook, Twitter, LinkedIn, Pinterest, Google Plus+, Tumblr, Instagram, ВКонтакте, Flickr, MySpace, Meetup, Tagged, Ask.fm, Одноклассники, Одноклассники.Ру

Annotation. The article analyzes the history of the formation of social networks, their place and role in the life of society, and how important their influence on the spiritual image of a person is today, and the basic views and unique aspects that differ from each other.

Keywords: *Internet, social network, communicate, make friends, Facebook, Twitter, LinkedIn, Pinterest, Google Plus+, Tumblr, Instagram, VKontakte, Flickr, MySpace, Meetup, Tagged, Ask.fm, ClassMates, Odnoklassniki.Ru*

Кейинги йилларда ёшларимизнинг миллатимиз тарихига оид билимлари доирасини янада кенгайтириш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Ваҳоланки, йигит ва кизлар тарихга доир ўзларини қизиқтирган билимларни олишнинг янги ва янги манбаларига мурожаат этмоқдалар. Қизиғи шундаки, ана шундай манбалардан бири вазифасини айрим ҳолларда Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ҳам ўтамоқда. Шу муносабат билан ижтимоий тармоқларнинг мазмуни ва хусусиятларини алоҳида таҳлил қилиш зарурияти туғилмоқда.

Умуман олганда, ижтимоий тармоқларнинг тарихи интернет пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ. 1803-1869 йилларда яшаган XIX аср рус ёзувчиси, файласуфи ва жамоат арбоби Владимир Одоевский 1835 йида ёзган “4338 йил” деб номланган утопик романида интернетнинг пайдо бўлишини башорат қилган. “Таниш уйлар ўртасида магнит телеграфлар жойлашган бўлиб, улар орқали узоқ масофада яшовчилар бир-бирлари билан гаплашади, одатда эгаларнинг соғлиғи ёки касаллиги ҳақида ва уйдаги бошқа янгиликлари сўнгра турли фикрлар, мулоҳазалар, кичик ихтиролар, шунингдек, қачон тушликка чақирилиши, баъзан эса меню ўрин олади” [1]. Бундан кўриниб турибдики бу айни биз яшаётган вақтдаги ижтимоий тармоқлар ҳақида олдиндан айтилган фикрларнинг бошланиши десак адашмаган бўламиз.

Ижтимоий тармоқларнинг энг қадимги шакли сифатида электрон эълонлар тахтаси бўлиб, 1978 йил Кристенсен томонидан яратилган. 1983 йида дунёда 800 та, 1988 йида эса 5000 та электрон доскалар мавжуд эди [2].

Йигирманчи асрнинг охирига келиб, ёлғизлик постмодерн жамиятнинг муҳим атрибутларидан бирига айланди. Хусусан, АҚШ аҳолисини рўйхатга олиш Бюросининг ҳисоб-китобларига қараганда, Сан-Франциско аҳолисининг 53 фоизи, Сиэтл аҳолисининг 48 фоизи, Вашингтон аҳолисининг 45 фоизи, Окленд аҳолисининг 44 фоизи, Лос-Анжелес аҳолисининг 39 фоизи, Нью-Йорк аҳолисининг 37 фоизи ёлғизликда умр кечирмоқдалар. Умуман олганда, 27 фоиз америкаликлар ёлғиз яшашади. Бошқа ривожланган мамлакатлардаги вазият ҳам бундан дуруст эмас.

Ёлғизликдан қутулиш учун кишилар тез-тез Интернетга мурожаат этадиган бўлиб қолдилар. Аслида хизмат фаолияти, бирор бир касб-кор билан боғлиқ маълумотларни олиш ва тарқатиш манбаи бўлган Интернет тез орада мулоқот қилиш, дўстлар орттириш, ўзгалар билан танишиш, қизиқишлари бўйича клублар ташкил этиш манбаига ҳам айланди. Ана шундай мақсадларга хизмат қилувчи Интернет сайтлари ижтимоий тармоқ номини олди. Тез орада, 1995 йилда кишиларнинг катта гуруҳини бирлаштирган ва кўпгина функцияларни бажаришга мослаштирилган илк ижтимоий тармоқ – Classmates.com портали пайдо бўлди. Шундан сўнг, бир томондан ижтимоий тармоқларнинг кишилар мулоқотини таъминлаш билан боғлиқ имкониятлари кенгайтира бошланди, иккинчи томондан эса Интернетдаги фойдаланувчилар орасида ижтимоий тармоқларнинг мақбул жиҳатлари зўр бериб тарғиб қилина бошланди. Интернетда кишиларни ижтимоий тармоқларга боғланишга чорловчи мақолалар, чақирувлар, реклама слоганлари, шиорлар кўпайди.

Ижтимоий тармоқларнинг тезда оммавийлашиб кетишига сабаб бўлган қатор омиллар бор. Уларнинг биринчиси ёлғизлик билан боғлиқлигини биз қайд қилиб ўтдик. Иккинчи муҳим омил шундан иборатки, ижтимоий тармоқлар кишиларнинг асосий эҳтиёжларидан бири – ўзига ўхшаганларни топиш заруриятига хизмат қилади. Учинчи омил уларга уланиш ва фойдаланиш учун махсус тайёргарликнинг талаб этилмаслиги билан боғлиқ. Унга уланган киши регистрациядан ўтади ва содда анкета саволларига жавоб беради. Шундан сўнг у ўз қизиқишларига мос бўлган гуруҳларни излай бошлайди. Ижтимоий тармоқлар нафақат манфаатлари ўхшаш бўлган кишиларни, балки синфдошлар, танишлар, ҳаммаслақларни ҳам излаб топиш имконини беради. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар турли қўшиқлар, видеомасхулотлар, фотосуратлар ва шу кабиларни

юклаб олишда кўл келади. Айрим фойдаланувчилар ўз ҳаётларининг эътиборлари воқеаларини ҳам ижтимоий тармоқларда қайд қилиб борадилар.

Бугунги кунда Интернетда юзлаб ижтимоий тармоқлар фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг айримлари миллионлаб Интернет фойдаланувчиларни бирлаштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Чунончи, Ebizmba тадқиқот ресурси эълон қилган “Жаҳон ижтимоий тармоқларининг оммавийлиги рейтингига” кўра, Интернет фойдаланувчилари 15 ижтимоий тармоқдан айниқса фаол фойдаланадилар. Қуйида ушбу ижтимоий тармоқлар тўғрисидаги умумий маълумотларни келтирамыз.

1. Facebook. Ушбу ижтимоий тармоқ 2004 йилда Марк Цукерберг томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 900 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 2-ўринни эгаллаб турибди.

2. Twitter. Ушбу ижтимоий тармоқ 2006 йилда Джек Дорси, Эван Уильямс, Биз Стоун томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 310 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 8-ўринни эгаллаб турибди.

3. LinkedIn. Ушбу ижтимоий тармоқ 2002 йилда Рид Хоффман томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 255 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 9 ўринни эгаллаб турибди.

4. Pinterest. Ушбу ижтимоий тармоқ 2010 йилда Рид Хоффман томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 250 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 26 ўринни эгаллаб турибди.

5. Google Plus+. Ушбу ижтимоий тармоқ 2011 йилда яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 120 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига қайд этилмаган.

6. Tumblr. Ушбу ижтимоий тармоқ 2007 йилда Дэвид Карп томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 110 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 34 ўринни эгаллаб турибди.

7. Instagram. Ушбу ижтимоий тармоқ 2010 йилда Кевин Систром ва Майк Кригер томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 100 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 36 ўринни эгаллаб турибди.

8. ВКонтакте. Ушбу ижтимоий тармоқ 2006 йилда Павел Дуров томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 80 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 21 ўринни эгаллаб турибди.

9. Flickr. Ушбу ижтимоий тармоқ 2004 йилда Стюарт Баттерфилд ва Катерина Фейк томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 65 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 91 ўринни эгаллаб турибди.

10. MySpace. Ушбу ижтимоий тармоқ 2003 йилда Крис ДеВульф томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 42 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 969 ўринни эгаллаб турибди.

11. Meetup. Ушбу ижтимоий тармоқ 2002 йилда Скотт Хайферман томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 40 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 296 ўринни эгаллаб турибди.

12. Tagged. Ушбу ижтимоий тармоқ 2004 йилда Йоханн Шляйер-Смит ва Грег Ценг томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 38 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 408 ўринни эгаллаб турибди.

13. Ask.fm. Ушбу ижтимоий тармоқ 2010 йилда Оскар Лиепиньш, Марк Терebin ва Илья Терebin томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 37 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 179 ўринни эгаллаб турибди.

14. MeetMe. Ушбу ижтимоий тармоқ 2005 йилда Джефф Кук ва Дэвид Кук томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 15,5 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингига 2328 ўринни эгаллаб турибди.

15. ClassMates. Ушбу ижтимоий тармоқ 1995 йилда Рэнди Конрадс томонидан яратилган бўлиб, бугунги кунда ойига 15 миллион фойдаланувчига хизмат кўрсатади. Тармоқ Alexa сайтлар умумжаҳон рейтингида 4022 ўринни эгаллаб турибди.

Булардан ташқари, ўзбек йигит ва қизлари томонидан фаол фойдаланилиб келинаётган яна бир неча ижтимоий тармоқлар бор. Уларнинг айримларини тилга олиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Odnoklassniki.ru ижтимоий тармоғининг мақсади номиданоқ маълум. Ушбу ижтимоий тармоқ номи Интернетдан фойдаланмайдиган кишиларга ҳам маълум ва машҳур бўлиб кетган. Дастурилаввалда у бир-биридан алоқа узган синфдошларни бирлаштиришга кўмаклашиш мақсадида тузилган эди. Бироқ вақт ўтиши билан унинг ижтимоий функциялари кенгайиб, кўшимча имкониятлар касб этди. Бугунги кунда ушбу ижтимоий тармоқ Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ёшлари энг фаол мурожаат этадиган сайтлар туркумига киради.

Mail.ru сайтининг “Мой мир” деб номланган ижтимоий тармоғи ҳам оммалашиб бормоқда. Ушбу тармоқ фойдаланувчига қатор имкониятларни тақдим этади. Хусусан, бу сайтда суратлар, кўшиқлар ва видеомахсулотларни излаб топиш ва юклаб олиш, янги дўстлар орттириш имкони мавжуд. Бугунги кунда рус маданияти асосида тарбия топган Ўзбекистон ёшлари орасида ушбу тармоқнинг эътибори ортиб бормоқда.

Moikrug.ru сайтининг “Мой круг” деб номланган ижтимоий тармоғи кўпроқ ишбилармон кишиларни бирлаштиришга мослаштирилган. Моҳиятан, ушбу тармоқ фойдаланувчилар тўлдирган анкеталар жамламасидан иборат. Бироқ ушбу тармоқ фойдаланувчига ўз имкониятлари ҳақида иш берувчиларга маълум қилиш, ўз эҳтиёжларига монанд бўлган ишни топиш, ўзини реализация қилиш имкониятларини тақдим этгани туфайли ёшлар орасида оммалашиб бормоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, ижтимоий тармоқ ахборот жамияти шароитида кишиларни ёлғизликдан халос қилиш, уларнинг ўзаро мулоқотларини таъминлаш, ўз қизиқишларига кўра дўстлар орттириш мақсадида ташкил қилинган сайт сифатида танилди. Бугунги кунда уларнинг Интернет сайтлари орасидаги улуши ва фойдаланувчига тақдим этадиган хизматлари миқдори кескин кўпайиб бормоқда. Шу боисдан Интернет фойдаланувчилар орасида уларга мурожаат этадиганлар сони ортапти. Фаолият кўрсатаётган юзлаб ижтимоий тармоқлар орасида 15таси ўзининг ўта оммавийлиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Интернет и блоги предсказал владимир Одоевский в 1837 году – лента.ру.
2. Catherine D. Marcum. History of Social Networking // Social Networking as a Criminal Enterprise. CRC. Press, 2014.

Нашрга проф. С.Чориев тавсия этган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Холиқов Ю.О. (СамДЧИ)

Аннотация. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик, ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатда яшайдиган фуқароларга уларнинг миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш масаласи мустақилликнинг илк даврлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ўрганилган. Бунга сабаб, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти, жамиятнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши жамият аъзоларининг миллатлараро бағрикенглик маданияти, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини ҳурмат қилиш учун керакли ижтимоий муҳит ва имкониятлар яратиб берилаётгани билан изоҳланади. Бундан ташқари турли миллат ва элат вакилларида миллатлараро алокани таъминлашда бағрикенгликнинг фалсафий

моҳиятини ўрганиш ҳамда улар ўртасида алоқаларни такомиллаштиришнинг самарали чора ва воситаларини ишлаб чиқилганлиги тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: *толерант онг, тараққиёт, инсонпарварлик, сабр-бардош, сабр-тоқат, геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик, этник, сиёсат, ижтимоий, иқтисод, ҳуқуқ, маънавий, дин, ахлоқ, миллатлараро, ёшлар, ҳурмат, менталитет, очиқлик, социалист, консерватор, муҳит, ҳалоллик, поклик, меҳр-оқибат, мерос.*

Аннотация. Изучено, что на первый план поставлен вопрос межэтнической толерантности, дальнейшего укрепления солидарности, создания равных прав и возможностей для граждан, проживающих в стране, независимо от их национальности, языка, вероисповедания, социального происхождения. уровень государственной политики с первых дней независимости. Причиной этого является стабильное развитие нашей страны, эффективное проведение реформ во всех сферах жизни общества, создание необходимой социальной среды и возможностей для уважения членами общества культуры межнациональной толерантности, национальных обычаев, традиции и ценности. Кроме того, исследовано изучение философской сущности толерантности в обеспечении межэтнических отношений между представителями разных национальностей и народов и разработка действенных мер и инструментов улучшения отношений между ними.

Ключевые слова: *толерантное сознание, развитие, гуманитарный, терпеливый, толерантность, геополитика, дипломатия, безопасность, этническая, политика, социальная, экономика, право, духовная, религия, нравственность, интернациональная, молодежь, уважение, менталитет, открытость, социалистическая, консервативная, экология, честность, чистота, судьба, наследие.*

Annotation. It has been studied that the issue of inter-ethnic tolerance, further strengthening of solidarity, creation of equal rights and opportunities for citizens living in the country, regardless of their nationality, language, religion, social origin, has been raised to the level of state policy since the early days of independence. The reason for this is the stable development of our country, the effective implementation of reforms in all spheres of society, and the creation of the necessary social environment and opportunities for members of society to respect the culture of inter-ethnic tolerance, national customs, traditions and values. In addition, the study of the philosophical essence of tolerance in the provision of inter-ethnic relations among representatives of different nationalities and peoples and the development of effective measures and tools for improving relations between them were researched.

Key words: *tolerant consciousness, development, humanitarian, patient, tolerance, geopolitics, diplomacy, security, ethnic, politics, social, economy, law, spiritual, religion, morality, international, youth, respect, mentality, openness, socialist, conservative, environment, honesty, purity, fate, heritage.*

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёга очиқлик сиёсати орқали танилиб, жамиятимизда сезиларли даражада ўзгаришлар юз бермоқда. Ушбу ислохотларнинг провард мақсади эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, шу орқали фаровонлик ва адолатни таъминлашдан иборат. Бундай улуғвор мақсадларга эришишда, аввало, ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, айниқса, уларнинг маданиятини юксалтириш муҳим ҳисобланади. Янги Ўзбекистон маданиятининг ажралмас қисми бўлган бағрикенглик маданияти ҳам ислохотларимизнинг самарадорлигига, юртимизнинг дунёга очиқлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил етиш тўғрисида” 2017 йил 23 майдаги ПҚ-2993-сон қарорлари, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Шундай қилиб, миллатлараро бағрикенглик жиҳатларини камида учга бўлиш мумкин: биринчидан, миллатлараро толерантлик бу инсонни фалсафий фикрлашни эгаллаш қиймати сифатида; иккинчидан, миллатлараро толерант онг маданияти сифатида; учинчидан, тегишли воқеликка муносабат, мужассамланган ҳақиқий хатти-ҳаракатлар. Миллатлараро толерант онг ғоялари доирасида, бизнингча, муносабатлар тоифасини

ажратиб кўрсатиш керак. Бу каби муносабатлар тизимида боғлиқ тушунчалар бағрикенглик билан ифодаланиши мумкин.

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг “Тараққиёт стратегияси” барча иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий жараёнлар, ислохотлар учун назарий асос бўлди ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигининг ошиши, янгиланиши ва ривожланишига олиб келди. Бу концепция нафақат миллат ва мамлакат ижтимоий-тарихий тажрибаси, шунингдек, ёшларга қаратилган фаолликнинг ижтимоий амалиётида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан кўрсатилган методологик асослар янги ва оригинал концепция намунаси бўлди. Бунда ёшлар инновацион тафаккурини оширишга қаратилган ва илгари сурилган концепция ахлоқий тафаккурнинг ижтимоий моҳиятини очиб беришда жуда муҳим аҳамият касб этди. Бу концепция, бир томондан, ёшларнинг ижтимоий фаол қатлам сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлишига, иккинчи томондан эса, ёшларнинг ўзлари хоҳлаган касб-хунар эгалари бўлиб етишишига кенг имкониятлар очиб берди. Ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар бир миллатнинг маънавий дунёси, ахлоқий ўғитлари, ҳуқуқий маданияти, фалсафий мероси, сиёсий менталитети ва бой анъаналарга узвийлашган ижтимоий фаоллиги алоҳида ўрин тутди. Булар, ўз навбатида, ижтимоий муҳитнинг тарихийлиги ва ҳаққонийлигини сақлаб қолишга, жамиятда ёшларни ўз «мен»ига эга бўлишга чорлайди. Мамлакатимизда ҳар томонлама ривожланган, юксак ахлоқий маданиятга эга бўлган ёшларни тарбиялаб вояга етказиш ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятининг мақсадидир. Шу боисдан, “ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи”¹ [1; 138-139] катта куч эканлигини, келажак уларнинг қўлида бўлишини ғурур билан тилга олишимиз керак.

Мамлакатимиз ҳудудида қадимги даврларданок турли миллат вакиллари ҳамжиҳатликда яшаб келишган. Улар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг замирида шубҳасиз, ўзбек халқининг бағрикенглик, инсонпарварлик хусусиятлари туради. Масаланинг иккинчи томони эса муस्ताқилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳозирги даврга қадар миллатлараро алоқаларни таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг самарали олиб борилгани билан характерланади.

Миллат ва миллатлараро алоқалар тушунчаларини тадқиқ етган назариётчи олимлар бу тушунчаларга ўз таърифларини беришган. Жумладан, муаллифлар жамоаси томонидан яратилган “Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик)” номли ўқув қўлланмада “миллат – ўзлигини англаган, ўз руҳиятига эга одамларнинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан шаклланган бирлиги”² [2; 64] сифатида таърифланади. Шу манбанинг ўзида миллат - ягона тил, ҳудуд, иқтисодий минтақа, умумий маданият, миллий анъана, кадрият, манфаатларни биргаликда ҳимоя қилишнинг шаклланиш жараёни³ [3; 64] сифатида эътироф етилади. Немис файласуфи ва социологи Макс Вебернинг таъкидлашича “Миллат тушунчаси” эмпирик умумий сифатлар орқали аниқлаб бўлмайдиган ва ўзига хос қарашларини ўзида жамлаган уюшмага нисбатан ишлатилишини таъкидлайди⁴ [4; 68]. Олимнинг таъкидлашича, ягона миллатни давлатнинг сиёсий баҳо мезони сифатида тушуниш мумкин ва ушбу давлатнинг ядроси бўлган миллат энг юқори кадрият сифатида сақланиб қолиши шубҳасиз.

Тарихдан маълумки, жамият ва давлатда миллатлараро тотувлик, ахлоқий бағрикенглик ғояларининг моҳиятини фуқароларнинг барчаси яхши англаб олишлари асосида турли таҳдидлар ва бўҳтонларнинг олди олинади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда яшайдиган турли миллат вакилларига тенг имкониятларни яратилиши, айниқса, диний бағрикенглик давлат сиёсати даражасига кўтарилиб қонуний асосларда

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розили бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. – Б. 138-139.

² Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик). –Тошкент: Akademiya, 2006. – Б. 64

³ Ўша жойда.

⁴ Троицкий К.Е. Нация и национальное государство в представлениях – М.: Вебера. Социологические исследования. 8. 2016. – С. 68.

мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида ва халқ билан учрашувларида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тинчликни таъминлаш, бағрикенглик муҳитини қўллаб-қувватлаш асосий тамойил сифатида илгари суриб келинмоқда. “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”¹ [5 – Б. 295.]. Шу ўринда, бугунги кунда ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизни ташкил этмоқда. Бу жуда катта куч эканлигини ҳар биримиз жуда яхши биламиз. Бундан келиб чиққан ҳолда, ёшларда бағрикенгликни шакллантиришимиз, маънавий-ахлоқий кадриятлар асосида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Миллатлараро бағрикенглик турли миллат, элат ва этник гуруҳ вакилларининг ҳамкорликда фаолият юритишлари, тинч-тотув яшашлари билан боғлиқ тушунча. Гап шундаки, муайян ҳудудда бир неча юз йиллар мобайнида дини, тафаккури, дунёқарашини бирлашиб кетган миллат ва елатлар ўртасидаги муносабатларни миллатлараро бағрикенглик маданияти деб ҳам айтишимиз мумкин.

Миллатлараро муносабатларни этносиёсий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун миллатлараро муносабатларга оид илмий-фалсафий концепцияларни таҳлил қилганда сиёсий омилнинг етакчи ўринга чиқишини эътироф этиш лозим. Чунки, ижтимоий муносабатлар, жумладан, миллатлараро муносабатлар ҳам тасодифий кечадиган ҳис-туйғулар ифодаси эмас, балки улар этносларнинг, миллатларнинг туб манфаатларини, ҳаёт тарзи, менталитети, маданияти, ижтимоий борлиқдаги ўрнини ифода этадиган ижтимоий ходисалардир.² [6; 14] Жамиятнинг янгилашиб бориши билан турли миллат вакилларининг ушбу янгилашиб жараёнларидаги иштироки кучайиб боради. Бу ҳолатда кўпмиллатли давлат учун жамият аъзоларининг қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари учун имконият яратиб беришдан иборат. Миллатлараро алоқадорликни таъминлаш давлат сиёсатининг асосий жабҳаси бўлиб, миллат ва элатларнинг тилидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги қонунчиликда акс этган. Буларнинг барчаси миллатлараро ҳамжиҳатлик тамойили мамлакат сиёсати йўналишларидан бири эканлигини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъий назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди”³ [7; 9].

Ушбу концептуал фикрлардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, кўпмиллатли Ўзбекистон жамиятида ўзаро уйғунлик ва ҳамжиҳатликни кучайтириш давлат ва жамият аъзолари олдида турган бирламчи вазифалардан ҳисобланади. Шу вазиятдагина мамлакатимиз фуқаролари тили, миллати, этник мансублиги, диний эътиқодидан қатъий назар ўзларини ягона мамлакатнинг фуқароси деб билишади. Бу эса мамлакатимиз халқларининг барқарор ва муваффақиятли ривожланишининг гаровидир.

Миллатлараро бағрикенглик тушунчаси кўпқиррали, турли ўлчовли тушунча бўлгани сабаб унинг табиатини англаш, тушуниш бирмунча мураккаб. Бугунги кунда миллатлараро бағрикенглик масаласи дунё мамлакатларининг бирортасида тўла ҳал етилган деб бўлмайди. Бунга сабаб эса, ички ва ташқи таъсирларнинг мавжудлигидир. Мазкур соҳада доимо карама-қаршиликлар тарихнинг турли даврларида мавжуд бўлган ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – Б. 295.

² Мусаев О.Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари: фалс. фан. докт. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2017. – Б. 14.

³Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон. НМИУ, 2016. – Б. 9.

хозир ҳам янги муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларнинг қарама-қаршиликларга айланиб кетишига йўл қўймаслик учун уни олдиндан кўриш, ҳис етиш зарур.

Немис файласуф, социологи Ю.Хабермаснинг фикрича, “Давлат ким томонидан бошқарилмасин, социалистлар ёки консерваторлар, миллатлар ўртасидаги мувозанат таъминланиши лозим. Бундай мувозанат ижтимоий қафолат тизимларини яратади ва кенгайтиради, тенг имкониятлар яратиш чораларини кўради. Бу борада таълим, оила ва ахлоқ муносабатлари, ахборотни ҳимоя қилиш каби соҳаларда ислохотлар олиб бориш фойдали. Ушбу ислохотлар фуқаролар ўртасида миллатлараро боғлиқликни кучайтиради”¹ [8 – С. 315.].

Муаллифнинг фикрича, дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларнинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, миллий масалани ҳал қилмасдан туриб ривожланишга, барқарорликка эришиб бўлмайди. Масаланинг яна бир томони эса дунёда ўзини демократиянинг юқори чўққисига эришганини таъкидлайдиган давлатларда ҳам миллий масалани тўла ҳал этишда муаммолар мавжуд. Ҳар бир дин унга эътиқод қилувчиларни миллати, ирки, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, бирдамликка, ўзаро яхшилик қилишга, бир сўз билан айтганда, ўзаро бағрикенг бўлишликка ундайди. Аждодларимиз яратган маънавий кадрларни асраб-авайлаш, уларнинг асл моҳиятини келажак авлодларга етказиб бериш бугунги кунда долзарб масала саналади. Чунки барча динлар инсонни қомилликка, инсонпарварликка ва фаровонликка етаклайди. Кишиларни “ҳалоллик”, “поклик”, “меҳр-оқибат” ва “бағрикенглик”ка чорлайди²[9 – Б. 3.].

Тараққий этган давлатларнинг барчасида миллатлараро бағрикенглик ва диний бағрикенглик ғоялари илгари сурилган. Давр ва замон ўзгарар экан, шубҳасиз, инсон, унинг қарашлари, фикрлари ҳам ўзгаради. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ўша фикр ва қарашлар ижобий томонга ўзгарса, демак, “инсоният учинчи минг йиллик учун тўғри йўлни танлабди”, деб айтиш мумкин. Мағизи пуч данакдан мўл ҳосил олиб бўлмаганидек, тарихи, ўтмиши бўлмаган ҳар қандай таълимот ва ғоя йўқлик қаърига сингиши аниқ.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли орасида миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришда таълим-тарбияни мақсадли олиб борилиши юқори даражадаги миллий муносабатлар ривожидида муҳим роль ўйнайди. Турли маданиятлар тўқнашаётган ҳозирги замонда миллатлараро бағрикенгликнинг фалсафий аҳамияти мулоқот маданиятининг шаклланиши, уларда бошқа миллат, элат, дин вакилларига муносабатда бағрикенглик маданиятини тушуниш, англаш кўникмасини ривожлантириш, ўзга миллат элат маданиятига ҳурмат руҳидаги тарбиянинг таълим жараёнида жорий қилиниши жамият тараққиётининг қафолатидир. Ёшларда этник-маданий билимларни шакллантириш барча миллат ва элатларнинг инсонпарварлик ва тенглик ғояларини бирдек қабул қилиш кўникмаларини шакллантиради, мумкин бўлган қарама-қаршиликларни олдиндан кўриш, олдини олиш ва зарур бўлганда конкрет ечимларини топиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. – Б. 138-139.
2. Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик). –Тошкент: Академия, 2006. – Б. 64
3. Троицкий К.Е. Нация и национальное государство в представлениях М. Вебера. Социологические исследования, 2016. – С. 68
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018. – Б. 295.
5. Мусаев О.Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари: фалс. фан. докт. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2017. – Б. 14.

¹ Хабермас Юрген. Европейское национальное государство: его достижения и пределы. О прошлом и будущем суверенитета и гражданства (текст статьи) // Нации и национализм / Б.Андерсон, О.Бауэр, М.Хрох и др. – М.: Праксис, 2002. – С. 315.

² Ergazov D. Маънавий-маърифий ишлар тизимида ёшларнинг толерант дунёқарашини шакллантириш масаласи // Архив научных исследований. 2019. – Б. 3.

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон. НМИУ, 2016. – Б. 9.
7. Хабермас Ю. Европейское национальное государство: его достижения и пределы. О прошлом и будущем суверенитета и гражданства (текст статьи) // Нации и национализм / Б.Андерсон, О.Бауэр, М.Хрох и др. – М.: Праксис, 2002. – С. 315.
8. Ernazarov D. Маънавий-маърифий ишлар тизимида ёшларнинг толерант дунёқарашини шакллантириш масаласи //Архив научных исследований. 2019. – Б. 3.
9. Холиков Ю. А. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик инсонпарварликнинг асосий тамойили сифатида //Философия и жизнь. – 2022. – №. SI-1.
10. Kholikov Y. O. Issues of education of youth on the ethical basis of international culture and tolerance at the age of globalization //Philosophical Readings. – 2021. – Т. 13. – №. 4. – С. 1917-1922.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ШАРОИТИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГНИНГ ЎРНИ

Сагдуллаева Д.Ш. (ТАТУ)

Аннотация. Ушбу мақолада ҳуқуқий онгнинг моҳияти, таркибий тузилиши, миллий хусусиятлари ўрганилган. Демократик муносабатлар такомиллашиши жамият ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ эканлиги, улар ўртасидаги диалектик алоқадорлик асосланган.

Таянч сўзлар: *фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, ахлоқ, ҳуқуқ, эҳтиёж, масъулият, ижтимоий онг шакли, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият.*

Аннотация. В данной статье рассматриваются сущность, структурная основа и национальные особенности правосознания. Он основан на том, что совершенствование демократических отношений зависит от уровня правовой культуры общества и диалектической связи между ними.

Ключевые слова: *гражданское общество, правовое государство, нравственность, право, потребность, ответственность, форма общественного сознания, правосознание, правовая культура.*

Annotation: This article discusses the essence, structural basis and national features of legal consciousness. It is based on the fact that the improvement of democratic relations depends on the level of the legal culture of society and the dialectical connection between them.

Keywords: *civil society, rule of law, morality, law, need, responsibility, form of social consciousness, legal consciousness, legal culture.*

Демократик ислохотлар йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг дунёқарашини, онгу тафаккури, сиёсий-ҳуқуқий савиясини, маданиятини ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Зеро, ҳуқуқий маданият ва саводхонлик миллат етуқлиги, инсон баркамоллигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Демократик ислохотларнинг инсонпарварлик характери эса, биринчи навбатда, кишилар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва амалда рўёбга чиқариш учун керакли бўлган барча шарт-шароитларни яратиш билан ўлчанади. “Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришдан иборат. Бу жамиятда тинчлик ва барқарорлик, фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий шартидир” [1].

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада такомиллаштириш механизмларини, демократик жараёнларнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири масалаларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий онг жамиятнинг маънавий борлиғи унсурларидан бири бўлиб, унинг гносеологик асосини ташкил этади. Ҳуқуқий онг бир бутун ижтимоий инъикос тизимида аниқ кичик тизим бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тартибот доирасига

кирган ҳодисаларини акс эттиргани учун ҳам, унда жамият ҳаёти маънавий соҳасининг умумий томонлари намоён бўлади.

Ҳозирга қадар илмий адабиётларда ҳуқуқий онг категориясига турлича талқинлар берилган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳуқуқий онг категорияси жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқни тушуниши, ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги тасавурида ўз аксини топувчи ижтимоий онг шакли [2] сифатида талқин этилган.

Бошқа манбада эса, “ҳуқуқий онг - ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуққа, ҳам уларнинг ўзлари истаган ҳуқуққа муносабатини ифода этадиган тасаввур ва ҳис-туйғулар мужассамидир” [3].

Бизнингча, ҳуқуқий онг ўз моҳияти ва мазмунини фақат ҳуқуқ меъёрларидан эмас, балки уларни яратувчи бутун мукамал реал жамият ҳаётидан олади. Шунинг учун ҳам у ҳамиша фалсафий, мафкуравий, сиёсий қарашлар таъсирида бўлади. Жамият маданий борлигининг асосини энг аввало, инсоннинг эҳтиёж ва манфаатлари, хусусан, ҳуқуқий эҳтиёж - унинг англаниши, уни қондириш йўлидаги мақсад, режалар ҳамда яратувчилик фаолияти, унинг натижалари ва уни ўзлаштириш ташкил этиб, улар орасидаги барқарор муносабатлар ҳуқуқий онг объектини ташкил этган ҳуқуқий ҳаётнинг такомиллашиб боришини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий борлиқ унсурлари ўртасидаги диалектик бирликнинг қонуний давомийлигини асослайди.

Ҳуқуқий онг даражаси – бу одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас. Бу, энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишда намоён бўлади.

Ҳуқуқий тасаввур ва тушунчалар ижтимоий муҳитда тарбия натижасида шаклланиб, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини англашига ва зиммасидаги мажбуриятларни инobatга олишига, уларга нисбатан ўз муносабатини белгилашига ундайди. Ҳуқуқий маданият даражасига кўтарилган ҳуқуқий онг ҳар бир фуқаронинг бошқалар олдидаги қонунлар билан белгиланган бурчи ва масъулиятини англашида ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ижтимоий борлиқ ривожини такозо этган объектив эҳтиёжларнинг ҳосиласини намоён қилади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онг жамиятнинг маданий борлиғи унсурларидан бири бўлиб, унинг гносеологик асосини ташкил этади. Ҳуқуқий онг бир бутун ижтимоий инъикос тизимида аниқ кичик тизим бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тартибот доирасига кирган ҳодисаларини акс эттиргани учун ҳам, унда жамият ҳаёти маънавий соҳасининг умумий томонлари намоён бўлади.

Бизнингча, ҳуқуқий онг ўз моҳияти ва мазмунини фақат ҳуқуқ меъёрларидан эмас, балки уларни яратувчи бутун мукамал реал жамият ҳаётидан олади. Шунинг учун ҳам у ҳамиша фалсафий, мафкуравий, сиёсий қарашлар таъсирида бўлади. Жамият маданий борлигининг асосини энг аввало, инсоннинг эҳтиёж ва манфаатлари, хусусан, ҳуқуқий эҳтиёж - унинг англаниши, уни қондириш йўлидаги мақсад, режалар ҳамда яратувчилик фаолияти, унинг натижалари ва уни ўзлаштириш ташкил этиб, улар орасидаги барқарор муносабатлар ҳуқуқий онг объектини ташкил этган ҳуқуқий ҳаётнинг такомиллашиб боришини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий борлиқ унсурлари ўртасидаги диалектик бирликнинг қонуний давомийлигини асослайди.

Шунингдек, ҳуқуқий онгга одамларнинг фақат амалдаги ҳуқуққа муносабати сифатидаги қарашда эса, унинг мазмунини олдиндан аниқлаб берувчи моддий, маънавий муаммолар доираси чеклаб қўйилади. Инсон дунёқараши, эътиқодининг мазмуни ва даражаси ҳам ҳуқуқий онг шаклланишига таъсир этади. Бу эса, ҳуқуқий онг унсурлари ҳуқуқ меъёрларининг инсон онгида ҳали тўла акс этмаган ҳолатда ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини англайди. Ҳали ҳуқуқ нима эканлигини билмаган чақалоқ ҳам ўз ўйинчоғини фақат ўзиники деб билади. Ушбу ҳолатни эса, инсонга табиат томонидан берилган туғилиш ва яшаш, мулкка эғалик қилиш каби табиий ҳуқуқлар билан изоҳлаш мумкин. Инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари табиий ҳуқуқларнинг ижобий (позитив) ҳуқуқ томонидан турли меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган кўринишидир. Демак, ҳуқуқий

онг, биринчи навбатда, табиийликни ўзида ифода этувчи ҳуқуқларни ижтимоий, маънавий жиҳатдан англаш демакдир.

И.Ильин фикрича, инсон қалбидаги ўз кадр-қимматини билиш ва ундан келиб чиқувчи ўзлигига бўлган ҳурмат унинг хатти-ҳаракатлари ҳуқуқнинг мақсади ва кўрсатмаларига мувофиқ келишининг қафолатидир. Киши руҳида эрк, ихтиёрнинг мавжудлиги – инсонни ҳуқуқни маънавий ҳаётнинг зарурий шакли сифатида қадрлашга, унинг кўрсатмаларига риоя қилишга мажбур қилади. Шу асосда инсонда ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуққа, унинг мақсадига интилиш, ихтиёрлик ва шу мақсадни англаган ҳолда ўз хатти-ҳаракатларини қонуний асослаш қобилияти шаклланади.

Шунингдек, кишиларнинг ўзаро маънавий кадр-қимматини эътироф этиши ҳуқуқий муносабатнинг асосида ётади. Ҳуқуқ тартиботи ҳам эътироф этишнинг ушбу шаклидан ташқарида мавжуд бўлолмайди, чунки у йўқолиши билан ҳар қандай бирлик ва ҳар қандай бирдамлик, ҳамфикрлик йўқолади [4].

Демак, ҳуқуқий онг даражаси фақат ҳуқуқий билимларнинг шунчаки арифметик йиғиндиси билан ўлчанмайди, балки, фуқаронинг шахсий ғурури, ўз-ўзини англаб етганлиги, миллий онги, маънавияти даражаси билан белгиланади.

Демак, ҳуқуқий онг - шахс онгида, жамият ғояларида намоён бўлган ҳуқуқ бўлиб, у қонунийликка нисбатан бўлган муносабатдаги эътиқод, тасаввур, баҳо, ҳис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимидир. Ҳуқуқий онгга берилган ушбу таъриф табиий равишда унинг таркибий тузилиши ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Бу ҳолатда қонунга, ҳуқуққа нисбатан шаклланган эътиқод, ҳис-туйғулар - ҳуқуқий руҳиятнинг маҳсули бўлса, уни баҳолаш асосида юзага келган танқид ёки эътирофда акс этувчи анланган муносабат - ҳуқуқий мафқуранинг асосини ташкил этади.

Э.Халилов ҳуқуқий онгнинг ташкил этувчи асослари сифатида ҳуқуқий тушунчалар, ҳуқуқий ҳис-туйғуларни ва хоҳиш-иродани, [5] З.Исломов, У.Таджиханов, А.Саидов, Н.Гранат, В.Лазарев, С.Липенлар эса ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафқурани кўрсатганлар¹.

Ҳуқуқий характердаги руҳий ҳис-туйғуларда одамларнинг ҳуқуқ тажрибаси билан боғланган субъектив кечинмалари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий руҳият фақат ҳис-туйғу, кайфиятларга бориб тақалмай, у нисбатан барқарор компонентлар (одат, анъана, урф)дан ҳам иборат [6]. Ҳуқуқий руҳиятдан фарқли ҳолда мафқура ҳуқуқий воқеликнинг илмий-назарий даражадаги инъикосини ифодалайди. Ҳуқуқий мафқура ижтимоий борликни, ижтимоий муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш (бошқариш) зарурияти ва усуллари нуктаи назаридан акс эттирувчи ҳуқуқий ғоялар тизимини ифодалайди. Ҳуқуқий руҳият билан таққослаганда мафқура ҳуқуқни бир бутун ижтимоий институт сифатида муайян мақсадга йўналтирилган илмий, фалсафий ифодалаш билан ажралиб туради.

Ҳуқуқий мафқура нафақат мавжуд, балки имкониятдаги ижтимоий муносабатларни ҳам акс эттиради. Ҳуқуқий мафқура ҳуқуқни билиш даражаси ва характерида кўра, ҳуқуқий руҳиятдан устун туради. Агар ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий ходисалар ривожининг ташқи, одатда ҳиссий жиҳатини акс эттирса, ҳуқуқий мафқура ҳуқуқнинг табиати, ижтимоий моҳиятини очишга интилиб, уни яхлит маданий-тарихий феномен сифатида намоён қилади.

Ҳуқуқий онг мафқуравий ва руҳий унсурларни бирлаштирган мураккаб тузилма бўлиб, баъзи олимлар унда мафқуравий тамойил ҳукмронлик қилади, – деб ҳисобласалар, бошқалари ундаги руҳий унсурларга урғу берадилар.

Биринчи нуктаи назар тарафдорлари фикрига кўра, ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий мафқуранинг бевосита таъсирида бўлади. Одамларнинг мафқуравий тарбия даражасидан келиб чиқиб ҳуқуқий муаммоларга ҳиссий таъсирнинг даражаси ва аҳамияти белгиланади. Шахснинг мафқуравий тайёргарлиги ўз руҳий ҳолатига онгли (танқидий) муносабатда

¹ Қаранг: Исламов З. Общество. Государство. Право. – Т.: Адолат, 1998; Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-жилд. – Тошкент: ЎзР ИИБ Академияси, 1998; Гранат Л.Н. Правосознание и правовая культура / Юрист. – Москва, 1998. – № 11/12.; Лазарев В., Липень С. Теория государства и права. – М.: Спарк, 2000.

бўлиш, унинг устидан назорат ўрнатиб, бу ҳолатга таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчи нуқтаи назар тарафдорлари фикрига кўра, ҳуқуқий онгнинг руҳий таркиби ҳуқуқ шаклланишида ва унинг амалиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ҳуқуқий ривожланиш, демократик қайта ўзгаришлар тараққиётига олиб келувчи кучли омил, ёки ислохотлар йўлидаги ғов бўлади. Бунда руҳий таркибнинг шаклланишида миллий руҳият ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш билан ҳуқуқий онгни шакллантириш, такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ўртага қўядилар.

Айни пайтда, ҳуқуқий кўрсатмаларга амал қилиш ёки уларни бузиш, ҳуқуқни тан олиш ёки инкор этиш ҳуқуқий руҳиятдан келиб чиқади. Шу маънода ҳуқуқий онг ҳуқуқ ва ҳуқуқий фаолиятга таъсир кўрсатувчи барча омилларни ўзидан ўтказадиган филтёр вазифасини бажаради.

Ҳуқуқий онгнинг миллий хусусиятлари ҳақида гапирганда Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш жараёнларининг муваффақиятли кечишида кўп жиҳатдан халқимиз менталитетининг ўзига хослиги катта аҳамият касб этади. Социологик сўровлар фуқароларда ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ фойдаланишдан кўра қонунларни бузмасликка интилиш мойиллиги устунлигини кўрсатди.

Бизнингча, жамият аъзоларининг айрим қисмида қонуннинг ролини, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятини тасаввур эта олмаслик, қонун устуворлигини таъминлашга эришишга ишончсизлик, шубҳа билан муносабат билдириш кайфияти устун бўлса, бошқасига тоталитар тузумдан сақланиб қолган руҳият ва тафаккур асосида фикрлаш хос бўлиб, ҳаётий муҳим масалаларни ҳам, шахсий масалаларни ҳам ҳал этишда давлатга таяниш, ундан мадад кутишга мойиллик мавжуд. Биринчи ҳолат қонун кучига ишончсизлик, шубҳаланиш охир-оқибат фуқаронинг ҳуқуқнинг асл моҳиятига етмай, қалбида унга нисбатан қаршилиқнинг кучайишига ёки ўз манфаатларини, хоҳиш-истакларини жиловлай олмай, қонунни четлаб ўтишга уринишлар ҳуқуқий онг бузилишларининг авж олишига олиб келса, иккинчи ҳолат фуқароларда боқимандалик, сустрелик, бепарволикнинг авж олишига туртки бўлади.

Аҳоли ҳуқуқий онги, руҳиятининг давлат ташвиқ қилаётган ҳуқуқий мафкурадан орқада қолаётганлиги, ҳуқуқий давлатга хос бўлган ҳуқуқий ғоялар ва тамойилларнинг кундалик онг ҳуқуқий нигилизмидан кескин фарқ қилиши билан ажралиб туради. Ҳуқуқий онгдаги бундай аҳволнинг сабаблари ҳуқуқий тизим доираси билан чекланиб қолмайди, балки иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади [7]. Ҳуқуқий онгнинг миллий хусусияти объектив омиллар қаторига киради.

Бизнингча, ҳуқуқий онг одамларнинг қонунга бўлган муносабатларини ифодаловчи қараш ва эътиқодларидан, уларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввур, интилиш ҳамда туйғуларидан иборат бўлиб, мавжуд қонунларнинг инсон онгидаги пассив инъикосигина эмас, балки ҳуқуқ меъёрлари ривожланишига зарурият туғдирувчи, жамият аъзоларини бирлаштира олувчи маънавий асос ҳамдир. Ўз навбатида, тарихий тажриба шундан гувоҳлик берадики, ҳуқуқий онги, маданияти юксак халқгина ўз-ўзини англаб, мақсадларига эришиш йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қила олади.

Ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Кенг ва фаол ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, давлат ва ҳуқуқий воқеалар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимидир. Ҳуқуқий маданият – инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш ва амалиётда қўллаш даражасидир. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида урғу берилганидек, ҳуқуқий маданиятни мунтазам бойитиб бориш, янада юксалтириш ва такомиллаштириш учун изчил ҳуқуқий

тарбия ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” [7].

Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнларининг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг такомиллашувига боғлиқ. Чунки юқори даражадаги ҳуқуқий саводхонликка, ҳуқуқий маданиятга эга бўлган фуқарогина иқтисодий эркин, демократик ҳамда маънавий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўла олиши мумкин. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ҳар бир фуқарода ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, билимни давр заруриятидан келиб чиқиб, такомиллаштириш масаласи катта аҳамият касб этмоқда.

Демак, юқоридагиларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий меъёрлар кишиларнинг онги ва турмушига сингиб кетган, амалий фаолиятларида қўлланила бошлаган тақдирдагина ҳуқуқий маданиятга айланади. Қабул қилинган қонунлар билан нафақат танишиш, чуқур ўрганиб чиқиш, балки уларга итоат этиш, амалда фойдаланиш ҳам ҳуқуқий маданият белгиларидан биридир. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгни аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, унинг энг юқори босқичидир. Ҳуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг ҳуқуқий малака ва билимларини ишга солиб, фаол қатнашади.

Демак, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзаро диалектик узвий боғлиқликда бўлиб, бири жамиятнинг маънавий муҳитига, кишиларга уларнинг ҳаёт дастурларига ғоявий-ҳуқуқий таъсир кўрсатса, иккинчиси эса, биринчининг мантиқий давоми сифатида имкониятнинг воқеликка айланишини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021, – Б. 21.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11-Жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 406 б.
3. Ҳалилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 12.
4. Ильин И.А. О сущности правосознания. – М., 1993. – С. 97-98.
5. Ҳалилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 20-23.
6. Гранат Л.Н. Правосознание и правовая культура / Юрист. – Москва, 1998. – № 11/12. – С. 2-8.
8. Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-жилд. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. – Б. 44-45.
9. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси // 2019 йил 9 январь. ҚҲММБ 06/19/5618/2452-сон. 10.01.2019.

Наирга проф. С. Чориев тавсия этган

ҚАЛБ КАМОЛОТИ – ИНСОН КОМИЛЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Юнусова Г.С. (БухМТИ)

Аннотация. Ушбу мақолада мутасаввуф олим Абдулқодир Гийлонийнинг инсонга оид қарашларини таҳлил қилиш жараёнида қалб масаласига алоҳида эътибор қаратганлиги баён этилган. Айниқса инсонда табиийлик – яъни тана камолоти руҳ юксалиши билан уйғунликда бўлса, унда ҳақиқий инсон даражасига эришиши таъкидланган. Абдулқодир Гийлоний асослаган қодирия таълимотидаги “Машғуллик ила фориғлик” шиорининг моҳияти – айнан ҳалол меҳнат қилиб, Аллоҳ ишқи билан фориғланиб яшаш ғояси мазмуни очиб берилган.

Таянч сўзлар: одам, инсон, руҳ, қалб, ҳақиқий инсон, тана камолоти, қалб поклиги, иймон, илм закоти, илм ва амал, ботин ва зоҳир, Сиррул асрор.

Ключевые слова: человек (Адам), совершенный человек (инсон), душа, сердце, истинный человек, совершенство тело, чистота сердца, вера, закят знания (илм закоти), знание и практика, внутреннее и внешнее, Тайна тайн

Аннотация. В данной статье утверждается, что в процессе анализа воззрений учёного мистика Абдулкадира Гийлани особое внимание уделялось вопросу о душе. Подчеркивается, что если естественность человека, т. е. совершенство тела, находится в гармонии с возвышенностью души, то он достигнет уровня настоящего человека. Суть лозунга «Занятость в отдыхе» «Машгуллик ила фориғлик» в учении кадирия, основанном Абдулкадиром Гилани, заключается в значении идеи жить с любовью к Богу через честный труд.

Аннотатсион. This article explains that special attention is paid to the issue of the soul in the process of analyzing the views of the expert scientist Abdulkadir Gilani on man. It is especially emphasized that naturalness in a person – that is, when bodily perfection is in harmony with the rise of the soul, then it reaches the level of a real person. The essence of the slogan "Employment and rest" (Mashgullik ila foriglik) in the teachings of the Qadiriyya, founded by Abdulkadir Gilani, lies in the meaning of the idea of living with love for God through honest work.

Key words: man, human, soul, true man, perfection of body, purity of heart, faith, zakat (impost) of knowledge, knowledge and practice, inner and outer, secrets

Инсон муаммоси кўплаб таълимотларнинг баҳс мавзуси бўлганлиги сабабли бугунги кунгача фалсафа тарихида кўплаб турли хил қарашлар пайдо бўлган. Бу борадаги мунозараларни таҳлил этиш жараёнида бир-бирига қайси жиҳатлари биландир ўхшаш бўлиши билан бирга, тубдан фарқ қиладиган қирраларини ҳам кўрдик.

Одам табиатидаги табиийлик ва ижтимоийликнинг ўзаро нисбати ҳақида гап борганда, улардан бирини идеаллаштириш ёмон салбий оқибатларга олиб келишини эътиборга олиш керак. Социал дарвинистлар одам наслини ўзгартириш орқали одамнинг инсонга айланиш жараёнини тезлаштириш мумкин десалар, марксистлар ижтимоийликни биринчи ўринга қўйиб, ундаги биологик омиллар ролини пасайтиришга уринадилар. Ҳар икки қараш ҳам ижтимоий тараққиёт ва инсон камолоти учун завоқ бўлишини тарихий жараёнлар тасдиқлайди. Демак, одамзот биологик ва ижтимоий моҳиятлар бирлигида мавжуд бўлади, аммо ижтимоий майлларнинг устувор бўлиб бориши унинг табиатидаги биологик имкониятларнинг воқеликка айланишини таъминлайди. Хулоса: а) одам табиий ва ижтимоий муҳит таъсирида муайян социал қиёфага эга бўлади; б) жамият ўз ички қонуниятлари билан шаклланадиган ва ривожланадиган тизим; в) одам биосоциал мавжудот бўлиб, муайян тарихий даврда мавжуд қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ маромларига ихтиёрий равишда риоя этишга одатланиш орқали инсонга айланади.

Афлотундан “Инсон – патлардан холи икки оёқли жонивордир”, деган таърифни эшитган Диоген хўрознинг патини юлиб ташлайди-да, Академияга келтиради ва шундай хитоб қилади: “Мана, Афлотуннинг одами!”. Шундан сўнг одамнинг таърифларига “Энли тирноқли жонивор”, деган ибора ҳам қўшилган экан¹. Милоддан аввалги даврларда яшаб ўтган Афлотуну Диоген каби буюқ файласуфларни мунозарага чорлаган “одам” ва “инсон” хусусидаги қарашлари гарчи битта объект, яъни инсон борасида бўлган бўлса-да, аслида одам ва инсон моҳиятан бир маънога эга эмаслиги антропология тарихида жуда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Лекин масаланинг асл моҳиятини очишда кўпинча бирёқламалikka йўл қўйилган. Бунинг оқибатида биологизм, социологизм ва психологизм каби бир-бирдан бегона ва мустақил равишда инсонни тадқиқ этишга уринадиган таълимотлар пайдо бўлган. Ваҳоланки, инсонни ҳар томонлама ўрганишда, бизнинг фикримизча тўрт томонлама ёндашув зарур деб биламиз².

Шундан келиб чиқиб, биз тасаввуф таълимотида “инсон” ва “одам”нинг фарқланишида асосий жиҳат нима эканлигини таҳлил этиш мақсадида айрим манбаларга мурожаат этдик, бу борада аксиологик ёндашув унсури бўлган қалб масаласига тўхталишни жоиз деб билдик.

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Такдирлар, хикматлар, афоризмлар. Тўпловчи ва таржимон Жўраева С. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 85.

² Онтология – инсоннинг борлигини ўрганадиган соҳа; гносеологик – инсоннинг билиш жараёнини тадқиқ этади; аксиологик – инсоннинг ўзи ва унинг учун қадри бўлган нарса ва ходисаларни ўрганувчи соҳа; прогностик – инсоннинг келажагини, унинг камолотини илмий асосда башорат қилиниши каби соҳаларидан иборат.

Қодирия таълимоти асосчиси (1070-1166 йй.) Шайх Саййид Муҳйиддин Абдулқодир Гийлоний асарларида бу масалага махсус эътибор берилган бўлиб, унда одам ва инсоннинг фарқи яққол очиб берилган. “Асл қалб, сени **Инсон** – дегиздирган жон ва сени **Одам** сифатида сўзлатган **юрақдир**. Унинг соҳаси кенг. Даласи, яъни туфроғи маҳсулдор. Файз булутларидан фазилат ёмғирини ичган, бу қалб сенга илм озукасини беради”¹. Шу тўрт жумлада Гийлонийнинг антропологик қарашлари чўққиси ўз аксини топган. Чунки, фалсафа тарихидаги инсон ва одамнинг айнан бир мавжудот эканлигини тасдиқловчи далилларга қарши кескин зарба берган бу қоидага асос бор. Ваҳоланки XI-XII асрларда яшаб ижод этган ушбу мутасаввиф ғояларига уйғун равишда XVIII асрда яшаб ўтган файласуф олим Вернадский “Одам” ва “Инсон” тушунчаларидаги умумийлик ва тафовутларни қуйидагича деб билади: “Одам” ва “Инсон” тушунчаларида умумийлик билан бирга жиддий тафовутлар ҳам борлигини англаш таълим-тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга. Одамдаги биологик омил аҳамиятини асло камситмаган ҳолда, унинг табиати ва руҳий оламида ижтимоийликнинг муқимлашиб бориши натижасида одам зотининг инсонга айланиб бориши мумкинлигини тарихий ҳақиқатлар тасдиқлайди. Одамда биологик омил етакчи бўлса, инсонда ижтимоийлик (маънавий) омиллар биринчи ўринга чиқиб олади. Яшаш учун кураш жараёнида инсон ўзи мансуб бўлган жараият ва маданият кадриятларига асосланиб, хатти-ҳаракат ва фаолият йўналишини белгилайди, ижтимоий ҳаётда таркиб топган ва анъанага айланган одоб-ахлоқ маромлари, қонун-қоидалар, тартиб-интизомларга қатъий риоя қилади, мабодо ташқи таъсирлар остида уларни ногаҳон бузса, виждон азобида қолиб, ўзини-ўзи сира кечирмайди. Шу маънода ҳозирги физиологик тузилишга эга бўлган барча онгли мавжудот одам турига киради, аммо улар орасида инсонга айланмаган, яъни ҳайвонларга хос олғирлик, босқинчилик, ёввойилик қусурларидан ҳоли бўлмаганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, ўғри, таъмагир, юлғич, порахўр, қотил, фоҳиша ва ҳ.к. нафс қурбонига айланганлар, албатта, одам, аммо уларни инсон қаторига қўшиб бўлмайди.

Одамнинг инсонга айланиб боришида имон диний йўл билан ҳам, илмий-маърифий йўл билан ҳам шаклланиши мумкин. Имон қайси йўналишда инсон аҳволи руҳиятида муқим бўлишидан қатъи назар, худо ёки олий ижтимоий мақсад (олий ғоя) га қалбан, руҳан ишонч ва бу ишончга ҳар қандай шароитда ҳам содиқ қолиш учун ички онт ичишдан иборат онгнинг нодир ходисасидир. Имонлиликнинг яна бир шарти сўз (тил) билан амал (иш) бирлигидир. Мана шу шартлар асосида имонли инсонларда виждонлилик, ҳалол-поклик, ростгўйлик, инсоф-диёнат, саховатпешалик, мурувватлилик, халқ, Ватан ишки билан яшаш каби фазилатлар шаклланади, зеро, имонли инсон учун улар муқаддас кадриятлар бўлиб, ҳаёт маъносини белгилайди. Имонли инсон яқинлари, дўстлари, Ватани, халқига ҳар қандай шароитда ҳам содиқ қолади, ўлишга рози бўлади-ю, аммо имонига хиёнат қилмайди.

Демак, файласуфнинг инсон борасидаги асосий хулосаси – бу унинг ижтимоийлашуви ва иймонли бўлишидадир. Лекин мана шу иймон бўлиши учун инсон жамиятда қандай фаолият кўрсатиши керак ёки қандай куч, манба бўлиши лозимдирки, у тўғри йўлини топа олсин. Бундай масалада Гийлоний ларида ажойиб ташбиҳлар мавжуд. “Қалбингни нур билан порлатасан ва шундагина уни (нафақат укбо оламида, балки) бу оламда ҳам кўра олгайсан. Зикруллоҳ билан қалбингга жило бермоққа кириш ва унинг қийматини билгин. Ҳар қандай ёмонликлардан уни асрагинки, у ҳақда шундай қудсий ҳадис бор: “Мен на осмонга, на ерга, на тоғларга сиғдим, аммо мўъмин бандамнинг қалбига сиғаман”. Сен шундайин қалб соҳиби бўлсангу, яна не истайсан. Акс ҳолда шундай қалбга соҳиб бўла олмоқ учун ҳар на қилсангда оз, ҳеч демаган даражада оз”². Ушбу фикри орқали Гийлоний инсонларни бошқариб турадиган куч – қалб деган ажойиб хулосани берган экан,

¹ Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот./2-мактуб. Таржимон О.Жўрабоев. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б. 166.

² Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б. 170.

инсонлар шундай қалб соҳиби эканликларини ҳаммалари ҳам англай оладиларми? Буни билиш ёки англаш учун инсоннинг қалб кўзи очик бўлиши лозим, акс ҳолда ҳаётда ҳамма ҳам ўз йўлини тўғри белгилай олмайди. Қалбни яшаши, унинг порлаб туриши учун илм-маърифат асосий воситадир. Шу илм-маърифатни эгаллаш учун қалб икки томонлама фаолият юритади, яъни кўриш ва эшитиш фаолияти билан машғул бўлади, акс ҳолда ғафлат босиб, қалб кўзи ва қулоғи қар бўлиши оқибатида турли салбий ишларга берилиб кетади. Бу рухий ҳодисадир. Уни оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Уни кўриш қудрати қалб кўзига берилган. Лекин қалб кўзи ҳам очилиши керак. Қалб кўзи ҳам кўр бўлиб қолиши мумкин, бунга ғафлат сабаб бўлади. Қалб кўзини Гийлоний “Сиррул асрор” асарида икки хил бўлади дейди: “Суғро кўз ила илоҳий сифоти исмларнинг тажаллиёти мушоҳада этилади. Бу назар ва мушоҳада даражот оламига қадар узаяди; Кубро кўзига келсак, тавҳид ва аҳадият нури соясида лохут оламидаги яқинлик ўлкасида мавжуд ҳоллар мушоҳада қилинади”¹.

Қалб кўзининг кўр бўлишига сабаб дейди Гийлоний, - Яратувчи билан аҳдни унутиш, ғафлатда қолмоқдир. Ғафлатнинг асос сабаби – илоҳий амрнинг асл моҳиятини билмаслик. Бундай жаҳолатнинг сабабига келсак, зулмоний сифатларнинг истилосига учрамоқликдир. Бу зулмоний сифатларнинг бир нечтаси сифатида Гийлоний қуйидагиларни санаб ўтган: кибр, кина, ҳасад, ҳасислик, манманлик, ғийбатчилик, гап тарқатиш, ёлғон сўзламоқ ва шу каби турли қабихликлар. Инсонни қуйиларнинг тубига туширувчи ҳам шу сифатлардир. Бундай ёмон ҳолларни йўқотиш учун қалб ойнасини пок тутмоқ лозим. Бу **покизаликка** – тавҳид, илм, амаллар, ичу ташдан нафсга қарши қувватли жиҳод қилиш билан эришилади². Қалб ойнасининг пок бўлиши учун қалб қулоғининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Гийлоний бу ҳақда қуйидагича фикр билдиради: “Қалбнинг ҳам ўзига хос қулоғи бор. Аммо у билан тинглаб, эшитиладиган бу оламнинг моддий ва фоний нарсалари эмас. Улар олислардан келувчи – улуг ва буюк қудратдан таралаётган сасларни тингламоққа ошиқдир. Бундай сас-садоларни эшитмасдан бирор хайрли иш бошини тута олажагингга ишонасанми?! Аввало, бунинг учун қалбингга тушган доғлардан **покланишга** диққат эт. Бу қароликларни кетказганинг он билгинки, буюкликдан келаётган садоларни эшитасан ва даъватларга итоат қилиб, иқтидо қилажаксан”³. Қалб кўзи ва қалб қулоғи фаолиятида Гийлоний поклик ва покланишни алоҳида таъкидлапти. Демак, инсонни бошқариб турувчи қалб ойнаси порлаб туриши – бу ҳалолликдан экан. Инсон ҳаёти давомида ҳалол касб-ҳунари билан ризқ топиб, оиласи, болаларини камолга етказар экан ўзига ҳам камолотга томон йўл очилади.

Инсоният шундай яратилганки, дунёда қанча одам бўлса, бирортаси ҳам бир-бирига сира ўхшамайди, бундан ташқари, Аллоҳ уларга табиатдаги энг юксак, мураккаб ва ақл бовар қилмайдиган мўъжизавий нарсаларни ато этган.

“Масалан, одамнинг жисми тахминан 60-70 кг эт ва суяклардан иборат. Маълумки, гўшт табиатда ҳаммасидан тез бузиладиган неъмат ҳисобланади. Гўшт очик ҳавода узоғи билан 2 соатда бузилади, бир-икки кун ичида қурт тушиб, қуртлаб, чидаб бўлмайдиган даражада сасиб кетади. Ана шу очик ҳавода тез бузилиб, сасиб кетадиган нарса инсон танасининг қўп қисмини ташкил қилади. Бироқ қон айланиши ва жисми-жонимизни, атроф – муҳитдаги бактериялардан ҳимоя қилиб турадиган тери қоплами шарофатидан одам танаси 70-80 йил, ҳуллас бир умр мутлақо бузилмасдан туради”⁴.

Ушбу илмий таҳлил тиббиёт нуқтаи назаридан энг тўғри таърифдир.

Агар шу танани, жисми бошқаришдаги маънавий куч, ички ҳис-туйғу, ақл-тафаккур бошқара оладиган инсоннинг фақатгина бир аъзоси кемтик бўлса, ўз навбатида у бошқа

¹ Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 91.

² Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. –Б. 91.

³ Ўша жойда. – Б. 171.

⁴ Харун Яхёнинг “Людем размышляющих” китобидан М.Муслим таржимаси // Сихат-саломатлик 2004, 1-сон, – Б. 22.

аъзоларга ҳам салбий таъсир ўтказа олади. Бу ҳақда машҳур мутасаввиф шайх Абдулқодир Гийлоний(1066-1170йй.) ҳазратларининг (қодирия тариқати асосчиси) шундай ўғитлари бор: “Қалбларингизни ислоҳ қилинглар, чунки қалб тўғри бўлса, қолган барча ҳолатлар тўғри бўлади. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом: “Одам боласида бир парча гўшт бор. Агар у тўғри бўлса, жасаднинг қолган аъзолари ҳам тўғри бўлади. Агар у бузилса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинг, у қалбдир”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Қалбнинг ислоҳи тақво, Аллоҳга таваккул. Уни бир деб билиш, амалларда ихлос қилиш билан бўлади. Акс ҳолда қалб бузилади.

Қалб қафасдаги қуш бўлиб, қутидаги дур ёки жавондаги бойликка қиёсланади. Бас, қушга қафасига қараб, дурга қутисига қараб эътибор қилинмайди¹.

Демак, инсоннинг инсонийлиги унинг қалбидандир. Яъни ботиннинг зоҳирда акс этиши ўзликни намоён этилишидир. Худди мана шу ботиний ва зоҳирий илмларни тасниф қилишда Абдулқодир Гийлоний “Сиррул асрор”² асарида шариатни – зоҳир (ташқи), тариқат, ҳақиқат ва маърифатни – ботин илми дея таъриф берган. Шу ўринда қалбнинг ботин илмини эгаллашдаги ўрни қанақа бўлади? Гап шундаки шариат илмини эгаллаган қалб соҳиби албатта ундан юксакроқ поғона – ботин илмини эгаллашга интилади. Яъни барча қиладиган амали албатта Яратганнинг ризолигига эришиш учун қилинади. Агар ташқи кўринишидан шариатга амал қилиб, унинг орқасидан шон-шухрат талаб қилинса – унда бу амал риёкорликдир. Айнан қодирия тариқати илмга амал қилиш, унинг ортидан кибрга берилмаслик ғояси инсонларни жисмонан ва маънан камолот сари етаклайдиган тамойилга асослангандир.

“Санга илминг нидо қилади, лекин қалбга эга бўлмаганинг туфайли унинг сўзларини эшита олмайсан. Амал қилинадиган илм сени илмни манзил тутган олимга яқинлаштиради. Бу ҳикматларга амал қилсанг, дастлаб илм, кейин илм манбаси сенга очилади. Сенинг ҳузурингга икки оқувчи булоқ бўлиб, улар туфайли қалбинг ботиний ва зоҳирий илм ҳамда ҳикматга тўлади. Шунда уларнинг закоти зиммангда вожиб бўлади. Илминг закоти уни тарқатиш ва халқни Ҳаққа чиқаришдан иборат”³.

Мана шу илми боамал қандай инсонларга ато этилади?! Нима учун ҳар бир инсонни бетакрор яратган Аллоҳ таоло уларнинг барисини ҳидоятга эриштира олмайди. Бу ҳақда Аллоҳнинг каломида шундай зикр қилинади: “Иккалангиз (яъни Одам Ато ва Момо Ҳаво. Изоҳ Ю.Г.) жаннатдан тушинглар. Авлодингизнинг баъзиси баъзисига ғанимдир. Албатта, сизларга Мен томондан ҳидоят келажак. Ҳидоятимга эргашган кимса залолатга ҳам кетмайди, бахтсиз ҳам бўлмайди”⁴.

Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ҳидоятга эргашганларга зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллашга рағбат туғилади ва у ўз навбатида шу инсонни олий мартабага етказиб маърифат орқали қурбият ва ҳатто абадиятга эриштириши мумкин. Бундай комил инсонларга жамият тараққиёти давомида кўплаб мисол келтириш мумкин ва уларнинг энг мукаммали Расулуллоҳ салаллоҳи алайҳи васалламдир.

Аксинча Аллоҳ ҳидоятга эргашмай Иблис васвасасига эргашганлар залолатга ботиб жаҳолат ботқоғидан чиқолмай тубанликка юз тутишади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, зоҳирий илмларни Гийлоний ҳазратлари шариат илми деб тасниф қилар эканлар, жами шариат талаб қиладиган қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда ибодатларни мукаммал адо этиш, ташқи кўриниш жиҳатдан ҳам, еб-ичиш умуман ҳаёт тарзи шариат кўрсатган қоидага асосланган бўлади. Мана шу босқич кейинги босқич ботиний илмларни эгаллаш сари биринчи пиллапоядир. Зероки, манбада шундай фикр юритилади: “Дининг билан эмас, касбинг билан ҳаёт кечир. Касб-хунар ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргат. Мўминларнинг касб қилмоғи сиддиқлик мартабасидир. Фақат

¹ Абдулқодир Жилоний. Раббонийликни англаш. Биринчи китоб. – Т.2005. – Б. 15.

² Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор.Мақтубот. Тражимон О.Жўрабоев. –Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

³ Ўша жойда. – Б. 27.

⁴ “Тоҳо” сураси, 123 оят. Иктибос Қуръон қиссалари рисоласидан олинди. ТИУ нашриёти. – Т.: 2004. – Б. 12.

фақирлар ва мискинлар фойдаланишини таъминлайдиган, инсонларга нисбатан раҳматни восила қиладиган ва Аллоҳ таолонинг розилигини талаб қиладиган касб-хунарлар учунгина насиба бордир”¹.

Демак, фикримизни равшанроқ баён этадиган бўлсак, мўмин ҳеч қачон динни кун кечириш ёки бойлик орттириш қуролига айлантормаслиги лозим. Акс ҳолда диндорлар рижкорлик, таъмағирлик йўлини ихтиёр этиб, “савоб” тушунчаси ортида ўз манфаатлари, эҳтиёжларини қондирган бўлар эдилар. Шу ўринда касб-хунар билан ҳаёт кечириш уни бошқаларга ҳам ўргатиш хайрли амал эканлиги ҳақида таъкидлаган Абдулқодир Гийлоний амал қилинадиган илм ҳақида таъкидлаб шундай фикр билдирадилар: “Амал қилинадиган илм сени илмни манзил тутган олимга яқинлаштиради. Бу ҳикматларга амал қилсанг, дастлаб илм, кейин илм манбаси сенга очилади. Сенинг ҳузурингда икки оқувчи булок бўлиб, улар туфайли қалбинг ботиний ва зоҳирий илм ҳамда ҳикматга тўлади. Шунда уларнинг закоти зиммангда вожиб бўлади. Илмнинг закоти уни тарқатиш ва халқни ҳаққа чақиришдан иборат”².

Илмнинг закоти уни тарқатиш ва халқни ҳаққа чақиришдан иборат бўлса, уни эгаллаган шахс қалбан юксалади, бошқаларнинг дарди, ғами, кулфатини ўзиники деб билади, бева-бечораларга нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлади, ҳар бир амалини Аллоҳ ризолиги йўлида адо этиб ҳар қандай нопоқликдан йироқ бўлади. Зеро, қодирия таълимоти шу қоидани тўғри амал деб билар экан, ушбу таълимотда “Машғуллик ила фориғлик” шиорига асослангандир. Унинг маъноси бирор бир касб, хунар, илм билан машғул бўлиб туриб, унинг ортидан кўрадиган манфаати Яратган зотдан уни тўсиб қўймайдиган, аксинча дунёга берилмасдан фориғланиб яшашдир. Бу ўз навбатида инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан юксалишга олиб боради. Яъни **тана** ривожлангани (чиникқани) сари, руҳ юксалиб боради. Руҳнинг юксалиши қалбни ҳар қандай дунёвий боғланишдан юксакликка олиб чиқади. Манбада бу ҳақда шундай баён этилади: “Инсонлар ичида дунё унинг қўлида-ю, лекин уни яхши кўрмайлиганлари бор. Мол-дунёга эга, лекин дунё унинг устидан эгалик қилмайди, дунё уни яхши кўради, лекин у дунёни яхши кўрмайди. Дунё унинг орқасидан юради, лекин у дунёнинг орқасидан юрмайди. Дунё унга хизмат қиладди, лекин у дунёга хизмат қилмайди. Батаҳқиқ бундай кишининг қалби Аллоҳ учун ислоҳ бўлди. Уни бузишга дунё қодир бўлолмайди”³. (Изоҳ: дунё - бойлик ва мол-давлат маъносида (Ю.Г.)

Демак, дунёга боғланмаслик инсонни камолотига сабаб бўладиган асосий йўлдир. Аждодларимиз орзу қилган жисмоний ва маънавий уйғунлик тимсоли бўлмиш комил инсон бизнингча, юқоридаги фазилатларга эга бўлиши керак. Эътибор берган бўлсангиз, инсоннинг ташқи кўриниши билан ички ривожланишидаги уйғунлик, ундаги руҳ ва тананинг мутаносиблиги, ўз навбатида табиат ва жамиятдаги ўрни, фаолияти орасидаги алоқадорлик – буларнинг барча-барчаси бир-бирини тақозо этиши ёки этмаслиги унинг камолоти ёки ҳалокатига сабаб бўлар экан.

Демак, ботиннинг ривожланиши зоҳирга таъсир кўрсатади. Инсон ҳамиша бунга амал қилиб Аллоҳ берган ризқдан ортиғини талаб қилмасин. Чунки: “Аллоҳ таоло тортишувчи ва жанжалкаш билан дўст бўлмайди. Балки у гўзал хулқли, софдил кишига ҳамроҳдир. Қадарга рози бўлган ҳар бир кишига Аллоҳ таолонинг ҳамроҳлиги доимий бўлади...”⁴.

Умуман олганда, қалб кўзгуси пок бўлган инсонлар руҳий олам сирларидан хабардор бўлади. Яъни, инсон қалби камолотга эришар экан, у ўзига доимо четдан танқидий назар билан қарайди ва ўз-ўзини назорат қиладди, виждонига, имонига хилоф иш тутмайди. Ҳақиқий комиллик – асли мана шу тамойилга асосланади.

¹ Абдулқодир Жилоний. Раббонийликни англаш. – Т., 2005. – Б. 27.

² Ўша жойда.

³ Абдулқодир Жилоний. Раббонийликни англаш. – Т., 2005. – Б. 68.

⁴ Абдулқодир Жилоний. Раббонийликни англаш. – Т., 2005. – Б. 45.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, хикматлар, афоризмлар. Тўпловчи ва таржимон Жўраева С. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 85.
2. Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот./2-мактуб. Таржимон О.Жўрабоев. – Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 166.
3. Харун Яхёнинг “Людям размышляющих” китобидан М.Муслим таржимаси // Сихат-саломатлик 2004, 1-сон, – Б. 22.

Наширға проф. С.Чориев тавсия этган

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОИЛА АЪЗОЛАРИ
ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

Тўраева А.П. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада глобаллашув ва бозор муносабатлари шароитида оилавий муҳит трансформацияси содир бўлаётганлиги хусусида сўз юритилган. Объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсирида оила аъзолари функцияларининг ўзгариши кузатилаётганлиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *оила, оилавий муҳит, эр ва хотин, бозор муносабатлари, глобаллашув, оила аъзолари функцияси, трансформация.*

Аннотация. В статье автор размышляет о сущности функциональных обязанностей членов семьи. Функциональные обязанности есть конкретно-историческое понятие. Следовательно, они меняются под воздействием объективных условий и субъективных факторов. Автор констатирует изменения функций членов семьи в условиях глобализации и рыночных отношений.

Ключевые слова: *семья, семейная среда, муж и жена, рыночные отношения, глобализация, функции членов семьи, трансформация.*

Anotation. In article author speculates about essence of the functional duties of the members to families. The Functional duties there is concretely-history notion. Con-sequently, they are changed under influence of the objective conditions and sub-jective factor. Author defines change a function members to families in condition market relations.

Keywords: *family, family structure, husband and wife, market relations, globalization, function of family members, transformation.*

Кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида оила муҳим аҳамиятга молик ижтимоий институт бўлиб келган. Шу боисдан турли даврларда мутафаккирлар ва мутахассислар оиланинг мазмуни ва моҳияти, ундаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари, оила аъзоларининг асосий функциялари хусусида мулоҳаза юритганлар. Мазкур муаммолар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Чунки XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб, айниқса оилавий муносабатлар характерида жиддий таъсир ўтказувчи омиллар ва воситалар кўпайди. Шу муносабат билан оила аъзоларининг функциялари мазмуни, ундаги ўзгаришлар хусусида алоҳида фикр юритиш зарурияти туғилмоқда.

Шарқ халқларининг кўпчилигида, жумладан, ўзбек халқи оиласида ҳам эркаклар хонадон бошлиғи ҳисобланган, шу боис эркакларнинг энг муҳим функцияси оилани моддий жиҳатдан таъминлаш бўлиб келган. Шунингдек, оилага маънавий ва маиший муаммоларни ҳал этиш ҳам асосан эркакнинг зиммасига юклатилган.

Пандемия ва бозор муносабатлари шароити, жаҳонда бўй кўрсатаётган истеъмолчилик кайфияти, ҳашамат ва дабдабага ружу қўйиш бугунги оила бошлиғига яна талай вазифаларни юклармоқда. Бундай ҳолатлар эса эркакка пул топиш учун янада кўпроқ меҳнат қилиш вазифасини юклармоқда. Ишсизликнинг ортиши ва меҳнат бозоридаги мураккаб вазият туфайли эса мамлакатимизда ҳам иш излаб ўзга юртга кетганларнинг орасида нафақат эркаклар, балки аёлларнинг ҳам улуши ортиб бормоқда. Россия расмийлари интернет орқали тарқатган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг дастлабки 9

ойида Россияга иш излаб борган ўзбек мигрантларининг сони 3 миллионга етган. Бу эса айрим оилалардаги муҳит отасиз, баъзан эса онасиз кечишига олиб келмоқда.

Кўп оилаларда шунини кузатиш мумкинки, аксар ҳолларда она оқила ва ширин сўз бўлса, қизлар ҳам яхши тарбия топадилар. Эркак ақлли, уддабурон бўлгани ҳолда ўғилнинг эркатой, ноқобил бўлиб ўсиши, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналиши фактлари учраб туради. Бу эса оилада, теварак-атрофда ўғил бола тарбиясида ижтимоий назоратнинг сусайиб кетганлигидан дарак беради.

Анъанавий ўзбек оиласида аёлнинг оиладаги асосий функцияси бола туғиб-тарбиялаш, рўзгор юритиш, оила маблағларини, оила бюджетини оила аъзоларининг эҳтиёжларига қараб тўғри тақсимлай билиш ҳисобланган.

Шунингдек, фарзандлар онги ва хатти-ҳаракатида орасталик, чеварлик, эстетик дидни шакллантириш, ахлоқий кадриятларни шакллантириш, меҳнаткаш ва хушхулк қилиб тарбиялаш ҳам онанинг вазифаларидир.

Бугун глобаллашув жараёни натижасида ижтимоий тараққиётнинг жадаллашгани, ижтимоий муносабатларнинг интенсификацияси туфайли ота ва онанинг жамиятда, иш жойида ўтказадиган вақти оилада ўтказадиган вақтидан бениҳоя ошиб кетганлиги фарзандларни миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида тарбиялашда ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Шу билан биргаликда ота ва онанинг ҳамжиҳатликдаги функцияси оилада юзага келган, юзага келиши мумкин бўлган низоларни олдини ола билишларида намоён бўлади. Машҳур Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино таъкидлаганидек: «Оилада катта ёки кичик нарса бўлмайди. Ҳамма нарса, хатто, энг оддий бўлиб кўринган оилавий муносабатлар ҳам болага таъсир кўрсатади...»

Яқин-яқингача ўзбек оиласида мавжуд бўлган бир ҳақиқат шунда эдики, унда бола шахсини шакллантириш, ақлан, руҳан, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда онанинг ўрни катта бўлган, қисқаси, оиланинг маънавий таъминотининг маълум қисми аёлнинг зиммасида эди. Ота боланинг тарбияси билан бевосита шуғулланмай, балки кўпинча она тарбия жараёнида ота шахсидан фойдаланар эди. Масалан: оналаримиз «отанга айтаман», деб биз фарзандларни ёмон ишдан қайтарар, «отанга қандай айтаман?» деб қилган ишимизнинг ёмонлик даражасини англатар ва бу билан бизга отамизнинг таъсир кучини оширар эди. Фарзандини тарбиялашда онага отанинг шахси, обрўи қўл келар эди. Ота эса тарбия жараёнига фавқуллодда ҳолатларда, ёки боланинг қилмиши «газак» олганда бевосита аралашган. Бунгача бўлган жараён она орқали бошқарилар эди.

Бугун ҳам оилада отанинг шу мавқеини йўқотмаслик, миллат, халқ ва жамият тақдирини бефарқ эмаслигимизни кўрсатади.

Глобаллашув жараёни ва бозор муносабатлари эса оила бюджетини мустаҳкамлашда эр ва хотиннинг биргаликда меҳнат қилишини тақозо этмоқда.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллашуви кўрсаткичлари таълим, фан, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, бошқарув соҳаларида йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида жами депутатларнинг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизини аёллар ташкил қилмоқда [1:6]. Сенат раиси, туман ҳокими, элчи лавозимларида ҳам аёллар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбек аёллари орасида ўнлаб Ўзбекистон қахрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари бор... Бундай фидойи аёллар ҳақида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев: «...Уларнинг барчаси Ўзбекистон инсоний салоҳиятининг олтин фондиди ташкил этади» [2:107], деган эди. Ўз вақтида машҳур мутафаккир А.Фитрат ҳам аёлнинг билими ва маданий савиясининг оилавий муҳитга таъсирини таъкидлаб, шундай ёзган эди: «Бу матлаб (тараққиёт-А.Т)га эришиш учун хотинларимиз ва қизларимиз – миллат оналари тарбия ва илм олишлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам кўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар. Мана шу ояти карима ҳам шу маънога ишора қилади: «Покиза ердан тоза ва фойдали ўсимлик осон ўсади ва покиза бўлмаган ердан хор-хасдан бошқа нарса чикмайди» (Куръони Карим. Аъроф сураси, 58-оят)». [3:98]

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашуви, унинг оилавий муноса-батларига таъсир этишига олиб келиши мумкин бўлган муваффақиятлар билан бирга баъзи муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Аёлларнинг оила иқтисодий таъминотидаги улушининг ортиб бориши оқибатида, назаримизда, оила бошқарувида уларнинг гегемон ва баъзан ҳукмфармон бўлишга интилиши намоён бўлмоқда. Айниқса бошқарув тизимидаги аёл салоҳияти ва унинг бу мавқеининг шахсий фазилатларига таъсири масалалари сезилмоқда, бу жараёнда шахсий фазилатларда аёллик фазилатлари (назокатлилиқ, ширин сўзлилиқ...) дан воз кечиб, эркаклик фазилатлар (қатъиятлиқ, қаттиққўллиқ, тутган жойидан кесишга интилиш...)ига эришиш лозимлиги кўринади, йўқса иш фаолиятида самара камдек туюлиши мумкин.

Аёлнинг асосий вақти оила бюджетига ҳисса кўшишга сарфанаётган-лиги боис, фарзандлар тарбиясида узилишлар, кўпгина нохушлиқлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Болаларнинг шахсий муаммоларига бефарқлик, унинг ички дунёси, манфаатлари, қизиқишларига нисбатан лоқайдлик она ва бола ўртасида бегоналашув жараёнини келтириб чиқармоқда.

Эркаклар оилада ўз функцияларини муносиб бажариши учун эса уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишга ҳаракат қилмоқ лозим. Мутахассисларнинг фикрича, бугун Ўзбекистонда эркаклар аёлларга нисбатан ўртacha ҳисобда 5-8 йил кам умр кўришяпти. Чунки уларнинг организми жисмонан бақувват бўлса-да, маънавий-маиший муаммоларга, қийинчиликларга нисбатан чидамсиз. Шунингдек, эркаклар руҳан тушкунликка тушганида, турли шахсий муаммоларга дуч келганида уларга ёрдам кўрсатувчи, уларни бирлаштириб турувчи марказлар, ҳимоя қилувчи ташкилотлар йўқ. Оталари, акалари билан гаплашиш ноқулай ва ёқимсиз бўлган мавзуларда дардқаш тополмай қийналишади, махсус маслаҳатхоналарга, етук психологларга эҳтиёж сезишади.

Аёлнинг ютуқларини тарғиб этувчи, муаммоларини ҳал қилишга кў-маклашувчи кўплаб газета-журналлар, махсус кўрсатувлар бўлгани ҳолда, эркаклар бу каби эътибор ва кўллаб-қувватлаш, имтиёздан маҳрум.

Хуллас, оиланинг жамият ривожига салмоқли улушини таъминлаш учун бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Табиат аёлни зоҳиран эркакка тобе қилиб яратган бўлса-да, ботинан эркак аёлга тобедир. Аёл фақат фарзандининг тарбиячисигина эмас, балки эрининг ҳам тарбиячисидир. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган ўзбек мақоли Анатолий Францнинг «Аёл эркакни тарбияловчи инсондир» деган фикри билан уйғунлашиб кетади.

Чунки аёлларимиз фикри, дунёқараши, хатти-ҳаракати эркакларимиз фаолияти, жамиятдаги ўрни учун таъсир кўрсатиши билан бирга қизларимизнинг келажаги учун аёлларнинг ҳар бир босган қадами ўрнатқуч бўлиши, сабоқ бўлишини унутмаслик лозим. Абдурауф Фитрат таъкидлашича, «оналар тақдири қизлар тақдирида такрорланур».

Шундан кўринадики, аёлнинг билиб-билмай қилган хатоси, гуноҳи фарзанди – қизлар келажагига таъсир қилиши, такрорланиши мумкин экан. Демак, қизларимизни тарбияли, муносиб она бўлишга тайёрламоғимиз даркор.

Шунинг учун пандемия муносабати билан юзага келаётган глобал молиявий инқироз шароитида фарзандларимизни замонавий касб-корли, меҳнатқаш, билимли ва удабурон бўлишларини таъминлаш мақсадида ота-она биргалиқда уларда энг юксак инсоний туйғуларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқлари, ижтимоий мўлжални тўғри олишга, маданий идеални қарор топтиришга кўмаклашмоқлари лозим.

Шунингдек, эркакларнинг оиладаги мавқеини кўтармоқ учун уларнинг дардини тинглайдиган шифокорлар, педагог-психологлар мулоқотларини уюштириш, уларнинг муаммоларини ўрганадиган марказлар тузиш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Чунки одатда, қизлар билан саломатлик юзасидан, оилавий ҳаёт сабоқ-лари хусусида профилактика ишлари олиб борилади-ю, йигитлар кўпинча назардан четда қолади. Айниқса, талаба йигитлар турмуш шароитида энг оддий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, вақтида овқатланмаслик, сурункали ва наслий касалликлар, зарарли одатлар –

спиртли ичимликлар ичиш, чекиш, тасодифий жинсий муносабатлар оқибатида кўп касалликлар келиб чиқиши мумкин ва уларнинг олидини олиш ғоят муҳимдир.

Шунингдек, олий ўқув юртларида «Оила этикаси» деб аталган махсус фанни мутахассислар ўғил-қизларга алоҳида-алоҳида ўтишлари зарур, деб ҳисоблаймиз..

Немис файласуфи И.Кант ўзининг «Гўзаллик ва юксаклик туйғуларининг ўзаро муносабати» асарида таъкидлашича, аёллар гўзаллик рамзи бўлса, эркаклар юксаклик рамзидир, деб ёзади. Кантнинг хулосасига кўра, ҳар бир жинс вакилининг ўзига хос қобилияти бўлиб, бу қобилият унга табиат томонидан инъом этилган бўлади. Уни алмаштириш Яратганнинг тартибларига шак келтиришдир.

Шунинг учун ҳам улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой «Бўйнига фартук боғлаб, кир юваётган эркакни кўрганимда аёлдан жирканаман», деб ёзган эди.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистон тараққиёти, жамиятимиз истиқболи, миллатимиз тақдири ҳақида қайғураётган эканмиз, энг аввало оила билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нарбаева Т. Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва Гендер тенгликнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2021, 1-сон. – Б. 6.

2. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 107.

3. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 98.

Наишга проф. С. Чориев тавсия этган

ШАРҚ ФАЛСАФАСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИГА ДОИР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР

Худайбердиева Х. (СамДЧИ)

Аннотация. Мақолада инсоният тарихининг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этган Шарқ халқларининг қадимдан шаклланиб келган фалсафий тафаккури, миллий қадриятларнинг янгиланиб бориши билан боғлиқ жараёнлар таҳлил этилган. Унда Шарқ фалсафасидаги маънавий-ахлоқий ғояларнинг жамият ривожланишига таъсири илмий очиб берилган..

Таянч сўзлар: Шарқ фалсафаси, маънавият, ахлоқий қарашлар, жамият, инсон, миллий қадриятлар, ватанпарварлик, борлик, таълим-тарбия, мафкура.

Аннотация. В статье анализируются процессы, связанные с обновлением национальных ценностей и философского мышления народов Востока, которые приобрели особое значение в развитии истории человечества. Научно раскрывает влияние духовно-нравственных идей восточной философии на развитие общества.

Ключевые слова: Восточная философия, духовность, нравственные взгляды, общество, человек, национальные ценности, патриотизм, бытие, воспитание, идеология.

Annotation. The article analyzes the processes related to the renewal of national values and the philosophical thinking of the peoples of the East, which have gained special importance in the development of human history. It scientifically reveals the influence of spiritual and moral ideas of Eastern philosophy on the development of society.

Key words: Eastern philosophy, spirituality, moral views, society, man, national values, patriotism, existence, education, ideology.

Кишилиқ жамиятининг фалсафий ғоялари ривожланишида Шарқ фалсафасининг алоҳида ўрни бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланган Марказий Осиё минтақаси ўзига хос маънавий-ахлоқий қарашлари билан ажралиб туради. Бу ҳудуддан етишиб чиққан мутафаккирлар, файласуфлар, адабий муҳит намоёндалари, маърифатпарварлар фалсафий қарашларини замонавий нуқтаи назардан таҳлил этиш бугун долзарб бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз жаҳон илм-фанида Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккури, маърифатчилиги, унинг йирик вакилларининг асарлари юзасидан салмоқли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, уларнинг инсоний фазилатлар, Ватанга муҳаббат, жасурлик, дўстлик, садоқат, вафодорлик каби тушунчаларнинг

аксиологик талқинини очиб бериш ва шу асосда ёшларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш, ёт мафкура, ғоявий таҳдид ва ахлоқий инқироздан ҳимоя қилишда Марказий Осиёлик мутафаккирлар таълимотларидаги альтруизм, филантропия ва инсонпарварлик тамойилларини замонавий фалсафий ёндашувлар асосида тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда. Ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантиришда, уларда табиат, жамиятнинг келиб чиқиши, ривожланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилишда Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан яратилган илмий - фалсафий мероснинг ўрни муҳим ўрин тутди. Инсоният фалсафий тафаккури ривожда “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси” [1. 253] ўзининг бой маънавий-ахлоқий идеаллари билан диққатга сазовордир. Ушбу фалсафий меросдан фойдаланиш ҳозирги вақтда мустақил жамиятимизнинг олдида турган долзарб вазифадир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар даврида жаҳон цивилизациясига ўзининг бой маънавий мероси билан муҳим ҳисса кўшган буюк алломаларнинг шахсияти, илмий-маънавий меросини ҳар томонлама, чуқур ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Мазкур масалада Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин» [1. 82], дея таъкидлайди. Жамиятнинг маънавий юксалиши, ватанпарварлик тарбияси, уни давлат барқарорлигини сақлашдаги конструктив роли ҳақидаги турли даврдаги буюк мутафаккир, аллома ва жамоат арбобларининг илмий-фалсафий қарашларини чуқур тадқиқ этсак, жаҳоннинг ривожланган демократик давлатларининг юксалиш тарихини ўргансак, мамлакатимизни умуминсонийлик тенденцияларига мос равишда юксалтиришимиз, халқимизни давлат ва жамиятнинг миллий юксалишида фаол иштирок этишга сафарбар эта оламиз.

Турон ҳудудида қадимги форсийзабон ва туркий элатларнинг инсон камолоти, Ватанга муҳаббати, Ватанни ҳимоя қилиш жасоратлари ҳақидаги маълумотлар бизга Геродотнинг “Тарих”, Страбонни “География”, Махмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарлари, Ўрхўн-Енисей битиклари ва бошқа бир қатор ёзма ёдгорликлар орқали етиб келган. Бу заминда ватанпарварлик азалдан энг муҳим маънавий-ахлоқий қадрият ҳисобланган. Хусусан, Геродотнинг “Тарих” китобида саклар ва массагетлар инсонда энг шарафлайдиган нарса ватанпарварликдир, дейилган. Шунга кўра улар, болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч нарсага: отда юриш, камондан отиш ва ватан йўлида жасур, мард, адолатли бўлишга ўргатишган [2. 55], - дея таъкидлайди.

Шарқда ватанпарварлик тўғрисидаги фалсафий ғояларнинг энг қадимги типологиясини “Авесто”даги ижтимоий-фалсафий, ахлоқий, сиёсий, гносеологик тажрибаларида ўз аксини топган. Унда Ватан, ватанпарварликнинг конструктив роли улуғлаиб, уни илҳомлантирувчи, мотивациялаштирувчи даъватларни кўп учратамиз. Авестода инсонни ўсиб улғайган юртида – Ватанни севса, атроф-муҳитни тоза сақлашни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билса, шундагина у ҳақиқий баркамол инсон ҳисобланади, деган фалсафий хулоса келиб чиқади. Бу мерос “фақат одамнигина эмас, балки бир ховуч тупроқ, бир кулгум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддас эканлиги ҳақидаги китобдир” [3. 6]. Демак, борлиқни, ҳаётни улуғлаш, ўзи вужудга келган тупроқни, сувни, ҳавони ва оловни сақлаш, ҳимоя қилиш “Авесто”нинг асосий ядросидир. “Авесто”даги ижтимоий масалалар фақатгина трансцендентализмга хос бўлмасдан, у жамиятнинг реал ижтимоий муаммоларини қамраб олган конструктив ғоялардир. Аждодларимизнинг бу буюк маънавий меросида маънавият ва таълим-тарбия тўғрисида илгари сурилган ўлмас ғоялар баркамол авлод тарбиясида ҳозир ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шарқ мутафаккирлари ижодларида ҳам ватанпарварлик ғояси алоҳида тараннум этилган. Жумладан, Абу Наср Форобий инсон камолотини ватанпарварлик билан боғлайди ва “Оллоҳ инъом этган ақл неъматидан мавжуд имконият даражасида фойдаланмасдан туриб,

етук инсон мартабасига эришиб бўлмайди, чунки инсон дунё тараққиётининг энг мукамал ва етук якунидир” [4. 110], деб эътироф этади. Модомики шундай экан, ҳақиқий ватанпарварлик фақат етук инсонгагина хос бўлиши мумкин. Форобийнинг таъбирича, жамият ва халқларнинг бир-бирига ёрдами, ватанпарварлик, тенг ҳуқуқлилик, адолатпарварлик тамойиллари фозил давлатнинг маънавий юксалишига хизмат қилади. Форобий ижтимоий тараққиёт ва бахт-саодатга маънавий юксалиш, яъни илм ва маърифат асосида юзага келадиган ақлий ва ахлоқий фазилатлар воситасида эришиш мумкин, деган хулосага келади.

Абу Райхон Беруний “Инсоннинг ташқи қиёфаси табиат инъомидир, уни ўзгартиришнинг имконияти йўқ. Бирок ахлоқий қиёфасини ўзгартириш инсоннинг ўз кўлида. Демак, уни ёмон хулқдан яхши фазилатлар томон айлантириш имкониятлари чексиз” [5. 306] деб таъкидлайди. Муаллиф фикрича, унинг ижодидаги ахлоқий қиёфанинг биринчи мезони ватанпарварликдир. Чунки, Ватан туйғусини ҳис қилган инсонгина маънавий камолотга эришиши мумкин. Ибн Синонинг деярли барча фанлар соҳасидаги маънавий меросини ҳақли равишда бутун умумбашарият фани ва маданиятининг бебаҳо дурдонаси дейиш ҳуқуқини беради. Алломанинг жамият ватанпарварлик ҳақидаги қарашларининг нодир жиҳатларидан бири шунда эдики, аллома ўз қарашларида ўз даврининг кўплаб илғор концепцияларини ифодалай олди. У ўз даври ва ундан олдинги файласуф олимлар қарашларидаги жамият юксалишида маънавий ўзгаришларнинг муҳим омил эканлигини ўрганadi. Бу борада мутафаккир бир қанча ғояларни илгари сурди: “Инсон ёлғиз ҳолда, ўзи хоҳлаган барча нарсаларга эриша олмайди, бунга инсон жамият воситасида эришади” [6. 473].

Янги Ўзбекистонда Ватанга муҳаббат, ватанпарварликни шакллантириш борасидаги прагматик ислохотлар тарихини фалсафий таҳлил қилар эканмиз, Шавкат Мирзиёев бу борадаги ишларни изчил ва тизимли олиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатидан ўз даврининг фундаментал дастур бўлган “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли асарида ватанпарварликни субстанционал компонентларини асослаб берган. Унда Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг барча соҳаларидаги жумладан, ватанпарварлик соҳасидаги стратегик вазифалари аниқ белгилаб берилган. “Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чоратadbирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш - давр талабидир” [7. 275]. Дарҳақиқат, бугунги кунда Шарқ фалсафасига монанд тарзда маънавий ахлоқий фаолиятимизни кучайтириш, маънавий янгилаш жараянида маънавиятнинг беқиёс кучга эга эканлиги инобатга олиниб, ушбу кўп қиррали қарашларни халқимиз, ёш авлод онгига соф ҳолда сингдириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, “ҳозирги даврда ҳеч қайси мамлакат, жумладан, Ўзбекистан Республикаси ҳам бошқалардан ажралган ҳудуд эмас. Бу мамлакат жаҳон халқларининг муайян жуғрофий ва сиёсий тизимлари таркибига киради. Мустақилликни мустаҳкамлаш, она Ватанимизни ҳимоя қилиш, ёш авлоднинг бахтли келажагини яратиш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни қуриш муқаддас ватанпарварлик бурчимиз ва вазифамиздир” [8.15].

Янги Ўзбекистонда Шарқ фалсафасига мос маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг назарий, услубий, амалий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш баркамол авлодни вояга етказишнинг омилларидан биридир. Биз бу жараёнда жамиятда ватанпарварлик тарбиясининг ёшларнинг онгига чуқур сингдириб, уларнинг моҳиятини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишимиз, ислохотларимиз негизини янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Шарқ фалсафасига монанд ватанпарварликни маънавий-ахлоқий императив сифатидаги конструктив роли тўғрисидаги фикрларни умумлаштириб қўйидаги хулосалар қилиш мумкин.

Биринчидан, жамият ривожидида маънавият ва ахлоқнинг роли тўғрисидаги қарашларда, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида умумий муштараклик

мавжудлигини кўрсатади. Буни турли хил ғоялар ва қарашлар орқали кўриш мумкин. Уларда жамиятнинг ривожланишида ватанпарварлик, маърифатпарварлик, таълим-тарбиянинг роли масаласи ва уни янгилаш, дунё илмларини эгаллаш бу маърифатпарварлар ғоясида бош масала сифатида қўйилганлигини кўрамыз. Бунда мутафаккирлар маърифатни ривожлантирмай туриб, тараккиётга эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлашган;

иккинчидан, Янги Ўзбекистонда инсонларнинг дунёқарши, тафаккур тарзи, тарихий мероси ва анъаналарини тиклаш орқали ватанпарварлик, унинг эртанги фаровон ҳаёт билан боғлиқ фалсафий моҳияти жойларда кенг амал қилмоқда;

учинчидан, жамиятнинг демократик ривожланиши билан боғлиқ ғоялар, қарашлар инсоният тарихида буюк мутафаккир ва алломаларнинг асосий орзуси бўлиб келганлигини кўриш мумкин.

тўртинчидан, Шарқ ва Ғарб файласуфлари томонидан илгари сурилган ватанпарварликни шакллантириш тўғрисидаги қарашлар жаҳон халқлари маънавий-ахлоқий юксалиш тарихининг ажралмас қисмига айланган;

бешинчидан, ворисийлик қонунияти асосида аждодларимиз томонидан яратилган илмий-фалсафий мероснинг кейинги авлодга ўтиши, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга, демократик жамият тараккиёти ва ватанпарварликни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши лозим;

олтинчидан, Шарқ файласуфларининг диалектик ғояларида устувор йўналишлардан ҳисобланган синкретика ва синергетик услублардан фойдаланиб миллий ўзликни англашда тарихий дунёқарашни ривожлантирувчи хусусиятларини ажратиб кўрсатиш керак.

Умуман олганда, Шарқ фалсафасидаги маънавий-ахлоқий қарашлар жамиятнинг фаровонлиги, халқнинг истиқболи учун қаратилган ислохотларни амалга оширишда, ижтимоий онгини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2-жилд, 2018.
2. Геродот. История в девяти книгах. Книга первая. – М.: Наука, 1972.
3. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Т.: Шарқ, 2000.
4. Жаҳон фалсафаси. – Тошкент: Шарқ, 2004.
5. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. – Тошкент: Фан, 1968. Т. 1.
6. Ибн Сина. Избранные философские произведения. Книга о душе (Редакционная коллегия: Е.М. Примаков, М.С.Асимов, Э.Ю.Юсупов, Г.А.Ашуров, Е.А.Фролова). – Москва: Наука, 1980.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI SHAKLLANTIRISHDA INTELLEKTUAL MULKDORLAR QATLAMINING O'RNI VA ROLI

Shaymanova A.E. (QarDU)

Annotatsiya. Axborot va bilimlarning o'sib borayotgan qiymati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning sanoat bosqichidan postindustrial bosqichiga o'tish va innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish bilan bog'liq bo'lgan butun dunyoda kuzatilayotgan tendensiyalar intellektual mulkdorlarni o'rni va rolini ijtimoiy-falsafiy jihatdan o'rganishni taqozo etadi.

Ushbu maqolada O'zbekistonda Uchinchi Renessans poydevorini shakllantirishda hamda mamlakatimizning barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashga ta'sir etuvchi intellektual mulkdorlar qatlamining o'rni va roli haqida bayon etilgan.

Tayanch so'zlar: *uchinchi renessans, intellektual mulk, intellektual mulkdorlar qatlami innovatsiya, innovatsion iqtisodiyot, intellektual faoliyat, inson aql-zakovati, ilmiy va texnik ixtirolar, jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy negizi, jamiyatning tayanchi, barqarorlik.*

Аннотация. Формирование фундамента третьего возрождения в Узбекистане базируется на его новой социально-экономической основе. Создаются необходимые условия для формирования и развития имущественного слоя. Ведь формирование нового третьего ренессанса приведет к росту благосостояния населения, занятости его различных слоев, откроет путь для развития страны.

В статье рассматриваются первый и второй ренессансы, принесшие большие перемены в развитие нашей страны, а также роль и место имущего класса в построении основ третьего ренессанса с социально-философской точки зрения.

Ключевые слова: *третий ренессанс, интеллектуальная собственность, слой интеллектуальных собственников, инновации, инновационная экономика, интеллектуальная деятельность, человеческий интеллект, научно-технические изобретения, социально-экономическая основа общества, опора общества, стабильность.*

Annotation. The formation of the foundation of the third renaissance in Uzbekistan is based on its new socio-economic basis. Necessary conditions are being created for the formation and development of the property layer. After all, the formation of a new third renaissance will lead to an increase in the welfare of the population, employment of its various strata, and will pave the way for the development of the country.

The article deals with the first and second renaissance, which brought great changes to the development of our country, as well as the role and place of the property class in building the foundations of the third renaissance from a social and philosophical point of view.

Key words: *third renaissance, intellectual property, layer of intellectual owners, innovation, innovative economy, intellectual activity, human intelligence, scientific and technical inventions, socio-economic basis of society, support of society, stability.*

Renessans – ilm-fanda, madaniyatda, san'atda, ta'lim-tarbiyada va barcha sohalarda Uyg'onishni (yangilanish, yaratish, ixtiro qilish, kashfiyot va farovonlikni) tarkib toptirish demakdir. Zero, Uchinchi Renessans jamiyat a'zolarini bunyodkorlikka, yaratuvchanlikka, har doim o'qish va izlanishga da'vat etishni o'zida mujassam etadi. Bu jarayonni intellektual mulkdorlar qatlamisiz barpo etish mushkul hisoblanadi.

Darhaqiqat, intellektual mulkdorlar qatlamining shakllanishi jamiyatning ijtimoiy tuzilishining o'zgarishi bilan bevosita bog'liq holda kechadigan jarayondir. Ushbu o'zgarishlar mamlakat aholisining barcha qatlamlari va ijtimoiy guruhlarini qamrab olishi bilan izohlanadi, hamda buning natijasida, mamlakatda boy va muvaffaqiyatli qatlam - intellektual mulkdorlar qatlami shakllanadi. Zero, ushbu qatlam- mualliflar, ixtirochilar va innovatsiyalarni yaratuvchi boshqa subyektlarning ijtimoiy mavqeini belgilovchi institutsional hodisa sifatida namoyon bo'ladi. Ular mamlakatdagi mavjud ijodiy, madaniy, ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy muhitni tartibga soladi, hamda ularning samarali ishlashini ta'minlaydi.

Darvoqe, ushbu qatlam vakillari jamiyatda turli xil vazifalarni amalga oshirishga mas'ul hisoblanadilar. Jumladan, jamiyat taraqqiyoti va insonlar farovonligini ta'minlash yo'lida qabul qilinayotgan qonun va qoidalarni ishlab chiqishda, norma va qadriyatlar tizimini shakllanishida, intellektual mulk va mulkdorlar qatlamiga nisbatan jamoatchilik fikrining ijobiy munosabatini shakllantirishga, ta'lim muassasalarining ta'lim va tarbiyaviy faoliyatining sifat va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Zero, axborot va bilimlarning o'sib borayotgan qiymati ijtimoiy- iqtisodiy rivojlanishning sanoat bosqichidan postindustrial bosqichiga o'tish va innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish bilan bog'liq bo'lgan butun dunyoda kuzatilayotgan tendensiyalar intellektual mulkdorlarni o'rni va rolini yanada kuchaytirishni taqozo etmoqda. Shu o'rinda, amerikalik iqtisodchi Elvin Toffler (1928-2016) 20-asrning 70-80-yillarida o'zining "Kelajak bilan to'qnashuv" (1970), "Uchinchi to'lqin" (1980) asarlari bilan superindustrial jamiyat nazariyasiga asos solganligini ta'kidlab o'tish o'rinlidir. U "Uchinchi to'lqin" asarida jamiyat rivojlanishining "to'lqin"lari haqida to'xtalib, birinchisi - qishloq xo'jaligi, ikkinchisi – sanoat, uchinchisi – ilmiy-texnik inqilobdan

iboratligini ta'kidlaydi. Bunda u "uchinchi to'liq" industrial jamiyatdan superindustrial hisoblanilgan sifatli bosqichga o'tishini aytib, bunda ilmiy va axborot o'zgarishlari ijtimoiy hayotni qayta tashkil etilishiga sababchi bo'ladi deydi. Toffler, G'arbning rivojlangan davlatlari superindustrial jamiyatning ilmiy-texnik va axborot taraqqiyotining keyingi rivojlanishida hayot tezligi yanada oshadi, ya'ni ular o'rtasidagi munosabatlar (internet rivojlanishi sababli) qisqaradi, kasblarning o'zgarishi odatiy holga aylanadi, mahsulotlarning hayotiylik sikli qisqaradi, bir martalik ishlatiladigan tovarlar ko'payadi, xizmatlar sohasi yetakchilik qiladi deb qayd etgan edi¹.

Bundan xulosa qilish mumkinki, ilmiy-texnik va axborot taraqqiyoti hisoblangan ushbu davrda, insonning intellektual qobiliyati jamiyatdagi turli xil muammolarni hal qila olishida ifodalangan aqliy qobiliyatlarining birligi sifatida qaraladi va bu qobiliyatlarning natijasi mulk egasining mulkdan begonalashmagan holda qo'lga kiritgan sof daromadini yuzaga keltiradi.

Haqiqatdan ham bugungi, tez va tub o'zgarishlar bilan tavsiflanayotgan jamiyat ijtimoiy va iqtisodiy hayotining uzluksiz ravishda rivojlanishi sharoitida bilim va inson kapitali eng muhim resurslarga aylanib ulgurmoqda. Shu bilan birga, mamlakatda insonlarning tinch va farovon turmush kechirishining asosiy komponenti ham ishlab chiquvchilarning bilimlari yoki intellektual mulklari qiymati bilan o'lchanmoqda.

Ma'lumki, bilim (gumanitar, tabiiy, texnikaviy) insonning ongi va aql-zakovati uchun ozuqa bo'lib, bilimlar qanchalik chuqur va kengroq bo'lsa, inson ongiga qanchalik ta'sir etsa, inson aql-zakovati ijodi shunchalik samarali bo'ladi. Inson aql-zakovati ijodiy mehnatining natijalari ham insonning ilmiy va texnik ixtirolari, ham madaniyat va san'at asarlari mahsuli bo'lishi mumkin. Inson tafakkurining bunyodkorlik sa'y-harakatlari natijalari bugungi kunda jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy hayotida muhim rol o'ynashi bilan birga, shaxsning kamolotiga ham ulkan ta'sir ko'rsatmoqda. Intellektual ijodsiz iqtisodiy jarayonlarning samaradorligini ham, inson shaxsining rivojlanishini ham aniqlash mumkin emas. Zero, uning rivojlanishidagi asosiy omil ham - bu ilmiy tadqiqot ishlari, fan va ta'lim bilan bog'liq bo'lib, uning yuzaga chiqishi va samarasi bu yuqori texnika, raqamli va nanotexnologiya, shuningdek, sun'iy intellekt hisoblanadi.

O'zbekiston ham o'z oldiga jahonning ilg'or mamlakatlari qatorida bo'lishni maqsad qilib olgan ekan, intellektual mulkdorlar qatlamini rivojlantirmasdan bunga erishishning iloji yo'q. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev: "Biz O'zbekistonni rivojlangan mamlakatga aylantirishni maqsad qilib qo'ygan ekanmiz, bunga faqat jadal islohotlar, ilm-ma'rifat va innovatsiya bilan erisha olamiz. Buning uchun, avvalambor, tashabbuskor islohotchi bo'lib maydonga chiqadigan, strategik fikr yuritadigan, bilimli va malakali yangi avlod kadrlarini tarbiyalashimiz zarur.... Ilm yo'q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to'g'ri yo'ldan adashish bo'ladi"² deb ta'kidlagani bejiz emas.

Mutaxassislarining fikriga ko'ra, intellektual mulkning jamiyat taraqqiyotidagi o'rnini masalalari xorijiy tadqiqotchilar tomonidan o'rganilishiga qaramay, zamonaviy ilmiy adabiyotlarda intellektual mulk masalalari hamda ushbu qatlam vakillarining jamiyat taraqqiyotidagi o'rnini to'liq tadqiq etilmaganini ko'rish mumkin. Shu bilan birga, intellektual mulkning iqtisodiy mazmuni masalalari e'tibordan chetda qolayotganini, hamda uni ko'pincha huquqiy deb e'tirof etilayotganligi ko'zga tashlanmoqda.

Intellektual mulkning bunday bir tomonlama tushunish uning konsepsiyasini qashshoqlashtirishga olib keladi, chunki haqiqatdan ham huquqiy tushuncha iqtisodiy tushuncha bilan birga qo'llanilsa, bir-birini to'ldiradi va bir biriga o'zaro ta'sir qiladi.

Ayni bugungi kunga kelib, jamiyat taraqqiyoti va insonlar turmush farovonligini ta'minlashda intellektual mulkning ahamiyatini o'rganish sohasidagi institutsional yondashuv uni moslashtirish va jamiyatning ijtimoiy va axloqiy munosabatlari tizimiga kiritishning aqliy, milliy va mintaqaviy jihatlarini hisobga olishni taqozo etadi. Chunki, zamonaviy jamiyatda

¹ Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. Постиндустриальные теории и постэкономические тенденции в современном обществе. - <http://vwwv.postindustrial.net/>

² O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi / Xalq so'zi, 2020-yil 25-yanvar. – B. 3.

интеллектуал mulkning ortib borayotgan roli ko'p jihatdan jamiyatdagi intellektual mahsulot ishlab chiqaruvchilari ijtimoiy guruhlarning ijtimoiy holati dinamikasini ham belgilab beradi.

Zamonaviy dunyo turli mulk turlari (davlat, mintaqaviy, jamoa, xususiy, guruh, qo'shma, umumiy va boshqalar) o'rtasidagi raqobat asosida rivojlanmoqda. Insonni ishlashga yaxshiroq undaydigan, eng katta samara beradigan mulk bu - intellektual mulkdir. "Rivojlangan mamlakatlarda intellektual mulk shunday ustuvor ahamiyatga ega bo'lib, ko'pincha umumiy yalpi ichki mahsulotning 50% dan ortig'ini tashkil qilmoqda"¹.

Shundan kelib chiqib, intellektual mulkning iqtisodiy mazmuniga e'tibor bermaslik uning innovatsion iqtisodiyotdagi real muhim rolini ko'rsatib berishga imkon bermaydi. Avvalo, "mulk" toifasi ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy, ma'naviy-axloqiy munosabatlarni o'z ichiga olgan murakkab tizimning shakllanishidir. Mulkiy munosabatlar antropogen muhit obyektlarini, mehnat mahsulotlarini, shu jumladan, intellektual faoliyatni, inson qobiliyatlarini o'zlashtirish tartibini belgilaydi. Bu munosabatlar urf-odatlarida va qonun qoidalarida mustahkamlangan bo'ladi. Mulkiy munosabatlari, jamiyatni ijtimoiy tizimini tashkil etib, davlatning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy tizimini rivojlanishiga o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Intellektual mulk faqat intellektual mehnat hukmron bo'lgan jamiyatda, inson intellektini tashkil etuvchi va inson kapitaliga investitsiyalarni daromadga aylantirilgan sharoitlarda keng tarqaladi. Inson kapitaliga investitsiyalarni harakatlantiruvchi kuch, muvaffaqiyat manbai sifatida ko'rish mumkin. Inson kapitali innovatsion rivojlanishning eng qimmatli tarkibiy qismlaridan biridir va shuning uchun inson resurslariga investitsiyalar o'zgaruvchan bozor sharoitida ilmiy va texnologik rivojlanishning asosiga aylanadi. Inson kapitaliga sarmoya kiritish mohiyatan jismoniy shaxsga investitsiyalar, intellekt egasiga daromad keltiradigan (kelishi kerak bo'lgan) malakalar, bilim va ko'nikmalarni egallash, moddiy va intellektual xarajatlar hisoblanadi.

Shu o'rinda, "Ispaniyalik olim X.O.Gasset jamiyat barqarorligining muhim omili sifatida faqat ta'lim tizimi ekanligini qayd etadi. Mamlakatda har bir fuqaro iqtisodiy holati va ijtimoiy kelib chiqishidan qati nazar ularning ta'lim olishini kafolatlash lozim"² ekanligini ta'kidlaydi.

Zero, shuni alohida qayd etish lozimki, ko'pgina ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan, qoloq hisoblangan davlatlarda hali ham ta'lim, axborot va fandagi mavjud muammolarni ko'zga tashlanganligi bilan belgilanadi. Shu bilan birga, ushbu mamlakatlarda past darajadagi ijtimoiy - iqtisodiy progress - bu yuqori samarali ilmiy ishlanmalar va yangi texnologiyaning yo'qligida namoyon bo'ladi.

Iqtisodiy ma'noda intellektual mulk moddiy ne'matlarga egalik qilishdan tubdan farq qiladi. Egalik moddiy obyektlarga nisbatan ma'lum huquqlarni beradi, masalan, avtomobilga egalik qilish va undan qanday foydalanishni hal qilish huquqi. Intellektual mulk ham huquqiy asosga ega: u bir qator mutlaq huquqlardan iborat, lekin moddiy narsaga emas, balki intellektual faoliyat natijasi - intellektual mahsulotga nisbatan qo'llaniladi. Iqtisodiy munosabatlarning predmeti bo'lgan intellektual faoliyat mahsuli bo'lib, ijodkor-egadan begonalashuvga duchor bo'ladi, garchi u uning ishi hisoblansa ham. Moddiy mulk egasi (masalan, kitob nusxasi) ushbu bosma materialga intellektual mulk huquqiga ega bo'lishi shart emas. Kitob egasi sifatida jismoniy shaxs uni o'qishi mumkin, lekin bosma nashrning mazmunini ko'chira olmaydi yoki takrorlay olmaydi.

Xulosa qilib aytganda, ayni paytda intellektual mulk va mulkdorlar fenomeniga ilmiy jamoatchilik, davlat organlari, shuningdek, ishbilarmonlar e'tiborini kuchaytirmoqda, u ommaviy axborot vositalari, ta'lim texnologiyalari va qonun ijodkorligi amaliyotining diqqat markazida bo'lmoqda.

Shuningdek, intellektual mulk nafaqat huquqiy munosabatlarni o'z ichiga olgan, balki ijtimoiy, iqtisodiy, ma'naviy-axloqiy unsurlarni o'z ichiga olgan yanada kengroq mazmunga ega

¹ Интеллектуальная собственность в системе социальных отношений и ценностных ориентаций. <https://www.dissercat.com/content/intellektualnaya-sobstvennost-v-sisteme-sotsialnykh-otnoshenii-i-tsennostnykh-orientatsii>

² Понеделко Г. Европа: Новые реалии. Испания: социальные измерения демократических преобразований // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2004. №1. – С. 80-88.

bo'lgan hodisa ekanligi bugungi kunda tobora yaqqol namoyon bo'lib bormoqda. Shubhasiz, ushbu munosabatlar jamiyatining madaniy, tarixiy va ruhiy xususiyatlari bilan belgilanadi.

Darhaqiqat, Yangi O'zbekistonimizni yana rivojlangan mamlakatlar qatorida bo'lishi uchun, tarixdan, jumladan, yaqin o'tmishdan to'g'ri xulosalar chiqarishimiz, birinchi navbatda ongimizni, tafakkurimizni dogmatizm va qaramlikdan xalos qilishimiz lozim. Tafakkur erkinligi barcha sohalarda individual, jamoaviy va milliy erkinlikning aqliy va hissiy asosi hamda Uchinchi Renessans poydevorini yaratishning zarur sharti hisoblanadi. Shu sababdan, Uchinchi Renessans poydevorini shakllantirishda intellektual mulkdorlar qatlamining o'rni va roli beqiyos ekanligi bilan belgilanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi./ Xalq so'zi, 2020 yil 25 yanvar. – b.3.

2. Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. Постиндустриальные теории и постэкономические тенденции в современном обществе. - <http://vwwvv.postindustrial.net>.

3. Интеллектуальная собственность в системе социальных отношений и ценностных ориентаций. <https://www.dissercat.com/content/intellektualnaya-sobstvennost-v-sisteme-sotsialnykh-otnoshenii-i-tsennostnykh-orientatsii>.

4. Понделко Г. Европа: Новые реалии. Испания: социальные измерения демократических преобразований// Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2004. – №1. – С. 80-88.

Nashrga prof. S.Choriyev tavsiya etgan

МОВАРОУННАХРДА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАСАВВУФ НАМОЯНДАЛАРИНИНГ МАЪРИФАТЛИ КУРАШИГА БИР НАЗАР

Намозов Б.Б. (БухДУ)

Аннотация. Мақолада темурийлар даврининг маданий юксалишлари пойдеворини яратишда хизмат қилган алломалар, тасаввуф вакиллариининг ўзига хос ғоявий ва мафкуравий, жаҳолатга қарши курашлари манбалар асосида очиб берилган.

Таянч сўзлар: маърифат, жоҳиллик, жаҳолат, тасаввуф, муроса, бағрикенглик, мазҳаб, тариқат, инсонпарварлик, мутасаввиф, ориф, зоҳид.

Аннотация. В данной статье раскрывается деятельность ученых эпохи тимуридов послуживших созданию фундамент культурного подъема, специфическая идеологическая борьба представителей суфизма относительно невежды на основе источников.

Ключевые слова: просветительство, невежда, суфизм, суфизм, компромисс, толерантность, конфессия, тариқат, гуманизм, суфий, аскет.

Annotation. This article reveals the activities of scientists of the Timurid era who served to create the foundation of the cultural rise, the specific ideological struggle of representatives of Sufism against the ignoramus based on sources.

Keywords: enlightenment, ignoramus, Sufism, Sufism, compromise, tolerance, confession, Tariqa, humanism, Sufi, ascetic

Мусулмон Шарқи, жаҳон шарқшунослиги ва фалсафаси тарихида ўзининг муфассал асарлари билан тасаввуф назариётчиси, нақшбандия тариқатини ривожлантирган олим, зоҳид, ориф Хожа Муҳаммад Порсо XIV аср биринчи ярми XV асрнинг бошларида Мовароуннахрнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятида яшаб, халқни ўзаро ҳамжихатликка, жамият маданий-маънавий ҳаётини яхшилашга, мўғуллар босқини сабабли таназзулга учраган диний ва дунёвий илмларни қайта жонлантиришда, вайрон бўлган мадрасалар, кутубхоналарни тиклашда муносиб ҳисса қўшган алломадир. Унинг тасаввуф назарияси ва тарихига бағишланган асарлари шундай зиддиятли бир давр дунёқарашининг маҳсули ҳисобланади.

Марказий Осиёга мўғулларнинг кириб келиши ва ҳудудларда мўғул шахзодалари ўртасидаги тожу-тахт учун ўзаро курашлар Мовароуннахр ижтимоий-маданий ҳаёти

барқарорлигини издан чиқарган эди. Бу вазият мамлакатнинг иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўлка маданияти тарихига оид манбалар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар қаровсиз қолди. Бу беқарор вазиятдан кўплаб илм-фан, санъат, адабиёт, вакиллари, уламолар, олимлар, меъмор ва мусаввирлар азият чекдилар.

Мўғуллар босиб олган ҳудудларда деҳқонлар ва хунармандларнинг шарт-шароитлари оғир эди. Улар энг яхши хунармандларни ўзларининг манфаатлари учун ишлашга, қолган қисмини солиқлар тўлашга мажбур қилардилар. Мўғулларнинг босқинчилик сиёсати халқнинг тинқасини қуришиб, норозиликларга сабаб бўлаётган эди. Тарихдан маълумки, Маҳмуд Торобий бошчилигидаги (1238-й.) кўзғолон ушбу зўравонликларга қарши қаратилган эди. Бу кўзғолонда кўплаб хунармандлар, деҳқонлар ва Шамсиддин Маҳбубий каби машҳур шайхлар ҳам ҳалок бўлдилар.

Маълумки, XIV-XV асрларда ижтимоий-маънавий ҳаётда тариқатларнинг таъсири кучли бўлган. Хусусан, Нақшбандия тариқатининг халқчил ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётга яқин ғоялари халқни жипслаштиришга, хунармандчиликнинг ривожланиши учун муҳим ижтимоий-мафкуравий омил сифатида шаклланган эди. Тариқатнинг ижтимоий келиб чиқиши, табақаси, тили ва миллатидан қатъий назар Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларидаги халқларни бирлаштирди. Ўзида инсонпарварлик, маърифатпарварлик, яқдиллик, ахлоқий поклик, беозорлик, бағрикенглик, ҳалол меҳнат қилиш каби юксак ғояларни жамлаган бу мўътадил тариқат оддий фуқародан тортиб, подшоҳларга қадар тушунарли бўлиб, ўз таъсирини кўрсата олар эди. Тариқат шайхларининг мавқеи ошиб, тариқатчилик ғоялари тарғиб қилина бошланди. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда хуруфия, ҳакимия, нурбахшия, яссавийлик, хожагон, нақшбандия, мавлавийлик, суҳравардийлик, кубравийлик тариқатлари ҳам маданий-маънавий муҳитда ўзига хос ўрин тутган. Тасаввуф ва тариқатлар, турли оқим, таълимотлар ўртасида мазҳабий баҳс мунозаралар ҳам давом этарди. Амалий ижтимоий-сиёсий йўналишда ривожланаётган тариқатлар фалсафий-ирфоний масалалардан бир қадар узоқлашгани ҳам кузатилади.

Тариқатларнинг бир томонлама зоҳирий расм-русўм, одоб доирасидаги фаолияти, сиёсий-мазҳабий ҳаракат тусини олиши, тасаввуфнинг асл моҳиятидан узоқлашиб, турли низо ва ихтилофларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Бу бир томондан мўғуллар зулмига қарши сиёсий-мазҳабий норозилик ҳаракати шаклини олди. Иккинчи томондан шиаларнинг ўз ақидаларига мос тариқатларининг пайдо бўлиши, турли сунний ва шиа жамоалари ихтилофларининг кучайишига олиб келди. Учинчидан, сохта шайхларнинг тасаввуфдан бўлмаган (бидъат, янги) нарсаларни унга киритишга ва тариқатни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилишлари одамларда тасаввуфга ишончнинг сусайишига олиб келди. Тўртинчидан, ушбу шарт-шароит тасаввуфнинг таълим бериш, ўқиб ўрганиш мумкин бўлган назарий тизимини ишлаб чиқишни ва унинг фалсафий-ирфоний асосларини мустаҳкамлашни такозо қиларди.

Хожа Муҳаммад Порсо даврнинг бундай долзарб ва нозик муаммоларини англаб, тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний масалаларини чуқур тадқиқ этишга ҳаракат қилди. У назариётчи олим сифатида тасаввуфнинг мумтоз даври вакиллари Ҳаким ат-Термизий, Маждуддин Бағдодий, Абу Бакр Калободий, ал-Хужвирий, Ғаззолий таълимотларига таяниб, темурийлар даври тасаввуф ва тариқатларнинг ақидавий, мазҳабий муаммоларини назарий жиҳатдан ёритди. XIV-XV асрларда вужудга келган ақидавий, мазҳабий масалаларни қайта кўриб чиқди. Унинг илмий изланишлари, темурийларнинг харихоҳликлари туфайли аҳли сунна ва жамоа йўлида бўлган мўътадил Нақшбандия тариқатининг нуфузи ва географик ҳудуди кенгайди. Нақшбандия тариқатининг нафақат амалий тартиб қоидалари балки, назарий жиҳатдан ирфоний ғояларининг ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири ошиб, умумтасаввуфий таълимот даражасига кўтарилди.

Эронлик олим Тоҳири Ироқий Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи кудсия” (“Муқаддас сўзлар”) асарининг “*تقشبنديان در عصري تيمور*” “Темур асрида Нақшбандийлар”, деб номланган сўз бошисида шундай ёзади: “Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва унинг халифаси Баҳоуддин Нақшбанд ҳақиқатдан ҳам исломий тасаввуф ислохотчиларидир, бу тариқат чилланишинлик, хилватнишинлик, қаландарваш дарвешликни рад этади. У зоҳирий расм-

русм, тақлиддан узоқ бўлган, ҳақиқий “иршод” ва “ирфон” га асосланган, тарбия ва одобни мақсад қилган мўътадил сунний тариқатдир” [1;11].

Демак, Хожа Муҳаммад Порсо темурийлар даврининг мутафаккири ва тасаввуф назариётчиси, Нақшбандия тариқатининг ўз даври ва кейинги замонлардаги ривожланишини таъминлаган олим сифатида нафақат диний шаръий масалалар билан боғлиқ муаммоларини, балки унинг фалсафий-ирфоний томонларини ўз изланиш услуби асосида қайта кўриб чиқди. Унинг фано ва бақо, мавжудлик ва маъдумлик (йўқлик), макон ва замон, Худо ва табиат, инсон ва жамият ҳақидаги диний-фалсафий қарашлари ўз даври ва кейинги даврларда дин фалсафаси билан боғлиқ муаммолар ечимида дастурул-амал бўлиб хизмат қилди. Хожа Муҳаммад Порсо илмий мероси билан шуғулланган кўплаб тадқиқотчилар унинг меросига бир ёқлама ёндашиб, уни нақшбандия тариқатининг назариётчи олими сифатида баҳолашга уринадилар. Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Хожа Муҳаммад Порсо XIV-XV аср тасаввуф назариясида ўзига хос услубда изланишлар олиб бориш билан бирга тариқатларнинг амалий тажрибаларини уйғунлаштирган. Унинг асарлари кейинги даврларда Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф мактабларидан ташқари мусулмон ўлкаларида шаклланган тасаввуф, калом, фикҳ мактаблари ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Шунингдек, Хожа Муҳаммад Порсо ва даврнинг йирик тариқат шайхлари, дин уламоларининг сайъ-ҳаракатлари сабабли мўғулларнинг мусулмон ўлкаларида ислом динига яқинлашишга, унинг меъёрларини билишга қизиқиш уйғотган эди. Уламоларнинг ғоявий таъсирлари кўплаб мўғулларнинг ислом динини қабул қилишларига сабаб бўлди. Мусулмонликни қабул қилган мўғул ҳукмдорлари ўз салтанатларида ижтимоий-маънавий ҳаётнинг яхшиланишига, барқарорлигига эришдилар. Ўлка халқлари урф-одатлари, эътиқодий муносабатларига ҳурмат билан қарай бошладилар. Бу ҳам аслида муғулларга қарши курашнинг бир кўриниши ёхуд “жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш бўлганига шубҳа йўқ.

XIV асрда Бухорода ва Хуросонда кўп йиллар қозилик қилган Алоуддин Бухорий ўзининг “Ҳайратул фуқаҳо” (“Фақиҳлар хайрати”) асари муқаддимасида Ботухон сулоласидан бўлган Олтин Ўрданинг сўнгги хони Наврўзбек (757/1356-759-1358 йй) ни таърифлаб, илгари (унгача бўлган даврда) Мовароуннаҳрда илмнинг сусайгани, намозга эътибор қаратилмагани, унинг ҳукмронлиги даврида эса, аста-секин тараққий этганини эслатиб ўтади [2;107]. Алоуддин Бухорий мўғуллар босқини даврида Бухоро шахрининг вайрон бўлганлиги, халқнинг мўғуллар зулми сабаб бир муддат илм ва маърифатга эътибор пасайгани, мусулмончилик қоидаларининг бажарилиши учун имкониятлар чекланганлиги, мадрасалар, масжидлар қаровсиз ҳолга келиб қолганлигини баён қилган. Унинг фикрига кўра, мўғулларнинг аста-секинлик билан ислом динига бўлган ҳурматлари ошиб борган. Наврўзбек (757/1356-759-1358 йй) даврида, айниқса, Мовароуннаҳрда маданий муҳитнинг тикланиши, дин аҳкомларини бажариш учун шарт-шароитлар шаклланганлиги кузатилади.

Чиғатой ва унинг атрофидаги мўғуллар исломни қабул қилиш ва тан олишда ўзаро қарама-қарши кайфиятда эдилар. Шунга қарамадан, Муборакшоҳ ва Беркахон ислом динига киришлари манбаларда келтирилади. Мўғулларнинг ислом динига киришида ўз даврида Шайхул-Олам Сайфиддин Бохарзийнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, мўғуллар зулмига қарши қаратилган ҳаракатларда тасаввуф шайхлари ҳам ўзига хос кураш олиб борганлар. Нажмиддин Кубронинг жасорати ҳам бунга мисол бўла олади.

XIV асрлардаги мўғулларнинг ўзаро урушлари Осиёдаги оддий феодал урушларидан фарқ қилмас эди [3.898]. Араб сайёҳи Ибн Батута ўзининг саёҳатлари ҳақидаги “رحلة ابن بطوطة تحفة النظار في غرائب الامصار و عجائب الاسفار” “Ибн Батутанинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари” номли асарида мўғул ҳукмдорларидан бири Кабакхон билан Бухоролик фақиҳ, воиз, музаккир Бадриддин Майдоний ўртасида бўлган бир ҳикояни келтиради: *ذكر أن هذا الملك كبك كان تتكلم يوما مع الفقيه الواعظ المذكور بدر الدين الميداني فقال له أنت تقول: إن الله ذكر كلى شئ في كتابه الزيز قال: نعم فقال: أين إسمي فيه؟ فقال: هو في قوله تعالى: في أي صورة ما شاء ركبك فأجبه ذلك وقال* *Таржимаси: “Кунларнинг бирида Кабакхон Бухоролик фақиҳ, воиз ва музаккир Бадриддин Майдонийдан сўради: Сен*

айтдингки, Аллоҳ ўзининг муқаддас китобида ҳамма нарсани зикр қилган. Бадриддин Майдоний ҳа шундай, деб жавоб берди. Кабакхон сўради: Қуръонда мани исмим борми?. Бадриддин Майдоний Қуръоннинг “Инфитор” сурасининг: “Фи аййи суратин ма шааъ рок кабак”, яъни: “Ўзи хоҳлаган суратда сени таркиб қилди”,-деган мазмундаги 7-оятини ёддан ўқиди. Кабакхон оятдаги “рок кабак” сўзида ўзининг исми борлигидан ажабланди ва туркийча “яхши” деди. Кабакхон Майдонийга жуда юксак эҳтиром кўрсатди. Мусулмонларга унинг шарофати билан кўп илтифотлар қилди”. Кабакхон ўз хумронлиги остидаги ҳудудларда ислом илмлари, маданияти ривожланиши учун эътибор қаратади. Мўғуллар билан боғлиқ бундай воқеалар кўплаб манбаларда келтирилади. Муҳими мўғулларнинг зулм ва жаҳолатига қарши Мовароуннаҳрда маърифат билан қарши курашган Бадриддин Майдоний каби олимлар кўпчиликни ташкил қилган.

1318-1326 йилларда Насафдан икки фарсаҳ (7-8 км) да Кабакхон ўзига катта сарой қурдирган эди. Сарой атрофида аста-секин Қарши шаҳри вужудга келиб, марказга айланди. Кабакхон иқтисодий ва маъмурий жиҳатдан ислохот ўтказиб, маъмурий ва пул сиёсатини янгилади. Бу ислохотларни амалга оширишда Кабакхон Қозонхоннинг 1295-1304 йилларда Эронда амалга оширган пул сиёсати тизимини андоза қилиб олди. Маъмурий ислохотлар эса, ҳудудларни ҳарбий-маъмурий округлар туманларга бўлиб бошқаришдан иборат бўлди. Бу даврга келиб, Самарқандда еттига, Фарғонада тўққизта туман бўлиб уларда ўн мингга яқин аҳоли яшарди. Кабакхон ислохотлари Мовароуннаҳр учун ўз самарасини берди. Бирок, унинг вафотидан кейин мўғул хонлари ўртасида яна ўзаро урушлар авж олди. Қозонхон ва Қазағон ўртасидаги тўқнашувда Қазағон ғолиб бўлиб, Мовароуннаҳр (1346-1358 йй.) унинг қўлига ўтди. Қазағон Тоғлуқ-Темур тарафдорлари томонидан ўлдирилади. Мўғул хони Тоғлуқ-Темур вазиятдан фойдаланиб, 1360-1361 йилларда икки марта Мовароуннаҳрга юриш қилди. Ўлка бойлиқларини қўлга киритиш, халқни зулм остида сақлаш подшоҳларга ҳукмронликнинг узок давом этишига олиб келмади. Чунки, мўғулларнинг босқинчилик сиёсати ва зулми халқ оммаси норозилигини кучайтириб, озодлик учун курашларнинг авж олишига олиб келди. Бундай кенг кўламдаги норозилик ҳаракатлари минтақада мўғуллар ҳукмронлигини заифлаштириб, уларга қарши курашнинг кучайиши учун замин яратди.

Амир Темурнинг сиёсий майдонга кириб келиши, мавжуд тарқоқликка барҳам бериб, харобага айланган мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилишга олиб келди. Амир Темур даврида мусулмонлар маънавий ҳаётида тасаввуф шайхларининг ўрни муҳим аҳамият касб этарди. Шаҳрисабзда Амир Кулол катта нуфузга эга бўлиб, Амир Темурнинг отаси Тарағайнинг маънавий пири ҳисобланган. Тарағай ўғли Темурда шайхларга алоҳида ҳурмат ва меҳр уйғотган эди. Амир Темур кўплаб ғалабаларини Амир Кулол дуолари шарофатидан деббилар эди. Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулолнинг шогирдлари ҳисобланади. Амир Темур “Баҳоуддин Нақшбанд ва мен битта пирнинг шогирдимиз” деган фикрлари кўплаб манбаларда келтирилади. Амир Темур Балхни қўлга киритгандан сўнг унинг хизматига ўз даврининг машҳур шайхлари Абул-Маали ва Али Акбарлар кирдилар. Амир Темур билан уларнинг яқин алоқалари, мусулмон уламолари ва шайхларининг мустаҳкам муносабатлари учун замин бўлди. Сўфий шайхлар инсонни табиатни севишга, инсон ҳаётининг мазмунини, мақсадини англашга ўргатишга доир қатор таълимотлар яратдилар. Шу йўналишда Муҳаммад Порсо ва бошқа алломалар алоҳида хизмат қилдилар. Улар инсоният жамиятининг барқарорлиги учун курашларда ғоявий, маънавий-ахлоқий таълимотлари билан халқни озодликка, ҳурфикрликка, ҳалол меҳнат қилишга, зулм ва зўравонликка қарши туришга чақирдилар.

Амир Темур асос солган давлат ўз даврида Европа ва Осиёда энг йирик, мустаҳкам ва ривожланган давлат сифатида танилди. Амир Темур вафотидан сўнг ҳам XVI аср бошига қадар унинг авлодлари мамлакатни бошқардилар. Темурийлар даврида марказий давлат иккига бўлиниб, яъни Мовароуннаҳр ва Хуросонга ажратилиб идора этилди. Самарқанд ва Ҳирот бу икки давлатнинг маркази сифатида раванқ топди. Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро даврларида бу заминларда маданий ҳаёт янада юксалди. Мамлакатмиқёсида дин ва тасаввуф маънавий йўналиш сифатида бутун маданий жараёнга

мусулмон оламида маданий-маърифий алоқаларнинг кучайишига ҳам таъсир кўрсатди. Бу даврга келиб маънавиятда ҳурфикрлик, илм-фанга ҳурмат эътибор, билимларни эгаллашга интилиш билан бирга унинг кадр-қимматини юксак баҳолаш устуворлик қилди. Диний ва дунёвий илмлар узвий ҳолда ривожланиб борди. Қадимги юнон, ҳинд ва бошқа халқларнинг салоҳиятидан кенг фойдаланилди.

Хожа Муҳаммад Порсонинг темурий шахзодаларга яқинлашуви, улар билан шарият ва тариқат масалаларидаги бўлган суҳбатлари ҳамда илиқ муносабатлари унинг илм ва маърифат соҳасидаги ютуқлари айниқса, Нақшбандия тариқатининг кенгайиши ва нуфузининг ортишида муҳим омил бўлди. Темурийлар саройининг мутафаккир шоири Хожа Исмаил Бухорий ўзининг «Девони Хожа Исмаил» асарида нақшбандия тариқатининг йирик назарий олими Муҳаммад Порсога бағишланган “Дар ситойиши Хожа Муҳаммад Порсо” қасидасида ўзининг буюк муҳаббати ва эҳтиромини ифодалаган.

Сақфи Турат ар бигуям ту ба сад Тур Ирфойи,

Байтумаъмур ар бигуям з-у ба сад руйи анвари.

Соликин роҳи ирфон ро ту ийди Аъзами,

Зоирони Каъбаи жонро ту ҳажжжи Акбари. [7;182].

Мазмунан таржимаси:

Тоққа ўхшатсам сени, чўққига етмас юзта Тур,

Байти Маъмурсан десам, юзинг ундан нурлидир.

Маърифат солиқларига Ййди аъзам Сен ўзинг,

Жон Каъбаси зоирларига Ҳажжжи акбар Сен ўзинг.

Мирзо Улуғбек ўз даврида Хожа Исмаил Бухорийни саройга таклиф қилиб, темурийзодаларнинг таълими ва тарбиясига масъул қилиб қўяди. У мударрислик фаолияти билан бирга қасидалар, ғазаллар, рубоийлар ёзади. Унинг Муҳаммад Порсога бағишлаб ёзган қасидаси Муҳаммад Порсога замондошларининг муносабати ва унинг темурийлар давридаги мавқеини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Манбаларда: [8;91]. “Ҳазрати Муҳаммад Порсо гоҳ-гоҳ мусулмонларнинг муҳимларини кифоят этмак жиҳатидин Мирзо Шоҳруҳга “руқъа” ёзар эрдилар”, - деган маълумотлар келтирилган. Темурийларнинг Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ Муҳаммад Порсога ихлоси жуда баланд бўлиб, у зотдан турли диний масалалар бўйича ёзишиб турган. [9;90].

Муҳаммад Порсо Мирзо Улуғбек Самарқандда ҳукмронлик қилган даврдаҳадис [10;90] соҳасидаги баҳсларда ўзининг салоҳиятини кўрсатган. Мирзо Улуғбек Муҳаммад Порсонинг нафақат диний билимлар, балки дунёвий илмга ҳам, қомусий билимдонлигига ҳам тан берган. Муҳаммад Порсо каби Хожагон-нақшбандия шайхларининг инсоният жамияти учун қилган хизматларининг Мирзо Улуғбек томонидан эътирофи ва муҳаббатини Ғиждувонда Абдуҳолик Ғиждувоний мақбараси ёнида барпо этган мадрасаси мисолида кўриш мумкин.

XIV-XV асрларда илм ва маърифат, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши билан бирга тасаввуфнинг ривожланишини ҳам кузатиш мумкин. Бу даврларда тасаввуфнинг илоҳий “ишқ” ҳақидаги ғоялари санъат ва адабиётга кучли таъсир кўрсатди. Мусаввирлар, шоирлар ижодига кириб бориб, адабиётнинг жозибасини оширди. Тасаввуф адабиёти хикмат ва фалсафа билан бойитилди.

Бу даврга келиб, мусулмон оламида табиий ва аниқ фанлар ривожланишига муҳим ҳисса қўшган қомусий алломалар етишиб чиққанлар. Уларнинг араб ва форс тилларидаги асарлари, шарҳлари темурийлар салтанатининг маданий-маънавий муҳитини барқарорлаштиришга хизмат қилган.

Шундай олимлардан бири, Мир Саййид Шариф Журжоний (1339-1413й.) бўлиб у 50 дан ортқ асарлар ёзган [11;189], улар фаннинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Унинг XII-XIII асрларда Хоразмда яшаб ўтган Махмуд ал-Чағминийнинг астрономияга оид асарларига ёзган “Шарҳе мулаҳҳас ал-ҳайа” (“Астрономияга оид сайланмага шарҳ”) ва Носириддин Тусий асарига бағишланган “Шарҳе тазкират-ул-Насирийат” (“Астрономия ҳақида эслатмага шарҳ”) асарлари машҳурдир. Шунингдек, Саъдуддин ибн Умар

Тафтазоний, ат-Тахтоний ибн Муборакшоҳ, Самарқандда Абдужаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунший, Абдулло Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нуғмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол Ҳоқий каби олимлар ҳам шу даврда етишиб чиққанлар. [12;9].

Уларнинг таълимотлари ўрта асрлардаги бутун фалсафий масалаларни: борлик ҳақидаги таълимот, коинот жумбоқлари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, билиш муаммолари, мантиқий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алоқаларни ўз ичига олади.

Тасаввуф шайхлари деганда, кўпчилик назарида фақат дин ва тариқат ишлари билан машғул бўлган молар гавадаланади. Ҳолбуки, улар ҳукмдорларга сиёсат, маърифат, давлат бошқарувида ҳам имкон қадар кўмаклашганлар. Шунинг учун Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Захриддин Муҳаммад Бобур каби давлат бошлиқлари халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган тариқат пирларига эҳтиром кўрсатганлар. [13;57].

XIV-XV асрларда Хожа Муҳаммад Порсо ва бошқа шайхларнинг хизматлари сабабли Нақшбандия тариқати нуфузи янада ошди. Нақшбандия Амир Темур ва темурийлар давлатининг мафкуравий асосига айланиб борди. Халқнинг Нақшбандия шайхларига ишончлари ортиб, тариқатчиликда унга эргашувчилар кўпайиб борди. Айнан, шу асрларда Нақшбандия тариқати ўзининг географик ҳудудларини янада кенгайтди. Бу эса тариқатнинг мўътадил аҳли сунна ва жамоа йўлида эканлиги, унинг ғоялари ижтимоий-иқтисодий ҳаётга яқинлиги жиҳатидан бошқа тариқатлардан фарқ қилиши билан ҳам боғлиқ эди.

Хожа Муҳаммад Порсоилк ўрта аср қомусий алломаси ватандошимиз Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва унинг фаолияти билан боғлиқ масалага эътибор қаратиши ўзига хос тарзда XIV асрга қадар ўз ечимини топмаган, турли эътироз ва танқидларга сабаб бўлган баҳсларга хулоса ясайди. У ўзининг “Фаслул-хитоб” асарида шундай ёзади: “Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Хусан ибн Али ибн Сино аҳли назарнинг устози ва муқаддоси ва раиси. Бу йўлдаги изланишларида назарий қувватнинг фитратини соғломлаштириш мумкинлигини ёки у орқали завқ ва илҳом йўлини очиш имкони борлигини рад этувчилар йўлидан кетди. У кўп ўринларда нарсаларнинг ҳақиқатларини англаш башарнинг қудратида эмаслигини аксинча, инсоннинг бош ғояси нарсаларнинг хислатларини ва уларнинг қайси бири керак, қайси бири керак эмаслигини аниқлаш эканлигини айтди. У ўзининг мақсади ва фикрининг тўғрилигини қатъий баён қилган бўлсада, кейинроқ яна Ҳақнинг маърифати масаласига қайтганда, у аввалги айтганларига хилоф гапларни билдирганлиги маълум. Ҳаётининг сўнггида у тавба қилди, ўзида бор нарсаларни камбағалларга садақа қилиб берди, мазлумларга ёрдамлашди. Қуръонни ёддан ўқиб, ҳар уч кунда хатм қиларди. 428 ҳижрий санада рамазон ойининг биринчи жумаси куни вафот этди. Ҳамадон шаҳрига дафн этилган. Туғилиши 370 х. Сана баъзи манбаларда 373 х. дейилган. Отаси Балхлик киши эди. Нуҳ ибн Мансур подшоҳлик даврида Бухорога кўчиб келиб, Ҳурмитан қишлоғига оқсоқол бўлди. Афсона қишлоғида яшаб, шу ерда уйланди ва Абу Али шу ерда туғилди. Кейин Бухоро шаҳрига кўчиб ва фикр билан шуғулланди. Имом Исмоил аз-Зоҳиддан фикрни ўрганган. Имом Ёфиъийнинг тарихида ёзилишича, Абу Али 18 ёшга ҳали тўлмасидан ҳамма илмларни тўлиқ ўрганган экан. Унинг ёзган китоблари 100 га яқин. Улардан “Рисолатут-тайр” (“Қуш ҳақида рисола”) асари машҳур. У киши мусулмон файласуфларидан биридир. У зот зоҳидлик ва табаттул (дунёдан узилиш) билан ботинини поклаган ҳамда мақсадлари чўққисига етган эди”. [14;299].

XIV-XV асрларда бу масалада уламолар, мутасаввифлар, мутафаккирлар орасидаги баҳс-мунозаралар давом этган. Шунинг учун Муҳаммад Порсо Ибн Синонинг тасаввуф йўналишида ёзган машҳур асарининг Фаридуддин Аттордек буюк кишиларга илҳом бағишлаганини ҳам эслатиб ўтади. Айтиш мумкинки, Муҳаммад Порсонинг “Фаслул-хитоб” асари (“Оқ-қорани таниш”) китоби ҳам деб айтилади. Монографик тадқиқотларда асарнинг тўлиқ номи “Фасл ал-хитоб ли васл ал-аҳбоб ал-форик байна ал-хато ва ас-савоб” (“Дўстлар висолига етишда хато ва савобни ажратувчи китоб”), деб келтирилади. “فصل الخطاب” “Фасл ал-хитоб” (“қатъий қарор”) сўзи Қуръоннинг (“Довуд пайғамбар ҳақидаги”) “شددنا ملكه و اتيناه الحكمة و فصل الخطاب” Яъни: “Унинг ҳукмронлигини ҳам

мустаҳкам қилдик ва унга ҳикмат ва қатъий қарор (ҳаққоний ҳукм чиқаришни) ато этдик” [15;24]. Мазкур асар ўз даврида ва кейинги замонларда мутасаввифлар, мутакаллимлар ва барча илм аҳллари учун жуда муҳим қўлланма бўлиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.11. طاهري عراقي. خواجه محمد بارسا بخراي رساله قدسية مقدمة ص. 11.
2. Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ханафий фикихи. – Тошкент: Ислом университети, 2014. – Б. 107.
3. Петрушевский И.П. Земледелие и аграрное отношение в Иране XIII-XIV веков. – Москва-Ленинград, 1960. – С. 32.
4. حلّة ابن بطوطة تحفة النظار في غرائب الأمصار و عجائب الاسفار. دار احياء العلوم ببيروت. 1978. – Б. 898.
5. Хожа Исмаи Бухорий. Девои. – Душанбе: Истеъдод, 2020. – Б. 182.
6. Фахруддин Али Сафий. Рашоҳот айну-л-хаёт. Худойбергана Бекмухаммад таржимаси. – Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 91.
7. Ислом. Энциклопедия. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 258-259.
8. Кодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури. – Тошкент: ТошДШИ, 2010. – Б. 189.

Наширга проф. С.Чориев тавсия этган

ЗАМОНАВИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

Қурбонмурадов Б.У. (ҚарДУ)

Аннотация. Бугунги кунга келиб, дунёда янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда. Уларнинг ичиди замонавий экстремизм хавфи ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Бинобарин, замонавий экстремизм хавфи жамият барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатиб, жамият аъзоларининг дунёқарашини ўзгартиришга уринмоқда. Айниқса, экстремистлар ўзларининг қабих ниятларини амалга ошириш учун нафақат муқаддас Ислом дини, балки умуминсоний қадриятлар кўзгуси бўлган демократик шиорлар билан ҳам никобланаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мақолада замонавий экстремизмнинг моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, XXI аср жаҳон халқларининг тинчлиги ва барқарорлигига солаётган таҳдиди асослаб берилган.

Таянч сўзлар: замонавий экстремизм, жамият, умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар, таҳдид, хавфсизлик, иқтисодий экстремизм, мафкура, сиёсий экстремизм.

Аннотация. Сегодня в мире появляются новые угрозы. Среди них опасность современного экстремизма выделяется своей актуальностью. Следовательно, угроза современного экстремизма оказывает серьезное влияние на стабильность общества и пытается изменить мировоззрение членов общества. В частности, следует отметить, что для реализации своих гнусных намерений экстремисты маскируют не только священную религию Ислам, но и демократические лозунги, являющиеся отражением общечеловеческих ценностей.

В статье описывается сущность современного экстремизма и его характеристики, а также угроза, которую он представляет для мира и стабильности народов мира в XXI веке.

Ключевые слова: современный экстремизм, общество, общечеловеческие ценности, национальные ценности, угроза, безопасность, экономический экстремизм, идеология, политический экстремизм.

Annotation. Today, new threats are emerging in the world. Among them, the danger of modern extremism stands out for its relevance. Consequently, the threat of modern extremism has a serious impact on the stability of society and is trying to change the worldview of members of society. In particular, it should be noted that in order to realize their vile intentions, extremists disguise not only the sacred religion of Islam, but also democratic slogans, which are a reflection of universal human values.

The article describes the essence of modern extremism and its characteristics, as well as the threat it poses to the peace and stability of the peoples of the world in the XXI century.

Key words: modern extremism, society, universal values, national values, threat, security, economic extremism, ideology, political extremism.

Янги аср бошига келиб, дунёнинг юқори даражада тараққиётга эришаётган давлатлари учун ҳам янги таҳдидга айланиб бораётган замонавий экстремизм хавфи

долзарб глобал мавзуга айланмоқда. Замоनावий экстремизмни вужудга келтирадиган омиллар кўп ва хилма-хил бўлиб, улар орасида бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида юз берадиган ижтимоий тузилмаларнинг бузилиши, аҳоли катта гуруҳларининг кашшоқлашуви, иқтисодий ва ижтимоий танглик каби омилларни кўрсатиш мумкин. Замоनावий экстремизм хавфи жамият барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатиб, жамият аъзоларининг дунёқарашини ўзгартирмоқда. Натижада, экстремистик ғоялар таъсирига тушиб бораётганлар сони кескин ошиб бормоқда. Бунинг оқибатида, дунё мамлакатларида мавжуд конституцион тузумни асраш, “сиёсий кучлар” таъсиридан ҳимояланиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, жамият аъзоларининг онги ва дунёқарашини турли экстремистик ғоялар таъсиридан асрашга эътибор кучайтирилмоқда.

Ҳозирги кунда замоनावий экстремизм сиёсий, иқтисодий, диний ва бошқа йўналишларда намоён бўлмоқда. Жумладан, иқтисодий экстремизм гегемон давлатлар томонидан турли даромад манбаларига эгалик қилиш йўли орқали амалга оширилмоқда. Бунда, нефть саноатига эгалик қилиш, дунё бозорига, транзит йўлларга, ишлаб чиқариш корхоналарига ва бошқа соҳаларга эгалик қилиш орқали даромад манбаларини кенгайтириш иқтисодий экстремизмнинг бугунги кундаги асосий мақсади бўлиб қолмоқда.

Сиёсий экстремизмда эса қудратли давлатлар бошқа бир давлатларни ўз таъсир доирасига ўтказиб, ўзининг дунёда олиб бораётган глобал микёсдаги сиёсати тарафдорларини кенгайтириш ва улар сонини янада оширишга асосий эътиборни қаратмоқда.

Шунингдек, диний нуқтаи назардан ёндошилганда, инсонларни бошқариш, уларнинг онгига таъсир ўтказишнинг энг қулай усули бу диний дунёқарашга таъсир ўтказишдир. Дин орқали қонунлар билан мажбуриятга айлантириб бўлмайдиган ишларни диний амаллар даражасига олиб чиқилиши орқали унинг таъсир доираси янада кенгайтирилади. Диний нуқтаи назардан одамлар онгини эгаллаш орқали армия сони кенгайтирилади ва ўз ғояларини бутун дунё бўйлаб куч ҳамда қурол воситасида тарғиб қилиш имконияти ортиб боради. Маълум бир динга эътиқод қилувчилар аудиториясининг кенглиги экстремизм тарафдорлари томонидан ўз мақсадларини диний ғоялар билан уйғун ҳолда бирлаштириш орқали тарафдорлар сонининг кескин ортишига сабаб бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сонли Фармонида “Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021-2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси”да таъкидланганидек, ҳозирги вақтда экстремизм халқаро хавфсизликка, шу жумладан, Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Экстремизм хавфи ҳамда таҳдидларига қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтақа давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси ҳар томонлама ўйланган тинчликсевар, прагматик ва изчил ташқи сиёсатни олиб бориб, экстремизмнинг умумий таҳдидларига қарши курашишда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очиқдир деб эътироф этилади.[6, 2]

Замоनावий экстремизм бугун жаҳондаги барча халқларнинг тинчлиги ва осойишталигига, барқарорлигига ва тараққиётига рўй-рост таҳдид солмоқда. Шундай экан, XXI асрнинг вабоси деб аталаётган бундай иллатга қарши курашдан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “...экстремизмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак” [2, 61]. Чунки мамлакатимиз бир неча йиллардан буён экстремизм жабрини тортиб келаётир. Экстремизмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг позицияси 2001 йилнинг 5 октябридаги баёнотида аниқ баён этилган. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро экстремизмга қарши курашдан ташқарида туриши мумкин эмас.

Инсоннинг онги ва фаолиятида тараққиёт, прогресс томон интилиш мавжуд экан бунёдкор ғоялар ва мафкуралар туғилаверади. Ўз навбатида, бунёдкор ғояларнинг, мафкураларнинг антиподи сифатида вайронкор ғоялар, мафкуралар ҳам бош кўтараверади. Улар орасида кураш авж олаверади. Шундай экан, бундай курашга ҳамиша тайёр бўлиш, яъни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётини зарурият бўлиб қолаверади. Худди шунинг учун ҳам мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамият қурилатган ҳозирги шароитда ғоявий-мафкуравий бўшлиқнинг вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. “Агар шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Бундай хавфни яққол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз учун фуқароларни, айниқса ёшларни, ҳар томонлама илмий асосланган ғоялар, мафкуралар тўғрисидаги таълимот билан қуроллантирмоғимиз даркор. Ғояларнинг, мафкураларнинг шаклланиши ва ривожланиши қонунлари, қонуниятларини ўрганишимиз лозим.

Замонавий экстремизм, миллатчилик ва уларга ўхшаган кўплаб ғояларнинг асосий таъсир объекти эндигина мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлар бўлиб қолмоқда. Чунки геосиёсатнинг асосий мақсади ўз мавқеини ўзга минтақаларда мустақамлашдан ва шу минтақаларни ўз таъсири остига олишдан иборат бўлган бир даврда жаҳондаги турли сиёсий кучлар ёш суверен давлатларни ўз манфаатлари доирасига киритмоқдалар, уларнинг мустақиллигини заифлаштириш мақсадида биз тилга олган ғояларни тарғиб этмоқдалар. “Минтақада шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда”. [3, 26]

Тарихдан маълумки, ёвуз ва вайронкор ғояларга асосланган экстремизм, фашизм, болшевиизм, ирқчилик, терроризм, миллатчилик ғоялари ва мафкураларининг инсоният бошига солган кулфатлари, жабр-у жафоларининг сон-саногини йўқлиги ҳаммага аён. Бугунги кунга келиб ёвуз ва вайронкор ғояларга асосланган замонавий экстремизм ҳам давлатлар, халқлар, миллатлар тақдирига хавф солмоқда. Айниқса, диний экстремизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар.

Экстремизм деган иллат тағ-томири билан суғуриб ташланмас экан, бундай аччиқ қисмат ҳар бир инсон ёки халқнинг бошига тушуши мумкинлигини бутун жаҳон аҳли теран англамоқда. Тарихнинг гувоҳлик беришича, кўпчилик томонидан бир тан бўлиб амалга оширилган тадбир, шубҳасиз ҳақ ишдир ва табиийки, ҳар қандай қийинчиликлару тўсиқларни енгиб ўтиб, пировард натижада, албатта, зафар билан яқунланади.

Замонавий экстремизм замонавий жамиятни тараққиётдан бенасиб қилиб бораётган, унинг барқарорлигига таҳдид солаётган энг катта таҳдидлардан биридир. Уни бартараф этиш учун замонавий экстремизмнинг моҳиятини назарий жиҳатдан ўрганиш лозим. Шундан кейингина замонавий экстремизмга қарши курашишнинг назарий ва мафкуравий асослари яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев. Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, – 381 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон. – 2017. – 102 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. – Тошкент, 2000. – Б. 26.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 01.07.2021 йилдаги ПФ-6255-сонли Фармони “Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021-2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси”.

Наишга проф. С.Чориев тавсия этган

ЗАМОНАВИЙЛАШУВ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР РИВОЖИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Маҳаммаджанов Ғ. (Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти)

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, унда сиёсий институтларнинг ўрни, унинг жамиятда фаол фуқароларни шакллантиришга таъсири, сиёсий аҳамияти илмий жиҳатдан ёритилган.

Таянч сўзлар: *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, сиёсий институтлар, замонавий жамият, сиёсий тафаккур, гоя, мутаносиблик.*

Аннотация. В статье описывается стратегия развития Нового Узбекистана, роль в ней политических институтов, ее влияние на формирование активных граждан в обществе, ее политическое значение.

Ключевые слова: *Новая стратегия развития Узбекистана, политические институты, современное общество, политическое мышление, идея, соразмерность.*

Annotation. The article describes the development strategy of New Uzbekistan, the role of political institutions in it, its influence on the formation of active citizens in society, and its political significance.

Keywords: *New Uzbekistan development strategy, political institutions, modern society, political thinking, idea, proportionality.*

Янгиланишлар инсоният турмуш тарзининг барча жабҳаларига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий феномен. Бу жамиятнинг сиёсий институтларига ҳам бирдек хос. Сиёсий институтларнинг асосий қисми ҳам доимий равишда трансформация ҳамда глобаллашув жараёни билан боғлиқ ҳолда кечади. Глобаллашув ва замонавийлашув умумий аҳамият касб этувчи тушунчалардир. Бунда анъанавийлик ва замонавийлик муносабатлари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, сиёсий институтларнинг мавжудлиги, фаоллиги, таъсирчанлиги муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда, ушбу тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англаш масалани аниқ идрок этишга имкон беради. Замонавийлик (французча “modern” – “замонавий”) турлича, яъни: 1) ўзгариш, мукаммаллаштириш, янгича хусусиятларга эга бўлиш; 2) модернизация – анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтишнинг турли воситалари йиғиндиси тарзида талқин этилади. Шунингдек, замонавийлик жамиятда содир бўлаётган турли илмий-техникавий, саноатлашув натижасида юзага келувчи иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий алмашинувлар уйғунлигини ҳам ўзида мужассам этган. Фикримизча, замонавийлик – инсон онги, тафаккури ва эҳтиёжи ўсиб бориши натижасида юзага келувчи, аҳолининг янгиланган интилиш хусусиятлари билан боғлиқ қарашлар тизимидир. Анъанавийлик эса ижтимоий-фалсафий дунёқарашлар йиғиндиси ва тажрибавий ақлнинг онг-тафаккур ҳолатидан устун қўйилиши билан ифодаланувчи, радикал-консерватив жиҳатлари билан ажралиб турувчи ғоялар бирлигидир. Ҳар қандай янги жамиятни куришда анъанавий хусусиятларга эга бўлган бошқарувни шакллантириш муҳим. Анъанавийлик негизида шаклланган қонун-қоидалар асосида замонавий жараёнларни такомиллаштириш салбий ҳодиса эмас, балки ундан тўғри фойдаланиш, мутаносибликни таъминловчи воситаларни ўрганиш зарур. Анъанавий жамият сиёсий институтларининг замонавий жамиятларни шакллантиришдаги ўрнини Низомулмулк “Энг яхши қоида – кўпроқ қабул маросимларини (ижроия институти сифатида) ўтказиб туриш керак, маросимлар қамайган ҳолларда фитначилар куч тўплаб, раият ва лашкар аҳволини оғирлаштиради. Агар шу тартибда қабул маросими ўтказилса, бу қоидага айланади ва пардани кўтаришга ҳам ҳожат қолмайди”¹, – деб таъкидлайди. Ўзгаришлар ва ислохотлар ҳар бир жамият ва давлат учун, аввало, сиёсий мазмун касб этади. “Давлат ўз-ўзини ўзгартириш воситаларига эга эмас экан, демак, у ўзини сақлаб қолиш кучига ҳам эга эмас”², – деган эди Э.Берк. Бунда анъанавий жамият институтлари фаолиятдан тўғри фойдаланиш ва уни

¹ Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 13.

² Edmund Reflection on the Revolution in France. Chicago, Regnery, 1955. – P. 37.

замонавийлик жараёнида қанчалик мослашувчанлиги қонуниятларини тўғри таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан ҳам Президентимизнинг “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”¹, – дея таъкидлаганлари бежиз эмас. Анъанавийликнинг “чуқур илдизлари” унинг сиёсий институтлари билан боғлиқ. Чунки улар анъанавийликнинг асосий ташувчилари ҳамдир. Фикримизча, жамият институтлари хоҳ анъанавий, хоҳ замонавий бўлсин, унинг аъзолари қарашларининг расмий, тартиблаштирилган кўринишидир. Аристотел жамиятда барча тартибсизликларнинг сабабларини, аввало, нотенгликда кўрган эди.

Анъанавийлик ва замонавийлик XX асрнинг 50 – 60-йилларига қадар бир-бирига зид тушунчалар сифатида эътироф этилган. Бунга, албатта, ўша давр назариётчилари “далилловчи сабаблар”ни ҳам келтириб ўтишган. Унинг мазмуни бўйича анъана – бу жамиятда тарихан шаклланган тартиблар ва маросимларнинг сақланиб қолиши, сиёсий ривожланишнинг авторитар кўринишлари устунлиги, консерватизм (лот. “муҳофазакор”, яъни анъанавий тартибларни ўзгартирмаслик, сақлаб қолиш тарафдорлари) ғоялари асосида бойитилганлиги билан изоҳланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай замонавийлик, янгиланиш ва ислохотлар ортида сезиларли даражада анъанавийлик таъсирини кўрамиз, агар бундай устқурма бўлмас (сиёсий институтлар назарда тутилмоқда – муаллиф) экан, ҳар қандай “номдор” замонавийлик ҳам инқирозга маҳкумдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аввало, сиёсий институтлар фаолиятини янада ривожлантириш истикболларини белгилаб олди. Бунда анъанавий жамият институтларини такомиллаштириш асосий аҳамият касб этади. Тараққиёт стратегиясида жамиятда янгича ижтимоий-сиёсий муҳитини шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим ва асосий йўналиши этиб белгиланди.

Тараққиёт стратегияси – Ўзбекистонда янги сиёсий муҳит ва муносабатларни шакллантиришнинг стратегик ҳужжати.

Тараққиёт стратегияси ўзида жамиятнинг асосий институтлари хусусиятларини ривожлантирган ҳолда, куйидаги ўзгаришларни: иқтисодий соҳадаги тараққиёт ва юксалиш; жамиятнинг турли соҳаларини саноатлаштириш; урбанизация ва аҳолини шаҳарларга кўчиб бориши; аҳоли саводхонлигининг ошиши (инсон тараққиёти бўйича юқори индексга эга бўлган давлатлар даражасига эришишга, ижтимоий соҳага инновациялар кенг жорий этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси)ни назарда тутди. Аммо бу жараёнлар барча давлатларда бир хил кечмайди. Чунки давлатларнинг тараққиёт тағзаминлари, анъаналари, ғоя ва мафқуралари, шунингдек, турмуш тарзи ўхшаш эмас. Ҳатто ҳудудий яқин мамлакатларда ҳам турли белгилар: аграр-индустриал, авторитар-либерал, очиқ ва ёпиқ жамиятлар, оилавийлик (яъни жамият ривожланишини оила институти асосида боғлаш ва бошқариш), фуқаровийлик (фуқароларни давлат ва унинг ҳокимият органларига бўйсунитиш), “жамоавий муҳит таъсиридаги шахс” – мустақил шахс ва бошқа хусусиятларга асосланган қарама-қаршилиқлар кузатилади. Фикримизча, замонавийлик аҳоли кайфияти унинг талаблари билан мос тушиши лозим, чунки унда шу давлатга хос бўлган ғоя ва мафкура, жамиятнинг одат ва анъаналари, қарашлари мужассам бўлади. Бу ўзига хос ғоявий қарашларнинг, мафқуравий иммунитетнинг бирламчи манбаси, аввало, ижтимоий, кейинги босқичларда сиёсий институтлар томонидан шакллантирилади. Миллий ўзликни англаш фақат анъанавий кадрларни идрок этиш эмас, балки янгиланишларга ҳам мослашиб бориш ва уни умуминсоний тамойиллар билан бойитиш демакдир. Бу жараёнларни бир мутаносибликда ушлаб туришнинг асосий тамойиллари жамият институтлари томонидан тарғибот-ташқивот ишлари орқали аҳоли онгига етказилиши лозим. Юқоридаги таъкидлаганимиздек, Тараққиёт стратегиясининг асосий мақсади ҳам янгиланишларни амалга оширишда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий институтларини такомиллаштириш ҳисобланади. Чунончи, унинг энг

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., Ўзбекистон. – Б. 4.

биринчи устувор йўналиши – “инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” этиб белгиланди. Бунда, жамиятнинг сиёсий институтлари билан модернизацион жараёнларнинг боғлиқлиги – улар инсон, жамият, давлат манфаатлари, қарашлари ўзгариши, янги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга мослашиш, айнан шу ўзгаришлар доирасида сиёсий тузум ва бошқарувни мустаҳкамлаш, мувофиқлаштириш ва янги жараённинг бевосита натижаси сифатида кўрилади. Чунки ҳар бир мамлакат аҳолисининг ижтимоийлашувида, ҳокимиятни шакллантиришда, хусусан, турли ички ва ташқи хавфлардан ҳимоя қилишда сиёсий институтларнинг аҳамияти катта.

Замонавийлашув жараёни, албатта, бир маромда кечмайди. Ўзига хос муаммолар бўлиши табиий. Бу жараённинг умумий манзараси Дейч таъкидлаб ўтганидек, “бунда аввалги ижтимоий, иқтисодий ва аввало психологик муносабатларнинг эрозияси кузатилади ва инсонларнинг бу янги муносабатларга, социализация асосида мослашиши билан кечади”. Бундай ўзгаришлар билан бирга, аввалги анъанавий жамият субъектларини, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаслик ёки инкор этиш аслида замонавийлик моҳиятини тушунмаслик оқибатидир. Аввалги тизим ва унга хос муносабатлар аҳоли эҳтиёжларини қондира олмаслиги натижасида бутун бир жамият мисолида ёки бирор гуруҳ қарашлари асосида модернизация жараёни тезлашади. Аввал шаклланиб улгурган маданият, турмуш тарзидан кечиш, гарчанд, замонавийлик учун катта имкониятлар манбаи сифатида эътироф этилса-да, жараён аста-секинлик (эволюцион) билан амалга оширилади. Масалан, А.Қодировнинг фикрича, “кишилар хатти-ҳаракатида тарихий тараққиёт давомида шаклланиб мустаҳкамланган патернализм (катталарга сўзсиз ҳурмат ва улар фикрларини доимо қабул қилиш) анъаналари жамиятда демократия тамойиллари қарор топишига, уни замонавийлашувга тўсқинлик қилади”¹. Аммо янгиланаётган жамиятда ушбу жиҳатларга ҳар доим “ёт унсурлар” сифатида эмас, балки ўзига хос ривожланиш ва тараққиётнинг асосий манбаси сифатида қараш муҳим.

Хусусан, Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий институт – оиланинг жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асосий тарғибот институти сифатида мақоми ўзариб, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш муҳим стратегик омил сифатида қаралмоқда.

Замонавийлашувнинг ўзига хос ижобий хусусиятлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам юзага келади. С.Хантингтоннинг фикрича, замонавийлашув жараёнида “анъанавий” деб аталган жамиятда мақомга эга бўлмаган кучларнинг янгича “даража”га эга бўлиши кузатилади. Натижада бунёдкор ғоялар билан бирга ёт, бузғунчи ғоялар асосида бирлашган кучларнинг “уйғониши” ҳам рўй бериши мумкин. С.Хантингтон бу жараённи “Модернизациялашганлик – бу барқарорлик, модернизация эса барқарорлик томон йўлди”², – дея таърифлайди. Шунингдек, модернизациялашув янги ғояларнинг пайдо бўлиши, янги сиёсий элиталар ва янги сиёсий муҳитнинг шаклланиши даври ҳамдир. Чунки маълум вақт ўтгач анъанавий жамият қонун-қоидалари замонавий билан том маънода муносабатга киришиши кузатилади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида аҳолининг асосий қадриятларини ўз ичига олувчи институтларнинг ривожланишига катта эътибор берилиши назарда тутилган. И.Эргашевнинг фикрича, “Вақт – анъанавийлик ва замонавийликнинг ўзига хос ўлчовидир”³. Модернизация ва анъанавийлик ўртасидаги муносабатларнинг қандай кўринишга эга бўлиши, шунингдек, воқеаларнинг тадрижий давоми бевосита айнан замонавийлашувга нисбатан анъанавийлик хусусиятларига кўпроқ боғлиқ бўлиб қолаверади. Бу унинг ижтимоий-сиёсий институтларига ҳам бирдек хосдир.

Бизнинг фикримизча, Янги Ўзбекистон жамияти ҳамда фаол фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий-сиёсий институтлар зиммасига муҳим вазифалар юклатиладики, булар: анъанавийликнинг асл моҳияти, ижтимоий-сиёсий хусусиятларини очиқ беришга қаратилган ғоявий тарғибот ишларини ташкил қилиш;

жамият ва давлатнинг ўзаро янгича, замонавий муносабатларида анъанавийлик ва унга хос бўлган институтлар таъсирини англаган ҳолда, улар фаолиятида аҳоли иштирокини таъминлаш;

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 1955. – Б. 4, 955.

² Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах. – М. Прогресс-Традиция, 2004. – С. 58.

³ Эргашев И. Жамият ва бошқарув, – № 4, 2009. – Б. 21.

ғоялар ва мафкуралар кўринишидаги “янгича мустамлакачи макон”га кирмасликни таъминловчи миллий мазмундаги ғоялар, турли ижтимоий-сиёсий тадбирларни аҳоли ўртасида кенг камровли тарзда ўтказиш асосида ижобийлик муносабатини шакллантириш; замонавийлашувнинг жараёнлари ривожда аҳолининг эркин қарашлари асосида шаклланган сиёсий иштироки ва муносабатини такомиллаштириш, миллат кучи, унинг манфаатларини ўзида мужассам этган янги авлодни тарбиялаш ва шу асосда давлатнинг барқарорлиги учун хизмат қиладиган, тараққиёти учун ҳисса қўшадиган сиёсий элита ва етакчиларларни тарбиялаш кабилардир.

Шу билан бирга, янгиланаётган жамиятда сиёсий институтларнинг асосий фаоллиги анъанавийликнинг нозик нуқталарига эътибор қаратиши лозим: 1) анъанавийлик муносабати ўзининг бир ғоя асосидаги кучли мафкурасига эга бўлади ва янги ғоялар татбиқ этилаётган пайтда уни йўқотиш эмас, улардан янги, бунёдкор ғоялар учун асос сифатида фойдаланиш ўта муҳимдир. Гарчанд бу турдаги ғоялар консерватив руҳда бўлса ҳам айнан улар (анъанавий кадриятлар, одатлар) аҳолини бошқаришда, тартибга солишда янгисидан кўра таъсирлироқ хусусиятга эга; 2) жамиятнинг асосий тизимини ташкил этувчи, инсонлар фаолияти натижаси ҳисобланмиш (муаллиф: айнан шу жиҳатига эътибор бериш лозим) институтларнинг фаолиятини янги таъсир ва бошқарув механизмлари асосида мувофиқлаштириш унинг анъанавийлик шароитидаги аъзоларини ўзгаришларга янгича мақсад ва талаб, таклифлар асосида етаклашда муҳим мазмун касб этади. Янгилашларда фақатгина жамиятнинг асосий соҳалари эмас, балки асосий ғоявий-мафкуравий муҳити ҳам ўзгариб бориши кузатилади.

Фикримизча, агар жамият институтларга эга бўлмаганда эди, инсонларнинг ўзаро алоқалари тартибсиз, мақсадсиз (бир томонлама) ва энг асосийси назоратсиз бўлар эди. Ўзгаришлар, дунёда бир хил одам бўлмаганидек, доим ҳам ҳамма аъзолар томонидан бир хил даражада қабул қилинавермайди (бу ҳолат институтларга тегишли). Бу жараённинг ўзи ҳам бир хиллик кўринишига эга бўлмай, турли мамлакатлар ва жамиятлардаги анъанавий муносабатлар, унинг институтлари ижтимоий ва сиёсий кўринишлари ҳам ҳар хил мақсад, кадрият, анъаналарга, шунингдек, ранг-баранг сиёсий онг ва маданиятга эга индивидлар манбаи эканлигини ёдда тутиш лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, биринчидан, бир асосий қонуният мавжуд, яъни ҳар қандай ўзгариш маълум вақт ўтгач, албатта, анъанавийлик мақомини олади ёки замонавийлик муносабатлари жамият тараққиёти ва инсоният тафаккури ривожини билан анъанавийлик кўринишига эга бўлади. Жараёнларни вақт нуқтаи назаридан таҳлил этиш, тарихий ривожланиш босқичларида анъанавийлик, замонавийликнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш асосий мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Фойданилган адабиётлар

1. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 13.
2. Edmund B. Reflection on the Revolution in France. Chicago, Regnery, 1955. – P. 37.
3. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., Ўзбекистон. – Б. 4.
4. Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах. – М.: Прогресс-Традиция, 2004. – С. 58.
5. Эргашев И. Жамият ва бошқарув, – № 4, 2009.

Наширга проф. С. Чориев тавсия этган

Германияда ижтимоий-маънавий муҳитга таъсир этувчи омиллар: оиладаги муносабатлар

Кахарова М.М. (Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар Институти)

Аннотация. Мазкур мақолада Германиядаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолати ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил қилган. Шунингдек, оилавий муносабатларни муҳитга таъсири ва носоғлом муҳитни шаклланаётган таҳдидлар баён этилган.

Таянч сўзи: оила, маданият, маънавият, маърифат, ижтимоий-маънавий муҳит, ота-она, фарзанд, ахлоқ-одоб, турмуш маданияти, тил, қадрият, китоб, ёшлар, аҳоли.

Аннотация. В данной статье анализируется состояние социальной и духовной среды в Германии и факторы, влияющие на нее. Также описывается экологическое воздействие семейных отношений и угрозы, которые формирует нездоровая среда.

Ключевые слова: семья, культура, духовность, просвещение, социально-духовная среда, родители, дети, нравственность, культура жизни, язык, ценность, книга, молодежь, население.

Abstract: this article analyzes the state of the social and spiritual environment in Germany and the factors affecting it. Also, the environmental impact of family relationships and the threats that form an unhealthy environment are described.

Key words: family, culture, spirituality, enlightenment, socio-spiritual environment, parents, children, morals, culture of life, language, value, book, youth, population.

Германияда оиладаги маданият деса, кўз олдимишга уларнинг келиб чиқиши келтлар, немислар ва римликлар даврига бориб тақалса-да, Марказий Европада ўз ўрнига эга бўлган ва немис тилида сўзлашувчи халқларининг маданий меросининг бир қисми ҳақидаги тасаввурлар келади. Ўрта асрлардан бери немис маданияти кўплаб услуб ва даврни белгиловчи шахсларни яратди. Одамларнинг турмуш тарзидаги муносабатлар маданияти борасида юксак экани манбаларда келтирилади. Улардаги ижтимоий-маънавий муҳит халқининг ахлоқ-одоб ва турмуш маданияти ҳамда оиладаги муносабатларда маданиятнинг юқорилиги билан дунёга ўзини намоён этиб келди.

Конституциясига кўра, Германияда маданият сиёсати федерал штатлар зиммасига юклатилган. Шундай қилиб, маданий хилма-хиллик ва минтақавий ўзига хослик кафолатланган. Федерал канцлерияда федерал ҳукуматнинг маданият ва оммавий ахборот воситалари бўйича комиссарлари маданий муассасалар ва миллий ва давлат аҳамиятига эга бўлган лойиҳалар учун масъул ҳисобланади. Гёте институтлари немис тили ва маданиятини бутун дунёга ёйишга хизмат қилади. Жами 158 та, жумладан, алоқа идоралари билан институт 2013 йилда 93 мамлакатда тақдим этилган.

Глобал контекстда аҳоли юқори таълим даражаси ва ўртачадан юқори турмуш даражаси билан ажралиб туради. Жаҳон қадриятлари сўровига кўра, Германияда дунёвий қадриятлар ва шахсий ўзини ўзи ривожлантиришнинг илғор даражаси кадрланади.

2013 йилда BBC учун 22 мамлакатда ўтказилган сўров натижаларига кўра, Германия сўровда қатнашган 16 давлат орасида юқори обрўга эга бўлди. Сўровда қатнашганларнинг ўртача 59 фоизи Германиянинг таъсири ва сиёсий фаолиятини ижобий деб баҳолагани, 15 фоизи салбий имиджга эгаллигини белгилади. Бу мамлакатнинг 2008 йилдан бери кетма-кет олти марта биринчи ўринни эгаллашини тасдиқлайди¹.

Германия гарчи иккинчи жаҳон урушидан кейин расман немис миллатчилиги рад этилса-да, миллий ғояси немис миллати ва давлати бирлиги негизида шаклланди. Мамлакатни келажакдаги истиқболлини белгилашда Германияда барча ОАВ миллий ғоянинг тарғиботчиси ҳисобланади.

Телевидение хали ҳам Германияда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг аниқловчи сегменти ҳисобланади. Ҳатто ёшлар томонидан телевизор кўрилиши кексаларга қараганда анча паст, яъни, кунига ўртача 3,5 соатдан кўпроқ томоша қилинади. Бошқа томондан, бу мамлакатда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни тобора

¹ *BBC poll: Germany most popular country in the world*, BBC, 23. Mai 2013. Abgerufen am 25. Januar 2014.

шакллантираётган Интернет узоқ вақтдан бери тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Фақат контент билан боғлиқ фойдаланишдан ташқари, онлайн видео ва аудио тарғиботлар алоҳида аҳамиятга эга. Бошқа томондан, газеталар, журналлар ва китоблар каби босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш камаймоқда. Умуман олганда, немислар 60 йил аввалгидан кўра, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга кўпроқ вақт сарфлаш имкониятига эга бўлаётгани учун маблағ ажратилиши қарийб уч бараварга ошган.

Немисларнинг катта қисми оммавий ахборот воситаларига ишонади. Тахминан 4/5 киши жамоат радиоси ва телевидениясини ишончли деб билади. Аксинча, сўровда қатнашганларнинг олти фоизи таблоидларни ишончли деб ҳисоблашган.

Китоб ўқиш Германиядаги ёшлар учун муҳим бўш вақт ҳисобланади: Германиядаги 12 ёшдан 19 ёшгача бўлган ёшларнинг учдан бирдан кўпроғи ҳар куни ёки ҳафтада бир неча марта китоб ўқишини айтишади. Ёшларнинг ярмидан кўпи камида 14 кунда бир марта босма китобни ўқийди.

Шунингдек, Германия мафқурани энг аввало таълим ва тарбияни такомиллаштиришдан бошлади. Айниқса, тарбияни инсон туғилганидан бошлаб, умри тугаганда яқунланиши мумкинлиги халқига англади. Ушбу тарбияда асосий урғу “немис миллий характери”ни шакллантиришга қаратилди. Ҳар бир туғилган шахс “Немис фуқароси” эканини тарбия орқали қаттиқ синдирилди. Шунингдек, қатъий тартиб ва қонун-қоидаларга итоат этиш зарурлигини болалар боғчасидан бошлаб, ҳар бир бола билиши зарурлигига катта эътибор қаратди. Мақсад, агар болалар боғчада тартиб ва қоидаларни яхши ўрганса, у мактабдаги тарбияда узвий ҳолда бу давом этадиганса бўлса, меҳнат жамоаларида иш самарадорлиги юқори бўлади ва ватанпарварлик тамойилларига амал қилади, деб қаралди.

Немис оилалари ҳозирги вақтгача ижтимоий ҳаётда асосий ўринни эгаллайди. Уларда ҳам оила жамиятнинг асосини ташкил этади. Яъна, эътиборга молик жиҳати шундаки, Германияда оила институти билан алоҳида вазирлик ишлайди. Яъни оила вазирлиги мавжуд. Ўтказилган социологик сўровларга кўра, оила қуриш истагининг пасайиб бориши ва оила қуриш ёшининг кўтарилиши бу асосан жамиятдаги иқтисодий омиллар билан боғлиқлигини кўрсатмоқда. Немис оиласига мансуб хонадонларда болалар хонаси бўлиши мажбурийлиги белгиланган бўлиб, болаларнинг кун тартиби ҳам ишлаб чиқилган. Зеро, болаларнинг кун тартибида нима овқат истеъмол қилиши мумкинлиги, қандай машғулотлар билан банд бўлиши, қандай китоблар ўқиши қатъий белгиланган ҳамда бола 8 ёшгача ТВ кўриши мумкин эмас, деган қатъий қоидалар ҳам киритилган. Унинг ўрнига болалар расм чизиш ва мусиқа машғулотлари билан банд бўлади. Болалар учун кечки уйқу вақти этиб, соат 20:00 қатъий қилиб белгиланган. Ота-оналар ҳафтада камида бир маротаба фарзандлари билан хиёбонга ва жамоат дам олиш жойларига бориши шарт. Бу учун ота-она вақт ажратиши мажбурий. Болага унинг ота-онасидан бошқа шахс танбех бериши мумкин эмас. Танбех беришга фақатгина ота ёки она ҳаққилиги қоидаларда белгиланган. Мазкур кун тартибига риоя қилишни ота-она ва тарбиячи ўргатади. Ҳаттоки, болалар ўйнайдиган ўйинчоқларни ҳам ота-оналар томонидан боланинг ёшига мосини танлаши шарт ҳисобланади. Германияда ҳар бир ёшга мос ўйинчоқлар ишлаб чиқарилиши шу қадар кенг йўлга қўйилганки, ҳатто катталар учун қўғирчоқлар яратилган.

1952 йил 24 июнда Германиянинг “Билд” газетасида илк бор карикатурачи Рейнхард Беутхен томонидан яратилган Лилли қўғирчоғи шахвоний мультфильм қахрамони сифатида оқ-қора сурати нашр этилди. Шундан сўнг Германиянинг “Сариқ матбуот”ларида Лиллининг саргузаштлари бошланди. У ўқувчиларни, айниқса, эркакларни ўзига ром этибгина қўймай, гезеталарда турли ҳил кўринишдаги шахвоний хиссиётни кўзготувчи суратлари билан чиқишлар давом этди. Ҳаттоки, унинг қўғирчоғи ҳам яратилди. Лилли Германиянинг урушдан кейинги иқтисодий мўжизасига айланди. У ҳозир ҳам Германияда жозибадор ва ўзгача кўриниши билан машҳурдир. Лилли қўғирчоғи катталар ўртасида энг чиройли совға бўлиб хизмат қилди. Газеталарда чиққан барча суратлари шахвоний хисни уйғотувчи кўринишида чоп этиб борилди. Эркаклар учун мазкур суратлар энг ёқимли деб қабул қилинди.

Лилли Германияда шу қадар машҳур бўлганидан, 1958 йилда у ҳақида “Лилли – шаҳарлик қиз” номли фильм суратга олинди. Асосий ролни газетага Германиянинг турли

бурчакларидан келган ёш аёллар суратлари ичида даниялик Енн Смирнер ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, унинг номи билан аёлларнинг пардоз буюмлари ҳам чиқарилиб, европада янада машхурликка эришди.

Шундай қилиб, аёллар танасидаги энг муҳим жойларни ўзида намоиш қилувчи, комати “лампа шиша”ни эслатувчи қўғирчоқ – Барби дунёга келди. Унда эркакларнинг талаблари ва аёлларнинг таклифлари мужжасам эди.¹

Бугунги глобализациялашган даврда дунё давлатлари олдида турган энг асосий масалалардан бири жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганиш, таҳлиллари натижасида соғломлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва аҳолидаги юзага келаётган иллатларни бартараф этишдан иборат. Оилалардаги муносабатлар сабаб жамиятдаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли бугунги кунда оилани мустаҳамлаш масаласи асосий муаммога айланмоқда. Муаммони аниқлаш ва уни бартараф этишга чоралар кўриш, аниқланган иллат ва таҳдидларга қарши курашиш ёки юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ечимини топиш билан мамлакатнинг ижтимоий-маънавий соғломлаштиришга эришилади.

Сўнгги йилларда Германия жамиятидаги ижтимоий-маънавий муҳитга таъсир этувчи омиллар тадқиқот институтлари томонидан жиддий ўрганилмоқда. Ана шундай институтлардан энг машхури бўлган Алленсбач Демоскопия институти (IfD Allensbach) бўлиб, у 1947 йилда ташкил топган. Мазкур институт ҳозирда Германиядаги сўров тадқиқотлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Институти томонидан 2019 йилда ўтказилган тадқиқотга кўра, аҳолининг тўртдан уч қисмидан кўпи (77 фоиз) оилани ҳаётида биринчи ўринга қўйиши аниқланган. Шу билан бирга, оила одатда қандай кўринишга эга эканлиги ҳақидаги фикр ўзгармоқда. Германияда аҳолининг ярмидан озроғи ҳали ҳам бир оилада яшайди. Анъанавий оила тузилмаларининг пасайишига қарамай, 2019 йилда вояга етмаган болалари бўлган эр-хотинлар энг кенг тарқалган оила тури бўлди – деярли 70 фоизи. Сўнгги пайтларда никоҳлар сони яна бироз ошди, 2019 йилда бу кўрсаткич 416 мингдан сал кўпроқни ташкил қилди. Пандемия туфайли 2020 йилнинг биринчи ярмида рақамлар сезиларли даражада камайди. Иш ва оиланинг уйғунлиги алоҳида тарғиб қилина бошланди. Энг ачинарлиси бу даврда ҳар учинчи никоҳ ажралиш билан тугади. 2019 йилда ажрашган никоҳларнинг ўртача давомийлиги деярли 15 йилни ташкил этди. 2019 йилда немислар ва хорижликлар ўртасида 50 мингдан ортиқ никоҳ тузилган.

Бугунги кунда Германияда никоҳдан ташқари ҳамкорликда фарзандли эр-хотинлар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. 1999 йилдан 2022 йилгача вояга етмаган болалари бор бугунги кунда 8,2 миллион оилада уларнинг улуши икки барабар ошган бўлса, болали ҳар ўнинчи эр-хотиндан кўпи турмуш қурмаган. Фақат битта ота-онаси бўлган оилаларнинг кўрсаткичи ҳам ўсиб бормоқда. Бугунда 1,5 миллион ёлғиз ота-онандан деярли тўққиз нафари аёллардир. Ёлғиз ота-оналар қашшоқликдан қийналиб, уларнинг 38 фоизи давлат томонидан ёрдам олмақда. Яъни давлат уларни боқишга мажбур бўлмоқда. Бу эса давлатнинг иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Германияда бир жинсли никоҳ кўрсаткичи ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 2017 йил 1 октябрдан Германияда бир жинсли жуфтликлар турмуш қуриши ёки рўйхатдан ўтишлари мумкинлиги белгиланган. Унга кўра, 2019 йил Германияда 142 000 гомосексуал жуфтлик бирга яшаётгани аниқланган бўлиб, бу ўн йил аввалгидан ярмидан кўп эканини ташкил этмоқда. Улардан 66 000 га яқини рўйхатдан ўтган шерикликда яшайди, улар 2001 йилдан бери бир жинсли эр-хотинларга ўзаро муносабатларини давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоя қилинади. 2017 йилда Бундестаг барча учун никоҳ деб аталмиш тўғрисида қарор қабул қилди. Гомосексуал эр-хотинлар энди тўлиқ никоҳ ва шу тариқа, масалан, болаларни асраб олиш ҳуқуқига эга. 2021 йил якунига келиб, 65,500 дан ортиқ бир жинсли никоҳлар рўйхатдан ўтган. Бу ҳолатлардан Германия давлати оилалардаги болаларнинг ижтимоий-маънавий онги ва руҳий оламига жиддий таъсир кўрсатаётганидан ташвиш чекмоқда.

¹ <https://bild-lilli.com/>

Шунингдек, бир томондан, биргаликда яшашнинг янги шакллари пайдо бўлаётган бир пайтда, бир кишилиқ уй хўжаликлари сони кескин ошмоқда. Ўтказилган сўровларга кўра, барча хусусий уй хўжалиқларининг 42 фоизи ёлғиз хонадонлардир. Бир томондан, бу ривожланиш демографик ўзгаришларнинг натижаси бўлиб, ёлғиз яшаётган кексалар сонини кўпайтирса, иккинчи томондан, кўпроқ ёшлар ёлғиз бўлиб яшаши хавф ортмоқда.

Шунга қарамай, болали оилаларда классик никоҳлар камдан-кам учрайди: уларнинг 18 ёшгача бўлган барча оилалардаги улуши 1996 йилда 81 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич атиги 70 фоизни ташкил этди. Бошқа томондан, турмуш қурмаган ота-оналарнинг биргаликда яшовчи улуши шу даврда 4,8 фоиздан 11,5 фоизга икки баравар кўпайди. Бундан ташқари, болали уй хўжалиқларида ота-оналарнинг ёлғиз яшаши ортиб бормоқда: уларнинг мутлақ сони деярли ўзгармайди; 2019 йилда 1,34 миллион атрофида бўлиб, бу тахминан 2003 йилдагига тенг бўлди. Бироқ уларнинг умумий сони қисқариши туфайли уларнинг барча оилалардаги улуши 1996 йилдаги 12,8 фоиздан 2019 йилда фақат битта ота-она бўлган 18,6 фоизга ошганлигини статистик маълумотларида келтирилган. Ўн нафар ёлғиз яшовчи ота-онадан тўққизтаси аёллардир. Ёлғиз яшовчи оналар ва эр-хотин оилалар билан солиштирилганда, оталар мактабгача ёшдаги болаларга қараганда, уйда фақат битта вояга етмаган бола билан яшаши кўпчилиқни ташкил этмоқда.

Биринчи туғилишда ёши каттароқ бўлиши, аёлларнинг даромадли иш билан бандлиги, ажралишларнинг доимий юқорилиги каби тендентсиялар ҳам оила имиджини ўзгартирмоқда. 2019 йилда Германияда 8,189 миллион нафар вояга етмаган болалари бор оилалар яшаган бўлса, 1996 йилда уларнинг сони 1,2 миллионга кўп бўлган.

Ота-оналикка олиб борадиган йўлларнинг хилма-хиллиги туфайли биологик ва ижтимоий ота-оналик тобора кўпроқ ажралиб бормоқда. Никоҳдан ташқари иттифоқлар никоҳдан фарқ қилади, аммо ота-бола муносабатлари ва иқтисодий жиҳатдан заиф ота-онанинг ҳуқуқий ҳимояси йўқлиги. Иккала ота-она автоматик равишда никоҳда васийлик ҳуқуқига эга бўлса-да, никоҳ тўғрисидаги гувоҳномасиз шерикликда дастлаб ота-оналик масъулияти фақат онанинг зиммасига юкланади – ҳа, ота-оналар ҳам оталиқни тан олишган, ҳам ота-оналик жавобгарлиги тўғрисида декларация берилган.

Ҳатто ажралиш ёки вафот этган тақдирда ҳам, турмуш қурганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари турмуш қурмаган ота-оналарникидан фарқ қилади. Эр-хотинлар учун уй-жой, таъминот, мол-мулк ва нафақаларни тенглаштириш ва мерос қонунчилигида қоидалар мавжуд бўлса-да, турмуш қурмаганлар учун таққосланадиган қонунлар мавжуд эмас. Федерал ҳукуматнинг тенглик тўғрисидаги ҳисоботида кўра, аёллар қунига тўрт соату 13 дақиқани уй юмушлари ва бола парваришlash учун, эркаклар эса икки соату 46 дақиқа сарфлайди. Шунингдек, оилалар жамият келажагини қафолатлайди.

Оилаларда амалга оширилган ишлар нафақат уларнинг аъзоларига, балки бутун жамиятга фойда келтиради. Ота-оналарнинг оиладаги сарф-ҳаражатларини энг кўп қисми фарзандларини парвариш қилиш, тарбиялаш ва ўқитиш учун сарфлаган харажатлар ташкил этади. Улар фарзандининг келажақда яхши касб эгаси, етук ва билимли мутахассис бўлишига жиддий қарайди. Давлат эса бошқа томондан, фарзандларни ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом улғайишини назорат қилади, Шу билан бирга, тобора баҳсли бўлиб бораётган никоҳнинг бўлиниши, ҳатто фарзандлари бўлмаса ҳам, эр-хотинларга солиқ имтиёзларини беради.

“Deutsche Welle” хабар беришига кўра, Германия президенти ижара ҳақи ва қўшимча уй-рўзғор харажатлари туфайли мамлакатда уйсизлар сонининг кўпайиши хавфи ортмоқда.

Бугунги кунда Германияда 300 мингдан ортиқ одам ўз уйига эга эмас. Улардан деярли 180 минг нафари турли бошпаналарда истиқомат қилади, 45 мингга яқини эса доимий равишда кўчада тунашга мажбур.

300 мингдан ортиқ – бу жуда кўп. Келгуси ойлarda мазкур рақамлар янада ортиши хавфи мавжудли ҳам аҳолининг ижтимоий-маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, хавф остида бўлганлар орасида кам таъминланган, нархларнинг ошиши сабаб ижара ҳақини тўлай олмайдиган ёки қўшимча харажатларга дучор бўлган оилалар кўпчилиқни ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг июль ойида Германия Статистика бошқармаси январь ҳолатига кўра, мамлакатда 178 мингга яқин одам бошпана, ётоқхона ва вақтинчалик яшаш жойларида яшаётгани ҳақида хабар берганди. Шу билан бирга, бошқарма дўстлари ёки танишиникидан бошпана топганларни, шунингдек, кўчада яшовчи бошпанасизларни ҳисобга олмаган.

Тадқиқот уйсизларнинг ўртача ёши 32 ёшни ташкил этишини кўрсатди. Бошпанасиз аҳолининг 37 фоизи 25 ёшдан кичик, деярли 5 фоизи 65 ёшдан катта одамлар.¹

Германияда сўнгги бир неча йил ичида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар янги ижтимоий хавфли вазиятларнинг пайдо бўлишига ва жамиятнинг иқтисодий ҳаёт шароитларига кўра, кўпроқ диверсификация қилинишига олиб келди. 2019 йилда 1991 йилга нисбатан камроқ одам ишсиз бўлган бўлса-да – ўртача 2,3 миллион атрофида эди. Шунга қарамай, Германияда деярли ҳар бешинчи киши қашшоқлик хавфи остида, айниқса ёшлар, пенсионерлар ва ёлғиз ота-оналар хавф остида қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Германия оилаларни қўллаб-қувватлайди ва ота-она таътиллари, ота-она нафақалари ва яхши бола парвариши тақлифлари орқали меҳнат ҳаётида тенг иштирокни кучайтиришига қарамай, жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳити носоғломлашиб бормоқда. Бу давлатнинг келажаги учун ҳам жиддий зарар етказди. Эркинликнинг бу даражада таъминланиши аҳоли сонини ошиши кўрсаткичлари кескин пасайишига олиб келмоқда. Натижада давлатнинг аҳолиси ташқи давлатлардан келган мигрантлар билан тўлишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда немис миллатининг секин-асталик билан камайиб кетишига ва давлатнинг миллий тили ўзгаришига ҳам юзага келиши эҳтимоли мавжуд. Шундай бўлсада давлат ота-оналар ва болалар ўртасидаги авлод муносабатлари яхши бўлиши ва одатдаги тарбиянинг эскирган ёки авторитар усуллари билан эмас, балки мустақил бўлиб яшаши учун шароит яратишда давом этмоқда. Шунингдек, Германиядаги аксарият одамлар халқаро нуқтаи назардан қаралганда юқори турмуш даражасига эга ва ўз ҳаётларини шунга мос равишда ташкил қилиш эркинлигига эгадир. Эркинликнинг меъёридан ошиши ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Миллатнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади.

Наирга проф. С.Чориев тавсия этган

ВИРТУАЛ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ШАКЛ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўраев К.С. (Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти)

Аннотация. Ушбу мақолада виртуал маънавий таҳдидларнинг шакл ва хусусиятлари, виртуал таҳдиднинг сиёсий тадқиқот объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, жамият сиёсий барқарорлигига виртуал таҳдидлар таъсирининг намоён бўлиш шакллари ва ҳозирги давр мусулмон Шарқида диннинг виртуаллашуви ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири илмий нуқтаи назардан очиб берилган.

Таянч сўзлар: *виртуал таҳдид, ахборот инқилоби, терроризм ва экстремизм, интернет, диний қадрият, сиёсий ҳаёт, кибертерроризм, дин ниқоби.*

Аннотация. В данной статье рассмотрены формы и характеристики виртуальных духовных угроз, специфика виртуальных угроз как объекта политических исследований, формы проявления влияния виртуальных угроз на политическую стабильность общества, виртуализация религии в Мусульманский Восток современной эпохи и его влияние на общественно-политическую жизнь общества раскрываются с научной точки зрения.

Ключевые слова: *виртуальная угроза, информационная революция, терроризм и экстремизм, интернет, религиозная ценность, политическая жизнь, кибертерроризм, маска религии.*

Annotation. This article discusses the forms and characteristics of virtual spiritual threats, the specifics of virtual threats as an object of political research, the forms of manifestation of the influence of virtual threats on the political stability of society, the virtualization of religion in the Muslim East of the modern era and its impact on the socio-political life of society are revealed from a scientific point of view.

¹ <https://www.ifd-allensbach.de/>

Keywords: *virtual threat, information revolution, terrorism and extremism, internet, religious value, political life, cyber terrorism, mask religion.*

Асримизни том маънода ахборот инқилоби асри, деб аташимиз мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган радиотелефон алоқа-ахборот узатишда ниҳоятда кенг кўламдаги ихтироларга туртки бериб, соҳада ишлаб чиқаришнинг кашфиёт ортида “имиллаб” қолишига олиб келди. Ниҳоят, кейинги оламшумул воқеа – интернетнинг яратилиши эса ахборот коммуникацияларининг кескин ривожланиши ва глобал даражадаги катта ўзгартиришлар билан бирга фуқаролик жамияти, одамлар турмуш тарзи ва маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди [2].

Интернетнинг қулайликлари арзон, тезкор, техник жиҳатдан материалларни жойлаштириш осон. Катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, осонгина маълумотларни йиғиш, бошқа тилга ўгириш ва чегарасиз узатиш мумкин. Албатта, бу қулайликларни илғор ҳамжамият олқишлаб, айни пайтда унинг салбий таъсиридан ташвишга тушмоқда. Мазкур глобал тармоқнинг салбий таъсири шундан иборатки, хоҳлаган одам истаган ахбороти билан виртуал майдонга ҳеч бир тўсиқсиз кириши, назорат деярли йўқлиги туфайли террористик ва турли пасткашликка йўғрилган маълумотларни тарқатиши, космополотик ғоялар, “оммавий маданият” кўринишидаги миллий менталитет ва миллий манфаатларга ёт қарашларни, турли диний экстремистик оқимларнинг ақидаларини тарғиб этаётганлигидир [7].

Мисол учун интернет тармоғининг турли сайтларида бугун одам ўз жонига қасд қилишининг ўттиз тўққиз турининг тафсилоти баён қилинади. Ваҳоланки, буни барча динлар қоралаб, бу тангри томонидан ман этилганлигини кўпчилик билади. Бугун интернетнинг “оммавий маданият” кўринишидаги асрий анъана ва тамойил, турмуш тарзи ҳамда кадриятларига салбий таъсири хусусида сўз кетаркан, аксарият сайтларда дастлаб, енгилгина кўринишидаги эгоцентризм, яъни дунёда “мен” ва “менинг манфаатларим бор” тамойили “нажмите здесь” ёзуви билан эътиқоди қотмаган ёшларни турли ахлоқсизликлар кўчасига олиб кириб кетаётганлигини таъкидламоқ жоиз. Соғлом турмуш тарзи, оила муқаддаслиги, боқиралик ва ҳаёни барча неъматлардан устун кўювчи миллат фарзандлари учун бу ҳолат эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизликлардан бўлак ҳеч нарса эмас!

Маълумки, бугунги кун ахборот асри ҳисобланади. Яъни, ёшларимиз худудий ҳамда мазмун жиҳатидан чекланмаган ахборотдан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Аммо умуминсоний кадриятларга даъват этувчи, тараққиётга ундовчи маълумотлар билан биргаликда ҳаётимизга тажовузкор, ғаразли вайронкор ҳамда бузғунчи ғоялар ҳам кириб келиши эҳтимоли борган сари кучайиб бормоқда. Шундай вазиятда шахс онгини ёт, вайронкор ғоя ва мафқуралардан ҳамда турли хил бузғунчи ахборот хуружларидан асраш, ахборотларни яхши ва ёмонга, тўғри ва ётга, оқ ва қорага саралай олишга ўргатиш ёки уларда барқарор мафқуравий иммун тизимини шакллантиришни талаб этмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалар шахсларнинг психологик хусусият ва имкониятларига кўпроқ эътибор беришни тақозо этмоқда. Биз тадқиқотимизда айнан бугунги глобаллашув даврида инсоният онгини захарлашга қаратилган ахборот ва мафқуравий хуружларга нисбатан шахсда барқарор мафқуравий иммунитет шакллантиришда шахснинг психологик ҳимоя механизмларининг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилишни мақсад қилдик [8].

Виртуал оламда ҳали дунёқарашни тўлиқ шаклланмаган ёшлар, шунингдек, ўз қатъий фикри ва позициясига эга бўлмаган одамларни ўз домига тортиб кетадиган, динни ниқоб қилиб олган турли экстремистик оқимларнинг даъватлари жаҳондаги кўплаб мамлакатларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқармоқда. Натижада миллий, этник, диний, худудий, сиёсий ва ҳарбий аҳамият касб этган можароларнинг сони ортиб, давлатлар мустақиллигига таҳдид солмоқда. Дунёдаги илмий марказлар томонидан диний мазмундаги ахборот хуружларига қарши ёшларда ўз-ўзини ҳимоялашнинг диагностикапрофилактик тизимини ишлаб чиқиш орқали инсон онгига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралаш муаммоларининг илмий-амалий тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ҳамда глобаллашув

жараёни жадал кечаётган бир даврда диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг сиёсий мазмун-моҳиятини ўрганиш йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.[6]

Literature review. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларидаги маънавий қашшоқлик, диний ақидапарастлик, терроризм ва бошқаларни баргараф этиш борасидаги фикрмулоҳазалари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди [1].

Виртуал таҳдидларнинг жамият тараққиётига таъсири нисбатан янги мавзу ҳисобланади. Таниқли Ғарб олимларидан Э.Гидденс, Э.Тоффлер, С.Хантингтон, Ф.Фукуяма, З.Бжезинский, Д.Холмс, П.Химанен ва М.Кастелс каби мутахассислар ўз изланишларида ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиши, бундай жамиятларнинг ривожланишидаги ғоявий-мафкуравий таҳдидлар кўлами виртуал технология ривожин билан боғлиқ ҳолда кенг ёритиб берилган [5].

Ўзбекистонда истиқлол йилларида жамият сиёсий барқарорлигига диний мазмундаги виртуал таҳдидларнинг таъсирига доир умумилмий қарашлар акс этган монография, рисола ва мақолалар, диссертациялар А.С.Очилдиев, З.Исломов, К.Комилов, У.Р.Кушаев, Н.Юсупова, Ю.М.Якубов, А.А.Ҳасанов, З.И.Мунавваров, Ш.Миноваров, Ш.Сирождидинов, Ҳ.С.Кароматов, М.А.Ражабова, И.Каримов, М.Имомназаров, З.М.Хуснидинов, Ш.А.Ёвқочев, Ғ.С.Кароматов томонидан тайёрланган. Мазкур илмий изланишлар орқали хориждан турли бузғунчи ғояларнинг мамлакатимизга ҳам кириб келаётганлиги, хусусан, “хорижий маданият” орқали турмуш тарзимиз ва миллий ақидаларимизга зид бўлган маънавий меъёрларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири, динлараро ва маданиятлараро интеграция ниқобида “террор” шаклидаги бузғунчи ғоявий таъсирлар кучайиб бораётганлиги, диний ақидапарастлик, терроризм, экстремизм таҳдид солаётган бир пайтда иштирокчиларнинг асосий қисми ҳали дунёқарашини ва ҳаётини тасаввурлари тўлиқ шаклланмаган ёшлар эканлиги илмий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилинганлиги ҳам диққатга сазовор [9].

Сиёсий фанларда “виртуал таҳдид” тушунчаси таъриф-таснифига катта эътибор берилишининг сабаби кейинги постиндустриал жамиятда ахбороткоммуникацион технологиялари тизимидаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маданий трансформация талабларининг ўзгариши билан характерланади. Дунё олимлари томонидан ҳозирги давргача жамият сиёсий барқарорлигига виртуал таҳдидлар таъсири муаммосининг методологик асосига доир кўплаб назария ва концепциялар яратилган.

Ҳозирги кунда умумжаҳон миқёсидаги жадал ривожланиш ва ўзгаришлар сайёрамизнинг жуда катта майдонида сиёсий кескинликларни келтириб чиқармоқда. Дунё сиёсий харитасининг тубдан ўзгариши ҳудудий, ижтимоий, экологик, диний ва демократик муаммоларнинг кескинлашуви сиёсатшунослик фани доирасидаги тадқиқотларга бўлган эътиборни кучайтирди. Айниқса, XX асрнинг ҳукмрон ижтимоий омилларидан бири десекуляризация омили XXI асрнинг дастлабки йилларидан ҳам ижтимоий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида бугунги кунда бутун дунёда кишилар диний ақидаларини нарийроқ суриш ўрнига, диний мансубликни янада кучлироқ ҳис этмоқдалар. Бу ҳолат виртуал оламда ҳам ўзига хос шаклда намоён бўлмоқда [9].

Виртуал таҳдидларнинг ижтимоий оқибатларини сиёсий фанлар доирасида ўрганиш долзарб ҳисобланади. Чунки бу кўринишдаги таҳдидларнинг кўплаб салбий тенденциялари ва муаммолари ханузгача кам ўрганилган. Бу эса виртуал оламда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий трансформация жараёнининг бутун жамиятга, унинг ижтимоий-сиёсий институтларига таъсир кўрсатиши табиийдир. Шу боисдан ҳам айрим тадқиқотчилар виртуал таҳдидлар таъсирига тушиб қолган ёшларни тобалик ҳамда тушкунликлар, ўз жонига қасд қилиш каби зарарли иллатлар ўз домига тортиб олаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар.

Ҳозирги даврда Интернет тармоқларида тарқатилаётган ахборотлар ўзининг позитив аҳамияти билан бир қаторда салбий ҳолатларни ҳам ўзида акс эттирмоқда. Айниқса, WhatsApp, Telegram, Viber каби ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган негатив

ахборотлар кўламининг тобора ортиб бораётганлиги айтиш мумкин. Бу ҳақиқатни пайдо қилмоқда [4].

Интернетдан хоҳлаган одам исталган ахбороти билан виртуал майдонга тўсиксиз кириши мумкин. Бунда биринчи галда, назорат йўқлигидан фойдаланиб қоладиган бузғунчи кучлар ўз таъсир доираларини оширишга ҳаракат қилишлари аниқ. Чунки бундай глобал Интернет тармоқларида ахборот тайёрлаш ва тарқатиш арзон, давлат чегараларидан бемалол ўтиб кетаверади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Интернет бузғунчилик, кўпуровчилик ғояларини, порнография ва бошқа иллатларни тарғиб қилувчи “макон”га айланиб қолмоқда. Интернет орқали амалга оширилаётган ахборот хуружларининг олдини олиш эса жуда ҳам мураккаб масалалардан ҳисобланади.

Хуллас, замонавий виртуал таҳдидлар кўйидаги соҳаларда намоён бўлмоқда:

биринчидан, давлат бошқарув идораларининг хавфсизлик тизимига кириш, ишларни тўхтатиш ёки алоқа, таъминот, жамоат транспорти ва ҳарбий объектларни тўлиқ ёпиш орқали катта миқдорда моддий ва иқтисодий зарар етказиш;

иккинчидан, жамиятдаги вазиятни беқарорлаштириш ва бетартибликни ёйиш учун аҳолининг кенг қатламларига психологик таъсир ўтказиш;

учинчидан, алоҳида ижтимоий гуруҳларга, шунингдек, ахборот соҳасига жалб қилинган одамларга психологик таъсир ўтказиш;

тўртинчидан, ҳарбий, миллатлараро ва диний можароларни кўзга ташлаш, халқаро майдондаги кучлар мувозанатини бузиш учун провокацион нотўғри маълумот бериш;

бешинчидан, ахборот макони орқали радикал ва экстремистик ғояларни тарғиб қилиш, мавжуд террористик ташкилотларга янги аъзоларни жалб қилиш,

олтинчидан, маълум бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига унинг ҳудудида ўрнатилган портлаш мосламалари тўғрисида нотўғри маълумот бериш, террорчилик актларини тайёрлаш;

еттинчидан, террорчилик ҳаракати таҳдиди орқали давлат ҳокимияти тизимига таъсир қилиш, давлатнинг ахборот инфратузилмаси, ижтимоий аҳамиятга эга ва ҳарбий ахборот тизимлари, шифрлаш тизимларининг ишлаш принциплари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида тўпланган тажриба ва бошқалар тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилиш ёки эълон қилиш таҳдиди ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хусусан, истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни ривожлантириш бўйича, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар белгиланди. Бу даврда маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёшларимизнинг онгини турли зарарли ғоялардан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади [11].

Бугунги глобаллашув жараёнининг миллий ғояга таъсири, унинг ҳозирги дунёнинг долзарб муаммосига айланди. Бу жараён турли мамлакатлар, халқлар ҳаётида уларнинг бир-бирига боғлиқлиги миллий-маънавий ва ижтимоий ҳаётида акс этмасдан қолмайди. Бугун нафақат маънавий-мафкуравий ҳаётимиздаги, балки кишилик жамиятининг барча соҳаларидаги ўзгариш ва янгиланишлар турмушимизга гоҳ ижобий, гоҳ салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан замонавий техника ва технологияларнинг ривожланиб бориши ҳамда ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, инсоният тараққиётини, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан, кучли мафкуравий таъсир воситаларига айланишини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 591.
2. Pye L. Political Communication // The Blackwell Encyclopaedia of Political Institutions. Oxford - New York, 1987.
3. Adomo T., Horkheimer M. Dialectic of Enlightenment. N.Y.: Continuum, 1988.
4. Маркузе Г. Одномерный человек: Исследование идеологии развитого индустриального общества. – М.: REFL book, 1994.

5. Habermas J. The Structure Transformation of the Public Sphere. – Cambridge: Polity Press, 1989.
6. Шиллер Г. Манипуляторы сознанием: пер. с англ. предисл. Я.Засурского. – М.: Мысль, 1980.
7. Маклюэн М. Понимание медиа: внешние расширения человека. – М.: КАНОН-Пресс-Ц, 2003.
8. Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. Wash., 1981; Тоффлер Э. Третья волна. М., 2002; Урсул А. Информатизация общества. Введение в социальную информатику. – М., 1990.
9. Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. – М., 1998.
10. Гидденс Э. Устройство общества. Очерк теории структуризации. – М.: Академический проект 2018. – 528.
11. Тоффлер Э. Третья волна. – М. АСТ 2010. – С. 795.
12. Саидов У. Маданият соҳасидаги глобаллашув жараёнлари ва маънавиятга таъдидлар. – Тошкент: Академия, 2011. – Б. 28.

Наишра проф. С. Чориев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нишанбаева Э., Абдухалилов А. (ЎЗМУ)

Аннотация. Ушбу мақолада муаллифлар ўз эътиборларини Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратишган. Бу борада улар томонидан эксперт сўровнома асосида ўтказилган тадқиқотлар натижалари ёритилган. Шунингдек, мақолада муаллифлар томонидан бенчмаркинг, краудфандинг, таймбанкинг, краудсорсинг, аутсорсинг технологияларини мамлакатимиздаги ижтимоий шериклик жараёнларига тадқиқ этишга доир тақлиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: *давлат, жамият, фуқаролик жамияти, ижтимоий шериклик, нодавлат ношаркат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари.*

Аннотация. В данной статье авторы уделили особое внимание процессам развития социального партнерства в Узбекистане. В этом контексте ими были описаны результаты исследования проведенного на основе метода экспертного опроса. Также авторами были даны предложения по внедрению таких современных технологий, как бенчмаркинг, краудфандинг, таймбанкинг, краудсорсинг, аутсорсинг в процессы социального партнерства в нашей стране.

Ключевые слова: *государство, общество, гражданское общество, социальное партнерство, некоммерческие организации.*

Annotation. In this article, the author paid attention to the processes of development of social partnership in Uzbekistan. In this context, they described the results of a study conducted on the basis of the expert survey method. The authors also made suggestions on the implementation of technologies such as benchmarking, crowdfunding, timebanking, crowdsourcing, outsourcing to the processes of social partnership in our country.

Keywords: *state, society, civil society, social partnership, non-profit organizations.*

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий шериклик моделини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, айнан ижтимоий шериклик механизмларининг жорий этилиши жамиятда вужудга келиши мумкин бўлган ихтилофларни бартараф этилишига хизмат қилади. Ижтимоий шериклик моделлари ва уларнинг механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун бу жараёнларга доир илмий тадқиқотларни олиб бориш мамлакатимиз илмий жамоатчилиги олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Бежиз эмас, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ижтимоий шериклик жараёнларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берган ҳолда, Олий Мажлисга жорий йил 24 январдаги Мурожаатномасида “мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат ношаркат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтириш” ҳамда вазирлик ва идоралар ҳам “ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим”лиги алоҳида таъкидланган[1].

Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни ривожлантиришга доир бир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги тўғрисида»ги ва «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган комплекс дастури қабул қилинди.

«Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос келадиган моделларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги ПЗ-2017093070 рақамли амалий лойиҳаси доирасида, унинг аъзолари томонидан эксперт сўровнома ўтказилди. Ушбу сўровномада 30 та эксперт иштирок этди. Улардан 10 нафари ННТ вакиллари, 10 нафари давлат ҳокимияти органлари, 10 та академик доира вакиллари дидир.

Тадқиқот натижалари юқорида қайд этилган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишига қарамай ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди. Муаммолар сифатида сўровномада иштирок этган экспертлар давлат ҳокимият органларининг ижтимоий шериклик тамойиллари билан таниш эмаслиги, баъзи бир ННТларнинг фаолиятига оид ҳужжатлар декларатив характерга эга эканлиги, ижтимоий шериклик қонунчилигида аниқ бўлмаган меъёрларнинг мавжудлигини эътироф этдилар. Экспертларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш жараёнида ижтимоий шериклик алоҳида ўрин тутди. Айнан ижтимоий шериклик давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали алоқани таъминлашнинг энг муҳим механизми ҳисобланади. Ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун мамлакатда мавжуд қонунчилик муҳим аҳамият касб этади. Чунки, самарали қонунчилик давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Экспертлар мамлакатимизда ижтимоий шерикликка доир қонунчиликнинг баъзи меъёрлари самарали амал қилишининг механизмлари мавжуд эмаслигини қайд этдилар. Жумладан, мавжуд қонунларда давлат ҳокимияти органлари, ННТ ва бизнес ўртасидаги алоқаларни таъминлашга қаратилган механизмлар тўлиқ очиб берилмаган. Гарчан 2019 йил 10 майда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлсада, мазкур қонунда бизнес ва ННТларининг шериклик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари белгиланмаган. Шу билан бирга экспертлар мазкур қонун давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берганлигини таъкидладилар.

Давлат-хусусий шерикликнинг халқаро амалиёти атрофлича таҳлил қилинганда, ривожланган давлатларда мазкур ҳамкорлик асосан ижтимоий вазифаларни ҳал этишга қаратилгани маълум бўлди. Масалан, Европа давлатларида жами давлат-хусусий шериклик шартномаларининг 34 фоизи таълим, 21 фоизи соғлиқни сақлаш соҳасига тўғри келади. Шунингдек, у мамлакатларда йирик иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда ҳам давлат-хусусий шериклик механизмидан кенг фойдаланилган[2].

Ўзбекистонда ҳам Давлат-хусусий шерикликка алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги 4300-сонли Қарорига[3] асосан 2019 йилда амалга оширилиши режалаштирилган 15 та лойиҳа давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилиши белгиланганлигини келтиришимиз мумкин. Ўзбекистонда ҳозирги кунда давлат-хусусий шерикликнинг устувор тармоқларига электр энергиясини ишлаб чиқариш, транспорт соҳаси (аэропорт, йўллар ва х.к.), ижтимоий соҳа (соғлиқни сақлаш, таълим ва мактабгача таълим, спорт), телекоммуникация, коммунал хўжалик (сув таъминоти, канализация, иссиқлик, қаттиқ чиқиндилар), қишлоқ ва сув хўжалиги, туризм каби соҳаларни киритиш мумкин. Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан мазкур соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Натижада, 2019 йил ушбу агентлик томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда қиймати 10 млрд АҚШ долларидан кўп бўлган 17 та давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда[4].

Давлат-хусусий шериклик жараёнлари самарадорлигини ошириш учун юқорида қайд этилганидек, бу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти

катта. Чунки, айнан уларда давлат-хусусий шерикчиликнинг асосий тамойиллари очиб берилди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида давлат-хусусий шерикчиликнинг асосий принциплари белгиланган, улар қуйидагилардан иборат :

- давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;
- давлат-хусусий шерикчиликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;
- хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- коррупцияга йўл қўймаслик[5].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, экспертларнинг фикрича, давлат ҳокимияти органларининг ижтимоий шерикчилик фаолиятини олиб боришга қаратилган рағбатлантириш тизими ҳам мавжуд эмас.

Экспертларнинг таъкидлашича, агарда қонунда давлат ҳокимияти органлари ННТ билан ишлаш борасида ҳисобот бериш механизми кўрсатилганда эди, давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятида ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берган бўлар эди. Шунингдек, ижтимоий шерикчиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан яна бир таклиф. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»даги Қонунида давлат органлари жамоатчилик Кенгашлари органларни шакллантириш мумкин деб айтилган. Экспертлар фикрича қонундаги «мумкин» сўзининг ўрнига «шакллантиради» сўзини киритиш лозим. Яъни, ҳар бир давлат органи ўз фаолиятида Жамоатчилик Кенгашини шакллантириш лозимлиги белгилаб қўйилади. Экспертлар фикрига кўра, бунинг ёрдамида давлат органлари ва ННТлар ўртасидаги муносабатлар қонун асосида тизимлаштирилиши мумкин.

Шунингдек, экспертларнинг фикрига кўра давлат органларига ННТлар билан ишлайдиган тузилмани киритиш лозим. Яъни, муайян вазирлик, агентлик, қўмита ичида ННТлар билан ишлайдиган бўлимни ташкил қилишни қонунда қайд этилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ушбу бўлимнинг асосий вазифалари ҳам қонунда акс эттирилиши ижтимоий шерикчиликнинг ривожланишида катта туртки сифатида хизмат қилади. Экспертларнинг фикрига кўра, ижтимоий шерикчиликка доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзаро жавобгарлик механизмлари тўлиқ акс эттириб берилмаган.

Ижтимоий шерикчиликни янада ривожлантириш учун субъектларнинг бу жараёни тушуниши, қабул қилиши муҳим ҳисобланади. Давлат ҳокимияти органлари мазкур жараёни қандай қабул қиляпти, ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришда уларнинг позицияси ва манфаатлари нимадан иборат, деган масала мамлакатимизда ижтимоий шерикчилик механизмларини очиб беришнинг муҳим омили сифатида намён бўлади. Бу борада давлат органлари фаолиятини баҳолаганда экспертлар таъкидлашича, давлат органлари ижтимоий шерикчилик моҳиятига кириб бормоқда. Турли хил давлат идораларидан ННТларига буюртмалар, субсидиялар ажратилмоқда. Турли хил грантлар эълон қилинмоқда, лекин шунга қарамай биз томондан сўралган экспертларнинг фикрига кўра давлат ҳокимияти органлари ва ННТ ўртасида бугунги кунда тизимли мулоқот ўрнатилмаган. Бу ҳолат бир неча омиллар билан боғлиқ.

1. Ресурсларни тақсимлаш муаммоси. Экспертларнинг қайд этишича давлат органларининг ННТ билан мулоқот жараёнидаги биринчи саволи «Биздан молиявий харажат талаб қилинадими ёки йўқми?» (Агар йўқ бўлса, улар ННТ томонидан илгари сурилган ташаббусда иштирок этиши мумкин).

2. Кўп давлат органлари ННТларни ҳамкор эмас, балки ўзидан вертикал жиҳатдан паст бўлган, ёки қуйи тузилма сифатида кўради. Бунга мисол, ННТ томонидан илгарига сурилган ташаббусларнинг аксарияти амалга оширилмайди. Давлат органлари томонидан илгари сурилган ташаббуслар эса амалга оширилади.

3. Жамоат Кенгашларининг мавжуд эмаслиги ёки улар декларатив характерга эгаллиги.

Экспертларнинг фикрига кўра, юқорида кўрсатилган ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш учун қуйидаги механизмларга эътибор қаратиш лозим.

1. Давлат ҳокимияти органлари ходимлари учун ижтимоий шерикликка доир қисқа ўқув курсларни ташкил қилиш.

2. Давлат ҳокимияти органлари ННТ билан бирга йиллик иш режасини ишлаб чиқиш (давлат бошқарувининг лойихавий моделига ўтиш).

3. Ижтимоий шерикликни олиб борувчи давлат ҳокимияти органларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш.

4. Жамоат Кенгашларининг тузилишига эътибор қаратиш, уларда шаффоф ва ижодий атмосферани шакллантириш лозим.

Юқорида келтирилган механизмлар фикримизча давлат органларининг ижтимоий шериклик жараёнларига уларнинг фаолиятини оптимал олиб боришга хизмат қилади.

ННТлар фаолияти юзасидан сўровномада иштирок этган экспертларнинг аксарияти уларнинг фаолиятига ўртача баҳо бердилар. Уларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ННТларнинг аҳамияти ошиб бораётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ННТлари фаолиятига кенг имкониятлар яратилаётганлиги таъкидланди. Буни экспертлар авваламбор, ННТлар фаолиятида бюрократик тўсиқларнинг йўқолишида кўриш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда сўровнома ўтказилган экспертлар мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ННТлар ишни амалга оширишга тайёр эканлигини билдирдилар.

Шунга қарамай, ННТ фаолиятини такомиллаштириш жараёнида мамлакатимизда, улар фикрига кўра бир қанча муаммолар мавжуд. Уларга экспертлар қуйидагиларни киритдилар:

Биринчидан, мамлакатимиздаги кўплаб ННТларнинг етарли молиявий ресурсларга эга эмаслиги, уларнинг фаолиятини суллаштиришга олиб келмоқда.

Иккинчидан, мамлакатимизда ўз фаолиятини юритаётган аксарият ННТ ўз уставларида давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий шериклик олиб бориш кераклигини акс эттирмаганлар. Бу ўз навбатида ННТлар фаолиятида ижтимоий шерикликни шакллантириш иккинчи даражадаги масала бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, бугунги кунда аксарият ННТлар ўзининг стратегиясига эга эмаслар, уларнинг фаолиятида тизимлилик бўлмаганлиги сабаб, улар фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, мамлакатимиз ННТларида фаолият олиб бораётган аксарият мутахассисларни давлат органлари ёки бизнес субъектлари томонидан рағбатлантирилиши султ. Бу эса айрим ҳолларда профессионал мутахассисларнинг ННТларни ташлаб кетаётганлигида, ёки ННТни ўз фаолиятида иккинчи даражали фаолият сифатида кўраётганлигида акс этади.

Бешинчидан, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ННТлар фаолиятининг айримлари декларатив характерга эга.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун экспертлар қуйидаги механизмларни таклиф қилдилар.

1. ННТларни ривожлантиришга доир давлат дастури ишлаб чиқиш лозим.

2. Барча давлат ҳокимияти органлари иштирокида ҳар йили фуқаролик форумлари ўтказилиши лозим.

3. ННТ аъзолари учун ижтимоий шериклик ва Ўзбекистон қонунчилиги борасида қисқа курслар ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

4. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижтимоий шериклик моделлари шаклланиши лозим.

Фикримизча, Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий шериклик моделининг иккита муҳим жиҳати мавжуд:

-жамиятдаги барқарорлик;

-ҳамкорлик.

Айнан мана шу иккита асосий жиҳат Ўзбекистондаги ижтимоий шериклик моделини шакллантиришда муҳим омиллар сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, сўровномада иштирок этган экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни ривожлантиришда ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган замонавий ижтимоий технологиялардан, жумладан, бенчмаркинг,

краудфандинг, таймбанкинг, краудсорсинг, аутсорсинг кабилардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Замонавий менежментда бугунги кунда кенг тарқалган технологиялардан бири бенчмаркинг технологияси ҳисобланади.

Бенчмаркинг технологияси ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши билан кенг қўлланила бошланди. Чунки, айнан ижтимоий тармоқлар туфайли фикр алмашинув жараёнлари содир бўлади. Бенчмаркинг¹ технологиясининг хусусияти шундаки, у ижтимоий шериклик субъектларига ташкилотни ривожлантириш ёки муайян муаммони ечиш борасида фикр ва тажриба алмашиш имкониятини беради. Ўз фаолиятида бенчмаркинг технологиясини қўллаган нодавлат нотижорат ташкилотлар янги билимларга эга бўлади ва орттирилган тажрибани қўллаш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ўз навбатида ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожланишига, улар фаолиятининг кўлами ва самарадорлигини ошишига сабаб бўлади. Сўнгги йилларда бенчмаркинг технологияси Ўзбекистонга кириб келган ва у бизнес ва маркетинг фаолиятида кенг қўлланилмоқда [6].

Амалиётда маркетинг тадқиқотлари деганда истеъмолчилар, рақобатчилар, харидорлар ҳақида ахборот тўплаш, сақлаш, қайд қилиш ва уларни таҳлил қилиш тушунилади. Улар асосида маҳсулот ассортиментини ўзгартириш, нарх-наво сиёсатини қайта кўриб чиқиш, сотишни ташкил қилишни такомиллаштириш каби вазифалар ҳал қилинади. Истеъмолчилар, рақобатчилар ва харидорлар билан фирманинг ижтимоий шерикликни йўлга қўйиши – фирма сайтининг хизматлар ва маҳсулотлар саҳифасида очик мулоқотнинг йўлга қўйилиши билан ҳам намоён бўлишига эътибор қаратиш муҳим. Ҳозир Ўзбекистоннинг кўплаб етакчи фирмалари истеъмолчилар билан очик мулоқотларни йўлга қўйган, бунга мисол тариқасида korzinka.uz, glotr.uz фаолиятини келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, республикада жамиятнинг барча соҳаларига бенчмаркинг технологиясини татбиқ этиш ва бу технология орқали ижтимоий шерикликнинг миллий моделини яратиш элементларидан бири сифатида фойдаланиш мумкин. Бизнинг шаротида бенчмаркинг технологияси ижтимоий шериклик тизимини жорий этишда ривожланган давлатлар тажрибасини оқилона ўзлаштириш усули сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда яна бир кенг қўлланилаётган технологиялардан краудсорсингни келтиришимиз мумкин.

Краудсорсинг технологияси ҳам бенчмаркинг каби ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши билан фуқаролик жамияти субъектлари томонидан кенг қўлланилиб келинмоқда. Краудсорсинг фуқаролик жамияти субъектларига шунингдек, давлат ҳокимияти органларига муайян вазиятни ҳал этишда, ғояларни йиғишда ёрдам беради, у туфайли муаммоларни ечиш имкони ошади. Кўп ҳолатларда мазкур ғояларнинг йиғиндиси инновацион ғояларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида мазкур технология энди кириб келмоқда. Шунга қарамай шу кунгача қўлланилган айрим мисолларни келтириш мумкин: 2018 йилда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан биринчи марта кенг миқёсда «Тошкент сени севади» шиори билан шаҳар инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича онлайн-платформа ишга туширилди [7]. Краудсорсингнинг мақсади – шаҳарни ободонлаштириш учун фуқароларнинг ғояларини йиғишдан иборат бўлиб, белгиланган муддатгача 2906 та ғоя келиб тушган. Таъкидлаш лозимки, бу ҳам жамиятнинг ижтимоий ҳаётини яхшилашга, ҳаёт тарзини фаровонлаштиришга йўналтирилган ижтимоий шериклик жараёнининг намоён бўлишидир.

Краудсорсинг мақсади ва мазмунига кўра форсайт технологиясига жуда яқин туришини ҳам таъкидлаш лозим.

¹ Қаранг: Онлайн-проект [Glotr.uz](http://glotr.uz) станет оптимальным выбором для желающих заказать такую услугу, как Бенчмаркинг в Узбекистане. Минимальные цены, комфортные условия пользования сервисом и самый широкий ассортимент предложений от ведущих компаний — это Бенчмаркинг в Узбекистане. Original: https://glotr.uz/benchmarking_1875/

Фикримизча, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий структуралардаги ташкилотлар ўз фаолиятлари самарадорлигини оширишда ва такомиллаштиришда краудсорсинг имкониятларидан кенг фойдаланиши уларнинг фаолияти самарадорлигини оширади.

Келажакда ушбу технологиядан фойдаланиш катта натижаларни беради. Шунингдек, ушбу технологиядан фойдаланиш фуқаролик жамияти субъектларига давлат ҳокимияти органларига муайян вазият ва муаммоларни ҳал этишда янги креатив ғояларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Яна бир кенг тарқалган технологиялардан бири краудсорсинг билан бир вақтда ривожланган, ҳозирги кунда кенг тарқалган краудфандинг [8] технологияси ҳисобланади. Агар краудсорсинг ғояларни йиғишга ўз эътиборини қаратса, краудфандинг эса асосан муайян ғояни амалга оширишда молия билан таъминлашга ўз эътиборини қаратади.

Деярли кўпчилик инсонлар бугунги кунда краудфандинг билан тўқнашган. Ўзбекистонда ҳам мазкур технологиядан ҳозирги кунда ННТ, муайян шахслар кенг фойдаланишмоқда. Мазкур технология кўп ҳолларда инсонлар ва ташкилотларда вужудга келган муаммоларни ечишда, молиялаштиришда ёрдам беради. Мазкур технологиядан самарали фойдаланиш учун жамиятда ишонч кредити юқори бўлиши лозим. Афсуски, МДХ давлатлар доирасида мазкур технологиядан фойдаланиш орқали айрим гуруҳлар ўзларининг эҳтиёжлари учун одамлардан пул ишлаб олганлиги маълум. Шу сабабли ушбу мамлакатларда краудфандинг технологиясидан фойдаланиш муайян мураккабликларга олиб келмоқда.

Ўзбекистонда биринчи марта краудфандинг майдончаси 2013 йил декабрда ишга туширилган www.factor.uz лойиҳаси билан боғлиқ. Афсуски, лойиҳа кутилган натижани бермади ва вақт ўтиб ўз фаолиятини тўхтатди. Кейинчалик 2018 йилда <http://www.crowdfunders.uz/> платформаси ишга туширилди. Бироқ ушбу лойиҳа фаолиятини ўрганиш доирасида маълум бўлдики, бу платформа ҳам самарали фаолиятни йўлга қўя олмаган. Савол пайдо бўлади – нима учун хорижий давлатлар, хусусан ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаган технологияларнинг юртимизга кириб келиши ва оммалаштиришда қийинчиликлар мавжуд? Бизнинг фикримизча бунинг бир қатор сабаблари бор. Жумладан,

-моддий-техник (ёки иқтисодий) сабаб (интернетнинг пулли эканлиги, барча фуқароларда интернет билан алоқа қилувчи техник воситаларнинг етарли даражада эмаслиги);

-ижтимоий сабаб (аҳолининг интернетдан фойдаланадиган қисмида краудфандинг технологиясидан фойдаланиш, иштирок этиш ва ҳоказолар учун етарли билим ва маълумотга эга эмаслиги).

Краудфандинг технологиясининг самарали ишлашида аҳоли турли қатламларининг фаоллиги ҳам талаб этилади. Яъни, ғояларни молиялаштирувчилар ҳам, ғоя берувчилар ҳам бир тизимга бирлашиб, бир ғоя остида шериклик муносабатларини ташкил қила олсагина натижага эришиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг ўзига хос миллий моделини яратишда краудфандинг технологиясининг тажрибадан ўтган ва самарали хусусиятларидан фойдаланишни амалий йўлга қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Кенг тарқалган ижтимоий шериклик самарадорлигини оширадиган технологиялардан яна бири таймбанкинг ҳисобланади.

Ушбу технология XX асрнинг 70-йилларида таниқли социолог олим Эдгар Канн томонидан ишлаб чиқилган [9]. Ушбу технологияда инсонлар бир-бирига ўзи қила олмайдиган хизматларни кўрсатишади ва вақтни айирбошлашади. Масалан, кимдир инглиз тилини билса, бошқаси ҳисоб-китобни яхши билади. Улар бир-бирларига ёрдам бериши мумкин. Бу технология Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалмаган, лекин аҳоли муносабатларида қўлланилиши кузатилади. Ўзбекистонда истиқболда таймбанкинг технологиясидан фойдаланиш фуқаролик жамияти институтларига молиявий ресурсларсиз муайян муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Шунингдек, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиладиган ижтимоий технологиялардан яна бири аутсорсинг ҳисобланади. Ушбу технология кўпроқ йирик компаниялар ва ижтимоий хизмат кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шерикликни таъминлашга ёрдам беради. Мазкур технология Японияда кенг қўлланилади. Йирик компания вакиллари (Toyota Motor Corporation, Panasonic, Sony ва ҳк.) ижтимоий хизмат кўрсатаётган ННТларига аҳолини эҳтиёжманд қатламини иш билан таъминлашда ёрдам беради. Японияда йирик компания вакиллари муайян маҳсулот ишлаб чиқишда буюртма беради ва мазкур буюртма натижасида буюртмачи корхоналар солиқ имтиёзига эга бўладилар. Натижада аҳолининг эҳтиёжманд қисми иш билан таъминланади, компания солиқ имтиёзларига эга бўлади. Мамлакатимизда аутсорсинг технологиясидан фойдаланиш кам кузатилади. Истикболда ушбу технологиянинг қўлланиши эҳтиёжманд қатламларни меҳнат билан таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек, бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустақамланишига хизмат қилади.

Юқорида экспертлар томонидан айтиб ўтилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни ривожлантириш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади. Чунки, айнан ижтимоий шерикликнинг ривожланиши мамлакатимизда барқарорликни таъминловчи муҳим восита ҳисобланади. Айнан ижтимоий шериклик механизмларининг ривожланиши мамлакатимизда ривожланган демократик ҳуқуқий давлатни қуриш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

2. http://xs.uz/uzkr/post/senat-valpi-mazhlisida-davlat-khususij-sheriklik-togrisidagi-qonun-korib-chiqiladi?utm_source=uznet.press&utm_campaign=topic

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 29 апрелдаги 4300-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4312752>

4. <https://www.pppda.uz>

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 10 май.

6. Михайлова Е.А. Основы бенчмаркинга: эволюция концепций качества // Менеджмент в России и за рубежом. – №2, 2002. https://www.cfin.ru/press/management/2001-2/mihaylova.shtml#1_2

7. <https://idea.tashkent.uz/>

8. Бородаенко А.И. Краудфандинг как перспективный способ финансирования инновационных проектов // Молодой исследователь Дона. – №3(6) 2017. – С. 167. <https://cyberleninka.ru/article/n/kraudfanding-kak-perspektivnyy-sposob-finansirovaniya-innovatsionnyh-proektov/viewer>

9. Митусов М. Дополнительная время // Бизнес-Журнал. Октябрь №10, 2013. – С. 32.

Наирга проф. С.Чориев тавсия этган

ШАХС СИЁСИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИНИНГ МАЗМУНИ ВА ХАРАКТЕРИ

Бойматов Р. (ҚарДУ)

Аннотация. Ушбу мақолада шахс сиёсий ижтимоийлашуви жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти тўғрисидаги турлича қарашлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган. Шу асосда сиёсий ижтимоийлашувнинг мазмуни ва характери ҳамда сиёсий етук шахсни шакллантиришдаги аҳамияти очиқ берилган.

Таянч сўзлар: *сиёсий ижтимоийлашув, сиёсий муносабатлар, сиёсий институтлар, сиёсий маданият, сиёсий система, сиёсий муҳит, сиёсий етуклик, гоёвий позиция.*

Аннотация. В данной статье анализируются и обобщаются различные взгляды на специфику и значение процесса политической социализации личности. На этой основе раскрываются смысл и природа политической социализации и ее значение в формировании политически зрелой личности.

Ключевые слова: *политическая социализация, политические отношения, политические институты, политическая культура, политическая система, политическая среда, политическая зрелость, идеологическая позиция.*

Annotation. This article analyzes and summarizes different views on the specific characteristics and importance of the process of political socialization of a person. On this basis, the meaning and nature of political socialization and its importance in the formation of a politically mature person are revealed.

Key words: *political socialization, political relation, political institutions, political culture, political system, political environment, political maturity, ideological position.*

Сиёсий ижтимоийлашув – бу шахсининг маълум бир сиёсий тизимга мослашиши ва унда маълум функциялар ва ролларни бажариши учун зарур фазилатларни шакллантиришга ёрдам берадиган сиёсий билимларни, сиёсий маданиятнинг меъёрлари ва кадриятларини ўзлаштириш жараёнидир. Бошқача айтганда, сиёсий ижтимоийлашув амалдаги сиёсий тизимга мослашиш ва ҳар хил сиёсий фаолият турларини бажариш учун зарур бўлган сиёсий кадриятлар ва меъёрларни ўзлаштиришдир. Сиёсий ижтимоийлашув – бу шахслар ижтимоийлашувининг умумий жараёнидаги йўналишларидан бири ҳисобланади.

“Сиёсий ижтимоийлашув” атамасини илк бор 1959 йилда америкалик олим Г. Хайман муомалага киритган. Ўша даврда ишлаб чиқилган сиёсий ижтимоийлашув назариясининг асосий йўналишларни куйидагича эди: биринчидан, сиёсий ижтимоийлашув жараёнини таҳлил қилиш, иккинчидан, сиёсий ижтимоийлашув жараёнига таъсир қилувчи “омилларни” ўрганиш, учинчидан, сиёсий ижтимоийлашув жараёни натижаларини, яъни, сиёсий онг, сиёсий ғоялар, йўналишлар ва қарашларни ўрганиш.

Ўша пайтда сиёсатшуносликда ҳукмронлик қилган бихевиористик парадигмага асосан сиёсий ижтимоийлашув жараёни – муайян давлат институтлари ва кадриятлари тизими орқали мавжуд сиёсий муҳит хатти-ҳаракат моделларининг шахсга таъсири сифатида талқин қилинган. Шу билан бирга, ижтимоийлашаётганган шахслар ёки гуруҳлар ижтимоийлашувнинг пасив объекти бўлиб, ижтимоийлашув жараёнининг ўзи эса ижтимоийлашувчи ва ижтимоийлаштирувчилар ўртасидаги “вертикал” муносабатлар натижасидир.

Дастлаб, сиёсий ижтимоийлашув жараёни босқичли жараён сифатида қаралиб, хусусан, у яширин босқич (яъни кейинчалик шахсининг сиёсий хатти-ҳаракатларига таъсир қилувчи, ҳали сиёсийлашмаган ўрганиш босқичи) ва тўғридан-тўғри сиёсий ижтимоийлашув босқичига (ҳақиқий сиёсий кадриятлар ва маълумотларни етказиш жараёни) ажратилди.

Бунда дастлаб тадқиқотчиларнинг асосий эътибори ижтимоийлашувнинг иккита омилига – оила ва тенгдошлар гуруҳига қаратилди. Ўтган асрнинг 60–70-йилларда сиёсий ижтимоийлашув муаммоси билан шуғулланган кўплаб олимлар яширин сиёсий ижтимоийлашув босқичида оила шахсни ижтимоийлаштирувчи асосий омил деган фикрга келишган.

XX аср охирида дунёда юз берган сиёсий ўзгаришлар фонида сиёсий ижтимоийлашув таърифига назарий ёндашувлар ҳам ўзгарди. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида анъанавий жамиятлардаги модернизацияга хос хусусиятлар туфайли ижтимоийлашув ўзининг “вертикал” характерини йўқота борди. Масалан, ушбу хусусиятлардан бири бу ёши катталар нуфузининг пасайиши – ота-оналар, устозлар ва бошқаларнинг ёши ҳурмат ва тақлид учун асос бўлмайд қолди. Худди шу ҳолат қариндошлик алоқаларида ҳам юз берди – қариндошлик ришталарининг аҳамияти пасайди.

Ўзгарган ижтимоий ва сиёсий воқелик талабларига назарий жавоб сифатида 1986 йилда Ричард Мерелман томонидан сиёсий кадриятлар ва муносабатларни ўзлаштириш ва қайта узатиш механизмининг янги модели тақлиф қилинди [1: 71-80]. Унинг “горизонтал” сиёсий ижтимоийлашув ғоясига кўра объект ва ижтимоийлашув агентлари ўртасидаги муносабатлар ихтиёрий, тенг ва вақтинчалик бўлади. Ижтимоийлашувчи объектнинг шахсияти, таъсирлар занжирининг ўзига хос “охири” бўлган “вертикал” ижтимоийлашув моделидан фарқли ўлароқ, моделнинг марказига айланади.

Сиёсатшунос Филипп Васберн [2: 18] эса сиёсий ижтимоийлашувнинг ушбу моделларини алоҳида ва қарама-қарши тушунчалар сифатида эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи ёндашувлар сифатида кўриб чиқиш керак деб ҳисоблайди. У сиёсий

ижтимоийлашув жараёнининг қуйидаги моделини таклиф қилади: шахс ҳаёт даврининг босқичлари (болалик, ўспиринлик, ёшлик, етуклик ва қариллик) ва ижтимоийлашув омиллари (шахс тарбияланган оила, мактаб, дин, оммавий ахборот воситалари, шахснинг ўз оиласи, унинг иши ва сиёсий тажрибаси) ўзаро интерактив тизимлардир. Ҳаёт даврининг барча босқичларида ижтимоийлашув омиллари ўртасида мураккаб ўзаро муносабатлар мавжуд ва ҳар бир ижтимоийлашув омилларининг нисбий аҳамияти ҳаётнинг бир давридан бошқасига ўтишида ўзгариб бориши мумкин.

Яна бир сиёсатшунос Ф. Н. Ильесов нуктаи назарича сиёсий ижтимоийлашув – “бу шахсни ҳокимият муносабатлари ва тузилмалари тизимига киритиш жараёнидир. Ушбу жараён қуйидаги таркибий қисмларга эга: 1) ҳокимият муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормаларни шакллантириш; 2) ижтимоий-сиёсий мўлжал, раҳбар образининг бирламчи тафсилланиши; 3) “ўз” ижтимоий гуруҳи ва сиёсий мавқеини танлаш; 4) “ўз” ижтимоий-сиёсий гуруҳига кириш; 5) муайян сиёсий функцияларни ўзлаштириш, сиёсий хатти-ҳаракатни амалга ошириш” [3: 32-38].

Кўпчилик мутахассислар фикрича шахс сиёсий ижтимоийлашуви икки босқичда амалга ошади.

Бирламчи сиёсий ижтимоийлашув. Шахс томонидан нормалар, қадриятларни ўзлаштириш ва фуқаролик фазилатларининг шаклланиши 3–5 ёшдан бошланади ва тахминан вояга етиш даврида тугайди.

Иккиламчи сиёсий ижтимоийлашув. Маданий қадриятларни мустақил танлаш ҳолати ва жамият сиёсий ҳаётида иштирок етишининг турли шакллари ривожлантириш билан ажралиб туради.

Айрим сиёсий назарийчилар эса (М. Хабермас, К. Думай) сиёсий ижтимоийлашувни аккултурация (яъни инсон томонидан ўзи учун янги қадриятларни ўзлаштириш) деб ҳисоблайди ва шу билан инсоннинг сиёсий онги ва ҳулқ-атворининг шаклланишида психологик механизмларни биринчи ўринга қўяди.

Психоанализ вакиллари (Э. Эриксон, Э. Фромм) эса сиёсий фаолиятнинг онгсиз мотивларини ўрганишга (сиёсий норозилик шакллари, қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари), сиёсий ижтимоийлашувни инсон ҳиссиётлари ва ғояларини сиёсийлаштиришнинг яширин жараёни сифатида тушунишга алоҳида эътибор беришади.

Олимлар Д. Истон ва И. Денис фикрича, шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви бир неча босқичда амалга оширилади.

Уларнинг биринчисида – сиёсийлаштириш босқичида – болаларда ота-оналарнинг баҳолашлари, уларнинг муносабатлари ва реакциялари таъсири остида сиёсат дунёси ҳақидаги дастлабки ғоялар шакллантирилади.

Иккинчи босқич – шахсийлаштириш (персоналлаштириш). Ушбу даврда ҳокимиятни идрок этиш шахсийлаштирилади. Масалан, президент, бош вазир ёки полициячи сиймолари ҳокимият тимсолларига айланади.

Учинчи босқич – идеаллаштириш босқичида – нуфузли сиёсий арбобларга муайян фазилатлар тиркалади ва шу асосда сиёсий тизимга нисбатан барқарор ҳиссий муносабатлар шаклланади.

Институционал деб номланган тўртинчи босқич сиёсатнинг шахсийлаштирилган идрокдан мавҳумроқ идрокка ўтиш билан тавсифланади. Ушбу босқичда ҳокимият институтлари ҳақида тасаввурлар шаклланади.

Шундай қилиб, сиёсий ижтимоийлашувнинг ҳар бир тарихий тури “сиёсий шахс”нинг маълум бир идеалга, унинг сиёсатга жалб қилиниши даражасига, фаолият даражасига, сиёсий онгнинг ривожланишига, сиёсий партиялар, гуруҳлар, ташкилотлар билан идентификацияга ва бошқаларга мос келади.

Болаларда сиёсий фикрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш шахснинг сиёсий ривожланишининг нотекислигини таъкидлаш имконини берди. Шундай қилиб, 11 ёшдан 13 ёшгача сиёсий тасаввурларнинг жадал ривожланиши кузатилади, 16 ёшдан 18 ёшгача бу жараён сезиларли даражада секинлашади. 11 ёшлиларнинг тафаккурига қараганда, 15 ёшли ўсмирлар тафаккури мавҳумликнинг анча юқорироқ даражаси (“ҳокимият”, “эркинлик”,

“инсон ҳуқуқлари” каби тушунчалар ишлатилади) билан фарқ қилади. Айнан ўспиринлик даврида сиёсий институтларнинг баъзи харақатлари шахсдан устунроқ бўлган, жамоавий мақсадларга йўналтирилганлиги ҳақида тасаввурлар шакллана бошлайди. Ўсмирлик даврида шахснинг мафкуравий тамойилларига асос солинади. Сиёсий фикрлашнинг энг кенг тарқалган хусусиятларига скептицизм, эҳтиёткорлик ва баҳолаш ҳушёрлиги киради [4: 124].

Болалик ва ўспиринлик даврида шакланган сиёсий қарашлар ва муносабатлар энг барқарор ҳисобланади. Бир умр давом этадиган ижтимоийлашув ҳаётнинг дастлабки даврларида шакланган асосий кадриятларнинг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатмайди. Шакланган сиёсий маданий кадриятларни тубдан ўзгариш жараёни (қайта ижтимоийлашув), яъни шахснинг янги ижтимоий муҳитга мослашиши, унга киришиб кетиши жуда оғриқли кечади.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг бир нечта моделлари мавжуд. Америкалик сиёсатшунос Р. М. Мерелман тўртта шундай моделни ажратади.

Биринчиси – тизимли модель – ҳуқумат, ҳуқуқий тартиб ва анъанавий институтларга ижобий муносабатни шакллантириш билан тавсифланади. Сиёсий ижтимоийлашувнинг ушбу моделидаги энг муҳим агентлар мактаб ва оила, шунингдек, шахснинг атроф-муҳити, унинг тенгдошлари ҳисобланади.

Гегемоник деб белгиланган иккинчи модель “ўзиникидан” ташқари ҳар қандай ижтимоий ва сиёсий тизимга душманлик кўзи билан қарайдиган ёшларни шакллантиради. Ушбу моделдаги етакчи агент оммавий ахборот воситаларидир.

Плюралистик деб номланган учинчи моделда ижтимоийлашув мақсадлари фуқароларнинг сиёсий манфаатлари, уларни амалга оширишда иштирок этиш истаги инobatга олинади. Бунда, фуқаролар муайян сиёсий гуруҳларга мансуб бўлиб, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш даражасига қараб уларни эркин ўзгартириши мумкин. Бунда барча фуқароларнинг тенглиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, индивидуализми эътироф этилади. Сиёсий ижтимоийлашувнинг ушбу моделида – мактаб, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари, партиялар ва манфаатлар гуруҳлари муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчи – конфликт моделида – маълум бир гуруҳга содиқликни шакллантириш ва бошқа гуруҳларга қарши курашда уни қўллаб-қувватлашга шай қилиб шакллантирилади. Бунда ушбу гуруҳ манфаатларини ифодаловчи ташвиқот ва тарғибот органларининг хизмати катта.

Сиёсий ижтимоийлашув бир қатор муҳим функцияларни бажаради: 1) шахс сиёсий ҳаётда иштирок этиш орқали англамоқчи ва етишмоқчи бўлган сиёсий мақсадлар ва кадриятларни белгилайди; 2) сиёсий хулқ-атворнинг мақбул усулларини, муайян вазиятда муайян харақатларнинг мувофиқлиги тўғрисида ғояларни шакллантиради; 3) шахснинг атроф-муҳит ва сиёсий тизимга бўлган муносабатини белгилайди; 4) сиёсий рамзийликка муайян муносабатни шакллантиради; 5) атрофдаги дунёни билиш қобилиятини шакллантиради; 6) сиёсий ҳаётнинг “коди” ҳисобланган эътиқод ва муносабатларни шакллантиради.

Шундай қилиб, сиёсий ижтимоийлашув жараёни кўп қиррали бўлиб, зиддиятли тарзда шаклланади ва жамият ривожланиши ва шахснинг шаклланиши учун заруриятдир.

Сиёсий ижтимоийлашув орқали ҳар бир шахс муайян жамият учун мақбул бўлган маданий кадриятлар, сиёсий йўналишлар ва сиёсий хулқ-атвор шаклланини ўзлаштиради. Шахс маълум бир сиёсий маданият билан танишади. У мавжуд сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини англаб етади. Натижада шахснинг ижтимоий-сиёсий етуқлиги ва сиёсий жараёнларда иштирок этиш қобилияти шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Борисова О. В. Политическая социализация этнических групп в постколониальном пространстве // *Общественные науки и современность*, 1998. – № 1. – С. 78–82.
2. Глазунин Р. В. Социализация как трансформация общественного сознания // *Полис*. 2005. – № 2. – С. 174–180.
3. Ильясов Ф. Н. Политический маркетинг. Искусство и наука побеждать на выборах. – М.: ИМА-пресс, 2000. – 460.
4. Шестопал Е. Б. Личность и политика. – М., 1988. – 320 с.

**МЕТАФОРА ОРЕНИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МУҲИМ
МОТИВАЦИЯ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**
(Жанубий Ўзбекистон оронимлари мисолида)

Бегимов О.Т. (ҚарМШИ)

Аннотация. Мақолада метафора ҳодисасининг топонимикада турли номлар ҳосил қилишда кенг тарқалган усуллардан бири эканлиги Жанубий Ўзбекистон оронимлари мисолида тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: *топонимика, оронимика, метафора, термин-метафора, орографик объект, тоғ, дара, баландлик.*

Аннотация. В статье на примере оронимов Южного Узбекистана исследуется тот факт, что феномен метафоры является одним из наиболее распространенных способов создания различных имен в топонимике.

Ключевые слова: *топонимия, оронимия, метафора, термин-метафора, орографический объект, гора, ущелье, возвышенность.*

Annotation. In the article, on the example of the oronyms of Southern Uzbekistan, the fact that the phenomenon of metaphor is one of the most common ways of creating various names in toponymy is explored.

Key words: *toponymy, oronymy, metaphor, metaphor term, orographic object, mountain, gorge, hill.*

Ҳар қандай худуднинг топонимик тизимини ўрганиш метафора ҳодисаси топонимикада турли номлар ҳосил қилишда кенг тарқалган усуллардан бири эканлигини кўрсатади. Бунда географик объект билан объектга ном берувчи инсонлар ўртасидаги боғлиқлик, муносабат ёрқин кўзга ташланади. Ушбу хусусият бизга номнинг келиб чиқиш сабабини аниқлашга ва номинациянинг баъзи қонуниятларини очиқ беришга имкон беради.

Сўнги йиллардаги топонимик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, топонимларнинг географик объектлар билан ўзаро боғланишида метафора ҳодисаси кўпроқ гидронимия ва оронимия соҳасида содир бўлади. Бу ҳолат бир қатор омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, рельеф шакллари ва сув ҳавзаларининг номлари аҳоли пунктларига қараганда қадимийроқдир. Иккинчидан, гидронимлар ва оронимлар бошқа турдаги объектлар номларига қараганда нисбатан кам ўзгаришга учрайди. Чунки улар ўзларининг физик-географик табиатига кўра, ўзгариш ёки юқолишга мойилроқ бўлган ойконимлар (аҳоли пунктлари номлари)га қараганда, барқарордир. Учинчидан, тоғлар, тоғ тизмалари, чўққилар, водийлар, дарёлар, кўлларнинг ташқи белгилари инсон ҳис-туйғуларининг реал дунё ҳодисалари ва дунёни тушуниши билан боғланиб кетади. Ойконимларда эса улар асосида объектнинг географик хусусиятларини солиштириш мумкин бўлган белгилар мавжуд эмас.

М.Е. Рутнинг таъкидлашича, "образли номлар гўё инсон ва табиат ўртасидаги қарама-қаршиликнинг мураккаблигини бартараф этади" ва бундан ташқари, "топонимияда образли номланишнинг ривожланиши бошқа соҳаларда кучли бўлган дунёни образли тасвирлашнинг умумий моделини юзага чиқишига ёрдам беради"[13:75].

Маълумки, метафора бу объектларнинг ўхшашлиги ёки индивидуал хусусиятлари, жойлашуви ва бошқалар асосида номни бир объектдан иккинчисига ўтишидир. Н.Д. Арутюнованинг таъкидлашича, метафоралашув жараёнида мазкур объект билан бирон-бир жиҳатдан ўхшаш бўлган бошқа бир объектни тавсифлаш ёки номлашга хизмат қиладиган объектлар ва ҳодисаларнинг, ҳаракатлар ёки белгиларнинг маълум бир синфини билдирувчи сўзларнинг қўлланиши кузатилади" [1:140]. Бинобарин, объект метафорик ном олган ҳолда, ўзининг семантик тузилишини ўзгартириш билан бирга нафақат у билан боғлиқ бўлган денотация белгиларини акс эттиради, балки бир вақтнинг ўзида номинация вазифасини ҳам бажаради.

Мазкур мақолада топонимиянинг бир тури ҳисобланган оронимияда метафора ҳодисасининг ўзига хос мотивация воситаси сифатида намоён бўлишини Жанубий Ўзбекистон оронимлари мисолида ўрганиш мақсад қилиб қўйилган. Ўрни билан фикрни асослаш учун топонимиянинг бошқа турларига ҳам мурожаат қилинади. Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий-тарихий, этимологик, компонент таҳлил, тавсифлаш ва таснифлаш усулларидан фойдаланилди.

Топонимия соҳасидаги метафора жараёни апеллятивларнинг онимга ўтишидан иборат бўлиб, кўпинча экспрессив рангга эга бўлмаган, ононимлашиб, метафорага айланиб кетадиган апеллятив экспрессив-эмоционал бўёқдорликка эга бўлади. Шу орқали инсон томонидан объектни идрок этиш орқали ном ўтган географик объектнинг субъектив хусусиятларини ўзида акс эттиради. Метафоралашув тилшуносликнинг бошқа бўлимларида бўлгани каби, ономастика соҳасида ҳам "кўп жиҳатдан она тилида сўзлашувчилар дунёси тасвири, яъни сўзнинг маъноларини ташкил этувчи воқелик, белгилар, ҳаракатлар ҳақидаги халқ тимсоллари билан белгиланади" [1:140].

Топонимик номлар учун мавжуд лингвистик метафоранинг учта, яъни номинатив, когнитив, образли туридан образли метафора энг характерли бўлиб, у "нарса-ходисалар маъносининг белги ифодаловчи сўзларнинг семантик категориясига ўтиши" билан тавсифланади. Масалан, Дастортош (Дехқонобод туман, баландлик), Зингирак (Шаҳрисабз туман, чўкки), оронимлари денотатнинг шаклини билдиради, яъни бу номлар объектнинг шаклига кўра дастор (тожикча салла)га, зингирак (тожикча отнинг эгари)га, тазим қилаётган келинга ўхшатилишидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Топонимикага образли метафора билан бир қаторда когнитив метафора ҳам хосдир. Унинг моҳияти "субъектга объектларнинг бошқа синфига хос ёки шу синфнинг бошқа жиҳати билан боғлиқ бўлган метафора белгилар, хусусиятлар, хоссалар ва ҳаракатларни солиштиришда"дир [1:141]. Топонимия учун характерли сўзларнинг маъносини метафоралашнинг мавжуд шаклларида метафора-персонификация, яъни шахслаштириш характерли бўлиб, бунда шахсга хос бўлган белгилар ёки ҳаракатлар географик объектларга кўчирилади: Келинтош (Дехқонобод туман, баландлик), Кўрдара (Дехқонобод туман, дара), Одамтош (Дехқонобод туман, чўкки), Қизтош (Шаҳрисабз туман, дара), Қорасочойим (Китоб туман, Ҳисор тоғ тизмасидаги чўкки) ва бошқалар.

Шундай қилиб, топонимик метафора икки хил усулда амалга оширилиб, географик объектнинг ўхшашлигида барқарорлик, доимийлик белгиларини мавжудлигини ифодалайди ва номинатив функциядан ташқари, маълум бир географик объектни номлашда инсон томонидан субъектив англаш орқали ўтган характерлаш функциясини ҳам бажаради.

Топонимика соҳасидаги метафоризация ҳодисаси(мазмун, тузилиши, тасвир турлари ва бошқалар)ни ўрганилаётган ҳудуд оронимлари мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Жанубий Ўзбекистон оронимиясини тадқиқ этиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу ҳудуднинг метафорик номлари куйидаги характердаги ахборотларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Шахснинг борлиқда мавжуд реал объектлар билан боғлиқлигига асосланган ахборотлар, бундай топонимлар объектларнинг шакли, ўлчами, уларнинг фазодаги ўзаро боғлиқлиги ва бошқаларни ўз ичига олади: Бешиктепа (Дехқонобод, тепа), Хумдонак (Бойсун, баландлик), Ялпоктепа (Ғузур, тепа), Ўтовтош (Дехқонобод, адир), Тобатош (Бойсун, баландлик); Туятош (Шаҳрисабз, баландлик) ва бошқалар.

2. Ўзига хос физик-географик хусусиятларни ўз ичига олмайди, лекин кўпроқ даражада инсоннинг бирор нарсага бўлган ҳиссий муносабатини акс эттирувчи, халқ фантазияси, халқ оғзаки ижоди, диний ва миллий маросим тимсоллари, тарихий фактлар асосида яратилган ахборотлар: Пойгадашт (Дехқонобод, дашт), Сайилтепа (Яккабоғ, тепа), Наврўзтепа (Чирокчи, баландлик), Тўйтепа (Бойсун, тепа), Хўжабарқўҳ (Олтинсой, тоғ), Ажиназов (Қамаши, баландлик), Шайтонқоқ (Китоб, адир). Дулдулнинг изи (Яккабоғ, қир) ва бошқалар.

Жанубий Ўзбекистон топонимиясини ўрганиш шуни кўрсатадики, метафоралар асосидаги образлар ва белгилар жуда хилма-хилдир. Уларнинг куйидаги турларини ажратиш мумкин:

1. Орографик объектларнинг ранг-туси бўйича ўзаро ўхшашлиги асосида номланиши: Қизилширам(Дехқонобод, баландлик), Қизилгаза (Ҳисор тизмасидаги тоғ довони, Қамаши). Сариктепа (Барча туманларда тепа), Сариктуз (Шаҳрисабз, тоғ), Оқдовон (Қамаши, тоғ тизмаси), Оқжар (Чирокчи, жар), Кўҳисафед (Бойсун, тоғ), Кўкжар (Бойсун, жар), Кўккамар (Бойсун, тоғ), Кўккўтал (Бойсун, доvon) ва б.

2. Орографик объектларнинг шакли ва ҳажми бўйича ўзаро ўхшашлигига кўра номланиши: Кичикдапсан (Чирокчи, тепа), Кичиктарпи (Чирокчи, баландлик), Каттарпи

(Чироқчи, баландлик), Каттатахта (Дехқонобод, баландлик), Каттатақир (Дехқонобод, баландлик) ва б.

3. Географик объектларнинг инсонга хос хусусиятлар ва ҳолатларга ўхшатиш асосида номланиши: Кўрдара (Дехқонобод, дара), Кўрқапчиғай (Қамаши, дара), Етимок (Дехқонобод, баландлик), Етимтахта (Дехқонобод, тоғ) ва б.

4. Орографик объектларнинг ҳайвонларга нисбат бериш асосида номланиши: Туябоши (Китоб, баландлик), Туябўйин (Қамаши, баландлик), Туясингир (Чироқчи, баландлик), Туятош (Шахрисабз, адир), Туяшоти (Дехқонобод, баландлик) ва б.

Шундай қилиб, орографик объектлар номлари асосидаги тасвирлар ва хусусиятларни таҳлил қилиш натижасида биз метафорик топонимларнинг маълум бир ассоциатив информативлиги ҳақида гапиришимиз мумкин. Бу номланган объектнинг характерли хусусиятларини кўрсатишдан иборат бўлиб, ушбу объектни бошқа ўхшашларидан ажратиш туради.

Маълумки, кўпгина топонимлар географик терминлар асосида шаклланади. Улар, ўз навбатида, таркибида жуда кўп термин-метафораларга эга. Э.М. Мурзаев халқ терминологияси асосида ётган анатомик лексика ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлайди, маъно кўчиши маълум бир қонуниятга асосланади, термин-метафоралар бир хил турдаги қаторларда қурилган бўлиб, унда инсон ва ҳайвон танасининг қисмларини билдирувчи сўзларнинг географик терминларга айланишининг универсал қобиляти аниқ кузатилади ..." [9:135]. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида оронимларнинг асосини ташкил этувчи анатомик характердаги кўплаб термин-метафоралар мавжуд бўлиб, биз улардан баъзиларига тўхталиб ўтамиз:

Бағир//бовир адабий тилда “жигар” маъносига эга бўлиб, орографик термин-метафора сифатида баландлик, уст қисми ясси бўлган баландлик тушунчасини ифодалайди. Қирғиз тилида “тоғ қиялиги, тоғ ёнбағри” маъносига эга [5: 94]. Махмуд Кошғарий луғатида бағир – жигар маъносига изоҳланган. Шунингдек, ёйнинг ўрта қисмини ҳам ёй бағри дейилиши кўрсатилган [6:341]. Бобиртепа (бобир<бовир<бағир, Яккабоғ) ороними таркибида учрайди.

Бел орографик термин-метафора сифатида тоғларда унча баланд бўлмаган кенг доvon; узун чўзилган, қирралари сезилмайдиган дўнглик маъносига қўлланади [4:17].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам унинг географияга оид сўз сифатида терминлик маъносига эгаллиги қайд этилган: «Бел геогр. Тоғ ва тепаликларнинг эгарсимон энг баланд жойи» [15: 1, 219].

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида Олабел (Дехқонобод, баландлик), Қорабел (Шахрисабз, тоғ тизмаси) оронимлари учрайди.

Бурун орографик термин-метафора сифатида тоғ бурни, бўртиб чиққан дўнглик, йирик баландликнинг қиррали томони, қуруқликнинг океан, денгиз, кўлларга энг кўп туртиб қирган учли қисми каби тушунчаларни ифодалайди. Тоғ бурни бирикмаси Махмуд Кошғарий луғатида ҳам *тоғ бурни* шаклида изоҳланган [6:379].

Тумшук – тоғ тизмаси ёки йирик баландликлар, чўзиқ қирлар бағрида туртиб чиққан, бўртиб турган дўнглик [11:179]. Жанубий Ўзбекистон топонимиясида бу атамалардан ясалган қуйидаги номларни кўриш мумкин: Тумшук (Ғузор, Чироқчи, Бойсун, баландлик), Айланатумшук (Китоб), Ўртатумшук (Шахрисабз), Қизилтумшук (Қамаши, Бойсун, Шеробод), Кичиктумшук, Мергантумшук (Дехқонобод, баландликлар), Тумшуктоғ (Бойсун, тоғ), Оқтумшук (Шўрчи).

Бўйин оронимияда термин-метафора сифатида узунасига чўзилган дўнглик, қир, усти ясси баландлик каби орографик объектларни ифодалайди. Шу сўз асосида оронимияда бўйноқ атамаси ҳам келиб чиққан. Махмуд Кошғарий луғатида буйнақ – “тоғ бўйни” деб изоҳланган [7:190]. Унинг шу маънолари асосида оронимлар ҳосил қилинган: Туябўйин (Қамаши, баландлик), Туябўйин (Шахрисабз, баландлик).

Киндик сўз ўзбек тилида инсон қорнининг ўрта қисми маъносига анатомик тушунча ифодалайди. Шу хусусияти асосида оронимияда термин-метафора сифатида тепалик, баландлик жойларнинг ўрта қисмини билдиради: Киндиктепа (Чироқчи, Шахрисабз, тепа).

Оғиз//овиз орографик термин-метафора сифатида *оғиз* > *овиз* > *овуз* – дараларга, тоғнинг ички қисмларига ўтиш мумкин бўлган сўқмоқ, гузар [11:35]. Жанубий Ўзбекистон оронимиясида бу индикатордан ясалган Бировузли (Қамаши, дара), Бироғиз (Яккабоғ, дара) каби оронимлар учрайди.

Этак термин-метафора сифатида дарё, қуйи оқимидаги ерлар (дарё этаги), шаҳар, қишлоқ ёки бирор жойнинг пастки ёки чекка қисми, тоғ этаги тушунчасини ифодалайди [4:145]. Бу атаманинг форс-тожикча шакли доман, домана – ҳар бир нарсанинг қуйи қисми, этаги, таги, тоғ этаги. Тарихий ёдгорликларда, масалан, «Бобурнома»да домана тоғ ёнбағри, тоғ этаги маъносида қўлланилган [3:51]. Жанубий Ўзбекистон топонимиясида Этак (Шеробод, Косон, қ-қ), Этаковул (Чр., Кс., қ-қ,) каби номлар учрайди.

Қангшар// қаншар орографик термин-метафора сифатида тоғ ёки йирик баландлик, тизмалар бағрида буртиб чиққан баландлик маъноларида қўлланади. Жанубий Ўзбекистоннинг Қангшар (Ғузор, Чироқчи, Шеробод, баландлик) ороними таркибида учрайди.

Қовоқ термин-метафора сифатида гидрографик объектлар, яъни дарё ва қўлларнинг баланд қирғоғи; орографик объектлар, яъни жарлик, дараларнинг чети, теграси; уст қисми ясси тарзда бўлиб, кўриниши инсон қовоғига ўхшаш шаклга эга бўлган қавариқ жой, баландликларни ифодалайди [4:150].

Демак, қавоқ сўзи орографик термин сифатида баландликнинг бир турини билдиради. Жанубий Ўзбекистон тоғли ҳудуд аҳолиси нутқида бу термин усти ясси, олд томони тик тушган баландлик тушунчасини ифодалайди. Қавоқ тушунчасини ифодалайдиган баландликлардан яйлов сифатида фойдаланилади. Шунинг учун бу сўз яйлов сўзи билан маънодошлик хусусиятини намоён этади. Бу термин-метафорадан Хусанқовоқ, Каттақовоқ, Тошқавоқ, Арчалиқовоқ (Дехқонобод, баландлик), Мўнқавоқ (Бойсун, баландлик), Яккақавоқ (Саросиё, баландлик) каби оронимлар ясалган.

Қош термин-метафора сифатида орографик объект номларини яшашга хизмат қилади. Қадимги туркий тилда қош – “тепа, баландлик” маъносига эга бўлган [8:412]. Туркий тилларда қош – қавариқ жой; баландлик, дўнглик, тепа; баланд қирғоқ [12:386] маъноларини беради. Туркман тилида гаш – қош (ёй) шаклидаги айлана тепа, ярим доира баландлик. Туркменистонда Гарагаш тоғи бор [2:87]. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида бу терминдан ясалган Қорақош (Ғузор, тепа) ороними учрайди.

Қўл географик термин-метафора сифатида ҳам гидрографик ва ҳам орографик объектларга тегишли тушунчаларни ифодалайди. Жумладан, гидронимик индикатор сифатида “сув ўзани, кичик дарёча, сой, сойдан турли томонга ажралиб чиққан иккинчи даражадаги тармоқ, жилға; оронимик индикатор сифатида “ тоғ тармоғи, чўзиқ баландлик, қир, бош жар, дара” каби маъноларда қўлланади. Махмуд Кошғарий луғатида қўл – тоғ чўққисидан пастга тўғри тушган, водийдан баланд жой маъносида изоҳланган ва уни асослаш учун *ўпри қўли* – “водий қўли” бирикмаси келтирилган [7: 148]. У орографик тушунчани ифодаловчи термин-метафора сифатида оронимлар ясалишига хизмат қилган. Масалан, Бешқўл (Дехқонобод, дара), Зардақўл (Олтинсой), Оққўл (Дехқонобод, баландлик), Оққўл (Қамаши) ва б., шулар жумласидандир.

Демак, номлаш ва тавсифлаш вазифаларини бажарувчи метафорик орографик терминлар ҳам халқ ғоялари, ассоциациялари, халқ географик лексикасининг шаклланишни ўзида акс эттиради.

Топоним-метафораларнинг тасвирланган ҳоллардаги шаклланиш моделлари икки хилда ифодаланиши мумкин: 1) қиёсланаётган объект ёки белги → топоним; 2) қиёсланаётган объект, белги → термин → топоним. Иккала ҳолатда ҳам объектнинг хусусиятларини метафорик тушуниш мавжуд бўлиб, у ўрганилаётган ҳудуд ландшафтининг "объектив устуворлиги"ни аниқлашга ёрдам берадиган, ҳудуднинг тарихий тараққиётини ўзида акс эттирадиган инсоннинг борлиқни идрок этишига асосланган.

Объектни шахс томонидан ҳиссий идрок этиш асосида метафорик қайта тушуниш билан боғлиқ номларни алоҳида таъкидлаш керак. А.В.Суперанская таъкидлаганидек, «номинация одатда турли хил ассоциацияларга кўра баъзан тушуниб бўлмайдиган ва фақат ном берувчиларга тушунарли бўлган нуткий вазиятда содир бўлади» [14:249]. Халқ

фантазияси томонидан яратилган образлар билан ассоциациялашув номланаётган объектнинг шу турдаги географик объектлар белгиларидан сезиларли даражада фарк қиладиган хусусиятларга эга бўлган ҳолларда пайдо бўлади. Бундай белгиларга объектнинг мўжизакор шаклга, ғайриоддий рангга эгаллиги, қутилмаган ҳолда жойлашуви ва бошқалар киради. Бундай объектларга ном беришда халқ эртаклари, дostonлари, ривоятлари ва анъаналари асосида ном бериш эса инсоннинг афсонавий ва мўжизакор образларнинг эксклюзивлиги, уларнинг ғайритабиий имкониятлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Ушбу турдаги топонимлар ўрганилаётган ҳудуд топонимиясида ҳам учрайди: Ҳазрати Султон (Ҳисор тоғ тизмасидаги чўққи), Хўжабарқўх (Олтинсой туман, тоғ). Хўжадовудтепа (Бойсун туман, тепа) ва бошқалар.

Бундай топонимларни ўрганиб, ҳудудда қадимда яшаган аҳолининг онгидаги асосий мифологик ва диний устуворликларни аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳоли учун географик объектларни диний ёки фольклор номлари билан белгилаш анъанаси хос.

Демак, топонимикада метафорик кўчиш мураккаб ва кам ўрганилган ҳодисадир. Ҳар бир этник гуруҳ маълум бир тарихий даврда у ёки бу объектни номлашнинг ўзига хос мотивларига эга бўлган. Метафорик ном сўзнинг семантик тузилишининг ўзгаришига қарамай, объект номининг мотивацияси ҳақида аниқ тасаввур беради. Бундай мотивлар нафақат объектларнинг ўзи, уларнинг белгилари, жойлашуви, балки маълум бир халқнинг фольклор ва диний ғоялари ва бирлашмаларини ҳам ўз ичига олади. Бу ҳақиқат, ўз навбатида, маълум ономастик универсалликни тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Метафора // Русский язык. Энциклопедия / Под ред. Ф.П. Филина. – М., 1979. – С. 140 – 141.
2. Атаниязов С.А. Туркменистаннинг географик атларининг душундиришли сўзлуги. – Ашхабад, 1980. –Б. 87.
3. Бобур. Бобурнома. – Т.: Фан, - 1960. –Б. 51.
4. Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати (тузувчилар: Қораев С., Ғуломов П., Раҳимбеков Р.). Т., 1979. – Б. 150.
5. Конкобаев К. Топонимия Южной Киргизии. Фрунзе, 1980. –С.94.
6. Кошғарий М. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, Т. I т., 1960. –Б. 341.
7. Кошғарий М. Девону луғатит турк. Тошкент: Фан, Т. III т., 1963. –Б. 190.
8. Малов С. Е. Памятнике древнетюркской письменности. – М.; – Л., 1951. – С. 412.
9. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М., 1974. – 382 с.
10. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – М., 1984. – 653 с.
11. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – Б. 179.
12. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I – IV, – СПб. 1893 – 1911. – С. 386.
13. Рут М.Э. Образная номинация в русском языке. – Екатеринбург, 1992. – 148 с.
14. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М., 1973. – 367 с.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. I – 680 б.; II – 672 б.; III – 688 б.; 2008. IV – 608 б.; V – 592 б.

Наширға ф.ф.д. Г. Тожиева тавсия этган

ТИЛДАГИ ТАРИХИЙ МАВЖУДЛИКЛАРНИНГ РЕЛИКТ ТЕРМИНИ ДЕФИНИЦИЯСИ АСОСИДАГИ ТАЛҚИНИ

Жумаев Т. (ҚарДУ)

Аннотация. “Реликт” атамасининг фанлараро, хусусан, лингвистика соҳасидаги тадқиқи, “реликт” ва “қолдик” тушунчалари орасидаги ўхшашлик ва фарқлар келтирилади, шунингдек, реликтнинг жаҳон тилшунослигидаги тугган мавқеи ҳақидаги илмий таснифлар ҳақида фикр юритилади.

Таянч тушунчалар: *реликт, реликтология, лингвореликтология, қолдиқ, термин, тилишунослик, структурализм, лисоний қолдиқ.*

Аннотация. Междисциплинарное исследование термина «реликт», особенно в области лингвистики, показывает сходство и различие между понятиями «реликт» и «остаток» а также рассматривается о научных мнениях о месте реликты в мировом языкознании.

Ключевые слова: *реликт, реликтология, лингвореликтология, пережиток, термин, лингвистика, структурализм, лингвистический остаток.*

Аннотатсион. An interdisciplinary study of the term relict, particularly in the field of linguistics, presents similarities and differences between the concepts of relict and remnant. It also talks about scientific opinions about the position of the relic in world linguistics.

Key words: *relic, relictology, linguorelictology, residue, term, linguistics, structuralism, linguistic residue.*

Ўзбек тили тарихан бошқа туркий тиллар қатори қадимги тиллардан ҳисобланади. У шу кунга қадар жонли тил сифатида мунтазам равишда бир қанча тараққиёт босқичларидан ўтиб келди. Тил қанчалик ривожланмасин, ўз ибтидосидан қанчалик узоклашмасин энг қадимги белгиларини у ёки бу даражада сақлаб қолаверади, бу белгилар эса кўринишини қисман ёки бутунлай ўзгартирган бўлиши мумкин, аммо шунда ҳам тарихий-ибтидоий – реликтив унсурларини сақлаб қолган бўлади.

Реликт – *m. relict* (қадимги даврлар қолдиғи сифатида сақланиб қолган нарса, ҳодиса ёки организм)¹ атамаси немис географи ва антропологи Оскар Пешел (1826–1875) томонидан 1875 йилда фанга киритилган². Аммо бу атама деярли барча фанлар учун умумий бўлиб, унинг семалари ҳар бир соҳада бир қадар интеграл ва дифференциал фарқлар билан истифода этилади.

Биологияда: “Реликт (лотинча *relictum* «қолдик») – бу ўтмишдаги геологик даврлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қолдиғи сифатида маълум минтақанинг флора ва фаунасининг бир қисми бўлган тирик организм ва ҳозирги мавжуд шароит билан бир хил номуносивлик. Нисбий нарсалар – бизнинг замонамиздаги ўтмишнинг намоёнидир. Реликт одатда палеоэндемикдир”³.

Физикада: Нисбий нурланиш (лотинча *relictum* – қолдик), космик микротўлқинли фон нурланиши – оламни водороднинг бирламчи рекомбинацияси даврида пайдо бўлган иссиқлик радиацияси билан бир текисда тўлдиради. $2,72548 \pm 0.00057$ К ҳароратга эга бўлган мутлақо қора танага хос бўлган юқори даражадаги изотропия ва спектр хусусиятларига эгаллиги⁴.

СМБнинг мавжудлиги назарий жиҳатдан Катта портлаш назарияси доирасида Георгий Гамов томонидан башорат қилинган. Катта портлашнинг дастлабки назариясининг кўп жиҳатлари ҳозирда қайта кўриб чиқилган бўлса ҳам, СМБнинг самарали ҳароратини тахмин қиладиган асослар ўзгаришсиз қолди. Унинг мавжудлиги 1965 йилда экспериментал равишда тасдиқланган. Реликацион нурланиш космологик қайта йўналтириш билан бирга Катта портлаш назариясининг асосий тасдиқларидан бири ҳисобланади. Одатда рус тилидаги адабиётларда қўлланиладиган реликацион нурланиш атамаси Совет астрофизиги И.С.Шкловский томонидан киритилган⁵.

Кимёда: Қуёшдан олдинги доналар, шунингдек, юлдузлараро доналар ёки қуёшдан олдинги реликтлар деб номланадилар, улар қуёш пайдо бўлишидан олдин ўлаётган юлдузлар атрофида конденсацияланадиган ва асосий («ибтидоий») метеоритларнинг

¹ Русча-ўзбекча луғат. М.К. Қўшжонов раислигидаги муаллифлар жамоаси. 2 томли. II том. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1984. – Б. 352.

² Segerstråle S.G. On the Immigration of the Glacial Relicts of Northern Europe, with Remarks on their Prehistory. – Helsingfors, 1957. – P. 8. – 117 p.

³ Реликты / Гл. ред. М.С. Гиляров; Редкол.: А.А. Бабаев, Г.Г. Винберг, Г.А. Заварзин и др. Биологический энциклопедический словарь, 2-е изд., исправл. – М.: Сов. Энциклопедия, 1986. – С. 339.

⁴ Fixsen, D. J. The Temperature of the Cosmic Microwave Background (англ.) // The Astrophysical Journal. – IOP Publishing, 2009. – Vol. 707. – P.916–920. – 10.1088/0004-637X/707/2/916. doi: – Bibcode: 2009 ApJ... 707.916F. – arxiv:0911.1955.

⁵ Шкловский И.С. Веселенная, жизнь, разум. – М.: Наука, 1987. – 320 с.

таркибига киритилган ва Қуёш тизими шаклланигандан кейин ўзгаришсиз қолган минерал зарралардир¹.

Тарихда: Реликт (лотин. *relinquere* – «қолмоқ») феълидан) бу ўтмишдаги тарихий ёки диний воқеалар билан боғлиқ бўлган муқаддаслик белгиси билан сақланиб қолган ва кадрланадиган нарса.

Реликтлар тарихий ёки диний шаклда бўлади.

Тарихий реликтлар – бу ўзига хос ҳужжатлар, ўтмиш воқеаларининг гувоҳи бўлиб ҳисобланади. У жанговар баннерлар, қўлёзмалар ва қадимий қўлёзмалар, ҳокимият регали, давлат муҳрлари ёрқин тарихий ёдгорликлардир. Энг машҳурлари орасида Мономахнинг шапкаси, Петернинг қайғи ва бошқаларни келтириш мумкин.

Диний реликтлар ҳақиқий ёки қалбаки бўлиши, шунингдек, халқ мифологиясига асосланган мажозий ва шеърӣ бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, қолдиқлари динлар ичида мавжуд бўлган мустақил ва ўзига хос диний урф-одатлар билан боғлиқ. Турли динларнинг диндорлари тақдирнинг найзаси, фарёд кўтарувчи девор, Каъбанинг қора тошини ва Будданинг тишини диний реликт деб ҳисоблашади. Христиан реликтлари махсус қолдиқларда сақланади.

Оила меросхўрлари – оилага ёки уруғга тегишли бўлган ва авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган ҳужжатлар, нарсаларни ҳам қайсидир маънода реликт ҳисоблашади.

Техник реликтлар сифатида ўтмишда ишлаб чиқарилган ва узоқ вақт ишлатилмайдиган, аммо ишлайдиган ёки тикланадиган ҳолатда сақланадиган машиналарнинг ёки бошқа техник воситаларнинг нусхалари саналади².

Тилшуносликда: Готик лингвистик реликтларга апельсин лексемалари ва готик матнларнинг асосий танасидан ташқарида сақланиб қолган номлар киритилган. Готик апеллатив луғатига оид изланишларни ўрганиш, маълумотлар доирасини кенгайтириш ва лотин манбаларида қадимий герман тилидаги сўзларни ёзма равишда тасдиқлаш учун муҳим асосларни тушуниш имконини беради. Бу соҳага Остроготик ва Вистготик апеллатив луғатларининг қолдиқларини умумлаштириш ва этимологик таҳлил қилиш киритилган³.

Реликт – қадимги замонлардан ёдгорлик сифатида сақланиб қолган организм, нарса ёки ҳодиса. Реликт ерда, ўтлоқларда ва тоғларда сақланиб қолган айрим қадимги ўсимлик, ботаникларнинг таъкидлашича, музлик даврига оид наботот олами. Ёки Эски Кастилия ўзининг кўплаб қолдиқларини ҳозирги кунгача сақлаб келиши реликтга мисол бўла олади⁴. Н.Вавиловнинг “Беш континент” (“Пять континентов”) асарида келтирилишича, реликт *lat. reliktus* сўзидан келиб чиққан бўлиб, ташландиқ маъносини билдиради.

Д. Н. Ушаков раҳбарлигида нашр этилган «Толковый словарь русского языка»да шунга ўхшаш тасниф берилган: “РЕЛИКТ, а, м. [лотин. *reliktus* – ташландиқ] (илмий). Қадимги даврлардан бери ёдгорлик сифатида сақланадиган нарса, ҳодиса ёки организм. Реликт ўсимликлар”⁵.

А.П. Евгеньева бошчилигида тузилган “Словарь русского языка”да: “Реликт. 1. Китобий тилда қадимги тарихий ёдгорлик сифатида сақланиб қолган организм, объект ёки ҳодиса. Бу палеоботаника фанига кўра, эволюциядан омон чиққан ва Перм давридан ҳозирги кунгача сақланиб қолган кам сонли турлардан биридир. Ва бу, тасаввур қилинг, тахминан 215-280 миллион йил олдин Гинкго билоба (*Ginkgo biloba*), игнабаргли дарахтлар каби,

¹ Устинова Г. К. О возможном многообразии астрофизических источников метеоритных алмазов // Вестник Отделения наук о Земле РАН, 2009. – № 1 (27). – С. 127–131..

<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A0%D0%B5%D0%BB%D0%B8%D0%BA%D0%B2%D0%>

³ Ганина Н.А. Реликты готской апеллативной лексики в латинских памятниках // Вопросы языкознания, 2013. – №5. – С. 106-117. <http://vja.ruslang.ru/ru/archive/2013-5/106-117>

⁴ Вавилов Н. Пять континентов. 2-е изд. – М.: Мысль, 1987. – 348 с.

⁵ Источник: «Толковый словарь русского языка» под редакцией Д. Н. Ушакова (1935-1940); (электронная версия). Фундаментальная электронная библиотека. – М, 1994 (Содержит более 90 000 словарных статей).

гимноспермларга (*Gymnospermae*) тегишли. Ушбу тирик қолдиқ табиатда фақат шарқий Хитойда, асосан Тсхей-Янг провинциясининг тоғларида учрайди” тарзида шарҳланган¹.

Эльдар Рязанов «реликт» атамасининг синонимлари – қолдиқ (перезиток), рудимент, анахронизм, архаизм, сақланма (эскирган нарса, янги замонга оид нарса, ёдгорлик сўзлари) билан бир қатор ҳосил қилишини уқтиради ва қуйидаги гапни ўз фикрига илова қилади: “Эҳтимол, мен жуда эскирганман, реликт, мастодон, қазилма одамман, лекин мен санъат «оқилона, меҳрибон ва абадий нарсаларнинг экилиши» кераклигига аминман”².

Борлиқ онгда акс этар экан, уни синтез қилади – қисмларга ажратади. Юзага келган қисмлар моҳиятни маълум муносабатлар асосида ўхшашлик ёки фарқларга таяниб гуруҳларга ажратади, тавсифлайди ва таснифлайди. Бу жараёнда идрок этилган тушунча юзага келади, унинг ифодаси эса тил воситасида вокеланади. Диалектик боғланиш тафаккур ва тилнинг муштараклигини юзага келтирганлиги сабабли улар ҳар доим ўзаро узвий алоқадорликда бўлади. Лисоний жамият аъзоси, шунингдек, ҳар бир соҳа соҳиби томонидан серқирра табиат ҳодисаси ўзи учун аҳамиятли ва зарур бўлган қирраларидан фойдаланади ва тасниф жараёнида ана шу жиҳатларига эътибор қаратади. Бу эса тадқиқ манбаини ва предметини белгилаш учун муҳим омил бўлади.

Юқорида келтирилган изоҳларга диққат қаратилса, уларнинг биринчи, иккинчи ва учинчилари соф биологик табиатли бўлса, тўртинчи таърифда фалсафий-бадий терминологик шарҳ эканлигига гувоҳ бўламиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да реликт атамасига ўрин берилмаган, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да унинг қисқача изоҳи биологик-археологик аспектда келтирилган: “Реликтлар (лот. *relictum* – қолдиқ) – қадимда кенг тарқалиб, кейинчалик қирилиб битган флора ва фаунадан сақланиб қолган ўсимлик ва ҳайвонлар турлари ва б. таксонлари. Ҳамма палеоэндемиклар (қ. Эндемиклар) Р. ҳисобланади. Бирмунча кенг тарқалган, лекин яхлит ареалга эга бўлмаган Р. ҳам бор (лола дарахти ва б.). Р. қайси геологик давр фаунаси ёки флорасидан сақланиб қолган бўлса, ўша давр номи б-н аталади. Мас., учламчи давр Р.и (гинго, секвойя, метасеквойя, визилдоқ қўнғизлар турлари ва б.) музлик Р.и (пакана қайин), мезозой Р.и (дашт сфагнуми) ва б.³

Тилшунослиқда реликт атамасини фақат ўтмишнинг қолдиғи сифатида тасаввур қилиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Аслида бу борада “реликт” ҳамда “қолдиқ” тушунчаларини фарқлаш лозим. Ўзбек тилшунослигида лисоний қолдиқ деб ўтмишдан ҳозирги тилга айрим фонетик ўзгаришлар билан кўчган, аммо лисоний бирликлар билан алоқага (масалан, грамматик) киришиши чекланган бирликларни тасаввур этиш лозим бўлади. Мисол учун тилимизда “очун” сўзи қадимги туркий тилдан мерос бўлиб қолганлиги ўзбек жамияти учун маълум. Унинг тарихий шакллари “ачун”, “ажун” бўлганлиги ҳам ҳақиқат. Бироқ бу сўз бирор грамматик шакл билан муносабатга киришиб, замонавийлик руҳини бериш имкониятига эга эмас, шу сабабли у қолдиқ (перезиток) ҳисобланади.

“Олға” сўзида реликтивлик белгилари мавжудлигига далил, аввало, унинг ўзаги ўз маъносини йўқотганлигида, ўзак ва асос умумийлиги “олдинга” маъносини англатиши механик равишда онгда акс этади. Морфемик таҳлилда *-га* жўналиш келишиги қўшимчаси эканлиги аён бўлади, *ол-* ўзаги *олд* сўзининг таркибида ҳам мавжуд бўлиб, *олга* билан семантик умумийликка эга. Бундан ташқари, *ол-* асосининг *ил-* фонетик варианты “*илгари*”, “*илгор*” сўзлари таркибида ҳам учрайди. Шу сабабдан ҳам *олга* сўзини реликтив лексик бирлик деб ҳисоблашга асос бор. Реликт атамаси рудимент, қолдиқ, сақланма, архаизм, анахронизм атамалари билан маълум маънода синоним бўла олса-да, бу атаманинг

¹ Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Ин-т лингвистич. исследований; Под ред. А. П. Евгеньевой. 4-е изд., стер. – М.: Рус. яз.; Полиграфресурсы, 1999; (электронная версия): Фундаментальная электронная библиотека.

² Рязанов Э. Неподведённые итоги. Издательство: Вагриус, 2007. (цитата из НКРЯ). Источник: Викисловарь. <https://www.labyrinth.ru/books/86902/>


³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 7-том. ПАРЧИН – СОЛИҚ, 2004. – Б. 502.

моҳиятини тўлиқ акс эттира олмайди. (Бу сўзнинг тўлиқ таснифи кейинги бўлимларда берилди).

Демак, реликт, реликтология, лингвореликтология атамаларининг илмий тадқиқи ўзбек тилшунослигида ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири эканлиги шубҳасиз.

Маълумки, тил жуда серқирра, кўп аспекти ижтимоий-руҳий-физиологик ҳодиса, жараён ҳисобланади. Бу қирраларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқ предмети даражасида бўла олади. Шунинг учун тилшуносликнинг бутун тарихи мобайнида тилнинг алоҳида-алоҳида қирраларини ўрганувчи тилшуносликнинг компаративистика, натурализм, диахроник (тарихий) тилшунослик, синхроник (тавсифий) тилшунослик, структурализм, статистик лингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, ареал лингвистика, лингвистик типология, амалий тилшунослик каби оқим (мактаб, йўналиш)лари, тилнинг турли сатҳ бирликларини ўрганишга ихтисослашган фонетика, фонология, лексикология, лексикография, морфемика, грамматика, сўз ясалиши (деривация), семантика ва ҳоказо бўлимлари ёнма-ён яшаб келмоқда. Оқим-йўналишлар яхлитлик сифатида олинган серқирра тилнинг айрим-айрим қирраларини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилса, тилшунослик бўлимлари тилнинг турли хилдаги (катта-кичикликдаги) бирликларини ўрганишга ихтисослашгандир. Тилшуносликнинг барча оқим ва йўналишлари фанимизнинг асосий тадқиқ манбаи – тил ҳақидаги билимларимизни (айрим ҳолларда айни бир нарса ҳақида бир йўналишнинг ҳукми иккинчи оқим хулосасини инкор этса ҳам) муттасил тўлдириб боради. Шунинг учун лингвистик илмий тадқиқотларда тадқиқ манбаи ва тадқиқ предмети тушунчалари фарқланади¹. Бундай ҳолатни тадқиқот манбаи бўлган реликтология мисолида қуйидагича бериш мумкин: (1-чизма)

1-чизма.




¹ Исломов И.Х. Ўзбек тилида ер сатҳи кўринишларини ифодаловчи атов бирликлари тизими: Филол. фанл. бўйича фалс. докт. (PhD)... дисс. – Қарши, 2019. – Б. 25-26.

Чизмадан маълум бўладики, тадқиқ предмети сифатида қаралаётган бирлик турли томондан тасниф манбаи бўла олади, демак, унга кўп қиррали система сифатида ёндашиш лозим.

Мазкур макросистеманинг бўлинишидан қуйидаги микросистемалар ҳосил бўлади: реликтофонология, реликтолексикология, реликтоморфология, реликтосинтаксис ва хоказолар.

2-чизма.



«Система» тушунчасининг камида ўнлаб турли хил таърифлари мавжуд бўлиб, улар контекстга, билим соҳасига ва тадқиқот мақсадларига қараб қўлланилади. Таърифларнинг фарқлинишига таъсир қилувчи асосий омил шундаки, «система» тушунчасида икки томонлама қараш мавжуд: бир томондан, у объектив равишда мавжуд бўлган ҳодисаларни белгилаш, бошқа томондан, ҳодисаларни ўрганиш ва тақдим этиш усули сифатида, яъни субъектив модель сифатида қаралади¹.

Ушбу икки томонлама муносабати билан, таъриф муаллифлари икки хил муаммони: «система»ни «системасиз»ликдан объектив равишда қандай ажратиш ва муайян тизимни атроф-муҳитдан қандай ажратишни ечишга ҳаракат қилишади. Биринчи ёндашув асосида тизимнинг тавсифий (тавсифловчи) таърифи, иккинчиси асосида – конструктив таърифи берилган, баъзида улар бирлаштирилиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, “Большой Российский энциклопедический словарь”нинг кириш қисмида берилган таъриф одатда тавсифловчи таърифдир. “Система”га бошқача таърифлар берилган: 1. “Система – ўзаро таъсир қилувчи компонентлар мажмуасидир.”²

2. Система – бу бир-бири билан ва атроф-муҳит билан муайян муносабатда бўлган элементлар тўпламидир³.

3. Система – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган, атроф-муҳитдан ажратилган ва у билан умуман алоқада бўлган нарсалардир⁴.

Таърифлар системани ўрганишнинг дастлабки даврларига хос бўлиб, унда фақат элементлар ва алоқалар ҳисобга олинган. Система ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқишнинг кейинги жараёнида системанинг мақсади (вазифаси) ва кейинчалик эса кузатувчи (қарор қабул қилувчи, тадқиқотчи, дизайнер ва бошқалар)ни эътиборга ола бошлади. Шунга асосан, системанинг замонавий концепцияси аниқ ёки аниқ бўлмаган ҳолда таърифта киритиладиган кузатувчи ёки тадқиқотчи нуқтаи назаридан бирон бир функциянинг ёки тизимнинг мақсади назарда тутилди. Бу эса реликт тушунчасининг моҳиятини муайянлаштиришнинг энг оптимал усули бўлиб хизмат қилади.

¹ Кориков А.М., Павлов С.Н. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие - (Высшее образование: Бакалавриат) (ГРИФ), 2008. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

² Бергаланфи Л. фон. Общая теория систем – критический обзор // Исследования по общей теории систем: Сборник переводов / Общ. ред. и вст. ст. В. Н. Садовского и Э. Г. Юдина. – М.: Прогресс, 1969. – С. 23-82.

³ Бергаланфи Л. фон., 1973. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

⁴ Перегудов Ф.И., Тарасенко Ф.П., 1989. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

Демак, реликт деганда қадимда мавжуд бўлган ва ҳозирги пайтда ҳам бор, лекин унинг қиймати ўзгарган феноменни тасаввур қилиш керак бўлади, қолдиқ эса бундай узвийликка эга эмас. Масалан, Мономахнинг шапкаси ҳозир ҳам инсонлар кўз ўнгида мавжуд афсонавий бош кийими, у черковдан ўз жойини эгаллаб турибди. Атлантида шаҳри эса афсоналарда бору ўзи йўқликка юз тутган. Шунинг учун бу тушунчаларнинг биринчиси тарихий реликт, иккинчиси эса тарихий қолдиқ бўлиб онгимизда яшайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шкловский И.С. Веселенная, жизнь, разум. – М.: Наука, 1987. – 320 с.
2. Вавилов Н. Пять континентов. 2-е изд. – М.: Мысль, 1987. – 348 с.
3. Берталанфи Л. фон. Общая теория систем – критический обзор // Исследования по общей теории систем: Сборник переводов / Общ. ред. и вст. ст. В. Н. Садовского и Э. Г. Юдина. – М.: Прогресс, 1969. – С. 23-82.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 7-том. ПАРЧИН – СОЛИҚ, 2004. – Б. 502.

REDUPLIKATIVLIK HODISASINING TADQIQIY VA TAVSIFIY TAMOYILLARI

Бегимқуллова Д. (QarDU)

Annotatsiya. Ushbu tadqiqot ishida reduplikativlik hodisasining jahon tillari tilshunosligida tutgan oʻrni, uning tillararo tadqiqi, gʻarb tilshunosligi, rus tilshunosligi hamda turkiy tillar tilshunosligida reduplikatsiya hodisasi tadqiqi, reduplikatsiya terminologiyasi borasidagi qarashlar va ularning tavsifiy tamoyillari aks etgan.

Tayanch soʻzlar: *reduplikatsiya hodisasi, reduplikativ birlik, til universaliyasi, takror, toʻliq reduplikatsiya, qisman reduplikatsiya.*

Abstract. This article provides the analysis of the role of the reduplicative phenomenon in the linguistics of world languages, its cross linguistic study, the study of the reduplication phenomenon in Western linguistics, Russian linguistics, and Turkic languages linguistics, views on reduplication terminology and their descriptive principles.

Key words: *reduplication phenomenon, reduplicative unit, language universal, repetition, total reduplication, partial reduplication.*

Аннотация. В данной статье проводится анализ роли редупликативного феномена в языкознании мировых языков, его кросслингвистическое изучение, изучение феномена редупликации в западной лингвистике, русской лингвистике и тюркоязычной лингвистике, взгляды на терминологию редупликации и принципы их описательности.

Ключевые слова: *феномен редупликации, редупликативная единица, языковая универсалия, повтор, полная редупликация, частичная редупликация.*

Reduplikatsiya jahon tillari tizimidagi koʻplab tillarning xarakterli xususiyatlaridan biri hisoblanadi. Bu esa reduplikatsiyani universal hodisa deb atashga imkon beradi.

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida hind-yevropa tillarida reduplikatsiyaning turli jihatlarini oʻrganishga boʻlgan qiziqish ortadi. Gʻarb tadqiqotchilari, jumladan, E.Mattiyello (2013), E.Raimi (2000), H.Bernard (2005), Sh.Inkelas (2005, 2006), Sh.Inkelas va Ch.Zoll (2009), Sh.Nadarayan (2006), Diyenhart (1999), M.Barbatesi (2008). W.Dressler (2000, 2005), D.Minkova (2002), P.Rastall (2004), K.Rubino (2005), N.Thun (1963), L.Blumfeld (1933), O.Jespersen (1942), H.Marchand (1969), E.Moravchik (1978), L.Petrova (1978), A.F.Pott (1862), E.Sepir (1921), Metyuvs (1991), Spenser (1991), Melchuk (1993) va boshqalar reduplikatsiyani turli jihatlarini oʻrganadilar. Ulardan E.Raimi (2000), Sh.Nadarayan (2006), Sh.Inkelas (2005, 2006), Sh.Inkelas va Ch.Zoll (2009), Diyenhart (1999), K.Rubino (2005), A.F.Pott (1862), H.Ostgof va K.Brugman (1906-1904), A. Guillamo, V.Vundt, E.Sapir (1921), A.Meie (1903), W.Kuper va A.Nevins kabi olimlar reduplikatsiya hodisasini tillararo tadqiq etganlar. Ular oʻz tadqiqotlarida hodisaga turli tomondan yondashadilar. Masalan, A.F.Pott, K.Bryugman, G.Ostgof, A Meie, V.Vundt va boshqalar reduplikatsiyani qadimgi hind, qadimgi yunon, lotin,

qadimgi slavyan, qadimgi german va boshqa boshqa tillarning umumiy jihatlariga asoslangan holda reduplikatsiyani qiyosiy-tarixiy miqyosda o'rganadilar. Tadqiqolari asosida olimlar qadimgi yevropa tillarida reduplikatsiya so'z yasash, shakl yasash va nutqqa emotsional rang berishda muhim rol o'ynashini aniqlaganlar. Ayniqsa, A.F.Pottning qilgan izlanishi alohida tahsinga sazovor deya olamiz. Uning 1862-yilda nashr etilgan asari tilshunoslikda reduplikatsiyaga oid dastlabki tadqiqotlardan biri hisoblanib, unda turli tillarning lug'at tarkibi o'rganilgan. Olim til tizimidan qat'iy nazar turli mintaqalardagi ko'plab til guruhlariga mansub tillarni o'zaro tahlil qilgan. Natijada, hind-yevropa va boshqa til oilalari tillarida reduplikatsiya leksik va grammatik ma'nolarni ifodalashi va muayyan stilistik vositalar vazifasini bajarishini isbotladi. Bu bilan u o'zaro genetik yoki mintaqaviy bog'liq bo'lmagan tillar tizimida reduplikatsiyani tipologik tadqiq qilish mumkin ekanligini isbotladi [12:119].

Karl Rubino o'zining "Reduplication: Form, Function and Distribution" monografik risolasida reduplikatsiyaning dunyo tillari tizimida uchraydigan turli xil turlarini keltirib o'tadi. U reduplikatlarning grammatik, semantik vazifalari hamda tillarda tarqalish jihatlariga haqida so'z yuritadi. Bundan tashqari E.Raimi (2000), Sh.Nadarayan (2006), Sh.Inkelas (2006) va Cheryl Zoll (2005) va boshqalar tillararo to'liq va qisman reduplikatsiyani tadqiq etadilar va ularning shakllanishiga oid qimmatli ma'lumotlari taqdim etadilar.

G'arb tilshunosligida reduplikatsiyani bir til tizimida o'rgangan tadqiqotchi olimlardan N.M.Shteynberg (1969) ushbu hodisaga oid fransuz leksikologiyasi tarixida paydo bo'lgan ilk ishlardan birining muallifidir. Unda reduplikativ shakllarning tuzilishi, ularning adabiy tilning morfo-stilistik varianti sifatidagi vazifalari tilning ekspressivlik vositasi hamda so'z yasashning mahsuldor yo'li sifatida keltirilgan. Shuningdek, fransuz tilshunosligida leksik reduplikatsiya masalalari M.Fridrix (1863) va boshqa ko'plab olimlarning ishlarida o'rganilgan.

Ispan va italyan lingvistlari U.B.Utrera, A.Verjbitskaya, C.DeSantis, S.Skaliselar (1984,1988) zamonaviy tillarda reduplikatsiya muammosini tadqiq etib, reduplikatsiyani lingvistik universaliga deb hisoblaganlar. C.DeSantis faqat reduplikatsiyaning akspressiv funksiyasini o'rganish bilan shug'ullangan bo'lsa, S.Skalise o'z ishida reduplikatsiyaga morfologik hodisa maqomini beradi. A.Verjbitskaya o'zining italyan tilidagi reduplikatsiyaga bag'ishlangan tadqiqotida italyan tilida reduplikatsiyaning muhim funksional va tarkibiy o'ziga xosligi haqida bir qancha tahminlarni ilgari suradi.

Reduplikatsiya masalari tadqiqi rivojiga bag'ishlanagan eng ahamiyatli ishlardan biri F.I.Rojanskiy (2011) tomonidan afrikan tillari misolida bajarilgan bo'lib, unda Afrika tillarining leksik tarkibini tipologik tahlil qilishga qaratilgan bo'lib, unda reduplikatsiya ayrim afrikan tillarida so'z yasash vositasi sifatida e'tirof etilgan [16:11].

Ingliz tilida reduplikatsiyaga oid ilk fikrlar E.Sapir (1921), L.Blumfeld (1933), E.Naida (1949) va boshqa olimlar asarlarida uchraydi. Ular reduplikatsiyaga umumiy lingvistik tavsif berganlar. O.Jespersen (1942), E.Ekxardt, G.Marchand (1969), D.E.Bolinger (1965) va boshqalar ingliz tilida reduplikatsiyaning fonetik, morfologik xususiyatlarini tahlil qilishga harakat qilganlar.

Ingliz tilida reduplikatsiya hodisasining chuqur tahliliga bag'ishlangan monografik ishlardan eng keng qamrovli va mukammali Nils Thun (1963) tomonidan yaratilgan bo'lsa, reduplikatsiya borasida qilingan eng so'nggi, keng ko'lamli tadqiqot ishi Merlini Barbaresi (2008) tomonidan ekstralingvistik morfologiya nuqtai nazaridan amalga oshirilgan bo'lib, unda ushbu birliklarning hosil bo'lishi, tahlili borasida bir qator qizqarli fikrlar bayon etgan.

Ingliz nostandart leksikasi bo'yicha mutahassislar ham reduplikatsiyaga murojaat qilishadi. "Amerika jargonlar lug'ati" hamda L.Soudekning kitobida reduplikatlarning struktural o'ziga xosliklari artoflichay bayon etilgan maxsus bo'limlar keltirib o'tilgan. Bu kabi nostandart leksik tuzilmalarga qiziqishning paydo bo'lishi tasodif emas, albatta. Reduplikatlarning shakliy tuzilishi, ularning mazmuni hamda tovush va mazmun (fonosemantik) xususiyatlarining o'zaro aloqasi natijasida yuzaga keladigan ekspressivlik ko'plab tadqiqotchilarda qiziqish uyg'otgan.

Hozirgi rus tilshunosligida reduplikatsiya va uning tasnifi masalalari bilan I.Arnold (2012), T.Beliayeva va M.Xomyakov (1984), N.A.Shextman, I.Y.Moiseeva, G.G.Moskalchuk, Y.S.Maslov, F.I.Rojanskiy (2011), Vasilyeva, Vinogradov va Sachranovichlar (1995), Jarveva (1998) va boshqalar shug'ullanganlar. V.M.Jirmunskiy (1921), Yu.Tinyanov, N.G.Petrovalar o'z

ishlarida poetik diskursda reduplikatsiya fenomenini, reduplikatsiyaning poetik jihatlarini shoirlarning ijodiy materiallari asosida o'rganadilar.

XXI asrning reduplikatsiya fenomeniga ta'sir ko'rsatadigan birinchi asarlardan I.Y.Moiseevaning dissertatsiya taqdimotini qayd etishimiz lozim. Muallif o'z tadqiqotida ilmiy jamoatchilik e'tiborini o'quvchi va badiiy matn o'rtasidagi munosabatlar muammosiga qaratadi, shu bilan birga reduplikatsiyaning mohiyati va o'ziga xos xususiyatlarini tahlil qiladi.

T.M.Belyayeva va V.A.Xomyakovlar [14:117-118] ingliz tilida nostandard leksikani tadqiq qilib, o'zlarining "Нестандартная лексика английского языка" nomli monografiyasida nostandard leksik tizimda so'z yasash jarayonlaridan biri sifatida reduplikatsiya haqida so'z yuritadilar.

O.Y.Kryuchkova lingvistik tipologiya aspektida reduplikatsiyani o'rganish bilan shug'ullanadi, reduplikatsiyani 'so'z ichidagi ikkilanish' deb hisoblaydi [15:82]. Shu bilan birga reduplikatsiyaning tasnifini taklif etadi, ular orasida to'liq, qisman, divergent, murakkab va sinonimik reduplikatsiyani ajratib ko'rsatgan.

E.V.Fedyayeva reduplikatsiyaning ingliz tili materialida noaniq miqdorning mazmunini ochib berish vazifasi muammosini o'rganadi. Reduplikatsiya tadqiqotchi tomonidan ko'plik, daraja-sifat miqdori o'lchovi, harakat holatini ko'rsatuvchi ikonik lisoniy belgi sifatida tushunilgan. E.V.Fedyayevaning fikriga ko'ra, reduplikatsiya "turli darajadagi birliklarning takrorlanishi, turli tizimlardagi tillarga xosdir" [17:470].

Turkiy tillarda reduplikatsiyani o'rganishda eng yirik turkolog N.K. Dmitriyevning "Boshqir tilidagi juft so'z birikmalari haqida" maqolasi ushbu mavzu bo'yicha eng muhim ish bo'lib, unda reduplikativ so'zlarning tasnifi yetarlicha batavsil yoritilgan. Bundan tashqari reduplikatsiya nazariyasi A.N.Kononov, N.A.Baskakov, R.A.Aganin, H.Sofu va boshqa turkologlarning grammatik asarlarida yanada rivojlantirilgan.

Shunday qilib, zamonaviy tilshunoslikda reduplikatsiya mavzusiga oid nazariy adabiyotlarning tahlili shuni ko'rsatadiki, ushbu tadqiqot obyekti tilshunoslar tomonidan dunyoning turli tillarida va turli xil yondashuvlardan foydalangan holda o'rganiladi, shu sababli ham ushbu fenomenning ta'rifi, xarakteri, til tizimidagi o'rni borasida fikrlar xilma-xilligi va qarama-qarshiliklari mavjud.

Reduplikatsiya terminologiyasi borasida ham qarashlar anchayin xilma-xil. Avvalo, shuni ta'kidlash lozimki, tilshunoslikka oid adabiyotlarda bu hodisaga nisbatan turli atamalar qo'llanilgan (masalan, reduplikatsiya (reduplication), giminatsiya (geminatation), ikkilanish (doubling), duplikatsiya (duplication), takror (reiteration), reduplikativ qo'shma so'zlar (reduplicative compounds), takroriy qo'shma so'zlar (repetition compounds), izosillabik konstruksiyalar (isosyllabic constructions) va hkz. Ayrim tilshunos olimlar, bu atamalarning ma'no va vazifalarini farqlamasdan qo'llasalar, ayrimlari ular o'zaro farqli tushunchalar ekanligini ta'kidlaydilar. Masalan, Gumbolt o'z asarida (Mexicanische Grammatik) repetition, doubling, reduplication (mos ravishda Wiederholung, Verdoppelung, Reduplication) atamalarini yonma-yon qo'llagan. Ammo ular o'zaro farqli yoki sinonim tarzda ishlatilganmi, anglab olish qiyin. Gonda iteration, gemination, doubling atamalarini so'zning to'liq takrorlanishiga nisbatan ishlatilsa, reduplication terminini so'zning faqat bir qismi takrorlanishiga nisbatan ishlatadi [5:171]. Shu bilan bir qatorda A.F.Pott ham qisman takrorlanishga nisbatan reduplication atamasini ishlatilsa, to'liq takrorlanishli reduplikativlikni gemination deb ataydi [12:16]. E.Sapir, Kodrington, hamda Pei va Gaynorlar esa bu termini har ikkala tur reduplikatlarga nisbatan qo'llaydi. Glukning (2000) o'zining terminologiyalar lug'atida ham reduplikatsiyani to'liq va qisman reduplikatsiya bo'lgan. Bunda qisman reduplikatsiyaga nisbatan Reduplikatsiya (Reduplikation), to'liq reduplikatsiyaga nisbatan esa reiteratsiya (Iteration) terminlari qo'llanilgan. L.Bloomfieldning bu borada yondashuvi anchayin farqli. U so'zning takrorlovchi qismidan iborat bo'lgan affiksiga nisbatan reduplikatsiya atamasini qo'llaydi. Ya'ni replikatungga affiks sifatida qaraydi. Tadqiqotchi bu bilan reduplikatsiyani affiksatsiya hodisasining bir ko'rinishi deb hisoblaydi [3: 218]. E.Nida esa, aksincha, replikanni reduplikativ deb ataydi. N.Thun esa, yuqoridagi atamalar ichidan reduplikatsiyani eng ma'quli deb hisoblaydi. Gemination termini aslida fonetikada yonma-yon kelgan ikkita bir xil (dinner, unnamed, misspell) undosh tovushlarni cho'ziqroq talaffuz qilish hodisasiga nisbatan ishlatiladi va N.Thun

u shu manosini saqlab qolgani ma'qul deb hisoblaydi. Reiteration esa qolgan atamalarga nisbatan kam uchraydi. Duplication atamasi esa oddiy lisoniy ikkilanish hodisasi sifatida juda keng ma'noga ega va u reduplikatsiyadan boshqa ko'plab takrorning turlarini qamrab oladi deb hisoblaydi. Shu sababli ham reduplikatsiyani eng maqbul atama degan qarorga keladi.

Terminologik noaniqliklar sababi ham dunyoning turli tillari tizimlarida ushbu hodisani tipologik jihatdan umumlashtiruvchi ishning yo'qligi va reduplikatlarning morfemik tabiatining o'rganilmaganligidandir. Ammo "reduplikatsiya" atamasi eng tog'ri va maqbul atama hisoblanadi.

Shu o'rinda takror (repetition) va reduplikatsiya tushunchalarini o'zaro farqlab olish muhim. Umuman olganda, "takror" atamasi talqin qilishda juda keng ma'noga ega. Takror - bu nutq yoki yozma ishda so'z yoki iborani ikki yoki undan ortiq marta ta'sir qilish uchun ataylab ishlatishni o'z ichiga olgan adabiy vosita. Misol uchun, "O! missis, missis," said Eliza (Uncle Tom's Cabin). Takrorlash sezilarli bo'lishi uchun so'zlar yoki iboralar bir-biriga yaqin joyda takrorlanishi kerak. She'r yoki nasriy adabiy asarda bir xil so'z yoki iboralarni takrorlash biror fikrga oydinlik kiritishi va/yoki uni o'quvchi uchun esda qolarli qilishi mumkin".

David Gil takror va reduplikatsiyani yuzaki o'xshash hodisalar deb hisoblab, ularni quyidagi tarzda farqlaydi: takror so'zlarga xos bo'lib, sintaksis yoki diskurs ta'siri ostida namoyon bo'ladi, reduplikatsiya esa so'z ichida sodir bo'lganligi tufayli morfologiyaning bir qismi sifatida qabul qilinadi. Shunga ko'ra, muallif, reduplikatsiya va takror o'rtasidagi farq so'z va so'zning chegarasiga bog'liqdir deb hisoblaydi.

Elisa Mattiello esa reduplikatsiya so'z yasash vositasi bo'la olishi, takror esa shunchaki turli sinflarga mansub so'zlarning sintaktik takrori deb hisoblaydi. [9:146].

Inkelas va Zolllar [6:1] masalaga bir muncha o'zgacharoq yondashib, reduplikatsiya takrorning bir kichik bir turi degan fikrni olg'a suradilar va uni grammatik ikkilanish (morphological doubling) yoki so'zlar ichidagi duplikatsiya effekti (duplication effect within words) deb ataydilar.

O'zbek tili tilshunosligida ham takrorning asosiy ikki ko'rinishi, ya'ni takror (odatdagi takror) va ikkilanish (udvoenie, reduplikatsiya) farqlanadi. Takror ma'noni kuchaytirish, intensivlik va emotsional bo'yoqni bildirish uchun xizmat qiladi. Masalan, (1) Kim, kim keldi? (2) Kim-kim keldi? Birinchi holatda oddiy sintaktik takror aynan kim kelganligiga urg'u bermoqda, ikkinchi holatda esa kim-kim reduplikativ birlik hisoblanib, kimlar ma'nosida ko'plikni ifodalab kelmoqda. A. Hojiyev [1:88] birinchi holatni oddiy takror, ikkinchi holatni esa takroriy so'z yoki so'z takrori deydi va ularni bir biridan farqlash lozimligini aytadi. Ammo, aksariyat o'zbek tili grammatikasiga oid adabiyotlarda oddiy takror va reduplikatsiya umumiy holda takror yoki takror so'zlar deb yuritiladi.

Merlini Barbaresi o'z kuzatishlarida goo-goo, my-my tipidagi to'liq reduplikativlarni narsa-buyumlarning haqiqiyliigi, sofligiga (food food - "not junk food", fur fur - "real fur") va hodisa va harakatlarning rostmana va qat'iyligiga (Are you leaving leaving now? "really leaving") urg'u beruvchi sintaktik takrordan farqlashga harakat qiladi. Nils Thun [13:8-9] bu ikki jarayonni bir nechta mezonlarga, xususan, bo'laklarning urg'ulanishidagi prosodik farqlar (reduplikatlarda replikatumlarni urg'ulansa - préty-pretty, takrorda har bir takrorlangan so'z mustaqil urg'u qabul qiladi - préty préty), ko'plik hamda yasaliş xususiyatlarining mavjudligiga (bye-byes, pretty-pretty, takrorda bunday holat kuzatilmaydi) hamda semantik-pragmatik xususiyatlariga ko'ra (sintaktik takrorda so'z o'z ma'nosini saqlab qoladi, holbuki, reduplikativ holatda pretty-pretty haqoratimiz tarzda ifodalangan "o'ta chiroyli" degan ma'noni, pretty-pretties esa ko'plik holatida "bezaklar" degan ma'noni ifodalaydi) farqlaydi.

Nafaqat reduplikatsiya terminologiyasi, balki hanuzgacha ushbu hodisa tog'risida noaniq tasavvur va ko'plab mulohazalar mavjud. Chunki tadqiqotchilar asarlarida ularga nisbatan "kam ahamiyatli, asosan xazilomuz, so'zning bir qismi yoki barchasi takrorlanadigan lug'atni boyitish uchun manbaa" (Stockvell va D.Minkova, 2001: 18), "so'z ichida va so'zdan tashqari ikkilanish" (O.Y. Kryuchkova), "til o'yini hodisasi" (A.M. Zaripova), "morfologik so'z hosil qilish jarayoni, unda so'zning ba'zi bir qismi ikkilanadi" (Sh.Inkelas, 2006: 417), "morfemik jarayon" yoki "suprasegmental morfemalar" (Y.S. Maslov), "so'z va uning qismlarining notasodifiy takrori" (F.I. Rojanskiy), "grammatik ma'noni ifodalash vositasi sifatida xizmat

qiluvchi takror” (N.F. Alefirenko), “grammatik ikkilanish” (Sh.Inkelas va Ch.Zoll, 2005), “turli til sathlariga tegishli birliklarning takrorlanishi” (E.V. Fedyayeva, 2008: 270). “to’liq yoki qisman takrorlanishdan iborat hodisa” (Reformatskiy A.A.) kabi ta’riflarni uchratishimiz mumkin.

Yuqorida keltirilgan ta’riflardan ushbu hodisani flektiv, derivativ yoki kompozitsion hodisa deb atash, hamda u aynan qaysi til sathiga (fonomolik, morfologik, sintaktik) tegishli hodisa ekanligi borasida qat’iy fikrlar yo’q.

Shunday qilib, reduplikatsiyaning yagona aniq shakllangan ta’rifining yo’qligi hamda so’z yasash usuli sifatida reduplikatsiyaning mustaqilligi haqida munozaralar reduplikatsiyaning integral tasnifini yaratishga ta’sir qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Azim Hojiyev A. O‘zbek tilida qo‘shma, juft va takroriy so‘zlar. –T.: 1965.
2. Barbaresi, Merlini Lavinia. Extra-grammatical morphology: English reduplicatives. In Words in Action: Diachronic and Synchronic Approaches to English Discourse. Studies in Honour of Ermanno Barisone, John Douthwaite, and Domenico Pezzini (eds.), pp. 228–241.
3. Bloomfield, Leonard. Language. – London, 1933.
4. Dienhart, John M. Stress in reduplicative compounds: mish-mash or hocus-pocus? (1999) American Speech 74 (1): 3-37
5. Gonda, Jan (1949): The function of word duplication in Indonesian languages, in: Lingua 1/2: 170–179.
6. Inkelas, Sharon and Cheryl Zoll. Reduplication: Doubling in Morphology. Cambridge: Cambridge university press, 2009. – Pp. 254
7. Jespersen, Otto. A Modern English Grammar on Historical Principles, Part IV: Morphology. Copenhagen: Ejnar Munksgaard. 1942.
8. Marchand, Hans. The categories and types of present-day English word-formation. Munchen: Verlag C.H. Beck. 1969. Second edition. Pp. 545
9. Mattiello, Elisa. (2013) Extragrammatical morphology in English: abbreviations, blends, reduplicatives and related phenomena. Walter de Gruyter GmbH, Berlin/Boston – Pp. 340.
10. Minkova, Donka. Ablaut reduplication in English: The criss-crossing of prosody and verbal art. English Language and Linguistics 6 (1): 133–169. 2002.
11. Nadarajan, Shanthi. A crosslinguistic study of reduplication. Arizona Working Papers in SLAT 13: 39–53. 2006.
12. Pott, August Friedrich. Doppelung (Reduplikation, Geminatio) al seines der wichtigsten Bildungsmittel der Sprache, beleuchtet aus Sprachen aller Welttheile. Lemgo & Detmold 1862.
13. Thun, Nils. Reduplicative Words in English: A Study of Formations of the Types Tick-tick, Hurly-burly and Shilly-shally. 1963. Uppsala: Carl Bloms.
14. Беляева, Т. М., Хомяков, В. А. Нестандартная лексика английского языка Текст. / Т. М. Беляева, В. А. Хомяков. Л.: ЛГУ, 1984. – 135 с.
15. Крючкова О.Ю. Редупликация как явление русского словообразования: дис. ... д-ра филол. наук. – Саратов: Саратов. гос. ун-т, 2000. – 261 с.
16. Рожанский Ф.И. Редупликация: Опыт типологического исследования. – М.: Знак, 2011. – 256 с.
17. Федяева Е.В. Редупликация как одно из средств репрезентации неопределенного количества. – СПб: Известия РГПУ им.А.М.Герцена. – № 33 (73), 2008. – С. 469 – 472.

Нашрга проф. Б. Менглиев тавсия этган

O‘ZBEK TILIDA VARIANTDOSH BIRLIKLAR TADQIQI

Bazarova D.B. (QarDU)

Annotatsiya. Maqola o‘zbek tilidagi variantdoshlik, variant, dublet tushunchalari va uning lingvistik tadqiqiga bag‘ishlanadi.

Tayanch so‘zlar: *variantdoshlik, imloviy tamoyil, orfografiya, punktuatsiya, izohli lug‘at, imlo lug‘at, me‘yor.*

Аннотация. Статья посвящена понятиям вариантность, вариант, дублет в узбекском языке и его лингвистическому исследованию.

Ключевые слова: *вариантность, принцип правописания, орфография, пунктуация, толковый словарь, орфографический словарь, норма.*

Annotation. The article is devoted to the concepts of variance, variant, doublet in the Uzbek language and its linguistic research.

Key words: *variance, intravariant phenomenon, spelling principle, spelling, punctuation, explanatory dictionary, spelling dictionary, norm.*

Variant, variantdosh, doublet atamaları tilshunoslikdagi faol va umumsathiy atamalardan bo‘lib, ham til sathlariga, ham ularning amaliy voqelanishiga daxldorligi bilan xarakterlanadi. Lingvistik doublet yoki lisoniy doublet yoxud shunchaki doublet (frans. “double” (ikkilanma, ikkiyoqlama)) sifatidan olingan doublet atamasi ostida ma’nosi bir xil yoxud yaqin, etimologik jihatdan bir ildizdan kelib chiqqan, tadrijiy taraqqiyot natijasida semantik yoki uslubiy farq kasb etgan, fonetik qiyofasi ayrim tovush jihatidan farqlanadigan leksik birliklar tushuniladi¹.

Variant tushunchasi nisbatan keng qamrovli va turli sohalarga oid bo‘lib, uning nafaqat umumiste’mol, ijtimoiy-siyosiy yoki lingvistik, balki aniq fanlar sohasida ham o‘ziga xos mohiyatga egaligini ko‘rish mumkin. Masalan, fizikada u “termodinamik sistemadagi erkinliklar sonini ifodalaydi yoxud muayyan chegaralarda fazalar sonini o‘zgartirmasdan yuz beradigan fizik almashuvlar soni”ni anglatuvchi termin sifatida qo‘llanadi².

Albatta, ortiqchalikni umuman “keraksiz” ma’nosida talqin qilish maqsadga muvofiq emas. U tilning harakatligi va jonliligi, yashovchanligi, rivojlanuvchanligi, sharoitga moslashuvchanligi – “egiluvchanligi”ni o‘zida namoyon qiluvchi hodisadir. Til birliklarining “ortiqchalik” belgisini raqobatdoshlik xossasi sifatida baholash to‘g‘riroq. Zero, raqobat – taraqqiyotni belgilaydigan, uni tezlashtiradigan asosiy omillardan biri.

Variantdoshlik, variantlilik yoxud variantdorlik til meyor talablari nuqtai nazaridan baholanadi. Shuningdek, yuqorida zikr etilgan eskirganlik yoki yangilik, adabiylik yoxud shevaviylik nuqtai nazaridan munosabatda bo‘lish ham masalani oydinlashtiruvchi, hodisaga xolis yondashishdir.

Hozirgi o‘zbek adabiy tili ham, boshqa tillar kabi variantlarga boyligi bilan xarakterlanadi va yagona “*invariant*” shaklni tanlash hamda boshqa variantlarni inkor qilish tilning ijtimoiy funksiyasiga futur yetkazadi.

Tilda variantlarning vujudga kelishi ko‘plab tashqi va ichki omillarga bog‘liq.

Ichki omillar sifatida quyidagilarni sanash mumkin:

- analogiya qonuniyatining amal qilishi;
- tilda formal-semantik asimetriya qonuniyatining mavjudligi;
- turli nutq uslublarining mavjudligi;
- tilning tarixiy taraqqiyoti;
- nutqiy tejam;
- tilning “egiluvchanligi” (moslashuvchanligi);

– nutqning individualligi;

– tilda tanlash imkoniyati mavjudligi;

Variantlar vujudga kelishining tashqi omillari sifatida quyidagilarni sanash mumkin:

- boshqa tillarning ta’siri;
- tilning sotsial farqlanuvi;
- jamiyat hayotida yuz bergan ijtimoiy o‘zgarishlar;
- imlo islohoti;
- tilda ayrim gender omillar.

Tilning tadrijiy taraqqiyoti nuqtayi nazaridan munosabatda bo‘linsa, variantlarning yashovchanligi, qo‘llanuvchanlik darajasi turlichadir. Iste’molardan chiqib ketgan imlo qoidalari va an’analarining izlari saqlanib qolishi ham variantdorlikni keltirib chiqaradi. Shuning uchun variantlilikning ijtimoiy va individual turini farqlash mumkin bo‘ladi. Masalan, arab imlo an’anasi amal qilayotganligi sababli *tamagir*, *taqiqlamoq* o‘zlashma so‘zlarining ayn harfi

¹www.wikipedia – Свободная энциклопедия.

²Большая Советская Энциклопедия.

mavjudligi asosida arab imlosida ta'magir (تعمر) *ta'qiqlamoq* (تعقلماق) tarzida yozilishi an'anasi kirill va lotin imlosida ham, garchi imlo qoidalariga zid bo'lsa-da, davom etib kelmoqda. Yoki kirill alifbosidagi *mo'tabar*, *mo'tadil* so'zlarining lotin imlosidagi qulaylik maqsadida *mo'tabar*, *mo'tadil* shaklida yozish qoidalashtirilganligiga qaramay, uning norasmiy variantlari *mo'tabar*, *mo'tadil* shaklida ekanligini kuzatish mumkin. Bu, albatta, mazkur so'zlarning qonuniy emas, balki "noqonuniy" variantlari sifatida baholanishi maqsadga muvofiq. Zero, bundagi "xatolik" to'la ma'nodagi subyektiv xatolik bo'lmay, balki kirill alifbosi asosidagi stereotiplar asosida yuz berayotgan obyektiv xatolik sifatida baholanishi lozim. Arab alifbosidagi ta'magir, ta'qiqlamoq so'zlarining kirill (*ta'magir*, *ta'qiqlamoq*) va lotin (*ta'magir*, *ta'qiqlamoq*) imlosidagi "xato" variantlariga ham shunday munosabatda bo'lish mumkin.

Masalan: Rahbarlar *ta'magir* bo'lib ketgan, pora uzatmasang yer berishmaydi. (I.Nishonov. "So'nggi topshiriq", 140-b).

Bunday holatlar she'riy matnlarda ham uchrab turadi.

Chiqdi Xuroson saridin o'g'rivor

Keldi xom ta'ma aylabon Qandahor.

(P. Qodirov. "Humoyun va Akbar", – B.117).

Yusufbek hoji nihoyatda *ta'masiz*, xalq manfaatini kuzatkuchi bir odam ekan. (A.Қодирий. "Ўтган кунлар", – Б. 70).

Edvard Kallen bilan ko'rishishimga va uydan chiqishim *ta'qiqlangani* uchun soat o'n to'qqizdan to yigirma birdan o'ttiz daqiqagacha dadamning norozi mujmal chehrasini ko'rishga majburman.

(S. Mayyer. "Zulmat ostonasidagi muhabbat". – Б. 6).

Variantdosh so'zlarning lingvistik tabiati o'ta murakkab. Bu murakkablikni ularning fonologik-fonetik va grafik xususiyatlarida ko'rish mumkin. Masalan: bab-barabar va bab barovar, baadab va boadab jibilajibon va jibljajibon.

Davr har bir variantdosh so'zga o'z talablarini qo'yadi. Ulardan ayrimlari eskirgan qatlamga mansubligi, so'zlashuvga xosligi, adabiy talaffuz meyoriga muvofiq emasligi, madaniy qatlam talabiga javob bermasligi kabi omillar ostida iste'moldan chiqariladi. Dominanta birlik esa adabiy tilning meyorlariga har jihatdan mos ekanligi bilan xarakterlanadi va meyor uni tanlab, qonuniylashtiradi. Albatta, siqib chiqarilayotgan variantdosh birlik o'zining konnotativ bo'yog'i "o'tkir"ligi tufayli nutqning chekka hududlarida ma'lum bir emotsional-ekspressiv vazifa bajarish imkoniyatiga ega bo'lib, bu ularning ma'lum darajada, garchi passiv qo'llanishga ega bo'lsa-da, "jon saqlab qolish"i uchun sharoit yaratadi. Ammo bu ularning mutlaq qonuniylik belgisiga egaligini ko'rsatmaydi. Umuman olganda, tilda biror unsur, u so'z, ibora, maqol yoki boshqa vosita bo'lishidan qat'i nazar izsiz yo'qolib ketishi mumkin emas. Shu sababli ayrim so'zlarning variantlari qonuniyligi va yashovchanligi bilan xarakterlanadi.

Masalan: *shohi – shoyi*

bukun – bugun

Ustida go'yo xonatlas ko'ylak, Xitoy tovardan kaltacha, toza beqasam kamzul, qimmatbaho *shohi* ro'mol, amirkon kavish-mahsi...

(Cho'lpon. "Kecha va kunduz", – b. 69).

Oldiga uqa tutilgan *shoyi* ko'ylak, kalaminka shim, oq tufli.

(O'. Hoshimov. "Ikki eshik orasi", – b. 80).

O'zim ham bu maktubni shu *bukun* ko'rdim, – dedi. (A.Qodiriy. "O'tgan kunlar", – b. 55). Shayboniyxon *bugun* qo'llamoqchi bo'lgan to'lg'ama usuli – yashin tezligida harakatlanishni talab qiladi.

(P.Qodirov. "Yulduzli tunlar", – b. 135).

Bu holat quyidagi variantdosh birliklarda ham kuzatiladi.

Nabira-nevara, shosupa-shohsupa, kaptar-kabutar, nina-igna kabi.

Variantlardan birining siqib chiqarilishi, ular miqdorining kamayib borishida bir xillik yo'q, ayrimlari orasida bu borada "yashash uchun kurash" ketayotgan bo'lsa, boshqalarida birini siqib chiqarish jarayoni tez va shiddatli ro'y beradi. Quyidagi so'zlarda variantlararo "murosa"ni kuzatish mumkin: *miltillamoq – miltiramoq, mashina – moshin – moshina, mulozimat –*

mulozamat, munaqa – bunaqa, mufti – muftiy, mo‘ldiramoq – mo‘ltiramoq, noz-istig‘no – nozu istig‘no, noib – noyib, nom-banom – nomma-nom, nonvoy – novvoy, norizo – norozi, noutbuk – notbuk, obro‘ – obro‘y kabi.

Quyida berilgan variantdosh birliklarda dominanta variant tomonidan umrini o‘tab bo‘layotgan variantlarning siqib chiqarilish jarayoni ketmoqda: **joyshab** – *choyshab, chahorshanba* – *chorshanba, panjshanba* – *payshanba, parang* – *farang, kafgir* – *kapgir, nonvoy* – *novvoy, parishta* – *farishta* kabi.

Qatordagi qoraytirilgan so‘zlar dominanta variantlar bo‘lib, ular ustuvor yashovchanligi bilan xarakterlanadi. Ammo mazkur variantdoshlarning barchasi izohli lug‘atlarda qayd etilganligi “siqib chiqarilish” mutlaq darajada amalga oshmaganligini ko‘rsatadi.

Davr ruhini aks ettirish, shevaviy yoki lahjaviy koloritni berish talabi, shuningdek, badiiy asarlarda qahramon nutqini individuallashtirishdan iborat badiiyat talablari bunday variantlarning o‘rni bilan onda-sonda ishlatilishiga yo‘l qo‘yadi.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, 1-қисм. – Т.: Фан, 1997.
2. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва педагогика институтлари талабаларига қўлланма / [Махсус муҳаррир Л.Т.Бобохонова]. –Т.: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 2 томли. 60 000 сўз ва сўз бирикмаси / С.Ф.Акобиров, Т.А.Алиқулов, С.И.Ибрагимов ва бошқ.; З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Русский язык, 1981. Т. I. А – Р. – 632 б.
4. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати / Масъул муҳаррир: А.Мадвалиев. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.
5. Шуқуров Р. Сўз вариантларининг имло луғати. – Тошкент.: Фан ва технология, 2014. – 100 б.
6. www.wikipedia – свободная энциклопедия.
7. Большая Советская Энциклопедия.

Наишра проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

ХАЛҚ ҲЙИНЛАРИНИНГ НОМЛАНИШЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОНОМАСИОЛОГИК МАСАЛАЛАР

Ҳамидова Н. Ҳ. (НКТУ)

Аннотация: Мақолада халқ Ҳйинларининг номланишлари билан боғлиқ ономасиологик масалалари: Ҳринда халқ Ҳйинларининг номланишида ҳам уларнинг ономасиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг назарий ва амалий масалалари мавжудлиги, нарса ва ҳодисалар доим бир бири билан боғлиқ бўлиши, бу эса уларнинг индивидуал хусусиятларини бир бутун ҳолда кўриш лозимлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўзлар: *халқ Ҳйинлари, ономасиологик масалалар, илмий тасниф, амалий ва илмий асос, моҳият*

Аннотация. В статье рассматриваются ономасиологические вопросы, связанные с именованием народных игр. На данный момент возникают теоретические и практические вопросы номинации народных игр с учетом их ономасиологических особенностей. Вещи и события всегда связаны друг с другом. Это оправдывает необходимость рассматривать их отдельные проблемы в целом.

Ключевые слова: *народные дома, вопросы ономасиологии, научная классификация, научно-практическая основа, сущность.*

Annotation. The article examines the onomasiological issues related to the naming of folk games. At this point, there are theoretical and practical issues in the naming of folk games, taking into account their onomasiological features. Things and events are always related to each other. This justifies the need to see their individual issues as a whole.

Key words: *folk houses, onomasiological issues, scientific classification, practical and scientific basis, essence.*

Халқ ўйинларининг номланишига сўзсиз, халқ ўйинларининг номланишлари билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларига тўхталишдан аввал уларнинг илмий тавсифини бериш лозим бўлади. Сабаби, ҳар бир нарса бошқа бир нарса билан ўзаро боғлиқлик қонуниятига эга. Шунинг учун ҳам қадим тарихга эга бўлган халқимиз бирор нарсани яратганда, номлаганда, мукамал тарзда шакллантирганда ва уни яратишдан мақсад ва шу мақсадни реаллаштирадиган жараёнларни ҳам ҳисобга олганлиги табиий ҳол. Агар халқ ўйинлари моҳиятида ёшларни тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги, маълум мавзуда тезроқ фикрлайдиганлиги, ўзи бошлаган ишига ишончлилиги, чидамлилиги ва курашчанлиги билан дўсту душман олдида мағрур туришларига имконият яратилади. Зеро, доно, ҳимматли, қудратли ва салоҳиятли халқ ўзининг ёш авлодларини ҳам мана шундай характерда бўлишини истайди ҳамда мана шу истакни амалга ошириш учун доим интилиб, тиришиб яшаган. Албатта, болалар ва ёшлар тарбиясида таълим-тарбия билан биргаликда ўйинлар ҳамда халқ ўйинларининг мавқеи бениҳоя катта. Шунингдек, уларнинг миқдори ҳам катта бўлиб, баъзи бир олимлар уларнинг миқдорини 1001 (минг бир) деб ҳам аташмоқда [1].

Ўйин номлари болаларни ўзгаларни ҳурмат қилишга, ҳаракатчанликка, топқирликка, хушёрликка, собитқадам бўлишга, ишонч ва курашчан бўлишга ўргатади. Шунинг учун ҳам бу масалада мамлакатимиз ҳукумати ҳам жиддий эътибор бериб, халқ ўйинларини оммалаштиришга оид бир қанча тадбирларни амалга ошириб келмоқда [2]. Шу билан бирга турли мусобақаларнинг, хусусан, халқаро ҳамда олимпиада (масалан, Токио олимпиадаси) ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

Ўйинларда, албатта, халқ ўйинларида мақсадли ва мазмунли ҳаракатлар бўлади, бу ҳол ҳам устозлар ҳамда олимлар эътиборида бўлган [6: 142]. Аммо уларнинг номланиши масаласига ҳалигача эътибор берилмаган. Ўйинлардаги қоидалар, шунингдек, уларнинг мақсад ва вазифалари моҳиятини ҳисобга олинса, мана шу учта нарса халқ ўйинларининг номланишидан ҳамда мазмун-моҳиятидан уларнинг бир-бирига боғлиқ умумлашмаликни, бугунги илмий термин билан айтадиган бўлсак, уларнинг номланиши жараёнларидаги илмий назарий ва илмий амалий масалалар борлигини ҳис қилиш мумкин. Чунки нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва алоҳидалиги фанда назарий ҳамда амалий масалалар сифатида эътироф этилмоқда.

Албатта, уларда халқимиз ўзининг фарзандларига аталган орзу-умидларининг яширин мажмуини ҳис қилиш мумкин. Бу ҳолат оддий мактабгача бўлган таълим даргоҳларида ҳамда ўрта ҳамда ўрта махсус мактаб ва олий таълим тизимида таълим-тарбия олаётган ёш, ўрта ёш ва катта болалар ўйинларининг моҳиятидан тортиб, то спорт мусобақаларида ва спорт майдонларида ўйналадиган оддий, шунингдек, профессионал ўйинларнинг мазмун-моҳиятида ҳам ўз изини қолдирган. Масалан, кураш, футбол, бокс, кўчмак ўйини, оқ таёқ- кўк таёқ, чакаман, оқ суяк ўйини, пақиллоқ, топган-топалоқ, кўрпа-ёстик, боғда пичан кўрдим, подшоҳ ва вазир, дўл, эшак минди, бекинмачоқ, қушим боши, қулоқ чўзма ўйини, чиллик ўйини, дим-дим, кўпкари, олиш, оқ теракми – кўк терак, қувалаш, ғозлар, сайлаб беринг, яхмалак, қор хат, мак-мак, тош ўйини, тухум уриштириш, бурдам (ошга хўроз гўшти солинган бўлса, унинг бир жойида бир суяқдан шаклланган ўн-ўн икки сантиметрлик жуфт суягини топган бурдам ўйинини бошловчи (томон) иккинчи томон эса ўйин шартларига риоя қилиб ўйинни давом эттирувчи бўлади, ким олдин рақибига бирор нарса бера олса, рақибни эса, “эсимда” сўзини унутиб, берилган нарсани олса, у ютказган бўлади), қирс этди, хўроз, сичқон ва мушук сингари ўйинлар юқоридаги фикрга асосдир. Бу ерда биз юқорида илгари сурган қоидамизга кўра халқ ўйинлари номлари алоҳида ёзилганда биринчи ҳарфи бош ҳарф билан ёзилиши ва ўйин номлари бирин-кетинлик асосида ёзилганда эса кичик ҳарф билан ёзилишига амал қилинди.

Хуллас, халқ ўйинлари ҳам қандай ҳолатдаги ўйин бўлмасин, кимлар томонидан ўйналмасин, уларнинг мазмун-моҳиятига эътибор берилса, албатта, маълум мақсад ва шу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган вазифалар мавжуд. Исталган бир ўйиндан ёхуд танланган маълум бир ўйиндан қутилган энг асосий мақсад билан бирга уларни амалга оширишда зарур бўлган бир қанча долзарб вазифалар уларнинг номланиши ҳамда мазмун-

моҳиятида мавжуд бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳар бир ўйиннинг мазмун-моҳиятида маълум бир мақсадлар асос бўлиб турар экан, унинг ёнида сўзсиз, шу мақсаднинг ижросини таъминлайдиган бажарилиши зарур вазифаларнинг бўлиши ҳам табиийдир.

Бизнингча, қадимдан шаклланиб, оммалашиб келаётган халқ ўйинларининг номланишлари билан боғлиқ ономаσιологик масалаларга қуйидагилар оид:

1) халқ ўйинлари билан қадимдан халқ турмуш тарзига миллий қадриятлар-у анъаналарнинг сингиб боришини кучайтириш;

2) халқ ўйинларининг номланишларига хос ономаσιологик хусусиятларни ўзбек ономастикаси қонуниятларига мос ҳолда шаклланган ёхуд шаклланмаганлигининг талқин ҳамда таҳлилини амалга ошириш;

3) уларнинг номлари қадим-қадимдан мавжуд сўзлар ичидан донолик, узокни кўра билишлик, фаҳм-фаросат, зеҳну илмий кузатувчанлик билан танланганлигининг ўзига хос ономастик қонуниятлардан бири эканлигини асослаб кўрсатиш;

4) халқ ўйинларининг номларини тўғри келган сўзлар (яъни апеллятив сўзлар) билан номлаб бўлмаслигининг ўзи ономаσιологик қонуниятларнинг бир кўриниши эканлигининг талқини ҳамда тавсифи;

5) халқ ўйинларининг номларини ифодаловчи ономастик бирликлардаги лексик маъно таркибида ҳам номлилик, ҳам шу номлиликни ифодалай олувчи ономастик ҳамда диалектал маъно(лар)нинг бир бутунлиги;

6) халқ ўйинларининг номларини жамлаб, бир ерга тўплаш асносида уларни ифодаловчи ономастик бирликларнинг лексик-семантик нуқтаи назардан таснифларини амалга ошириш мақсади ономаσιологик хусусиятларни аниқлашнинг асосий йўли эканлигини назарий ва амалий жиҳатлардан тавсиф ҳамда талқин этиш;

7) халқ ўйинларининг номлари алоҳида ёзилганда бош ҳарф билан ёзилиши, улар кетма-кет ёзилганда эса биринчи ўйин номининг биринчи ҳарфи бош ҳарф билан, қолганлари кичик ҳарф билан ёзилишининг меъёрийлиги масаласининг ономаσιологик талқинининг индивидуаллиги;

8) халқ ўйинлари номларининг илмий ономастик таҳлилини амалга ошириш билан уларнинг изоҳли луғатини шакллантиришнинг ономастик-лексикографик имкониятлари талқини ҳамда таҳлилининг тавсифи.

Булардан кўришиб турибдики, халқ ўйинлари ҳам бошқа ономастик объектлар каби алоҳида ономастик тизим бўлиб, уларнинг ономаσιологик тадқиқи фанни янги илмий материаллар ва умумлашма фикрлар билан бойитади. Худди шунинг учун халқимиз томонидан яратилган ҳар бир ўйиннинг мазмун-моҳиятига ҳам эътибор бериш лозим.

Одатда, улар уч хил айтилиб келинмоқда: ўйинлар, халқ ўйинлари ҳамда ўзбек халқ миллий ўйинлари. Шу ўринда таъкидлаш керакки, улар ўйинлар, халқ ўйинлари ҳамда ўзбек халқ миллий ўйинлари деб турли шаклда аталса-да¹, уларнинг мазмун-моҳиятида ёш инсонларнинг тарбияси асосий эътиборда туради [4:27].

Шунингдек, ўзбек халқ ўйинларининг қайси бири ва қандай ҳолатларда ёшларимиз кунлик фаолиятига, асосий мақсад бўлган уларнинг тарбиясига қандай таъсир қилиши масалалари ҳам олимларнинг илмий тадқиқ ҳамда таҳлилида эътиборида бўлган [5:3-98].

Буларни бугунги кунгача ҳали ҳеч ким ўзбек тилшунослик нуқтаи назардан, хусусан, ономаσιологик жиҳатлардан уларнинг номланиши махсус илмий тадқиқ этиш учун монографик ўрганилмаганлиги уларнинг маълум маънода баҳсли ва мунозаралигига боғлиқ. Лекин ўйин, халқ ўйинлари ёки миллий ўйинлар тўғрисида спорт, жисмоний тарбия соҳалари нуқтаи назардан тадқиқотлар амалга оширилганки, улар фойдаланилган адабиётлар рўйхатида ўз ифодасини топган. Зеро, халқ ўйинларига хос назарий ва амалий масалалари ҳам халқ ўйинлари сингари минг-минг йиллардан буён ривожланиб, мукамаллашиб борган. Бироқ буни халқ ўйинларига хос бўлган ономаσιологик хусусият ва қонуниятлар билан асослаб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

¹ Такрорийликдан қочиш учун бир ўринда халқ ўйинлари дейилса, иккинчи бир ўринда эса ўзбек халқ ўйинлари, учинчи бир ўринда эса халқ миллий ўйинлари дейиш ўринли ҳолдир.

Хар бир халқ ўйинларининг мазмун-моҳиятида мана шу халқ болалари, шу жумладан, ёш авлод тарбиясига кўпни кўрган ёши улугларнинг доноларча ёндошганлигининг беназир моҳияти, имконияти, салоҳияти, серқирра мазмун-моҳияти муҳрланганки, улар бекорга “Аждодлардан қолган ўйинлар” дейилмайди [7:42]. Аслида ўйинлар биринчи шакллантирилганда уларга хос ҳаракатлар мажмуи ва шу ўйинга оид қоидалар юзага келган, кейинчалик улар мукамаллашгани сари ўйинларга кўшиқлар ҳам, анъаналар ҳам сингдириб борилган [8:13-28]. Мисол тариқасида кўпкари, кураш (ўйинларида халқ вакиллари ўйинчиларни рағбатлантириш учун ижобий мазмунли кўшиқ ва олқишларни айтиб туришган) сайлаб беринг, қирс этди каби халқ ўйинлари [9; 31-37] эса шеър ва кўшиқ билан бошланган. Ўйин(лар) вақтида айтилган шеър, кўшиқ, олқиш ва бошқа кўринишдаги анъаналар уларнинг ижтимоий ҳамда этник аҳамияти кучайтиргани каби ўйин жараёни ва интизомини ҳам сақлашга асос бўлади [9; 3-11]. Бу эса халқ ўйинлари шу халқнинг тарихи ва тақдирида бениҳоя катта таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этганини ҳам кўрсатиб турибди. Шунингдек, ушбу ҳолат халқ ўйинларини ўрганиш ва ўргатиш жараёнида табиат ҳамда жамиятдаги ижобий ўзгаришлар тенденциясига ёшларни онгли, кўникмали ва ижодкорона муносабатда бўлишга ўргатади. Демак, халқ ўйинлари ҳам бир бутун тизим бўлиб, уларнинг номланишига оид назарий ва амалий жиҳатлари ономашиологик нуқтаи назардан туриб ўрганилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Усмонхўжаев Т. С., Хўжаев Ф. 1001 ўйин. – Тошкент: Ибн-Сино, 1990. – 352 б.
2. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 29.05.1999. Закон Республика Узбекистан. О физической культуре и спорте. 27.06.2000. Указ президента Республики Узбекистан. О создании фонда детского спорта Узбекистана. 24.10.2002. №УП 3154.
3. Насритдинов Ф. Н., Қосимов А. Ш. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. Тўплам. –Тошкент, 1993. – 27 б.
4. Расулев А. Т., Пўлатов А. А., Қосимова М. У. Ўзбек халқ ўйинлари уларнинг таснифи ва тавсифи. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1996. – 98 б.
5. Ҳабибулла Ғафур. Халқ ўйинлари, кўшиқлари ва анъаналарига бир назар. –Тошкент: Камалак, 1992. –В.3-42.
6. Namidov X. O‘zbek an’anaviy qo‘shiqchilir madaniyati. –Toshkent: O‘qituvchi, 1996. – В.13-28.
7. Ҳабибулла Ғафур. Халқ ўйинлари, кўшиқлари ва анъаналарига бир назар. –Тошкент: Камалак, 1992. – В. 31–40.
8. Safarov Oxunjon. O‘zbek xalq bolalar o‘yinlari. –Toshkent: Sharq, 2014. – В. 3-11.

Наширға проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

МИРЗО «ДЕВОН»И ЛЕКСИКАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИГА МУНОСАБАТИ

Жумаева К.Т. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган Мухаммадрасул Мирзо “Девон”ининг ҳозирги ўзбек тилида муносабати таҳлил қилиниб, эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек тили орасида оралиқ тил ҳисобланувчи XIX аср тилининг лексик меъёрлари статистик далиллар орқали тасниф этилган.

Таянч сўзлар: *арабча сўз, эроний сўз, туркий сўз, тарихий этимологик қатлам, назм тили, сўз ясашиш қолити, лексик маъно.*

Аннотация. В статье анализируется по статистическим данным отношение Мухаммадрасула Мирзо «Девон», жившего в Хорезме во второй половине XIX и начале XX века к современному узбекскому языку, и классифицируются лексические нормы языка XIX века, который считается промежуточный язык между старым узбекским языком и современным узбекским языком.

Ключевые слова: *арабское слово, иранское слово, тюркское слово, историко-этимологический пласт, поэтический язык, словообразовательная модель, лексическое значение.*

Annotation. The article analyzes the attitude of Muhammadrasul Mirzo "Devon" who lived in Khorezm in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century in the modern Uzbek language, and classified the lexical standards of the 19th century language, which is considered an intermediate language between the old Uzbek language and the modern Uzbek language, through statistical evidence.

Key words: Arabic word, Iranian word, Turkish word, historical etymological layer, poetic language, word formation pattern, lexical meaning.

Муҳаммадрасул Мирзо «Девон»и лексикасининг ҳозирги ўзбек адабий тилига ўхшаш ва ундан фарқли жиҳатларини муайянлаштириш учун уни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» қоғиштириш энг мақбул йўл ҳисобланади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да Муҳаммадрасул Мирзо «Девон»и лексикасида ўз аксини топган 3555 лексеманинг 336 таси (10 фоиз) учрамайди. Шундан 62 лексема (2 фоиз) туркий, 60 лексема (2 фоиз) арабий ва 140 лексема (4 фоиз) эроний тарихий этимологик қатламга мансубдир. Демак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га ёдгорлик сўз бойлигининг 90 фоизининг мавжудлиги Мирзо қаламига мансублиги «Девон» луғат бойлигининг янгиланиб борганлигидан далолат берувчи муҳим омилдир. Чунки Алишер Навоий асарлари луғат таркибининг 50 фоиздан кўпроғи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан ўрин ололмайди. Унда нафақат арабий форсий сўзлар, балки минглаб ҳозирги тилимизда қўлланилмайдиган эскирган туркий тарихий этимологик қатламларга мансуб сўзлар мавжуд.

«Девон» лексикасининг ҳозирги ўзбек тилига нисбати тадқиқ асарда мавжуд лексемаларнинг 90 фоизи ҳозирги ўқувчи учун тушунарли эканлигини намоён қилди. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ўз аксини топмаган ва 10 фоизини ташкил этувчи 283 сўзни тарихий-этимологик қатламларга кўра қуйидаги (аралаш сўзлар билан бирга) гуруҳлаш мумкин:

1. Туркий қатлам сўзлари 81 та (3 фоиз):
 - а) арабий-туркий сўзлар 23 та (1 фоиз);
 - б) эроний - туркий сўзлар 24 та (1 фоиз).
2. Арабий қатлам сўзлари 114 та (3 фоиз).
 - Эроний қатлам сўзлари 178 та (5 фоиз);
 - а) арабий-эроний сўзлар 22 та (1 фоиз).
4. Аралаш турдага сўзлар: 152 та (4 фоиз).

Янада равшанроқ қилиб айтганда, булар ичида сўнги ясовчиси туркий бўлган сўзлар 62 та (2 фоиз), эроний бўлган сўзлар 22 та (1 фоиз).

Кўриниб турибдики, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кирмаган эроний тарихий этимологик қатлам сўзлари туркий ва арабий тарихий этимологик қатлам сўзларга нисбатан кўп. Бу фикр Мирзо «Девон»и назмда битилганлиги, ундаги бадиий приёмларни қўллашда ХХ асргача назм тили бўлмиш форс-тожик тилига, қолаверса, буюк бобомиз Алишер Навоий услубига эргашганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам «Навоий асарларининг изоҳли луғати»да қўлланган форсий сўзлар бошқа тарихий этимологик қатламларга нисбатан кўп (2058 сўз – 60 фоиз).

Энди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кирмай қолган сўзларни тарихий этимологик қатламларга кўра алоҳида-алоҳида таҳлил қиламиз.

1. Туркий қатлам сўзлари. (уларнинг рўйхати жадвалда берилган).

Туркий тарихий этимологик қатламга оид бундай 81 та (3 фоиз) сўздан 62 таси серунум сўз ясовчи қўшимчалар бўлган *-дек*, *-дай*, *-лик*, *-лиқ* билан ясалган сўзлар бўлиб, уларнинг луғатга кирмаслиги табиий, чунки ҳеч бир луғат унумли сўз яшаш колипларининг ҳосилаларини қамраб ололмайди, улар чексиздир. Мазкур лафзларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин (жадвал):

I. Ясама сўзлар:

1. Асоси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да мавжуд бўлган сўзлар:

- а) туркий асосли сўзлар;
- б) эроний асосли сўзлар;
- в) арабий асосли сўзлар.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд қилинмаган туркий сўзлар

Туркий асосли	Арабий асосли	Эроний асосли
андоқ	асалатлик	ойинадек
асру	ийддек	гулдек
бутрат	масиҳдек	лабдек
доғи	нундек	ойдек
наки	заррадек	навоийдек
тамуг	меҳрдек	ойинадек
хўтандек	қамардек	гарддек
яма	хизрдек	сарвдек
анингдек	ийддек	донадек
ойдек	мирзодек	гулдек
юздек	масиҳодек	зордек
қуёшдек	нундек	кокилдек
сутдек	меҳрдек	гарддек
итлардек	қамардек	мастлик
сандек	қадидек	поклик
қилдек	масаллик	дилхушлиқ
кечадек	мисллик	хуморлиқ
мандек	муштоқлиқ	афшонлиғ,
етмаклик	ошиқлиқ	анфосилик,
ичмаклик	сонельлиғ	дардли
юзлик		гулафшонлиғ
емаклик		ҳамул
тавсан		жонқаро
тозлик		пастмонлиғ
тун-қун		

2. Асоси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилмаган сўзлар:

- а) эроний асосли сўзлар;
б) арабий асосли сўзлар.

II. Туб сўзлар:

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилмаган сўзлар.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да тамоман бошқа маънода қўлланган сўзлар.

Биз қуйида ажратилган ҳар бир гуруҳ ва гуруҳчаларнинг таҳлилига тўхталамиз.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кирмай қолган 81 та сўздан 59 тасининг сўз ясаш асослари луғатдан жой олган ва уларнинг ясовчилари ҳамда сўз ясаш қолипнинг маъноси ҳозирга замон грамматик тавсифларида берилган. Яъни бундай сўзларнинг 10 таси туркий асосли сўзлар: *асру, бутрат, доғи, тамуг, хўтандек, яма, тавсан, тозлик, яма*; 22 таси эроний асосли сўзлар: *ойинадек, гулдек, лабдек, ойдек, навоийдек, ойинадек, гарддек, сарвдек, донадек, гулдек, зордек, кокилдек, гарддек, мастлик, поклик, дилхушлиқ, хуморлиқ, афшонлиғ, анфосилик, дардли, гулафшонлиғ, ҳамул, жонқаро, пастмонлиғ*; 20 таси арабий асосли: *асалатлик, ийддек, масиҳдек, нундек, заррадек, меҳрдек, қамардек, хизрдек, ийддек, мирзодек, масиҳодек, нундек, меҳрдек, қамардек, қадидек, масаллик, мисллик, муштоқлиқ, ошиқлиқ, сонельлиғ* каби сўзлардан иборат.

Далиллардан кўришиб турибдики, юқорида келтирилган ҳосилалар «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан махсус жой олиши шарт эмас, чунки ҳеч бир луғат унумли, сермахсус сўз ясаш ҳосилаларини қамраб олиши мумкин эмас.

Демак, бундай ҳосилалар *-дек, -лик, -лиқ -чи* каби қўшимчаларнинг Муҳаммадрасул Мирзо она тилимизнинг XIX асригача чексиз маҳсулдор бўлганлигидан ва ҳозирги ўзбек тили унумли сўз ясаши қолиплари азалдан шаклланганлигидан далолат беради. Бу фикрни ясаш асослари ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайдиган ва табиийки, «Ўзбек тилининг изоҳли

луғати”дан жой олмаган, бироқ “Девон”да *-лиқ* қўшимчаси билан ясалган 6 та ясаиш асоси арабий бўлган (*асолатлик, масаллик, мисллик, муштоқлик, ошиқлик*) ва 3 та ясаиш асоси эроний бўлган (*мастлик, поклик, дилхушлиқ, хуморлик, афшонлиқ, анфосилиқ, дардли, гулафшонлиқ, настмонлиқ* каби) сўзлар яна бир бор тасдиқлайди.

“Девони Мирзо” асарларида қўлланган, бироқ «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд қилинмаган туркий асосли туб сўзлар сифатида куйидаги 9 та сўзни келтириш мумкин: *асру, бутрат-, доғи, наки, тамуз, хўтандек, яма, тавсан, тозлик* кабилар.

Шу билан бирга, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да мавжуд, бироқ “Девон”да бутунлай бошқа маънода қўлланган 4 та туб сўз борки, улар тубандаги маъноларда қўлланган: *вўтмиқ* – “ўтли”, *ёрлиқ* – “буйруқ”, ён – “қайтмоқ», қароғ – “қўз» маъноларида қўлланган.

Хулоса қилиб айтганда, «Девон Мирзо»нинг луғат бойлиги туркий тарихий этимологик қатламга мансуб бўлган 82 та сўздан атиги 10 таси (0.5 фоиз) ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлаталмайди. Бу 10 та сўздан 4 тасининг ясаиш асоси эроний, 6 тасининг ясаиш асоси арабий ва 8 таси туркий асосли сўзлардир.

Кўриниб турибдики, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кирмаган сўзлар сифатида ажратилган ва туркий луғавий қатламга мансуб бўлган 82 та (3 фоиз) сўздан 64 тасининг асоси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да берилган ва ҳосила сўзлар унумли сўз яшаш қолиплари билан ясалган, 10 тасининг ясаиш асоси эса арабий, эроний тилларга мансуб бўлиб, улар ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайди. Шунинг учун бу сўзларни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га киритиш шарт эмас. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кирмаган сўзлар сифатида 8 та сўз ва 4 та маъно қайд этилиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 8 та сўз ва 4 та маънонинг барчаси ҳозирги ўзбек шеваларида, жумладан, ўзбек тилининг Хоразм шеваларида кенг ишлатилади. *Тавсан* сўзи эса ўзбек халқ шеваларида ҳам Мирзо қайд этган маънода ўрин олган. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, “Девони Мирзо”нинг туркий тарихий этимологик қатлами, деярли, тўла миқдорда ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда.

Хулоса қилинадиган бўлса, Муҳаммадрасул Мирзо “Девон”ининг лексик жиҳатлари ҳозирги ўзбек тилининг меъёрларидан кескин фарқ қилмайди. Қайд қилинган фарқлар адабий анъана ҳамда шоир яшаб ижод этган муҳит – Хоразмнинг ўғуз лаҳжасига тегишли унсурлар саналади. Бундай лисоний омихталиқ ҳар бир даврда яшаб ижод этган барча ижод аҳли яратган бадиий матнларда ўз аксини топиб бориши табиий.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Т.: Фан, 2007. – Б. 29.
2. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида). – Тошкент: Фан, 1959. – Б. 39-41.
3. Неъматов Х., Аҳмедов Н. Ўзбек тилининг тарихий лексикологияси. – Бухоро, 1987. – Б. 4.
4. Ўзбек тили лексикологияси. Масъул муҳаррирлар: А.Ҳожиев, А.Аҳмедовлар. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 133.
5. Улуқов Н., Солихўжаева Х. Саъдулла шеърининг лингвопоэтикаси. – Наманган, 2017. – 80 б.
6. Умуракулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 110 б.

Наишра ф.ф.д. Г.Тожиева тавсия этган

ЗАМОНАВИЙ ТЕРМИНОСИСТЕМАДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Хидирова Г.Х. (КарДУ)

Аннотация. Мақолада замонавий терминосистемадаги масофавий таълим терминлари тўғрисида сўз боради. Терминларнинг тарихи, бугунги кунга қадар бўлган унинг бирлиги, термин таърифи ва тавсифи ҳақида гап боради.

Таянч сўзлар: *масофавий, термин, мобил таълим, электрон таълим, лексема, замонавийлик.*

Аннотация. В данной статье речь идет о терминах дистанционного образования в современной терминологии. Обсуждается история термина, его единство до настоящего времени, определение и описание термина.

Ключевые слова: *дистанционное, термин, мобильное обучение, электронное обучение, лексема, модерн.*

Annotation. This article aims to discover about distance education terms in modern terminology. The history of the term, its unity to date, definition and description of the term are discussed

Key words: *distance, term, mobile learning, electronic learning, lexeme, modern.*

Сўнги ўн йилликда терминология назарияси энг кўп мунозараларга сабаб бўлган соҳа, кўпчиликка қизиқиш уйғотаётган мавзуга айланди¹. Жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам лексикологияга доир тадқиқотларнинг катта қисмини терминшуносликка бағишланган ишлар ташкил қилмоқда. Гарчи узок тарихга эга бўлса-да, бугунги кунга қадар унинг бирлиги – термин таърифи ва тавсифи; лексема, атама ва термин муносабати; махсус лексика, термин, терминология, терминосистема, терминомайдон тушунчалари; соҳавий лексика (профессионализм) ва термин чегарасини ажратиш, терминларнинг лексик-семантик ва таркибий тузилиши борасида ҳануз баҳс-мунозаралар давом этаётгани юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Тилшунослик кун тартибига мунтазам равишда терминологиянинг янги-янги муаммоларининг чиқаётгани, хусусан, ўзлашма термин-орфограммаларни илмий асослаш, миллий корпусларда терминларни теглаш, термин токен, номзод терминлар, гибрид терминлар, термин ва номен масалалари юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилаётгани бу соҳанинг ҳамisha тараққиётда эканидан² дарак беради. Бунинг асосий сабабларидан бири терминологиянинг тилшуносликнинг мамлакат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётидаги ўзгаришларга энг кўп берилувчан соҳаси экани билан боғлиқ. Фанда муайян соҳага оид терминларни бир тизимга йиғиб тадқиқ қилиш ва луғатларда акс эттириш зарурати туғилдими, демак, мамлакатда шу луғатга эҳтиёж туғдирадиган соҳа тараққий этган.

Муайян фан ёки соҳа бўйича терминологик луғатга эҳтиёжнинг юзага келиши – бу шу соҳанинг тараққий этгани, умуман, фан-техника ривожини, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиётидан дарак беради. Бу эса тилшуносларнинг асосий диққатини қайта-қайта махсус соҳалар – ахборот технологиялари, техника, бизнес, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, сиёсат, реклама, ҳуқуқ, умуман, илмий-техник соҳага оид тушунчалар тадқиқига қаратиш, объектга замонавий лингвистик парадигмалар кўзгусида ўрганиш – когнитив, социал, прагматик аспектларда ёндашишга ундамоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда фан ва технологиянинг жамият ҳаётидаги ролининг кескин ошиши, таълим тизимидаги ислохотлар, таълим шакли ва турларининг кўпайиши, хусусан, узлуксиз таълимнинг мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълим

¹ Cabré Castellví, M. Teresa. Theories of terminology: Their description, prescription and explanation // *Terminology*, Volume 9, Number 2, 2003, pp. 163-199(37) <https://www.ingentaconnect.com/content/jbp/term/>

² Қаранг: Буянова Л.Ю. Терминологическая деривация в языке науки: когнитивность, семиотичность, функциональность. – Москва: Флинта, 2014. 249 с.; Marie-Claude L'Homme, Ulrich Heid and Juan C. Sager. Terminology during the past decade (1994–2004): // *Terminology. International Journal of Theoretical and Applied Issues in Specialized Communication*, Volume 9, Issue 2, Jan 2003, p. 151 – 161 <https://www.jbe-platform.com/content/journals/10.1075/term>; Лейчик В.М. Исходные понятия, основные положения, определения современного терминоведения и терминографии // Вестн. Харьков. политехн. ун-та. 1994. Т. 19. Вып. 1. С. 147-180.; Голованова Е.И. Введение в когнитивное терминоведение. – Москва: Флинта, 2011. 224 с.; 7. Гринёв С.В. Введение в терминоведение. – Москва: Московский лицей, 1993. 309 с.; Mercè Vázquez and Antoni Oliver. Improving term candidates selection using terminological tokens // *Terminology. International Journal of Theoretical and Applied Issues in Specialized Communication*, Volume 24, Issue 1, Jan 2018, p. 122 – 147 <https://www.jbe-platform.com/docserver/fulltext/term.00016>.

каби турлари қаторига масофавий таълим шаклининг жорий этилиши янги-янги атамалар ва соҳавий терминларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Таълим тизимнинг фаол луғатида онлайн таълимнинг *XXI аср таълими* деб ном олган ушбу тури билан боғлиқ *D-learning, distance learning, дистанционное обучение, дистанционное образование, масофавий таълим; E-learning, electronic learning, электронное обучение, электрон таълим; M-learning, mobile learning, мобильное обучение, мобил таълим; B-learning, blended learning, смешанное обучение, аралашган таълим*га алоқадор юздан ортиқ тушунча ва уларнинг номи пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сонли қарори билан Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида¹ги қарори билан ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан соҳада самарали фойдаланиш асосида талабанинг турар жойидан қатъи назар, унга таълим дастурларини ўзлаштириш учун имконият тақдим этиш, талабаларнинг қизиқишлари, иқтидори ва эҳтиёжларига мувофиқ касбий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида масофавий таълим олиш йўлга қўйилди. Ушбу қарор билан тасдиқланган “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом” да мазкур тизимда оид дастлабки терминлар, жумладан, *автопрокторинг, асинхрон режим, масофавий таълим, масофавий таълимни бошқариш тизими, дастурий маҳсулот, электрон таълим платформаси, масофавий таълим жараёни иштирокчилари, масофавий таълим технологияси, синхрон режим, ўқув контенти, таълим хизматлари экспорти, Learning Management System (LMS), академик календарь, ахборот-ресурслари компоненти, бошқариш компоненти, давомат ва ўзлаштиришни ҳисобга олиш компоненти, коммуникация компоненти, контингентни ҳисобга олиш компоненти, курсларни бошқариш компоненти, ўқитишни бошқариш компоненти, статистика компоненти, талабалар билимини назорат қилиш компоненти* кабилар қўлланиб, айримларига изоҳ берилди. Жумладан:

автопрокторинг – имтиҳон жараёнида талабанинг шахсини автоматик равишда аутентификациялаш, унинг хатти-ҳаракатлари ва нигоҳи йўналишини назорат қилиш, хонадаги товушларни таҳлил қилиш, видеодаги бузилишларни тузатиш ва ҳисоботлар тайёрлашга йўналтирилган дастурий тизим;

асинхрон режим – ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида бир хил бўлмаган вақтлардаги ўзаро алоқа режими;

масофавий таълимни бошқариш тизими – таълим жараёнини режалаштириш, бошқариш, амалга ошириш ва баҳолашда қўлланиладиган дастурий маҳсулот (электрон таълим платформаси);

масофавий таълим жараёнининг иштирокчилари – таълим ташкилотининг масофавий таълим шаклига қабул қилинган талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда масофавий таълимнинг ташкилий-техник ва методик таъминотини амалга оширишга масъул шахслар;

масофавий таълим технологияси – талабаларга ўқув материалларининг асосий ҳажмини етказишни, талаба ва профессор-ўқитувчининг ўзаро интерфаол ҳаракатини таъминлаб берувчи, ўқув материални ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаши учун талабага имконият тақдим этувчи ахборот-коммуникация ва ўқитиш технологиялари;

синхрон режим – ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида реал вақтдаги ўзаро алоқа режими;

ўқув контенти – ўқув жараёнида талабаларнинг фойдаланиши учун мўлжалланган, масофавий таълимни бошқариш ахборот тизимига жойлаштирилган ўқув методик материаллар (ўқув режалари, ўқув дастурлари, маъруза матнлари, видеодарслар, тақдимотлар, топшириқлар, имтиҳон материаллари, ўқув адабиётлари)¹.

¹ Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/6221502>

Тилшуносликда бир неча терминотизимлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси атрофлича тадқиқ этилган. Фанлар тизимида педагогика энг қадимий соҳалардан бўлиб, унга оид терминларининг пайдо бўлиш тарихи ҳам узоқ даврларга бориб тақалади. Шу боис педагогик терминология жаҳон тилшунослигида ҳам¹, ўзбек тилшунослигида ҳам² турли аспектларда атрофлича ўрганилган. *Таълим* термини соҳага оид манбаларда шахсни ривожлантириш, тарбиялаш ва ўқитиш жараёнига нисбатан ҳам, ушбу тизим номи сифатида ҳам, бу жараённинг натижасига нисбатан ишлатилади³. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ўқитиш ишлари қадимдан шаклланиб келган, бинобарин, айрим лексемалар термин сифатида ишлатилган бўлса-да, замонавий педагогика фани ҳамда унинг ҳозирги кўринишдаги терминологияси ўзбеклар ҳаётида ХХ аср бошларидан кейин юзага келган⁴.

Узлуксиз таълимнинг энг янги, замонавий турларидан бири – бу масофавий таълимдир. У масофадан туриб ўқишга имкон берадиган таълим тури⁵. Айни пайтда *онлайн таълим*, *электрон таълим*, *масофавий таълим* терминларининг амалиётда синоним сўзлар сифатида қўлланаётгани ёки ёзма нутқда турли шаклларда ёзилишига йўл қўйилаётгани ушбу соҳанинг лингвистик тадқиқига зарурат катта эканидан дарак беради. Масалан,

online	on line/ on-line	он лайн/ on-layn	онлайн/он-лайн	onlayn/on-layn
offline	off line / off-line	оф лайн/ of-layn	офлайн/оф-лайн	oflayn/of-layn
D-learning	dlearning	d learning	distance learning	масофавий таълим, дистанцион таълим
E-learning	elearning	e learning	electronic learning	электрон таълим
M-learning	mlearning	m learning	mobile learning	мобил таълим
B-learning	blearning	b learning	blended learning	аралаш таълим
MOODLE Moodle	Модле/ Моодле	Модл/ Моодл	Модул/Мудл	Moodl/Modl
HEMIS	хеймс/ хеймис	хемс/ хемис	Hemis/hemis	heymis

Масофавий таълим (*D-learning, distance learning*) – талаба ва таълим берувчининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишига, интерактив аудио ва видеоконференциялар орқали маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишига, электрон почта орқали тўғри ва тесқари алоқа ўрнатишига, жумладан хабарларни юбориши ва қабул қилишига мўлжалланган, билим ва кўникмаларни, ўқув дастурларини масофадан туриб

¹ Сложеникина Ю.В. Терминология коррекционной педагогики: лексико-семантический аспект. Автореф.... канд. филол. наук: 10.02.20. - М., 2000. - 45 е.; Тузлукова В.И. Международная педагогическая терминология: теория, практика, перспективы: Автореф. дне.... д-ра филол. наук. - М., 2002. - 45 с.; Галагузова М.А., Штинова Г.Н. Понятийно-терминологические проблемы педагогики и образования. //Педагогика - 1997. - 6. - С. 15-20.; Данилова Л.Н. Развитие терминологии непрерывного образования за рубежом. // Вестник КГУ 2017. -С.232-236; Игнатович Е.В. Англоязычные термины со значением непрерывного образования: современный контекст // Непрерывное образование: XXI век. – 2013. – Вып. 1. <http://i1121.petrus.ru/journal/article>; Токко Н.И. Непрерывное образование и проблемы терминологии (на материале немецкого и русского языков) // Иностранные языки: лингвистические и методические аспекты. – 2015. – № 30. – С. 105–111.

² Усмонов Н.Ў. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 1994. – 145 б.

³ Тагиева Р.М. Термины народного образования в русском языке ХУШ-XX вв. «Народное просвещение», «народное образование», «учебные заведения»: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Баку, 1990. –28 с.

⁴ Усмонов Н.Ў. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол. фан. номз. дисс. –Тошкент, 1994. – 145 б. – Б. 6.

⁵ Преснякова М. Дистанционное обучение: суть, терминология и особенности // Центр дистанционного образования в России, 19 ноября 2020 г. URL: <https://vuz24.ru/news/o-distantsionnom-obrazovanii/>

ўзлаштиришга йўналтирилган таълим шакли¹. Бунда талаба реал вақтда таълим муассасаси, профессор-ўқитувчилар ёки бошқа талабалар билан учрашмайди. Бирок таълим объекти ва субъекти орасида муайян шакллар – электрон почта, скайп, замонавий таълим платформалари орқали мунтазам икки томонлама алоқа бўлади.

Масофавий таълим терминлари семантик жиҳатдан бир неча турларга бўлинади. Масалан, электрон таълим (**E-learning**) – ўқув машғулотларини олиб бориш учун танланадиган масофавий ўқитиш турларидан бири. Ушбу таълим таълим берувчи учун ҳам, таълим олувчи учун ҳам қулай ва камхарж. Таълим берувчи бир пайтда минглаб гуруҳларни ўқитиш имконига эга бўлса, таълим олувчи асосий ишдан ажралмаган ҳолда ўқиш имконига эга бўлади. Айни пайтда кўплаб хусусий корхоналар, компаниялар ўз ходимларини ўқитиш учун e-learningни маъқул кўрадилар. *Муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools), Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems), Ички контентни бошқарувчи тизимлари CMS (Content Management Systems)* кабилар электрон таълимнинг фаол терминлари ҳисобланади.

Мобил таълим (M-learning, mobile learning) – масофавий таълимнинг ўқитиш жараёни мобил қурилма ёки ноутбукдан фойдаланиб амалга оширилган кўриниши.

Аралаш таълим (B-learning, blended learning) – таълим анъанавий шаклда ва масофавий шаклда олиб боришга асосланган таълим шакли. Бунда дарснинг мақсадига қараб, ўқитувчи ва ўқувчи турли хил алоқа усулларини танлайди.

Инглиз тилида ҳам ўзбек тилида ҳам масофавий таълим терминлари семантик жиҳатдан тараққий этган бўлиб, айни пайтда уларда кўп маънолилик, маънодошлик муносабатлари юзага келган. Масалан, *тьютор, эдвайзер, коуч, фасилитатор, ментор* каби. Албатта, уларнинг барчаси парадигматик муносабатдаги қаторларига эга: **teacher** (n) – coach, educator, guide, guru, instructor, master, mentor, professor, scholar, schoolteacher, specialist, trainer, tutor, lecturer; **mentor** (n) – advisor, coach, consultant, educator, guide, guru, instructor, teacher, trainer, tutor, wise man, advisor, counselor; **tutor** (n) – coach, educator, guardian, instructor, lecturer, private instructor, tutorial; **advisor** (n) – mentor, counselor; **coach** (n) – instructor, private instructor, tutor; **facilitator** (n) – a facilitator is a person or organization that helps another person or organization to do or to achieve a particular thing².

Ковид инфекциясининг тарқалиши билан боғлиқ пандемия бу жараёни шу қадар тезлаштирдик, ҳатто соҳа вакилларининг уларни ўзлаштириш, тушуниш, қўллаши билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келди. Бу эса замонавий ўзбек терминологияси олдида:

масофавий таълим терминининг дефинициясини аниқлаш, унга берилган таърифларни таҳлил қилиш, тарихини ёритиш;

масофавий таълим терминларини бир тизимга йиғиш;

масофавий таълим терминларининг генетик асосларини аниқлаш;

уларни семантик, структур-грамматик ва бошқа жиҳатларига кўра таснифлаш;

морфологик-деривацион таркибини аниқлаш;

масофавий таълим терминларини соҳавий терминологик луғатларда талқин қилиш мезонларини ишлаб чиқиш;

масофавий таълим терминларини миллийлаштириш;

масофавий таълим терминларининг ягона орфографик шаклини белгилаш ва имло луғатларида камраб олиш;

термин-орфограммаларни илмий асослаш билан боғлиқ қатор вазифаларни кўймоқда.

¹ Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/6221502>

² Соколова Е.И. Анализ терминологического ряда «коуч», «ментор», «тьютор», «фасилитатор», «эдвайзер» в контексте непрерывного образования // Непрерывное образование: XXI век. Научный электронный ежеквартальный журнал. Выпуск 4. 2013. –С. 123-135

Фойдаланилган адабиётлар

1. Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/6221502>
2. Усмонов Н.Ў. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1994. – 145 б.
3. Тагиева Р.М. Термины народного образования в русском языке ХУШ-ХХ вв. «Народное просвещение», «народное образование», «учебные заведения»: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Баку, 1990. – 28 с.
4. Сложеникина Ю.В. Терминология коррекционной педагогики: лексико-семантический аспект. Автореф...канд. филол. наук: 10.02.20. - М., 2000.
5. Тузлукова В.И. Международная педагогическая терминология: теория, практика, перспективы: Автореф. дис.... д-ра филол. наук. М., 2002. - 45с.
6. Галагузова М.А., Штинова Г.Н. Понятийно-терминологические проблемы педагогики и образования // Педагогика, 1997. Ч. 6. - С. 15-20.
7. Соколова Е.И. Анализ терминологического ряда «коуч», «ментор», «тьютор», «фасилитатор», «эдвайзер» в контексте непрерывного образования // Непрерывное образование: XXI век. Научный электронный ежеквартальный журнал. Выпуск 4. 2013. – С. 123-135.

Наширға проф. Б.Бахриддинова тавсия этган

ЎЗБЕК КАШТАЧИЛИК ЛЕКСИКАСИНING ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАСНИФИГА ДОИР

Баходирова Г.Б. (Шаҳрисабз давлат педагогика институти)

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек каштачилигига доир лексекалар таснифи ифодаланган. Тасниф дастлаб микросемантик ва макросемантик майдонларга ажратилиб, сўнг ички лексик-семантик гуруҳларга бўлинган. Ҳар бир таснифга хос бўлган мисоллар жамлаб кўрсатилган.

Калит сўз: *каштачилик, лексик-семантик тасниф, микросемантик ва макросемантик майдон, каштали буюмлар, палак.*

Аннотация. В этой статье описывается классификация лексиков для узбекской вышивки. Классификация была сначала разделена на такие области, как микросемантика и макросемантика, а затем на внутренние лексико-семантические группы. Примеры, специфичные для каждой классификации, суммируются.

Ключевые слова: *вышивка, лекс-семантическая классификация, микросемантическое и макросемантическое поле, вышивка, палак*

Annotation. In this article, information related to Uzbek national art of needlepoint is clarified. The description is separated out to spaces called microsemantic and macrosemantic, and then divided into inner lexical-semantic groups.

Keywords: *embroidery, lexical-semantic classification, microsemantic and makrosemantic field, embroidered items, palak.*

Ўзбек тилини ривожлантириш, тил лексик қатламини ички имкониятлар асосида бойитишда касб-ҳунар лексикаси муҳим роль ўйнайди. Шу боис жаҳон тилшунослигида касб-ҳунар лексикаси ҳамда терминологик тизимлар тамойилларини тадқиқ этишда тилшунослик билан бир қаторда этнография, лингвокультурология, маданиятшунослик ва санъатшунослик сингари фанлар интеграциясига устуворлик бериш аънамага айланди [1]. Шу билан бирга соҳа лексик тизимларида уларнинг гипонимик, партонимик, функционимик, градуонимик, синонимик, антонимик, омонимик каби муносабатларини очиқ бериш долзарб масалалардан ҳисобланади [2].

Маълумки, амалий санъат буюмлари халқнинг турмуш маданияти, эстетик диди, маънавий тараққиётдан дарак беради. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, туманида шу ҳудуд табиати, иқлими, жойлашув ўрни, турмуш тарзи, кундалик касб-кори билан боғлиқ ҳолда қайсидир амалий санъат тури тараққий этган [3]. Аниқроғи, муайян амалий санъат турининг такомиллашиши ҳудудий ҳосланган бўлиб, бу шу жойда қадимдан ушбу амалий санъат тури билан шуғулланган ўз қасбининг моҳир усталари яшаган ва унинг сир-асрорлари, аънаналари авлоддан-авлодга ўтиб, кулолчилик, каштачилик, дурадгорлик, меъморчилик, ўймакорлик, наққошлик, темирчилик, косибчилик, зардўзлик, заргарлик,

мисгарлик, тўқимачилик, дўппидўзлик, гиламчилик каби мактаблар юзага келган. Ўз навбатида, соҳа эгалари нутқида ҳар бир касб-кор билан боғлиқ бир қатор атамалар ҳам юзага келган.

Тилшуносларни эса ҳар доим тилдаги ҳар бир лексик бирликнинг англлатган маъноси, қайси лексик-грамматик категорияга мансублиги қизиқтиради. Замонавий терминология тараққиётининг ҳозирги босқичида махсус лексика қамрови анча кенгайган бўлиб, бу тушунча остига бир неча турдаги тил бирликлари – терминлар, номенлар (номенклатура), соҳавий лексика (касб-хунар сўзлари, профессионализмлар), профессионал жаргонлар ва бошқаларни киритиш мумкин [4]. Терминология тилшуносликнинг энг баҳсли соҳаси бўлгани боис, ушбу мақолада каштачилик лексикасига соҳавий лексика нуқтаи назаридан ёндашни маъқул кўрдик. Зотан, каштачилик лексикаси ўзбек касб-хунар лексикаси тизимида алоҳида ўринга эга бўлса-да, унинг лексик-семантик, этимологик, морфологик-деривацион хусусиятлари, шунингдек, соҳа терминологияси тадқиқига хос тарзда ушбу соҳа лексикасида термин диалектизмлар, адабий тилга мансуб соҳавий терминлар ва миллатлараро қўлланадиган (supranational terms, наднациональные термины)¹ терминларни аниқлаш масалалари ҳозирга қадар монографик кўламда ўрганилмаган.

Бадий каштачилик (каштадўзлик, чеварчилик) – халқ амалий-безак санъатининг энг кенг тарқалган қадимий тури бўлиб, халқнинг, хусусан, аёлларнинг табиат гўзалликларидан завқланишга интилиши, ўз турмушини гўзал қилиш истаги, ички ҳис-туйғулари, эстетик диди, ўй-хаёллари, орзу-умидлари акс этган санъат асари. Каштачилик нафақат ўзбек миллати, балки бошқа халқларга ҳам хос. Аммо ҳар бир миллий каштачиликнинг ўзига хос фарқловчи хусусиятлари бор. Масалан, XI асрга оид инглиз кашталари кўпроқ жанг лавҳалари акс этгани, XII асрга мансуб рус кашталари Византия икона санъатининг таъсири кўзга ташланиб туриши, Хитойда XIV асрда „сюхуа“ (игнали тасвир) номи билан машҳур бўлган каштали буюмлар услуб жиҳатдан шойига туш билан ишланган манзара жанрига яқинлиги билан характерланади [6].

Ўзбек кашталари бетакрорлиги, нафислиги, безак-нақшларининг турли-туманлиги ва қадимийлиги билан бошқа миллатларга оид каштачиликдан фарқланади. Каштачилик, асосан, савдо-хунармандчилик шаҳарларида, йирик қишлоқларда ҳамда Ўзбекистоннинг қадимий деҳқончилик маданияти марказларида (Хоразмдан ташқари) кенг тарқалган. Каштачилик асарлари маҳаллий халқнинг байрамлари, тўй маросимларининг ажралмас қисми саналиб, турмушга чиқаётган қизлар учун бериладиган “сеп”ни беаган².

XX асрда Нурота, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Фарғона ва Тошкент шаҳарлари бадий каштачиликнинг етук марказлари ҳисобланган. Мазкур каштачилик мактаблари нақш-безак шакллари, чок услуби, рангларнинг танланиши ва каштачиликка оид буюм, нақш, асбоб-анжом, ипак, ранг турларининг номланишига кўра бир-биридан фарқланади. Масалан, каштачиликнинг асосий маҳсулоти, адабий тилда *палак* деб номланган буюм Шаҳрисабз, Китоб туманларида умумий ҳолатда *кашта* деб юритилади. *Кашта* шу тоифага кирувчи рўзғор буюмларидан ҳажман каттароқ бўлиб, кўпинча уйни безаш мақсадида деворга осилади. Унинг ҳажми, вазифасидан келиб чиқиб халқ тилида *жойтўш* (йиғиб қўйилган кўрпа-тўшакларнинг устига ёпиладиган), *жойпатто* (келин-куёвлар учун кўрпа-тўшаклардан баланд қилиб тўшалган тахт устига ёпиладиган), *ёстиктўш* (йиғиб қўйилган ёстиклар устига тўшаладиган), *бўхчапўш* (кийим-кечак ва бошқа нарсалар тугиб тахтлаб қўйилган тугунчақларни беркитадиган) каби турлари мавжуд.

Айни пайтда анъанавий каштачилик Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида аҳолининг маиший ҳаётида (анъанавий кўлда тикиш каштачилиги) кенг тарқалган соҳа бўлиб келмоқда. Ҳар бир соҳада бўлгани каби каштачиликнинг ҳам махсус терминлари ва тушунчалари мавжуд бўлиб, улар турли қирралари – семантик хусусияти, генетик асоси, деривацион-морфологик қурилишига кўра тасниф қилинади.

Юқори Қашқадарё шеваларида каштачилик атамалари семантик жиҳатдан мураккаб бўлиб, уларнинг ҳар бир қирраси яна ички бўлинишларни талаб қилади. Каштачилик

¹ Қаранг: [Lucja Biel](#), [Agnieszka Doczekalska](#). How do supranational terms transfer into national legal systems? A corpus-informed study of EU English terminology in consumer protection directives and UK, Irish and Maltese transposing acts // [Terminology. International Journal of Theoretical and Applied Issues in Specialized Communication](#), Volume 26, Issue 2, Dec 2020, p. 184 – 212 <https://www.jbe-platform.com/content/journals/>

² <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-5/461-kashtachilik>

лексикасининг семантик кўламини аниқ ёритиш мақсадида унинг таркибини макро ва микросемантик майдонлар, лексик-семантик гуруҳларга бўлиб тасниф қиламиз:

МАКРОСЕМАНТИК МАЙДОНЛАР:					
I. КАШТАЛИ БУЮМ НОМЛАРИ					
МИКРОСЕМАНТИК МАЙДОНЛАР:					
1. Каштали кийим-кечак номлари		2. Каштали безакли жихоз номлари		3. Каштали уй-рўзгор буюми номлари	
Бош кийим номлари	Уст кийим номлари	Девор безаги	Ёпқичлар	Уй буюмлари	Ошхона буюмлари
1) кундалик бош кийимлар: қалпоқ, ширози, калапўш, кизқалпоқ, эркак қалпоқ, қийик (ча), пешанават (пешонабанд) 2) тўй-базмда кийиладиган бош кийимлар: бошқарс, рўйпатто, қасава, куёв қалпоқ, 3) ёшга қараб кийиладиган бош кийимлар: кулўта 4) бош кийим қисмлари: қур, тепа, кизак, карж, ова, зеҳак	1) кундалик кийим номи: нимча, нимтана, 2) тўй-базмларда кийиладиган кийимлар: тўйқарс, хатнақарс, куёвқарс, қатга кўйлак, келин кўйлак, пойча, никоҳ кўйлак 3) аза маросимида кийиладиган кийимлар: итқарс, киёмат кийик, ғариб қалпоқ. 4) ёшга қараб кийиладиган кийимлар: лачак, қултапечак (қултапўшак) ошхўрак, пўта (фўта) 5) кийим безаклари: белбоғ, белқарс, жияк (жаҳак), измак, енгча/енг кашта	сўзана, кирпич, палак, ойпалак, зардевор, дорпеч, дарпарда	сандалпўш бўхчапатто, бўхчапеч (бўхчапўш), тақяпўш, чойшаб, шабпўш, ёстикпўш жойпўш лўлапўш морпеч, рўйижо,	жойнамоз гулкўрпа, бўғжом, дасрўмол, дўхта, дўхта, қопчик	дастурхон, ойнаҳалта, шонаҳалта, чойнакпўш, қошиқ халта, хамиртуруш дастурхон, козикленги
II. КАШТА БЕЗАКЛАРИ, НАҚШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ НОМЛАРИ					
МИКРОСЕМАНТИК МАЙДОНЛАР:					
Ўсимлик, гул, мевага ўхшашига кўра	Тикилиш усулига кўра	Осмон жисмлари га ўхшашига кўра	Ҳайвон ва хашарот, қуш аъзоларига ўхшашига кўра	Инсон аъзолари ёки буюмларга ўхшашига кўра	Нақш, безак хусусиятига кўра
бодомгул, бешгул, гилосак, қўшбодом, гулишашбарг, себарга мўҳжа/мўғжа, қалампир, пахтагул, райхон, дастагул, чорбарг, шох, бутадор, гулинол (гулианол), бачки, лола, кўкнори чордона	босма чок санама, терма санама, чизма санама, тўлдирма, тўри чок, гулдўзи, заминдўзи, еталатма гул зардўзи, ироқи, пилтадўзи, тагдўзи (қалпоқ), хомдўзи, оवादўзи илмадўзи (илмақалпоқ), чакматўр (қалпоқ)	моҳтоб, моҳи, ситора, ой	булбул кўзи, чашмиқуш, қушпанжа, парри қушо, парри бофта, паргори, ёл, товус, қаптар,	даннон, тиш, тароқ	Қандахаёл, камкашта, серкашта
III. КАШТАЧИЛИК АНЖОМЛАРИ НОМЛАРИ					
МИКРОСЕМАНТИК МАЙДОНЛАР:					
Иш қуроллари номи	Мато (тури) номлари	Ип (тури) номлари			
ангиш (ангишвона), нимдўз (тевана), ийна (игна), бандайна (игнабанд, бандаигна), ийнабоғич (игнабоғич, тўноғич)	канава, шойи, ипак, атлас, бўз, доқа, сурп, чит, авра, астар,	Нўкча (ипак қуртидан гайёрланган) қалава (жундан тайёрланган), ипак, мулина, кашта ип			
IV. РАНГ НОМЛАРИ					
Адабий тилда мавжуд бўлган			Адабий тилда учрамайдиган		
Қизил, кизғиш, кизғимтир, сариқ, тўқ сариқ, гулови, пушти, кўк, қора, яшил, оқ			Бика, тўтаки, зайнови, шол, пуштигул, совсан		

Ушбу таснифни янада чуқурлаштириш мумкин. Фақат каштадан ташкил топган яхлит буюм экани (палак, сўзана, жойпўш, белқарс, бошқарс, ёстиқпўш) ёки кийим-кечак ва маиший буюмга безак сифатида тикилган кашта буюми (ойна халта, шона халта, нимча, пешонабанд, камар) эканига кўра, каштанинг қайси тури билан шуғулланишига кўра шахс номлари – *каштадўз, қалтоқдўз, қаламкаш* (матога кашта безагини чизиб берувчи); кашта тикиладиган оёқ кийими номлари – *этик, макси*; бош кийимнинг нақш шакли, матоси, тикилиш усулига кўра фаркланадиган турлари номи, масалан, хотин-қизлар бош кийимининг *чиннигул, грбешин, гул ва булбул, лола, қора қўрғон, аноргул, бодомгул, дастагул, чамандагул, қалампирнусха, қашқаргул*; эркаклар бош кийимининг *тўппича, қилич, ойнача, минора, самарқанднусха, хуришд, ҳожси, санама* каби турлари ушбу таснифдан алоҳида жой олмади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш баробарида замонавий каштачилик тараққиётига ҳам кенг йўл очилди. Бугунги кунда каштачиликда маиший буюмлар билан бирга кундалик либосларнинг маълум қисмларини безаш, шунингдек, замонавий истеъмолчининг дидига мос, совғабоп буюмларни тикиш, бунинг учун классик безаклар билан замонавий безакларни уйғунлаштирган тизим яратиш устида ишланмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек каштачилик лексикаси семантик жиҳатдан бой бўлиб, ҳар бир кашта буюмининг турли қирралари алоҳида таснифни талаб этади. Бу эса таснифга макро, микросемантик майдонлар ва ички лексик семантик гуруҳларни аниқлаш асосида ёндашишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гринев С. В. Введение в терминоведение / С. В. Гринев. – М.: Московский Лицей, 1993. – С. 15-16.
2. Бердиев Х.Х. Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа док. дисс. автореф. – Самарқанд, 2017. – Б. 47.
3. Муҳаммадалиева М.Н. Ўзбек тилидаги касб-хунар номларининг лексик-семантик ва деривацион хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа док. дисс. – Фарғона, 2021. – 137 б.
4. Лейчик В. М, Терминоведение: Предмет, методы, структура / В. М. Лейчик. – изд. 2-е, испр. и доп. – М.: КомКнига, 2006. – С. 22-23.
5. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Мехнат, 1991. – 238 б.

Наишга проф. Б.Баҳриддинова тавсия этган

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ХУСУСИДА

Сувонов З.А. (ТошДўТАУ)

Аннотация. Мақолада ўзбек фанида бадий матннинг суд-лингвистик экспертизасини ўтказиш учун ягона услубий асос йўқлиги муаммоси кўтарилади. Бунда бадий матннинг лингвистик экспертизаси, бадий адабиётда кўтарилаётган муаммо доирасидаги ўта муҳим тил ифодаларини таҳлил қилиш, шунингдек, тилшунос мутахассиснинг инсон бадий-интеллектуал қобилиятлари доирасидаги позициясини талаб қиладиган қонуний аномал ифодаларни лингвохуқуқий аспектда талқин қилиш эволюцияси тасвирланади.

Таянч сўзлар: *бадий матн, лингвистик экспертиза, бадий адабиётда кўтарилаётган муаммо доираси, аномал ифода.*

Аннотация. В статье поднимается проблема отсутствия в узбекской науке единой методологической базы судебно-лингвистической экспертизы художественного текста. Описывается эволюция лингвистической экспертизы художественного текста, анализ важнейших языковых выражений в рамках проблемы, возникающей в литературоведении, а также толкование юридических аномальных выражений в лингвистическом аспекте, что требует положение специалиста-лингвиста в рамках художественных и интеллектуальных способностей человека.

Ключевые слова: *художественный текст, лингвистическая экспертиза, проблематика художественного произведения, аномальное выражение.*

Annotation. The article raises the problem of the lack of a single methodological basis for the forensic-linguistic examination of the literary text in Uzbek science. It describes the evolution of the linguistic examination of the literary text, the analysis of the most important language expressions within the framework of the problem arising in the literary literature, as well as the interpretation of legal abnormal expressions in the linguological aspect, which requires the position of the linguist specialist within the framework of human artistic and intellectual abilities.

Key words: *fiction text, linguistic expertise, the scope of the problem in fiction, abnormal expression.*

Бадиий матннинг лингвистик экспертизасида лингвистик ва ҳуқуқий даражаларни фарқлаш, аввало, терминологик муаммо сифатида қўйилган. Уни қуйидаги саволда аниқ шакллантириш мумкин. Масалан, бадиий адабиётда ҳуқуқий ва лингвистик нуқтаи назардан камситиш, таҳқирлаш, айирмачилик, ҳақорат нима? Муаммо айнан шу асосдан келиб чиқади ва ҳал қилинади. Саволнинг бу табиати, юқорида таъкидланганидек, бадиий адабиёт ва назарий тилшунослиқда реалистик ёндашув устунлик қилиши билан боғлиқ. Бадиий адабиётда назариялар марказида тегишли ёки нотўғри баёнотлар эмас, балки асосли тушунча(сўз ва атама)лар мавжуд. Воқеликнинг ноаниқ, баъзан турли вазиятларда бир-бирига ўхшамайдиган тарзда бириктириш натижасида ҳақиқат ҳақида тушунча (талқин) пайдо бўлади.

Мутахассис, кўп ҳолларда матн муаллифининг ниятини очиб бериш учун маълумот замиридаги яширин мазмунни аниқлайди. Маълумки, бадиий асарда тасвир, ташбих ҳаракат қилади. Экстралингвистик ҳаракат аниқланмаган ҳолларда, бадиий матнда тасвирни ҳаракатнинг долзарблиги ёки номувофиқлиги учун баҳолаш мумкин эмас. Тасаввур қилинг, образ реал ҳаёт контекстида эмас, балки тириклик маконидаги индивидуал онг туфайли асл маъно билан мос келмаслиги мумкин. Н.Д.Арутюнованинг фикрига кўра, шахс субтекстлар, қизиқишлар ва идеаллар босими остида шаклланади. Аммо тасвирнинг асосий мақсади маълум бир объект ёки уларнинг синфи билан боғлиқ тўпланган тажрибани умумлаштиришдир¹.

Амалиёт шунини кўрсатадики, ҳозирги вақтда лингвистик экспертизада бадиий матнларни таҳлил қилиш муаммоси ҳам долзарб. Бунга икки ижобий омил – глобаллашув, умумий ўсиш ёрдам беради. Бадиий тил ва унинг экстремистик мазмунни ифодалаш хусусида Д.Н.Шмелев қуйидагиларни ёзади: “Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, сўзлашув нутқида ҳам доимий равишда намоён бўлади. Лекин, барибир, бу вазифани сўзлашув нутқида етакчи деб бўлмайди. Бадиий матнда эса тил ҳамиша айни шу алоҳида вазифаси билан иштирок этади. Бу вазифа, албатта, тилга, унинг барча кўринишларига ҳамиша хос бўлган коммуникатив вазифасини чекламайди, балки уни ўзига хос бир шаклда трансформация қилади” – дейди. Тилнинг эстетик вазифаси бутун ўзига хослиги ва мураккаблиги билан, албатта, коммуникатив вазифани ҳам трансформация қилган, бадиият манфаатларига тўлалигича хизмат қилдирган ҳолда бевосита бадиий нутқда намоён бўлади. Умумхалқ тилидаги барча бирликлар бадиий тилда у ёки бу даражада эстетик қиммат касб этишида кўринади.

Бадиий асар тилини ўрганишдаги иккинчи, яъни стилистик йўналиш тилнинг худди шу эстетик вазифасини тадқиқ этишга қаратилади. Айтиш лозимки, тилнинг бадиияти вазифасининг асосий намоён бўлиш ўрни адабий асар матни экан, бу вазифанинг ўзига хос хусусиятларини фақат тилшунослик ёки фақат адабиётшунослик доирасида ўрганиш қийин. Бунинг учун адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшунослик йўналишлари ва лингвистик стилистика, тил тарихи, лексикология, семасиология, этимология, грамматика каби тилшунослик йўналишлари бир-бири билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Масалан, Б.А.Ларин 20-йилларнинг бошларида мана бундай деб ёзган эди: “Эртадир - кечдир, менимча, жуда тез орада тил эстетикаси алоҳида фан сифатида тан олинади”. Тилнинг эстетик вазифаси масаласи бу икки йирик фан оралиғидаги мураккаб муаммо. Ҳатто асримиз бошида бир қатор тилшунос ва адабиётшунослар ҳам бу муаммони илмий асосда ўрганадиган алоҳида фан тури шаклланиши лозимлиги ҳақидаги қарашни илгари сурганлар.

¹Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М., 1999. – С. 373.

Бадиий асар тилини тилнинг айнан эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳани филология илмида “лингвистик поэтика” – “лингвопоэтика” деб номлаш анча турғунлашган. Унинг филологик илмлар тизимида алоҳида мустақил фан сифатидаги ўрнини аниқлаштиришга бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилган. Ана шу маънода бадиий асар тилини стилистик аспектда ўрганишни “бадиий матнни лингвопоэтик жиҳатдан ўрганиш” тарзида номлаш ва талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Ишда эътибордан четда қолмаслиги керак бўлгани метод масаласи ҳам бор. Эксперт тадқиқот методикаси – бу суд экспертизаси предметига тегишли фактик маълумотларни аниқлаш учун суд экспертизаси объектларини ўрганишда қўлланадиган мантикий ва инструментал операциялар тизими.

Бадиий матннинг лингвистик экспертизасида баҳсли, мунозарали матнга объект сифатида қаралади. Баҳсли матнда экспертнинг лингвистик таҳлил тамойиллари қуйидагилар:

Бадиий матн экспертизасининг формал-семантик талқини тамойили:

- ифода (шакл) бирлигида кўриб чиқилган белги ва контент маъноси

- тилшунослик ёки адабиётшуносликнинг йўналишини аниқлаш шатли принципи

- лисоний белги шаклидан унинг мазмунига ва кейин яна шаклга қайтиш усули

- изчиллик принципи: тил белгисини изоҳлаш белгининг маълум бир хусусиятга тегишлилигига мувофиқ амалга оширилиши

- тил тизимининг даражаси, бу белгининг парадигматик қатордаги ўрни, шунингдек, синтагматика қоидаларига мувофиқлиги

- бадиий матннинг нашр этилган вақтини ҳисобга олган ҳолда адабиётнинг нуфузли норматив луғатларига таяниш принципи

- тизимли лингвистик маънолар ва контекстуал маъноларни фарқлаш ва мувофиқлаштириш тамойили

луғат ва грамматика билан мустаҳкамланган тил воситаларининг маъносидан келиб чиқиш усули

- контекстли семантик юксалиш ва модификацияларни очиб бериш принципи

- оғзаки индикатив контекстни ва вазиятни ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш принципи

- нутқ ишига яхлит ёндашиш тамойили: маъно қисми сифатида алоҳида матн компонентини талқин қилиш

- контекстли индекс минимал таркибга боғлиқ матн семантик ва модал яхлитлик сифатида бўлиши тамойили

- жанрни шартлаш принципи: матн элементининг маъноси маълум бир жанрнинг қанонлари бўйича талқин қилинади

Коммуникатив-стратегик шартлилик тамойили:

– мунозарали матнни таҳлил қилиш муаллифнинг позициясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади

– унинг нияти, лингвистик ифода воситаларини қасдан танлаб олиш ва уларнинг мурожаати

– нутқ муаллифи ва мурожаат қилувчи, кузатувчи позицияларини фарқлаш, ноаниқлик эҳтимолини таклиф қилиш тамойили

– тил воситаларининг маъноси ва функцияларини турлича талқин қилиш нуктаи назарлари

– функционаллик принципи: эксперт таҳлили жараёнида муайян вазифаси

– матн компоненти ва маълум бир коммуникатив вазиятга киритилган бутун матн

Адабий тилдан шевани фарқлаш тамойили каби.

Баҳсли мавзуларга қарши курашиш билан боғлиқ ишлар бўйича эксперт амалиётида бадий матнлар тобора кўпроқ тадқиқот объектига айланиб бормоқда: булар насрий матнлар (масалан, “Қир устидаги аёл” романи) ва драматик матнлар (масалан, Холик Хурсановнинг “Ўлдинг, азиз бўлдинг” драмаси (Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театри) ҳамда шеърӣ (шеърлар, қўшиқ матнлари, нашр этилган шеърӣ тўпламлар ва қўшиқ альбомлари ҳамда клиплар шаклида тақдим этилган. Кўпинча, ижтимоӣ тармоқларда жойлаштирилган саҳифалар) матнлар каби.

Бадий асар баъзан экспертлар эътиборига шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тарғиб қилиш, порнографияни тарқатиш ҳамда матнларни лингвистик ёки психолингвистик экспертиза қилиш билан боғлиқ бошқа тоифадаги ишлар билан боғлиқ ҳолда юзага келган. О.Н.Матвеевнинг фикрига кўра, “Умуман лингвистик экспертиза билан боғлиқ ҳал этилмаган муаммолар маълум бир объект орқали мураккаблашади. Бунда талқин қилишда узоқ вақтдан бери мавжуд бўлган филологик анъаналар ва тахминлар мавжуд. Муаммо ўрганилаётган объектнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қатор саволларни ўз ичига олади. Муаллифнинг бадий асардан фойдаланиши уни жавобгарликдан қутқарадими? Қутқарса, қандай шароитларда? Бадий матннинг лингвистик экспертизаси доирасидаги малакаси унинг филологик талқини анъаналаригами ёки бошқа тахминларгами асосланади? Бадий асар қаҳрамонларини, жумладан, муаллифни ҳам реал одамлар билан боғлаш қай даражада мумкин?¹ Албатта, адабий матнни таҳлил қилишда муаллиф, ҳикоя қилувчи ва персонажни фарқлаш керак. Ҳикоя биринчи шахс тилидан айтилса ҳам, бу баҳсли гапни муаллифнинг ўзига боғлаш мумкин дегани эмас. Бадий матнга хос бўлган хусусият талқиннинг кўплиги ҳам текширилиши керак бўлган лингвистик экспертизага тўсқинлик қилиши мумкин. Бадий матн таҳлили бўйича мутахассис олдида шу ва бошқа кўплаб саволлар туради.

Даъватчилик материалларнинг ҳуқуқий аҳамиятли белгилари нифоқ ва адоват кўзгатиш, миллий, ирқий, этник, ижтимоӣ белгилари бўйича аниқланган одамлар гуруҳларига нисбатан зўравонлик ҳаракатларига чақириш, эксклюзивлик ва устунликни тарғиб қилиш, терроризмни ёқлаш белгилари. О.В.Кукушкина, Ю.А.Сафонова, Т.Н.Секераж томонидан таклиф қилинган Россия Адлия вазирлигининг эксперт

¹ Матвеева О.Н. Художественный текст как объект лингвистической экспертизы // Юрислингвистика, 2007. – № 8. – С. 370-372.

марказларида тавсия этилган экстремистик матнларни таҳлил қилиш методологияси матнда учта семантик тузилмани аниқлашга асосланган бўлиб, ундаги маълумот турлари:

нутқ мавзуси, яъни унга нисбатан оммавий баёнотнинг мақсади

хар қандай экстремистик маъно барча уч турдаги хусусиятларнинг комбинацияси бўлиб, уларни таҳлил қилишни талаб қилади

бу таҳлил принципи одатда адабий матнларга тааллуқлидир ва имтиҳонни тайинлаган орган томонидан қўйилган саволларга жавоб беришга имкон беради

Аммо бадиий мулоқотни таҳлил қилишда ўзига хос қийинчиликлар пайдо бўлади¹, дейди муаллифлар гуруҳи.

Янги билим баъзалари, масалан, бадиий матннинг мазмунини ўрганишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда вайронкор ғояларга қарши курашиш билан боғлиқ ишлар аҳамиятли. Уларни ҳал қилишда асосий эксперт вазифалари ажралиб туради. Бунда даъват, тарғиб, зўравонлик таҳдиди, камситиш, ҳақорат, нифоқ, адоват, нафрат кўзғалиши аломатлари терговчи сўровида кўрсатилиши зарур.

Ҳозирда миллат маънавий камолотига тўсқинлик қилаётган таҳдидлардан бири – оммавий маданият. У ахлоқий руҳ билан боғлиқ кенг маъноли термин бўлиб, четдан кириб келаётган миллий ва диний қарашларимизга ёт ахлоқий иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси.

Оммавий маданият билан боғлиқ бадиий асарлар ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарғиб қилаётгани сир эмас. У барча халқларнинг катта бойлиги бўлган ёшларни ўзига қаратиб, уларни маънавий қарашларни менсимасликка ва ёшларни енгил ҳаётга чақириб, масъулиятсиз руҳда вояга етишига сабабчи бўлаяпти. Доимо бузукликни, фаҳшни, беҳаёликни ҳар хил номлар билан ёқлашга интиладиган, тарғиб қиладиган ахлоқсиз тоифалар бўлган. Бундай бузукликларни эса ислом дини қоралаб келган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Ким қайси қавмга ўхшашга интилса, қиёмат кунда ўша қавмдан бўлиб тирилади”² - деган маънони берадиган ҳадиси шарифлари бор. Исломи дини инсоният ҳаётига таҳдид қиладиган барча ишларни тақиқлаган. Инсон нафси бир ишга одатланса, чегара билмай қолади. Аллоҳ бандаларига шариатни юбориб, нафсни жиловлашни ва унга баъзи ишларда чегара ҳамда меёр сақлашни буюрган. Агар инсон ушбу чегаралардан ўтиб кетса, ўзи учун жабр қилган ҳисобланади.

Яратган бузуклик ва фаҳш ишлар ҳаром эканини Қуръони каримда келтирган: “Албатта, Роббим ошқора ва яширин фаҳш ишларни ҳаром қилди”³. Бу ва бунга ўхшаш тасвирлар эса ўзбек адабиётидаги баъзи бадиий асарларда ўз аксини топган. Аммо бу лавҳалар бадиий адабиётда очиқ тасвирланмаслиги, агар тасвирлангандаям очиқ ва айнан эмас, балки айрим ишоралар билан келтирилиши шарт. Адабиёт тарихи ва адабий жараёнда Чўлпоннинг “Новвой қиз”, Асқад Мухторнинг “Фано ва бақо” ҳикоялари ҳамда Тўхтамурод Рустамнинг “Капалаклар ўйини”, Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма”, Жамила Эргашеванинг “Қир устидаги аёл” каби романларида баъзи ўринларда очиқ фаҳш тасвири кўзга ташланади. Бундай лавҳалар профессионал ёзувчилар томонидан ишоралар, пейзаж тасвири орқали берилдики, бунга мисол тариқасида Ч.Айтматовнинг “Алвидо Гулсари”си ёки бошқа асарларини кўрсатиш мумкин.

Жамила Эргашеванинг “Қир устидаги аёл” романида шундай лавҳа бор: “Ўтирай деса, “хафа қилинмаслиги керак” бўлган киши шу қадар ёқимсиз эдики... У

¹ Кукушкина О.В., Сафонова Ю.А., Секераж Т.Н. Теоретические и методические основы судебной психолого-лингвистической экспертизы текстов по делам, связанным с противодействием экстремизму – М.: ЭКОМ-Паблишер, 2011. – 326 с.

² Нарзиев И. Ёт ғоялардан сақланинг: “Оммавий маданият” хатари. <https://sirdaryomuslim.uz/620/>.

³ <https://namaz.today/al-quran/surah-7/ayah-34>

бармоқларининг қалтираётганини сездирмаслик учун қўлларини қовуштириб олганча меҳмоннинг қаршисига келиб тўхтади. Унинг кенг, гўштдор юзи, қават-қават бўлиб осилиб ётган бақбақалари, тугмалари очиқ кўйлақлари олдида гумбаздек дўппайиб турган қорни ва кўзларидаги одамни ерга урар даражадаги беписанд чорловни кўриб, баданлари жунжикиб кетди. Меҳмон эса ўрнидан туриб, лапанглаб унинг ёнига келди-да, нозик белларидан ушлаб, ичкарига бошлади... Нозима эса жиққа терга тушиб, ҳарсиллаб ётган “бир қоп гўшт”га хушомад қилиб авраш эмас, башарасини ҳам ҳеч қачон кўрмасам, хансирашларини ҳеч қачон эшитмасам, дер эди”¹. Бу тасвирда қаҳрамон изтиробини ва персонажнинг интим ҳолатини очикланган.

Бадиий асарда энг шафқатсиз қотилликларда ҳикоячи ўзига хос эстетикасини кўрсатади. У асар қаҳрамонлари ҳаракатларининг уйғунлигига, қотилликни уюштириш қобилиятига қойил қолдиради кишини. Матнда лирик чекинишлар тарзида тузилган зўравонлик, шафқатсизлик, садизмга бой қотилликларнинг тасвири, оғзаки тажовузкорлик белгиларини ўзида мужассам этган, содир бўлаётган воқеаларга ҳикоячи томонидан билдирилган муносабат ўқувчида бундай ҳаракатлар содир бўлиши ҳақидаги ғояларни шакллантиришга қаратилган. Тоғай Мурод қаламига мансуб “Отамдан қолган далалар” асарида ҳам шундай ўринлар учрайдики, бу ёвузлик ва экстремистик ҳаракатнинг тасвири ўлароқ кўзга ташланади. Тундан ташқари, садизмнинг тарғиби кўзга ташланади:

Шунда, “Сокол” чуйдамдан босди.

Мен шунда-да куч бермадим!

Энди, “Садист” бўйнимни чатаноқлари ораси олиб-олиб бўғди. Кекирдагимга бошмалдоқ босиб-босиб бўғди...

Мен оғзимни каппа-каппа очдим. Ҳир-ҳир этдим.

“Сокол” қўлрўмол билан тезак олди. Мисоли палов ошатмишдайин-палов ошатмишдайин оғзим солди.

Мен ютинмадим– тезагимни оғзимда ушлаб турдим.

“Садист” бошимни чайқаб-чайқаб олди. “Садист” бошимни силтаб-силтаб олди.

Мен шунда-да ютинмадим! “Сокол” ичимга созлаб-созлаб кўрмушт урди!

Ичим шилқ этди!

Ичим тортди–тезагимни тортиб олди...

– Ош бўлсин! – деди «Садист».

– Ош бўлсин! – деди «Сокол».

– Ўқчияпти... туйилиб қолди-ёв!

– Туйилиб қолса... тўқсон беш чой ичирамиз-да! «Садист» тувакдан бир ҳовуч сийдик олди. Оғзимдан сийдик қуйди...

– Ош бўлсин!»²

Энг шафқатсиз қийноқларда ҳикоячи ўзига тазйиқнинг кулминациясини кўрсатади. У қамоқдагилар ҳаракатларининг уйғунлигига, зўравонликни уюштириш қобилиятига қойил қолади. Бу тасвирда ҳам миллатчилик, ҳам эътиқодий, ҳам жинсий тажаввуз кўзга ташланади. Матнда лирик чекинишлар тарзида тузилган зўравонлик, шафқатсизлик, садизмга бой ҳаракатларнинг тасвири, оғзаки тажовузкорлик белгиларини ўзида мужассам этганига эътибор қаратиш зарур. Содир бўлаётган воқеаларга ҳикоячи томонидан билдирилган салбий муносабат ўқувчида бундай ҳаракатлар нафақат содир бўлиши, балки ғояларнинг шакллантирилиши ҳам ўқувчини ҳайратга солади. Ахлоқий нормадан гап бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу эса инсон шани, қадр-қиммати камситилишининг бир кўриниши. Матндаги бундай эпизодлар берилиши ёки ўқилиши, ҳеч бўлмаса, ёшга қараб белгиланиши лозим. Бунда +6, +18, +24 ёки +30 тарзида берилиши лозим.

Бадиий матннинг лингвистик экспертизаси, бадиий адабиётда кўтарилаётган текширувга асосланган илмий муаммо доирасидаги ўта муҳим тил ифодаларини таҳлил қилиш ҳамда тилшуноснинг инсон адабий-интеллектуал қобилиятлари доирасидаги

¹ Эргашева Ж. Қир устидаги аёл. Роман. Ўзбекистон НМИУ, 2018. – Б. 244.

² Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар (роман) www.ziyouz.com кутубхонаси. – Б. 159.

позициясини талаб қиладиган қонуний анормал ифодаларни ҳуқуқий аспектда шакл ва мантиқ жиҳатдан талқин қилиш эволюциясидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М., 1999. – С. 373.
2. Матвеева О.Н. Художественный текст как объект лингвистической экспертизы // Юрислингвистика, 2007. – № 8. – С. 370-372.
3. Нарзиев И. Ёт ғоялардан сақланинг: “Оммавий маданият” хатари. <https://sirdaryomus-lim.uz/620/>, <https://namaz.today/al-quran/surah-7/ayah-34>
4. Кукушкина О.В., Сафонова Ю.А., Секераж Т.Н. Теоретические и методические основы судебной психолого-лингвистической экспертизы текстов по делам, связанным с противодействием экстремизму. – М.: ЭКОМ-Паблишер, 2011. – 326 с.
5. Эргашева Ж. Қир устидаги аёл. Роман. Ўзбекистон НМИУ, 2018. – Б. 244.

Наирга ф.ф.д. Г. Эрназарова тавсия этган

ҒАФУР ҒУЛОМ ҒАЛСАФИЙ ШЕЪРИЯТИ Э.ВОҲИДОВ ИЖОДИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳафизова М.А. (ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)

Аннотация. Мақолада Эркин Воҳидов ижодининг шаклланишида Ғафур Ғулом ижодининг роли ва аҳамияти ҳақида кўрсатиб берилди. Бу жараён икки буюк шоирнинг ҳаётий ва ижодий ҳамнафаслигида шаклланишида Эркин Воҳидовнинг хотиралари асосида ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: *ижод, шеърият, Ғафур Ғулом, ғалсафий шеърият, асар, поэтика, истеъдод, ижодий лаборатория.*

Аннотация. В статье показаны роль и значение творчества Гафура Гуляма в становлении творчества Эркина Вахидова. На основе воспоминаний Эркина Вахидова освещается тот факт, что этот процесс формировался в жизненной и творческой гармонии двух великих поэтов.

Ключевые слова: *творчество, поэзия, Гафур Гулям, философская поэзия, творчество, поэтика, талант, творческая лаборатория.*

Annotation. The article shows the role and importance of Gafur Ghulam's work in the formation of Erkin Vahidov's work. The fact that this process was formed in the vital and creative harmony of two great poets is explained on the basis of the memories of Erkin Vahidov.

Key words: *creativity, poetry, Gafur Ghulam, philosophical poetry, work, poetics, talent, creative laboratory.*

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби адабиётда ҳам ҳар бир ижодкорнинг “ярқ” этиб кўзга ташлангани асарлари бўлади. У шоир ёки ёзувчи бўлсин, ўша “ярқ” этган асар унинг эл орасида танилишига сабаб бўлиши мумкин. Чўлпоннинг “Тўзал”, Ойбекнинг “Наъматак”, Ғафур Ғуломнинг “Вақт”, Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, Усмон Носирнинг “Юрак” сингари XX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърий тафаккури даражасини белгиловчи шеърлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган асарларидан.

XX асрнинг 60-йилларида Ғафур Ғулом назарига тушган Э. Воҳидов унинг асарларини мутолаа қилиш жараёнидагина улардан таъсирланиб қолмаган, балки улғу шоир ижод қилаётган дақиқаларда унинг ёнида бўлиб, Ғафурона шеърларнинг яратилиш жараёнида ҳам иштирок этишга муваффақ бўлган. Эркин Воҳидов Ғафур Ғуломнинг ижод қилиш жараёнидан, умуман, унинг бадиий олампидан олган таассуротлари ҳақида ўртоқлашар экан, шоирнинг ижод қилиш услубидан лол қолганини айтиб, бундай ёзади:

“Бир куни келганимда шоирнинг газета бунортмаси билан шеър ёзаётгани устидан чиқдим. Ўша катта стол атрофида Шоислом Шомухамедов, яна бир неча одам гурунглашиб ўтиришар, шоир суҳбатга қўшилиб, қутилмаган гаплар билан ҳаммани кулдириб, шунинг орасида шеър ёзар эди. Бундай ижод усули ўша вақтда қандай ҳаёлимга сиғмаган бўлса, ҳозир ҳам ҳеч тасаввур қилолмайман. Шеър ахир танҳоликда, фикру туйғуларни жамлаш, катта бир ички тўлқиндан туғилади-ку! Ғафур ака бўлса, хангома

қилиб ўтирган жойида шеър ёзар эди. Ҳар бир тўртлик битганида ҳамсухбатларига ўқиб берар, уларни қойил қолдириб, ўзи ҳам мактаниб қўярди.

... Эсимдан чикмайди, шеър ёз тўғрисида эди.

*Мис баркаш қайилгудек устидаги юкидан,
Юмалоқ бол мисоли ҳар битта қантак ўрик...*

Шу сўзларни ёзиб, шоир ўтирганларга мурожаат қилди: “Қани ўрик сўзига қофия қиламиз?” Биров “етук” деди... Ғафур Ғулом: “Шошманглар, тилимизда “югурик” деган сўз бор-а? Ҳозир шуни боғлаймиз, деб ручкани қўлига олди. Бир дақиқа ўйланиб турди. Мен бор хаёл кучимни, ёш шууримни ишга солиб, ёз мевалари таърифланиб турган шеърга “югурик” деган сўзнинг боғланишини тасаввур қилолмадим. Шоир бу вақт ичида тўртликнинг иккинчи бандини тугатиб, ўқий бошлади:

*Қуёшда шакарзарра ялтирайди тукидан,
Пишиқчилик кунлари хаёл каби югурик.*

“Қойил”, демай илож йўқ. Шеър битди. Уни русча алифбосига кўчириб ёзишни устоз менга буюрди. Шундай қилиб, 1961 йил июнда яратилган “Ёз боши” шеърини мен оққа кўчирганман” [Воҳидов Э. 1:285-286].

Ушбу хотирадан ҳам аён бўладики, ёш шоир ижодининг дастлабки давридиёқ Ғафур Ғуломнинг шеър ёзиш маданиятини, қофия устида ишлаш маҳоратини кўриб, ҳайратга тушган.

Ғёте котиби Йоханн Петер Эккерман билан суҳбатларидан бирида ижод оламига кириб келиши ва шаклланишида таъсир кўрсатган ижодкорлардан бири ҳақида шундай ёзган: “Менга шеърнинг бадий таъсири ҳақида кўп гапиришар ва буни биринчи ўринга қўйишарди; менга эса ундаги мазмун муҳим бўлиб туюларди. ...Одатда бирорта сермазмун асар менга қаттиқ таъсир қилар ва ҳаяжонга соларди, Теодор Кёрнер (*Наполеонга қарши озодлик учун кураш даври шоири*) шеърлари ҳам шундай таъсир қилди. Поэтик истеъдоди менга ғоятда юксак ва тақлид қилишга муносиб бўлиб туюлди, менда ўзимга ҳам шу нарсани синаб кўрсам, унга ўхшаб нимадир яратиш қўлимдан келармикан, деган фикр туғилди” [Эккерман. Й. П. 5:27].

Ғётенинг бу сўзлари Э.Воҳидовнинг Ғафур Ғулом ижодий лабораторияси билан танишишдан олган таассуротини эслатибгина қолмай, адабий таъсирнинг шундай жараёнлардан бошланишини тасдиқлагандек бўлади.

XX аср ўзбек шеърятига назар ташлаганимизда, ҳар бир даврнинг ўз шеърятини бўлганлигини ва бир давр шеърятини ўзининг ғоявий, бадий хусусиятлари билан бошқа давр шеърятидан ажралиб турганини кўришимиз мумкин. Ғафур Ғулом шеърятини фалсафийлиги, инсонпарварлиги билан ўз даврининг жабр-у жафосини кўрган халқ дардига малҳам бўла оладиган шеърят бўлганлиги билан ажралиб туради.

Эркин Воҳидов устози Ғафур Ғулом билан бўлган илк учрашувини шундай хотирлайди: “1953 йил. Островский номли Пионерлар саройида Ғафур Ғулом келармиш деган хабар тарқалди. Шоирнинг эллик ёшлик юбилейи нишонланиш арафаси эди. Ҳаммада кўтаринки кайфият. Айниқса, биз – адабиёт тўғараги қатнашчиларининг қувончимиз ичимизга сиғмайди. Машинадан оқ жужунча китель-шим кийган Ғафур Ғулом тушиб келди. Кутиб олувчилар билан кўришиб, айниқса, бизнинг тўғарак раҳбари Ғайратий билан алоҳида илиқ сўрашиб ичкарига юрди. Йўл-йўлакай атоқли шоир ҳаммани кулдириб борар эди. Саройнинг очик саҳнасида учрашув бўлди. Ғафур Ғулом шеърлар ўқиди. У бир шеърини мана шундай тугатгани эсимда: “Бу шеърни айтди сизга бобонгиз Ғафур Ғулом” [Воҳидов Э. 2:55].

Ёш шоир қалбига мана шундай самимийлик билан кириб келган Ғафур Ғуломнинг ижод олами унинг бир умрлик йўлдошига айланди. Э. Воҳидовдаги истеъдодни англаган шоир уни ижодий сафарларида ҳамроҳ қилиб олиб юрадиган бўлди, шундай пайтлардаги ижодий суҳбатлари билан ёш шоир шеърларининг янада теранлашишига, ижод оламининг бойишига ўз ҳиссасини қўшди.

“1966 йил, апрель, – деб ёзади Э.Воҳидов устоз билан кечган шундай сафарлардан бирини эслаб. – Тожикистон ёзувчиларининг съезидига Ғафур Ғуломга ҳамроҳ бўлиб

Шоислом Шомухаммедов ва мен борадиган бўлдик. Бу мен учун катта воқеа, улуг устознинг билдирган ишончи ва меҳри белгиси эди...”

Шоир давом этиб ёзади: “Тожикистон Министрлар Советининг боғида беш кун Гафур Гуломнинг ажойиб суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. Совет адабиётининг улкан вакиллари орасида устоз ҳамманинг диққат марказида, суҳбатларнинг жони бўлиб юрди. Классиклардан форсий ва туркий тилларда ёд билган байтлари, латифалари, тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳикоя ва ҳангомалари сира тугамас эди. Москвалик рус ёзувчиларидан бири: “Гафур – туганмас хазина, афсуски, бу гапларни қоғозга туширмайди-да. Дунёни хайратга соладиган гаплар-ку бу”, – дегани эсимда” [Воҳидов Э. 2:59].

Ўз даврининг буюк ижодкори бўлган Гафур Гуломнинг назарига тушиб, унинг ижод булоғидан сув ичган ёш шоир тўғарак қатнашчиси бўлган кезларидаёқ бундай нафис мисраларни битган эди:

*Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?*

*Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан* [Воҳидов Э. 3:7]

Эркин Воҳидовнинг бу шеъри ҳам икки банддан иборат. Шоир бу шеърида ҳам воқеликдан олган таассуротларини қисқа сатрларда, реалистик образлар ёрдамида ифодалашга эришган. Аммо бу шеърнинг аввалгисидан фарқи шундаки, бу шеърда ўғит, панд-насихат зарралари ялтираб туради. Лекин унинг ғояси Э.Воҳидовга хос инсоний фазилатларнинг “байроқдор”и – камтарлик мотиви жаранглаб туради. Шу маънода бу шеърда лирик шеъриятдан кўра фалсафий шеърият унсурлари устивордир. Аниқроқ айтсак, бу шеърдан Э.Воҳидов билан бирга устоз Гафур Гуломнинг ҳам нафаси эшитилиб тургандек бўлади.

Шеърият – инсон туйғуларини, унинг ботиний ва зоҳирий оламини ифода этувчи олам. Гафур Гуломнинг “Вақт” шеърида ҳар бир лаҳза, сония, дақиқа, соатнинг инсон ҳаётида, ҳатто тақдирида муҳим аҳамиятга эга эканлигини юксак маҳорат билан тасвирланган бўлса, шу ҳол ва ҳодиса ёш Э. Воҳидов шеърларида ҳам муайян даражада ўз ифодасини топган:

*Фурсат – олтин
Сен кўкрак кериб
Олтинингни сочиб борасан.
Фурсат қувар,
Унга чап бериб,
Сўроғидан қочиб борасан* [Воҳидов Э. 3:35].

Шоир шу шеърида фурсатни олтинга тенглаштириб, минглаб фурсатлардан иборат инсон умрининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир соати қимматли экани ҳақида, лирик қаҳрамоннинг ўз виждони олдида, ота-онаси, жамоаси олдида, Оллоҳ олдида ҳисоб бериш фурсати келганида мулзам бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ёзган.

Гафур Гулом вақтнинг қадрига етиш ҳақида фикр юритар экан, бу фикр ўқувчининг юрак торларини титратиб юборадиган поэтик образларни, бадиий деталларни топади. Э.Воҳидов устознинг поэтик маҳорати сирларини қанчалик ўрганишга интилмасин, у бошқа адабий авлоднинг вакили, бошқа авлоднинг шоири эди. Шу маънода у аруз вазнида ёзган шеърларида мумтоз файласуф шоирларнинг поэтик мактабидан олган сабоқларини намойиш этса-да, вақтнинг қадрига етиши лозим бўлган ёш авлод учун ёзганида уларга яқин тил ва услубдан, поэтикадан фойдаланмайди. Вақт деган фалсафий категориянинг инсон ва замон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг баҳосиз эканлигини содда, аммо нишонга бориб тегадиган сатрларда ифодалайди:

Сўрар экан фурсат сарҳисоб.

Бенаф ўтган

Ҳаётинг учун

Вақт олдида берурсан жавоб [Воҳидов Э. 3:35].

Таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Ғафуров Эркин Воҳидов ижоди, унинг ноёб истеъдоди, устозларининг шоир ижодининг шаклланишида ўрни ҳақида кўп ва хўп фикрларни билдирган. “Шоирнинг илк машқларига, – деб ёзган у, – Ойбек, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Туроб Тўла сингари адабиёт дарғаларининг назари тушган, унинг шоирлик заковати, ақл-идроқи, фасоҳат туйғуси уларга янги бадиий олам кириб келганидан дарак берган эди. Ўзбек шеърятининг толеи ва анъаналари ишончли қўлларга ўтаётганидан улар мамнуният билдирган эдилар”[Ғафуров И. 4:42]

Ҳар бир инсон камол топар экан, унинг улғайишида, қобилиятини намоён этишида у яшаган тарихий муҳит катта роль ўйнайди.

Ҳар бир ижодкор ўз-ўзидан шоир ёки ёзувчи бўлиб туғилмайди. Унга, устоз ёки устозлардан ташқари, тўғри йўлни кўрсатувчи, ижодий озуқа бера олувчи адабий муҳит ҳам лозим. Э.Воҳидов тақдир тухфаси билан ўзига муносиб устозларни топа олди, ўзининг услубига, сўзига эга бўлди. Унинг шоир сифатида шаклланишида, фалсафий дунёқарашда, XX асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиётига дадил кириб келишида, Ғайратий, Ғафур Ғулом, М.Шайхзода, Миртемир сингари адибларимизнинг ижоди, Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган тадбирлар, матбуотда бўлиб ўтган баҳслар, ижодий сафарлар, декадалар – булар бари адабий муҳит вазифасини бажарди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Воҳидов Эркин. Сайланма. Қалб садокати. 5-жилд: мақолалар, баҳслар, адабий ўйлар. – Тошкент: Шарқ, 2018.
2. Воҳидов Эркин. Шоиру шеър шуур: Адабий эсселар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
3. Воҳидов Эркин. Танланган асарлар – Тошкент: Шарқ, 2019.
4. Ғафуров Иброҳим. Олтин қозик: мансуралар, эсселар, адабий ўйлар, суҳбатлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017.
5. Эккерман. Й. П. Гёте билан гурунглари . – Тошкент: O‘zbekiston, 2016.

Наишга ф.ф.д. Г.Эрназарова тавсия этган

ДАВР ВА ШАҲСИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАЛҚИНИ (Жон Стейнбекнинг “Жавоҳир” мифологик қиссаси мисолида)

Шукурова С.О. (ҚарДУ)

Аннотация. Мақолада Жон Стейнбек ижодининг салмоғини белгилайдиган юксак бадиий яратмаларнинг таъсирчанлиги ва ибрати унинг шахс ва жамият интерпретацияси жараёнларини бадиий ҳаққонийлик контекстида талқин этган “Жавоҳир” мифологик қиссаси ҳақида. Унда оддий инсонлар ва манфаат, нафс дунёсининг ғаламислари ўртасидги конфликт масаласи қаламга олинган. Бу асарда қимматбаҳо марварид - нотенглик, манфаатпарастлик, зўравонлик, бой-камбағаллик, ўлим каби бир қатор жиҳатлар мажози даражасига қўтарилганлиги таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: *рамзийликнинг, мифологик қисса, мажоз, ривоят, нореал ҳаёт, хаёлий-фантастика, қимматбаҳо марварид - нотенглик, манфаатпарастлик, зўравонлик, бой-камбағаллик, ўлим.*

Аннотация. Статья посвящена мифологическому рассказу "Джавахи́р", который интерпретирует процессы интерпретации личности и общества в контексте художественной правдивости, впечатлительности и примера высокохудожественных творений, определяющих соленость творчества Джона Стейнбека. В нем вопрос об общих людях и интересах, конфликт между реальным миром и похотью, обращается к перу. В этой работе анализируется поднятие на образный уровень ряда аспектов, таких как драгоценный камень - нецензурщина, ненормативная лексика, насилие, богатый - бедность, смерть.

Ключевые слова: символизм, мифологическое повествование, метафора, нарратив, нереальная жизнь, фантазия-вымысел, драгоценная жемчужина - нецензурица, ненормативная лексика, насилие, богатый-бедность, смерть.

Annotation. The article deals with the mythological story "Javahir", which interprets the processes of the interpretation of personality and society in the context of artistic truthfulness, the impressionability and example of high artistic creations that determine the salinity of John Steinbeck's work. In it, the question of common people and interests, the conflict between the real world of lust, is drawn to the pen. This work analyzes the rise to the figurative level of a number of aspects such as precious gem - notengness, profanity, violence, rich-poverty, death.

Key words: symbolism, mythological narrative, metaphor, narrative, unreal life, fantasy-fiction, precious pearl - notengness, profanity, violence, rich-poverty, death.

Таниқли рус адабиётшуноси, АҚШ адабиёти бўйича йирик олим Альберт Бельевнинг фикрига кўра, “Жон Стейнбек ўз асарларида, жумладан, романларида улкан ижтимоий давр муаммоларини, айрим адабиётшунослар (масалан, Хоффман каби) айтганларидек, кучли риторика, расмий даъват орқали эмас, балки нотакрор ва мафтункор бадий, поэтик-рамзий кўламда талқин этади. Стейнбекнинг меҳнат аҳиллари изтиробларини, норозилиklarини, бечора ва ғамгин ҳаётларини юксак ачиниш ҳамда дардқашлик билан тасвирлаши жараёнида ижтимоий давр ва шахс масаласи юксак гуманистик пафосда истифода этилгандир”¹.

Дарҳақиқат, Жон Стейнбек ижодининг салмоғини белгилайдиган юксак бадий яратмаларнинг таъсирчанлиги ва ибрати унинг шахс ва жамият интерпретацияси жараёнларини бадий ҳаққонийлик контекстида талқин этганлиги билан ҳам белгиланади. У бунда рамзийликнинг, мажознинг, ривоятнинг, эртақнинг, нореал ҳаётнинг, хаёлий-фантастик усулнинг ранг-баранг поэтик имкониятларидан мукаммал фойдалана олганлиги билан ажралиб туради.

“Жавоҳир” мифологик қиссаси оддий инсонлар ва манфаат, нафс дунёсининг ғаламислари ўртасидги конфликт поэтикасининг нақадар теранлиги билан ажралиб туради.

Кино дунёдаги энг улкан Марваридни тутиб олди. Шаҳардаги кичик идораларда марварид харид қилувчиларнинг ходимлари ўтиришади. Олибсотарлар эса ўз идораларида ўтириб, марваридни унга қачон келтиришларини кутиб ўтиришар, сотувчи бозорга киргани ҳамона бақириб у билан савдолашишга, дўқ қилишга киришиб кетишарди. Бу ҳол марварид изловчи бошқа арзонлаштириб бўлмайдиган баҳога кўнгуна давом этаверади. Ҳа, арзонлаштиришнинг ҳам харидорлар босиб ўтишга ботинолмайдиган ўз чегараси мавжуд эди. Чунки, арзон нарх қўйишганидан ғазабланган изловчи ўз марваридини черковга олиб бориб садақа қилган пайтлари ҳам бўлганди. Савдо тугагач, харидорлар идорада ёлғиз қолишар, жавоҳирлар ўзларига тегишли эмаслигидан афсусланиб, бармоқлари билан марваридни асабий ўйнардилар. Аслини олганда марваридни харид қилувчи бир киши эди, холос. У рақобатга ўхшаб кўринсин учун ўз ходимларини турли идораларга қўйиб қўйганди. Бу ажойиб хабар харид идораларига ҳам етиб келди. Олибсотарларнинг кўзлари олайиб, бармоқларига енгил титроқ кирди. Ҳар қайси марварид харид қилувчи беихтиёр ўз хўжайини мангу яшамаслигини, вақт ўтиши билан унинг ўрнига кимдир ўтириши мумкинлигини хаёл қилди. Уларнинг ҳар бири андак жамғарма бўлса, ўзи мустақил иш юргиза бошлашини тасаввур этди”².

Кино дунёдаги энг катта ва қимматбаҳо марваридни топиб олганлигини эшитган олибсотарлар муҳитининг, ҳатто, черковда гадоларнинг биринчи бўлиб таъмағирлик қилиқлари кўпириб кетади: чунончи, фақат манфаатга, пулга ва фойдапарастликка чўмган ижтимоий муҳит кишиларидан бундан бошқа нарса ёки ижобий муносабат кутиб бўлмайди:

“Хабар ҳаммадан илгари черков остонасидаги гадолар қулоғига етиб келганди. Улар мамнун хахолашиб қўйдилар. Зеро, улар ногоҳ бахт кучган камбағалдан кўра сахийроқ садақа берувчи киши бўлмаслигини яхши билишарди.

¹Бельев А.А. Социальный Американский роман 30-х г.г. и буржуазная критика. – Москва: Высшая школа, 1969, – С. 50.

²Стейнбек Ж. Жавоҳир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 20.

Ёзувчининг ўткир ижтимоий нигоҳи ҳатто черков айвонини ётиб-туриш маконига айлантириб олган гадоларнинг манфаатпарастлик ва текинхўрликдан бошқа нарсани билмайдиган қилғиликларигача пайқашни асар поэтикасининг теранликларидан биридир. Алишер Навоий шаҳарлик олиб-сотарлар оддий одамлардан, меҳнаткаш деҳқонлар ва қосиблардан нарсани алдаб-сулдаб арзон-гаровга олиб, сўнгра қора нафси йўлида ниҳоятда қимматга сотишларини нафратланиб ёзган эди”¹.

Стейнбек фойдапарастлик майдонидан олиб-сотар марваридфурушларнинг олчокчилигини беришга уларнинг “кўзлари олайиб, бармоқларига енгил титроқ кир”ганлиги каби характерли адабий деталь орқали анча теран очиб берган.

Ёзувчи инсон табиатидаги ўзини англамаслик, очкўзлик, манфаатга тобелик, ўзини кучли эканлигини кўз-кўз қилиш сингари майлларни жуда усталлик билан кўрсатиб беради.

Адиб бундай кенг миқёсли манфаатпарастлик муҳитини янада чуқурлаштириб тасвирлайди: “Кинонинг марвариди ўзгаларнинг тушларига кирар, истаклари, мўлжаллари, режалари, мақсадлари, келажак ҳақидаги ўйлари, эҳтиёжлари, талпинишларига даҳл қилар эдики, уларни қондиришнинг ягона йўлида фақат биргина одам, у ҳам бўлса Кино турарди. Қизиғи шунда эдики, негандир ҳамма Кинода ўз рақибини кўра бошлаганди. Ж.Стейнбек марварид можаросини, унинг кўплаб нафс бандалари жонига ўт қалаганини талқинида мифологик-поэтик усулга - кўшиқ оҳанглари руҳига таянади. Бу эса адиб ғоявий ниятларини, фалсафий кўламини янада қуюқлаштириб кўрсатиш имконини берган. Кўшиқ оҳанглари ширин хаёллар, беҳуда кўпирган тотли орзулар, бирданига бойиб кетиш мушоҳадалари билан уйғунлашиб кетади.

Инсон орзулари чегарасиз. Бирининг амалга ошиши билан иккинчиси туғилади. Психологиядан маълумки, ҳаддан ташқари ва имкондан хориж орзуларга берилиш одамни хароб қилади, тўғри йўлдан чалғитади. Ҳаётининг конфликт, қалб драмаси шундай усталлик билан тасвирланадики, унда шундай ижтимоий тип даражасига кўтарилган қаҳрамон бор-бўй баста билан гавдаланади. Жавоҳир – нажот, у халоскор сифатида талқин қилинган, қаҳрамон ўзи учун жавоҳирни орзуларга етиш йўлидаги ягона восита деб билади.

Гап шундаки, дастлаб марварид топилган вақтлар Кино ва Хуана жавоҳир куйидан маст бўлиб, бу олам жаҳонга сиғмасдилар. Ёзувчи шу тариқа куй, ширин хаёл, олий мақсадлар билан боғлиқ рамзий-мифологик поэтикадан ғоят унумли фойдаланиб, ижтимоий-социал муддаолари талқинига эришган.

Музыка, кўшиқ “Жавоҳир” қиссасини бошдан-охир таъминлаб турадиган мажозий-рамзий поэтика воситаси даражасида намоён бўлган. Бу ноёб топилма - катта ва қимматбаҳо марварид туфайли Кино-Хуананинг бечора оиласи бошига тушадиган фожиялар аввало кўшиқ оҳанглари воситасида талқин этилган.

Кинонинг руҳий ҳолати, қувончсиз изтироблари катта нияти билан уйғун. У қўлига катта бойлик қираётган дақиқаларда беихтиёр улкан орзу-умидлар, пок ниятлар оғушига чўмиб қолиши инсоний тақдир тақозосидир. У ниятларининг реаллигига ишонадиам. Аммо, бундай ниятни чеклаб-ку бўлмайди, шу билан бирга, унга тажовуз қилиш, емириб ташлаш эса қийин эмаслигиниям қалбан-руҳан билади. Илоҳий олам, Аллоҳ тақдири кўнглида жилоланиб турган Кино ҳатто худоларнинг тасодиф туфайли туғиладиган орзу-умидларига омадларини хуш кўрмаслигиниям англайди. Чунки, қутилмаганда қўлга қирадиган тасодифий ютуқ ёки омад омонатлигини илоҳий жиҳатдан сезади. Ёзувчи Кинодаги бу нозик ва азиятли ҳис-туйғуни “Ўз орзу-ниятларини ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида у яқка ўзини бутун дунёга қарши муттасил чоғлаб борарди. Унинг кўзлари, ақли хавфни у пайдо бўлишдан анча илгари илғаб олганди.

Жон Стейнбек бадиий маҳоратининг жозибаси унинг ҳар бир оддий буюмдан ҳам мажозийлик поэтикаси сифатида фойдалана олади. Ва маъно-моҳиятни очишда рамз ва мажоз яқиндан ёрдам беради.

Умуман олганда, шахс ва давр, инсон маънавий-руҳий оламининг талқинида Стейнбек учун рамзийлик ва мажозийлик муҳит поэтик усул саналади.

¹Қаранг: Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: АСН, 1978, – Б. 49.

Маълумки, бадий ижод ва фалсафа эгизак тушунчалар каби бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдирадиган соҳалар ҳисобланади. Бадий асарлар ҳаёт ва яшаш, инсоний маънавият, турмуш ва одамизот қарама-қарши ҳодисалари фалсафасини акс эттиради. Ўз навбатида, бадий асарларда тасвиру талкин этилган воқеа-ҳодисалар, оқ-қора, яхши-ёмон, эзгулик-ёвузлик, мардлик-номардлик, олийжаноблик-пастлик сингари қарама-қарши ғоялар, ҳодисалар тизими философия учун, фалсафий тадқиқотлар ва хулосалар учун асосий манба ва таянч хазинасидир.

Давр ва шахсият ўртасидаги муносабатлар талқинида рамзийлик ва мажозийлик усули жозибadorлик, таъсирчанлик ва поэтик теранлик асосларидан биридир. Ж.Стейнбекда бу кўпроқ мифологик моделдан фойдаланиш тарзида кўзга ташланади (“Нафрат учқуни”, “Ғам-ташвишларимиз”, “Олтин жом” романлари), “Жавохир” кассаси эса ривоят-қисса моделида яратилган. Бу асарда қимматбаҳо марварид - нотенглик, манфаатпарастлик, зўравонлик, бой-камбағаллик, ўлим каби бир қатор жиҳатлар мажози даражасига кўтарилган.

АҚШ адабиёти намоёндаларининг дунёвий машҳурлиги уларнинг ўз асарларида фалсафий ғояларни юксак поэтик жозибadorликда талкин этишлари билан ҳам боғлиқ. Америка адабиётидан ўзбекчага таржима бўлган ва кенг китобхонлар эътиборига сазовор бўлган “Том Сойернинг саргузаштлари” (М.Твен), “Том тоғанинг кулбаси” (Г.Бичер-Стоу), “Чингачук- илон” (Ж.Ф.Купер), “Америка фожиаси” (Т.Драйзер), “Чол ва денгиз” (Э.Хемингуэй), “Мартин Иден” (Жек Лондон), “Жавохир” (Ж.Стейнбек) каби ўнлаб романлар ва кассалар фалсафий-ижтимоий ғоялар устуворлиги билан муҳим яратмалардир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бельев А.А. Социальный Американский роман 30-х г.г. и буржуазная критика. – Москва: Высшая школа, 1969, – С. 50.
2. Давронова Ш.Ф. Истиклол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғarb анъаналарининг бадий синтези. Филол. фан. бўйича фалс. докт. дисс. автореф. – Бухоро, 2019, – 40 б.
3. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши: Филол. фан. докт. (DSc)... дисс. – Тошкент, 2017. – 250 б.
4. Стейнбек Ж. Жавохир. – Тошкент: Маънавият, 2000.

Наширға проф. Д.Тўраев тавсия этган

70–80-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР ВА ЛИРИК ТАФАККУР МУНОСАБАТИ

Умарова Н. (КарДУ)

Аннотация. Мақолада XX асрнинг 70-80-йилларида ўзбек шеъриятида ахлоқий-эстетик қарашларнинг лирик сатҳда акс этиши масаласига эътибор қаратилиб, Ш.Раҳмон, М.Абдулҳаким, Х.Даврон, А.Кутбиддин каби шоирларнинг мавзуга доир шеърлари таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: янги ўзбек шеърияти, ахлоқий-эстетик қарашлар, лирик тафаккур, ижтимоий онг, умумбашарий муаммолар, поэтик талқин, миллий руҳият, лиропоэтик, бадий-эстетик идеал, метафора, рамз.

Аннотация. В данной статье уделяется внимание вопросу отражения нравственно-эстетических воззрений в узбекской поэзии 70-х и 80-х годов XX века, а также стихотворениях таких поэтов, как Ш. Рахман, М. Абдулхаким, Х. Даврона, А. Кутбиддина.

Ключевые слова: Новая узбекская поэзия, нравственно-эстетические взгляды, лирическое мышление, общественное сознание, общечеловеческие проблемы, поэтическая интерпретация, национальная психика, лирика, художественно-эстетический идеал, метафора, символ.

Annotation: In this article, attention is paid to the issue of the lyrical reflection of moral and aesthetic views in Uzbek poetry in the 70s and 80s of the 20th century, and the poems of such poets as Sh. Rahman, M. Abdulhakim, Kh. Davron, A. Kutbidin are analyzed.

Keywords: New Uzbek poetry, moral-aesthetic views, lyrical thinking, social consciousness, universal problems, poetic interpretation, national psyche, lyric poetry, artistic-aesthetic ideal, metaphor, symbol.

XX асрнинг 70-80-йиллари шеърятти деганда биз Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Матназар Абдулҳаким, Мирзо Кенжабек, Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф, Сулаймон Раҳмон, Асқар Маҳкам, Эшқобил Шукур, Чори Аваз, Сирожиддин Сайид, Зулфия Мўминова, Равшан Файз, Фароғат Камолова, Ҳалима Аҳмедова, Фаҳриёр каби қатор истеъдодли шоирлар ижодини тушунамиз. Бу давр шеърятининг ўзига хос томони шундаки, уларда 50–60-йиллар авлодига нисбатан дунё янгиликларини кенгроқ ҳис этиш, миллат аҳволини ўзга халқлар билан солиштириш, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби салафлар ижодидан нисбатан кўпроқ хабардорлик, жаҳон шеърятти тажрибаларини англаш ва улардан таъсирланиш оҳанглари кўпроқ сезилади. 60-йиллар авлоди шоирлари ижодидаги нисбий эркинлик, 70-йиллар сўнггидаги Афғон уруши воқеалари, 80-йиллар ўрталаридан бошлаб кўзга ташланган ижтимоий онгдаги ўзгаришлар бу давр шеъряттига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. 70-йиллар авлоди шоирлари имконлари қадар умумиттифоқ ва умумбашарий муаммоларни миллий воқелик призмасида англашга, поэтик талқин қилишга уриндилар.

Бу давр шеърятининг ўзига хос тимсоли, истеъдодли юрак шоири, замон қоронгулиги ичра илк кўз очиб, “зулматда яшаётган эканмиз-ку!” дея ҳайқирган шоирларимиздан бири Шавкат Раҳмон ҳақидаги куйидаги эътироф ҳам юқоридаги фикримизни тўла-тўқис қўллади: “Шавкат Раҳмон, биринчи навбатда, миллий ҳодиса эди. Аммо унинг миллийлиги умуминсонийлигини инкор этмайгина қолмай, аксинча, такозо қиларди...”¹ Шоирнинг:

*Йўлдир бу, нафсининг ботқоғи эмас,
Қиличнинг дамидай чақнаган йўлдир.
Бу йўлга юзингни буришдан аввал,
Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир...²*

деган машҳур сатрлариданок миллий руҳиятнинг бу давр шоирлари ижодига келиб, янги бир босқичга чиққанини кўришимиз мумкин. Шоир метафорик маъно юклаган “бу йўл” моҳиятида аждодлар муттасил ва оғишмай ҳаракатланган имон ва миллият йўлига ишора бор. Миллат бошқаларга тобе бўлар экан, бу йўлнинг улуғлигини унутди. Хоинга айланади. Бу йўлга қайтишнинг шарти эса ўша хоинни, ботиндаги тобелик, кўркүв, мунофиқлик туйғуларини ўлдиришдир. Зотан, “қиличнинг дамидек чақнаган” бу йўл хоинлар юрадиган йўл эмас ва у ҳеч қачон йўқолмайди, миллат юрагида яшайди.

Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов Ш.Раҳмоннинг:

*Зулфиқор руҳ керак,
Керак чин ёғду,
Чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин...*

деган оловли сатрларини таҳлил этар экан, шундай салмоқли хулосани илгари суради: “Зулфиқор” сўзи кескир, ўткир маъноларини ифодалайди. Бу сўз миллат тарихи, аждодлар эътиқоди билан боғлиқ чуқур мазмунни ўзида мужассам этади. Шавкат Раҳмон зулфиқор руҳ, чин ёғду ва чин ишқ ёлқинлари миллатнинг, унга мансуб ҳар бир шахснинг ҳаётий аъмолига айланишини орзу қилди. Моҳиятан, бу орзу ижодкорнинг бадиий-эстетик идеалини, ҳаётий аъмолини белгилайди”³.

Шу авлод шоирларидан Матназар Абдулҳакимнинг куйидаги сатрларида ҳам миллий маънавият, шўролар даврида йўқотилаётган кадриятлар сирли услубда, рамзларга ўраб айтилади:

*Билмадим, айланди неча бир фасл,
Неча бир асрлар шамолдек елди.
Мен кўнгилма-кўнгил, наслма-насл,
Сени излаб ўтмиши қаъридан келдим.*

Ва бир жуфт ғазалга илтижо айлаб,

*Топиб олдим азал ва абад ичра.
Биласан ким сени кетганин жойлаб,
Қорачиқларимдан қилмайсан ҳижрат...⁴*

¹ Йўлдошев Қ. Очқич сўз. Тошкент: Тафаккур нашриёти, 2019. – Б. 230.

² Раҳмон Ш. Абодият оралаб. –Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2012. – Б.293

³ Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2015. – Б. 145.

⁴ Абдулҳаким М. Танланган асарлар. –Биринчи жилд. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2017. – Б. 3.

Шоир асрлар қаъридан излаган, ниҳоят топган ва топиб келгач мурожаат қилаётган бу нарса нима? Нега шоир мурожаат қилаётган нарсасини “бир жуфт ғазалга илтижо айлаб” азалу абад ичра топиб олди? Шеърнинг сири, маънонинг яширин ифодаланиши, ундаги лиропоэтик юкнинг залвори ҳам айнан шу – биз каби ўқувчиларда туғдираётган саволида. Шоир шеърнинг давомида “дийдоринг бўлмаса ҳаётим барбод”, деб ёзади. Бундан маълум бўладики, мурожаат қилинаётган мавҳум адресатнинг номи ишқдир. Чунки одамзот ҳамма нарсасиз яшаши мумкин. Аммо ишқсиз умрнинг маъно-мартабасига путур етади. М.Абдулҳаким ўз замони ичида ўтмишдан келиб излаган бу ишқ шунчаки биз тушунадиган маънодаги дунёвий ишқ эмас. У ҳазрат Навоийлар, Машраблар талпинган, том маънода миллий этикамиз асосига айланган Яратганга, Ватанга бўлган ишқдир. Шунинг учун бу шеър “Дийдор” деб номланади ва яқин тарихда хиралашган, авлодлар томонидан унутилаётган ишқ билан дийдорлашаётган авлод вакили томонидан васф этилади.

Яна бир шеърида Х.Даврон Т. Қосимбековнинг “Синган қилич” китобига битик” романи сарлавҳасидан ўткир ижтимоий мазмундаги, миллий кадриятларни, ор-номусни ифода этадиган метафора ясайди:

*Тундан қўрқма!
Тунни ич!
Ва мағрур боқ саҳарга.
Синган бўлса гар қилич,
Айланур у ханжарга¹.*

“Тун”, ўз-ўзидан англашилиб турибдики, шоирни жангчига айлантирган мустамлака даври рамзи. Бу сўзга контраст тарзида қўлланган “саҳар” сўзида эса истиқлол, эрк ва озодликка умид лирик ифодасини топган. Чиндан ҳам тун зулмати – шўролар мустамлакаси остида миллатнинг жанговарлик руҳи маҳв бўлган, яъни қиличи синган. Аммо ҳақиқий жангчи жангда қиличи синса, синган қилич билан ҳам жанг қилаверади. Жангчи шоир шуни таъкидламоқда. Гарчи қиличлар синдирилган, тузум томонидан Амир Темурлар, Жалолиддин Мангубердилар ёди миллат хотирасидан ўчириб ташлашга жаҳд қилинган бўлса-да, бу тарихий хотирани асло йўқотиб бўлмаслигини образли йўсинда таъкидламоқда.

70–80-йиллар авлоди шоирлари бадиий-этик концепциялари Абдували Қутбиддин шеърятининг ҳам асосини ташкил этади. Шоир ўзининг илк ижодидаёқ айна концепция учқунларини намоён эта бошлаган, йирик адабиётшунослар томонидан эътироф этилган эди. Шоирнинг “Ўзбеклар” шеъри миллий этикамизнинг жонлантирилган замонавий картинасидир десак хато бўлмайди. Ҳолбуки, унга қадар ҳам миллатимиз ҳақида кўп шеърлар ёзилган. Ҳикоялар, қисса ва романлар битилган. Агар бошқа бадиий асарларда миллат, ўзбек феноменининг муайян ёки бирон қирраси акс этирилган бўлса, А.Қутбиддин шеъри бу жиҳатдан жудаям бой дейиш мумкин. Шунингдек, бу шеърларда ҳайбарақаллачилик, маҳдудлик, юзакилик сезилмайди. Шоир шеърнинг бошидан охиригача холислик тамойилидан чекинмайди.

*Ўзбеклар Худони танирлар, танирлар,
Юракни танирлар, кўнгилни танирлар.
Кўзлари чуғурчиқ кўзидан жовли –
Дўстни биларлару душманни билмаслар².*

Шеър ўзбекка хос мана шу фазилатларни васфлаш билан бошланади. Яъни ўзбекнинг бош фазилати Худони таниши, деб билади шоир. Ўз-ўзидан Худони таниган миллат кўнгилни англайди, унинг Каъбадан ҳам азизроқ эканини эсдан чиқармайди. Дунёдаги маҳлуқот ичида энг кўзи ўткири чуғурчиқ экан. Шоир ўзбекнинг ботин кўзини шунга ўхшатади. Аммо шунчалар ўткиркўз бўлган миллат нега дўстни танийди-ю, душманга келганда “билмас”га айланади. Бизнингча, шоир бу билан ўзбекка киноя

¹ <https://kh-davron.uz/ijod/sherlar/xurshid-davron-sherlar.html>

² Қутбиддин А. Бор. Шеърлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 123.

қилмоқчи эмас, ўзбек ҳеч кимсадан кир –ёмонлик қидирмайди демоқчи, холос. Зотан, шеърнинг бирон сатрида киноявийлик сезилмайди. Ҳар бир одам ўзи хурматлаган объектига нисбатан киноя қила олмаганидек, шеърнинг бошидан сўнгги сатригача шоирнинг миллатга бўлган меҳри, ишончи, ҳурмати балқиб туради. Давом этиб, ўзбекнинг дастурхон ёйиши, нон қадрини билиши, ёнишни билиши-ю ўйишни билмаслиги, ўлишни билиши-ю сўйишни билмаслиги ҳақида гап кетади. Мазкур иккинчи банддаги ёнади, аммо ўймайди, ўлади, аммо ўлдирмайди деган истиорани ҳам тўғри тушунишимиз лозим. Шоирга кўра, ўзбекнинг ёниши эзгулик, тараккий ҳақидаги ёниш. Бу олов қайноқ, аммо қуйдирмайди. Ўзбек ҳақиқат учун ўлиши мумкин, аммо ўлдирмайди. Чунки эзгулик уйи ўликлар билан эмас, тириклар билан қурилади. Кейинги бандларда ўзбекона этиканинг белгилари шу қадар кенг ва деталлаб берилганки, уларни алоҳида пунктлардан кўрсатмайдиган бўлсак, таҳлилнинг ўзи бир фаслга кенгайиб кетиши мумкин. Хуллас, бу халқ: 1) ҳисобдан адашса ҳам, елкасига қарғалар кўнишса ҳам, бировнинг ҳаққига хиёнат қилишдан қўрқади; 2) ўзбек етимнинг оғзини қон қилмайди, аксинча, бошини силайди, қилмаган ишини қилдим деб “бекорга ногора қоқмайди; 3) у тупрокни севади, буғдой экар экан, Худодан ёмғир сўрайди, эккан уруғим униб-ўссин дея қуёшни кутади, деҳқончилиги бўлмай қолганда мададни одамданмас, Оллоҳдан сўрайди; 4) ўзбек инсонни шарафлаб яшайди, ҳаётни ҳиммат деб билади, фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди, муруватни аввал оиласидан, белга қувват бўлар умиди билан боласидан бошлайди; 5) ўзбек меҳрни ўта баланд тутаяди, дийдорларни кўмсаб яшайди, меҳмон келганида боши устига қўяди, бекорчилик (қиш)ни эмас, ҳалол меҳнат (бахор)ни суяди, ҳурлик ва истиклолни туйган онларидан бошлаб, унинг қатъий ҳимоячисига айланади; 6) ўзбек иблис ҳийласига учишдан қўрқади, ўзгалар учун тобут эмас, бешик ясашни яхши кўради, ўтганлар ёдини муқаддас сақлайди ва тўй қилса топганини бировларга едириб шодланади; 7) ўзбек халқи нозик лутф ва унга муносиб кулгини, латиф қўшиқларни айтиш ва ундан завқ туйишни, дўст орттириб, дўст дийдоридан қувонишни маслақ деб ҳисоблайди; 8) айна пайтда бу халқ Абдували Қутбиддин каби шоирларини тушунади, бошига кўтариб қадрлайди ва ўз маслагидан сира ҳам чекинмайди. Кўринадики, шеър ўзбек халқи жонли турмуш тарзи билан чамбарчас боғланиб кетган. Ундаги ҳар бир сатр ҳаётини асосга эга. Шу жиҳати билан ушбу “Ўзбеклар” шеърини миллатимизнинг янги асрда шаклланган этикаси, маънавий дунёсининг ўзига хос тасвири дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йўлдошев Қ. Очкич сўз. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 230.
2. Раҳмон Ш. Абадият оралаб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
3. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ. – 2015
4. Абдулҳаким М. Танланган асарлар. Биринчи жилд. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2017
5. Қутбиддин А. Бор. Шеърлар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.

Наширга ф.ф.д Н.Шодмонов тавсия этган

АМИР ТЕМУР ОБРАЗИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАГИ ТАЛҚИНЛАРИ

Жумаев Э. Б. (ҚарДУ академик лицейи)

Аннотация. Мазкур илмий мақолада Темур ўзининг қисқа ҳаёти давомида бир неча умрлар қила олмайдиган ишларни бошқарганлиги, бу ишда қуруғи билан баробар ҳўли ҳам ёнгани, айрим адолатсизликка йўл қўйилганлиги, бироқ Темур ишларининг якуни –улуғ, у Турон салтанатини яратганлигининг мумтоз адабиётда талқин этилиши ҳақида сўз боради

Таянч сўзлар: *драматизм, афсонавий шахс, ренессанс, тазкира, тафаккур, эл-улус, эпопея, ихтилоф.*

Аннотация. В данной научной статье рассказывается о том, что за свою недолгую жизнь Темур успел сделать то, что не удавалось сделать за несколько жизней, что он сгорел в этой работе

до нитки, были допущены некоторые несправедливости, но конец труда Темура велик, он создал Туранское царство, которое интерпретируется в классической литературе

Ключевые слова: *драматизм, легендарная личность, ренессанс, размышление, мысль, нация, эпос, разлад.*

Annotation. This scientific article talks about the fact that during his short life, Temur managed things that could not be done by several lifetimes, that he was burned both wet and dry in this work, some injustices were allowed, but the end of Temur's work is great, he created the Turanian kingdom, and it is interpreted in classical literature

Keywords: *drama, legendary figure, renaissance, reflection, thought, nation, epic, discord.*

Машхур тарихий шахсларнинг ҳаёти, фаолияти бадий адабиётга кўчиши табиий. Негаки уларнинг шахсияти бой, ҳаёти зиддиятларга тўла, драматизм кучли, бахт ва бахтсизлик қоришиқ, мақсад юксак, ҳаракат фавқуллодда кучли ва ҳайратланарли. Дунё харитасини ўзгартириб юборган соҳибқирон Амир Темур ҳам ана шундай афсонавий шахслардан бири.

Сўз, модомики, бадий адабиёт ҳақида борар экан, бадий адабиёт Амир Темурнинг давлат сиёсати туфайли туркий тилда ривожлана бошлаганлигини қайд этиш лозим.

Темур ўзининг қисқа ҳаёти давомида бир неча умрлар қила олмайдиган ишларни бошқарди. Бу ишда қуруғи билан баробар ҳўли ҳам ёнгани, айрим адолатсизликка йўл қўйилгани ҳам табиий. Бироқ Темур ишларининг якуни –улуғ. У Турон салтанатини яратди. Тарикдай сочилган таркоқ миллат ва халқларни бирлаштирди. Оврўпо тили билан айтганда, “Ренессанс” деб аталадиган мислсиз маданият конини барпо қилди¹[126-б]

Тўхтамишхон буйруғига кўра Олтин Ўрдага олиб кетилган Камол Хўжандий ҳаётида Амир Темурнинг роли катта, у 1395 йилда Тўхтамишхон енгилгач, ўз ватани Табризга қайтишига имкон беради. Бу ҳақда форс адабиёти дарғаларидан бир Камол Хўжандий шундай ёзади:

Камол он дамки, хоҳи дид бо ёрон карим худо,

Бигў: – Ин давлат аз юмни шаҳи Соҳибқирон дидам².

Шоирнинг Мироншоҳ билан ёзишмалар олиб борганлиги ҳам манбаларда учрайди.

Амир Темур Шерозни фатҳ этганида Хофиз Шерозий билан бўлган учрашуви да айтилган “Агар он турки Шерози...” ғазали эл орасида машхур, бу воқеа тафсилоти ҳам кенг тарқалган.

Ҳазрат Навоий Амир Темурнинг бадий сўзга, наср ва назмга иштиёқмандлиги, жуда кўп шеър ёд билишини қайд этиб, “Амир Темур шеърда жуда катта ижтимоий-фалсафий, ахлоқий маъно, нафосатни кўрган, сезган ва ундан бутун умри давомида фойдаланган, унинг завқи билан яшаган. Амир Темур ҳаётининг энг қийин дамларида шеър унга мураккаб масалаларни осон ечишга ёрдам берган”³. Ишора қилинаётган воқеа Мироншоҳнинг уч надими билан маишат ва ичкиликка берилиши билан боғлиқ. Ўлимга ҳукм қилинган Хожа Абдулқодир қўлга тушганида Қуръон ўқиб, соҳибқироннинг қаҳридан қутулиб қолади, ҳатто Амир Темурнинг марҳаматига ноил бўлади. Навоий бу воқеани бутун мураккаблиги ва драматизми билан баён қилар экан, Амир Темурнинг қаҳри ва меҳри ёнма-ёнлигини ишонарли тасвирлаган. Улуғ шоирнинг Амир Темур томонидан айтилган мисра ҳақидаги фикри диққатга сазовор: “Идрок ва фаҳм аҳли билурларким, йиллар балки қарнларда мундоқ латиф сўз воқе бўлмас”⁴

Ҳазрат Навоий Амир Темурда мавжуд фазилатларни Хусайн Бойқарода кўради: “То олам аҳли билгайларким,, Султон Соҳибқиронгаким, мажолисда пайдар-пай хўб абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур, – дағи маврусийдурким, нисбати ул жадди бузругвор

¹ Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 124.

² Камол Хўжандий. Девон. – Т., 1962. – Б. 271.

³ Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ НМАК, 2006. – Б. 182.

⁴ Навоий Алишер. Асарлар. 12-жилд. – Т., 1966. – Б. 168-169.

Амир (Темур)ға тузатурким, ул бирининг макони равзаи жинон ва бири бу жаҳон мулкида жовидон бўлсун!”¹

Навоий ҳаёти ва фаолияти темурийлар билан чамбарчас боғлиқ, бу ҳақда Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарларида атрофлича маълумотлар берилган. Умаршайх Мирзо билан боғлиқ кўкалдошлик ва ўртадаги яқинлик хусусида “Бадойиъ ул-бидоя”нинг “Дебоча”сида ўқиймиз:

Отам бу остонанинг хокбези,

*Онам ҳам бу саро бўстон канизи*²

Соқийнома (луғавий маъноси сув улашувчи, руҳий озуқа берувчи, хат)– лириканинг ҳажм жиҳатидан катта, ўзига хос композицион қурилишга эга, бир неча банддан ташкил топган жанри. Маснавий шаклида қофияланади ва қатъий вазнда, яъни мутақориб баҳрида ёзилади, ҳамда ҳар бир банд соқийга мурожат билан бошланади. Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган “Соқий, тут қадаҳи шоҳона...” мисраси билан бошланувчи соқийномаси 32 банддан иборат.

Шоир султон Ҳусайн Бойқарони огоҳликка даъват этар экан, ўзи айтмоқчи бўлган асосий фикрдан олдин тарихдан қатор мисоллар келтиради. Дунё ўткинчи, умр ва бойлик эса бевафо, яратилган инсон зоти борки, йўқликка маҳкумлигини таъкидлаб, Каюмарс, Ҳушанг, Жамшид, Фаридун, Искандар, Ашконий, Рустам, Сом, Яздижурд Баҳром, Чингизхон, Ўқтой сингари оламини зир титратган зотлар қаро ер бағрига йўл олишди. Навоий фикрни эҳтиёткорлик билан ўз ғоявий мақсади томон буради ва султоннинг бобоси Амир Темурни эслатади.

Қани Темур –шаҳи исломпаноҳ

Ки, жаҳон олди, чекиб хайли сипоҳ.

Жадду або санга авлоди қани,

*Ога -ини санга аҳфоди қани.*³

Навоий шу орқали Ҳусайн Бойқарога Яратганни ёддан чиқармасликка, адолатли ва инсофли бўлишга ундайди. Улуғ шоир ўзининг яқин дўсти бўлган подшоҳнинг худди бобоси сингари эл-улус учун ғамхўр ва фидойи бўлишини истайди ва бунга астойдил интилади. Соҳибқирон Амир Темурнинг эслатилиш бежиз эмас, албатта. Ҳусайн Бойқаро қалбида ўз бобосига нисбатан чуқур эҳтиром ва ҳурмат, ихлос ва муҳаббат борлигини шоир яхши билади.

Ҳазрат Навоийнинг “Мажолис ун нафоис” тазкирасининг еттинчи ва саккизинчи мажлислари бевосита Амир Темур ва темурийларга бағишланган бўлиб, бу бежиз эмас. Буюк мутафаккир бутун ҳаёти ушбу сулола вакиллари билан бевосита боғлиқ. Навоийнинг Амир Темурга ва темурийлар хонадонига бўлган ҳурмати ниҳоятда чексиз.

“Мулуқ шажараларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони жаҳонгир соҳибқирон, яъни Темур Кўрагон” ҳақида еттинчи мажлиснинг бошланишида: “агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқубдирларким, анингдек, бир байт ўқигани минг яхши байт айтқонча бор”⁴

Маълумки, ҳазрат Навоий ниҳоятда тўғрисиўз, ёлғонни жуда ёмон кўрадиган “мижози нозук” ижодкор бўлган. Унинг Амир Темур ҳақидаги фикрлари ҳам ҳақиқатга мос бўлиб, жаҳонгирнинг мардлиги, тантилиги ва шунинг баробарида шариятга хилоф, одоб-ахлоққа зид амалларга қарши кескин чора кўрганлиги, гуноҳкорларни қилмишига яраша жазога тортгани маълум. Бу йўлда у ҳеч кимни, ҳатто ўз фарзандларини аяб ўтирмаган. Мироншоҳ Табризда ҳукмронлик қилган пайтида ихтиёри ўзида эди ва у майхўрлик берилади, ҳатто бошқаларнинг қизи, келинига ҳам дахл қилишгача бориб етади. Унинг майхўрликка берилганини эшитган Амир Темур уни бу йўлга бошлаган уч надимини зудлик билан ҳузурига келтиришларини буюради. Айбдорларни қатл эттиради, аммо

¹ Бобурнома. – Т., 1960. – Б. 169.

² Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. Фавойид ул-кибар. – Т., Фан, 1990. – Б. 472-473.

³ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. Фавойид ул-кибар. Ўша жойда.

⁴ Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. 12-том. – Т., 1966, – Б. 168.

улардан бири Хожа Абдуқодир қочиб кетади ва ўзини девоналикка солиб, кўча –кўйда изғиб юради. Орадан вақт ўтиб, Ироққа юриш пайтида қўлга тушган Хожа Абдуқодир Қуръони каримни чиройли қироат қилганлиги туфайли муқаррар ўлим жазосидан қутилиб қолади. Навоий буни “Ул ҳазратнинг ғзаби лутфқа мубаддал бўлди”, дея изоҳлайди. Бу воқеа худди шу тарзда Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб-ал мақдур фи тарихи Тиймур”асарида ва ҳазрат Навоийнинг “Мажолис ун нафоис” тазкирасида ҳам бор. “Улуғ салатнат” эпопеясида ёзувчи ушбу воқеани Мироншоҳнинг шахсиятини очиб беришда жуда ўринли келтирган.¹

Шеърятимиз бошидаги тож бўлган “Хамса” адабиётимизнинг кўрки ва фахри. У инсон руҳини юксакликка кўтарадиган, ақл-тафаккур дунёсини янада бойитадиган, олам ва одамнинг моҳиятини англашда дастуриламал бўладиган, инсонни кўҳна тарих ва ўз ўтмишига, бугунига, келажагига теран назар ташлашга мажбур қиладиган маърифий-ирфоний манба. “Хамса”да келтирилган ривоят, афсона, турли даврларда бўлиб ўтган тарихий воқеа-ҳодисалар ва яшаган машҳур тарихий шахсларга оид маълумотлар китобхонни ўзлигини таниш, ҳаётда яхши ном қолдириш учун нималарга амал қилиш кераклигини англашида муҳим аҳамият касб этадиган маънавий хазина.

Илк дoston “Ҳайрат ул аброр”нинг саккизинчи мақолотида вафо ҳақида сўз юритилади. “Икки вафоли ёр” ҳикоятида Ҳиндни фатҳ тган соҳибқирон билан боғлиқ бир воқеа келтирилган, унда ўлимга ҳукм қилинган икки севишган жаллодга аввал мени ўлдир, ўлимни талашадилар. Улар шу тариқа севгилисининг бир лаҳза бўлса-да кўпроқ яшашини исташади. Бу хабарни эшитган Амир Темур уларнинг садоқат, меҳр, вафодорлигига қойил қилиб, ҳам икки севишганга, ҳам улусга омонлик беради.²

“Садди Искандарий” достонида шу ҳикоятнинг бироз бошқача талқини берилган. Достоннинг йигима тўртинчи бобида мухолофат мазаммати хусусида фикр юритилиб, салтанат эгалари ўртасидаги ўзаро нифок, келишмовчилик мамлакатга вайронагарчикка, фуқароларни балоларга гирифторм этши баён қилинган:

*Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур.
Не тўфон, бало баҳри чайқалғони,
Жаҳон аҳли сув остида қолғони...
Не тўфон, бедоду селови ғам,
Эрур ончаким даҳр элига алам.³*

Ҳазрат Навоий шундан сўнг Чингизхон ва Хоразмшоҳ ўртасидаги жанг ҳақида тўхталади, ғолиб чиққан Чингизхон аҳолини қатли ом қилишни буюради. Душманлар кўлига туган икки бечора рафиқ: “Ки аввал менинг бошимга тиғ сур, Чу мен ўлдум ул дам анинг бўйнин ур!”,- ялинади. Шу ҳодиса юз бераётган пайтда Чингизхоннинг тушига бир-бирига вафодор икки ҳабиб кириб, хонга мурожат қиладди: “Сенга кийнавор бўлса Хоразшоҳ, Ул иштин жаҳон аҳли не гуноҳ?” Уйқудан уйғонган шоҳ ўзи ва Хоразмшоҳ орасидаги низо туфайли бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилаётгани ҳақида ўйлайди ва элга омонлик беради. Навоий Амир Темурни мақтайди, аммо Чингизхонни эътироф этса-да, у ҳақида бирор яхши фикр билдирмайди, жим қолишни маъқул топади. Бунинг сабаби Чингизхон қўл остидаги мўғул лашкарларининг шафқатсизлиги, зулмкорлиги билан боғлиқлигида бўлса керак. Амир Темур образининг вафо, Чингизхонни ихтилоф тўғрисидаги ҳикоят учун танланишида ҳам шунга таянилган.

“Садди Искандарий” достонидаги бош қаҳрамоннинг йиғма образ эканлигига асосланиб, адабиётшунос Ғ.Муродов буни қуйидагича изоҳлайди: “Маълумки, Чингизхон Александр македонский, Қезарь, Напалдеон каби ҳарбий салоҳияти зўр, қатта жангларда зафар қозонишга ўрганган улкан саркарда эди. Шунинг учун Алишер Навоий Чингизхон шахси ҳақида гап кетганда маълум маънодаги эҳтиромни сақлайди, атоқли фотиҳни

¹ Али Муҳаммад. Улуғ салтанат. 4-китоб. – Т.

² Навоий Алишер. Садди Искандарий. – Т., 1991, – Б. 135-136.

³ Навоий Алишер. Садди Искандарий. – Т., 1991, – Б. 135-136.

“қахрамон” деб атайди. Шу билан бирга, мўғул кўшинларига хос бўлган омонсизлик ва бағритошлик туфайли шоир Чингизхон урушлари ҳақида бирор-бир ижобий фикр айтишдан ҳам сақланади. Бинобарин, вафо ҳақида гап кетганда Амир Темур, ихтилоф хусусида мулоҳазалар асносида Чингизхон ҳақидаги ривоятнинг берилиши бежиз эмас”¹

Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшан ул асрор” достонида келтирилган ҳикоятларнинг бирида кўзланган мақсадни амалга ошириш учун жидду жаҳд қилиш лозимлиги, сабр, матонат, жасорат ва журъат билан энг қийин муаммони ҳам бартараф этиш мумкинлиги тўғрисида фикр юритилади. Ҳикоятнинг қисқача мазмунига кўра, Амир Темур жангларнинг бирида яраланади, бир кўли ва оёғи мажолсиш, ҳаракртантиролмаиди. У кимдир келиб ёрдам беришини кутиб турганида, бўксаси эзилган, оёғи йўқ чумолининг юкорига тирмашаётганини кўриб қолади. Чумоли ҳар сафар пастга қулар, лекин барибир қайта-қайта тепага интиларди, ва ниҳоят мақсадига эришади. Бундан бағоят таъсирланган Амир Темур қийналиб бўлса-да одамлар бор жойга йўл олади. Орадан йиллар ўтиб жаҳонгирга айланади. Ҳайдар Хоразмий ҳикоятни Амир Темурни мадҳ этиш ва тинчлик ўрнатганини олқишлаш билан якунлайди:

*Тутти жаҳон мулқатини якқалам,
Урди етти кишвар ичинда алам.
Тинди анинг даврида рўйи замин,
Бўлди бир элу бир улус Руму Чин.*

Хожа Исматулло Бухорий Амир Темурнинг вафоти муносабати билан туркий тилда марсия ёзганлиги тўғрисида Салоҳиддин Тошкандийнинг “Темурнома” асарида маълумот берилган.

*Буз чодиринг, фалакким, Султон ўлди гойиб,
Тун ичра эрди чун моҳи тобон бўлди гойиб.
Ёруқ жаҳон қуёши, ислом элини боши,
Дин эрди кўп талоши, даййон ўлди гойиб
Нўшгиравондек одил, ҳам олм эрди, фозил.,
Ҳар ишга ақли комил, фарзон ўлди гойиб...²*

Шоир Амир Темурни “гайратда мисли арслон, баҳра наҳангу саъбон, шуъжобон” деб сифатлайди ва идеал подшоҳ даражасига кўтаради.

Алишер Навоий “Мажолис ун нафоис” тазкирасида Лутфийнинг Амир Темур ҳақида дoston ёзганлиги ва унда Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сига асосланганлигини қайд этади. Аммо, бу асар ҳозирга қадар топилганича йўқ.

Хирот адабий муҳитидаги шоирлардан бири Абдуллоҳ Ҳотифий форс тилида “Хамса” яратишга азм қилади. “Лайли ва Мажнун”, “Ширин ва Хисрав”, “Ҳафт манзар” ёзади. Бу даврда Жомий ва Навоий ҳам “Хамса” ёзаётган эди. “Мажолис ун нафоис” тазкирасида Ҳотифийнинг “Шеъри эл орасида бағоят машҳур”лиги, айниқса, жанг манзараларни тасвирлашда ўзига хослиги, юксак маҳоратга эга эканлиги қайд этилган.

Ҳотифий хамсачилик анъанасига кўра Искандар ҳақида ёзилиши керак бўлган дostonга бироз бошқача йўл тутди, бунинг сабабини эса қуйидагича изоғлайди: “Мен рўзгор саҳифасида Искандардан қолган бирорта ёдгорликни кўрмадим. Дўстларим менга Искандар ҳақида афсона сўзлагандан кўра, ҳақиқий ғалабалар ҳақидаги “Зафарнома”ни назм ипига тизишни маслаҳат беришди”. Хуллас, у Искандар ҳақида ёзишдан кўра Темур соҳибқирон тўғрисида дoston битишни маъқул кўради.

Шоир “Ширин ва Хисрав” дostonини Алишер Навоийга, “Темурнома”ни Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаганидан кўриш мумкинки, у ҳазрат Навоийни ҳам шоир сифатида, ҳам ҳазрат Жомийнинг муҳиби сифатида яқиндан билган. Чунки Ҳотифий Абдурахмон Жомийнинг жияни эди, қолаверса, Навоийдек бағрикенг зот “Хамса” ёзишга куч топа олган замондошини танимаслиги мумкин эмас.

¹ Муродов Ғ. Амир Темур абадияти. – Т.: Фан. 1994. – Б. 10.

² Темурнома. – Б. 327.

Бирламчи манбаларга таяниб ёзилган, қарийб ўн икки минг мисрадан иборат мазкур дoston нафақат бадиий асар сифатида, балки муҳим тарихий манба сифатида ҳам қимматли ва муҳим аҳамиятга эга.

Дostonда соҳибқироннинг авлодлари туркий эканлиги таъкидланган. Шоирнинг бу масалага эътибор қаратиши айрим манбаларда соҳибқироннинг мўғулларга тиқиштирилиши билан боғлиқ бўлса керак.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги келишмовчилик, жангда Амир Ҳусайннинг енгилиши ва Амир Темурнинг тахтга ўтириши, адолатли ҳукмдор сифатида давлатни бошқариши тасвирланган. Айниқса, соҳибқироннинг ҳарбий юришлари, жанг лавҳаларига кенг ўрин ажратилган. Амир Темурнинг Хоразмга қилган юришлари, валиахд Жаҳонгир Мирзонинг Хоразм маликасига уйланиши, Хуросон, Эроннинг фатҳ этилиши, Дашти Қипчоққа қилинган юриш ва Тўхтамишхон билан тўқнашувлар, турк султони Боязид Йилдирим бўлган муҳораба ва унинг асир олинishi сингари воқеалар жангнома дostonларга хос жўшқин, шиддаткор, юракни тўлқинлантирадиган оҳангларда баён қилинган.

Дostonда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг ўзаро уйғунлик касб этиши туфайли воқелик китобхон кўз ўнгида кечаётгандек туюлади, ишонарли ва самимий, иштиёқ ва илҳом билан ёзилган дoston ўқувчи қалбини тўлқинлантиради. Амир Темурнинг ҳар қандай мкуаммони тинчлик йўли билан ҳаракат қилиши Тўхтамишхон ва Боязид Йилдирим бўлган муносабатларда аксини топган. Соҳибқироннинг уларни адлу инсофга чақириб, ўзаро келишув-сулҳ ундаб мактуб ёзиши орқали Амир Темурнинг доно, закий, тинчликпарвар, элу юрт осойишталигини биринчи ўринга қўядиган ҳукмдор эканлиги кўрсатилган. Асирга тушган Боязидга шохон иззат-икром кўрсатилишида эса Соҳибқирон Амир Темурга хос бағрикенглик, оқиллик, узоқни кўзлаб иш юритиш, сиёсий вазиятни чуқур тушунадиган мулоҳазакорлик каби олийжаноб хислатлар намоён бўлади.

Дoston Амир Темурнинг вафоти берилган бобдан кейинги хотима билан якунланади. Хотимада шоир Фирдавсий Эрон шоҳлари, ҳамсанавис шоирлар Искандар Зулқарнайн ҳақида ёзишган бўлса, ўзининг подоҳлар ичида энг улуғи тўғрисида дoston битганидан фахрланади, ўзидан ифтихор қилади.

Таъкидлаш керакки, Амир Темур шахсияти ва фаолияти ҳақида Фарбда ҳам жуда кўп асарлар яратилган. 1370-1455 йилларда яшаб, ижод қилган италиялик ёзувчи Бертрано Мигнанелли, Жан Франческо Брачолли (1380-1459), франкуз мутафаккири Жак Бодэн (1530-1590), ўрта асрлар адабиёти намоёндалари П.Мехиа, П.Перандинуслар соҳибқирон тўғрисида асарлар яратишган. Гёте (1749-1832) ижодида ҳам Амир Темур ҳақидаги шеърлар мавжуд.

Амир Темур киёфасини ўзига хос талқин қилган инглиз шоири, Шекспирнинг замондоши Кристофор Марлонинг 1587-1588 йилларда ёзилган “Буюк Темурланг” трагедияси 1590 йилдаёқ нашр қилиниши, Европада соҳибқирон шахсининг машҳур бўлганлигидан далолат беради. Трагедияда Амир Темур шахси ва фаолияти эркин талқин қилинган ва афсонавий қаҳрамон Соҳибқироннинг туркларнинг қудратли армиясини мағлубиятга учратиши, бу ғалаба Константинополнинг босиб олинishi ярим асрга кечиктиргани, Европа халқларини таҳлика ва қўрқувга солган уруш хавфи бартараф бўлгани зўр ҳаяжон билан кўрсатилган.

Трагедия ўн пардадан иборат, икки қисмга бўлинган, воқалар турли мамлакатларда бўлиб ўтади, ўнлаб персонажлар қатнашади. Асарда, айниқса “иккинчи қисмида муаллиф тўқимаси кўпроқ ўрин эгаллаган”.¹

Бу асар заҳматқаш ва фидойи ижодкор Маъруф Жалил томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Адабиётшунос Ҳ.Кароматов “Кристофер Марлонинг “Соҳибқирон Темур” фожиаси манбалари, аслияти ва ўзбекча ўғирмаси” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган.

Русияда ҳам К.Марлонинг трагедиясининг қайта ишланган варианты асосида “Темурланг ва Боязид тўғрисида” ёки “Темурланг ёшлиги” деб номланган пьеса сахналаштирилган.

Хофиз Абуру, Шаҳобуддин Абдуллох ибн Лутфиллох ибн Абдулла Рашид ал-Ҳавофий (1361/62, Ҳирот - 1430, Занжон) – тарихчи ва географ. Амир Темур ва Шохрух саройларида

¹ Парфенев А. Кристофер Марло // К.Марло. Сочинения. – М., 1961. – С. 615.

тарихнавис бўлган. Тарихий ва тарихий-географик асарлар («Зайли Зафарномаи Шомий», «Зайли Жомий ут-таворих», «Тарихи Ҳофизи Абрӯ», «Мажмуа ат-таворихи султоиния», «Зубдат ут-таворихи Бойсунқурий») муаллифи. «Зайли Зафарномаи Шомий» асари Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сига илова бўлиб, асардаги тарихий воқеалар баённи 1405 йилгача давом эттирган. 1423-27 йилларда ёзилган «Мажмуа» («Тўплам») асари Шохруҳ салтанати тарихини 1417 йилги воқеалар билан тугатади¹.

Хусайн Жовид (тахаллуси; асл номи Хусайн Расизода) (1884.24.10, Нахичеван -1944) Озарбайжон шоири, драматург. Озарбайжон романтизмнинг йирик вакили ва асосчиларидан бири. Истанбул университетида ўқиган (1905–09). «Ўтган кунлар» (1913), «Баҳор шабнамлари» (1917) шеърӣ тўпламлари ва «Шайдо» драмаси (1917)да халқнинг адолатсизлик, зулмга қарши исёни акс этган. «Она» (1910), «Марал» (1912), «Шайх Санъон» (1912-1914) драмаларида ва «Иблис» трагедияси (1918)да гуманизм ва инсонпарварлик гоёлари илгари сурилган. «Пайғамбар» (1922), «Тўпол Темур» (1926), «Князь» (1929), «Сиёвуш» (1933), «Хайём» (1936). «Иблиснипг интикоми» (1936) каби тарихий ва фалсафӣ драмалар ёзган. «Марал», «Иблис», «Шайх Санъон», «Тўпол Темур» 20-йилларда Хуршид томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ёзувчи Максуд Қориевнинг ижодида тарихий ўтмиш мавзуи ус-туворлик қилади: «Спитамен», (1985), «Ибн Сино» (1995), «Ғазнавийлар» каби тарихий романлар; «Ибн Синонинг болалиги» (2002) қиссаси, «Юлдузларда эди хаёли», «Осиё гўзали», «Тожмахал» ва Амир Темур ҳақидаги ҳикояларини ёзганлиги маълум.

Умуман олганда, Амир Темурнинг вафотидан кейин у ҳақида нафақат бадиий асар, балки опера, миниатюра, портрет, ҳайкал, илмий тадқиқот яратишда янги босқич бошланди. Ҳозирги кунга қадар бу улуг зот ҳақида адабиёт ва санъат соҳасида янги асарлар яратилмоқда, илмий-тарихий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шўро даври ўзбек адабиётида Фитрат, Қодирий, М.Шайхзода, О.Ёқубов, П.Қодиров ва бошқа ёзувчилар ижодида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ лавҳалар мавжуд.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Амир Темур сиймоси барча даврлар ўзбек адабиётида ижодкорлар учун эрк, озодлик, адолат, куч-қудрат, миллат тимсоли бўлиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кўшжонов М. Мели С. Абдулла Орипов. – Т.: Маънавият, 2000. – 124 б.
2. Камол Хўжандий. Девон. – Т., 1962. – 271 б.
3. Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ НМАК, 2006. – 182 б.
4. Навоий Алишер. Асарлар. 12-жилд. – Т., 1966. – Б. 168-169.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1988. – 368 б.
6. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990. – 476 б.

Нашрга проф. Д.Тўраев тавсия этган

О ДВУАЗЫЧИИ ЖАНРОВ ЦЕРКОВНОСЛАВЯНСКОГО СТИЛЯ РУССКОГО ЯЗЫКА

Шукурова З.Б. (КарГУ)

Аннотация. В данной статье рассматривается проблема диглоссии жанров церковнославянского стиля русского языка и пути решения этих проблем с помощью изучения их истории. В последнее время собственно церковнославянский текст любого жанра воспринимается ныне русским языковым сознанием как нечто отличное от собственно русского текста (художественного, публицистического или научного).

Ключевые слова: *диглоссия (двуязычие), разновидность жанров, подстиль, контрастивность, церковнославянизмы.*

Аннотация. Ушбу мақолада рус тилининг черков славян услубидаги жанрларнинг диглоссияси муаммоси ва уларнинг тарихини ўрганиш орқали ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўриб

¹ Ўз МЭ. 11-том. – Б. 382.

чикилади. Сўнги пайтларда ҳар қандай жанрнинг тегишли черков славян матни энди рус лингвистик онги томонидан тўғри рус матнидан (бадий, журналистик ёки илмий) фарқли нарса сифатида қабул қилинади.

Таянч сўзлар: *диглоссия (икки тиллик), жанрларнинг хилма-хиллиги, суб-услуб, контраст, черков славянизмлари.*

Annotation. This article deals with the problem of diglossia of genres in the Church Slavonic style of the Russian language and ways to solve these problems by studying their history. Recently, the proper Church Slavonic text of any genre is now perceived by the Russian linguistic consciousness as something different from the proper Russian text (fiction, journalistic or scientific).

Key words: *diglossia (bilingualism), variety of genres, sub-style, contrast, Church Slavonicisms.*

В последнее время тщательно начали исследовать жанровую своеобразность церковнославянского стиля, как разновидность других стилей русского языка. Церковнославянский стиль русского языка сформировался вместе с иными функциональными разновидностями языка в процессе трансформации церковнославяно-русской диглоссии, однако этот стиль, по известным причинам, был изучен в минувшем столетии менее других. Устранение идеологических запретов привело к значительной активизации общения в религиозной сфере, к появлению новых дискурсивных практик, что вызвало и новые тенденции развития этого стиля, к изменениям в его жанровой системе. Вследствие этого значительно возрос на рубеже веков исследовательский интерес к религиозному стилю, и число публикаций, посвященных различным его аспектам, увеличилось многократно. Тем не менее в данном разделе функциональной стилистики остается еще немало нерешенных проблем, в том числе относящихся к ее теоретическим основам. Анализ текстов церковно-религиозного дискурса выявляет их общность с текстами других функциональных стилей, но даже такие пограничные в жанрово-стилевом отношении тексты обладают свойствами, не позволяющими относить их к «подстилям» или к «разновидностям» других стилей.

Функциональные стили выделяются по некоторым языковым и речевым особенностям относящихся к ним жанров, причем генезис этих особенностей связывается с экстралингвистическими факторами – со спецификой «форм общественного сознания, социальных отношений, видов производственной и др. деятельности» [1: 567]. «Рассматривая веру и религию в качестве экстралингвистической основы этого стиля, мы должны интерпретировать их с позиций не атеистического, а религиозного сознания, так как именно последнее воплощается в религиозных текстах, определяя их стилевые черты» [2: 412–413]. Эти основания детерминируют конструктивный принцип церковно-религиозного стиля – «особую содержательно-смысловую и собственно речевую организацию текстов, назначение которой состоит в содействии единению человеческой души с Богом». По мнению В. А. Салимовского, «этот принцип реализуется комплексом специфических стилевых черт, важнейшими из которых являются: архаически-возвышенная тональность речи; ... символизация фактов и событий невидимого мира...; ориентированная на религиозные ценности оценочность; модальность несомненности, достоверности сообщаемого» [3: 414–415].

Итак, вернемся к проблеме диглоссии религиозного стиля современного русского языка. Полностью соглашаясь с трактовкой языковой ситуации в русском православии (в церковно-религиозной общественной деятельности) как функционального двуязычия (диглоссии), не можем всецело согласиться с аналогичной интерпретацией религиозного стиля. Нам она представляется не вполне отвечающей законам строгой логики, ибо функциональный стиль – это «разновидность литературного языка, в которой язык выступает в той или иной социально значимой сфере общественно-речевой практики людей и особенности которой обусловлены особенностями общения в данной сфере» [3: 567]. Мы либо осмысливаем церковнославянский язык как высший стиль русского языка (славяно-русского, точнее), что применительно к современной языковой ситуации не оправданно, либо утверждаем, что в религиозной сфере коммуникации используются два языка – по-видимому, не распадающийся на стили (хоть и обладающий множеством речевых жанров) церковнославянский язык и церковнославянский стиль (с несколькими подстилями) русского языка. Причем двуязычие религиозного дискурса должно расцениваться не как

контрастивное (с тенденцией вытеснения церковнославянского языка), а как дополнительно распределенное (без угрозы существованию церковнославянского языка). Если бы, например, в русском православии в литургической сфере использовался греческий язык, а в проповеднической деятельности – русский язык, можно было бы говорить о двуязычии религиозной коммуникации (как это было в средневековой Европе, где, однако, латинский язык безраздельно господствовал не только в богослужении, но и в книжной сфере в целом), но можно ли было бы тогда утверждать, что имеется соответствующий религиозный стиль, так сказать, грекорусского языка? Можно согласиться с обозначением «двуязычный дискурс», но выражение «двуязычный стиль» представляется все же сомнительным.

Завершая обсуждение проблемы языковой ситуации в современном религиозном дискурсе, вернемся к одному из главных вопросов истории русского литературного языка – сохраняется ли ситуация неявной диглоссии в современной русской лингвокультуре? На наш взгляд, отрицательный ответ на это вопрос не очевиден. Если разделять взгляды на генезис русского литературного языка, сформулированные А. А. Шахматовым и его последователями, то вполне логичным (даже единственно возможным) следует считать вывод о том, что ситуация неявной диглоссии не только имела, но и продолжает иметь место в России: если книжные стили русского языка генетически связаны со старославянским языком, то разговорная речь (т.н. литературный разговорный язык, городское просторечие и диалекты) представляют восточнославянскую языковую стихию. Как подчеркивает Б. О. Унбегаун, «главной и в сущности единственно серьезной проблемой русского литературного языка, в его прошлом и в его настоящем, является соотношение в нем русской и церковнославянской стихий. Эта специфическая проблематика русского литературного языка, которой он отличается от всех остальных славянских языков» [9: 329]. Параллельно решению этой проблемы и в тесной связи с ней должен быть освещен вопрос о том, как менялось в нашей культуре отношение к церковнославянскому языку (в системе координат «свое – иноязычное») в разные периоды развития русского литературного языка, что и позволит правильно осмыслить природу славяно-русской диглоссии. По мнению Б. А. Успенского, «в процессе исторического развития на разных этапах эволюции оба понятия – “церковнославянское” и “русское” – существенно меняли свое содержание; тем не менее сама оппозиция церковнославянского и русского оставалась и на каждом этапе отчетливо осознавалась коллективным языковым сознанием» [8: 3]. Это суждение нуждается в конкретизации. Несомненно, собственно церковнославянский текст любого жанра воспринимается ныне русским языковым сознанием как нечто отличное от собственно русского текста (художественного, публицистического или научного). Но, во-первых, отличия эти, надо думать, лежат не в плоскости «родной» – «иноземный» или «русский» – «инославянский», а в дихотомии «светское», «мирское» – «церковное», «православное» (что и предопределило, по Н. С. Трубецкому, исключительное место церковнославянского языка в судьбах русского книжно-письменного языка [25: 135]). Во-вторых, то, что в книжных стилях «светского» русского языка несомненно имеет церковнославянское происхождение, «коллективным языковым сознанием» отнюдь не воспринимается ныне, не расценивается как церковное или «архаично-славянское». Больше того, как церковные маркированы лишь те церковнославянизмы, которые проникли в обиходно разговорный язык, например: отче, Боже, Господи (как молитвенные вокативы, а не междометия), мать пресвятая Богородица, ангел, храм, пасха, рождество, поститься, благословить и др. Подчеркнем еще раз, что «признание симбиоза двух языков в религиозной сфере» [2: 51] не должно интерпретироваться как двуязычие стили.

Список использованной литературы

1. Крылова О. А. Ситуация билингвизма в сфере церковно-религиозной общественной деятельности в современной России // Система. Норма. Стиль. К 75-летию академика РАН, академика МАН ПО, д-ра филол. наук, проф. О. А. Крыловой: сб. ст. – М.: РУДН, 2012. – С. 305–313.
2. Ицкович Т. В. Жанровая система религиозного стиля на коммуникативно-прагматическом и категориально-текстовом основаниях: дис. ... д-ра филол. наук. – Екатеринбург, 2016. – 387 с.
3. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Сов. энцикл., 1990. – 685 с.

4. Кожина М. Н., Дускаева Л. Р., Салимовский В. А. Стилистика русского языка: учебник. – М.: Флинта; Наука, 2008. – 464 с.
5. Худякова Е. С. Социальная обусловленность системы жанров и жанровой компетенции в церковнорелигиозной сфере (на примере текстов Русской Православной Церкви и Украинской Православной Церкви Московского Патриархата): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2009. – 19 с.
6. Стилистический энциклопедический словарь русского языка / под ред. М. Н. Кожинной. 2-е изд., стереотип. – М.: Флинта; Наука, 2011. – 696 с.
7. Толстой Н. И. Церковнославянский и русский: их соотношение и симбиоз // Вопросы языкознания, 2002, – № 1. – С. 81–90.
8. Мишланов В. А., Салимовский В. А. Современный церковно-религиозный дискурс в аспекте проблем судебной лингвистики // Вестн. Перм. ун-та. Российская и зарубежная филология. 2015. Вып. 2(30). – С. 84–96.
9. Полный православный богословский энциклопедический словарь: в 2 т. Т. I. Репринт. изд. – М.: Возрождение, 1992. – 1120 с.

Рекомендовано к печати доц. Ё.Хамраевой

МЕДИАЛИНГВИСТИКА: НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ЯЗЫКА СМИ

Хайдарова Г. (КарГУ)

Аннотация. Современное СМИ сегодня не просто средство массовой коммуникации. В эпоху глобализации СМИ значительно расширяет свои границы, становясь настоящим социальным явлением культуры, имеющим массовое влияние на общество.

Ключевые слова: *СМИ, медиалингвистика, глобализация, языковые особенности, ментальность, речеупотребление, интернет, массмедиа, медиатекст.*

Annotation. Modern media today is not just a means of mass communication. In the era of globalization, the media significantly expands its boundaries, becoming a real social cultural phenomenon that has a massive impact on society.

Key words: *media, media linguistics, globalization, linguistic features, mentality, speech usage, Internet, mass media, media text.*

Аннотация. Мақолада бугунги кунда замонавий оммавий ахборот воситалари шунчаки оммавий алоқа воситаси эмас, балки глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари ўз чегараларини сезиларли даражада кенгайтириб, жамиятга оммавий таъсир кўрсатадиган хақиқий ижтимоий маданият ходисага айланаётганлиги борасидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўзлар: *медиа, медиа лингвистика, глобаллашув, лингвистик хусусиятлар, менталитет, нутқдан фойдаланиш, Интернет, оммавий ахборот воситалари, медиа матн.*

По мере роста потребностей современного информационного общества вопрос об изучении языка средств массовой информации, способного влиять на разум личности и общества в целом, стал достаточно обоснованным и актуальным. Данный процесс был обусловлен тем, что в конце XX века общество было на пике своего роста и развития, разрабатывая все более новые и прогрессивные приспособления в области информационных технологий. До последнего времени функционирование языка в сфере массмедиа изучалось представителями разных направлений языкознания: социалингвистики, психолингвистики, когнитивной лингвистики и т.д., но на сегодняшний день существуют все предпосылки для того, чтобы объединить все исследования языка СМИ в формате одной дисциплины – медиалингвистики. Непосредственно сам термин «медиалингвистика» в своей структуре содержит два базовых компонента – медиа (масс-медиа) и лингвистика. Объектом исследования новой дисциплины стал семиотически сложный текст. Предметом, в свою очередь, является изучение функционирования языков в сфере массовой коммуникации, а текст характеризуется как медиа-текст. Исходя из этого, становится очевидным, что медиалингвистика занимается комплексным исследованием определенной сферы

речепотребления – языка СМИ. В наиболее полном виде концепция медиатекста-впервые была сформулирована в исследованиях Т.Г. Добросклонской, где медиатекст представлен многомерной совокупностью значимых лингвистических и экстралингвистических компонентов. Т.Г. Добросклонская обозначает способ производства текста, форму создания, форму воспроизведения, канал распространения, функционально-жанровый тип текста, тематическую доминанту или принадлежность к тому или иному устойчивому медиапоток. Начиная со второй половины XX века, рост средств массовой информации идёт в геометрической прогрессии: стремительное увеличение объёма традиционных СМИ – печати, радио, телевидения сопровождается постоянным совершенствованием информационных технологий, развитие всемирной компьютерной сети Интернет способствует формированию глобального информационного пространства. Социальная значимость этих процессов настолько велика, что послужила основанием, как отмечает И.С. Мелюхин, для выдвижения концепции информационного общества, в рамках которой современный этап общественного развития рассматривается как принципиально новый, характеризующийся всепроникающим воздействием информационных и телекоммуникационных технологий во все сферы общественной жизни [5]. По утверждению Т.Г. Добросклонской, огромное воздействие социально-информационные процессы оказывают и на функционирование языка. Массовая коммуникация стала сегодня одной из самых интенсивных сфер речепотребления. Совокупный объём текстов, распространяемых по каналам СМИ, неуклонно растёт, что в свою очередь способствует возрастанию интереса к этой бурно развивающейся сфере речепотребления и со стороны академической науки.

Сегодня, в век цифровых коммуникаций и технологий, мы просто не можем представить свою жизнь без телевидения и всемирной сети. И если Интернет-всемирная паутина, основная задача которой связывать пользователей компьютеров между собой для обмена различной информацией, то современное телевидение – не просто средство массовой коммуникации, но и проекция культурного сообщества.

Обсуждая об основных особенностях использования языка в средствах массовой информации, исследователи и лингвисты сходятся в том, что влияние массовой коммуникации на современное речепотребление огромно. Этот вопрос требует тщательного изучения. В последние годы все больше растет количество исследований, посвященных анализу особенностей средств массовой информации, а также изучению различных типов медиатекстов-новостей, аналитики, публицистики, рекламы. В Узбекистане в условиях глобализации современного информационного пространства национальное телевидение приобретает иные масштабы, динамику и развитие, при этом сохраняя собственные ментальные оттенки, оригинальность и специфику. «Речь-один из видов коммуникативной деятельности человека. Под речью понимают как «процесс говорения» (речевую деятельность, речевой акт), так и его результат (речевые произведения, фиксируемые памятью или письмом)». В Узбекистане телевизионное вещание осуществляется на двух основных языках: узбекском и русском. На отдельных телерадиоканалах выходят в эфир программы на английском, каракалпакском, корейском, казахском и других языках международного и межнационального общения. Но практическое большинство населения свободно владеет государственным языком, то есть узбекским, и русским языками. По словам В.Ю. Розенцвейга, «под двуязычием обычно понимается владение двумя языками и регулярное переключение с одного на другой в зависимости от ситуации общения». Билингвальность эфиров помогает охватить все слои населения, донести информацию до всех и каждого. Как известно, знание других языков значительно обогащает не только словарный запас, но и увеличивает коммуникацию с окружающим миром, а также понимание ментальности других народов, способствуя тем самым межкультурному диалогу. «Телевидение требует стиля точного, строгого, глубокого и языка одновременно каждодневного и высеченного в мраморе». И если телеречь ведущего информационных программ характеризуется скупостью, краткостью и лаконичностью, применением аббревиатур и сокращений, дефицитом вводных слов, то это

само собой будет считаться нарушением определенной нормы. Несомненно, современная телевизионная речь подвержена изменениям, иностранным заимствованиям, демократизации, деформации, связанной с глобализацией. Тем не менее речь в устах узбекских ведущих имеет свои особенности и, в первую очередь, ментальные. По утверждению авторов одного из интернет-сайтов, «ментальность, менталитет - стереотипы и образ мышления. Менталитет - также мировоззренческая матрица, картина мира в сознании человека и его вписанность в эту картину. Это норма представления мира вокруг себя и себя в нём». Действительно, менталитет узбекского народа имеет глубинную природу, которая зиждется на идущих издревле традициях и обрядах. Из чего следует, что рассматривать речь журналиста лишь с лингвистической точки зрения, будет указывать на узость и однобокость подхода к изучению такого явления, как журналистская речь.

В последнее время под термином «средства массовой информации» понимались только телевидение, газеты и радио. Сегодня Интернет обогнал эти три концепции. В Интернет размещают сотни разных газет, радио и телевизионных каналов, получивших таким образом доступ к глобальной аудитории. Развитие интернет- технологий привело к дальнейшему совершенствованию языка СМИ как средство информационно-психологического воздействия.

Каждый из перечисленных СМИ имеет свои особенности, сильные и слабые стороны. Специфика печати, выражающей свое содержание через письменное слово, заключена, прежде всего, в большей, чем на радио и телевидении, аналитичности текстов. Сам процесс чтения предполагает высокую степень абстрактности мышления, активную работу воображения, интеллектуальное напряжение. Основные преимущества радио связаны с его большей, по сравнению с телевидением, оперативностью и доступностью и практически безграничным распространением, а также с технической простотой и дешевизной производственного процесса.

Средства массовой информации играют большую роль в жизни каждого человека. Они «апеллируют к личности в совокупности ее социальных ролей – как к гражданину, и семьянину, представителю социума в целом и жителю конкретного района. Содержание средств массовой информации охватывает все стороны связей человека с обществом и его подсистемами, все области общественных отношений, в которые включена личность»

Использованная литература

1. Алекберова. А. Понятие и система телевизионных жанров // Современная филология: материалы Междунар. науч. конф. (г. Уфа, апрель 2011 г.). – Уфа: Лето, 2011.
2. Дондурей Д.Б. Почему я не смотрю телевизор // Искусство кино, 2011. – № 2.
3. Добросклонская, Т.Г. Что такое медиатекст? // Вести Моск. гос. унв-та. 19-сер. 2004. – С. 9-17.

Рекомендовано к печати доц. Ё.Хамраевой

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий
журналида мақола чоп этиш учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда сўнггида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт.
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши шарт.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ҳамда электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@umail.uz электрон почта ёки +998-97-385-33-73 телеграм номери орқали жўнатилади.
12. “ҚарДУ хабарлари” илмий ахборотномасини тўлиқ матнини www.xabarlar.qarshidu.uz веб-саҳифаси ёки @Qardu_xabarlarі телеграм манзили орқали юклаб олиш мумкин
13. Қўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.
14. Қўшимча ахборотларни +998-99-056-33-14 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071

Теришга 05.12.2022 йилда берилди.
Босишга 23.12.2022 йилда рухсат этилди.
28.12.2022 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 20,25.
Буюртма рақами: № 250.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.